

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЖУРНАЛ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚУМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ЎЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МАЎНАВИЯТ ВА
МАЎРИФАТ
КЕНГАШИ

МУНДАРИЖА

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

ПЕРСИ БИШИ ШЕЛЛИ. Чорлар эрк туғи мудом	3
А. ВОЗНЕСЕНСКИЙ. Роз айтайлик жўровоз	49

НАСР

ПОЛ ГЕЛЛИКА. Томасина. Роман	8
ИРВИН ШОУ. Тунги дарбон. Роман	52

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

ТОҲИР КАРИМ. Бир қўшиқ тарихи	101
-------------------------------------	-----

ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

А. НЕСТЕРОВ. Исёнлар сарвари	104
Т.Э. ЛОУРЕНС. Шарқдаги ўзгаришлар	118

ПУБЛИЦИСТИКА

В. КРИСТОЛ. Шалом, Исроил!	129
----------------------------------	-----

АДАБИЙ ТАНҚИД

М. ШАРАФИДДИНОВА. Набоков тилсимоти	152
---	-----

Декабр '99

МАШҲУР ШАРҚШУНОСЛАР

АСАД АСИЛ. “Чирогим, мен — Сидқийман!..” 160.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

А. САИДОВ, А. ЖУРЖОНИЙ. Қуёш Шарқдан чиқади 164

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

Т. ЛОБСАҢГ РАМПА. Учинчи кўз 170

1999 йилда “Жаҳон адабиёти”да эълон қилинган асарлар

Бош муҳаррир: **Озод Шарафиддинов**

Таҳрир ҳайъати: **Неъмат Аминов, Муҳаммадали Аҳмедов, Шароф Бошбеков, Жамолиддин Бўронов, Эркин Воҳидов, Одил Ёқубов, Неъматулла Иброҳимов, Мурод Муҳаммад Дўст, Мирпўлат Мирзо** (Бош муҳаррир муовини), **Абдулла Орипов, Абдуҳамид Пардаев** (масъул котиб), **Жавлон Умарбеков, Шоир Усмонхўжаев, Рустам Шогуломов, Саидбек Ҳасанов.**

Жаҳон адабиёти, 12. 1999

ИНДЕКС 828,829

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасида рўйхатга олинган, № 172.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир **Н. ЖўРАЕВА**

Рассом **М. КАРПУЗАС**

Техник муҳаррир **М. НИЗОМОВА**

Мусаҳҳиҳ **Т. ОРИПОВА**

Теришга берилди 17.01.2000 й. Босишга рухсат этилди 01.03.2000 й. Бичими 70×108^{1/16}.
Газет қоғози. Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.
Жами 1700 нусха. К-7618 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг “Ўзбекистон” нашриётида
компьютерда терилиб, ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.
Тошкент — 700129. Навоий кўчаси, 30.

© Жаҳон адабиёти, 1999 й.

Перси Биши ШЕЛЛИ

Чорлар эрк туғи мудом

ИРЛАНДИЯЛИК ҚЎШИҒИ

Юлдузлар-да сўнар, ҳатто нур-зиё,
Сингиб йўқолгандир тунга зим-зиё.
Қасрлар, тоғ-тош ҳам йитгандир бироқ —
Ажалдан-да, Эрин, сен қудратлироқ.

Қаранг-эй, хароба, вайрондир бари,
Боболар масканин ютган ер қаъри.
Фанимлар қиларкан юртни қонга фарқ,
Ботирлар гафлатда ётарлар бефарқ.

Надоматлар бўлгай, янграб хуш наво,
Минг алам, минг дардга бўлмагай даво.
Авжига чиқар боз уруш даҳшати,
Қирғинбарот, урҳо-урлар ваҳшати.

Қайдасиз, жўмардлар, о, наҳот беҳол,
Жангу жадал ичра топдингиз завол:
Ёхуд этагингиз юлқиб довуллар,
“Ал-қасос!” “Ал-қасос!” дея увиллар!

ТАБИАТ ГУЛТОЖИ

На бахт иқбол ва на шон-шуҳрат,
На куч-қувват кучмас ҳеч қачон,
Шафқат билмас соҳиби қудрат —
Банди этган муте оломон.

Завол топар ғариб, ғамбода,
Ҳамдард бўлмас бирон мард, эсиз.
На қувонч бор, на май, на бода,
Соя янглиғ йитгайлар изсиз.

*Абдуҳамид
ПАРДАЕВ
таржималари*

Перси Биши Шелли (1792—1822)нинг номи инглиз шеър-иятида буюк Байрон ва Жон Китс билан бир қаторда туради. У оташин лирик шеърлар билан бирга “Қиролича Мэб”, “Ислом исёни” каби дostonлар, “Халос этилган Прометей” драматик дostonини ҳам ёзган.

Шелли қисқа, бироқ сермахсул умри давомида фалсафий асарлар ҳам яратган.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Шармандали мутелик, қуллик,
Бу не тўда, бу қандай авом?
Инсон қадри эмас бир пуллик,

Буюк ахир инсон деган ном,
Гултожи ки жумла-жаҳоннинг —
Бахти қулгай ҳар бир инсоннинг!

ОЗОДЛИК ҲИМОЯЧИЛАРИГА МАДҲИЯ

Қани, олға ташланинг дадил,
Зодагонлар айлаган абгор —
Аҳли улус, жанг қилган одил —
Шаҳидларнинг руҳи мададкор!
Бунда қанча бегуноҳ ётар,
Оч ўлим боз кимларни ютар!

Фафлатдан бас, уйғонинг, ётар,
Соҳиб ва қул азал-абад ёв.
Кишанин қул чилпарчин ётар,
Чорлар экан исёнкор ялов.
Жангга ундар шаҳидлар шоён!
“Лаънатлар”га тўлмиш тўрт томон!
Жангга қалқинг бир тану бир жон!

Қани, қайда ялов, туғимиз?
Чорлайвергай Эрк туғи мудом.
Ҳурриятнинг эркин ўғлимиз,
Ёддан чиқсин ғам-ғусса тамом.

Жангу жадал сиз учун мушток,
Кўр-кўрона қон тўкманг бироқ,
Эрк учун тек қайрангиз яроғ.

Сизга олқиш, сизга шараф-шон,
Шухратингиз сўнмас тоабод.
Шаънингизга битиб шеър-достон,
Қасрлар ҳам этгаймиз бунёд.
Жангда — ғолиб, ризқингиз бутун,
Мардлигингиз айлагай мафтун.
Кўркувдан боз келдингиз устун.

Гулчамбарлар айлангиз инъом,
Йўлларига поёндоз раво.
Мард ботирлар олгайлар ором,
Жароҳатлар топгуси даво,
Мангуликнинг рамзи гул-чечак,
Қуллик бўлгай сиз учун эртак!
Шўр қисматни тарк этингиз, тарк!

ВАҚТ

Қутурган уммонсан, қутурган уммон —
О, Замон, ким сенга кела олган бас.
Қаърингда неча минг фарзанди инсон,
Завол топмиш ахир тоабод бесас.

Шиддатинг-шаҳдингдан олам қоронғу,
Гирдобинг тортади девдай комига.
Кекса-ю ёш демай тутасан оғу —
Оҳ, ким ҳам йўлиқмас Вақтнинг домига?!

Суронли, бўронли ҳар битта онинг,
Қасдига тушдинг, айт, яна қай жоннинг?!

ПРОЗЕРПИНА ҚЎШИҒИ

Она Замин, эй меҳри дарё,
Эй беором, безовта олам.
Тангрилар ҳам азиз-авлиё —
Бошпанасан даррандага ҳам,
Қизингга ҳам шафқат қил, шафқат,
Даво бўлгил дардига фақат.

Абри найсон ила ҳар жонни,
Жонига жон бўларсан тайин.
Шу боис ҳам ҳар тўрт томонни
Таровати ортар кун сайин.
Қизингга ҳам шафқат қил, шафқат,
Даво бўлгил дардига фақат.

ҲАСРАТ

Шукур айтай! Чекил, эй ҳасрат,
Дарду ғамим, қайғули нусрат.
Иккимиз хўп дўсту қадрдон.
Ғамбода бу дилгинам фақат,
Ором топар бағрингда, инон.

Ғуссагинам! Бизларни гўё
Ака-сингил каби зим-зиё —
Қулба ичра солдилар ёлғиз.
Йиллар ўтиб борар бевафо —
Ҳамон ҳамдам, ҳамроҳ иккимиз.

Чекил қайғу... кел ёнимга, ёр —
Тўйиб-тўйиб боқайлик, дилдор,
Дарё ҳам қир, яйловга сокин.
Қушлар учар... Заминни зинҳор —
Дўзах дея атама лекин.

Ўрмонзорлар! Мағрур, улуғвор,
Илоҳий бир ажиб сеҳри бор.
Кенг далалар ям-яшил, қара!
Ёлғиз бизлар, эй парвардигор.
Муздай совуқ ҳам бахти қаро!

Йўқ, йўқ! Қаранг, кўзларда, мана,
Шодлик, қувонч қилар тантана.
Порлар умид учқунлари боз.

Ғамгин ғусса! Кўнглимга яна
Бўлолмассан сен ортиқ ҳамроз.

Бўсами, йўқ, мен ишққа ташна,
Оташига ошнаман, ошна.
Бебаҳосан севги, муҳаббат.
Кишанларни парчалаб ташла,
Мангу яша, мангу тоабал!

Қайғу-алам! Дўсти қадрдон
Шу сўнгги пайт, ушбу сўнгги он —
Яширма ҳеч дилда неки бор
Ғафлат ичра мудрар тўрт томон —
Ҳасрат-қайғу чекмагил бекор.

Икки юрак висолга етгай,
Жисму жонлар қовушиб кетгай.
Ва ниҳоят керакли палла —
Рухимиз боз сарафроз этгай
Кунлар қўшиқ куйлаб баралла.

Ва оҳиста элитгай уйқу —
Ғам-аламсиз, беранж, беқайғу.
Иккимиз, ёр, ётармиз бирга.
На-да бир ҳис, на-да бир туйғу —
Бош қўярмиз тоабал ерга.

МУҲАББАТ ФАЛСАФАСИ

Талпинар дарёга жилғалар,
Дарёлар сингади Уммонга.
Замин узра шаббода елар,
Эш бўлиб боз мафтун Туманга.
Жумла жаҳон бир тану бир жон,
Ягона ишқ ўтида ёнар.
Бизнинг ташна жонимиз, жонон,
Қачон висол жомига қонар?!

Самоларга туташган Тоғлар,
Ҳур тўлқинлар чопар соҳилга.
Бағрида ишқ дардидан Доғлар,
Гуллар менгзар оға-сингилга.
Тун денгизга аста қўяр бош,
Кундуз қувнаб қучар Заминни.
Ёлғиз бир сен ўта бағри тош,
Шод этарсан, айт, қачон мени?!

ҲИНДЧА ТАРОНА

Тушларимда сен ўзинг ҳамон,
Кўзларимдан қочади уйқу.
Маъсума тун бунча нурафшон —
Юлдузлардан ёғилар ёғду —
Фикру ёдинг ҳоким, ҳукмрон,
Парвардигор, сен ўзинг гувоҳ.
Деразаннинг пойида, жонон,
Пайдо бўлиб қоларман ногоҳ.
Осуда тун оғушида маст,
Шовуллаиди оҳиста дарё.
Ўт-ўланлар атридан сармаст,
Беҳишт бўйин туйгандай гўё.

Бор дунёни унутиб тамом,
Сайрар булбул, сайради чунон.
Ҳажринг такрор этар қатли ом,
Юрак-бағрим ўртайди, жонон.
Ишқ дардига ўзинг даво қил,
Токай ёнай ғуссалар билан.
Юрагимда гулханлар ёққил,
Олов-оташ бўсалар билан.

Жисмимни жон тарк этган мисол,
Бораяпман музлаб тобора.
Ҳажринг аро топмайин завол,
Дардимга ёр, чора қил, чора!

К...

Азал сукут — олтин дейдилар,
 Тилдан учган сўз бир пул бўлар.
 Самимий ким айтса дардини,
 Кулгу бўлар тўкиб қадрини.
 Эзгу-умид ҳам сароб-рўё,
 Туғишгандек ўхшашдир гўё.
 Фақат содиқ дўстнинг висоли,
 Дабдабадан, ҳашамдан ҳоли.
 Лутфингизга эмасман муҳтож,
 Лекин нетай, ночор, ноилож,
 Азалий бир ҳикматни, эй ёр,
 Такрорлайман такрор ва такрор:
 Парвонани чорлар аланга,
 Тун ҳам мудом талпинар тонгга.
 Шундай сўнгсиз коинот изми,
 Айлантирар сайёрамизни.

ҲАМОҲАНГ ҚАЛБЛАР

Кўнглига хотиржам аста солиб қўл,
 Минг сир-асрорига топа олдим йўл.
 Фикримиз — зикримиз, сезги — ҳаяжон —
 Ялакат икки жон бир тану бир жон!
 Пинҳон нигоҳидан, турардим сезиб —
 Минг бир томиримда чарх ураб кезиб.
 Гоҳо осойишта тушлар уммон,
 Ва лекин қаърида шиддатли тўфон!
 Қўзғалдим бамисли ёвқур хур бургут,
 Англаб етдим токи эзгу хонишин.
 Зим-зиё осмон, ҳамрозим булут —
 Сайр этдим қўш қанот яшин оташин.

ЎТГАН ЙИЛ МАРСИЯСИ

Йил ҳам ўтди. О, сиз лаҳзалар,
 Эслаб уни айлангиз фиғон.
 Улар учун бу йил туюлар —
 Уйқу элтган қариясимон.
 Ширин уйқу оғушида у,
 Чехрасида нуроний туйғу.

Ногоҳ қалқиб далға зилзила,
 Ваҳимага солгандай дилни.
 Қиш қақшатқич қиличи ила —
 Қисматини ҳал этар йилни.
 Эй лаҳзалар! Йилни соғиниб —
 Уввос солинг бағрингиз ёниб.

Шафқат билмас изғирин, бўрон,
 Тебратгани янглиғ бешиқни.
 Қор қуюни кучайиб чунон —
 Юлқиб тортар ҳар бир эшиқни.
 Йилни беҳол этолмас улар —
 Фурсат келар ва иқбол кулар.

Ва кетма-кет ўтгайдир ойлар,
 Ёвуз Январ қазийди лаҳад.
 Оппоқ Феврал тобутни жойлар —
 Айрилиқдан Март мустар беҳад.
 Кўз ёш тўқар Апрель. Ва шодон —
 Май бонг урар, Яшаргай жаҳон.

ЎЛИМ

Марҳумлар йитдилар ва ёлғиз Ғусса —
Уларни чорлар боз, беҳуда чорлар.
Надоматга тўлуғ йигит, алқисса,
Қайта тирилмагай марҳум дўст — ёрлар.

Исми шарифи-ю хотири фақат,
Бизларга ҳамнафас, ҳамроҳ ҳамма вақт.
Кўнглимни ўртайди беаёв, беҳад,
Қадрдон қабрлар, қадрдон лаҳад.

Ғуссани қўй, дўстим, ёдимда ҳамон —
Чунон яйраганмиз оқшомлар майин.
Маъсуд паллалар, оҳ, армондир, армон,
Тоабад қайтмагай, қайтмагай тайин.
Тим қаро сочингга қор-қиров инди,
Учқур умидларнинг қаноти синди.
Кўнглимни ўртайди беаёв, беҳад,
Қадрдон қабрлар, қадрдон лаҳад.

ХОТИРА

Ёдингдан чиқарми ўшал паллалар?
Муҳаббат ёғдуси этган чароғон,
Кексайган вужудлар бу лаҳза нолон —
Чечак ҳам япроқлар махзун аллалар.
Қувватар гар хазон бўлса-да гуллар,
Умид, — япроқлардан, улар-да сўлар.

Уларни унутай қандай, дилором,
То ҳануз кўнглимда умид ва армон.
Хотира боз бағрим ўртайди чунон,
Тушларимда асти бермайди ором.
Ҳар оқшом сўзлайди аламли қисса —
Ортда қолган қувонч — қайғу, ғам, ғусса!



Пол Геллико

Томасина

УЧИНЧИ ҚИСМ¹

XV

Макдьюи манзилга етиб борганда, қилаётган иши кўзига жуда номаъкул кўриниб кетди. Машинани тўхтатиб, узун сўқмоқ бўйлаб дўстининг гапларини ўйлаб кетди. Ҳозир унга шундай туюла бошладики, бу ерда — ўрмонда аллақандай савдойи бир аёлни айблар экан, бу қилмиши билан судлагидан кўра донороқ кўринмаса керак.

Бироқ у докторлик касбини юксак кадрларди. Агар фермерлар чорваларини ана шу сохта докторга даволата бошласалар, тартиб барҳам топади. Ахир, бу ерларда тартибни жорий этиш учун унинг озмунча меҳнати кетдими?

Шу пайтда у уй билан саройни кўрди. Бу ердаги ҳамма нарса тинчлик ва осойишталик кўйнига чўмган эдики, уй билан саройдан ҳам ана шу тинчлик ва осойишталик балқиб турарди. Бу Макдьюининг гашини келтирди ва унинг газабини янада жўш урдирди. Уйнинг деразалари ёпиқ эди, у соя-салқинда истироҳат қилаётгандай кўринарди, лекин ҳамма жойда алланечук кўз илғамайдиган тириклик нишонлари яққол сезилиб турипти. Мана, югуриб қочиб кетаётган иккита куённинг думлари липиллаб кўринди. Дарахт тепасида олмахоннинг шитир-шитири эшитилди. Кушлар тинчи бузилиб, қанотларини қоқмоқда, аллақандай залварли бир махлуқ гўё бўғиқ кулгандай япроқлар ичига яширинди.

Макдьюи баҳайбат эманнинг олдига келиб тўхтади. Унинг пастки шохига кўнғироқ илиб қўйилган, унинг тилидан эса узун ип осилиб тушган. Доктор тўғридан-тўғри уйнинг олдига бормагани ва эшикни мушти билан тақиллатмагани ёхуд лоақал ҳамма жойдаги каби тугмасини босиб кўнғироқ чалмагани учун ўзидан дарғазаб бўлди. Лекин уни нимадир қайтариб турарди. Қандайдир сеҳру жоду унинг ҳаракатларини чеклаб қўйганди — у қўлларини чўнтагидан олмаган ҳолда турган жойида туриб қолди.

Ниҳоят, у дўстининг гапларини эслади — сеҳру жодуларга эмас, Худога ишонадиган дўсти унга кўнғироқни чалишни маслаҳат берганди. Макдьюи зарда билан соқолини чўччайтириб, кўнғироқнинг ипидан тортди ва одамни лол қолдирадиган даражада тоза ва майин жиринглаш овозини эшитди. Ўрмон кўйнида кийик кўринди, у ўзининг тиниқ кўнғир кўзлари билан келгиндига бир оз қараб турди-да, яна кўздан ғойиб бўлди. Кўнғироқ овозига бошқа ҳеч ким жавоб бермади.

Макдьюи ипни роса тортқилади, кўнғироқ силкиниб ўйин тушгандай бўлди, ammo битта мўйнали жониворгина тирноқлари билан тимдалаб, дарахтнинг устига чиқиб кетди. Макдьюи кўнғироқни узоқ чалди ва ниҳоят, унинг чақириғига жавобан ичкаридан оддийгина, кўримсизгина бир қиз чиққанини кўриб ажабланди.

¹ Давоми. Боши ўтган сонда.

Роҳибнинг гапларига қараб доктор бу ерда сочлари патила-патила, қирра бурун, букри жодугарни учратмаслигини фаҳмлаган экан, бироқ шундоқ бўлса-да, ҳозирги манзарани кўраман деб ўйламаган эди. Қиз ҳаддан ташқари ёш, ҳаддан ташқари оддий. Йўқ, унинг ёши-ку чамаси йигирма бешлардан ўтган эди, эҳтимолки, ўтгизни қоралаб ҳам қолгандир, сирасини айтганда, докторни иккита нарса ажаблантирди: унинг қўлларида қон доғлари бўлиб, ўзи эса беҳад латофатли эди.

У бошқа сўз тополмади. У соҳибжамол эмасди, бироқ ана шу кўримсизгина жувон бутун ўлкани мафтун этгани, ҳамманинг кўксига қўрқув солиб, ўзига эҳтиром туйғуларини уйғотгани ғалати эди. Ҳар нима бўлганда ҳам унинг олдида ҳамма нарса ўзгариб, бошқача тусга кирарди: Макдьои ўнлаб ҳуркак жониворлар шитир-шитир қилаётгани, қушлар чирқиллаётганини, аллақайси қий-қирган парранда қанотларини шапиллатиб қоқаятганини эшитди, аниқроғи, ҳис этди. Ҳамма нарса эртақ парчасига ўхшарди — фақат бир нарсани аниқлаш қолди, холос — унинг қаршисида турган ким — ҳурми ёхуд алвастими? Макдьои унинг ёнига яқинлашар экан, ана шуларни хаёлидан ўтказди. Уни бири малла, бири қора иккита мушук, битта лайча ва битта қари ит кузатиб келмоқда эди. Макдьои буларни ўзича жувоннинг қариндошлари деб атади. Олмаҳон эса думини ликиллатиб, шохдан-шоҳга сакраб, пастга тушди.

— Лори деганлари сизмисиз? — деб зарда билан қичқирди доктор.

— Менман, — деб жавоб берди у.

Ҳа, “латофатли ва дилбар!” У жувоннинг овозини эшитганда, ичида шу сўзларни такрорлади. Аммо у юрагидаги кекни анчадан бери ардоқлаб келарди — бунақа ҳавойи гапларга лаққа тушиши мумкин эмас. Шунинг учун зарда билан сўради:

— Сиз менинг кимлигимни биласизми?

— Йўқ, — деб жавоб берди у. — Билмайман.

Доктор шундай ҳайқирдики, ер ларзага келгандай бўлди:

— Мен доктор Макдьоиман! Бош мол докториман. Санитария нозириман!

Агар у, жувон қўрқиб кетади, хижолат тортади, ташвишланиб қолади деб ўйлаган бўлса, унинг ўйлагани беҳуда бўлиб чиқди. Жувоннинг чеҳраси кувончдан ёришиб кетди, гўё у ўз қулоқларига ишонмаётгандай эди, кўзлари чақнади, ундаги хавотирлик нишоналари ғойиб бўлди, бир зумда унинг чеҳрасидаги жўнгина ифодаларнинг ҳаммаси йўқолиб, жуда гўзал, жуда дилбар соҳибжамолга айланди-қолди.

— Вой! — деб қичқириб юборди у. — Эшитганман! Сизни интизорлик билан кутиб ётибмиз, доктор! Юринг тезроқ, фурсат ўтмасин.

У ҳайрон бўлди, ҳатто жаҳдан ҳам тушди. Нимани эшитган? Ким эшитган? Нега бунақа бемаъни гапни гапиряпти бу жувон? Шу ерга келганда лоп этиб эсига тушди — бу аёлнинг яна бир лақаби бор-ку!

“Уни чала жинни дейишарди, — деб ўйлади у. — Аҳволи жуда ҳам чатоқ-ку шўрликнинг”, — деди у ўзига ўзи. Қизик, доктор жувонни сўқишни бас қилиб, унга раҳми кела бошлаганини сезди.

Кейин яна шуни сездики, у жувонга эргашиб кетиб бормоқда, жувон эса комил ишонч билан уни аллақаяққа бошлаб кетяпти. Доктор билан жувоннинг орасида ғуж бўлиб унинг итлари ва мушуклари боришарди. Уйни айланиб ўтиб, жувон ғиштин омборга борди ва унинг эшигини итарди. Хонанинг ўртасида стол турипти, унинг устига кўзни оладиган даражада оппоқ дастурхон ёзилган, унинг бир-икки жойида ҳали қуриб улгурмаган қон доғи. Стол устида зўр-базўр нафас олиб каттагина бўрсиқ ётипти.

Макдьои тажрибали нигоҳ билан бўрсиқнинг орқа оёғи синганини, олдинги оёқлари қаттиқ шикасланганини, елка суяги чиқиб кетганини кўрди, сезгир димоғи билан эса яллиғлишнинг чучмал исини туйди.

— Ҳм-м... — деди у пешонасини тириштириб. — Ишлар чатоқ. Қопқонми? Лори бош ирғаб, илова қилди.

— Бунинг устига ит ҳам талаган. Кейин занжирни узиб, менинг олдимга қочиб келипти. Уни тузатишга қурбим етмайди. Мен унча яхши даволай олмайман. Шунинг учун илтижо қилдим.

Макдьюи паришонхотир бош ирғади, лекин кимдан илтижо қилганини унча тушунмади, бунинг ўрнига дарғазаб ҳолатда рақибининг устига дағдаға билан бостириб келиб, бирдан унга ҳамкасаба бўлиб, маслаҳат бериб юриш нечоғлик кулгили иш эканини ўйлаб кетди.

— Сизда эфир борми? — деб сўради у. — Битта латта берини. Шўрлик жониворга кўмаклашиб юборамиз. Ухлатамиз. Бошқа иложи йўқ.

Лори мулойимгина жавоб берди.

— Худойим уни бу ерга ўлгани, сизни эса ўлдиргани юборгани йўқ, мистер Макдьюи.

Доктор таажжуб ичида унга қаради.

— Сиз қаёқдан биласиз? — деб сўради у. Кейин қўшиб қўйди: — Мен Худога ишонмайман.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Лори. — Худо сизга ишонади. У сизни бу ерга келтирмаган бўларди.

Жувон умид билан унга термулди, унинг лабларида тушуниб бўлмайдиган нафис табассум пайдо бўлди. Бу табассумда алланечук маккорлик ҳам бор эди. Табассум нима учундир Макдьюига жуда қаттиқ таъсир кўрсатди — унинг кўзидан ёш чиқиб кетишига сал қолди. Бунинг яшириш учун у нарироқ кетди. Макдьюи фамилиясини бу жувон қандай талаффуз қилганини эслади ва билдики, кўпдан бери фамилияси бунақа оҳангда айтилганини эшитмаган экан. Жувоннинг нигоҳи нақадар мусаффо эканини ҳам, унинг юз ифодалари ҳам дилтортар даражада маъсум эканини биринчи марта энди пайқади.

Булардан у шунақа ларзага тушдики, ҳатто ҳаракатлари янада кескинроқ, овози баландроқ бўлиб қолди.

— Нима бало, кўрмаяпсизми? — дея бақирди у. — Бу ерда ҳеч қанақа илож қолгани йўқ. Сирасини айтганда, асбобларим ҳам ёнимда эмас. Мен сизнинг олдингизга бошқа иш билан келган эдим.

Жувон бир қўлини мажруҳ бўрсиқнинг боши тагига тикди, иккинчи қўлини унинг биқинига қўйди, юзини унинг тумшугига суйкади-да, бир нималар деб шивирлади. Бўрсиқ оғир хўрсиниб кўзларини юмди.

Макдьюи кўрққанидан ҳатто сув-терга тушди.

— Ё тавба, Парвардигор! — деб хитоб қилди у. — Жинни-пиннимисиз, нима бало?

Жувон кўзини кўтарди, сал-пал жилмайди ва оддийгина жавоб берди:

— Шунақа, мени “жинни” дейишади. Мен уни жиндай кўтариб турай, тиришиши қолади.

Макдьюи жавоб бермади. У жувонга бир қараб олди-ю, жониворнинг оёқлари-ю, танасини қирқишга, чатишга, бутлашга киришди. Бу ишларни бажарар экан, профессор талабаларга тушунтирганидек, Лорига нима қилаётганини тушунтириб турди. Кейин тўсатдан маърузасини тўхтатиб сўради:

— Уни нима қилиб қўйдингиз, Лори? Қилт этмай тинч ётипти-я!

— У менга ишонади, — деди Лори жарроҳнинг эпчил бармоқлари мўъжизалар ясаётганига мафтункор нигоҳ билан қараб тураркан.

Макдьюининг тўсатдан илҳоми келди-ю, бўрсиқнинг елкасидаги бир жойига кумуш тангани чаতিб боғлади. Бир оздан кейин сўради:

— Бўрсиқни қаердан топдингиз?

— Ўзи келди, — деб жавоб берди у.

— Шунақа денг?.. Бу ёққа келиш кераклигини қаёқдан билипти?

— Уни фаришталар бошлаб келган.

— Сиз бирон марта фариштани кўрганмисиз?

— Йўқ. Уларнинг овозини, қанот қоқишларини эшитганман.

Негадир Макдьюининг юраги зирқираб кетди. Бир замонлар кўрган тушингни эсласанг ёки битаётган ярага тегиб кетсанг, шунақа бўлади. У ёнида туриб докторнинг ишларини завқ билан кузатаётган жувонга нигоҳ ташлади-да, сесканиб тушди, бўрсиқнинг яраларини апил-тапил боғлади-да, стол ёнидан нари кетди.

— Ана, бўлди.

Лори унинг қўлларидан ушлаб, юзини босди. Доктор қўлига муздаккина ёш текканини, жувон лабларини босиб унинг қўлидан ўпганини ҳис қилди-ю, юз баравар бадтарроқ маънос бўлиб қолди.

— Қўлимдан келганини қилдим, — деди у энтикиб. — Унга қараб туринг, қимирламасин. Эртага келиб, тахтакачлаб қўяман. Унда ҳаммаси жойида бўлади. Уни сақлаб туришга жойингиз борми?

— Ҳа, — деб жавоб берди Лори. — Юринг, кўрсатаман.

У бениҳоя эҳтиёткорлик билан беморни қўлига кўтариб олиб, докторни тўсиқнинг нариги ёғига — омборнинг иккинчи ярмига етаклади. Бу ер ҳақиқий хастахона эди, бироқ Макдьои бу ерда аввалги беморларини учратмади. Беморларнинг ҳаммаси ўрмон ҳайвонлари эди — оёғи синган кийик, бир кўзли олмахон, ғужанак бўлиб олган типратикон, кимларгадир таланган қуён, етим қолган тулки болалари, картон қутига солиб қўйилган дала сичқонлари.

Уларни кўриб, Макдьои дарҳол енгил тортди. У ҳатто кулиб юборди ва жониворларни тажрибали нигоҳидан ўтказар экан деди:

— Типратиконингиз шум экан. Касали ёлғон...

Унинг бундай муомаласи тақдирланмай қолмади. Лорининг хашаки чеҳрасида нафис ва осуда табассум зоҳир бўлди.

— Ш-ш! — деб жавоб берди Лори. — Қўяверинг, аҳволи яхши бўлса, роҳатини сурсин.

— Сиз уларни шунақа қилиб даволайсизми? — деб сўради у.

Лори хижолат чекди.

— Мен уларни парвариш қиламан, кетидан эргашиб юраман, — деди у. — Уларнинг иссиқ-совуғига қарайман. Улар истироҳат қилишади. Овқатларини едираман, сугораман, — унинг овози жуда секинлашди. — Меҳримни аямайман улардан.

Макдьои жилмайди. Мол докторики бор — уларнинг ҳаммаси асрлардан бери жониворларни худди шундай парвариш қилишни айтиб келишарди. Рост, сўнгги дорини жониворларга докторнинг ўрнига Вилли Бэннок берарди.

— Хўш, одамлар етаклаб келадиган жониворларни қандай давойл�сиз? — деб сўради у.

— Мен ёввойиларини, ўрмон ҳайвонларини даволайман, — деб жавоб берди у. — Уй ҳайвонларининг ташвишини уйдагилар қилади. Мен уйсизларига керакман.

— Кинкэрлининг сигирини даволагансиз-ку?..

Лори саволга ҳайрон бўлмади, фақат муғомбирона жилмайиб қўйди, холос.

— Мен уни уйига қайтариб юборганман. Фақат эгасига сигирга яхшироқ муомала қилишни буюрганман. Муомала тузукроқ бўлсагина сигир сут беради-да...

Макдьои бошини орқага ташлаб, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Сержаҳл фермер бунақа фармойишни қанақа тинглаганини кўз олдига келтирди.

Улар омбордан чиқишди. Лори сўради:

— Сиз бир дақиқа бизникига кирмайсизми?

Унинг яшаш тарзини кўриш иштиёқи зўр келиб, Макдьои киришга рози бўлди. Хонага кириш билан унинг кўзига кўринган биринчи буюм стол устида турган шиша банка бўлди. Банканинг ичига сув солиб қўйилган, сувнинг тағида майда тош, кичкинагина нарвон ва зангори қурбақа бор эди. Аллақандай муҳим бир нарсани эслашга тиришиб, Макдьои банканинг устига энгашди ва қурбақанинг оёғи лат еганини кўрди.

— Уни ҳам даволайсизми? — деди у жилмайиб.

— Ҳа, — деб жавоб берди Лори. — Мен уни эшикнинг тагидан топдим. Қутининг ичида ётган экан. Оёғи синган шўрликнинг.

— Уни олиб келган фариштани мен айтиб берақолай, — деди Макдьои.

— Унинг ёши саккизда, бурни пучуқ, юзига сепкил тошган, устида скаутлар кийими...

— Мен уни кўрганим йўқ, — деди Лори бир оз довдираб. Қўнғироқ жиринглаганини эшитдим, холос.

Макдьои айтган гапларидан афсусланди.

— Пулим унча кўп эмас, — деди Лори. — Ҳақингизни тузукроқ қилиб беролмайман.

— Керак эмас, Лори. Шундоқ ҳам ҳақимни ошиғи билан бердингиз. Лори қўшни хонага югуриб кириб кетди-да, у ердан ҳаддан зиёд майин ва енгил жун шарф олиб чиқди.

— Шунинг олинг! — деб илтимос қилди у. — Шамол турган кезларда ўраб ўтирсангиз, иссиққина бўлади. Жонингиз киради.

— Раҳмат, Лори, оламан, — деди у ва ўзининг бағоят мутаассир бўлганини Лори билармикин-билмасмикин деб ўйлади. Остонада туриб яна такрорлади. — Раҳмат, Лори. Шамол турган кезларда ўрасам... жоним ором олади. Эртага келиб, тахтакачлаб кетаман.

Шундай деб у кетди, Лори эса унинг орқасидан қараб қолди. Унинг назарида жувон унга эмас, ич-ичига, ўзининг юрагига қараётгандай эди. У сўқмоқдан қуйи томон эниб бораркан, одамлар жувонни савдойи деб аташларини эслади.

У машинага ўтирди, шарфни ўриндиққа қўйди, кейин бирдан уни қўлларига олиб, юзига босди. Унинг бутун вужудини чидаб бўлмайдиган бир маъюслик чулғаб олди. Бу маъюслик бутун йўл давомида — то уйга етиб боргунча ҳам уни тарк этмади.

XVI

Бутун йўл давомида — то уйга етиб боргунча Эндрью Макдьои Лори ҳақида ва Худо тўғрисида ўйлаб кетди.

Нима учун Худонинг бу девоналари Яратганнинг шафқатсизлигига ва ўзбошимчалигига таажжуб қилмайдилар? Худо ўзи яратган бандаларини аввал азобу укубатларга гирифторм қилиб, кейин уларни бу азоблардан халос бўладиган жойга етаклайдими? Нима бу — баҳайбат бир кўғирчоқ театрики, даволовчи — энг яхши жарроҳ манзилга ўз вақтида дарҳол етиб келади?

Бу Худонинг ҳазилимики, ўша жарроҳ жазога мустаҳиқ қилиш мақсадида келиб, бунинг ўрнига муолажа қилишга киришиб кетади? Лори ўзининг соддадиллиги туфайли ҳеч нарсани пайқагани йўқ. У “сизни Худо юборди” деди, тамом-вассалом!

Макдьои Энгус Педди билан маслаҳатлашишга эҳтиёж сезди, лекин анча-йинки галати бир сабаб билан бу фикридан қайтди. У дўстини чин дилдан яхши кўрарди, шунинг учун уни боши берк кўчага киритиб қўймоқчи эмас эди. Бундан ташқари, у яна одатдаги далилларини келтира бошлайди деб кўрқди: Парвардигорнинг йўллари фақат Ўзига маълум, дабдурустан мақсадни илғаб олиш қийин, Худо бу Худодир ва ҳоказо ва ҳоказо. Буларнинг барини Макдьои юз марталаб эшитган ва ҳар гал унинг миясида Худо ҳақида шаккок бир фикр гимиллаб туради.

Шундоқ бўлишига қарамай, бу дунёда Лори бор экан. У билади — бу жувон тугал рисоладаги одамлардан эмас. Унинг яшаш тарзи ҳам, ўй-фикрлари ҳам бошқа одамларниқига ўхшамайди. Унинг ўзини ҳам, жаъмики ишлари ва ўйларини ҳам ҳамдардик деган очқич ёрдамидагина англаш мумкин. Унинг фикрлари яна Худога қайтди. Лори фаройиб бир тарзда, лекин садоқат билан Худога хизмат қилади, балки уни Худога боғлаб турган нарса ҳам айна ана шу ҳамдардликдир.

Фараз қилайликки, Худо чиндан ҳам инсонни яратган, албатта, шаклу шамойилини ўзиникига ўхшатиб, ўзидан нусха кўчириб яратмаган, лекин ҳар ҳолда, унга Илоҳий нур бахш этиб, Ер юзига қўйиб юборган. Наҳотки, У ўзи яратган бандалар бугун қандай бўлиб қолганини кўриб ачинмаса? Наҳотки, алам қилмаса? Агар ер бир фазовий идиш бўлса-ю, Худо шу идишнинг ичида тажриба қилиб кўрмоқчи бўлган бўлса, аёнки, бу тажриба чиппакка чиқди. Шундоқ бўлса ҳам, тажрибага дучор қилинган бахтсиз ва дарғазаб бандаларини кўрганда Худонинг ичи ачиса керак. Наҳотки, савдойи Лори ёхуд Энгусга ўхшаш содда-гўллардан бошқа унга таскин бўладиган ҳеч ким бўлмаса?

Нима учундир Эндрью Макдьои уйига йўл олмай, Стирлинглар қасри томонга бурилди ва қасрга етиб бормай, соҳилда каттакон эман соясида тўхтади. У машинасидан тушиб, чўнтагидан трубкасини олди-да, унга тамаки тўлдириб тутатди. Агар у ҳаддан зиёд худбин бўлмаганида бошқа одам бўлиб қолганини пайқаган бўларди. Бироқ у ўз-ўзига четдан туриб назар ташлашга ўрганмаган эди. У ҳали қанақа тузоққа тушиб қолганидан хабари йўқ ва ўзи занжирни узиб, нажот излашга бошламасдан олдин қанақа итларга таланишини билмасди.

Унинг боши устида олмахон барглари шитирлатди. Олмагон оч қолипти, қўлдан овқат берганлари эсида экан. Шунинг учун пастга тушиб жажжи оёқларини чалиштириб, думчаси устига ўтириб олди.

Макдьюи ҳуркак жониворларни тинчлантириш учун ёки ўзига мойил қилиб олгани ҳамиша ёнида бирон егулик олиб юрар эди. У чўнтагидан сабзи чиқарди. Олмагон унинг ёнига келиб, сабзини беозоргина олди-да, бир сакраб нари кетди ва уни ғажий бошлади.

Ўйлашдан кўра олмахон билан суҳбат қургани осон. Макдьюи трубкасидан тамакисини тўкиб, олмахонга ўқдирди:

— Секинроқ еявер, ҳазм бўлмай юрмасин. — Олмагон сабзини айлантириб, ғажишда давом этди.

— Ўзимни танитишга изн бергайсан, — деб давом этди Макдьюи. — Энд-рю Макдьюи, мол доктори, жарроҳман. Мени бу ердагилар унча хушламайди-лар. Худога ишонмайман. Менинг битта қизим бор, лекин у мен билан гаплашмай қўйди. Чунки мен унинг мушугини дори бериб ухлатишни буюриб эдим. Мушукнинг орқа мияси лат еган экан. Шўрлик жонивор бекорга азоб чекмасин деган эдим.

Олмагон сабзини ғажиб тугатай деб қолди. У сабзини бир қўлида ушлаб олган, лунжига тўлдириб олганларини эса ғажишда давом этарди.

— Мен мушукни ўлдирмоқчи бўлувдимми, йўқми? — деб гудранди Макдьюи.

— Бу жуда муҳим. Мен бу тўғрида кўп ўйлайман. Балки, мен мушукдан қизимни қизгангандирман? Сирасини айтганда, ўшанда ёлчитиб ташхис ҳам қўйганим йўқ... Демак, мен Мэри Руани қизганибман-да! Қизимнинг исми шунақа, негаки, унинг териси сеникидан оқроқ, меникидан хирароқ. Қизим шу мушук билан бирга ётиб турар, қаёққа борса, уни кўтариб, бирга олиб борар, ҳамиша бурнини унинг терисига ишқагани ишқаган эди. Ўзингдан қолар гап йўқ — бизнинг онамиз ўтиб кетди. Мен унга ҳам ота, ҳам она ўрнида қолдим. Энди бўлса у хўнг-хўнг йиғлайди, изтироб чекади, мен билан — ўзининг отаси билан гаплашмайди.

Олмагон сабзини еб бўлди. Энди у кетиш тараддудига тушган эди.

— Шошма! Ошиқаверма! — деб уни қайтарди Макдьюи. — Яна бирпас кетмай тур. Бировга ичимни ёзмасам туropolмайман. Порасига, ма, буни ол. — У ёнидан яна битта сабзи чиқарди. — Майли, мен тўғримда гаплашмаёқ кўяйлик. Сен тўғрингда гаплаша қоламиз.

Олмагон жиндай хаёлга толди, кейин сабзини олди-да, эски улфатидай докторнинг ёнига ўтирди.

— Касал бўлиб қолсанг, нима қиласан? — деб сўради Макдьюи ва илгари ҳеч қачон бу тўғрида ўйлаб кўрмаганига ажабланди. — Кимнинг олдига борасан? Ҳар хил доривор ўт-ўланларни кимдан оласан — биронта қари донишманд олмахон берадимми ёки ўзингнинг сезгиларинг ёрдамида топасанми? Менинг қўшним бор — роҳиб Энгус Педди. Шунинг гапига қараганда, Худонинг иродаси бўлмаса, ҳатто битта чумчуқ ҳам нобуд бўлмас эмиш. Қандай қилиб Худонинг ўзи буларнинг ҳаммасини эпларкин? Ғалати-я, мен ҳеч қачон олмахон ёки кийикнинг ўлигини кўрмаган эканман... Ўлганда аҳволингиз нима кечади? Қушлар жасадингизни чўқиб, ҳайвонлар суягингизни ғажиб кетадими? Сизларнинг қабристонларинг қаерда?

Олмагон тинглаб турар, Макдьюи суриштиришда давом этарди:

— Сизларнинг дўстларингиз борми? Болаларингизни қанақа қилиб тарбиялайсизлар? Уларни тушунасизларми? Уларга ачинасизларми? Уларни яхши кўргангиздан юракларингиз ёрилиб кетай дейдими? Болаларингиздан бизга ўхшаб ажралиб қоласизларми? Умуман, сизлар севги, шоду хуррамлик, ташвиш деган нарсаларни биласизларми? Ёки сизлар еб-ичиш-у, ухлаш-у, кўпайишдан бошқасини билмайсизларми? Ўрмон ҳайвони бўлиб туғилган яхшими, ёмонми? Ким жавоб беради менга? Ҳойнаҳой, сен бўлмасанг керак.

Макдьюи ўрнидан турди. Олмагон тура қочди, кейин тўхтади, чўккалагандай бўлди, унга имо қилди-да, ўқдай учиб дарахтнинг учига чиқиб кетди. Макдьюи эса энгил тортгандай бўлди, машинасига ўтириб, уйига жўнаб кетди. Кечки ювиниш фурсати келиб қолган эди, у кеч қолмай етиб бормоқчи бўлди.

У ҳар куни оқшом бугун қизим менга пешвоз чиқар деган умид билан келар ва ҳар оқшом адашарди. Юрагидаги қаҳр ўрнини аллақачон ҳасрат ва таажжуб эгаллаган эди. Унинг ўзи ҳазрат Энгуснинг маслаҳатига амал қилиб, қизи билан гўё ҳеч нарса рўй бермагандек гаплашишда давом этар, уни чўмилтирар, у билан бирга тамадди қилар, кейин уни ўрнига ётқизарди. Ҳамма нарса эскича эди. Фақат бир нарса янгича эди, холос — Макдьёи чиқиб кетмагунча қизи ибодат қилмасди.

У уйига қайтиб келганда даҳлизда ҳеч ким йўқ эди. Миссис Маккензи ўчоқ бошида алланималарни тарақ-туруқ қилиб юрипти. Макдьёи Мэри Руанинг хонасига кирди. Мэри Руа кўғирчоқлар ўртасида ўйинчоқ стулчада ҳеч нарса қилмай тек ўлтирар эди.

У қизини қўлига олди. Улар жуда ҳам бир-бирларига ўхшар эдилар — икковлари ҳам малла, кўзлари мовий, ҳозир бир-бирларига қараб чўччайиб турган энгаклари — чорбучак.

— Қани, бир овқатланиб, чўмилиб олайлик, — деди у. — Мен сенга жасоратли бўрсиқ тўғрисида, малла ҳур қиз қандай қилиб унинг ҳаётини сақлаб қолгани ҳақида гапириб бераман.

Мэри Руа ваннада ўтирганида у қизининг анча озиб қолганини, терисининг ранги ҳам беморларникига ўхшаш тус олганини сизди. У пушти курбақадек бўлиб сувни шалолатиб ўйнамади, Макдьёи ювинтираётганда унинг қўлидан юлқиниб қочишга талпинмади. Лекин унинг ҳикоясини жонқулоғи билан эшитди.

Макдьёи ҳикоя қилар экан, ўзи ҳам бутун воқеа унинг баёнида бутунлай бошқача тус олганини кўриб ҳайрон қолди. Бўрсиқ энди чинакам қаҳрамонга айланиб кетган эди — у олижаноб, мард, ақли ҳам расо, туйғулари ҳам баркамол. Қопқон қарсиллаб қисиб қолгани ҳақида гапирар экан, Макдьёи юрагида санчиқ турганини ҳис қилди ва Мэри қичқириб юборганини эшитди. У қизининг овозини анчадан бери эшитмаган эди. Аммо қиз отасига эмас, бўрсиққа ачинган эди.

Макдьёи Лорининг бўрсиқни қандай ардоқлаганларини гапирар экан, Мэрининг икки бетидан кўз ёшлари оқди. Анави сабил қолгур воқеадан бери Мэри биринчи марта йиғламоқда эди. Макдьёи қизини қўлига олиб деди:

— Мэри Руа, мен сени жуда яхши кўраман.

Қиз сал-пал отасининг пинжига киргандай бўлди? Ёки унга шундай туюлди? У қизини тўшакка ётқизди. У миқ этмади. Шундоқ бўлса ҳам, Макдьёи анча енгил тортди — у қизининг кўзларида яна ёш кўрган эди.

У кечасига эшикни ёпмай очиқ қолдирди — мабодо қизи чақириб қолса, даҳлиз орқали эшитиш осон бўлади. У ярим кечагача ҳисоботлари устида бош қотириб ўтириб чиқди, ниҳоят, ётишга кўзгалганда, кайфияти анча яхши бўлиб қолганди.

XVII

Менким илоҳа Баст худолар қиладиган ишни қиламан.

Мен ёвуз одамни жазога мустаҳиқ қиламан.

Илоҳа бўлиш осон эмас. Буни мен билмасам, бошқа ким ҳам биларди?

Одамлар бизнинг қудратимизга ҳасад қилишади. Мен эса одамларга ҳавас қиламан. Уларга ёвузлик ёки яхшилиқни танлаш насиб этган.

Биз — худоларда на яхшилиқ, на ёвузлик бор, биз фақат ўзимизнинг ирода-мизни биламиз. Бугун менинг ирода-ма шуки, Малла соқолни маҳв этмоғим даркор.

XVIII

Макдьёи тунги ишларини тугатиб, изтиробларим яқин орада хотима топади деган умид билан тўшакка кирганида, шаҳарча устига бўрон ёпирилди.

Аввалига юқоридаги эшиклар тарақ-туруқ қилиб очилиб кетди. Макдьёи юқорига чиқиб, уларни зичлаб ёпиб келди. Кейин у деразадан ташқарига қара-

ган эди, шамол унинг кўйлагидан тортқилади, сочларини тўзитди, икки бетига шапатилаб урди. У апил-тапил деразани ҳам ёпди.

Макдьёи шотланд бўронига биринчи марта рўпара келаётгани йўқ, у ҳамма дераза ва эшикларни қаттиқроқ ёпиш кераклигини биларди. Болалар хонасига бош суқиб, Мэрининг тинчгина ухлаб ётганини кўрди ва деразалар тарақлаб, уни чўчитиб юбормаслиги учун уларнинг маҳкам ёпилган-ёпилмаганини текшириб кўрди. Ҳаммаси жойида эканига ишонч ҳосил қилгандан кейингина даҳлиздан ўтиб, хонасига кирди ва ечиниб ўтирмай ўзини тўшакка ташлади.

Чироқни ўчиришдан аввал у соатига кўз ташлади. Кейин анча вақтгача қоронғулик ичида электр симларини гувиллатаётган шамолга, шағалларга урилиб шовуллаётган денгизга қулоқ солиб ётди. Кўзлари уйқуга илинар экан, янги умиддан кўнгли ёришиб кетди.

У соат нечалигини билмай, шундоққина ёнгинасида — деярлик боши устида қулоқни йиртиб юборар даражада янграган мушукнинг миёвладишдан уйғониб кетди. Шамол қутурар, шохлар ва бутоқлар қасир-қусур қилар, япроқлар шовуллаб, тўлқинлар ўқирар, кўчаларда осма ёзув тахталар даранг-дурунг қилиб учиб юрар, томлардаги тунокалар тарақ-туруқ қилиб юлқинарди. Макдьёи кўрқиб кетди. Мушук яна миёвлади. Унинг назарида мушук деразанинг ёнгинасида эди. У туриб каравотига ўтирди. Мушук тирноқлари билан ойнани тирнади.

Макдьёи ҳар на қилганда ҳам инсон-да! У одамлигига бориб, Томасина мендан ўч олгани келди деб ўйлади. У бир лаҳза кўрқувдан зир қақшагандек бўлди, аммо шу ондаёқ жаҳл билан кулиб юборди. Теварак-атрофда мушук кўп, ҳар бир деразада, ҳар бир остонада ҳамиша биттадан мушук ўтиради.

Шундоқ бўлса ҳам, у чироқни ёқди ва чироқ шуъласида ёниб турган кўзларни, пушти бурунни ва оппоқ тишларни кўриб улгурди. Кейин мушук ғойиб бўлди.

У анчагача тирсагига суяниб, мушук яна миёвлаб қолмасмикин деб пойлаб ётади. Ниҳоят, мушук яна бир марта миёвлади. Бу гал унинг овози бир оз нарироқдан эшитилди. Бунга жавобан қизининг овози янгради:

— Томасина!

У Мэрининг даҳлиздан югуриб ўтиб бориб, ташқари эшикни очганини эшитиб даҳшатга тушди. У қизининг тун либосидаги оппоқ қомати хоналар орасидан липиллаб ўтганини кўрди. Шамол уйга ёпирилиб кирди, зонтиклар илиб кўйиладиган илгични ағдарди, қоғозлар тўзиб кетди, деворда осиглиқ турган суврат тарақлади.

Макдьёи сапчиб туриб, қўл чироқни олди-да, уйдан чиқиб зулмат қаърига отилди.

Чироқ шуъласида қизининг оқ қомати кўринди. У қизининг шамолда ҳар ёнга ҳилпираётган сочларини ва тош кўчада югуриб кетаётган яланг оёқларини кўрди. Шамол Макдьёини йиқитмоқчи бўлар, унинг юришига халал берарди. У жон-жаҳди билан қичқирди.

— Мэри Руа! Мэри Руа!

Ё унинг чақирганини Мэри эшитмади, ё Мэри уни эшитгиси келмади. Мушук бурилди-да, кўчани кесиб ўтди. Макдьёи ғазабдан тутациб, қўлидаги чироқни мушукка отди. Чироқ мушукка тегмади. У орқасига қараб бир ириллаганча, сапчиб боғнинг девори устига чиқди. Шу пайт Мэри Руа ўгирилиб қараб, отасини кўрди. Унинг чироқни улоқтирган қўли ҳали пастга тушиб улгурмаган, шамол кўйлагини тортқилар, эшикдан тушиб турган чироқ шуъласида малла сочлари ловуллаб кўринарди.

Қизнинг башараси кўрқувдан шунақа бужмайиб кетдики, уни кўриб, Макдьёининг юраги орқага тортиб кетди. Мэри бир нарса демоқчи ёки қичқирмоқчи бўлди, аммо лаблари қимирлади-ю, овози чиқмади. Отаси уни кўтариб олиб бағрига босди ва ҳар қандай бало-қазолардан ҳимоя қилиб, уйга олиб кетди.

— Ҳаммаси жойида, — деди у. — Ҳаммаси жойида, мен ёнингданман. Ёмон туш кўрдинг, қизим. Кўрқма! Бу миссис Маккартининг мушуги.

У қизни уйга олиб кирди, эшикни занжирлади ва қўлида Мэри билан ерга ўтирди. Қиз индамас эди. У йиғламас, фақат қалтирар ва даҳшат тўла кўзлари билан унга телмурарди. Отаси лоақал унинг хўрсинганини ҳам эшитмади.

— Бу Томасина эмас, — деди у бўшашиб. Сўнг ўрнидан туриб, қизни бола-лар хонасига олиб кирди, ёстигини тузатиб берди. — Эрталаб доктор Стрэтси-ни айтиб келамиз. Энди икковимиз ҳам ухлаймиз.

Лекин унинг ўзи ухламади — анча вақтгача қизининг дилдираётганини сезиб ётди. Мэри отасининг олдида овоз чиқариб йиғлаб юборишдан кўрқаётгандай, даг-даг қалтирамоқда эди.

Доктор Стрэтси Макдьёининг кабинетида ўтирипти. У баланд бўйли, соч-соқоли оппоқ, лунжларининг буришгани ва кўзларидаги ғусса туфайли зотдор итга ўхшаб кетарди. Кўп йиллардан бери докторлик қилиб, катта тажриба ортирган, кўнгли ҳам анча юмшаб қолганди. Сал нарсага кўнгли бузилиб кетар, шунинг учун атайин ўзини дийдасини қаттиқ қилиб кўрсатишга уринар эди.

Ҳозир у чўнтагидаги соат занжирига илиғлик турган кичкина муҳрга тикилиб ўтирганича, маҳзун оҳангда шошмасдан гапирмоқда.

— Қиз тилдан қолипти. Буни биласизми?

Макдьёи энсаси қотганини билдирмай жавоб берди:

— У мен билан сал кам бир ойдан бери гаплашмайди. Биласизми, унинг мушуги касал бўлиб қолиб, менга олиб келган эди... Мушук фалаж бўлган экан... Орқа мияси лат ебди... Ҳамма оёқлари шол бўлиб, юролмай қолипти. Мушукни дори бериб ухлатиб қўйдим. Шундан бери мен билан гаплашмай қўйган, лекин бошқалар билан гаплашади.

Доктор Стрэтси бош ирғади:

— Хўш-хўш... Шунақа денг... Лекин эндиликда ҳеч ким билан гаплашаолмайдиган бўлиб қолипти.

— Сабабини топдингизми? — деб сўради Макдьёи.

— Ҳозирча топганим йўқ... — деб тан олди доктор Стрэтси. — Томоғлари жойида. Албатта, текшириб кўриш керак, — у томоқ қирди, — миясида бирон-бир нарса йўқмикин... Ўша воқеадан кейин бирон нарсадан қаттиқ ларзага тушгани йўқми?

— Тушди, — деб жавоб берди Макдьёи. — Бугун кечаси деразанинг ортида мушук қаттиқ миёвлади. Уни эшитиб, Мэри “Томасина!” деб бақариб юборди-да, югуриб уйдан ташқарига чиқди. Мен кетидан югуриб чиқдим...

— Бу Томасина эдими? — деб сўради доктор жиддий оҳангда.

— Нима деяпсиз? Томасинага дори берганмиз. Бирорта қўшнининг мушуги бўлса керак-да...

— Қизингиз қанчадан бери хаста? — деб сўради доктор Стрэтси.

— Хаста дейсизми? — деб Макдьёи кекса врачга таажжуб билан қаради. — У хаста эмас! — Шундоқ деган заҳоти ошнасининг гапи эсига тушди.

— Тўғри, ҳазрат Энгус айтганди... Мен ўзим кеча пайқадим — териси намиққан эди.

— Врачлар кўпинча ўз хонадоидаги хасталикни сезмай қолишади, — деди Стрэтси. — Қизингизнинг дарди жиддий.

— Нима касал бу? — деб секин сўради Макдьёи.

— Ҳозирча билмайман. Ҳозирча ташвишланадиган жойи йўқ. Мен ўзим хабар олиб тураман, қонини текшириб кўрамиз. Ҳозирча тўшақда ётсин, турмасин, қаттиқ асабийлашишдан эҳтиёт қилинг. Эҳтимол, бошқа бирон мушукми ё кучукчами ёрдам берармиди? Тушунарли, уриниб кўрсангиз... Мен унга уйқу дори бердим. Кечқурун яна келаман.

У чиқиб кетгач, Макдьёи умрида биринчи марта ҳақиқий одамлар докторига ҳавас қилмади. Майли, у хонадоннинг яқин одами, бутун умид ундан, у нажоткор, лекин ҳар нима бўлганда ҳам у беморнинг қариндошларига “тайёр-гарлигингизни кўраверинг” дейишга мажбур.

Шу гап хаёлига келиши билан у зирқираб кетди. Мэри Руанинг ўлимига дош беролмаслигини у биларди. Болалар хонасида унинг ухлаб ёганидаёқ у қизнинг кўз остидаги ҳалқаларни, териси носоғлом тарзда сарғайиб кетганини, лаблари кўкарганини кўрди.

Кўшни хонада миссис Маккензи анжомларнинг чангини артиб юрипти — бунинг сира ҳожати йўқ эди, чунки буюмлар аллақачон артилавериб, ҳаммаёқ ёғ тушса ялагудек бўлиб кетганди. Аммо миссис Маккензи Мэри қақариб қол-

са, эшитмай қолмайин деган хавотирда. Макдьои унинг олдига бориб, кўпдан бери унда кўринмаган бир мулойимлик билан деди:

— Шу ерда — Мэрининг ёнида эканингиз яхши бўлипти. Хабардор бўлиб туринг — уйғониб кетиб қолмасикин. У бир нарсдан қаттиқ кўрқди. Овози ғойиб бўлиб қолди. Бирор нарса зарур бўлиб қолса-ю, мен уйда бўлмасам, дарҳол докторга одам юборинг.

Миссис Маккензи унга шу қадар қаҳр билан қараши мумкинлигини Макдьои кутмаган эди.

— Кўрққан дейсизми? Бўлмаган гап! — деб ўшқирди у. — Қизалоғимиз куйиб адо бўляпти! Томасинанинг дарди уни еб битиряпти. Шўрлик ўлиб кетса, сўппайиб бир ўзингиз қоласиз. Ўшанда тавбангизга таянасиз сиз. Билиб қўйинг, кўрқмайман, ҳаммасини юзингизга айтаман. Нима қилсангиз қилаверинг, мистер доктор!

Макдьои бош ирғади.

— Унинг ёнидан нари кетманг, миссис Маккензи. Кечкурун доктор яна келиб, уни кўриб қўяди. Ноумид бўлмайлик, эҳтимол, кўрмагандай бўлиб кетар.

Шундай деб у кабинетига кириб, асбобларини жойлашга киришди. Лекин нима қилмасин, шўрлик мушук хаёлидан нари кетмас эди. Ўшанда мушукни тузукроқ кўрганида, муолажа қилганида, уни парвариш қилишга Виллига рухсат берганида — у ўз ажали билан ўларди-да, қизи бунчалик изтироб чекмаган бўларди. Наҳотки, у чиндан ҳам миссис Маккензи айтганидек, бағритош ёвуз одам бўлса? Наҳотки, шахардагиларнинг ундан ҳадиксирашлари бежиз бўлмаса?

Бу фикрлар уни эзиб ташлади ва у бошқа, олис ва деярлик хаёлий кўринадиган дунёга кўчиб ўтмоқчи бўлди. Бу дунёга сеҳрли эшик орқалигина кириш мумкин. Аллақерда эман ўсади, унга кўнғироқ илиб қўйилган, унинг ёнида уй бор, унда бир малла жувон истиқомат қилади. Жувоннинг бу дунё билан иши йўқроқ, у жиндай савдойроқ, у хаста жониворларни шифолаш билан машғул. У назарида кўнғироқнинг ипидан тортгандай бўлди, уй ичидан жувон чиқиб келиб, “ким ёрдамга муҳтож?” деб сўрагандай бўлди. Макдьои беихтиёр жавоб берди:

— Мен ёрдамга муҳтожман, Лори!

Тўсатдан қараса, у қўлида ганчни ушлаб турипти — демак, хаёл ичида жовондан ганчни олибди. Шунда у бўрсикнинг олдига қайтиб боришга ваъда берганини эслади ва ганчни чамадончасига солиб уйдан чиқди.

XIX

Эҳ-ҳа, менинг рақсга тушганларимни кўрганингизда эди! Мен дик-дик сакрадим, осмонга учдим, муаллақ турдим, тўрига йўргаладим, ёнбошлаб силжидим, дарахтдан юқорига учиб чиқдим, яна ерга тушдим. Мен қулоғимни қисиб олганча югурдим, Лорининг олдига етганимда тақа-тақ тўхтадим, шу сабабдан бир ёнга сурилиб кетдим. Ўзимнинг соямдан сапчиб ўтиб, ўтириб олдим-да, бет-қўлимни юва бошладим, Лори бўлса кулиб юборди-да, “Вой Талифа-ей, роса бемаза бўлибсан-да ўзинг ҳам”, деб қичқирди.

Мен суюнганимдан ўзимни йўқотиб қўйдим, чунки кечаси шамолнинг қанотларида менинг аввалги иқтидорим — илоҳларга муносиб қудратим қайтиб келган эди ва мен душманнинг юрагига роса гулгула солиб қўйдим.

Ҳеч ким ҳеч нарсдан воқиф бўлгани йўқ, ҳеч ким тунда мени кўргани йўқ, мен анави тентак итлару, мушуқларнинг шундоққина тумшуғи ёнидан киши билмас тарзда ғойиб бўлдим. Эрталаб Лори уйқудан уйғонганида мен ҳар доимгидек ўз жойимда ухлаб ётардим.

Вулли, Макмердок, Доркас ва мушук болалар аста келиб мени томоша қилишди. Мен ҳар гал ҳалқа ясаб айланар, ҳалқалар ҳар гал бири биридан катталашиб борарди. Охирида бутун кучим билан тўрт оёқлаб югура бошладим. Оёқларим ерга тегиб-тегмай югурардим. Сирасини айтганда, учдим десам ҳам бўлаверарди. Лорининг ёнига учиб бориб, унинг оёқлари остига чалқанча ётиб олдим-да, дўмбалоқ оша бошладим, Лори бўлса, кула-кула устимга энгашиб, қорнимни қашлар экан, “Талифа, бугун роса қутуряпсан-ку...” деди.

Менинг хуррамлигим итларга ҳам юкди ва улар ҳам акиллаб, югура бошладилар, кушлар эса қанотларини қоқа бошладилар. Мушукваччалар думларини тортқилашиб ўйнашар, олмахон дарахт шохларида жавлон урар, уйимиздаги жониворлардан биронтаси менинг нега бу қадар шодланаётганим сабабларини билмас эди. Шодланаётганимнинг сабаби эса шунда эдики, мен ашаддий душманимни аввалгидай ҳар нарсдан воқиф бўлиб, қудратим чексиз бўлиб юрган даврларимдаги каби ўлгудай талвасага солиб қўйишга муваффақ бўлган эдим.

Тўғри, менинг шодлигимга соя ташлаб турган нарса ҳам бор эди — менинг бу сифатларимга ишонадиган одамнинг ўзи йўқ эди. Балки Лори улар тўғрисида тусомллаб билган бўлиши мумкин, у ахир, жуда донишманд аёл, кўзлари ҳам менинг муҳибларимникига ўхшайди. Бироқ ҳамманинг тобинишига ўрганиб қолсанг, кейин бу одатни тарк этишинг қийин бўлар экан.

Ўша куни эрталаб Лори ҳам ҳар доимгидан қувноқроқ кўринди. У кушлар билан жониворларни айланиб чиқар экан, юрган йўлида ниманидир хиргойи қиларди ва унинг айтаётган сўзсиз қуйи менга эҳромимдаги найлар овозини эслатди. Баъзан у тўхтаб қолар, теварак-атрофга қулоқ тутар, гўё бировни кутаётгандек, сўкмоққа қараб-қараб кўярди.

Соат ўнларга бориб кўнғироқ чалинди. Мен хастахонамиз ёнида ўсган дарахтнинг учига чиқиб кетишга зўрға улгурдим. Ажаб қилган эканман — менинг малла соқол душманам келган экан.

Мен илоҳаман, тақдирлар эгасиман, само қўриқчисиман-у, лекин шу нусхани кўришга сира тоқатим йўқ-да!

— Ҳушёр бўл, Лори! — деб қичқирдим мен. — Ҳушёр бўл! Ҳайдаб юбор уни, қораси ўчсин. Унга менинг қарғишим теккан, қувиб сол уни, у ёмон одам.

Бироқ Лори мени тушунмади. У мушук тилини билмайди. Бизнинг эҳромимизда тамом бўлакча-да: бир нарса хаёлимдан ўтса, бирор нарсани ҳис қилсам, бас — менинг олий муҳибим дарҳол баланд овозда эълон қилади: “Тингланглар, одамлар! Баст — Ра сўз айтди!” Шундоқ дейилгандан кейин одамлар юзтубан таъзим қилишиб, менинг донолигимни мақтаб кетишади.

Лори билан Малла соқол хастахонага киришди.

У эртаси куни яна келди, учинчи кун ҳам, тўртинчи кун ҳам келди. Мен томда ўтириб, уни кузатиб турдим ва кимлигини билиб олдим. Унинг исми-шарифи Эндрыю Макдьюи экан, у шаҳарда ҳайвонларни даволар экан, Лори шаҳарга баъзан майда-чуйда харид қилгани бориб турарди. Шу одам бизникидаги мажруҳ бўрсикни даволади. Сира тушуна олмайман — нега мен ундан бунчалик кўрқаркинман? Мен — илоҳа бўлсам, унинг устига мушук бўлсам, яъни жаъмики яратилган мавжудотларнинг гултожи бўлсам-у, уни кўриш билан бутун вужудим музлаб кетса... Энг ожиз бир сичқондай қалт-қалт титрайман, кўрқаман, ўзимни қўйгани жой тополмайман.

Нега шунақайкин? Ким ўзи у? Мен уни ҳеч қачон кўрган эмасман, лекин шундоқ бўлса ҳам, юрагим сезиб турипти — у мушуклар кушандаси, дунёдаги энг жирканч маҳлуқ. Демак, уни жазоламоқ керак.

У ҳайвонларни қандай даволаш кераклигини гапириб бериб, Лорининг ишончини қозонмоқчи. У синган жойга гипс қўйиб, тахтакачлашни ўргатди, қўлларини дока билан боғлаш йўлларини кўрсатди. У Лорининг пинжига кириб, бизнинг бўрсигимиз устида нималардир қилишяпти. Лори унинг чапдастлигига қойил қоляпти, унга бўлса, айти шуни ўзи керак. Ганччи қўйиб, тахтакачлаб бўлгач, у бўрсикнинг қулоғи ортини қашлади ва у билан гаплашди, бўрсик бўлса, худди вафодор ит каби унга кўзини лўқ қилиб тикиб олди, Лори бўлса, унга шунақа бир мулоим жилмайдик, мен рашким кўзиб ўлай дедим. Мен юқоридан туриб унинг устига сапчишим ва томоғини тилка-пора қилмоғим мумкин эди, лекин ундоқ қилолмайман, ундан жуда кўрқаман.

Бироқ Лори ўзининг кўзга кўринмас дўстлари тўғрисида гапирганда у ҳам хурсанд бўлмайди.

Кунлардан бирида у зарда билан хона бўйлаб у ён-бу ён юрди, ҳамма банкарларимиз ва дори шишаларимизга соқолини тикиб чиқди, дориларни татиб кўрди, ҳидлади, қўли билан ушлаб кўрди-да, кейин сўради:

— Лори, доривор кўкагларни йиғишни ким ўргатган сизга?

— Гилмонлар, — деб жавоб берди жувон. Макдьёи бўлса буқадай дарғазаб бўлиб ўшқирди:

— Қўйинг бемаъни гапни! Мен сиздан жиддий сўраяпман.

Томдаги тирқишдан кўриб турибман — Лорининг йиғлаб юборишига сал қолди. У докторга қараб бурнини жийирди. Лори катгалардан дашном еяётган кичкина болага ўхшаб қолганди.

— Улар отқулоқнинг барглари тагида яшайди, — деди Лори. — Уларни кўз билан кўриш анча мушкул. Лекин эҳтиёт бўлиб, оҳиста юрсанг, уларнинг шивир-шивирини эшитасан.

Буни эшитиб, доктор деди:

— Узр, Лори. Мен истамагандим...

Унинг нимани истамагани номаълумлигича қолаверди.

Бошқа бир гал у жувондан сўради:

— Сиз кимсиз?

Жувон жавоб берди:

— Лориман. Бошқа ҳеч ким эмасман.

— Бирон қариндош-уруғингиз борми?

— Йўқ.

— Қаердан келиб қолгансиз?

— Олисдан.

— Бу ерни қандай топиб келгансиз?

— Мени фаришталар бошлаб келган.

Буни эшитиб у яна Лорига қараб кўйди.

Кун сайин Лори ҳайвонларни даволашда моҳирроқ бўлиб бормоқда, ундан кўпроқ нарса ўрганмоқда эди. Улар алламаҳалларгача индамай ишлашарди — Лори ўзига керак нарсани гап-сўзсиз илиб оларди.

Бир куни Малла соқол корзинкада бир кучукчани олиб келди. Кучукча жуда беҳол эди. У кучукчани стол устига ётқизди, пичоғи ва қисқичларини олди, кейин улар анчагача бир нарсалар қилишди. У нималарнидир тушунтирар, Лори эса оғзидан чиқмай илиб оларди.

Улар қирқиб чатишларини тугатгач, Малла соқол деди:

— Кучукчани сизникида қолдираман, Лори. Мен қўлимдан келганини қилдим. Энди унга керак нарсани мен беролмайман.

Шундай деб, у жўнаб кетди, Лори уни кузатиб чиқиб, орқасидан қараб қолди. Мен унинг ёнига бориб, оёқларига суйкандим. У бир нарсалар деб пичирлар эди.

— Кимман мен? — Кейин яна пичирлади: — Мен кимман ўзи? — Кейин яна нола қилди: — Нима бўлди менга?

Мен унинг оёғига қаттиқроқ суйкандим, аммо у мени пайқамади.

XX

Доктор Стрэтси билан Макдьёи денгиз сувига, кўпиклар четида юрган чорлоқларга, кўрғошин тусидаги оғир булутларга қараб, соҳилда кезиб юришипти. Ҳаво шунақа ғуборли эдики, ҳатто Макдьёининг соқоли ҳам сал-пал ўнгиб кетгандай туюларди. Наммуш ҳаво доктор Стрэтсининг юзидаги қат-қат ажинлар ичига кириб борганди, унинг шляпаси ва пальтосига ҳам сингиб кетганди, аммо унинг кўзларида заковат ва меҳр яққол сезилиб турарди. У Макдьёиға хушхабар олиб келганди, Макдьёи эса унинг ҳар бир сўзини жон қулоғи билан тингламоқда.

— Кўриб турибсизки, текширишлар натижаси жуда яхши, — деди у. — Энди айтсам бўлади, мен лейкоз деб ўйлаган эдим. Албатта, тилдан қолганини ҳисобга олмаганда... Бироқ қизалоқнинг қони жуда тоза чиқди, шунинг учун лейкозни хаёлга келтирмай кўяқолайлик. Қизалоқда бирон жиддий хасталик йўқ.

— Уҳ! — деб чуқур хўрсинди Макдьёи. — Минг раҳмат-е!

— Ҳа, шундай, — деб таъкидлади Стрэтси. — Буйраклари жойида, юраги билан ўпкаси ҳам соғлом. Энцофалограмма ҳали тайёр эмас-у, лекин менинг ишончим комилки, унинг миясида ҳам ҳеч қандай хасталик йўқ.

— Шундай деб ўйлаётган бўлсангиз, мен беҳад хурсандман, — деб унинг гапини илиб кетди Макдьёи. — Агар қизим хаста бўлмаса...

Доктор Стрэтси ҳассаси билан майда тошларни титкиларди.

— Қизингизнинг касали оғир, — деди у ниҳоят.

Макдьёи гўё унинг гапини тўғри эшитганига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлгандай, “касали оғир” деган иборани такрорлади. Зоҳиран, у хотиржам эди, аммо юрагини таҳликали кўрқув яна чулғаб олди. Унинг фикрлари тўзиб кетди, нима деяётганини ўзи ҳам сезмай деди:

— Ахир, ҳозиргина ўзингиз “қизинг хаста эмас” дедингиз-ку?!

— Ҳар қанақа хасталикни ҳам дарров топиб бўлмайди, — деб жавоб берди доктор Стрэтси. — Менинг бобом замонларида одамлар кўплаб шунақа сабаблардан оғриганки, ҳозир бунақа сабабларни ҳисобдан ўчириб ташлашган. Келиндан рад жавобини олган йигит сарғайиб, чўпдай озиб кетар экан, алданган қиз кучдан қолиб, ҳатто юролмаб қоларкан, эри ташлаб кетган ёки шунчаки қарилик фаслига қадам қўйган аёл ногирон бўлиб қоларкан. Бу хасталикларнинг ҳаммаси ҳақиқий ҳисобланаркан. Аслида, чиндан ҳам ўзи шунақа.

Макдьёи унинг гапларини эътибор билан тинглар, лекин “оғир касал” деган ибора занглаган миҳдай юрагига санчилиб қолганди. Сўзлар билан ва сўзларсиз доктор Стрэтси унга нимани уқдирмоқчи эканини Макдьёи тушуниб олишни истарди. Тўсатдан у ўзини эслади — унинг ўзи ҳам одамларнинг кўнглидаги умидни чиппака чиқаради-ку? Шунинг эслади-ю, Худога ишонмаслиги учун жиндай енгил тортди. Ҳаммаси бир-бирига боғлиқ бўлган ва маънодор дунёда буларнинг бари янада даҳшатлироқ бўларди — унда Худо Мэрини Макдьёидан тортиб оляпти деб ҳисоблашга мажбур бўларди. Бундай ҳолларда роҳиблар “Худо уни қайтариб олди” дейишади, негаки, Худонинг нуқтаи назаридан у қизлик бўлишга муносиб эмас. Докторга у ҳеч нарса демади, ундан садо чиқмагач, Стрэтси яна ўзи гап бошлади:

— Агар менинг бобом Александр Стрэтси тирилиб қайтиб келса-ю, биз уни Мэри Руанинг олдига олиб борсак, у беморнинг олдига кирар, хонадаги ҳавони искаб кўрар ва қизалоқнинг иягидан ушлаб, анчагача унинг кўзларига қараган бўларди. Жисмида ҳеч қанақа ўзгаришлар йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, эшикни ортидан ёпиб, бизнинг ёнимизга чиқарди-да, “Бола юраги эзилиб кетганидан нобуд бўляпти” деб тўғрисини айтиб қўяқоларди.

Макдьёи ҳеч нарса демади. Демак, жазо деганлари ҳақ экан, сени сўроқ қилишади ва жазога мустаҳиқ этишади. Наҳотки, қаердадир ҳар бир гуноҳингни ҳисоб-китоб қилиб, ўшанга яраша жазони белгилаб берадиган идора бўлса? Бу жазо қандоқ бўларкин? Унинг миқдори қанча? Наҳотки, битта касал мушукнинг ҳаёти учун жаъмики ҳаётинг ва шоду хуррамлигингни беришинг керак бўлса? Ким шундай деб ҳисоблайди?

— Мен замонавий докторман, анализларсиз муолажада бир қадам ҳам қўймайман. Акс ҳолда, бобомнинг гапларига қўшилган бўлардим, — деб давом этди доктор Стрэтси. Кейин кўққисдан сўради: — Эндриу, сиз яна бир марта уйла-ниш ҳақида сира ўйлаб кўрганмисиз?

Макдьёи юришдан тўхтаб, унга қараб қолди. Бир ой аввал шу саволни беришганда, у узил-кесил оҳангда “йўқ” деб жавоб берар эди. Лекин ҳозир билдики, Стрэтси туғма доктор бўлгани учун қизининг хасталигини юракдан ҳис этиб топгани янглиф, унинг дардини ҳам пайқай олди.

— Майли, майли, — деб шоша-пиша гапига қўшимча қилди Стрэтси Макдьёининг хижолат чекаётганини кўриб. — Бу сизнинг ишингиз. Мэри Руа меҳрга муҳтож демоқчи эдим, холос.

— Мен, ахир, уни ҳаддан зиёд яхши кўраман, — дея хитоб қилди Макдьёи ва дабдурустдан билолмай қолди — кимни назарда тутяпти у — Мэриними ёки Лориними? Ҳозир у билардики, икковларини ҳам яхши кўради, аммо уларнинг бири Макдьёини тарк этипти, иккинчисига эса Макдьёининг қўли етмайди.

— Ҳаммамиз ҳам шунақамиз, — деди доктор Стрэтси. — Уларни ҳаддан зиёд яхши кўраемиз. Лекин худбинлик билан яхши кўраемиз, худди ўзимизнинг буюмимиздай ёки ўзимизнинг тасвиримиздай. Гап қайтаришларини ёқтирмаймиз. Эркаклигимизни писанда қилиб, севгимизни кўз-кўз қилаётгандай яхши

кўрамир. Хотинларнинг муҳаббати тамом бошқа-да... Аёл киши севса, дағдага қилмайди, бардошли бўлади, гуноҳларингни кечиради, авайлаб-асрайди, эҳтиёт қилади.

— Мен ҳам истаган эдимки... — дея гап бошлаган эди Макдьои, бироқ Стрэтси унинг гапини бўлди:

— Эндрю, мен ҳеч нарса деяётганим йўқ. Сиз, албатта, яхши бўлишини хоҳлагансиз, аммо нимадир рўй берган, тўғрими? Қизингиз билан ораларингда нимадир ўтган. Бу ўша кечада бошланган эмас. — Ҳа, — деб жавоб берди Макдьои, — бу унинг мушугига дори бериб ухлатган куним бошланган эди.

— Ўзим ҳам шундоқ деб ўйловдим. Айни бошга кулфат тушганида икковлари — ота ҳам, она ҳам керак бўлади. Ҳар қайсисининг ўрни бошқа, ота куч бағишлайди, она дардини тушуниб, тафтини олади.

— Демак, сиз шуни тавсия қиласиз, шундоқми? — деб сўради Макдьои. Унинг авзоидан шунақа бир ночорлик ифодаси уфуриб турар эдики, Стрэтси дарров унга таскин беришга шошилди.

— Ҳай, ҳай, ўзингизни босинг! Ҳали ҳеч гап бўлгани йўқ. Мен “касали оғир” деган бўлсам, бу “ҳеч қандай умид йўқ” дегани эмас-ку! Бевосита хавф йўқ, унинг организмни соғлом, қаршилиқ кўрсатяпти, биз унга ёрдам берамиз. Меҳрни эса ундан сира аямасликни тавсия қиламан. Бу — болалар учун ҳам, аёллар учун ҳам, биз — эркаклар учун ҳам, ҳайвонлар учун ҳам энг яхши дори. Буни мен айтмасам ҳам, ўзингиз яхши биласиз. Уларни мен эмас, сиз даволайсиз-ку! Хўп, хайр бўлмаса, Эндрю. — Шундай деб у хайр-маъзур қилди.

Макдьои эса уйга кирди, шляпаси билан плашини ечди ва Мэрининг олди-га йўл олди. У сукунатга кўникиб қолганди, шунинг учун ҳеч кимнинг жавраб турмаганини, ҳеч ким югуриб-елмаётганини, ҳеч ким кулмаётганини кўриб ҳайрон бўлмади.

Мэри Руа чалқанча аҳволда шифтга тикилиб ётарди. Миссис Маккензи унинг тўшаги ёнида ўтирган жойидан турди, тикишини йиғиштириб қўлига олди-да, ўчоқ бошида ишим бор деб чиқиб кетди. Макдьои тиззалаб ўтирди-да, қизини кучоқлади. Кучоқлаб қаттиқ бағрига босди. Гўё у юрагида жўш ураётган муҳаббат қизининг ҳам вужудига оқиб ўтишини истарди. Лекин оғиз очиб бир сўз айтолмади. У умрида биринчи марта Стрэтси айтган гапларни уққандай бўлди. У эркак севгисидан нима етишмаслигини энди тушунди. У юраги бетлаб-бетламай Мэрининг бошидан ва қўлидан силади, аммо кўз ўнгида Лори қизининг устига эгилган ҳолда намоён бўлди. Унинг бутун вужудидан бениҳоя нафис ва мулойим меҳр уфуради эди. Буни кўриб, Макдьои қўлини пастга туширди. Унинг кўз ўнгида яна бир манзара пайдо бўлди — Лори энгашганда унинг мисдек ялтираган сочлари Мэрининг олтиндек товланган кокиллари билан аралашиб кетди. У Лорининг бўрсиқни кўтариб, аллалаб юрганини аниқ тасаввур қилди.

Макдьои ўтирган жойидан турди, курсига ўтирди ва юзинчи марта хаёлга толди. Хаёлида эса юзинчи марта шафқатсиз ҳақиқат зарбалари остида орзулари чиппака чиқмоқда эди.

Лорининг қусури кўп. Лори мажруҳ. Унинг хасталигини таърифлаш учун Макдьоининг тиббиёт илмида жуда кўп доно сўзлар бор. Лори ғойибдан келадиган товушларни эшитади ва филмонлар билан мулоқот қилади. Лори бу дунёни тарк этган, Лори одамларнинг эмас, ҳайвонларнинг хизматини қилади, Лори ҳаётни деб эмас, ривоятларни деб яшайди. Тақдирнинг алланечук чидаб бўлмайдиган ўйини етим қиз билан қаҳри қаттиқ бўйдоққа даво ўрнига раво кўрилган аёл ўрнини боса олмайди. Макдьои қўли билан юзини яширди, шу аҳволда ҳеч қайси ўйининг тагига етолмай узоқ ўтирди, кейин эса бошини кўтариб, Мэри Руанинг ухлаб қолганини кўрди.

Энди Стрэтси айтган гапларнинг ҳаммасини у ҳам аниқ-равшан кўрди — қизининг терисининг ранги соғлом эмас, ўзи озиб кетган, кўзларининг тагида — ҳалқа. Лекин уни ҳамма нарсдан ортиқроқ таажжубга солган нарса Мэрининг чеҳрасида муҳрланиб қолган мутельик ифодаси бўлди — қиз гўё бўлар иш бўлди дегандек, тақдирга тан берган эди. У на яшашни, на шоду хуррамлик қилишни истар эди. Макдьои ўрnidан зўрға туриб, ташқарига чиқди. Ниҳоят, у нима қилиш кераклигини тушунди — бу ердаги черковнинг мутаваллиси ҳазрат Энгус билан маслаҳат қилмоқ керак.

XXI

Макдьюи кўшни уйга — дўстининг олдига тез-тез келиб турарди. Улар тамаки чекишиб, пиво ичиб ширин суҳбатлар қуришарди. Лекин ҳозир у саволини шунчаки йўл-йўлакай, оёқ устида, ошналарча бетакаллуф тарзда сўрай олмас эди. У дўстининг олдига нажот излаб келди деса ҳам бўлади. У худди қишлоқдан келган бирор художўй сингари шляпасини тиззасига қўйиб, стулда омонат ўтирганча хижолат чекмоқда. У ўзини тоат-ибодат учун номуносиб кийингандай ва умуман бу ерга ноўрин келиб қолгандай ҳис қиларди.

Ҳақиқатда эса у ҳар доимдагидек кийинган — устида тирсагига чарм тикилган твид костюм, шляпаси йўқ, лекин чиндан ҳам курсида омонатгина чўкка-нича гулдонга, китоб жавонига, стол устидаги шахматга, гул қоғозга, деворнинг хира тортган бўёғига, Энгусга қараб ўтирипти. Энгус Педди эса, ўз навбатида, усти китобу папкаларга тўлиб кетган стол ортида ўтирар ва ёзувчилик билан шуғулланишга киришган Пиквикка ўхшаб кетарди.

Макдьюи кириб келганида Педди ҳайрон бўлмади, балки жўнгина хитоб қилиб қўяқолди.

— Кел, Эндрю, киравер. Бир оз кутиб турасан. Йўқ, йўқ, халақит бермайман. Қайтага, қавмимдан раҳмат эшитасан — амри маъруф ўн беш минутга қисқарадиган бўлди. Сен туфайли ваъзимни ҳозир тугатаман.

Лекин ҳадеганда уларнинг суҳбати бошлана қолмади. То шўрлик Цесси ёзув столининг ёнида турган корзинкасидан чиқиб, ўзини даволаган докторининг олдига келмагунча ва орқа оёқларида тик туриб хушомадни ўринлатмагунча ҳазрат Энгус ҳам, Макдьюи ҳам гап бошламади.

Макдьюининг тирсаги ёнида конфет тўла ликопча турарди. У паришонхотирлик билан битта конфетни олиб, итга берди. Итнинг кўзлари қинидан чиқиб кетай деб, полга ялпайиб ётиб олди.

Ҳазрат Энгус тантанавор қиёфада дўстига қаради.

— Ана, кўрдингми? — деди у дўстига.

Макдьюи қулиб юборди ва икковлари ҳам анча енгил тортишди. Доктор трубкасига тамаки тўлдириб, тутатди-да, роҳибга мурожаат қилди:

— Сен билан маслаҳатлашгани келдим. — Кейин шоша-пиша илова қилди. — Йўқ, Мэри тўғрисида эмас. Лори тўғрисида.

Энгус Педди ажабланмади.

— Э-э, Лори тўғрисидами? — деди у. — Ҳа-я! Сен унинг олдига бормоқчи бўлувдинг, шекилли? Демак, бориб келибсан-да?

Доктор роҳибнинг хатар тўғрисида огоҳлантирганини эслади, ҳозир Макдьюи Худога муҳаббат қўйиш ўрнига Лорини севиб қолганини эшитса, ҳазрат Энгус нима деркин? Лекин бу тўғрида индамади-да:

— Ҳа, бир неча марта бордим, — деб қўяқолди.

— Қилмоқчи бўлган ишингни бажардингми? — деб сўради Педди эҳтиёткорлик билан.

— Йўқ, бунга ҳожат бўлмади. Унинг ҳеч қанақа айби йўқ. Унинг тўғрисида менга айтилганларнинг ҳаммаси бўҳтон экан.

Ҳазрат Энгус хурсанд бўлиб жилмайди.

— Худога шукр! Сен бунни тушуниб етишингни билган эдим.

— Унинг ҳеч қанақа айби йўқ экан, — деб такрорлади Макдьюи. — У жуда яхши аёл экан. Фақат... биласанми... баъзи фикрлар миясига ўрнашиб қолган кўринади. Йўқ, ёмон фикрлар эмас. Аксинча. Унинг назарида, у ҳайвонларнинг тилини билади, ҳайвонлар эса унинг гапига тушунади. Лекин, очигини айтсам, ҳайвонлар чиндан ҳам унинг ҳамма гапига киришади. Бироқ буни мўъжизани аралаштирмай ҳам изоҳласа бўлади-ку. Кейин унга шундай туюлар эканки, гўё у фаришталар билан мулоқот қилаётгандай, уларнинг қанот қоқишларини, овозларини эшитаётгандай бўлар экан...

— Эсингдами, — деди Педди, — ер юзида бир замонлар Франциск деган одам ўтган. У қушлардан чирқилламай туришни илтимос қилган экан. Кейин уларга ваъз айтган экан. У тилсиз-забонсиз жониворларни ўзига биродар ва опа-сингил деб ҳисоблаган экан. Эндиликда олимлар ҳам унинг гапларини тасдиқлашди — одам кўп жиҳатдан ҳайвонга ўхшар экан...

Макдьюининг аччиги келди, бу унинг дўстига далда берди, чунки мўмин, юввош Эндрю тирик одамга ўхшамай қоларди.

— Э-э, кўйсангчи-ей! — деб қичқирди у. — Қанақа одамсизлар ўзи? Худо ҳаққи, илонга ўхшайсизлар-а! Сен жуда яхши биласанки, Лори савдойроқ. У ўзига махсус бир дунё яратиб олган. У...

— Албатта, биламан, — деб унинг гапини бўлди Педди. — Сизлар ўзларингизнинг қаричингизга тўғри келмайдиган нимаики бўлса, ҳаммасига ёрлиқ ила-сизлар. Бирини неврастия, яна бирини шизофрения, учинчисини маңиякал депрессив психоз дейсизларми-ей! Биз шўрликларнинг маҳрига ўзига мос бирор хастахонани танлашдан бошқа имкон қолмайди.

— Лори ҳар жиҳатдан соғлом деб мени ишонтирмоқчи бўляпсанми? — деб сўради Макдьюи аввалгидай жўжаҳўроза ўхшаб хезланиб. Буни кўриб хурсанд бўлди.

Роҳиб ўрнидан туриб, деразанинг олдига борди ва оппоқ черковга, қабристоннинг оппоқ тоштахталарига, кўрфазнинг зангори сувига қаради. У анчагача ўйланиб қолди, кейин дўстига ўтирилиб деди:

— Агар Худо билан мулоқот қилишни истовчилар жинни бўлса, унда соғ одам деярлик қолмайди. Бошқача қилиб айтай: Исо Масих бизни ҳамдард бўлишга даъват этди. Бундан икки минг йил муқаддам. Ақлдан озган шафқатсиз дунёда муҳаббатни, мушфиқликни, меҳр-мурувватни тарғиб қилди. Лекин дунё ҳалеганда гапга киравермас экан, у Худо чизиб берган йўлдан борган сари узоқлашиб кетмоқда. Аввалги замонларда — бундан беш юз йиллар аввал Лорини авлиё деб ҳисоблаган бўлардилар...

— Авлиё эмас, жодугар деб ҳисоблашарди, — деб унинг гапини тўғрилади Макдьюи қовоғини уюб. — Уни ҳозир ҳам шундай деб аташади. Йўқ, сен менга бир нарсани айтиб бер: агар у хаста бўлса... агар у безарар телба бўлса... агар у ўзи ўйлаб чиқарган дунёда яшаса... Агар у, нима десам экан — савдойроқ бўлса ёки бор ана — сен айтганча, авлиё бўлса... Бу гуноҳми, гуноҳ эмасми?

У индамай қолди, лекин паканагина бақалоқ роҳиб деразадан узоқлашди-да, зарда билан сўради:

— Гуноҳ билан сенинг неча пуллик ишинг бор, Эндрю Макдьюи? Наҳотки, билмасанг — гуноҳ деган нарса бизнинг маҳримизга тушган, сизларга берилган жазолардан бири шундаки, сизларга аталган гуноҳ йўқ...

— Мендан куляпсанми? — деб сўради Макдьюи ҳадиксираб.

— Йўғ-е, нега кулар эканман? Ахир, кўриб турибсан-ку, сен ўзингни ўзинг боши берк кўчага тиқиб қўйдинг! Агар сен Худога ишонмайдиган бўлсанг, сен учун гуноҳ ҳам йўқ. Агар ишонсанг, Лори бемор эмас, балки меҳрибон, мушфиқ, мунис бир аёл. У каттакон ва бешафқат дунёда адашиб юрган Худонинг бир бандаси...

— Икки гапнинг бирида Худо, Худо! — деб ҳайқирди Макдьюи. — Ундан қочиб қутулишнинг иложи йўқми?

— Албатта, иложи йўқ, Эндрю, — деб жангдор оҳангда жавоб берди Педди ва юмшоқроқ оҳангда давом этди: — Мен доим унинг тўғрисида гапиришимга сен ҳайрон бўлма. Психиатр сен билан неврозлар тўғрисида ва ҳар хил либидолар ҳақида гаплашарди, врач ҳар хил томир-у пайлардан, чилангар қувурлардан сўзларди. Нима қилай, касбим роҳиблик бўлганидан кейин Худодан гапираман-да...

Макдьюи унга жаҳдан тушиб, сустроқ жавоб берди:

— Менинг зиммамга жуда қийин жумбоқни юклаб қўйдинг, Энгус.

— Ростданми? — деб ҳайрон бўлди Педди. — Хаёлимга ҳам келтирганим йўқ. Сен билан Лори икковингиз ўз дунёларингизнинг бир-бирига қарама-қарши бурчакларида яшайсизлар. Кошки эди ҳар бирингиз бир-бирингиз томонга бир-икки қадам қўйсангизлар...

— Бунинг сира иложи йўқ! Тушунсанг-чи — у ғойибдан келган товушларни эшитди, уларга қулоқ тутди...

— Нима бўпти? Жанна д'Арк ҳам эшитган, — деб жавоб берди Педди унга бегуноҳларча назар солиб. — Товушлар чиндан бўлиши мумкин, лекин биз ҳаммамиз ҳам уларни эшитавермаймиз деган фикр сира хаёлингга келган эмасми?

Макдьюи ўтирган жойидан туриб, шахмат тахтасининг ёнига борди ва парижонхотирлик билан пиёдани олиб бошқа жойга қўйди. “Демак, бизни ҳам мана шунақа ўрнимизни алмаштираверадилар, — деб ўйлади у. — Аммо ўйин қоида-си борми? Йўқ, йўқ, иложим йўқ, сира иложим йўқ!” У эшик ёнига борди-да, остонада туриб, чинакам самимият билан дўстига деди:

— Сен менга ёрдам бермадинг, Энгус.

— Мени кечир, Эндрю, — деб жавоб берди роҳиб. — Сирасини айтганда, сен ўзингга ўзинг ёрдам берасан. Агар сен топмасанг, сени топадилар, ҳамиша шундай бўлади. Сен сезасанки, бу шунчаки аллақандай ривоятлар ёхуд фактларга эътиқод қўйиш эмас, балки алоҳида туйғу, қатъий бир ишончдир. Бу туйғу, бу ишонч, шак деган нарсага мутлақо ўрин қолмагунча инсоннинг вужудини тўлдириб туради. Бунда ҳеч ким бу йўлни сенинг ўрнингга босиб ўтолмайди. Бунинг қандай содир бўлишини биз билмаймиз, қачон келишини ҳам олдиндан айтиб беролмаймиз.

— Гапларингни тушуна олмаяпман, — деди Макдьюи.

— Тушунмаёқ қўя қол, майли, — деб мулоим жавоб берди Педди ва чуқур хўрсинди.

Макдьюи эшикни аста ёпиб, хонадан чиқди. Пакана роҳиб эса стол ортида узоқ ўтириб қолди. У гапирган гапларим тўғри бўлдимиз ё нотўғри гапирдимиз деб ўйлар, буни билмоқ нечоғлик мушкул эканини хаёлига келтириб қийналарди.

XXII

Бесўнақай узун курсида докторнинг қабулини кутиб учта бола ёнма-ён ўтиришарди. Макдьюи уларни таниб, эшикдан бошини чиқарди. Айтмоқ керакки, бу гал унинг башарасида аччиғланиш белгилари аввалги даврлардагидан камроқ эди. Болалар Жорди Макнэб, Джеми Брайд ва Хьюги Стирлинг эди. Макдьюи уларнинг нега келишганига қизиқиб қолди ва сўнгги мижозини кузатиб қўйгач, Виллини ичкари хонага киритиб юборди-да, эшикни очиб, қичқирди:

— Келинглар, болалар!

Улар сиполик билан ичкари киришди, бўйсира бўлиб туришди. Ҳаммалари учун Хьюги гапирди;

— Мэри Руа қалай? Тузалиб қолдимиз! Уни кўргани борсак майлими?

— Мэри Руанинг анча мазаси йўқ, — деб жиддий оҳангда жавоб берди Макдьюи. — Кўргани келсанглар майли. Уни чалғитишга уннаб кўринглар. Баракалла, азаматлар. Уни эслаб, мендан ижозат сўраб яхши қилдинглар.

— Унинг аҳволи ёмонлашиб қолганидан хабаримиз бўлмапти, — деди Джеми Брайд. — Дафн кунидан бери уни кўрганим йўқ... — Шундай деди-ю, Хьюгининг ўкрайганини кўриб, дами ичга тушиб кетди.

— Унинг мушуги борми? — деб сўради Жорди.

Жорди болаларнинг энг ушоғи эди, шунинг учун Хьюги унга мулоимроқ муомала қилди. Унинг елкасига қўлини қўйиб туриб деди:

— Қўй, сўрама, Жорди. Борганда ўзинг кўрасан. — Шундай деб у докторга мурожаат қилди. — Мен уни гаплашмаяпти деб эшитдим. Шу ростми?

— У тилдан қолди, — деб жавоб берди Макдьюи. — Лекин бу ўтиб кетади деб умид қилиб турибмиз. Сизлар тортинманглар, бемалол унинг олдига бораверинглар. Қизиқ-қизиқ гаплардан гапириб беринглар... Балки... балки у сизлар билан гаплашар. Шундоқ бўлса, биронтангиз менинг олдимга югуриб келиб айтиб берасиз, хўпми?

— Бўпти, сэр, — деди Хьюги. — Мен дадам билан елканли кемада сайрга чиққандим. Чўкиб кетишимизга сал қолди. Шуни айтиб бераман. Мэри роса кулади-да...

Уларнинг учови ҳам ҳадеганда кетишга отланавермади. Шунда Макдьюи тушунди — ўзи ўйлагандек, болакайлар фақат Мэри Руани деб келишган эмас — бошқа гаплари ҳам бор.

— Сэр, — деди Хьюги Стирлинг. — Сиз билан бир иш тўғрисида гаплашсак бўладими?

Макдьёи анчагача трубкасини тутатиб турди-да, кейин тамаки тутуни ичида жавоб берди:

— Ҳа.

— Сэр, — деб бошлади Хьюги, — биз кеча лўлиларни томоша қилгани борган эдик. Бунга мен айборман, болаларни мен бошлаб бордим. Пулини ҳам мен тўладим.

— Биз ҳам айбормиз, — деб луқма ташлади Джеми Брайд. — Биз ўз ихтиёримиз билан бордик.

— Улар айиқни калтаклашди, — деб қичқириб юборди Жорди ва йигилиб қолган ёшлари кўзларидан тирқираб кетди.

— Хўш, хўш, — деди Макдьёи, гарчи ҳали гапнинг нимада эканига тушунмаган бўлса-да.

— Биласизми? — деб яна гапни илиб кетди Хьюги. — Бизга боришга рухсат беришмаган эдилар. Агар уйдагилар борганимизни билиб қолишса, қаттиқ даргазаб бўлишади.

— Тўғри қилишади, — деди Макдьёи. — Нима қилади болалар у ерда?

— Йўқ, биласизми, у ерда томоша кўрсатишади, — деб тушунтирди Хьюги. — Худди циркдагига ўхшаб. Чавандозлар отда чопади, тулкилар ўйин кўрсатади, айиқ чиқади. Мен-ку Эдинбургга борганимда ҳайвонот боғида айиқни кўрганман. Лекин манавилар тирик айиқни сира кўришмаган. Шу, десангиз, холам леди Стюарт менга жиндай пул бериб қолди. Узимнинг ҳам бир оз йигиб юрган пулим бор эди. Шу пулларга ҳаммамиз бордик. Билети бир шиллинг экан...

— Қаёқдан ҳам борган эканман, — деб гап қўшди Джеми.

— Айиқни калтаклашди! — деди йиғлаб Жорди. — Шўрлик ағанаб тушиб, йиғлаб юборди.

Унинг ўзи ҳам сира йиғисини босолмасди. Хьюги бўлса, ёнидан рўмолчасини олиб, унинг юз-кўзларини, бурнини артиб қўйди, кейин Макдьёиға мурожаат қилди:

— Ҳа, сэр, улар айиқни уришди. Жуда ёмон одамлар экан! Айиқни ҳам, отларни ҳам, итларни ҳам, шўрлик маймунни ҳам аямай савалашар экан. Одамлар кам келгани алам қилгандир-да... Фақат қишлоқилар келипти. Айиқ бечора озиб-тўзиб кетипти, ўйинга тушишга мажол ийўқ, улар бўлса уни занжир билан уришади.

Макдьёи бош ирғади.

— Бу ҳали ҳолва, сэр, — деб давом этди Хьюги. — Улар ҳайвонларни қафасда сақлашади. Уларни бизга кўрсатишлари керак эди, лекин кўрсатишмади. Одам камлигига аччиғлари келди. Биз ўзимиз қафас турган жойни айланиб кўрдик. Қоронғи эди, яхши кўролмадик, лекин шўрлик жониворлар ўлиб йиғлашди. Жуда ҳам сасиб кетишипти.

Макдьёи яна тамаки тутунига кўмилди.

— Хўш, — деди у. — Мендан нима истайсизлар?

— Сиз ўша жойга полицияни йўлласангиз, — деб жавоб берди Хьюги.

— Баракалла! — деб уларга далда берди Макдьёи. — Фақат нима учун сизлар тўғридан-тўғри Макквэрининг олдига бормадинглар? Бу ишлар унга дахлдор-ку?

Болалар бир-бирларига қарашди.

— Констебль Макквэри бизга пўписа қилган, — деди Хьюги. — Агар лўлиларнинг теварагида ўралашиб юрганларингни кўрсам, териларингни шилиб оламан деган.

— Ҳм-м... — деди Макдьёи. — Демак, ҳаммасига балоғардон мен эканман-да? Хўп, нима қилмоғим керак?

— Биз ўйлаган эдикки, сэр, — деб сўзлай кетди Хьюги енгил тортиб,

— Сиз у ерда доктор сифатида борасиз, ҳаммасини тафтиш қилиб, текшириб кўрасиз, улар сиздан кўрқишади. Ёки сиз полицияга айтасиз...

— Майли-ю, лекин менинг вақтим йўқ-да, — деди Макдьёи ўйланиб.

— Бу ёқда Мэри касал...

— Мэрининг ёнида биз ўтириб турардик. Биласизми, агар биз полицияга имзомизни қўймай, мактуб йўлласак, айиқ шўрлик бардош беролмайди.

Жорди яна ҳунграб йиглаб юборди.

— Занжир билан бурнига уришди. Бурнидан тирқираб қон келди.

Макдьои жаҳл билан трубкасининг тамакисини тўка бошлади. Жорди бутун жасоратини бир жойга йиғди-да, пастроқ овозда қўшиб қўйди.

— Айиқ оқсоқ экан! Шунинг учун рақс тушгиси келмайди. Унинг панжаси лат еган.

— Ҳм-м... Аҳвол чатоқ-ку...

— Демак, борасиз-а, сэр? — деб сўради Хьюги.

Макдьоининг бу ишга бош қўшишга сира хохиши йўқ эди. Ким билади дейсиз — бу болаларнинг кўзларига нималар кўринди?.. У ер қоронғи, тутун ичида, ҳамма нарса боридан кўра қўрқинчлироқ кўринади. Аммо Жорди билан Джемининг калта-калта иборалари онгига ёриб кириб, жойлашиб олди. У ҳозир ночор, эзиб ташланган жониворларни ўз кўзи билан кўриб тургандай бўляпти. У айна ана шу Жорди унга чўлоқ қурбақа олиб келганини, у эса болани ҳайдаб солганини эслади. Шунда у ўзига боладан ҳам, Лоридан ҳам қарздордай кўринди.

— Ўйлаб кўраман, — деди у.

Хьюги тушундики, катгалар тилидан таржима қилганда бу “Майли, бора-ман” дегани бўлади. Ҳолбуки, буни ҳали Макдьоининг ўзи билмасди.

Болалар чиқиб кетишди, фақат Хьюги остонада тўхтатиб деди: — Раҳмат, сэр. Тўғриси, биз Мўрини сўрагани келган эдик. Бироқ, модомики, бу ерга келган эканмиз, бу тўғрида сўрай қолдик. Ўзингиз кўрдингиз, Жорди йиғлай-вериб шишиб кетди.

Макдьои боланинг елкасига қўлини қўйди-да, сира қутилмаган мулойимлик билан деди:

— Сенга раҳмат, Хьюги! Бўпти, борақол.

Улар кетишгандан кейин, у анчагача тамакисини тутатиб, “менга нима бўлди ўзи?” деб ўйланиб ўтирди. Жорди Макнэб ҳам ўйланиб борарди. Унинг таржимасида докторнинг боя айтган гапи “Эсимдан чиқиб кетади” деган маънони англатарди. Оқсоқ қурбақа билан жаъмики ночор ва ҳимоясиз жониворларга паноҳ бўлиб, меҳр кўрсатадиган уй шу тобда нафақат Макдьоининг эсига тушган эди.

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

XXIII

Хонадонимизда ҳамма нарса ўзгариб кетди. Ҳеч ким менинг хизматимни қилмай қўйди, ҳатто Лори, яъни менинг муҳибим ҳам мендан хабар олаётгани йўқ.

Мен бир замонлар шоду хуррамликнинг, мағрурлик ва қудратнинг тимсоли эдим, энди эса мендан гамгинроқ махлуқ йўқ. Баъзан мен ўзимнинг илоҳа эканимга ҳам шубҳаланиб қоламан, кимлигимни билолмай қоламан. Менинг тасаввуримда аллақандай ғалати, бошқа бир ҳаёт гавдаланади, лекин мен бу тўғрида ҳеч кимга гапирмайман. Ҳатто Макмердок билан Вуллига ҳам индамайман. Ҳозир мен кимман? Қаердаман? Нима учун?

Мени Талифа деб чақирришади, лекин мен бунинг маъноси нима эканини билмайман. Рост. Лори унинг маъносини билади ва шу сўзни айтаётганда жилмайиб қўяди. Аммо мени илоҳа деб билганларига нима етсин эди?!

Лори ҳам ўзгариб кетди. Фойибдан келадиغان овозларни камроқ эшитадиган бўлиб қолди, кўпроқ сўқмоққа тикилиб ўтиради, қўнғироқча жиринглаб қолармикин деб кутади.

Лекин мен Лори кимни кутаётганини, кимнинг йўлига интизор эканини яхши биламан. Шу сабабдан Малла соқолни ҳалок қилишни янада кўпроқ хоҳлай бошладим.

Лори ўтириб тўқишини тўқиётганда, ўзим эса қўл-оёқларимни тагимга босиб, печка ёнида ётиб олиб, ярим очиқ эшик орқали Лорининг тўқишларини томоша қилар эканман, хаёлимда Малла соқолни афсун қилардим, унинг бошига бало-қазолар ёғдиришга тиришардим.

Лорининг дастгоҳи оқланган уйда туради. У ерда дастгоҳдан бошқа ҳеч вақо йўқ. Дераза ортида ўрмон-у анҳор. Бир куни ўз кўзим билан кўрдим — ўрмон ичидан кийик чиқиб келиб, бошини деразанинг раҳига қўйди. Лори бир дақиқа ишдан тўхтади, улар бир-бирларига шу қадар меҳр билан тикилиб қолишдики, мен рашкимдан ёрилиб ўлишимга сал қолди. Лори мендан бошқа яна бирортанинг хизматини қилса, бунга чидашга сира тоқатим йўқ-да!

Кундуз кунлари қуёш нурлари хонани мўл-кўл ёритиб туради. Тўп-тўп юнлар қуёш нурларида камалакдай товланади. Юнларни Лорига фермерлар олиб келади — Лори уларни йигириб, фермерларга рўмолми, бирон либосми тикиб беради. Ранглар гўё чаппор уриб рақс қилаётгандай туюлади, айниқса, унинг мисранг сочлари чиройли товланади. Эътиборини жамлаб ипларга қараб ўтириб, Лори олачиפור бўлакларни тўқийди, бармоқлари енгил парвоз қилади, мен бўлсам, печка ёнида ётиб олиб, менинг Малла соқол ёвимга ҳалокат тўрларини тўқийман.

Кимнингдир қисматини тўқиш — газмол тўқишга ўхшаган гап. Ҳар қандай феъл-атворнинг асоси мутакаббирлик, очкўзлик, бахиллик, бетоқатлик, орзиқиш, имон, муҳаббат ва нафрат бўлади. Ана шуларнинг қатига тасодиф ипларини, бегона ҳаёт ипларини, бегоналар билан, ўзиникилар билан, ёшлар ва кексалар билан, гуноҳқорлар ва бегуноҳлар билан учрашув ипларини, тасодифий сўзлар ипини, оғиздан чиқиб кетиб, кейин пушаймонга сабаб бўладиган зардали сўзлар ипларини, унутилган буюмлар, унутилган ишлар, ёмон кайфи-ятлар ипларини қўшиб-чатиб юборамиз.

Бу осон эмас. Охирги марта мен бир банданинг бошига тўрт минг йил аввал бало-қазо юборган эдим. Ҳозир бўлса, аллақандай кучлар менга халақит беришпти. Улар, айниқса, Лорининг хонасида кўп.

Лори тўқишда давом этар, бармоқлари дастгоҳ устида лип-лип учарди; бирдан у дераза ромини ушлаганча, аллақайларга тикилиб қолди. Унинг нигоҳида ночорлик ва кўркув бор эди. Кейин ўзига ўзи хитоб қилди:

— Мен кимман ўзи? Менга нима бўлди? Менинг юрагимга нима бўляпти?

Менинг вужудимни ҳалдан ташқари кучли рашк чулғаб олди. Рашк шунақа кучли эдики, тўқийтган жодуимнинг тўрлари сўкилиб кетди. Мен Лорининг ёнига югуриб бориб, унинг оёқларига суйкандим. У паришонхотирлик билан мени силаб-сийпайди, лекин нигоҳи ҳали ҳам олисларга йўналтирилган эди. Мен сапчиб турдим-да, печканинг олдига бориб, орқамни эшикка ўгириб ўтириб олдим.

Қушлар тиниб қолишди. Питер деган итимиз бутун вужуди билан титраб ириллади; Вулли билан Макмердок думларини хода қилиб, бир ёққа гум бўлишди, Доркас эса болаларни ювгани ҳам йўқ. Мушук болалар ундан нари кетмоқчи бўлишганда, Доркас уларни қўли билан уриб-уриб қўйди. Осмонни булут қоплади. Билдимки, бугун қоронғулик эрта чўқади.

Мен кибр билан ўрнимдан туриб, думимни кўтардим. Буларнинг ҳаммасини мен қилдим. Биламанки, шу бугун тунданоқ мен Лорини ортиқ биров билан бўлишмайман.

Тўсатдан зимистонликка айланиб бораётган оқшом қоронғулигида кўнғироқ чалинди. У шундай қаттиқ жирингладики, унинг акс садоси бутун пастқамлик бўйлаб таралди. Қарга қағиллаб юборди ва юраги така-пука бўлиб, қанотларини шапиллатиб учиб кетди. Питер жон-жаҳди билан вовуллади, кейин ириллади. Тап-туп, Лорининг қадам товушлари эшитилди. Мен эсам, яъни Баст деган илоҳа ва ҳуққидор менга аллақандай кучлар яна халақит бераётганини ҳис қилди.

Мен эҳтиёт билан бурчақдан аста тумшуғимни чиқардим. Ҳеч ким йўқ эди. Лори якка ўзи турар ва теварак-атрофга аланг-жалаңг қарарди. Мен биқиниб турган жойимдан чиқиб, унинг ёнига бордим. Шунда Питер қаттиқ вовиллаб, оёқлари билан ерни кавлай бошлади. Шунда ҳаммамиз тошнинг тагида аллақандай қоғоз ётганини кўрдик.

Лори тиззалаб ўтирди-да, қоғозни қўлига олиб овоз чиқариб ўқий бошлади. Қоронги борган сари қуоқлашиб борар, шунинг учун қоғоздаги майда хатга кўз ўтиши қийин бўлиб қолганди.

“Ялиниб-ёлбораман — лўлиларнинг олдига бориб, бирон иложини қилмасангиз бўлмайди. Улар жониворларни савалашяпти. Улар касал айиқни уриш-

япти. Агар сиз бормасангиз, айиқ шўрлик ўлади. Бора қолинг, ўтинаман. Сизнинг са-до-қат-ли Жордингиз...

Р.С. Курбақани олиб келган мен эдим”.

Лори тиззалаб узоқ ўтириб қолди. У хатни бир неча марталаб ўқиб чиқди. Кейин ўрнидан турди-да, яна олисларга қаради.

Менинг жунларим тикка бўлиб кетди. Мен бунақа бўлсин деб афсун қилганим йўқ эди. Нимада адашдим экан-а? Нима эсимдан чиқди-я? Нимани чалкаштириб юбордим. Балки мен ёвузлик ипини қўшиб тикканман-у, Лорининг бор-йўқ табиати муҳаббат ипларидан иборатдир? Балки ҳамма гап шундадир?

— Бери келинглр! — деб чорлади бизни Лори. — Тамадди қилиб олайлик. Мен узоққа боришим керак.

— Лори, борма! — деб қичқирдим мен. — У ерда ҳалок бўласан. У ерда ўлим бор! Мен ҳукм чиқариб қўйганман. Мен билан шу ерда қол. Сенинг у ерда қиладиган ишинг йўқ.

Аввалги эски замонлар бўлганида муҳибларим гапимни тушунган бўлардилар. Лори бўлса бундай деб қўяқолди:

— Нима бало, оч қолдингми, Талифа. Қани юр, бўлақол. Мен шошяпман. Менга махтал бўлиб туришипти.

Аламдан ва ғазабдан йиғлаб юборишимга сал қолди. Лори менинг эҳромимга кириб кетди ва у ердан ўзи тиккан қора ёпинчиқни устига илиб чиқди. Унинг қўлида қўл чироқ бор эди, ранги оқариб кетган, сочлари туссиз бўлиб қолганди. Биз содиқ фуқаролар каби ўтирган жойимиздан жилмай, уни кутмоқда эдик. Итлар ирилларди. Юмалагандай бўлиб типратикан келди, ўнгла-ниб ўтириб олди-да, бурнини жийирди. Биз — мушуклар эса ўзимизга ярашадиган сиполик билан думимизни оёқларимизга ўраб ўтирдик, лекин мўйлови-мизга қараган одам бесаранжом бўлаётганимизни сезмаслиги мумкин эмас эди.

— Қўрқманглр, — деди Лори. — Қўрқадиган жойи йўқ. Мени кутинглр. Ёрдимимни бераман-у дарҳол қайтаман.

У яна бир марта “Қўрқманглр” деди-да, йўлга чиқиб юриб кетди.

Ҳаммаёқ сукунатга чўмди. Қўл фонарнинг сариқ шуъласи унинг оёқларини ёритиб борарди. Мен муюлинигашга аста-аста босиб, унинг кетидан эргашиб бордим, кейин сапчиб тошининг устига чиқиб олдим. Қўл фонарнинг сариқ шуъласи дарахтлар ичида бир-икки липиллаб, ғойиб бўлди. “Лорининг аҳволи нима кечади? — деб ўйлардим мен. — Малла соқолдан қасос олишим нима бўлади? Афсуним Лорига ҳам тегса, бизнинг аҳволимиз нима бўлади?”

Жаъмики илоҳий қудратимни сафарбар қилиб Лорининг эсон-омон қайтиб келишини, лўлилар қўлидан тирик чиқишини тилаб тавалло қила бошладим. Негаки, мен лўлиларнинг қисматини Ёвимнинг қисматига қўшиб-чатиб юборгандим. Бирдан назаримда ўзимга ўзим илоҳа эмасдай, кимлиги номаълум бўлган бошқа бир махлукдай кўриниб кетдим. Ана шу номаълум одам соғинч ҳисси-дан эзилиб кетган эди. У аллақандай жойни ёки инсонни соғинарди. Бу соғинч ҳисси шу қадар зўр эдики, агар унинг ўрнида чиндан ҳам мен бўлсам, юрагим тарс ёрилиб кетган бўларди.

Пастда аллақандай бир шуъла ялт этди ва ҳамма нарса ўз ўрнига қайтди. Мен яна илоҳа бўлиб қолдим.

Шуъла яна бир марта ялт этди, кучайди, кейин мен ўчоқларда бўладиган сариқ алангани кўрдим. У бир кўриниб, бир кўринмай турди-да, кейин бирдан нига бутун осмонни қизил-сарғиш шафақ қоплаб олди.

Аланга! Ёнғин! Ўт кетипти!

Пастда — водийда нимадир ёнмоқда эди. Мен даҳшатдан қотиб қолдим. Нима бу? Лори қаерда? Мен интиқомимга ҳеч қанақа оловни қўшиб-чатиганим йўқ эди. Мен алангалар ҳукмдори бўлган отам Рага тавалло қилганим йўқ.

Олов борган сари авж олмоқда. Мен Лори билан малла соқолни кўраётганим йўқ, бироқ илоҳанинг ҳамма нарсани кўра олувчи нигоҳи билан алангалар қаърида уларнинг қоматларини пайқаб турибман. Ниманидир чалкаштириб юборибман-да! Нимадир аралашиб кетипти, қандайдир ип қўшилиб тўқилиб кетипти. Энди Лорига ҳалокат таҳдид соляпти.

Мен зулмат қўйнида кўрқувдан дағ-дағ титраб ётибман, паст-паст булутлар-да эса қизил шафақ борган сари ёрқинроқ ловуллаб ёняпти.

XXIV

Макдьёи учта болага берган ваъдасини бажаришга киришган, яъни лўлилар кўналгасига бориш-бормаслигини ўйлаб кўра бошлаган чоғида соат ўн бўлиб бўлган эди. У бу ҳақда ўйларан сари бу иш унга камроқ маъқул бўларди. У бировларнинг ишига тумшук суқмоқни ёмон кўрарди. Унинг назарида, эрталаб Макквэрининг олдига бориб келса кифоя эди.

У стол ордидан турди, эшик томон юриш учун ўгирилди ва гиламдаги эрталаб болалар бўйсира бўлиб турган жойни кўрди. Кўрди-ю, болаларнинг чеҳрасини аниқ эслади. Айниқса, Жорди Макнэбнинг йиғидан шишиб кетган башараси ва “айиқни уришяпти!” деб қичқиргани қулоғида аниқ-таниқ жаранглади. Бўрсиқ ҳам эсига тушди, унинг Лорига қаратилган изтиробли нигоҳи, олижаноб мардлигини ҳам хотирлади.

Лори бор жойда, албатта, шифо топажагини билгандай, бўрсиқ унинг қўлида жуда хотиржам ва тинч ётарди. Айиққа Лорининг жуда ҳам ичи ачиб кетарди, уни жон-жаҳди билан даволарди деб ўйлади Макдьёи. Шу пайт унинг қўлларини эслади — жуда мулойим, жуда юмшоқ, меҳрибон қўллар!

Макдьёи ташқи эшикни қулфлаб, ёндаги уйга — Мэри Руанинг хонасига кирди. Миссис Маккензи Мэрига китоб ўқиб бераётган экан. Мэри эса нурсиз кўзларини унга тикиб ётипти.

— Мен кирсам уйғоқ ётган экан, — дея изоҳ берди миссис Маккензи. — Китоб ўқиб берақолай, зора ухласа дедим.

Энди у ўзининг қизини Лорининг қўлида кўрди. Ана, мис рангли сочлар зарҳал малла сочларга аралашиб кетди. Унинг юраги гўё кўкрагини ёриб чиқмоқчи бўлгандай шув этди.

— Олдидан жилмай ўтириб туринг, — деди у. — Мен иш билан бир жойга бориб келишим керак.

Эшик олдига борганда ўгирилиб қўшимча қилди:

— Бир нараса бўлиб қолса, мен лўлилар кўналгасида бўламан. Одам юборарсиз.

— Ўтириб тураман, қаёққа ҳам борардим, — деб жавоб берди миссис Маккензи унинг биринчи иборасига. Шу топда Макдьёига бу аёлнинг жуда раҳми келиб кетганди, унга таскин бермоқчи бўлди.

Макдьёи лўлилар кўнган жойга етиб борганида бутунлай қоронғи бўлиб қолган эди. У машинасини секин ҳайдаб борарди. Машина чироғининг нимжон ёғдусида бир четда турган икки арава кўринди. Уларнинг устида қафаслар бор эди. Йўлнинг бўйида — ўтлоқда эса фолбин аёлларнинг ва бошқаларнинг чодире турипти. Чодирларнинг бири каттароқ, шу палатада бўлар-бўлмас қандқурслар сотишса керак. Уларнинг олдига машъалалар турипти, аммо уларнинг ёруғидан кўра тутуни кўпроқ эди. Олдинда — тўғридан-тўғри йўл устида бир неча қатор хонаки курсилар, тўғрироғи, яшиқлар ва бочкалар устига кўндаланг қилиб тахталар ташлаб қўйилган. Курсиларнинг устида ўнтача одам ўтирипти.

Макдьёи тўппонча отилгандай бир нарсани “қарс” этганини эшитди. Бу овознинг кетидан аллақандай ғалати, изтиробли пишқириш эшитилди. У машинани тўхтатди. Қора қўйлак кийиб, устидан энли белбоғ боғлаб олган новча бир йигит отни қамчи билан саваларди. Макдьёи шошмай машинасини йўл бўйига тўхтатиб, ундан тушди. Унинг қафтлари терлаб кетди, ғазабдан оғзи кўрию, томоғи ачишди.

Эндрью Макдьёи тусмоллаб иш кўришга одатланмаган эди, лекин ҳозир ҳассами ё бирон хипчинми олиб олмаганига афсусланди. Унинг устига ёвузлигу қаҳр-ғазоби ошгандек эди.

Кираверишда кекса лўли хотин ўтирипти. Кўкрагига қора халта илиб олган. Олдига “Кириш бир шиллинг” деган ёзувли тахта қоқиб қўйипти. Макдьёи унга ўн шиллинглик қоғоз пул узатди, у бўлса, зарда билан “тезроқ, тезроқ, тамоша бошланган” деб минғирлади-да, кафтида бир сиқим танга-чақа узатди.

— Майли, холажон, — деди Макдьёи. — Яна бир шиллинг беринг. Мўлташилиқ кетмайди.

Кампир чийиллаб бобиллаб берди — орқа томондан қоронғилик ичидан важоҳатидан қўрқувлик бир эркак чиқди. У бояги қора кўйлақлик, оёғида этик, белида энлик белбоғ боғлаган кимса эди. Унинг кўлида дастасига кўрғошин қуйиб ишланган қамчи.

— Ҳа, нима гап? — деб ўшқирди у. — Кучингиз аёл кишига етдими? Унинг пулини шилмоқчимисиз? Биз таланадиган бадавлат эмасмиз.

— Эски найранг бу! — деб қичқирди Макдьои. — Мен унга ўн шиллинг бердим. Мана, қайтимини ҳисоблаб кўринг.

Лўли қайтимни ҳисоблаб ўтирмади, у лўли кампирга ишора қилди, кампир етмаётган бир шиллингни чиқариб берди. Макдьои уни чўнтагига солди-да, томоша залини ажратиб турган арқондан ҳатлаб ўтди.

Тахтадан ясалган супа устида учта лўли билан битта лўли хотин ўтирипти. Эркаклар ғижжак, гармон чалапти, аёлнинг кўлида чилдирма. Томоша бошланипти — абжир йигитлар от чопяпти. Макдьои уларга қараб турди-да, сурбетликларига ҳайрон бўлди — улар от устида қилаётган қилиқларининг ҳаммасини ўн ёшлардаги истаган қишлоқчи бола бажариши мумкин эди.

Яна оғриқдан от кишнаб юборди. Бу овозни босиб тушиш учун чилдирма чалаётган лўли хотин янада баланд овоз билан бақариб-чақариб қуйлай бошлади, чилдирмасини ҳам аямай гупиллатаверди. Макдьои билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. У ўрнидан туриб, қаторлар оралаб ўтди-да, қоронғи ўтлоқни кесиб ўтиб, қафасли аравалар турган жойга қараб кетди.

Қафаслардан келаётган сассиққа чидаб бўлмасди. Қоронғилик ичида нимадир шитирлади, нимадир ириллади, кимдир улиди. Аёл кишининг йиғлагани эшитилди. Макдьои пича қулоқ солиб турди, лекин ҳеч нарсани ажрата олмади, кейин қафти билан алангани тўсиб, зажигалкасини ёқди.

— Лори! — деб қичқирди у.

— Эндрю.

Лол қолганидан Макдьои биринчи дафъа ўлароқ Лори унинг отини атаганини сезмай ҳам қолди. Макдьои жувоннинг ўзини ҳам дафъатан ажратиб олгани йўқ, чунки унинг эғнида қора плаши бор эди, бошидаги капюшони малла сочларини яшириб турипти, ўзи эса очиқ қафас олдида тиз чўкиб ўтирипти. Кўлига чалажон маймунни кўтариб олган. Маймун унинг бармоқларини сўриб, хўнг-хўнг йиғлайди.

— Секинроқ! — деб шивирлади Макдьои. У Лоридан “бу ерда нима қилиб юрибсан?” деб сўрамади ҳам, ҳатто унинг бу ерга келиб қолганига ажабланмади.

Қафти билан зажигалкани пана қилиб, қафасларни айланиб чиқди. Ҳайвонларнинг ҳаммаси ўладиган аҳволга келиб қолганди. Улар зўрга нафас олиб, ёнбошлаб ёки кучала бўлиб ётишипти. Бир қафасда оқ сусар, иккита тулки, олмахон ва сассиқ кузан бор эди. Бошқасида патлари юлиниб тамом бўлган аллақандай бургут ҳурпайиб, бир бурчакка тикилиб олипти. Учинчисида — учта маймун ўтирипти. Қафаслар тор эди, ақл бовар қилмайдиган даражада ифлос эди. Қафасларнинг бирида куён ётипти. Унинг сиёғига ва ундан келаётган қўланса ҳидга қараб Макдьои унинг бир неча кун аввал ўлганини чамалади.

Энди Макдьоининг кўзлари қоронғиликка ўрганиб қолди. У зажигалкасини ўчириб, Лорига энгашиди ва машъалаларнинг хира шуъласида унинг ранги оқариб кетганини кўрди.

— Эндрю, унга нима бўлган? — деб секин сўради Лори. — Шўрлик ҳозир ўлиб қолмаса эди...

— Оч қолган, — деб жавоб берди у ва чўнтагидан сабзи чиқарди. Маймун чангал солиб уни олди-да, хурсандлигидан йиғлаб, бир зумда ямламай ютди. Панжаралар орасидан Макдьоиға олтита озғин қўл чўзилди. У ҳаммиша ёнида олиб юрадиган егуликларнинг ҳаммасини уларга берди.

Улар одамларнинг қийқириқларини, мусиқа овозини ва қарсақларни эшитишди.

— Қани, юринг, — деди Макдьои ва энгашиб Лорининг туришига кўмаклашди. — Бу ерда қиладиган ишимиз қолмади.

— Вой, буни нима қиламан? Ташлаб кетолмайман-ку! — деди Лори шивирлаб. Маймун қўллари билан унинг бўйнидан кучоқлаб, бағрига сингиб кетган эди.

— Қафасга қўйиб кетамиз, — деди у ва юмшоқлик билан жониворни кўтариб аввалги жойига ўтказиб қўйди. — Уларни бир ёглиқ қилганимдан кейин, жониворга ёрдам берамиз. Қани, кетдик.

Улар зулмат қаърига кирдилар. Бу ерда ҳамма нарсадан бағри тошликнинг хиди анқирди. Макдьёи ёнида Лоридай меҳрибон бир аёл кетаётганидан мамнун бўлиб, тақдирга шукроналар ўқир ва бағритошликнинг қўланса ҳидини кесмоқ учун унинг сочларидан таралаётган музааттар бўйни искаб борарди.

Улар ёруғ тушиб турган жойга етиб боришди, лекин ўзларини ошкор қилмай, қоронғи жойдан туриб кузата бошладилар. Томошабинлар олдига тўртта йигит чиқди. Улар чоғроқ бир қафасни кўтариб чиқишди. Қафас итнинг инидек келарди, холос. Уларнинг кетидан бир йўғон лўли чиқди. У устига ҳайвон ўргатувчиларнинг ёғи чиқиб кетган либосини кийиб олган эди. Қора қўйлақлар, энли белбоғлик сур йигит яна пайдо бўлди ва мусиқий муқаддимадан кейин томошабинларга дунёдаги ҳайвон ўргатувчиларнинг энг устаси сифатида Дарвас Урсимонни таништирди. У бояғи йўғон лўли эди. Қафасни очишди ва унинг ичидан бўйнига занжир боғланган кичкина қора айиқни судраб чиқаришди.

— Айиқ! — деб юборди Лори. — Вой, шўрлик айиқ. Бу ўша. Шу айиқ тўғри-сида ёзган эди-да...

— Ким ёзган эди, — деб ҳайрон бўлди Макдьёи.

— Жорди деган бола. Бир гал у менга чўлоқ қурбақа олиб келганди.

— Вой, тирмизак-ей! — деди Макдьёи ва Лори нима учун бу ерга келиб қолганини тушунди.

— Уни нима қилишаркан? — деб сўради Лори.

— Бирпас кутайлик, кўрамиз.

Семиз, бунинг устига маст бўлиб олган лўли айиқни ўнг биқини билан томошабинларга қаратди. Макдьёи мутахассислик кўзи билан жониворларни кўравериб пишиб кетган эмасми — бир қарашда айиқнинг орқа оёғида каттагина очик яраси борлигини кўрди ва айиқ нимага оқсаётганини тушунди.

У айиқнинг пастки тумшугида ҳам ҳали битмаган жароҳати борлигини кўрди. Эндрыю Макдьёи жарроҳ, жониворларнинг дардига кўникиб қолган, қонни ҳам кўп кўрган, лекин сездики, ҳозир айиқнинг тумшуги қонаб кетса, у ортиқ чидаёлмайди.

Машшоқлар чардашни чалиб юборишди, семиз маст лўли бўлса, занжирнинг бир учидан тортқилаб, айиқни орқа оёқларида тик туришга мажбурлай бошлади. Унинг теварагида бояғи белбоғлик йигит гирдикапалак бўлиб, қамчи билан айиқни савалаб турипти. Бақалоқ лўли “Хўп, хўп!” деб хитоб қилиб, занжирнинг учидан тортқилаб, рақс туша бошлади, лекин айиқ тўрт оёқлаб зўрға турарди, ҳадеганда биқинига қийшайиб қолмоқдайди. Унинг кўзлари кўрққанидан пирпираб турипти. У сал-пал жағини очди, унинг ҳамма тишлари синиб кетипти. Кўриниб туриптики, у ёш болани ҳам тишлаёлмайди.

Макдьёи кута бошлади. Нима бўлишини билмайди, лекин шуни биладики, у ҳамма нарсага Лорининг кўзлари билан, Жордининг йиғлайверишда кетган кўзлари билан қарамоқда.

Айиқ жуда ҳам озгин эди, сонининг теварагида териси масхарабознинг иштонига ўхшаб халта бўлиб осилиб ётипти. Макдьёи умри бино бўлиб бунақа аянчли манзарани кўрмаганини ўйлади.

Жонивор яна йиқилди, бақалоқ занжирдан силтаб тортди, белбоғлик йигит эса унинг бурнига қамчининг дастаси билан туширди. Машъала шуъласида қон тирқираб отилгани кўринди.

Макдьёи Лорининг долаб юборганини эшитди, лекин унинг қўлидан қандай қилиб юлқиниб чиққанини эслолмади. Лекин у қандай қилиб саҳнага сапчиб чиққанини, бутун кучи билан йигитнинг башарасига мушт урганини яхши эслаб қолди. Агар унинг мушти йигитнинг чаккасига текканида, лўли ўларди. Бу галча бурни пачақ бўлиб, ўзи тахтадан қурилган саҳнага гурсиллаб йиқилди.

Доктор эса айиқ ўргатувчининг қўлидаги қамчини тортиб олди-да, “Қани, ўйинга туш, тўнғиз! Уйна, деяпман!” дея бақирди.

Томошабинлар ола-говур бўлиб кетди: “Баракалла!”, “Бопла уни!”, “Ажаб бўлди!” — шундай деб қичқиришарди-ю, лекин ҳеч ким аралашмас, аксинча, баъзилар туёқ товушларини эшитиб, жонҳолатда қоча бошлашди. Маст айиқ ўргатувчи ҳам қочиб кетди. Йигит чалқанча тушганича кафтини абжағи чиққан юзига босиб ётарди. Айиқ бўлса қорнида ётипти, у галати, бир тарзда ялпайиб олган, бир амаллаб бурнини ялашга уринади.

Бештача одам саҳнанинг олдига йўртиб келишганда Макдьёю қичқирди:

— Ким катгаларинг?

Белбоглик йигит қонга беланиб ётганини ва малла соқол келганда улардан чўчимаётганини кўрган лўлилар саросимага тушиб қолишди ва муштларига эрк бермай қўяқолишди. Улардан бири деди: — Қирол Таргу соявон аравада. Агар сизга керак бўлса, олдига киришингиз мумкин.

Макдьёю қолган томошабинларга ўшқирди:

— Жўнанглар уй-уйларингга! Томоша тамом. — У Лорининг олдига келди. Лори тиз чўкканича чап қўлини айиқнинг боши тагига қўйиб, дастрўмоли билан қонларини артиб турарди.

— Сиз ҳам кетаверинг, Лори, — деди у. — Ҳаммаси жойида. Лекин... қийинчиликлар бўлиши мумкин. Марҳамат қилиб, кетақолинг.

Лори ўрнидан туриб, Макдьёю билан ёнма-ён қирол Таргунинг соявон араваси томон йўл олди.

Одамлар уларга йўл беришди, ammo оламон орасида ҳосил бўлган йўл шунчалар тор эдики, улар ўтиб бораркан, елкалари лўлиларга тегиб-тегиб кетарди, ўтиб кетишлари биланоқ одамлар яна жипслашиб олишарди.

Ҳазабдан ва ачинганидан Макдьёю кўрқувни ҳам унутиб юборди. Ҳозир у билардики, қирол Таргу деганлари девдай бўлганида ҳам анави белбоғли йигитнинг қунига солиб, бир зарба билан уни ағдариб ташлайди.

Бироқ Таргу девдай эмас эди. Эндрю билан Лорининг олдига қорамағиз бир одам чиқди. Унинг кўзлари чўчқаникига ўхшайди. Устида оддий кўйлак, оддий шим, жилетка, бошида қозон шляпа. Унинг лўли эканини чап қулоғига тақиб олган зирагидангина билиш мумкин. Унинг орқасида эркак-хотин лўлилар ва йиртиқ-ямоқ кийинган лўлибаччалар туришипти.

— Таргу дегани сизмисиз? — деб сўради Макдьёю. — Бу муттаҳамларнинг бошлиғимисиз?

— Ҳа, мен қирол Таргуман, — деб бўғиқ ва ингичка овозда жавоб берди шляпалик одам. — Сизга нима керак? Менинг одамларимни уришга нима ҳаққингиз бор? Нима учун бу ерга манави алвастини бошлаб келдингиз? Ҳамма болаларимизни кўзиқтириб қўяди-ку!

— Маҳқамада гаплашамиз, — деди Макдьёю. — Мен сизларни жониворларга шафқатсизлик қилишда айблайман...

Лўлилар қироли ўзига азият етказган одамни ўлдирмоқчи эдими ё бошқа бирон жазо берармиди — бу номаълумлигича қолди. Макдьёю гапини тугатиб улгурмай, башараси дабдала бўлиб қонга беланган йигит лўлилар тўпини ёриб ўртага чиқди. У қўлидаги занжирни айлантриб, Макдьёюнинг устига ташланди.

Мол докторини сақлаб қолган нарса шу бўлдики, йигитнинг зарби аллақандай бир лўлининг орқасига тушди. У йиқилди, қолган лўлилар бир зумда пи-чоқларини қинидан чиқаришди.

Чап қўли билан Лорининг белидан қучганича Макдьёю хипчиннинг дастасини ишга солиб, ўзига йўл оча бошлади, лекин шу чоқ Лорини ундан ажратиб олдилар ва унинг бошига алланима билан тушириб қолдилар. У гандираклаб кетди, қўлидаги таёғи аравага тегиб синди. У аллақандай темир ғўлани ушлаб олишга муваффақ бўлди, бироқ сездики, умридан санокли дақиқалар қолди: лўлилар гўё ярадор ҳайвонни қуршаб олган итлардек, тобора қисиб келишарди. Баъзи бирлари унга юқоридан ташланиш учун ҳатто араванинг устига чиқиб олишди, бошқа баъзилари эса араванинг тагидан туриб, унинг оёқларидан тортиб йиқитишга чоғландилар.

Шунда у жуда ғаройиб бир хитобни эшитди. Бу хитоб ваҳшиёна тус олган оломоннинг ҳаллослашини ҳам, бақириб-чақирешини ҳам босиб тушди:

— Макдьюи учун! Макдьюи учун!

Бир мўъжиза билан лўлиларнинг қўлидан юлқиниб чиққан Лори машъалалардан бирини ушлаб олиб, уни қиличдай сермаб лўлиларнинг устига отилди. Аланганинг ёрқин шуъласи ва сочлари унинг юзини қуршаб олганди. Унинг чеҳраси эса шундай ўзгариб кетган эдики, Макдьюи гарчи уни иккинчи марта ана шу янги қиёфада кўрмаган бўлса-да, умрининг охиригача эслаб қолди. Унинг назокати ғойиб бўлганди. Кельт сардорларининг ёнларида туриб, душманга қарши тенгма-тенг жанг қилган рафиқалари шунақа бўлган бўлса керак.

— Макдьюи учун! — деб хитоб қиларди у ва қиличдай чаппор ураётган алангадан чўчиган лўлилар орасига тисарилиб, Эндрюю сари йўлни очишарди. Лори Эндрююга етиб боргач, чап қўли билан елкасидан кучди-да, чор-атрофни жанговор хитобига тўлдириб, уни нари бошлади. Соявон аравалар қаторининг охирига етгач, Лори қўлидаги ёниб турган машъалани сўнгги аравага улоқтирди.

Аравалар яхшилаб мойлаб, сошлаб қўйилган эди — олов уларга бир зумда чирмашиб кетди. Лўлилар саросимага тушиб қолишди, челак кўтариб, анҳорга югуришди. Макдьюи билан Лори бу чоқда қафаслар олдида эдилар. Макдьюи тиз чўкиб ўтирди, Лори унинг ёнида турди.

— Эндрюю! — деб хитоб қилди у. — Жароҳат олдингизми?

— Йўғ-е, ҳечқиси йўқ. Толиқдим.

Лори унинг сочлари қонга беланганини кўрмади, у Эндрююнинг кўзларига тикилди. Унинг нигоҳида ваҳшиёна шаддоқлик учқунлари ҳали сўнмаган эди.

— Эндрюю! — деди у такроран. — Эндрюю!..

Шундай деб, Лори унинг бошини кучди, юзларидан ўпди ва сапчиб туриб, ҳудди кийикдек пастқамликка югуриб кетди.

— Лори, Лори, қайт! — дея бақирганча қолди у. Лори қайтмади, Эндрюю эса қафаслар олдида турганича қолаверди. У билмасди — тирикми, ўликми ё буларнинг ҳаммаси тушига киярпими? Зулмат янада қуюқлашди. Ҳаммаёқ сукунатга чўкди. Ёнғин ҳам анча сўниб қолганди — лўлилар бир амаллаб уни ўчириб олишганди.

“Кетиш керак”, — деди ўзига Макдьюи. Лекин ҳали яна битта бурҷни бажармоқ керак эди: кўрқиб кетган ҳайвонлар қий-чув қилишар, увиллашар, акиллашар, турли овозларда фарёд чекишарди. Макдьюи қафасларнинг эшикларини очиб, тутқинларни чиқариб юборди — агар улар ўладиган бўлса, эркинликда ўлсин. Шундан кейингина у машинаси томон йўл олди.

Бу воқеаларнинг бари тахта саҳна олдида бошланган эди. Унинг ёнида нимадир қорайиб кўриняпти. Бу айиқ эди. У ўлиб қолипти. Макдьюи тик турганича бир уюм бўлиб ётган қора мўйнага қаради-да, агар бунини Жорди билса, роса йиғлайди, деб ўйлади. Яна бир фикр унинг хаёлидан ўтди: Жордининг илк дафъа тўккан кўз ёшлари яхши самара берди. Агар Лори шу йўлдан югуриб ўтган бўлса, у ҳам шўрлик айиқни кўрган ва унинг тепасида кўз ёши қилган бўлиши керак. Очигини айтганда, унинг ўзи ҳам ҳозир тўйиб-тўйиб, кўнглини бўшатиб олишга тайёр эди.

Чамаси, бир миляча йўл босгач, у анҳор бўйида машинани тўхтатди, ундан тушди, қонини ювди, яраси унча чуқур эмас эди. Кейин у қийналиб бўлса-да, машинага ўтирди ва шаҳарга йўл олди.

Кўприкчага етганида қаршидан келаётган машинанинг чироқлари кўзига тушди. У машинанинг томида чироқ липиллаётганини кўрди. Демак, машина полицияники, Эндрюю тўхтади. Констэбль Макквэри унинг олдига келиб, деди:

— Худода шукур-ей, ўзингизмисиз, сэр?

— Ёнғинни ўчиришди, — деди Макдьюи. — Мен сизга ариза ёзиб бераман. Қирол Таргу деб аталмиш кимсага ҳам, ҳайвон ўргатувчига ҳам қарши иш қўзғамоқ керак.

— Ҳа, ҳа, — деб унинг гапини бўлди Констэбль. — Буларнинг барини қилмиз. Лекин мен бу ерга шу вайдан келганим йўқ. Сизни олиб кетгани келдим. — Констэбль бошини қуйи солди. — Сизни уйингиздагилар излашяпти. Доктор Стрэтси сизни излаб топишимни илтимос қилди.

— А... — деди Макдьои ва сўради: — Қизим тирикми-йўқми? — Бу саволни бермоқ учун Макдьоиға боя жанг майдонида намойиш қилган жасоратидан каттароқ мардлик керак бўлди.

Констэбль яна бошини кўтарди.

— Тирик, сэр! — деб жавоб берди у. — Лекин доктор Стрэтси сизни тезроқ топишимни қаттиқ илтимос қилди.

XXV

Нима бўлди? Наҳотки мен илоҳа эмасман? Наҳотки ҳамма эски худолар ўлиб кетишган ёки кучларини йўқотишган? Наҳотки мен шунчаки бир Талифаман? Ўзи ёлғиз яшайдиган ва ночорларга ёрдам бериб юрадиган малла тўқувчи аёл топиб олган оддий мушукман?

Бу Талифа деганининг ўзи нима? Қаердан келиб қолган? Мен қаерда яшамоғим керак?

Мен душманганимни жазоламоқчи эдим — уддасидан чиқолмадим. Водийда ёнғин ўчиб бўлгандан кейин Лори қайтиб келди. Мен уни тош устида кутиб ўтирардим. У менинг ёнимдан индамай ўтиб кетди. У худди кўрга ўхшаб юриб борарди. Унинг қўлида қўл чироғи бор эди. Мен унинг плаши ва кўйлаги йиртилганини, у ер-бу ери олов тегиб куйганини, қон текканини, юзи эса йиғидан ҳўл бўлиб кетганини кўрдим.

Мен билдирмай унинг ортидаң йўл олдим. Бизнинг уйимиз гўё сеҳрлаб қўйилгандай эди: Питер вовулламади, тишларини овозсиз иржайтириб, унинг олдиға қорнида эмаклаб келди, мушуклар эса алвастиға ўхшаб сержаҳл бўлиб қолишганди — менға қараб ўшшайишди.

— Нима бўлди? — деб сўради Вулли. — Лорига нима қилди? Кўйлагига қон тегипти?

Ҳар қанча яширмасин, барибир, менинг илоҳа эканимға жиндай ишонадиган Макмердок баланд овозда миёвлади:

— Сенинг ишингдир ҳой-на-ҳой? Мисрча қилиқларинг қолмади-қолмади-да! Шошмай тур ҳали!

Мен у билан ади-бади айтишиб ўтирмай, уйға кирдим.

Лори қандай келган бўлса ўшандайича — усти кир, қон теккан ҳолатда ўчоқ бошидаги узун курсига ўтирди-да, ўксиниб йиғлаб юборди. Юзини кўллари билан яшириб узоқ йиғлади. Унинг кўнглини кўтармоқ учун мен орқа оёқларимға тик турдим-да, олдинги оёқларим билан унинг юзини яшириб турган кўлларига икки марта тегиб қўйдим.

У мени кўлиға олиб, юзини мўйнамға босди. Мен авваллари аёллар бунақа йиғламайди деб ўйлар эдим, ҳиқиллашмайди, овоз чиқаришмайди, лекин илиқ кўз ёшлари худди сувдай ўзидан ўзи оқиб тушаверади, оқиб тушаверади. Фақат бир мартагина ҳўл юзини менинг юзимға босиб туриб, Лори деди:

— Талифа!.. Аҳволим нима кечади энди? Мен нима қилмоғим керак?

Қани энди у илоҳа Бастға тавалло қилса? Ёки самарлар тўхфа этувчи Исидаға, ёхуд менинг тимсолларимдан бири бўлмиш Бокира Артемидаға ибодат қилса! Мен бутун самони югуриб кезиб чиққан бўлардим — отамдан илтижо қилиб, унинг кўз ёшларини қуритишни ялиниб-ёлвордим. Лекин ҳозир ким билсин дейсиз? Эҳтимол, қўлимдан ҳеч нима келмай қолгандир.

У ўрнидан туриб, мени ерга туширгунча, эғнидаги кир бўлган ва қон теккан кийимларини ечиб, ювингунча бир неча соат ўтди. Шунда ҳам унинг кўзларидан бамисоли сувдай қуйилиб келаётган ёшлари тўхтамади. Шундан кейин у алланечук галати бир иш қилди — чироқни қўлиға олиб, кўзгунинг олдиға борди-да, гўё авваллари ҳеч қачон ўзини кўрмагандай, унға узоқ қараб турди. Кейин яқинда мен билан гаплашгандай, ўзи билан ўзи гаплашди:

— Энди мен ким деган одам бўлдим? Қани Лори? Нима қилай энди? Нима қилмоғим керак?

Кейин у ўзининг хонасига йўл олди, мен ўчоқ бошида ётмоқчи бўлгандим, зинадан туриб мени чақириб қолди:

— Талифа, ёнимга кел, мен билан бирга ёт.

Авваллари мен унинг тўшагида ётмас эдим, нима қилишни билмай тарадудланиб қолдим.

— Кел, келақол, — деб чорлади у. — Ёлғиз қолмайин.

Мен хурсанд бўлганимдан бир ўмбалоқ ошиб, зинадан югуриб юқорига чиқдим-да, кўлига сапчиб чиқиб олдим, кейин хур-хур қила бошладим. Лори бўлса юзларини мўйнамга босди.

Оппоқ хона ичида каравот, стул ва жавонча турарди. Лори мени кўлларида кўтариб олганича ўтирди-да, анчагача кўзларимга тикилиб турди. У йиғлашдан тўхтаган эди.

— Менга қара, Талифа, — деб илтижо қилди у. — Сен, ахир, бир марта ўлиб тирилгансан. Қани айт-чи, “ўлим” деганлари нимадир ўзи? Сукунат, осойишталик қанақа бўлади?

Мен унинг гапларига тушунмадим — мен, ахир, минглаб марта ўламан, лекин менинг жоним осмон билан ер ўртасида Зулмат Дарёсида сузиб юраверди. У мангу сузади.

Лори мени қўйиб юборди, ётди, чироқни ўчирди, кейин:

— Мен билан бирга бўлганинг учун раҳмат сенга! Хайрли тун, — деди.

Қоронғилик ичидан аллақандай таърифга сиғмайдиган, бениҳоя муаттар бир ҳид келиб бурнимга урилди. Нима бу? Қачон, қайси тимсолга кириб юрганам-да бу ҳидни туйганман ва яхши кўрганман? Нима учун шодлигимдан хириллаб юбордим? Мен бошимни кўтариб искаб кўрдим. Ҳа, аллақасқдан хушбўй ҳид келяпти. Лори осуда ухлаб ётипти, секин нафас оляпти. Мен бирдан ташвишга тушиб қолдим — назаримда мен йўқотиб қўйган жоним ҳозир шундоққина ёнимда тургандек туюлди, агар уни ушлаб қололсам, у мангу ўзимда қолади.

Кўзим уйқуга илинар экан, хушбўй ҳидни яна бир марта туйдим. Билардим — бу ерда, Лорининг оёқ учида ётсам яхши тушлар кўраман. Мен шу яхши тушларни кўришга ошиқдим.

Кейин шундай тўхтамак келдим: модомики энди мен оддий уй мушуги, Лорининг хонанишин мушуги эканман, биринчи имконият бўлиши биланоқ, унинг хонасида анқийган бу муаттар ҳид қайдан келаётганини билиб олишим керак.

XXVI

Ҳамма чироқлари ёниб турган уйга Макдьюи ҳаллослаб етиб келганида, миссис Маккензи очиқ эшик кесақисига суяниб турарди.

— Худого шукур, келдингиз-а! — деди у. — Докторга ўзим одам юбордим. Унга китоб ўқиб бериб ўтириб эдим. Кейин ёстигини тўғрилаб кўяй дедим. Қарасам, кўзлари бежо. Ўсал бўлиб қолганга ўхшади.

— Докторни чақириб яхши қилибсиз, — деди Макдьюи тоқатсизлик билан бош ирғаб ва Мэрининг хонасига кирди. Доктор беморнинг тўшаги ёнида ўтирар, авзои жиддий эди. Аммо Макдьюи бошқа нарсага ҳайрон бўлди — қизининг чехраси бирам мўмин, бирам гўзал эканини у ҳозир — мана шу мудҳиш дақиқада пайқади.

— Худого шукур, етиб келдингиз! — деди доктор Стрэтси.

— Узиляптими? — деб сўради Макдьюи.

Доктор Стрэтси дарҳол жавоб бермади.

— У ортиқ яшашни истамапти. У курашмай қўйди. Агар биз буни ўзгартирмасак...

Шунда Макдьюи сўради:

— Яна қанча умри қолди?

— Билмадим, — деб жавоб берди Стрэтси. Аслида у биларди. Унинг чамасида қизалоқнинг умри эрталабгача қолган, холос. Ёрлақанда, бир неча кунга бориши мумкин. Бироқ қизнинг вужудида ҳали ҳаёт учқунлари кўриниб турган экан, доктор Стрэтси қизнинг отасини ноумид қилмоқчи эмас эди. — Унинг жисми бақувват, лекин қизнинг ўзи қувватини сўндирипти.

Макдьюи бош ирғади, каравотнинг ёнига бориб синчиклаб қизига қаради — териси кўкариб кетипти, кўзларида нур қолмапти, кўкрагидаги рўжа деярлик кимирламайди.

— Бирон нарса қилсангиз-чи, ахир, — деб тўсатдан ночор бир қиёфада хитоб қилди доктор Стрэтси. — Ахир, сиз отасиз. Сиз қизингизни биласиз. Уни яхши кўрасиз. У ҳам сизни севади. Уйғонсангиз-чи! Ҳали узилгани йўқ, бир амаллаб уни ҳаракатга келтириш чорасини топинг. Шундоқ қилингики, қизалоқ яна яшашни истаб қолсин.

Макдьюи докторга ғамгин қараб турди-да, шундай жавоб бердики, доктор “Бошига тушган ғамдан шўрлик ақдан озиб қолмадимикин?” деб ўйлади:

— Агар биз мушукни тирилтириб, унинг қўлига тутқазганимизда у жилмаяр ва яна яшашни истаб қоларди.

— Гапингизга тушунмадим, — деди Стрэтси.

— Тиббиёт... — деб бошлаган эди Макдьюи, лекин Стрэтси бош чайқади.

— Тиббиёт ожиз қолган жойда, — деди у, — фақат битта илож қолади — Худога тавалло қилмоқ керак.

Макдьюи ғазабдан бўзариб унга ўтирилди.

— Бундай дейишга нечук оғзингиз борди? — деб ўшқирди у. — Сизнинг Худоингиз буларнинг барини кўра-била туриб, индамай турса, сиз яна қандай қилиб унга ишонасиз? Ҳеч ким кўрмаганда ҳам, сиз қайғу-аламлар ва адолатсиз азобларни кўп кўргансиз-ку! Шу норасиданинг жони худога нимага керак бўлиб қолди?

Унга ҳеч ким жавоб бермади ва у давом этди:

— Агар бу дунёда ҳақиқат, шафқат, маъно борлигини билганимда, мен унинг хузурига тўрт оёқлаб эмаклаб борган бўлардим!

У гапини гапириб улгурмасдан тўсатдан бир нарсани эслади — яқиндагина у ночор аҳволда эди, ҳалок бўлиши муқаррар, қутулишнинг сира иложи йўқ эди. Шунда бирдан “Макдьюи учун! Макдьюи учун!” деган хитоб янгради.

— Шошманг! — деди у. — Мен бир нарсани эсладим. Агар эрталабгача етиб берса, унда бир умид бор...

Доктор Стрэтси чуқур хўрсиниб, чемоданини қўлига олди.

— Умид ҳамиша бор, — деб унинг гапини тўғрилади у. — Эртага барвақтроқ келаман...

Макдьюи уни кузатгани чиқмади. Унинг хаёли бошқа нарсада эди, дунёда Лори бор. Лори — соғлом. У ортиқ девонаваш эмас, у энди севган одами учун шердек курашмоққа қодир. Лори унинг қизини ҳам, ўзини ҳам қутқаради. Шундай қилиб, у юраги тўла умид билан эрталаб Лориникига боришга қарор қилди.

Доктор Стрэтси барвақт келди, Мэрини кўрди ва ҳеч қандай ўзгариш йўқ, деди. Макдьюи эса хастахонани Вилли Бэннокка ташлаб, машинасига ўтириб жўнаворди.

Кечаси у ётгани йўқ, Мэри Руанинг ёнида ўтириб чиқди, ўзининг муҳаббатини унинг юрагига қуйишга ҳаракат қилиб, қизининг қўлидан ушлаб ўтирди. У ўзини муҳаббат тўлдирилган батареядай ҳис қиларди. У аҳволда тун бўйи мижджа қоқмай тонг оттирди. Мэри тунда узилмади. Энди у Лорининг олдига борса бўлади — келиб Мэрини қутқарсин.

Кеча жанг бўлган жойлардан ўтиб борар экан, у лўлиларнинг йўқ эканини кўрди. Гўё улар ҳеч қачон бу ерда бўлмагандек ғойиб бўлишган эди. Топталган майса, арава излари, куйган ғўлалар, соявон лахтақларигина кеча уларнинг шу ерда бўлганидан далолат бериб турарди. Қафасдан бўшатилган ҳайвонлар ўрмонга кириб кетган бўлса керак. Макдьюи жилмайди: унинг тасавурида маймун ўзига меҳр-шафқат талаб қилиб, қўнғироқнинг ипидан тортмоқда, Лори эса узоқ ўлкалардан келган бу етим болаларга пешвоз чиқмоқда.

Ниҳоят, унинг ўзи ҳам машинани пастда қолдириб дарахт олдига югуриб борди-да, у ерда нафасини ростлаб олиш учун тўхтади. Нафас ростлар экан, Лорига айтадиган гапларини пишитиб олди: “Менга ёрдам беринг, Лори. Мен билан бирга юринг. Қизим ўлим тўшагида ётипти. Сиздан бошқа ҳеч ким уни қутқариб қололмайди”.

Кўнғироқ ипидан тортишга сира юраги бетламади. Теварак-атроф сукунат қўйнида, гўё бу ерларда ҳамма қирилиб кетгандек. Унинг назарида у ипдан

тортса, кўнғироқ овози олдини олиб бўлмайдиган воқеалар силсиласини бошлайди. У ҳансираганча, уйга тикилиб тураверди. Эшик берк эди. Дераза дарпардалари ҳам. Гўё ҳеч нарса ўзгармагандек эди-ю, лекин уй ундан юз ўгириб олганга, ёки ухлаб қолганга, ёхуд энсаси қотиб, уни хушламай лабини буриштираётганга ўхшарди. Нима бало — уйқусиз ўтказилган тундан кейин унга шундай туюлмоқдами ёхуд чиндан ҳам бу уйдагилар уни ортиқ хушламай кўйишдими?

Унинг қулоғига кўнғироқнинг қисқагина кумушдек жиринглаши эшитилди. Бундан Макдьои таажжубга тушиди ва дарров пайқадикки, кўнғироқ ипига беҳосдан ўзининг елкаси тегиб кетган. Кейин у жон-жаҳди билан ипни тортқилай бошлади. Унга жавобан итлар баланд овозда вовуллади. У анча вақт кўнғироқ чалди. Итлар вовуллашдан тўхтади, қушлар тиниб қолди, лекин шунда ҳам Лори унинг истиқболига пешвоз чиқмади.

У чақира бошлади:

— Лори, Лори, бу менман! Бу мен. Эндрьюман. — Итлар яна акиллашга тушиди, лекин қушлар қимир этмади.

Макдьои кўрқиб кетди — ярадор бўлиб кетиб қолмадимикин Лори? Қаттиқ куйиб, юролмай қолган бўлса-я! Наҳотки, жавоб беришга ҳам мажולי йўқ бўлса? Шундай деб ўйларди-ю, барибир кўнғироқни чалиб қичқирар ва қичқириб кўнғироқни чалишга давом этарди. Ниҳоят, у яна одатдаги кўниқилган ҳолатга кира бошлади — аста уйғониб келаётган ғазаб унинг бутун вужудини қамраб олди. У Лорини яхши кўрганидан, лекин қўлидан ҳеч нарса келмаётганидан, унга ҳеч нарса айтолмаётганидан, ҳеч нарса ваъда қилолмаётганидан, ҳеч қандай совғасалом беролмаётганидан хуноби осмонга чиқарди.

— Лори! — деб қичқирди у кучи борича. — Лори, мен сизни яхши кўраман! Эшитяпсизми? Мен келдим. Мен сизга уйланмоқчиман. Наҳотки, сизга менинг керагим бўлмаса?

Кейинчалик гапириб юришди — унинг “сизга уйланмоқчиман” деганини теварак-атрофдаги ҳамма фермаларда эшитишипти.

Уй ичида эса хобхонанинг деразаси олдида Лори тиз чўкиб ўтирар ва дарпарданинг тирқишидан баҳайбат, дарғазаб, бақириб-чақираётган одамга термуларди. Бу одам Лорини ўз ёнига чорляпти. Лекин Лори қимирлаёлмайди.

— Азизим, жонгинам, — деб йиғларди у. — Шошмасак бўларди. Бир оз кутган маъқул эди. Шошмашошарлик на ҳожат? Бир оз ўтсин...

Лори унинг жиндай юмшашини, овозини бунчалик кўтармаслигини хоҳлар эди. Мулоимроқ бўлганга нима етсин!

— Кеча сиз бутунлай бошқача эдингиз! — деб гапирди у. — Кеча мен учун жанг қилгандингиз. Мени ўпиб олган эдингиз!

Лори қаттиқ хижолатга тушиди ва ортиқ унга қарамай, қўллари билан юзини яширди.

— Мен бошқа келмайман! — деб ғазабланди у. — Мен бошқа ялиниб-ёлбормайман!

Кўнғироқ жиринги тинди. Лори кафтини юзидан олди. Бу гал у энди бошқачасига кўрқиб кетди, пастга қараб югурди, апил-тапил эшикни очиб дарахт сари чопди. Чопар экан:

— Эндрью! Эндрью! — деб қичқирар эди.

Лори дарахт остида анча вақт пойлаб турди, лекин у қайтиб келмади.

Макдьои ўрмон оралаб қоқилиб-суқилиб кетиб боряпти. У ҳеч нарсани кўрмас, ҳеч нарсани эшитмас ва қаёққа кетаётганини ўйламасди ҳам. Тошлар ва илдиларга қоқила-қоқила, сўкиниб, йиқилиб-туртиниб ўрмоннинг энг қалин жойига бориб қолди. Унинг кўнглида умид қолмаган эди. Умид тугади. Уни ғазаб ҳам тарк этди. Худди буқадай орқа-олдига қарамай дарахтлар бағридан ёриб ўтиб борарди. Бирдан у майсазордан чиқиб қолди. Унинг теварак-атрофи эман дарахтлари билан қуршалган, сатҳи япроқлар билан қопланган, у ер-бу ерини бақатўн босган, қизил мевали алланечук буталар... Майсаларнинг ўртасида — қабр, қабр устида эса қандайдир ёзуви бор тахтача. Тахтача офтоб нурларидан ва ёмғирдан ўнгиб кетипти, шамолда қийшайиб қолипти.

Қабр жуда кичкина эди, худди гўдакниккига ўхшарди — Макдьёининг юрагида янги оғриқ тўлқини хуруж қилди — унинг қизи бунақа сокин ва осойишта жойда ётмайди, тор қабрда қисилиб ётади. Қизи ҳали ўлмаган, ҳаёт, лекин у ҳалитдан унинг гўри тўғрисида ўйлаб ўтирипти! Бу фикрдан унинг кўкрагидаги санчиқ янада зўрайди.

Худди сеҳрлангандай у қабрдан нари кетолмай қолди. Қабрнинг шакли-шамойили унинг шундоқ ҳам оғир туйғуларига яна бошқа — аввалгидан ҳам оғирроқ туйғулар қўймоқда эди. Ниҳоят, у қабрга яқин борди, унинг олдида чўккалади, лекин тахтачадаги ёзувни дабдурустдан ўқишга юраги бетламади. Назарида, тахтачага “Бу ерда Эндрю Макдьёининг жигарбанди Мэри Руа Макдьёи ётипти. 1950—1957” деб ёзиб қўйилгандай туюлди.

Кейин у тахтачадаги ёзувни ўқишга жазм қилди. Лекин у осон эмас эди. Ёзув ўнгиб кетипти. Шундоқ бўлса-да, бир амаллаб таталаб ўқиди: “Бу ерда Томасина ётипти. 1952 йилнинг 18 январиди туғилган, 1957 йилнинг 26 июль куни ваҳшиёна ўлдирилган. Жойинг жаннатда бўлсин, дўсти содиқ!”

У дафъатан кўрқиб кетгани йўқ. У ҳатто каттакон малла бошини сарак-сарак қилаётганини ҳам дафъатан пайқагани йўқ! Ёлғон! Ўзи шундоқ ҳам жони илиниб турганди. Макдьёи бир оз шошган, холос. Мушук, барибир яшаб кетмас эди. Уни ҳеч ким ўлдиргани йўқ! — дея таъкидлади у ва тўсатдан “бу сўзларни ким ёзган ўзи?” деб ўйлади. Шуни ўйлаб, аъзойи бадани даҳшатдан музлаб кетди. Унинг ишларини муҳокама қилиб ҳукм чиқаришга ва бу тўғрида бутун оламга жар солишга ким журъат этган?

У Хьюги Стирлингнинг мовий кўзларини эслади, унинг иккала дўстининг чеҳрасини кўз олдида келтирди. У уч боланинг овозини эшитди. Болалар бир овозда хитоб қилишарди: “Мол доктори Макдьёи, сиз судга берилдингиз. Болалар сизни суд қилишади. Биз сизнинг ишингизни кўриб чиқиб, ҳукм чиқардик — Сиз нафратга сазоворсиз!”

Унинг кўз ўнгида яна бир марта уччала боланинг лўлиларни ҳимоясиз жониворларга шафқатсиз муносабатда айблаб туришгани гавдаланди. Улар ўшанда шўрлик ҳайвонларга жуда-жуда ачинишган ва уларни жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилишмоқчи бўлишган эди.

“Айиқни калтаклашяпти!” деган хитоб янгради унинг қулоқларида ва болалар билан ёнма-ён Мэри Руанинг сояга ўхшаб қолган қомати гавдаланди. “У менинг мушугимни ўлдирди”, — деди у. Макдьёи анчадан бери қизининг овозини эшитгани йўқ эди. Ҳозир унинг товушини эшитиб сесканиб тушди. Ва билдики, дўслари унинг энг қадрдон дўстининг иззат-икромини жойига қўйиб, у билан видолашишаётганда Мэри Руа ҳам шу ерда бўлган. Улар чиндан ҳам “Ваҳшиёна ўлдирилган” деб ҳукм чиқаришган ва қораланаётган одамнинг қизи улар билан тортишиб ўтирмаган. Наҳотки, улар Мэри Руанинг қабрига ҳам шунақа гапларни ёзиб қўйишса?

Бу қабр ва унинг тепасидаги ёзув сабаб бўлиб, шу пайтгача сира бўлмаган воқеа рўй берди: у ўзини ўзи четдан туриб кўра бошлади. У ўзининг бағри тош одам эканини, ҳеч ким билан ҳисоблашмаслигини, фақат ўзини яхши кўришини кўрди. Ҳатто ҳозир ҳам Лорига илтижо қила туриб, унинг ҳузурига нима учун келганини унутди, қизини эсидан чиқарди, ғазабга миниб, бақирди. У кўрдик, бировга раҳим қилмай, ҳеч кимга ачинмай ҳаётингни яшаб ўтиб бўлмайди ва англадики, шу пайтга қадар ўзидан бошқа ҳеч кимга раҳим қилгани, ҳеч кимга ачингани йўқ. У ёмон ота бўлди, ёлчителиб севаолмади, ёмон доктор бўлди. Ёмон инсон!

Шундай бўлдики, мол доктори Эндрю Макдьёи тиз чўкди ва хўнграб йиғлаб туриб унинг оғзидан чиқиши мутлақо мумкин бўлмаган сўзларни айтди:

— Ё Парвардигор, тавба қилдим. Мени кечир! Парвардигор, Ўзинг раҳим қил! Парвардигор, нажот бер!

У ўрнидан туриб, нари кетди. Бу саҳнанинг якка-ю ёлғиз гувоҳи бўлиб қабр тепасида, тарвақайлаган эман дарахтининг баланд шохиди қулоқлари диккайган малла мушук қолди. У воқеани охиригача кўрди ва бунинг боридан мамнун қолди.

БЕШИНЧИ ҚИСМ

XXVII

Мен — Бастман, илоҳа ва ҳукмдорман!

Жамики мавжудотни яратган Амон — Рага шарафлар бўлсин!

Мен Қуёш қизиман, жамики юлдузлар менинг измимда, қудрати ҳадсиз илоҳаман. Яшинлар кўзимнинг чақнашидан, момақалдироқ — товушимдан. Мўйловимни бир қимирлатсам — замин ларзага келади, думим — самога олиб чиқувчи нарвон.

Мен — илоҳаман ва ҳукмдорман.

Инсон яна менга таъзим қилди, менга тавалло қилди, мени кўкларга кўтариб, ибодат қилди. Бу — Лори дабдурустдан бу қадар ўзгариб қолган ва мен ўзимга ўзим шубҳа қилиб чиққан ўша тундан кейин субҳидамда рўй берди.

Мен майсазорга кетгандим. Ўша ерда у-бу тўғрисида мулоҳаза юритиб, сайр қилишни ёқтираман, у ерда аллақандай Томасинанинг қабри устида тарвақайлаган эманнинг шохи эгилиб туради. Ўша куни ўйларимни ўйламоқ учун шу шохнинг устига чиқиб олган эдим.

Аммо ўйларимни ўйлашга имкон бўлмади. Тўсатдан бақириб-чақириб, ҳаммасини сўкиб-қарғаб менинг душманим — Малла соқол келиб қолди. У худди ақлдан озган каби сарсари эди. У аллақайларга тикилганича, гўдаиб туриб қолди. Кейин у бояги Томасинанинг қабри ёнига келди. Шу ерда унга бир нарса бўлди. У йиғлаб юборди.

У ҳўнграр ва малла сочларини юларди. У ҳатто тиз чўкди, кўзларидан эса ёши тирқирашдан тўхтамасди.

Кейин у бошини кўтарди ва менга тавалло қила бошлади. У тавба қилди ва қилмишларига пушаймон бўлди. У ёрдам беришни сўраб илтижо қилди. Майли, ёрдам бераман.

Энди у менинг душманим бўлгани, мен уни ёмон кўрганим эсимда йўқ. Нафрат ўтиб кетди, мен энди ундан ўч олмайман. Кимда-ким менга бош эгиб, тавалло қилса, мен унга меҳрибон ва мушфиқман.

XXVIII

Эндрью Макдьои уйига етиб бориб, эшик олдида бир тўда одам тўпланиб турганини кўрди. Уларнинг орасида констебль Макквэри билан анови учта бола ҳам бор эди. Макдьоининг юраги “шув” этди — у совуқ хабарни эшитишга чоғланди.

Аммо констебль честь бериб, деди:

— Мен кечаги воқеа муносабати билан келган эдим, сэр.

— Эшитаман.

— Сиз бошқа ташвиш қилиб юрманг. Лўлилар кетди. — У бир оз сукут қилгач, қўшиб қўйди. — Сизга катта раҳмат. Биз уларнинг ишларидан тузукроқ хабардор бўлмаган эканмиз.

Макдьои бош ирғади.

— Қизингиз беҳол экан...

— Лаббай?

Макдьои овозини эшитиб ўзи ҳайрон қолди — унинг овози тақдирга тан берган мўмин банданинг овозидай тушкун ва ночор эди.

— Мен қизингизга шифо тилаб ибодат қиламан.

— Раҳмат, констебль.

Болалар унинг рўпарасида туриб, бир нималар демоқчи бўлишарди. Мол доктори ўзини суд қилганларнинг башарасига қаради. Хьюги Стирлинг сўради:

— Мэрининг олдига кирсак майлими?

— Ҳозир кирмаганларинг маъқул эди.

— Жони узиляптими? — деб сўради Жорди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Хьюги унинг биқинига туртиб, эшитиладиган тарзда “Ўчир!” деб пичирлади.

Макдьёи Хьюгининг қўлидан ушлаб қолди.

— Унга тегма! — деди ва қўшимча қилди: — Ҳа. Узилаётганга ўхшайди.

— Жуда ачиниб кетяпмиз, — деди Джеми. — Мотам маросимида сурнайни ўзим чаламан.

Макдьёи ўйланиб қолди — бу болалар нақд судялардек доно ва бийрон. Наҳотки, улар Макдьёининг ишини кўриб чиқиб, унинг устидан ҳукм чиқаришмаган бўлса?

— Айиқ нима бўлди? — деб сўради Жорди.

Макдьёи пайқадик, айиқнинг ўлими бу бола учун Мэри Руанинг ўлимидан кўра муҳимроқ. Лекин ундан хафа бўлмади, аччиғи ҳам келмади. Фақат ҳозир бу болага ҳақиқатни айтиш мумкин эмаслигини ҳис қилди.

— Айиқ кетди, Жорди. Лекин бошқа азоб чекмайди, — деб жавоб берди у.

Бу гапнинг эвазига болаларнинг энгил тортиб сўлиш олишганини кўрди. Хьюги Стирлингнинг кўзларида миннатдорлик туйғуси барқ урди.

— Кеча нима қилганингизни биламиз, — деди Хьюги. — Сиз... — У анча вақтгача сўз тополмай таралдудланди. — Зўр одамсиз. Сизга раҳмат, сэр.

— Ҳа, ҳа... — деб жавоб берди паришонхотирлик билан Макдьёи ва тўпланиб турганларга мурожаат қилди. — Сизлар бораверинглар. Лозим бўлганда ўзимиз хабар қиламиз.

Шундай деб уйга кирди.

Доктор Стрэтси, Энгус Педди, миссис Маккензи ва Вилли Беннок беморнинг бошида ўтиришарди.

— Қаёқларда изғиб юрибсиз-а? — деб сўради Стрэтси зарда билан.

— Ёрдам излаб боргандим, — деди Макдьёи.

Энгус Педди унинг гапини тушунди ва сўради:

— Уни учратдингми?

— Йўқ, — деди Макдьёи. У қизининг олдига бориб, уни ётган жойидан кўтариб олди. Қизининг қилча ҳам вазни йўқ эди. Уни бағрига босар экан, Макдьёи аввалги жангарилиги билан дўстларига қараб хитоб қилди: — Уни ўлим чангалига бермайман!

— Эндрю, — деб унга мурожаат қилди жаҳл билан Стрэтси. — Ибодат қилдингизми?

— Ҳа, — деб жавоб берди Макдьёи.

Педди энгил тортиб хўрсинди. Дўсти унинг кўзларига қараб, қўшиб қўйди:

— Мен пора таклиф қилганим йўқ.

Доктор кетди. У жаҳдан тушиб қолганди. Кетатуриб деди:

— Мени зарур деб ҳисобласангиз... истаган вақтингизда чақиртираверинг.

Макдьёи кекса докторнинг кўнглини кўтаришни ва унга далда беришни истаб қолди. Бунга кўриб Макдьёи ўзидан ҳайрон бўлди. У умрида бировга ҳамдардлик кўрсатган одам эмасди. Бундан ташқари, у доктордан яна шунинг учун ҳам миннатдор бўлдики, Стрэтси одамни бутунлай ноумид қиладиган шафқатсиз сўзларни айтмади.

Макдьёи уни кузатиб қўйиб, хонага қайтди.

— Ҳали фурсат бор, сиз борақолинг, — деди у миссис Маккензига.

— Сизни ўзим чақираман.

Миссис Маккензи Вилли билан бирга чиқиб кетди. Энгус Педди ивирсиб қолди — Эндрю ундан кетмаслигини илтимос қилган эди.

— Лорининг олдига бордингми? — деб сўради роҳиб.

— Ҳа, — деб жавоб берди мол доктори. — Мен кўнғироқни чалдим, у чиқмади. У келмайди. Ҳаммаси соб бўлди.

Педди қатъият билан бош чайқади.

— Йўқ, — деди у. — Йўқ. Ҳали ҳеч нарса соб бўлгани йўқ. Ибодат қилдим дединг-а, Эндрю?

— Ҳа.

— Ёрдам бердим сенга?

— Билмадим.

— Бирга ибодат қилайлик, хўпми? — У гапини тугатмасдан дўстининг башараси бўзариб кетганини кўрди ва у эътирозини бошламасдан олдинроқ гапини айтиб олди: — Тиз чўкиб ўтирмаймиз. Сенинг илтижоинг шундоқ ҳам етиб боради. Майли, қўлингни қовуштираёқ қўя қол. Севги билан меҳр-шавқат қўл силташларга ёхуд эгилиб-букилишларга боғлиқ эмас...

— Менинг ибодат қилишим қийин, Энгус, — деди Макдьёи. — Мен ахир, билмайман. Нима дейиш кераклигини ҳам билмайман.

Кейин ҳайрон бўлди: паканагина бақалоқ роҳиб кўз ўнгида бирдан катталашиб, хонага сифмайдигандай қиёфа касб этди.

— Нима дейишни билмайман, дейсанми? — деб сўради у. — Ҳеч нима дема. Гапирмай туравер, фақат кўнглингда бор нарсани Худога йўлласанг, бас. Мен ҳам шундай қиламан.

Педди деразанинг олдига бориб, кимсасиз, нурсиз кўчага ва осмоннинг фарб томонини қоплаган оғир булутларга кўз тикди. “Парвардигор!” — деб ўйлади у. — Қизалоқни кутқар. Майли, мени жазола, лекин уни омон қолдир!”

Анчадан сўнг дўстлар бир-бирларига ўтирилишди.

— Борди-ю ҳаммаси ҳал бўлиб бўлган бўлса-чи? — деб сўради Макдьёи.

— Стрэтси айтдики...

— Унда бошга тушганни кўз кўради. Бироқ олдини олиб бўлмайдиган иш йўқ. Ҳамма нарсани ҳам чаппасига айлантурса бўлади...

— Энгус, сен чиндан ҳам мўъжизага ишонасанми?

— Ҳа, — деб жавоб берди роҳиб.

— Ноумид бўлмайман, — деди Макдьёи.

— Стрэтси сендан “ибодат қилдингми-йўқми?” деб сўраганда худди шуни назарда тутган эди. Илгари сенинг кўнглингда умид йўқ эди.

Роҳиб уйига кетди. Макдьёи кабинетига кириб стол ёнига омонатгина ўтирди. Унинг ўтирган жойидан даҳлиз орқали Мэрининг хонасида нималар бўлаётганини кўришиб турарди. Макдьёи уйга чўмди. Қизиқ, констэблнинг ҳам, миссис Маккензининг ҳам, докторнинг ҳам, роҳибнинг ҳам ўз худолари бор. Улар бир-бирларидан фарқ қилар экан. Ҳозир огоҳлантириб ўтирмасдан унинг қалбига ҳам Худо кириб келди. Бу Худо нимаси биландир Лорига, яна нимаси биландир Энгусга ўхшаб кетарди. Истараси иссиқ, пакана, меҳрибон ва мушфиқ роҳибни ўйлаганда унинг ичи чироқ ёққандай ёришиб кетди, аммо Лори ҳақидаги фикр унинг юрагига шу қадар қаттиқ санчилдики, унинг оғриғига Эндрьё дош беролмас эди.

Қайлардадир момақалди роқ гумбурлади. Бўрон турмоқда эди. Зулмат ва сукунат борган сари куюқлашиб борарди. Макдьёи қизининг олдига бориб, уни кўтариб олди ва бағрига босар экан “мени ташлаб кетма, қизим” деди. Қизининг кўзларида қандайдир нур йилт этгандай бўлиб, яна сўнди. У Мэрининг муздек қўлчаларидан тутганча оғир сукунат қўйнида анча турди. Шу чоқ бирдан кўнғироқ жириглади. Макдьёи даҳлизга чиқиб, “Эшикни ўзим очаман, миссис Маккензи!” — деди. Келган одам Энгус эканига, у тунни дўсти билан бирга ўтказмоқчи бўлиб келганига Эндрьёнинг ишончи комил эди. Аммо келган Лори эди.

Аввалига у алаҳсираяпман деб ўйлади — шунчаки кўшни аёл келган-у, кўзимга Лори бўлиб кўринди деб хаёл қилди, аммо олисда чақнаган чақмоқнинг фаройиб шуъласида кечаги плашни, орқага тушириб қўйилган капюшонни, малла сочларни, чақнаб турган кўзларни, мулойим табассумни кўрди.

— Лори! — деб ҳайқириб юборди у.

Жувоннинг ранги ўчган, юзи лов-лов ёнарди, афтидан, шундай узоқ йўлни жуда тез юриб ўтгани учун ҳаллослаб қолганди.

— Жуда ҳам шошилдим, — деди у. — Аввал жониворларимнинг қорнини тўйғазишга тўғри келди. Кейин устларидан эшикни қулфлаб келдим.

— Лори! — деб такрорлади у бўғиқ овозда. — Кел, кир бу ёққа. Кир бу ёққа, Лори. Бўлақол. Тезроқ кир, фақат ғойиб бўлиб қолма!

Лори унинг сўзларига ҳайрон бўлмади. У уйга кирди. Макдьёи унинг орқасидан эшикни ёпди.

— Эндрьё, — деб сўради у. — Қизинг бетоб экан, нега менга айтмадинг?

Макдьои унга тикилиб турар ва ҳамон унинг ўзи эканига ишоналмас эди.

— Лори, — деб зўрға гапирди у. — Сени менга Худонинг ўзи етказдимми?

— Йўқ, — деб ростини айтди Лори. — Мени Унинг хизматкори ҳазрат Энгус йўллади.

— Қани, юр, — деди у ва қўлидан ушлаб бемор томон етаклади.

Лори плашини ечди. Унинг кўйлаги пўпанакка ўхшаш зангори рангда эди. У Мэри ётган каравотнинг олдига тиз чўкиб, анчагача индамай ўтирди. Қизалоқ ҳам унга мўлтираб қараб ётарди. Макдьоининг назарида улар бир неча соатдан бери бир-бирларига алланималарни гапириб беришаётганга ўхшайди.

— Унинг исми нима? — деб сўради ниҳоят Лори.

— Мэри. Мэри Руа.

Лори майин овози билан қизнинг отини айтди:

— Мэри Руа! Шўрликкинам Мэри Руа! Сен мени эшитяпсанми?

— У жавоб бермайди, — деди Макдьои. — Унинг овози йўқолиб қолди.

Бунга мен айбдорман.

— Вой, Эндрю! — деб хитоб қилди Лори ва адоқсиз бир ачиниш билан қаради. — Уни кўтариб юрсам майлими?

— Майли, — деб жавоб берди у. — Қўлингга олақол, Лори. Кўтарақол. Қўлингдан тушиб кетмасин.

Лори қизни кўтариб олди ва шу кўйи полга ўтирди. Унинг боши ғоятда маъюс тарзда бемор томон эгилган эди. Буни кўриб Макдьоининг юрак-бағри эзилиб кетди. Лори қизнинг хира тортган сочларига ёноқларини босди, лабларини қизнинг бошига тегизиб-тегизмай ўпар экан, нималардир деб пичирлар эди. Кейин у кўшиқ айтиб юборди:

Хобхон, хобхон, горри ог о,

горри ог о, горри ог а.

Хобхон, хобхон, горри ог а,

Менинг жонгинам ётар,

Менинг жонгинам хаста.

Шу чоқ овози кесилгандай ашула тўхтади, у Мэрини бағрига босиб, қичқириб юборди:

— Эндрю жони узиляпти!

Бирдан чақмоқ чақди, момақалдироқ гулдиреди, шамол турди. Томда оғир томчилар ногора чала бошлади. Бу ерга, водийга тоғлардан бўрон келди.

XXIX

— Хўш, қалай? Бўроним чакки эмас-а? Хушингизга ўтирмаяптими?

Лекин менга унча маъкул келмаяпти. Мен ундан ўлгидай кўрқаман. Бўронларни ёқтирмайман. Гавдамдаги бор юнгим тушмуғимдан думимнинг учигача диккайиб кетади ва қирс-қирс сина бошлайди.

Албатта, мен илоҳаман, шундоқ бўлгандан кейин ёмғир-у момақалдироқлар чақира оламан. Лекин буниси чегарадан чиқиб кетди.

Илоҳлар ҳам кўрқиши мумкинлигини эшитиб ажабланаётган бўлсангиз керак, ҳойнаҳой? Бунда ажабланидиган жойи йўқ. Сизлар бизни ўзингиздан андоза олиб, ҳайвонлар ва паррандаларга ўхшатиб яратгансизлар. Шундоқ бўлгач, биздан яна нима кутасизлар?

Илоҳаликка мен илоҳаман, лекин мен мушукман ҳам, катта эмас, муштумдаккина. Бир замонлар гўзал Бубастада яшаган чоғларимда ҳар хил қийқириқлар, рақсу самолар, совға-саломлар ва умуман, одамларнинг бемаънилиги жонжонимдан ўтиб кетар эди.

Шундай ҳам бўлардики, одамлар кўшиқ айтади, ўйинга тушади, бақириб-чақирившади, мен эсам зумрадлар қадалган олтин тахтада ўтириб олиб, буларнинг барини эсимдан чиқармоқ учун ювинаман.

Кошки эди ҳозир мана шу бўронни эсимдан соқит қилаолсам. Лори кетди. Овқатимизни берди-да, мени уйга, уларни омборга қамаб, устимиздан қулфлаб, аллақайга кетди. Илоҳа бўлмаганимда эди, мен юқори қаватга чиқардим-да, Лорининг каравоти тагига кириб олардим.

— Вой шўрим, чақмоқни қаранг! Момақалдиरोқни қаранг! Майли, бориб лоақал хобхонада ўлтирай...

— Биласизми, у ердан нима топдим?

Менинг маънос ва ширин тушлар кўришимга сабаб бўлган фаройиб иснинг қаердан келаётганини билиб олдим. Айни чоқда, жуда осойишта бир жой ҳам топдим-у ерда момақалдироқ ҳам, чақмоқ ҳам камроқ сезилар экан. Бу ерга кириб бекиниб олишнинг ҳеч уяти йўқ.

Бу жовон эди. Афтидан, Лори кийинаётди шошганга ўхшайди, уни берки-тиш эсидан чиқипти.

Мисрда бунақа муаттар ҳид бўлмас эди. Ҳид бир халтачадан келяпти, унинг ичида аллақандай кўк бўлса керак. Ҳидлаб-ҳидлаб тўймадим унга.

Жавонда бир мириқиб ухлай. Бу ерда мазза, илиққина. Тумшугимни халтачага қўйиб олдим-да, хуррак отабошладим. Хуррагимдан осмону замин ларзага келди.

XXX

Чақмоқ чақнади, момақалдироқ гумбирлади. Гўёки осмонда кимдир баҳайбат тўқмоқ билан мис ноғораларга ураётгандай. Момақалдироқ акс-садолари адирларда янгради. Гулдирак авж нардаларда эшиклар ва деразалар ёнида қарсиллади. Бунақа момақалдироқни кексалар ҳам эслаша олмайди.

Миссис Маккензи, Вилли Бэннок, Лори ва Эндрю каравот ёнида ўтиришпти. Даҳшатли гулдиросдан бемор уйғониб кетди. Унинг кўзларида ваҳима учқунлари. У сал-пал оғзини очди, лекин ҳеч нарса демади, — йиғлабмайдиган гўдак юракларни эзиб юборар экан деган фикр Эндрюнинг кўнглидан ўтди.

— Кўрқма, Мэри Руа, — деб шивирлади Лори. — Эрталаб тинчиб қолади. Ҳамма ёқ ёришади...

Макдьюи соатига қаради. Салкам тўрт бўлган эди — авжи жон билан тан бир-биридан осонгина жудо бўладиган фурсат. Кун ёришиб, ҳаммаёқ тинчиб қолгандан кейин ажал бу ерлардан кетади. Надоматлар бўлсинки, менинг қизимни ҳам ўзи билан олиб кетади.

— Виллини докторни олиб келгани жўнатайми? — деб сўради миссис Маккензи.

— Йўқ, — деб жавоб берди Макдьюи. — У қиладиганини қилиб бўлди. Бошқа қўлидан ҳеч нарса келмайди. Энг кейинги тавсия этган дориси ибодат бўлди.

Макдьюи миссис Маккензи лабларини қимирлатиб дуо ўқий бошлаганини, Бэннокнинг боши қуйи эгилганини кўрди, лекин ўзи ибодат қилишга киришмади. Унинг қалбида Лорига нисбатан теран бир меҳр товланди. Фаришталар билан суҳбат қурадиган бу жувон рўмолча билан Мерининг пешонасидаги терларини артар, унинг юзи ва сочларини силар, кўм-кўк томирлари бўртган озгин қўлларини қўлига олиб, улар орқали қалбидаги жамики шафқат ва муҳаббатини беморга қуймоқчи бўларди.

Макдьюи мутаккабирлигидан эмас, мутеълигидан ибодат қилмаётган эди. Унинг назарида, бутун дунё ғаму қулфатларга тўлиб-тошиб ётган бир пайтда ўзининг ташвишларинг, ғам-андуҳларинг билан Худонинг бошини қотириб ўтириш ярашмайди. Бироқ миссис Маккензи билан кекса Виллининг ибодатлари унга далда бермоқда. Улар оддий одамлар, уларнинг гуноҳлари ҳам йўқ даражада, улар билан тенглашишга Макдьюига йўл бўлсин. Ҳозир миссис Маккензи овозини чиқариб дуо ўқий бошлади. Макдьюи унинг Худо билан мулоқотига қулоқ солди. “Парвардигор, — дерди у. — Сенинг фарзандларинг кўп. Бизнинг қизимиз якка-ю ёлғиз. Унинг жонини олма! Қизимизни қолдир ўзи-

мизга! Ё Тангрим, бир кекса муштипар аёлман, менинг илтижоларимни қабул қилгайсан”. Макдьои қўққисдан сезиб қолди — у ҳам миссис Маккензининг гапларига монанд бош ирғаётган экан.

Чақмоқ яна хонани ёритди. Момақалдироқнинг зўридан чироқ ўчиб, телефон ишдан чиқди. Уйда зулмат ва сукунат ҳукмронлик қила бошлади. Стол устида иккита керосин чироқ билан уч-тўртта шам ёниб турипти. Макдьои тиззалаб ўтирди. Унинг елкаси Лорининг елкасига тегиб турарди. У жувонни кучгани ҳам йўқ, шунчаки унга тегиб турипти, холос, лекин шунинг ўзидан ҳам Макдьои улар бир тан-бир жон бўлиб кетишганини ҳис қилди.

Мэри Руа ётган жойида гимирлаб қўйди. Лори билан Эндрью бир-бирларига қарашди. Майинлик ва меҳр-шафқат ҳали ҳам унинг чехрасини нурлантириб турарди, лекин у даҳшат ичида Лорининг бошқа чехрасини ҳам кўрди — бу кеча ҳарб майдонида Макдьои учун машъалани қилич қилиб жанг қилган шотланд аёлининг мардона чехраси эди.

Лори беморни Аэроилдан ҳимоя қилаётгандай яна бағрига босди. Макдьои ҳайқариб юборди:

— Ё Парвардигор! Керак эмас!

Сўнгги мухораба бошланган эди.

XXXI

“Томасина, — деб ўйладим мен уйғонганимдан сўнг. — Тезроқ тур, миссис Маккензидан дакки еб қоласан”.

Менинг Мэри Руанинг кирлари устида ётганимни миссис Маккензи сира кўролмади. Мен эсам унинг жиғига тегиш учун атайин ётиб оламан. Бундан ташқари, уларнинг ҳам беқиёс муаттар ҳиди бор.

Мана, ҳозир ҳам тумшугимни халтачага тиқиб ухлаб қолибман. Демак, яна момақалдироқ... Ундан кўра Мэрининг ёнига кириб ётганим яхши эмасми, деган ўй кечди кўнглимдан. Унга ҳам яхши, менга ҳам.

Мен сакраб полга тушдим. Чақмоқ чақди. Ие, нима гап ўзи? Тўшакда ҳеч ким йўқ. Бундан ташқари, бу ўша тўшак эмас. Хона ҳам бошқа. Мен бировнинг уйига келиб қолибман-ку!

Мен, яъни аслзода Томасина умримда биринчи марта ўлгудай кўрқиб кетдим. Мен хонада ақлдан озгандай югура бошладим, тўшакдан полга сакраб тушдим, ундан стулга, стулдан жавоннинг устига сапчидим. Бу аҳвол яна чақмоқ чақнаб, зинага кўзим тушмагунча давом этди. Зинадан югуриб пастга тушдим, у ерда яна бир хона бор экан. Хонада ўчоқнинг ёнида аллақандай мушук учун бир сават қўйиб қўйилипти. Ўчоқ боши ҳам бегона эди, бизникига ўхшамас эди. Бизнинг ўчоқ бошимизда ҳамма нарса ағдар-тўнтар бўлиб ётар ва бир-биридан муаттар, хушбўй ҳидлар кўп бўлар эди. Пастда яна бир хона бор экан — унда қандайдир тушуниб бўлмайдиган даҳшатли бир машина турипти.

Юрагимдаги ҳадик борган сари кучая борди, юрагимнинг гурсиллаб уриши бир оз тинсин учун хонанинг ўртасига ўтириб, бир оз тин олдим. “Ўзингни бос! Ховлиқма!” — деб ўзимга таскин берардим. Бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун мен қўлларимни ялаб кўрдим ва англадимки, туш эмас экан. Биз мушуклар тушимизда ювинмаймиз.

Шу пайт чақмоқ шунақа чақнадики, ҳеч қанақа сўз билан унинг таърифини келтириб бўлмади. Ҳамма нарса гумбурлаб, қасир-қусур бўлиб кетди. Уйнинг қулаб тушишига сал қолди. Мен мўрига ташландим. Мўрининг ичи ҳўл, ифлос, дим эди. Йўқ, мендай зодагон мушукка бунақа ўлим муносиб эмас. Аслини олганда, мен ўлмоқчи эмас эдим. Мен уйимга кетмоқчи эдим.

Уйга! Уйга! Уйга! Мен қоронғи мўрининг ичида осилиб турибман-у, хаёлимда Мэри Руа! Мен Мэри Руасиз яшаёлмас эканман. Кўз ўнгимдан уйимизнинг ҳар бир бурчаги, ҳар қаричи лип-лип ўта бошлади. Мана ўчоқ боши, мана менинг ўриндигим, мана оппоқ дастурхон, мана каравотимиз устига тўшаллади-

ган рўжа. Энг муҳими эса пучуқ бурунли юм-юмалоқ башара, малла сочлар, озода фартук.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг — мен Мэрининг бўйини жуда аниқ туйдим — гўё мен унинг қўлида ўтиргандек. Дазмолланган кийимлар, ичи пахмоқ иссиқ кўйлак, шоҳи тасмалар, совун, мураббо, тиш пастаси, майин сочларнинг ҳиди. Шунда бутун вужудимни шунақа бир муҳаббат чўлғаб олдики, бир сапчиб мўридан юқорига — нақд чақмоқларнинг ёнгинасига чиқиб кетдим.

Ким қанақалигини билмадим-у, менинг ёмғирга тоқатим йўқ. Томдан сакраб тушиб, шохлари қалин дарахт тагига ўтирдим. Менинг ювиниб олгим келиб кетди. Мушук халқи жуда покиза бўлади. Мен қўлларимдан бошлаб ювинишга киришдим. Олдин қўлимнинг олд томонини, кейин орқа томонини ювдим, кейин бетимни, бошимни, қулогимнинг ортларини ювдим...

“Томасина, уйингга бор!”

Ким айтди буни? Ўзим атдимми? Энди биқинимни ювмоқ керак. Кейин...

“Уйингга бор, Томасина!”

“Қанақасига? Шу момоқалдиросда-я! Бунинг устига, йўлни ҳам билмайман!”

“Сенга момоқалдирос чикора? Усти бошинг шалаббо бўлиб кетипти. Наҳотки сен Мэри Руанинг ҳидини яна унутиб қўйган бўлсанг? Бор уйингга, тентак мушук!”

“Унутганим йўқ! Сут ҳам эсимда, сулили шавлалар ҳам, Мэрининг қизил юзларидаги шўртак кўз ёшлари ҳам. Мен аллақандакларда анча вақт гойиб бўлиб кетган эдим... Жуда ҳам уйимга кетгим келяпти... Мен...”

Буни қаранг — мен ҳадеб ўзим билан ўзим гаплашаётган эканман-ку! Мен ювинишдан тўхтадим. Бу гал момоқалдирос олисроқда гумбирлади.

“Уйингга бор! Уйингга бор, Томасина!”

“Қўрқаман!”

“Бор”.

Мен шохлар тагидан чиқдим, ёмғир юзимга урилди. “Нима қилипти? — деган фикр ўтди кўнглимдан. — Юзимни ёмғир ювиб қўйди”. Биз мушуклар, сирасини айтганда, фалсафага мойилроқ махлуқлармиз. Мен йўлни топаоламанми-йўқми, шунини текшириб кўрмоқчи бўлиб, мўйловимни диккайтирдим. Топаолар эканман.

Агар мен йўлнинг нақадар машаққатли эканини, ер зах эканини, ёмғир муздек эканини, шамол қутургандан қутуриб ётганини билганимда, балки йўлга чиқмаган бўлармидим? Ёки ўшанда ҳам, барибир, уйга йўл олармидим?

Мен ўрмонда ҳам, кўприкда ҳам, кўчаларда ҳам гоҳ югуриб, гоҳ эмаклагандай бўлиб йўл босдим. Қай бир жойда девор остида яна бўлаётган гапларнинг бари тушимми-ўнгимми эканини билолмай ётиб қолдим. Кейин яна йўлга равона бўлдим.

Девор остида ётганимда чиндан ҳам жиндай кўзим илинганга ўхшайман. Негаки, ғалати бир туш кўргандай бўлдим. Гўёки мен менмас эмишман-у, негандир олтин тахтада — қип-қизил момик ёстиқ устида ўтирган эмишман. Бўйнимда олтин маржон эмиш. Борингки, маржон эмас десангиз, бўйинбоғ бўлақолсин. Тахтнинг ўнг ва сўл томонида товаларда нималардир қовриляпти, улардан ёқимли ҳидлар анқиб турипти. Нимадир жаранглагандай бўлди, оқ кўйлак кийган бири бирдан гўзал қизлар югуриб киришди. Улар қўшиқ айтишди ва хурмо шохларини силкитиб ўйинга тушишди. Менинг тахтим олдида келиб, бошларини ерга теккизиб салом қилишди. Эшикда қора кийимли бир эркак пайдо бўлди. Унинг сочлари ҳам, соқоли ҳам алангадай қизғиш, кўзлари муз каби совуқ эди.

Бироқ менинг олдимга келиб, у тиз чўкди ва бутунлай бошқа меҳрибон, мушфиқ одам бўлиб қолди. У менинг олдимга ёқут кўзли олтин сичқонни қўйди. “Ўтинаман сендан, — деди у. — Менга ёрдам бер!..”

Ноғораларнинг така-туми янгради. Момоқалдирос гулдиради. Мен девор тагида дағ-дағ қалтираб ётардим. Осмон оловранг тусга кирди, ёмғир ҳайқириб қутурмоқда, менинг ичимда бўлса бир овоз такрор-такрор демоқда: “Уйингга бор, Томасина! Бор! Мэри Руанинг ёнига югур!”

ОЛТИНЧИ ҚИСМ

XXXII

Лори шивирлади:

— Уни қўлингга оласанми?

Аёлнинг кўз ёшлари қизалоқнинг бетигаги тер томчиларига аралашиб кетди. Макдьоу қизнинг устига энгашиб, унинг юзи, пешонасини артиб қўйди.

— Йўқ, — деб жавоб берди у. — Сенинг қўлингга кўпроқ ором оляпти. Кошки эди мен ҳам шунақа жон берсам.

Миссис Маккензи қўллари билан юзини яширди. Унинг бутун вужуди титрарди. Вилли юзини деворга ўгирди.

Момоқалдироқ-гумбирлаб, чақмоқ чақишда давом этарди. Кейин гулдирос ўрнини мудҳиш сукунат эгаллади, фақат ёмғиргина деразани тараклатар эди. Худди шундай дақиқалардан бирида шаҳар минорасидаги соат тўрт марта занг урди. Лори билан Эндрюю малла бош устидан бир-бирларига ноумид кайфиятда тикилишди.

Мэри кўзларини очиб, Лорининг кўзларига узоқ термулди. Кейин у отасига қаради. Унинг кўғирчоқниқига ўхшаган кичкинагина юзига қизил югурди. У бир лаҳзага аввалгидай жуда ширин, жуда ёқимтой Мэри бўлиб қолди.

Худди шу пайт улар дераза ортида шамолнинг чинқиригини ҳам, жаланинг шовқинини ҳам, олисдаги гулдирос овозларини ҳам босиб янраган мушукнинг миёвлаганини эшитдилар.

Ҳамма — Лори ҳам, Эндрюю ҳам, йиғлайвериб шишиб кетган миссис Маккензи ҳам, кўзлари қизарган шалпангқулоқ Вилли ҳам бошларини кўтаришди.

Яна давомли, аянчли, тўғри юракка санчиладиган “миёв” деган чақирик эшитилди. Хонадагилардан кимдир баланд овозда “Томасина”, “Томасина” деди.

— Ким айтди ҳозир “Томасина” деб? — қичқирди Эндрюю.

Виллининг кўзлари чақнаб, мўйлови диккайди.

— Томасина! — деб ҳайқирди у. — Ўшанинг ўзи.

Шунақа чақмоқ чақдики, лампалар билан шамлар сезилар-сезилмас чўгга айланиб қолишди. Ҳамма дераза раҳидаги шалаббо малла мушукни кўрди.

— Томасина! Томасина! — деб баравар қичқаришди Мэри Руа билан миссис Маккензи. Қизалоқ яна қорайиб қолган деразага бармоғини нуқиб турарди.

— Ўзинг раҳм қил, Парвардигор! — деди миссис Маккензи. — Мушук нариги дунёдан бизнинг қазалоққа келипти...

Гап нима эканини биринчи бўлиб Вилли Вэннок англаб етди:

— Мушук тирик! — деб қичқирди у. — Уни ичкарига киритсанглари-чи...

— Миссис Маккензи, — деди Эндрюю Томасинани ҳуркитиб юбормаслик учун паст овозда. — Мушук сизни яхши кўради. Деразани очинг... Фақат эҳтиёт бўлинг. Худо ҳаққи, ўтинаман.

Кекса оқсоч дағ-дағ қалтираб ўрnidан турди ва бир-бир босиб қоронғи дераза олдига борди.

Ҳамма нарса тиниб қолди, фақат Лоригина бу ердан учиб кетаётган ўлим фариштасининг оғир-оғир қанот қоққанини эшитди.

Миссис Маккензи эҳтиёт билан секингина деразани очди. Хонага ёмғир томчилари учиб кирди. Мушук йўқ эди.

— Кис-кис-кис, — деб чақирди миссис Маккензи. — Томасина, кел менга, сут бераман...

— Талифа, — деб жаранглади Лорининг майин товуши жала овозини босиб. — Бу ёққа кел. Келақол менга!

Кимдир шап этиб полга тушди. Шалаббо мушук яқинроқ келди, одамлар билан оғзини очиб, сўзсиз саломлашди, яхшилаб силкиниб, сувини қоқди, кейин бир оёғини, иккинчисини, учинчи, тўртинчи оёқларини кўтариб, ҳар биттасини силкитди. Пишиқ-пухта Вилли чаққонлик билан уни айланиб ўтиб, деразани беркитди.

Эндрью Макдьюига шундай туюлдики, агар у Томасинага қўлини теккизса, мушук тутундай ғойиб бўлади ёки қўли бўшлиқда муаллақ осилиб қолади. Шундоқ бўлса-да, у мушукни қўлига олди ва мушук унга қараб пишқирди. Мушук чинакам мушук эди, ҳамма ёғи шалаббо, сержаҳл.

— О, Парвардигор! — деди у. — Раҳмат! — Шундай деб у мушукни Мэри Руанинг қўлларига тутқазди.

Томасина хуриллар, Мэри уни бағрига босар, устма-уст ўпарди.

Жон таслим қилиш хаёлига ҳам келмай қўйган эди. Қайтиб келган заиф овози билан Мэри деди:

— Дада, дадажон! Сен менга Томасинани олиб келдинг! Томасинани олиб келдинг. У тирик экан!

* * *

Мэри Руанинг соғайиши ҳар қанча узоқ давом этмасин, ҳамма нарса жой-жойига тушди. Макдьюи яна аввалгидай бардам ва бақувват бўлиб қолди.

— Бирон нарсани тушунапсанми, Лори? — деб сўради у.

— Ҳа, — деб жўнгина жавоб берди у. У нафис жилмайди ва кўзларида закийлик чақнади. Лори ўрнидан туриб, Мэри билан мушукни тўшакка ётқизиб қўйди. Томасина ювинишга киришди. Унинг қиладиган иши кўп эди — қўлидан қон томчилаяпти, иккита тирноғи кўчай деб турипти. Лекин шундоқ бўлса ҳам у аввал эгасининг юзларини ва бўйнини ялади, сўнгра малла соч ва малла соқол юзи ҳўл одамга қаради. Бироқ унинг бу қарашиди аввалгидай нафрат йўқ эди.

Олисада момоқалди роқ анча тиниб қолди. Мэри Руа Томасинани кучиб, бағрига босди. Мушук қиладиган ишларини кейинга қолдирди. Бир неча дақиқадан кейин уларнинг иккови ҳам донг қотиб ухлаб қолди.

Миссис Маккензи билан Вилли ҳам ухлагани кетишди. Ёмғир тинган эди. Кимдир ташқари эшикни қоқди. Эндрью бориб очди. Келган ҳазрат Энгус экан. Тунни уйқусиз ўтказганидан кўзлари киртайиб, юзи бир бурда бўлиб қолипти. У эски ридосини кийиб олган эди. Мол доктори анчагача унга қараб турди. Роҳибнинг чеҳрасида осудалик зуҳур этарди, кўзойнак ортидаги кўзлари ҳам хотиржам боқарди.

— Ҳамма гапдан хабардорсан, шекилли? — деди Эндрью.

Энгус хабардор эди ва айни чоқда ҳеч гапдан хабари йўқ эди. У ҳозир — ярим тунда тўсатдан бир нарсани аниқ англаб етди — уларнинг илтижолари Тангрининг даргоҳига етиб боришти.

— Ҳа, — деб жавоб берди у. — Мэри Руа соғ-омон.

— У гапиряпти.

Энгус бош ирғади.

— Унинг олдига Томасина қайтиб келди, — деб оҳиста давом этди Эндрью. Лекин Энгус яна бош ирғаб, деди:

— Жуда ҳам соз.

Улар оёқ учида юриб, хонага киришди. Ухлаётган қизалоқ ва ухлаётган мушукнинг тепасида Лори бедор ўтирарди. Роҳибнинг думалоқ юзи табассумдан ёришиб кетди.

— Улар қандай гўзал-а!.. — деди у.

Шунда Эндрью боядан бери айтмоқчи бўлган гапини эслади.

— Лори, — деб чақирди у.

— Лаббай, Эндрью!

— Боя миссис Маккензи деразани очиб, Томасинани чақирганида сен ҳам уни чақирдинг. Лекин бир оз бошқача чақирдинг. Ўшанда уни нима деб атаган эдинг?

— Талифа.

— Инжилда бор-ку бу гап, — деди ҳазрат Энгус. Лори эшитмади. Эндрью уларга ҳайрон бўлиб қаради.

— Эсимда борини айтиб берақолай, — деб давом этди роҳиб: — “...синагогнинг мутасаддисидан келиб дедилар: сенинг қизинг ўлди, нега Устозни овора қиялпсан? Аммо Исо Масих бу сўзларни эшитган ҳамон синагогнинг мутасаддисига деди: Кўрқма, фақат имонингни мустаҳкам қил... Уйга келиб, қариндош-уруғларини озурда кўрди — ҳаммалари баланд овозда йиғлаб-сиқташяпти. Ичкарига кириб, уларга хитоб қилди: нега озурдасизлар? Нега йиғлаб-сиқтаяпсизлар? Сизларнинг қизларингиз ўлган эмас, у ухламоқда...”

Лори ҳамон ўша сирли, нафис табассум билан жилмайиб турарди: Эндрюю жувонга ҳам, роҳибга ҳам синчиклаб тикилди.

“Шунда қизнинг кўлидан тутиб, — деб давом этди Энгус Пегги, — унга деди: “талифа кунни”. Бунинг маъноси бундай: “ҳой қиз, сенга айтяпман, тур ўрнингдан!” Шу заҳотиёқ қиз ўрнидан туриб, юриб кетди”.

— Тушунмадим, — деди Эндрюю бўғиқ овозда.

— Мушук ўлгани йўқ, у ухлаб қолган эди, — деди Лори. Болалар уни дафн этишаётганини мен кўрган эдим. Улар кетгандан кейин мен қабрни очдим. Улар бирон қор-қол қилиб қўйишмадимикин деб хавотир бўлувдим.

— А-а-х... — деб хўрсинди Эндрюю.

— Мен йиғлаб юбордим, — деди Лори ўша кунни эслаб. — Шўрликни кўриб жуда ачиниб кетдим. У қўтининг ичида шоҳи-атласга бурканиб худди тирикдай ётарди. Кўз ёшларим унинг устига тушди-ю у акса уриб уйғониб кетди.

Роҳиб билан Макдьёи унинг гапини сукут ичида тинглашди.

Макдьёининг хаёлидан ўша кунги воқеалар ўтди: у Виллига мушукка дори бериб ухлатиб қўйишни буюрди, икковлари ҳам жуда шошиб туришган эди, итни операция қилмоқ керак эди. Афтидан, мушукдаги сирли фалаж дорининг таъсирида ўтиб кетган кўринади. Бунақаси ҳам бўлиб туради.

— Раҳмат, Лори, — деди у жиддий оҳангда.

— Икковларинг ҳам оч қолгандирсизлар, — деди Лори. — Мен бориб овқатни иситиб, чой қўйиб юборай.

Эндрюю тамаки тутатди. Энгус унинг гап бошлашини анча пойлади, аммо у гапирмади. Шунда ўзи сўз қотди.

— Энди ниманинг ташвишини қаялпсан?

— Ўзим шундоқ, — деди мол доктори ва пича ўйланиб, қўшимча қилди: — Демак, бу мўъжиза бўлмаган экан-да...

— Бўлмаган бўлса, сенга нима! — деб жилмайди роҳиб. — Менга раҳминг келиб кетдими? Йўқ, Эндрюю, мўъжиза эмас. Лекин сен теварак-атрофингга бир қара: бутун олам нақадар уйғун, бекаму-кўст яратилган-а?

Эндрюю анчагача чекиб турди-да, кейин паст овозда деди: — Ҳа, Энгус, сен ҳақсан!

Ўчоқ бошида Лори кострюлка, чойнак, товаларни тақир-туқурлатяпти. Хонадонга кетмайдиган бўлиб келган одамгина рўзгорни шундай қўлга олади.

Озод ШАРАФИДДИНОВ
таржимаси

Андрей ВОЗНЕСЕНСКИЙ

Роз айтайлик жўровоз

РАССОМ ҲАҚИДА РИВОЯТ

Рассом яшар эди — мағрур ва қашшоқ,
Аммо бахт юлдузи порлади бир кун:
Англади — даркордир бир сурат чизмоқ,
Ки михсиз деворга осилиб турсин.

Уйдан уйга кўчди бошпана учун,
Овқати — нону туз. У қилди тоқат.
Йоглардан суратни айлади афсун,
Аммо қулайверди девордан сурат.

Жодугар бўёқлар ўзига тортди,
Кўрганнинг хаёли қолди қапишиб.
Аммо девор бемих суратни отди,
Сурат кетаверди, девордан тушиб.

“Дардларингни олай, ёнсин жону тан, —
Бетонга ёлворди рассом кўзлари, —
Қарагин, бауқув бу қўлларимдан
Тошиб чиқаётир михнинг излари...”

Касб-кор азобида ўлиб кетди у.
Мийиғида қулди юлдуз ҳам... Лаънат!
Унинг суратини ошишмайди-ю
Бемих осик турар деворда сурат.

Усмон
АЗИМ
таржималари

Асримизнинг олтмишинчи йилларида Шўролар мамлакатида ҳам бир қадар жонланиш бошланди. Сталин вафотидан кейин Хрущёв баҳори билан боғлиқ умид-орзули бу жараён ҳаётнинг ҳамма жабҳасига кўтаринки рух, демократик кайфият ва сурурли ғайрат олиб кирди. Бунинг устига, турмушга бостириб кирган илмий-техник инқилоб ўша даврда инсоният олдида чексиз-чегарасиз сарҳадларни очадигандай эди. Андрей Вознесенский ана шу замонда шеъриятга учиб кирган учқур сайёрадир.

Умуман, олтмишинчи йилларда адабиёт ва санъатга жуда кўп истеъдодлар кириб келди. Ҳозир ўн беш мамлакат бўлиб яшаётган ўша минтақада овоза таратган истеъдодлар ва даҳолар

БАЛЛАДА

Ресторан чайқалар мисоли кема,
У ўз суйганини бермоқда эрга.

Буюкмиз — бетма-бет ўлтиринг бирпас,
Севиб уйланмоқлик замонавиймас.

Келин яйраб қувнар, қулги — бетида...
Сенга тонгда бўлса, шомда эрига...

Қоп-қора,
оқ-оппоқ, маст-аласт шамол.
Ресторан ёпилар, кетдик уй томон.

Улама сочни, ёр, тузатиб қўйгин,
Уччовимизга тенг шаробдан қўйгин.

Балки шуниси ҳам дуруст, ёрижон,
Шомлари бўларсан уйимга меҳмон —

Рўмолни қошингга суриб қайтарсан,
Эҳтимол, севсанг ҳам, лаънат айтарсан.

Қўшиқчи қуйлайди: “Нақшли чаналар...”
Ана, кетиб борар никоҳданганлар.

Ва пичоқ ўқталиб айтмас бир инсон:
“Суйганингни эрга бердингми, ҳайвон!”

ТУШ

Суд қилишар бизни — учта ўғрини.
Мен ҳам довдирайман: — ўғирлаган ким?
Ажратмоқ бўламан гўё тўғрини,
Аммо биламанки, ўғри — мен — ўзим!

Бири иқроп бўлар: — Менман гуноҳкор!
Бири кўрсатади далилларни жим.
Менинг жавобимни беришади: — Бор!
Аммо биламанки, ўғри — мен — ўзим.

ҳозир ҳам ўз юртларидаги юксак дидли адабиёт мухлисларининг фахрию қувончидирлар.

Андрей Вознесенскийнинг ижоди жуда кўп тортишув ва баҳсларга сабаб бўлган. Уни нималарда айбламаган дейсиз? Бизда ҳам яқингача айтилиб туриладиган “тушуниб бўлмайди” қабилидаги истеҳзоли писмиқликлардан тортиб, “ғарбга сифиниш” гача бўлган кўплаб гуноҳлар унинг бўйнига ортилган. Аммо унинг биринчи китоби “Антимиры” — “Аксилдунёлар”дан то сўнгги “Сайланма”ларигача шеърхон томонидан сеиб ўқилди. Вознесенский ўзининг шеърляти бор бахтиёр шоирлардан. У бесаноқ миллий ва халқаро мукофотлар соҳиби. Унинг асарлари жаҳондаги юзга яқин тилга таржима қилинган.

Уйда хазинани очиб кўраман,
Бўйнингнинг тафти бор дурда ҳануз, о...

Гувоҳ бермоқликка аммо сен йўқсан,
Йўқсан. Ҳеч ким менга беролмас жазо.

САГА

Мени уйғотасан отганида тонг,
Мени кузатгани чиқасан яланг.
Унуга олмайсан, мени ҳеч қачон,
Сен мени ҳеч қачон учратолмайсан.

Шамоллаб қолма деб сени ўрайман,
Зирқираб ўйлайман: — Э воҳ, Художон,
Мен сени ҳеч қачон унутолмайман,
Учрата олмайман ҳеч қачон.

Мана бу жимжима ҳовузнинг суви,
Ҳувиллаган Биржа — кенг майдон,
Кўриша олмайди биз билан мангу,
Учраша олмаймиз ҳеч қачон.

Қип-қизил гилос-ла елда ялтираб
Турган йўқ. Гилослар кўз ёшлардир — қон.

Қайтмоқлик — бу ёмон аломат —
Учрата олмайман сени ҳеч қачон.

Бу ёруғ жаҳонга қайта келсак ҳам,
Ҳофиз айтганидай, эврилиб жаҳон.
Минг войки, айрилиб кетамиз, эркам —
Учрата олмайман сени ҳеч қачон.

Бир куни бизларнинг бу англамаслик —
Бу ўжар видомиз туюлар майда.
Ҳувиллаган ўлик танҳолик
Қаршимизда кўринган жойда.

Юксакларда эса қалқийди дам-дам
Ўша икки жумла — икки тирик жон —
“Сен мени ҳеч қачон унутолмайсан,
Учрата олмайсан ҳеч қачон”.

МИКЕЛАНЖЕЛО МУНОЖОТИ

Худойим, аслида бир поянгман — чин,
Нега оломонга ташлайсан доим,
Худойим, мен сенга нима қилгандим,
Нима қилмагандим сенга, худойим?

ОҚИН ҚЎШИҒИ

Керак эмас на шон, на дунё,
На омонат давлату тож-тахт.
Менга бир зот бергин, худо-ё,
Куйлай олсин мен каби фақат.

Ўғирланган муҳаббат — жафо,
Керак эмас бир кунлик шафқат.
Бир кимсани юбор, худо-ё,
Ўзим ёлғиз қолмайин фақат.

Чўллар оша айлагани баҳс,
Олислардан бергани овоз —
Юрак учун — қарсак учунмас! —
Жўр товушда айтишгани роз.

Тушунсин не кечар қалбимдан,
О, англасин бир бора, майли...
Жароҳатдай алвон лабимдан
Олиб чалсин ўқ тешган найни.

Куйчи дўстим унутиб аммо,
Ҳамдам, ҳамдаст қудратдан тўйиб,
Рақобатдан безариб (оллоҳ!),
Бир кун мени кўяжак сўйиб.

Уни кечир. Қабрга қадар
Танҳоликда умри тўзига...
Унга ҳам бир зот бер, худо-ё,
Худди мендай, худди ўзидай...

Ирвин ШОУ

Тунги дарбон

Роман¹

Ўн саккизинчи боб

Зиёратга элликтача одам жам бўлганди. Яхши жиҳозланган кенг меҳмонхонадаги ҳар бир стол атрофида олти-саккиз киши ўтирарди. Деворларга Ренуарнинг иккита, Матисснинг битта сурати осиб қўйилган. Даниядан келтирилган денгиз қисқичбақасини иссиғида кетма-кет узатиб туришипти.

Аёлларнинг жозибасини янада ошириш (ёки қусурларини яшириш) мақсадида меҳмонхонада фақат шамлар ёқилган. Лекин улар бунга муҳтож эмасди, ҳаммалари аёллар журналидаги суратларга ўхшаб кетишарди. Стол атрофида ўтирганлар ярим овоз билан, пичирлашиб гаплашишарди. Шу боис улкан зал сув қуйгандек жимжит эди.

Зиёфатни ташкил этган баланд бўйли, қирғий-бурун, оқ соч киши — атлантик шу кунда ишдан четлашган банкир эди. Ўзи ҳам, шведиялик соҳибжамол ёш хотини ҳам мени таништиришганда беҳад хурсанд бўлишди. Маълум бўлишича, улар никоҳларининг ўн беш йиллигини нишонлашаётган экан.

Меҳмонларнинг бари юзидан қон томиб турган соғлом кишилар эди. Оқшом давомида атрофимда кечаётган суҳбатдан бировнинг шаънига айтилган бирор оғиз ёмон гапни эшитмадим. Мени ҳайрон қолдирган нарса шу бўлдики, капкатга одамлар ишларини йиғиштириб қўйиб, азбаройи тоғ офтобида тобланиш ва юзларига жасурлик белгиси саналмиш қорамтир тус бериш ниятида шундан-шунга келиб ўтиришипти-я. Ҳеч кимдан касб-корини сўрамадим, менга ҳам бу хусусда савол беришмади.

Липиллаб турган шам ёруғида ўзига бино қўйган, пулни хазондек совурадиган ялтироқ бу оломонга разм соларканман, Фабианнинг бойликнинг қудрати ҳақидаги далилларига яна бир марта имон келтирдим. Гарчи ораларида бирон-бир келишмовчилик, рашк ёки ҳасад бўлса ҳам, буни мутлақо сездиришмасди (ҳар ҳолда мен сезганим йўқ). Кўзни қамаштирадиган яп-янги шоҳи қўйлақда ҳар қандай сулувни бир чўқишда қочираман деб ўтирган Юнисга нисбатан бирдан меҳрим-товланиб кетди. Стол остидан қўлини қисиб қўйдим, бунга жавобан у менга кишини васвасага соладиган табассум ҳада этди.

Биз ўтирган стол атрофидагилар ҳар соҳадан бир шингилдан гаплашишар, сўнг дарров бошқа мавзуга ўтиб кетишарди. Чанғи курорти бўлгани учун, табиийки, кўпроқ тоғдаги қор, турли қулгили воқеалар, синган оёқлар тилга олинар ва бу гурунг Париж, Лондон, Нью-Йорк театрлари ҳамда янги фильмлар ҳақидаги сафсаталарга беихтиёр қоришиб кетаётганди. Гап орасида турли тиллардаги ҳикматли сўзлар ҳам қулоққа чалиниб турарди.

Мен бу ерда айтилган пьеса ёки кинофильмнинг бирортасини ҳам кўрмагандим, бинобарин, миқ этмай ўтиравердим. Ҳар замонда Юнисдан сўраб қўяр-

¹ Охири. Боши ўтган сонда.

дим. У буларнинг барини Лондон ёки Парижда кўрган, шунинг учун мунозарада дадил иштирок этар, унинг сўзларига эҳтиром билан кулоқ солишарди. Лили кўшни стол ёнида ўтиргани учун Юнис ўзини анча эркин ҳис этаётганди. Маълум бўлишича, у қачонлардир актриса бўлишни орзу қилган ва Қироллик академиясида драматик санъатдан маълум муддат сабоқ ҳам олган экан. Бу гапни эшитиб, Юнисга қизиқишим юз чандон ошиб кетди.

Зиёфат охирлаб, лимон шарбати билан шампан келтиришганда сиёсат мавзуга ўтишди. Биз билан ўтирган эркаклар орасида эллик ёшлардаги юзлари силлик, тўладан келган америкалик — суғурта компаниясининг бошлиғи, чўққи соқол француз — адабий танқидчи ҳамда барваста инглиз банкири бор эди. Улар ўз ҳукуматларини одоб доирасида, лекин жиддий танқид қила бошлашди. Уларнинг сўзларига қараганда, ватанпарварлик тубан кишиларнинг сўнгги паноҳи, агар шундай дейиладиган бўлса, кўриниб туриптики, бизнинг столимиз атрофида ундай одамлар йўқ.

Француз соф инглиз тилида Франциядан шикоят қилди:

— Франциянинг ташқи сиёсатида голлизмнинг хунук иллатлари — худбинлик, қатъиятсизлик ва ҳақиқий воқеликдан узоқлашиш ҳолатлари кўзга ташланмоқда.

Бу ёғини инглиз илиб кетди:

— Англия ишчилари меҳнат қилишни унутиб қўйишди. Лекин мен уларни айбламайман.

Ниҳоят, америкаликка гал келди:

— Қўшма Штатлар Совет Иттифоқига икки миллион тонна ғалла сотган куни капиталистик тузум ўзига кафан бичди.

Улар, айти пайтда, қисқичбақадан бош кўтаришмас, официант бокалларни тоза оқ винога тўлдиришга аранг улгурарди. Теги мўлга ўхшайди. Винонинг маркасини эслаб қолиш учун сездирмасдан ёрлиғига қарадим — Кортон-Шарлемань.

Мен ҳамон оғзимга талқон солиб ўтирар, аҳён-аҳён худди ялпи суҳбатда иштирок этаётгандай, жиддий қиёфада каламни лиқиллатиб қўярдим. Қовун тушириб қўймайин деб, овозимни чиқазмасдим, акс ҳолда бу даврага ёт кимсалигим ошкор бўлиб қолади, бу ҳам етмагандай, ўтмишимдаги шу кунгача яшириб келаётганим қора доғ ҳам юзага қалқиб чиқиши мумкин.

Кейин рақс бошланди. Юнис рақсга тушишни жон-дилидан севар ва дам ўтмай шеригини алмаштирарди, мен бўлсам, қаҳвахона пештахтаси ёнида тик турганча, ортиқчалигимни ҳис этиб, нуқул соатимга қарардим. Рақсга уста эмасдим, албатта, ўртага тушиб, шарманда бўлишни хоҳламасдим. Секин меҳмонхонага жилворишга жазм қилиб турганимда Юнис навбатдаги шеригининг кучоғидан чиқиб, ёнимга келди.

— Зерикапсизми, азизим? Кетмоқчимисиз?

— Кетганим тузук. Сиз-чи?

— Чеҳрангизни очинг. Мотамсаро бўлманг, бунақаларни жиним суймайди. Мен рақсга тўйдим. — У қўлтиғимдан олди. — Юринг, кетдик.

Биз Лилига сездирмай рақс залидан чиқдик. Гардеробхонадан пальтомизни олиб, ҳеч ким билан хайрлашмасдан жўнавордик.

Ташқари совуқ эди, сўқмоқдаги қор оёқ остида ёқимли ғичирларди. Биз қарағай ҳидига тўйинган муздек ҳаводан мириқиб нафас олардик. Ҳозиргина тарк этган биномиз хийла ортда қолгач, аллақандай кўринмас ишорага бўйсунгандай, иккаламиз ҳам таққа тўхтадик, сўнг бир-биримизнинг бағримизга отилиб, узоқ ўпишдик. Кейин яна йўлга тушдик.

Меҳмонхонада калитларимизни олиб, лифтга чиқдик. Худди олдиндан келишиб қўйгандай, Юнис лифтдан мен билан бирга тушди. Йўлак бўйлаб юмшоқ гилам устидан юриб кетдик. Гўё мана шу лаҳзанинг ҳар бир дақиқасидан лаззатланмоқчи бўлгандай, у ҳам, мен ҳам шошмасдик.

Хонам эшигини очиб, Юнисга йўл бердим. У пўстинининг яхдек мўйнасини эғнимга хиёл ишқаб, олдинга ўтди. Эшикни ёпиб, даҳлиз чироғини ёқдим.

— Вой, шўрим! — бирдан қичқириб юборди Юнис.

Даҳлиздан тушиб турган чироқ ёруғида каравотимда ухлаб ётган Диди Вейлсни кўрдим. Қип-яланғоч. Кўйлаги стул суянчигига тхлаб қўйилган, чанғи ботин-

каси пастда турибди. Ойисининг қанақа камчилиги бўлишидан қатъий назар, ҳар ҳолда қизини саришталикка ўргатган экан.

— Чиқазворинг мени, — деди Юнис пичирлаб, гўё қизни уйғотиб юборишдан чўчигандай.

— Юнис... — инградим мен.

— Омад тиламан! Тагин сиз ҳам ухлаб қолманг, — шундай деди-да, мени четга суриб, хонадан чиқиб кетди.

Дидига тикилиб қолдим. Тилларанг сочлари юзини буткул қоплаб олган, ҳар нафас чиқазганида соч толалари хиёл тебраниб қўяди. Бадани пуштиранг, юзи билан бўйнини офтоб андак қизартирган. Ҳали тўла етилмаган кўкраклари спортчиларникига хос, тирноқлари бўялган бақувват оёқларига кўпам мос келмайди. Қорни ёш болаларникидай, пастроқда, қов супачасида эндигина сабза ура бошлаган момик тук. У қўлларини икки ёнига ёпиштирганча осмонга қараб ётарди. Агар рўпарамда ўн олти яшар тирик қиз эмас, моҳир рассом чизган сурат турганида буни ошқора бокираликнинг тимсоли сифатида қабул қилган бўлардим. Аммо эски қадрдонларимнинг қизи хонамга ўзининг бокиралигини намойиш қилиш учун кирган эмас. Бир кўнглим, хонадан секин чиқиб кетмоқчи ҳам бўлдим. Лекин шундай қилиш ўрнига, каравот олдига келиб, қизнинг устига пальтомни ёпиб қўйдим. Диди уйғониб, кўзларини очди-да, юзига тушган сочларини сидириб ташлаб, менга тикилиб қолди. Сўнг ёнига имлаётгандай жилмайди. Шунда ёшига нисбатан каттароқ кўриниб кетди.

— Бу нима қилиқ, Диди? Қанақа мактабда ўқигансиз ўзи?

— Қизлар деразадан ошиб тушадиган мактабда. Сизни ҳайрон қолдирмоқчи бўлдим, — деди у хотиржамлик билан.

— Мақсадингизга эришдингиз.

— Хурсандмасмисиз?

— Албатта.

— Нима учун кирганимни билганингизда...

— Илтимос, бас қилинг.

— Мени бузилмаган қиз деб ўйлаяпсизми? Ёши сиздан улуғроқ одам билан дон олишганман. Кекса бир грек билан.

— Чўпчагингизни бошқа одамга айтинг. Туриб кийининг-да, тез чиқиб кетинг.

— Жон-деб турибсиз-у, сир бой бермаяпсиз-да. Сабаби, ўн уч яшар пайтим ёдингизда қолган. Кап-катта қизман энди.

— Ҳали анча бор.

— Менга ёш боладай қарашса, жоним чиқиб кетади, — деди у хафа бўлиб. Кейин одатдагидай, сочини яна орқага силкиди-да, индамай ётаверди. — Сизга қайси ёшдаги қизлар ёқади? Йигирмами? Ўн саккизми?

— Ёши мени қизиқтирмайди, — жавоб бердим жаҳл билан ва обрўмни туширмаслик учун сал нарироққа, девор ёнига бориб ўтирдим. — Ўн минут гаплашган қиз билан, неча ёшда бўлса ҳам, шоша-пиша тўшакка кириш одатим йўқ.

— Ғалати одатингиз бор экан, — деди Диди истехзо билан, “ғалати” сўзига ургу бериб. — Шундай аёлларингиз, антиқа мошинангиз бўла туриб-а?

— Келинг, баҳслашмайлик. Кийинасизми-йўқми?

— Наҳотки ёқмаётган бўлсам? Айтишларича, баданим чакки эмас.

— Зўр. Кетворган, агар сизга мақтов керак бўлса. Лекин бу ҳали ҳеч нарса-нинг исботи эмас.

— Шаҳардаги кўп йигитлар тўшакка судрашга уриниб кўришди. Анча-мунча эркаклар ҳам, агар билсангиз.

— Бунга шубҳам йўқ, Диди. Аммо бу ҳам ҳеч нарса ни англамайди.

— Мен билан ўн минутдан ортиқ гаплашгансиз, ўзингизни гўлтиқка солманг. Мабодо, сиз унутган бўлсангиз ҳам, Вермонтдаги чанги сайрини мен унутганим йўқ.

— Бефойда гапларнинг нима кераги бор? — дедим энсам қотиб. — Сиз учун ҳам, ўзим учун ҳам уялиб кетяпман.

— Муҳаббатнинг нимаси уят?

— Муҳаббат?

— Ҳа, уч йилдан буён сизни севаман, — Дидининг овози титраб, кўзларига ёш қалқди. — Энди учратганимда... Севгини тушунмайдиган бўлиб қолибсиз. Қарибсиз, силлангиз қурипти.

— Унақамас, — дедим мен. — Ҳар кимнинг феъл-атвори ҳар хил. Мен дуч келган тентак қиз билан оғиз-бурун ўпишолмайман.

— Туйғуларимни оёқости қиялсиз, — Диди хўнграб юборди. — Сиздан буни кутмаганим.

— Жиннилигингиз сабабчи.

— Ҳозир овозимни қўйиб бақирсам, баттар бўлади. Одам тўпланади, мени зўрламоқчи бўлди, дейман.

— Пасткашлик қилма, қизалоқ, — дедим ўрнимдан шаҳд билан туриб. — Шуни унутмангки, бу ерга ёлғиз кирганим йўқ. Икковимиз ҳам тўшакда яланғоч ётганингизни кўрдик. Агар иззатингизни билмасангиз, шаҳардан шармисор бўлиб чиқиб кетасиз.

— Бу ердан барибир кетаман. Менга бунақа муомала қилганингиз учун ўзингиз иснодга қоласиз.

Гап оҳангимни ўзгартиришга аҳд қилдим:

— Диди, қизалоғим...

— Қизалоқ деманг мени. Ёш бола эмасман.

— Бўпти, бўпти, — дедим жилмайишга уриниб. — Сизга дўст бўлиб қолишимни хоҳлайсизми?

— Мени севишингизни хоҳлайман. Бошқалар шунга эришади-ку, нима учун мен эришмаслигим керак? — жавоб берди у пиқиллаб.

Кўз ёшини артишига рўмолчамни узатдим.

— Эрталаб тоғда ўпдингиз-ку. Нега ўпдингиз?

— Бўса ҳар хил бўлади, — дедим насихатомуз. — Мени нотўғри тушунибсиз.

Диди бирдан устидаги пальтони кўтариб ташлаб, каравот четига ўтирди-да, кўлини мен томон узатди.

— Илтимос, яна бир марта ўпинг.

Беихтиёр орқага тисарилдим.

— Мен кетдим, қайтиб келганимда қорангизни кўрмайин, акс ҳолда мактабингизга кўнгироқ қиламан, ўзлари олиб кетишади.

— Кўрқоқ! — бақирди Диди. — Куёнюрка!

Эшикни қарсиллатиб ёпиб, хонадан чиқиб кетганимдан кейин ҳам у бир нималар деб бақираётганди.

Ўзимга келволиш учун озгина ичиш мақсадида қаҳвахонага тушдим. Бахтимга, ичкарида таниш башаралар кўринмади, ним қоронғи залда стаканга тикилганча ўй суриб ўтирдим. Кейинги пайтларда бошимдан ўтган воқеалар хаёлимдан бир-бир ўта бошлади: “Муқаддас Августин”даги пул тўла филоф, Эвелин билан Вашингтонда, Лили билан Флоренцияда кечган тун, бошига чироқ билан туширганимдан сўнг менга шерик бўлиб қолган кишининг антиқа таклифлари, от олди-сотдиси, беҳаё француз фильмига ҳомийлик, олтин ва дук-какли донни устига қўйиб пуллаш, Юниснинг Лондондан келиши, Швейцариядан ер харид қилиш, ва ниҳоят, бадавлат ва қасоскор америкалик билан Фабианга шерик бўлиб қарта ўйнаш.

Лекин ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бор-ку! Мен босиб ўтмаган ана шундай чегара Диди Вейлс бўлди. Тантиқ қизнинг аврашларига учмадим. Менинг ўрнимда Фабиан бўлганда нима қиларди? “О, худонинг ўзи етказди!” — деб, апил-тапил тўшакка кириб кетарди. Бунга шубҳам йўқ.

Юнисни эслаб, кўнглим баттар хижил бўлди. Эртага нонушта устида Лили билан Фабианнинг олдида мени шармандаю шармисор қилади: “Кеча кечқурун азиз дўстим билан унинг хонасига кирсак...”

Виски қуйилган стаканни бўшатиб, энди ўрнимдан турмоқчи эдим, қаҳвахонага учта бўйи теракдек эркак ҳамроҳлигида Лили кириб келди. Эркакларнинг бири билан у зиёфатда рақсга тушганини эсладим. Мени кўриб, Лили тўхтади.

— Боя синглим билан бирга кетувдингиз шекилли? — деди у ҳайрон бўлиб.

— Ҳа, бирга кетувдик.

— Нега ёлғизсиз?

— Шунақа бўп қолди.

Лили бош чайқади. Кўзларида учкун чақнагандай бўлди.

— Ғалати одамсиз, — деди у елкасини қисиб. — Даврамизга қўшила қолинг.

— Бўйим пастлик қилади.

Учала эркак шунақа хандон ташлаб кулишдики, пештахта устидаги стаканлар жиринглаб кетди.

— Майлсни кўрмадингизми? — сўради Лили.

— Йўқ.

— Соат ўн иккидан кейин қаҳвахонага кирмоқчи эди, — деди у. — Афтидан, Слоунни кўзи қиймаган-да. Патини юлмагунча кўнгли жойига тушмайди. Қалай, бугунги зиёфат маъқул бўлдими?

— Зўр.

— Техасдагидан кам эмас, — Лилининг нимага ишора қилганини тушунмадим. — Нима ичамиз, йигитлар? — у шерикларига мурожаат қилди.

— Шампан, — деди эркакларнинг энг новчаси ва хиёл чайқалганча пештахта томон юрди.

Улар билан хайрлашиб, ҳаял ўтмай, Юниснинг эшиги олдида турганимни сездим. Ичкарига қулоқ солсам, тиқ этган овоз эшитилмади. Нимани эшитмоқчи бўлдим, ҳайронман. Йиғиними? Кулгуними? Ёки маишат қилиб ўтирган давранинг шодон қийқириғиними? Эшикни тикиллатдим, бир оз кутиб, яна такрорладим.

Эшик қия очилиб, уйқудан турганда кийиладиган тўр ёқали кенг кўйлақда Юнис кўринди.

— Ҳа, сизмидингиз? — деди у бутунлай лоқайд оҳангда.

— Кирсам майлими?

— Ихтиёрингиз. — Шундай деб, эшикни каттароқ очди. Ичкарига кирдим. Кўйлақлари хонанинг ҳар бурчида сочилиб ётарди. Дераза қия очиқ бўлганидан хонада совуқ шамол ўйнардди. Беихтиёр қунишдим.

— Шамоллаб қолмайсизми?

— Мен инглизман, шуни унутманг, — жавоб берди у ва деразани аста ёпди. Кейин менга бир мударат тикилиб турди. Эғнида узун кенг кўйлақ, туфлисини сарпойчанг кийиб олган.

— Ўтирсам бўладими?

— Ўтиринг, агар хоҳласангиз, — у стулга ишора қилди. — Фақат нарсаларни олиб кўйинг.

Мен студдан шоҳи кўйлақни олиб, ёзув столи устига қўйдим. Юнис зиёфатга шу кўйлақда борган эди, ҳалиям баданининг тафти кетмагандай туюлди менга. Ўтирдим, у эса устма-уст қўйилган ёстикларга тирсаклаганча тўшакка чўзилди. Ётаётганида кўйлагининг этаги очилиб, оёқларини кўз-кўз қилди. Опасиникидай узун-узун, лекин болдилари уникадан тарангроқ. Кетворган қиз, деган ўй кечди кўнглимдан. Хонада тоза атирнинг нафис ҳиди сузиб юарди. Уйқуга ётишдан олдин суртган бўлса керак, каравот бошидаги чироқ ёруғида юзининг йилтираб туришидан ҳам маълум.

Юрагимни ўкинч ҳисси чулғаб олди.

— Юнис, гапимни эшитинг, — сўз бошладим мен.

— Кераги йўқ. Шунчаки учрашув жойини адаштирдингиз, холос.

— Наҳотки ўша гўдак қизчани хонамга мен чақирган бўлсам?

— Ўзингиз биласиз. Ҳар ҳолда сизнинг тўшагингизда ётган эди. Қолаверса, гўдак қизча ҳам эмас. Бемалол ишга ярайди, — охириги жумлани айтганида ҳомуза тортиб, бир керишиб қўйди. — Биттамыз ортиқча эдик. Мен кетдим.

— Бугунги кунни қанча пойлаган эдим-а...

— Мен ҳам шу бугундан умидвор эдим, — деди Юнис истехзоли жилмайиб.

— Отни олдинроқ қамчиласам бўларкан, — алам билан қўл силтадим. — Лекин биз ҳар доим Фабиан ва опангиз билан бирга эдик-ку.

— Ҳа, гапингиз тўғри. Наҳотки опангиз мендан ийманиб юриш шартмаслигини сизга шипшитиб қиймаган бўлса? У мени ҳаммага Лондоннинг энг бузуқ қизи қилиб кўрсатишдан роҳатланади. Мегажин.

— Нималар деяпсиз?

— Эътибор берманг, — Юнис ёстиққа яхшироқ жойлашиб олиб, сўзида давом этди: — Тушунинг, Цюрихга сизни деб келганим йўқ. Ким бўлишингиздан қатъий назар. Аммо мен билган америкаликлар ичида тузукроғи ўзингизсиз.

— Куллуқ, — унга таъзим қилдим. — Келинг, шу бугунги бемаза воқеани унутайлик.

— Асло. Аксинча мен ўша бақалоқ қизга раҳмат айтишим керак. Сизнинг хонангизга бутунлай бошқа мақсадда кирганман.

— Нима мақсадда?

— Бунинг иккаламизга ҳам алоқаси йўқ.

— Кимга алоқаси бор?

— Майлс Фабианга, — деди Юнис. — Ундан ўч олмоқчи эдим.

— Нима учун?

— Кўзини бир очиб қўйиш ниятим бор эди. У қилган ишни мен ҳам қилишим мумкинлигини кўрсатиб қўймоқчи эдим. — Юнис кафтларини юзига босиб, хўнграб юборди.

— Балки бундан кўра ишончлироқ далилни рўкач қиларсиз?

— Калтафаҳм бўлманг, америкалик йигит. Майлсни яхши кўраман. Уни учратган кунимдан бери севаман. Бундан бир неча йил муқаддам менга уйланишни ҳам тақлиф қилганман. Аммо у опамнинг этагидан тутиб кетди.

— Ана холос! — шундан бошқа сўз тополмадим.

Юнис юзидан қўлини олди. Чаккасида ёш томчилари йилтирар, аммо нигоҳи кўнглини бўшатиб олган одамники каби беғубор эди.

— Бора қолинг, — деди у. — Бақалоқ ҳалиям кутиб ётгандир. Тунни беҳуда ўтказманг.

Хонамга қайтиб келсам, Диди йўқ. Столга ўқувчи дастхати билан ёзилган бир парча хат ташлаб кетипти: *“Камзулингизни олдим. Эсдаликка. Қайтариб олмоқчи бўлсангиз, қаердалигимни биласиз. Сизни севгучи, Диди”*.

Хатни кажавага улоқтиришга улгурмасимдан телефон жиринглаб қолди. Ҳеч ким билан гаплашгим йўқ эди, чунки бугун беҳосият кун бўлди — бировдан хушxabар эшитишим даргумон. Аммо телефон тўхтовсиз жиринглайверди. Гўшакни кўтардим. Фабиан экан.

— Дали-ғули пайтида халал бермадимми ишқилиб? — деди у ҳиринглаб. — Вақтингизни кўп олмайман. — Бир оз сукутдан сўнг хўрсиниқли овоз эшитилди. — Ишлар хуржун, азизим. Бугун Слоуннинг омади келди. Биз ютқиздик.

— Қанча?

— Ўттиз мингга яқин.

— Франкми?

— Йўқ, доллар!

Қаттиқ сўкиниб, гўшакни қўйдим.

Ўн тўққизинчи боб

Эртасига эрталаб ҳамма иш чаппасига кетди.

Тонг отгунча тўшақда тўлғаниб, ухлаёлмай чиқдим, соат ўнда телефонда нонушта буюрсам, таомга кўшиб, Юниснинг хатини ҳам ташлаб кетишди.

“Азизим, эрталаб соат тўққизда Гштааддан жўнаб кетялман. Сабабини биласиз, албатта. Омон бўлинг”.

Биласиз, эмиш-а! Нега билмас эканман?

Кейин Фабиан кўнғироқ қилиб, соат ўн бирда маҳаллий банк биноси олдида учрашишимизни айтди.

Сўнг мени ҳибсга олишди. Тўғрироғи, ҳибсга олишларига сал қолди.

Кўзгуда уйқусизликдан бужмайган башарамга жирканиб тикилганча энди соқол олишни бошлаган эдим, эшик тикиллаб қолди. Юзимдаги совун кўпиги билан бориб очдим. Остонада меҳмонхона маъмурларидан бири, ҳамиша қора костюм ва оппоқ кўйлак кийиб юрадиган хушмуомала йигит турарди. Ёнида сочи калта қирқилган, паст бўйли, шинель кийиб, белига камар боғлаган бир одам.

— Кирсак майлими? — сўради маъмур.

— Соқол олятувдим-ку, бунинг устига, кийинмаганман. — Ростдан ҳам фақат пижамада, яланг оёқ турардим. — Андак сабр қилолмайсизларми?

Маъмур немисчалаб шинель кийган кишига мурожаат қилди, у: “Nein”¹, — деб жавоб берди.

— Полиция офицери жаноб Бругельман, кутишнинг иложи йўқ, деяпти, — изоҳ берди маъмур.

Шундан кейин полициячи хонага бостириб кирди.

— Сиздан кейин, мистер Граймс, — маъмур хиёл таъзим қилиб, мени олдинга ўтказди.

Ваннахонага кириб, юзимдаги кўпикни артиб ташладим, халатимни кийдим. Полициячи хона ўртасида тўхтаб, атрофга аланглади. Кейин столча устида турган ҳамёнимга, дераза ёнидаги иккита чамалонимга қаради.

Хойнаҳой, Дидининг иши бўлса керак бу, деган ўй ўтди хаёлимдан. Уни қидиришяпти, табиийки, меникида деб ўйлашяпти. Швейцариянинг қонунларини билиб бўладими?! Ҳар бир ўлканинг ўз қонуни бор.

— Бундай бетакаллуф бостириб киришингларнинг боиси нимада? Тезроқ тушунтиринглар! — дедим зардам қайнаб.

Маъмур яна полициячи билан немисчалаб гаплашди. У бош ирғади. Калласини қимирлатиши қандайдир сунъий эди. Йўғон бўйни ёқасидан қават-қават бўлиб чиқиб турипти.

— Полиция офицери Бругельман бу вазифани менга топширди, — деди маъмур. — Гап шундаки, мистер Граймс, меҳмонхонада ўтган кеча ўғирлик содир этилган. Бешинчи қаватда. Қимматбаҳо бриллиант шодаси ғойиб бўлган.

Юнис бешинчи қаватда турарди, дарров кўнглимдан шу гап ўтди.

— Мўнга нима алоқаси бор буни? — сўрадим енгил тортиб. Демак, Дидининг алоқаси йўқ бу ишга.

Яна немисча чуғур-чуғур бошланди.

— Кечаси бешинчи қават йўлагидан ҳадиксираброқ ўтиб бораётганингизни кўришган экан, — деди маъмур.

— Бир танишимникида эдим, кейин ҳечам ҳадиксираб ўтганим йўқ.

— Менинг вазифам таржима қилиш, холос, — деди маъмур узрли оҳангда. Афтидан, инглиз тилини билиши уни бу машмашага гирифтор қилганидан хурсанд эмас.

Полициячи бир нималар деди.

— Сиз зиёрат қилган танишингиз бугун эрталаб соат саккиз яримда меҳмонхонадан бутунлай кетган, — таржима қилди маъмур. — Қаёққа кетганини биласизми?

— Йўқ, билмайман, — ростини айтдим мен. Унинг гижимланган хати халатим чўнтагида турарди. Лекин иш унгача етиб бормаса кераг-ов.

Полициячи тумшайиб, яна гўлдиради.

— Хонани тинтув қилишга рухсат сўраяпти, — деди маъмур. Ҳар бир сўз томоғини таталаб чиқаётгандай туюлди.

— Тинтувга рухсатномаси борми? — сўрадим ўзининг фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган ҳақиқий америкаликдай.

Улар немисчалаб олишди.

— Рухсатнома йўқ, — деди маъмур. — Агар сиз талаб қилиб туриб олсангиз, у полиция бюроси билан боғланиб, рухсатнома олиши мумкин. Лекин бунга кўп вақт кетармиш. Тахминан икки кун. Унгача сизни ҳибсда сақлашга тўғри келармиш. Бундай қилинса, шов-шув бўлиб кетади, дейди. Шаҳарда чет эл мухбирлари кўп.

— Шунча гапни ўзи айтдими? — сўрадим ишонқирамай.

— Оз-моз кўшдим, — бўйнига олди маъмур. — Вазиятни тўлароқ тасаввур этишингиз учун.

Полиция офицери Бругельманга бошдан-оёқ разм солиб чиқдим. Кейин кўзларим унинг бемаъно, совуқ нигоҳи билан тўқнашди. Хона иссиқ бўлса ҳам у шинелининг бирорта тугмасини ечгани йўқ.

¹ Йўқ (немисча).

— Майли, — дедим креслога ўтириб. — Менга барибир. Тинтув қилсин, фақат тезроқ. Соат ўн бирда бир одам билан учрашим керак.

Сўзларим таржима қилинди, полициячи мамнун бўлиб, бош силкиб қўйди. Сўнг менга, ўрнингиздан туринг, деган ишорани қилди.

— Яна нима демоқчи? — сўрадим маъмурдан.

— Креслони кўздан кечирмоқчи.

Ўрнимдан турарканман, полициячининг ўз ишига пухталигига тан бердим. Рост-да, агар маржон кресло ичига яширилган бўлса, ҳар қандай одам шоша-пиша креслога ўтириши турган гап. Бир четга ўтиб, қараб турдим. Полициячи аввал чарм қопламани пайпаслаб чиқди, кейин бир четини очиб, ўтиргич ва суянчиқ ораларига қўлини тиқиб кўрди. Ишини тугатиб бўлгач, мени яна креслога таклиф этди.

Кейин нарсаларимни титкилашга тушди. Девор жавонининг эшигини очиб, ундан бир тийинга қиммат чанғи шимини олгач, маъмурга бир нималар деди.

— Полиция офицери Бругельман, бор-йўқ метоҳи шуми, деб сўрапти.

— Ҳа, шу.

— Олдин қаерда бўлган? — сўради у бузуқ инглиз тилида. Таржимани кутишга сабри чидамади чоғи.

— Сан-Морицда.

— Сан-Мориц? Шундай шимда? — ишонқирамай сўради у. — Энди Гштадда?

— Нима қипти?

— Қанча яшайди?

— Уч ҳафта, балки сал кўпроқ.

Полициячи шимимни бармоқларининг учи билан ушлаганча яна жойига илиб қўйгач, стол ёнига ўтириб, ён дафтарчасини чиқазди.

— Америкада қаерда яшаган?

“Муқаддас Августин”ни айтворишимга сал қолди, ҳартугул, эсимни йиғиб, Саксон биринчи кўчадаги олдинги бошпанамни айтдим. Бу жой ҳам ҳозирги кўчиб юрган жойларимдай “доимий” эди. Мабодо Интерпол ёки бошқа бирортаси қизиқиб қолса, мени ёлгончиликда айблаёлмайди.

— Касбингиз? — полициячи савол бераркан, бошини кўтармай, жавобни дафтарчасига ёзиб борарди.

— Хусусий тадбиркор.

— Ҳисоб варақангиз қайси банкда?

Башарасидан сездимки, эртами-кечми тўғриси айтишдан бошқа илож йўқ. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди, дейишади.

— Цюрихдаги “Юнион бэнк”да, — жавоб бердим унга ва алоҳида-алоҳида ҳисоб варақалари ҳам очиб қўйишга мени кўндирган Фабиандан миннатдор бўлдим.

— Америкада-чи?

— У ерда йўқ. Оврупога кўчирганман.

— Илгари ҳибсда бўлганмисиз?

— Менга қаранг, — мен маъмурга мурожаат қилдим, — қанақа гап бу? Қаердаман ўзи? Меҳмонхонангиз Оврупода нуфузли масканлардан саналади шеклли? Мен бунақа ҳақоратомуз саволларга жавоб бермайман.

— Полициянинг одатий иш тартиби, — деди маъмур хижолат чекиб. — Ҳамамага ҳам шу саволларни беришади.

Мистер Майлс Фабианни танисангиз керак?

— О, албатта. У бизнинг доимий ва ҳурматли мижозимиз.

— Фабиан қалин дўстим бўлади. Кўнғироқ қилиб, менинг кимлигимни ўша одамдан сўрашингиз мумкин.

Маъмур яна полициячи билан немисчалаб кетди. У бош силкиб, саволини такрорлади:

— Илгари ҳибсда бўлган?

— Оббо! Йўқ, ҳибсда бўлмаганман.

— Паспортигизни беринг.

— Нима қиласиз паспортимни?

— Швейцариядан кетмай туришингиз учун керак, мистер Краймс.

— Бермасам-чи?

— Унда мен билан юрасиз. Швейцарияда қамоқ зўр. Лекин барибир қамоқ-да.

— Мистер Граймс, илтимос, — деди маъмур ялинчоқ оҳангда.

Ҳамёнимдан паспортимни чиқазиб узатдим.

— Ҳозироқ адвокатга мурожаат қиламан.

— Ихтиёр сизда, — жавоб берди полициячи паспортимни шинелининг ички чўнтагига соларкан. Кейин менга сохта мулозамат билан бош ирғаб, хонадан чиқиб кетди.

— Меҳмонхона маъмурияти номидан кўпдан-кўп узр сўрайман, — деди маъмур қўлларини икки томонга ёзиб. — Ишонинг, бунақа можаролар бизнинг ҳам жонимизга теккан.

— Сабаб?

— Э-э, боқибегам бойвучча аёлларни биласиз-ку, — давом этди маъмур. — Пул улар учун писта пўчоғидай гап. Фалон сўмлик тақинчоқларини поездда унутиб қолдиришади-да, кейин уларни бизга меҳмонхонадан қидиртиришади. Яхшиямки, биз Швейцариядамиз, мистер Граймс. Маъмурият ҳамма вақт ёрдамини аямайди.

— Маъмурият паспортимни қайтариб олиб берса, ёрдамини аямагани шу бўлади. Кетаман, иложи борича тезроқ.

— Тушунаман, — деди маъмур. — Альпдан илиқ шамол эсяпти. Ҳадемай қорлар эрий бошлади. Лекин мен сиздан асло гумонсираётганим йўқ, ўлай агар, — у таъзим қилди.

— Шунга ҳам раҳмат, — жавоб бердим гижиниб.

— Яхши дам олинг.

— Ҳаракат қиламан, — тўнғилладим мен.

У тугмасини ўйнаганча, хонадан каловланиб чиқиб кетди.

Фабиан банк эшиги олдида башанг кастюмда мени кутиб турарди. Кўриниши тетик, кечаси билан қарта ўйнаб, анча-мунча пул ютқизган одамга ўхшамайди. Жилмайиб, истиқболимга юрди, аммо авзойимни кўриб, капалаги учиб кетди:

— Бирор гап бўлдимми?

— Сиз ҳар доимгидай пўримсиз.

— Эшитдим, Юнис кетиб қопти. Албатта, бу сиз учун оғир зарба.

— Келинг, олдин асосий ишни қилайлик, — дедим рўйхуш бермай. У билан Юнис ҳақида ўзимга сал келволганимдан кейин гаплашганим тузук.

— Фафлатда қолганим учун узр, — у мени қўлтиғимдан олди. — Биринчи марта бунақа бўлиши. Нима қилай, бу гал омад Слоунга кулиб боқди-да. Тилхат ёзиб бердим. Лекин у кўнмаяпти. Бугун соат тўртда қарзимни узишга ваъда бердим. Маҳаллий банкка пул ўтказишларини сўраб, Цюрихга кўнғироқ қилдим. Ҳозир иккаламиз баъзи бир расмиятчиликни адо этишимиз керак.

Банкнинг ичкари хонасида ёш бир хизматчи бизни роса сўроққа тутди. Кейин Цюрихдаги банкимизга кўнғироқ қилиб, ким биландир немисчалаб узоқ гаплашди, гап орасида бизга қараб-қараб қўярди, англашимча, ташқи қиёфамизни тасвирлаб берди шекилли-ёв. Паспортим рақамини сўради, хайрият, ёдимда қолган экан. Ниҳоят, гўшакни қўйиб бизга юзланди:

— Бўлди, жаноблар. Соат тўртда пулни тайёрлаб кўямиз.

Банкдан қиқиб, бекатда турган мошинамиз ёнига келганимда Фабиан менга тикилиб қараб деди:

— Чехрангизни очинг, Дуглас. Одамни қон қилиб юбордингиз. Кетса кетипти-да. Пул шунақа нарса. Келади-кетади. Ҳали яхши кунлардан умидимни узганим йўқ.

— Пулнинг нима алоқаси бор? — шундай деб, полициячи келиб, хонамни тинтув қилганини гапириб бердим. Лекин Юнис ва Диди билан бўлган воқеа хусусида оғиз очмадим.

— Оббо шоввоз-ей, шундай қилиб, бриллиант ўғирладим деб. — кулди Фабиан.

— Ҳазилни қўйинг, Майлс. Мени ким деб ўйлаяпсиз?

— Сизни энди танияпман, азизим. Ҳар ҳолда меҳмонхоналарнинг ҳадисини олгансиз-да, а?

— Шу пайтгача биттасида яшаганман. У ерда турадиганларнинг фақат тугмачасини ўғирлаш мумкин эди.

— Йўқ, ундан каттароғини ҳам ўмаргансиз, — деди Фабиан бир туки ўзгармай. Сездимки, шодани мен ўғирлаганимга ишониши ҳам мумкин.

— Бас, қилинг, — дедим мен — Яхшиси, чанғи учгани борамиз.

Мошинада гаплашмадик. Биринчи марта орамизга совуқчилик тушганини хис этдим.

Фабиан чанғида яхши юрар, ҳаракатлари аниқ ва дадил эди, афтидан, ўз вақтида пухта сабоқ олган кўринади. Аммо эҳтиёткор бўлгани учун мен ундан ҳамма вақт ўзиб кетар, бинобарин, Лили билан ҳам гаплашолмасдим. Бир гал, пастга шўнғишимиздан олдин Лили сўраб қолди:

— Синглимни нима қилдингиз? Хайр-маъзурни насия қилиб жўнаворипти-ку?

— Ўзидан сўрайсиз, — жавоб бердим совуққина.

— Биламан. Илик шамол кўзгалди. Бунақа ҳаво чанғичиларга ёқмайди.

Кейинроқ, клуб ресторанида тушлик қилиб ўтирганимизда, Слоун кириб келди ва бизга кўзи тушиши билан шу томонга қараб юрди. Чанғи ботинкасида қийналиб қадам ташларди. Икки юзи қип-қизил, виски уриб олганга ўхшайди. Уни кўриб, иштаҳам бўғилди — қошиқ билан санчқини бир четга қўйдим.

— Салом, дўстлар, — деди у. — Бугун ажойиб кун бўлди, а?

— Ҳм, — пўнғиллади Фабиан вино ҳўпларкан.

— Столга таклиф қилмайсизларми? — сўради Слоун.

— Йўқ, — деди Фабиан.

Слоун истеҳзоли тиржайди, кўзларида совуқ учкун йилтиллади.

— Ютқизганда жириллайдиган ўйинчиларни кўрсам, хузур қиламан, — деди у таҳқиромуз. Кейин чўнтагини тимирскилаб, бар парча қоғоз чиқазди. — Тилхат ёдингиздами, Фабиан?

— Сурбетлик қилманг, — жавоб берди Фабиан совуққонлик билан. — Аёл киши бор.

— Салом, хоним, — деди Слоун гўё Лилини энди пайқагандай. — Сиз билан ўтган йили Сан-Морицда кўришганмиз чамамда?

— Эсимда, сэр, — сўз қотди Лили худди ўн саккизинчи асрдаги сарой маликаларидай белпесанд оҳангда.

Слоун хатни буклаб, яна чўнтагига солди, кейин мен томон бурилиб, зилзамбил кафти билан елкамга қоқди:

— Сиз нима қилиб ўтирибсиз бу ерда, Граймс? Бебаҳо оёғингизни синдирган эдингиз-ку?

— Нотўғри ташҳис қўйишган экан.

— Хў-ўш, чаққон болакай, меҳмонхонада яна бирорта хонага бостириб кирдингизми?

Атрофимга хижолатомуз алангладим, хайрият, ҳеч ким эшитмапти.

— Шу кеча кирдим, холос, — жавоб бердим ўшандай оҳангда.

— Ҳазилкашлигингиз қолмапти, йигитча. Вой, ботинка ўғриси-ей! — Слоун пиқиллаб кулди, бирдан кўзларига қон тўлди. У ҳаш-паш дегунча бутун бошли миллатларни уриштириб қўйишга қодир кишилар хилидан эди. Айниқса, бугун соат тўртда шу сурбетга нақд ўттиз минг санаб беришга мажбурлигимизни сира ҳазм қилолмасдим.

— Қалай, соатни янгиладингизми? — У атайин ҳамма эшитадиган қилиб гапирди. — Ёки бу ерда ҳеч ким қармоққа илинмаяптими?

— Йўқол, ифлос! — дедим қоним қайнаб.

Слоун жаҳлим чиққанини ҳазилга йўйиб, зўрма-зўраки жилмайди.

— Бу йигитдан эҳтиёт бўлинг, — мурожаат қилди у Фабианга. — Пихини ёрган бола... — Кейин яна хириллаб кулди: — Модомики, таклиф этишмас экан, бориб чанғи учганим маъкул. Бугун кеч турганман, оёқнинг чигилини ёзиш керак. Соат тўртда меҳмонхонада учрашамиз, Фабиан, — деди у маънодор қилиб ва оёғини судраганча ресторандан чиқиб кетди.

— Мана шунақа одамлар билан муомала қилишга тўғри келади, — Фабиан чуқур уҳ тортди.

— Илож қанча — америкалик-да! — хитоб қилди Лили, кейин қўлимни қисиб, қўшиб қўйди: — Сизга алоқаси йўқ, азизим.

— Даф бўлгани рост бўлсин, — дедим мен. — Яна бир шиша вино чақирайми?

Фазаб отини сал совутишим керак эди. Стол ёнида хотиржам кавшаниб ўтирган Фабиан билан Лилига қараб туриб, иккаласига ҳам нафратим ортиб бораётганини ҳис этдим. Бир кўнглим ичимда борини: Флоренцияда нима бўлганини ҳам, кечаси Юнис хонасида айтган гапларни ҳам — барини тўкиб солгим келди-ю, тагин “қўй” дедим. Сабаби, ҳаётим ҳозир улар билан чамбарчас боғлашиб қолган, шуларга мутеман. Бинобарин, ора-орада вино ҳўплаб, индамай тамадди қилавердим. Уйнашларнинг ўзаро суҳбати ҳам қўлоғимга кирмасди.

Бир маҳал ресторанга ёшгина йигит — чанғи мураббийси ҳовлиқиб кириб келди:

— Мистер Фабиан! Мистер Фабиан!

— Мен шу ердан, — Фабиан уни тинчлантириш учун жудаям осойишта гапирди. — Нима бўлди, бирор ерга ўт кетдимми?

— Дўстингиз Мистер Слоун, — деди у бидирлаб, — яхшиси, ўзингиз чиқа қолинг... Чанғини боғлайман, деб энгашган эди...

— Ўзингизни босинг, Ганс, бақирманг, — мураббийнинг гапини бўлди Фабиан. У чанғи курортларидаги барча хизматчиларнинг исмини билар, шундан уларнинг орасида эътибори баланд эди. — Тузукроқ тушунтиринг.

— Уч-тўрт қадам юрмасидан, — дея сўзини давом эттирди мураббий, — йиқилиб, ҳушидан кетди. Менимча, ўлган бўлса керак-ов.

Фабиан менга бир қараб қўйди, назаримда, бу нигоҳнинг туб-тубида қувонч учқунлари йилтирагандай бўлди.

— Ваҳима қилманг, Ганс, — деди Фабиан. — Ҳозир чиқамиз. Лили, сен шу ерда қол, Дуглас мен билан боради.

Фабиан ўрнидан туриб, мотамсаро қиёфада эшик томон юрди, ресторанда ўтирганлар таажжубланиб, изидан қараб қолишди. Мен унга эргашидим. Ботинкаларимиз шунақа тарақлардики, худди бир взвод аскар қадам ташлаётгандай туюларди.

Осма лифт ёнида, Слоун осмонга бефарқ тикилганча чўзилиб ётган жойда бир тўда одам тўпланганди. Бошқа бир мураббий унинг гезариб кетган юзини қор билан ишқаларди. Фабиан бир тиззасида чўккалаб, Слоун камзулининг занжирсимон ёпқичини пастга туширди, свитери билан қўйлагини кўтариб, жунни оппоқ кўкрагига қўлоғини босди.

— Касалхонага жўнатиш керак, — деди у кейин иккала мураббийга. — Иложи борича тезроқ. — Кўп ичиб қўйипти-да шўрлик, — Фабиан уф тортди. — Баландлик бўлса, бунинг устига, ҳаво босими ҳам бошқача... Мен ёнида бўлман, сизлар эса, — у мураббийларга мурожаат қилди, — “тез ёрдам” мошинасини чақиринглар, пастга кутиб турсин.

Кейин мени ёнига имлади, елкамга қўлини ташлаб, оломондан нарироққа олиб борди. Четдан қараганда, бошига мусибат тушган икки дўст ўзаро дардлашаётгандай туюларди.

— Дуглас, бўталоғим, — пичирлади у худди менга тасалли бергандай елкамни силаб. — Ҳозир анови касофатни пастга олиб тушиб, чўнтагидан тилхатни гум қиламан. Эсингиздами, қайси чўнтагига солган эди — ўнгигами, чапигами?

— Мана бу ишингиз марҳум хотирасини шод этишнинг юксак намунаси бўлади, — дедим унга. — Назаримда, чапига солгандай бўлувди-ёв.

— Қойилман сизга, биродар, — Фабиан мени маҳкам бағрига босди. — Суянса бўладиган одамсиз. — Кейин кучоғидан бўшатди-да, атрофдагилар эшитадиган қилиб, деди: — Лилининг олдига боринг. У бунақа мусибатни кўтаролмайди. Ўткир бренди ичиринг.

Фабиан осма лифт томон юрди, мураббийлар мурдани икки ўринли креслонинг бирига чўзилтириб, қайиш билан боғлаб қўйишган эди. Фабиан ёнидаги креслога ўтирди. Жасадни авайлаб ушлаб, юргизинглар, деган ишорани қилди.

Мураббийлар бошқа кабинага жойлашишди. Рангдор, мўйнали камзул кийган фахрий гўрковлар марҳумни сўнгги йўлга кузатиш шарафига муяссар бўлган эдилар.

Ресторанга қайтдим. Лили қаҳва ичиб ўтирарди. Икки қадаҳ бренди буюрдим.

Йигирманчи боб

Меҳмонхонага қайтганимда дарбон мистер Фабиан олдига киришимни сўраганини айтди. Кеч кириб қолган эди. Унга қадар Лили билан аста-секин одам сийраклаша бошлаган ресторанда узоқ ўтирдик. Анча-мунча бренди ичилди. Марҳумларни кузатганда стол ортидан шунақа тургинг келмай қоларкан.

Кейин Лилини сартарошхонага кузатиб қўйдим. Вақтдан унумли фаойдаланиш керак, деди у.

Пастга осма лифтда тушдик. Иккаламиз ҳам, бояги хунук воқедан кейин қийир-чинқир қилиб чанғида тушсак, марҳумга нисбатан ҳурматсизлик бўлади, деган яқдил фикрга келдик. Юнисни ҳеч қайсимиз эсламадик.

— Пировардида Слоунга нима дегандингиз? — сўраб қолди Лили лифтда қоронғилик чулғай бошлаган водийга тушиб борарканмиз.

— “Йўқол, ифлос!” — дегандим.

— Ҳа, тўғри. Салом ва алvido.

Лили қўлини ботаётган қуёшнинг этаклари илашиб турган олис чўққилар томон узатди. Бургут, агар ўша улкан қуш ҳақиқатан ҳам бургут бўлса, қанотларини вазмин силкитиб, Гельвециянинг дахлсиз осмонида ҳамон улуғвор парвоз қиларди.

Лили бирдан кулиб юборди.

— Ҳечқиси йўқ, бу ер ўлиш учун ер юзидаги энг нобоп жой эмас. Агар дунёда ҳақиқат бўлса, Слоун васиятидан хотинини чиқазиб ташлаши керак эди.

— Ишончим комилки, чиқазиб ташламаган.

— Шунинг учун, ҳақиқат бўлса, деяпман-да.

— Сизнинг умр йўлдошингиз ҳам шундай қилиши мумкинлиги ҳақида сира ўйлаб кўрганмисиз?

— Тавба, бу америкаликларга худонинг ўзи бас келмаса... — деди Лили.

Бошқа бу мавзуга тил теккизмадик.

Меҳмонхонага қайта туриб, йўлдаги дўкондан ўзимга пальто сотволдим. Камзулим, майли, Диди Вейлсга эсдалик бўла қолсин. Ундан қутулиш учун камзулдан каттароғига ҳам розиман.

Фабианнинг олдига кириб, йўлга отланаётгани устидан чиқдим. У саёхатга енгил-елли жўнайдиғанлардан эмас. Лили иккови банд қилган икки хонада катта-катта тўртта чамадон турарди. Одатдагидай, турли тиллардаги газеталар ҳамма ёқда сочилиб ётипти. Фабиан чаққонлик билан нарсаларини жойлаштирарди: пойабзалларини бир чамадонга, кийимларини бошқасига.

— Марҳумнинг жасадига уйигача ҳамроҳ бўламан, — деди у. — Қўлимдан келадиған яхшилигим шу, тўғрими?

— Албатта.

— Янглишмаган экансиз, — давом этди Фабиан. — Тилхат ростдан ҳам чап чўнтагида экан. Жасадни жўнатиш билан боғлиқ расмиятчиликни шу бугуноқ битирамиз. Вафот этган чет элликдан қутулиш масаласида Швейцарияда ишни пайсалга солишмайди. Слоун эллик икки ёшда экан. Оғир дарди бўлган. Шунинг учун жони тез узилган. Ҳаммамиз учун сабоқ. Хотинига қўнғироқ қилдим. Совуқ хабарни мардона қабул қилди. Эртага бизни — тобут билан мени — Кеннеди аэропортида кутиб олади. Дарвоқе, Лили қани?

— Сартарошхонада.

— Тебса-тебранмас аёл-да. Унча-мунчага пинагини бузмайди. Менга шуниси ёқади. У гўшакни кўтариб, сартарошхона билан улашларини сўради. — “Ягуар” имизда эртага бизни Женевага элтиб қўйсангиз соз бўларди-да.

— Полиция рухсат берса, жоним билан. Паспортимни олиб қўйишган-ку.

— Э-э, ёдимдан кўтарилипти, — Фабиан чўнтагидан паспортимни чиқазиб, столга ташлади. — Мана омонатингиз.

— Қандай қилиб олдингиз?

Тўғриси, кўпам ажабланганим йўқ. Чунки Фабиан хоҳиш-иродамга зид ўлароқ, менинг пушти паноҳимга айланган. Барча муаммоларимни ҳеч бир машаққатсиз ўзи ҳал этади. Паспортни варақлаб кўрдим, бирор белги қўйилмаганмикин, деган хавотирда эдим. Хайрият, бегона ёзув кўринмади.

— Навбатчи маъмур берди, — деди Фабиан. — Бриллиант шодасини топишибди.

— Ким ўғирлаган экан?

— Ҳеч ким. Эгаси уни чанғи ботинкасининг ичига солиб қўйиб, кейин қаерга қўйганини унутган. Бугун эрталаб эри топибди. Маъмурият сиздан истойдил узр сўради. Хонангизда бир даста гул билан муз солинган пақирчада бир шиша шампан турипти. Бу ўша узрнинг моддий ифодаси. Алў, алў! — бақирди у гўшакка. — Илтимос, леди Эбботни телефонга чақирворинг. — Яна менга юзланди: — Маълум муддат ёлғиз қоласиз-да, майлими?

— Қайтанга хурсанд бўламан.

— Нима учун? — таажжубланди Фабиан.

— Шунча кундан буён тиним йўқ. Дам олиб, сал ўзимга келволай.

— Мен вақтингизни хушнуд ўтказаяпсиз, деб ўйлаган эдим.

Унинг овозида андак гина оҳанги бор эди.

— Иккаламиз ҳам ўз фикримизда қолаверамиз.

— Лили, — деди Фабиан гўшакка. — Эртага Америкага учиб кетяпман. Узоғи билан икки-уч ҳафтага. Мен билан бормаисизми? — жавобни эшитиб, оғзининг таноби қочди. — Бу бошқа гап. Бўлмаса, тез келиб, нарсаларингизни йиғиштиринг. — Гўшакни қўйиб, яна менга қаради. — Нью-Йоркни ёқтиради. Сант-Рижесда турсак керак. Менга кўнғироқ қилмоқчи бўлсангиз, эътиборга олиб қўйинг, деб айтяпман. Ўша ернинг қаҳвахонаси менга жуда манзур. Словун бўлмаганда ҳам барибир шу кунларда Қўшма Штатларга бориб келишим керак эди. Шарқий соҳилда битирадиган чала ишларим бор. Бир ҳафтага Палм-Бичга ўтишим ҳам мумкин. Дафн маросимидан кейин, албатта.

— Ҳа, кетингиз ер искамас экан, — дедим ачинган киши бўлиб.

— Заҳрингизни сочманг, Дуглас, — Фабиан кашмири свитерини айлантириб кўрди. — У ерда кераги бўлмас-а, нима дедингиз?

— Палм-Бичда, албатта, кераги бўлмайди.

— Уйнагани кетаётганим йўқ-ку, намунча таъна қилавермасангиз. Сиз билан жон деб Италияга жўнаворган бўлардим. Римга борганингизда мен учун, кечирасиз, иккаламиз учун ҳам баъзи бир ишларни жилдириб турсангиз. Бир италянга учрашасиз, фамилияси Квадрочелли. Исм топишга устаси фаранг-да бу италянга тушмагурлар. У билан иш юзасидан кўпдан буён муомала қиламан. Телеграмма жўнатаман — сизга ўзи учрашади. Қўл урса арзийдиган кичкина, лекин охири бахайр бир иш навбат кутиб турипти.

— Яна қанақа иш?

— Дарров чўчиб кетасиз-а.

— Охирги ишингизни бахайр дейишга тил бормаиди.

— Лекин барибир сувдан қуруқ чиқдик-ку, — кулди Фабиан.

— Бунинг учун ҳар гал бировнинг жон беришини кутишимиз керакми?

Фабиан оппоқ тишларини ялтиратиб хахолади.

— Қайдам? — деди у нафасини ростлаб олгач. — Ўзимнинг ҳам ёшим бир жойга бориб қолди.

— Унақа деманг, Фабиан, — кўнглини кўтарган бўлдим, — биласиз-ку, сиз кундада жон берасиз.

У яна кулди.

— Нима бўлганда ҳам синьор Квадрочеллига нима сабабдан боролмаганимни тушунтиринг. У Порто-Эрколада туради. Римдан икки соатлик йўл. Хушманзара жой. Кейинроқ ўша ерда камида икки ҳафта дам олиш ниятидаман. Деразалари денгизга қараган “Пеликано” аталмиш ажойиб меҳмонхонаси бор. Қизлар билан холи ишрат қилишга жудаям қулай. Лилига маъқул бўлган. Айвони кенгроқ хонани сўранг.

— Бу гал қанақа галвани бошламоқчисиз?

— Феълингиз чатоқ-да, биродар. Мен ювош, оғир-босиқ шерикларни ёқтираман.

— Асабларим сизникига ўхшаган эмас.

— Кўриниб турипти. Қисқаси, гап винода.

— Нимада?

— Сўраяпсиз-ку нима ишлигини. Вино билан шуғулланмоқчиман. Ҳозир бутун дунёда ичкиликка шунақа ружу қўйишганки, вино савдоси одамларнинг чўнтагини қоқиштиришнинг энг осон йўли бўлиб қолди. Винонинг нархи кўтарилиб кетаётганига эътибор берганмисиз? Айниқса Америкада?

— Қизиққаним йўқ.

— Менга ишонаверинг. Винонинг баҳоси кун сайин ошяпти. Квадрочеллининг Флоренция яқинида узумзори бор. У аъло навли вино тайёрлайди. Теварак-атрофи ҳам шунақа узумзор, шунақа виноларнинг кони. Ўтган йили ўша италян билан ён-веридаги винопазлардан вино харид қилиш масаласини муҳокама қилган эдим. Кейин уни чиройли ёрлиқ ёпиштирилган шишаларга қўйиб, ҳеч қандай воситачиларсиз, тўғридан-тўғри АҚШ рестороанларига сотишга келишганмиз. Бу ишнинг афзаллигини тасаввур қилияпсизми?

— Унчаликмас. Винофурушлик қилмаганман.

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, — деди у. — Албатта, бунга озгина сармоя сарфлашга тўғри келади. Квадрочеллида у пайтда ортиқча пул йўқ эди. Каминада-ку... асти сўраманг.

— Ҳозир пулингиз бор.

— Сўзни кўплик шаклида ишлатаверайлик, — Фабиан қўлимни маҳкам қисди. — Ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам. Квадрочелли билан алоқани узганим йўқ, яқинда кўнғироқ қилиб, дастлабки хомчўтни тайёрлаб қўйганини айтди. Суриштиринг-чи, хомчўти қанақа бўлдикин, кейин менга Нью-Йоркка хабар берасиз. Умуман ҳафтасига икки-уч марта кўнғироқ қилиб турсангиз ёмон бўлмасди, айтайлик, Нью-Йорк вақти билан соат ўнларда. Барибир гаплашадиган мавзу топилади.

— Бунга шубҳам йўқ.

— Ҳаётдан даззатланинг, — деди у қулиб. — Мистер Квадрочеллига айтиб қўйинг, мен рестороанлар билан шуғулланаман. Шукрки, у ёқда танишларим кўп. Тўғри, жудаям банд одамлар. Ҳатто мени ҳам ёнларига олишмоқчи. Компанияга вице-президент бўлишни таклиф этишяпти. Лекин ҳар кун соат тўққизда ишга боришни тасаввур қилиб кўринг! Даҳшат. Ойига миллион доллар беришганда ҳам бунақа дўзах азобига рози бўлмайман. Бунинг устига, ҳар доим жилмайиб туришинг керак. Йўқ, бунақа иш менга тўғри келмайди.

— Майлс, миянгизда яна нечта лойиҳа бор?

— Ташвишланманг, — деди Фабиан. — Узил-кесил пишиб етилмагунча бошингизни қотирмайман. Эртага италян дўстимнинг адреси билан телефон рақамини бераман. Римдаги тикувчимнинг манзилени ҳам. Кийимларингизни батамом янгилашингиз керак. Эскиларини ташлаворинг. Ҳозирча ташқи кўришимиз жиҳатидан бир-биримизга асло мос эмасмиз. Кўнглингизга келмасин тагин.

— Аксинча, яна учрашганимизча сиз орзу қилган шерикдай бўлиб тураман.

— Баракалла. Италиян нозанинларининг телефон рақамларини ҳам берайми?

— Йўқ, раҳмат.

— Вақтингиз тежаллади.

— Шошадиган жойим йўқ.

— Вақт-соати келиб, тақводорлигингизни қиртишлаб ташлаймиз. Ҳозирча қандай бўлсангиз, шундайлигингизча қабул қилишга мажбурман.

— Мен ҳам.

Фабиан мен билан гаплаша туриб, тўхтовсиз меҳмонхонадан ётоқхонага кириб чиқар, нарсаларини чамадон ва сумкаларга жойларди. Навбатдаги қатновида ётоқхонадан кўк рангдаги чиройли чанғи камзулини кўтариб чиқди.

— Айнан сизбоп, Дуглас, — деди у. — Менга каттароқ. Олинг.

— Раҳмат. Чанғи учийш меъдамга тегди.

— Тушунаман, — бош ирғади Фабиан. — Бугунги фожеадан кейин Альп тоғларидан кўнглингиз қолган, шундайми?

— Аввало, бу ёққа келишни умуман хоҳламагандим.

— Баъзан аёлларнинг раъйига қарашга тўғри келади, — деди қулиб Фабиан. — Дарвоқе, аёллар ҳақида. Юнис нима учун кетиб қолганини гапириб бермадингиз-ку?

— Ўтган ишга салавот.

— Аттанг, маслаҳатимга юрмадингиз-да, — Фабиан уҳ тортди.

— Кўйсангиз-чи, Майлс! Нима қиласиз ўзингизни гўлликка солиб. Юнис бор гапни айтди. Сиз тўғрингизда ҳам. Қанақа учар эканлигингизни батафсил гапириб берди.

Шу тобда рўпарамда турган чиройли, бежирим, башанг кийинган бу одам кўзимга хунук кўриниб кетди.

— Астафурullo, нималар деяпсиз, ўлай агар тушунган бўлсам! — У бир даста пайпоқни чамадоннинг бурчагига тикди. — Мен ҳақимда нима дейиши мумкин?

— У сизни севади.

— Ёпирай!

— Вақтида ошиқ-маъшук бўлгансизлар. Бировдан қолган сарқитни бошимга ураманми?

— Ёпирай, — такрорлади Фабиан. — Ўзи шунақа дедими?

— Бошқа нарсаларни ҳам гапирди.

— Сизнинг нозиктаъблигингиз биринчи учрашганимиздаёқ мени ҳуркитган, — деди у. — Жудаям инжиқсиз. Тўғри, одамлар бир-бирини севиб қолади. Ҳаёт шунақа. Ҳар қадамда учрайди бунақа ҳодиса. Мана ўзингиз тўйда ўтирган меҳмонларнинг лоақал бирортаси билан қачонлардир дон олишмаган келинни кўрганмисиз? Хўш, шу билан бирор нарса ўзгариб қолармиди? Ақл тарозисига солиб кўринг. Юнисни сизга яхши ният билан таништирган эдим. Икковингизни ҳам ҳурмат қиламан. Юнис ажойиб қиз. Фақат тўшақдагина эмас.

— Ахир у сизга турмушга чиқмоқчи экан-ку.

— Шунчаки аёлларга хос қайсарлик бу. Мен кекса одаман, унга муносиб-масман.

— Бўлмаган гап, Майлс. Эллик ёш кексалик эмас.

— Нега эллик бўларкан? Аллақачон элликдан ошиб кетганман.

Фабианга анграйиб тикилдим. Танишган пайтимизда элликдаман, демаганида, мен унга қирқ ёш берган бўлардим. Ажабо, ўзини катта қилиб кўрсатишнинг нима қизиғи борийкин?

— Анча бўлдими элликдан ошганингизга?

— Келаси йили отмишга қадам кўяман, биродар.

— Ё, тавба! — Оғзим очилиб қолди. — Қачонлардир сирингизни ошкор этасизми?

— Қачонлардир. — У чамадон қопқоғини ёпди. — Юнисга ўхшаган аёллар вақтни ҳис этишмайди. Келажакда нима қутаётганлиги билан ҳам ишлари йўқ. Улар эркакларга эҳтироси ҳеч қачон сўнмайдиган ўйнаш деб қарашади. Ҳолбуки, бир неча йилдан сўнг ёнларида шарти кетиб, парти қолган мўйсафид ўтирган бўлади. Дарвоқе, гап орамизда қолсин-а?

— Лили биладими?

— Билмайди, — деди Фабиан. — Юнис икковингиз бир-бирингизни севиб қоласиз, деб ўйлагандим.

— Ундай бўлмади.

— Афсус.

Диди Вейлснинг қилиғини айтиб беришимга сал қолди. Дарров гапни бошқа ёққа буриб юбордим:

— Юниснинг кетгани ҳаммамиз учун ҳам яхши бўлди.

— Эҳтимол, — деди Фабиан. — Кўрамиз у ёғини. Дарвоқе, Америкада бирор кишига кўнгироқ қилишим ёки учрашишим шарт эмасми?

Ўйланиб қолдим.

— Скрантонга, акамга кўнгироқ қилиб қўйинг, — дедим мен. — Ишларини сўраб-суриштиринг. Менинг соғ-омон юрганганимни, яхши дўст орттирганганимни айтинг.

Фабиан кулди:

— Дўст бўлганда ҳам қанақа дўст денг! Шуми?

— Шу.

— Бўпти.

Фабианга акамнинг телефон рақамини ёзиб бердим.

— Энди, эътироз билдирмасангиз, озгина бадантарбия билан шуғуллансам, кейин чўмилсам. Сиз ҳам кечки овқатга тушишдан олдин кийимларингизни алмаштирсангиз керак?

Ҳозир йог билан шуғулланади, ўйладим ичимда. Балки менга шу нарса етишмаётгандир?

Женева аэропортининг учиш йўлкасидан Фабиан, Лили ва Слоуннинг жа-сади солинган тобутни бағрига жойлаб, осмонга кўтарилган самолётнинг ортидан термулиб қолдим.

Ҳаво рутубатли эди, эзиб ёмғир ёғарди. Худди таътилга чиққан мактаб бола-сидай, бирдан озодлик ҳиссини туйдим, айна пайтда, мени қуршаб турган ҳамма нарса ёт бўлгани учун вужудимни ночорлик ва ёлғизлик туйғуси чулғаб олди. Ҳамёнимда Квадрочелли, тикувчи ва Римдаги мошиначи аёлнинг яшаш жойи ва телефон рақамлари ёзилган қоғоз ҳамда Римга бора туриб, йўл-йўлакай Фабиан киришни тавсия этган ресторан ва черковларнинг рўйхати турарди. Самолёт кичкина нуқтага айланиб, кўздан ғойиб бўлгач, ўзим ўрганган даврандан айрилгандай, дўстларим мени буткул тарк этгандай, абгор бир аҳволга тушдим.

Бирдан самолёт портлаб кетса-я? Миямга шу фикр урилди-ю, баданимда чумоли ўрмалагандай бўлди. Нима учун бунақа ўй келди хаёлимга? Учувчи сифатида ҳамиша авиаҳалокатларнинг сабабини билишга қизиқаман. Осмонда қандай кутилмаган воқеалар юз беришини биламан-да. Ё гилдирақлар тушмайди, ё қуюн кўтарилади, ё рўпарангиздан гуч бўлиб олган қушлар галаси чиқиб қолади... Бирдан самолёт билан бирга океанга қулаётган ва сўнгги дақиқаларда Лилига ўзининг неча ёшдалигини изҳор этаётган Фабиан кўз олдимга келди.

Қисқа вақт ичида иккита ўлим кўрдим: “Муқаддас Августин” меҳмонхона-сидаги чол ва жасадини тупроққа қўйиш учун ҳозир ватанига олиб кетилаётган Слоун. Учинчиси ҳам борми? Наҳотки ҳаром пул замирига қарғиш яширинган бўлса? Балки Фабианни огоҳлантириш керакдир? Усиз ҳолим нима кечади?

Ҳавони булут қоплаган мана шу нохуш лаҳзада Оврупо кўзимга турли хавф-хатарлар пусиб ётган фаним бир қитъага ўхшаб кўринди. “Ягуар”имиз турган бекат томон борарканман, эҳтимол, Италияда кунларим бошқача кечар, деган ўй ўтди кўнглимдан. Лекин бунга ҳам ишонгим келмасди.

Йигирма биринчи боб

Женевадан Римга бора туриб, Фабиан тавсия этган кўлдан-кўп черков ва ресторанларга кирдим. Жануб сари қилган сафаримдан ойналарга чизилган гулдор нақшлар, Биби Марям ва авлиёю анбиёларнинг ҳайкаллари ҳамда ликопча тўла макарону қоврилган сабзавотлар хотирамда қолди. Авиаҳалокат тўғрисида хабар тарқалмади. Ҳаво очик, мен йўл олган мамлакат бетакрор табиати билан кишини ўзига ром этар, чиройли “Ягуар”имиз елдек учиб борарди. Болаликдан мана шундай саёҳатларни орзу қилганим учун ҳозир сафарнинг ҳар бир дақиқасидан лаззат олишга интилардим. Аммо Римга кириб, унинг кенг шоҳ кўчасини кесиб ўтарканман, умримда биринчи бор бу дунёда нақадар ёлғиз эканимни беадад бир ўкинч билан ҳис этдим. Слоуннинг ўлимни эслаб, ярам қайтадан тирналгандай бўлди.

Шаҳар харитасига қараб, Фабиан тўхташни маслаҳат берган “Гранд Отел” меҳмонхонаси томон юра бошладим. Кўчалар тирбанд, ҳайдовчилар орқа-олдига қарамай мошинани шунақа қувишардики, жонида қасди борми буларнинг, деб ўйлаб қоласан киши. Рулга сал бепарво бўлсанг, ўлигинг бесаранжом бу шаҳарда қолиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас.

“Град Отел”да менга кенг-мўл, лекин қоронғироқ ҳонани ажратишди. Чамадонни очиб, кийимларимни жавонга илиб қўйдим. Квадрочелли Порто-Эрколага ҳафтанинг охирида келиши керак эди, демак, Римда яна тўрт кун яйраб ё зерикиб вақт ўтказишимга тўғри келади.

Нарсаларни ола туриб, чамадоннинг тагида ётган, Эвелин Коутснинг элчихонада ишлайдиган дўстига топширишим лозим бўлган қалин конвертга кўзим тушди. Исми билан телефон рақами ён дафтарчамда эди. Дарров варақлаб, дипломатнинг исми Дэвид Лоример эканини аниқладим. Эвелин, элчихонага кўнғироқ қилманг, деб тайинлаганди, лекин ҳозир соат бирдан ошди, тушликка уйига келган бўлиши мумкин.

Қарийб бир ҳафтадан буён тилни билмаганим сабабли гарангсиз юргандим. “Муқаддас Августин”даги тунги хизмат танамга сингдирган одамовилик аста-секин тарқалиб, ёру дўст, таниш-билишларнинг йўқлигини, қадрдон инглиз тилимни соғинганимни қаттиқ ҳис эта бошлагандим. Мана энди америкалик билан учрашаман, балки бирга овқатланишни тақлиф этиб қолар...

Рақамларни тердим, кўп ўтмай гўшакдан эркак кишининг овози эшитилди: “Pronto”¹.

— Дуглас Грайсман. Эвелин бир нарсани илтимос қилувди...

— Биладан, — шошиб гапимни бўлди ҳалиги овоз. — Қаердасиз?

— “Гранд Отел”да.

— Чорак соатдан сўнг етиб бораман. Теннис ўйнайсизми?

— Сал-пал, — жавоб бердим ҳайрон бўлиб. Балки бу қандайдир махфий саволдир.

— Клубга бормоқчи бўлиб турган эдим. Бизга тўртинчи шерик керак.

— Лекин менда теннис анжомлари йўқ.

— Клубдан топамиз. Ракеткани ҳам. Меҳмонхона қаҳвахонасида учрашамиз. Мен малларанг одамман, дарров танийсиз. — Шундай деб, гўшакни қўйиб қўйди.

Қаҳвахонага катта-катта, дадил қадам ташлаб, баланд бўйли сарғиш киши кириб келди. Юзи кўзга яққол ташланадиган, сариқ мўйлови майин, қирра бурун, сочлари узун, ҳар ҳолда дипломат учун маъёридан узунроқ. Уни танимаслик мумкин эмас эди. Қўл қисичдик. Ёшимиз бараварга ўхшайди.

— Уйдан эски теннис туфлисини топдим, — деди у. — Нечанчи пойабзал киясиз?

— Ҳинчи.

— Жуда соз. Лойиқ келади.

Лоримернинг икки ўринли усти очик кўк “альфа-ромео”си меҳмонхона эшиги олдида турарди. Йўл ҳаракатига халақит бераётгани учун полициячи хуноб бўлиб унинг атрофида айланарди. Мошинага ўтираётганимизда у мусиқадай жарангдор итальян тилида Лоримерга танбеҳ берди, бунга жавобан Лоример унга очик чеҳра билан қўл силкитди, биз жўнаб кетдик.

Римдаги ҳамма шофёрлардай Моример ҳам мошинани жуда тез ҳайдарди. Тибра соҳилига жойлашган теннис клубига етиб борганимизча автомобилнинг икки ёнини ўн мартача қириб олдик. Тезлик катта бўлгани сабабли гаплашишнинг иложи йўқ эди, Лоример бир мартагина алаҳсиди: “Боргезе боғлари” ёнидан ўтаётганимизда бу музейни албатта кўришим кераклигини айтди. Фабиан ҳам тайинлаган эди, музейни зиёрат қилганимни эшитса, хурсанд бўлади. “Тицианнинг асарларига алоҳида эътибор беринг”, — деган эди у.

Клуб дарвозасидан ўтдик, Лоример мошинани тол соясига қўйди. Тушмоқчи бўлиб эшикни очаётганимизда у энгимдан тортиб, тўхтатди.

— Ҳалиги ёнингиздами?

Ички чўнтагимдан қалин конвертни чиқазиб, Лоримерга узатдим.

У конвертни очмасдан киссасига яширди.

Мошинадан тушиб, клуб биноси томон юрдик.

— Мен билан келганингизга хурсандман, — деди Лоример. — Бу пайтда шерик топиш қийин. Мен тушликдан олдин, итальянлар эса тушликдан кейин ўйнашни ёқтиришади. Икки цивилизациянинг асосий фарқи шунда. Бутунлай мурасисиз тафовут. Гўё биз жарнинг икки ёқасида турволиб, бир-биримизга талпинаётганга ўхшаймиз. — У майдонда теннис ўйнаётган иккита паст бўйли қорача киши билан саломлашиб, кетидан қўшиб қўйди: — Ҳозир келамиз!

¹ Лаббай (итальянча).

Халиги икки эркак ўйинга буткул берилиб кетган эди.

— Сизларнинг суръатингизга дош беролмасам керак. Теннис ўйнамаганимга анча бўлди, — дедим мен.

— Аҳамияти йўқ. Тўрға яқинроқ турунг. Шунда иккаласини ҳам шошириб қўямиз. — Лоример жилмайди. Кулгиси ўзига ярашар, аммо бўрининг ириллашига ҳам ўхшаб кетарди.

Теннис туфлиси лойиқ келди, калта шим билан кўйлак кенгроқ эди-ю, лекин бемалол ўйнаса бўларди.

— Қимматбаҳо нарсаларингизни олволинг, — деди Лоример. — Омонатхонага топширса бўлади-ю, бироқ унга ҳам ишониш қийин. Айниқса, паспортингизга эҳтиёт бўлинг, акс ҳолда кунлардан бир кун газеталарда, Дуглас Граймс исмли сицилиялик кимса гиёҳванд модда билан қўлга тушди”, деган хабарни ўқиб қолишингиз ҳам ҳеч гап эмас.

Лоример ҳамени, соати, шунингдек, Эвелин бериб юборган конвертни қўлига олди.

Ўйин кутганимдан зиёда ҳузур бахш этди. Тоғда чанғи учавериб, анча бақувватлашган, бинобарин, чаққон ва енгил ҳаракат қилардим. Лоример майдоннинг у бурчидан-бу бурчига сиртлондай ташланар, жон-жаҳди билан ўйнарди. Ўйиннинг икки босқичида қўлимиз баланд келди, Лоример айтганидай, итальянлар суръатга дош беришолмади. Учинчисида бош бармоғим қавариб, ўйиндан чиқишга мажбур бўлдим. Аммо Шекспирнинг таъкидлашича, Цезарь яроғаслаҳаси билан сузиб ўтган дарё бўйида, Рим офтоби остида теннис ўйнашнинг гашти бошқача эди. Ҳозир, йилнинг қуруқ фаслида дарё сокин оқар, ундан ҳатто мен ҳам сузиб ўтишим мумкиндай туюларди.

Ўйиндан сўнг душда чўмилаётган пайтимизда итальянлар клубда овқатланишни таклиф қилишди.

— Римга биринчи келишингизми? — сўради Лоример.

— Ҳатто биринчи кун.

— Унда бу ерда овқатланмаймиз. Сайёҳлар зиёратгоҳига борамиз. Номи Навона. Мен бош силкидим. Фабиан ҳам шу жойни кўриб қўйишни тавсия этган эди, — Римга келган ҳар бир одамга, — давом этди Лоример, — фақат сайёҳ бўлишни маслаҳат бераман. Олдин мумтоз қадамжоларни зиёрат қилинг: Ватикан, Сикетин ибодатхонаси, Сан-Анжело қасри, Моисей ҳайкали ва ҳоказо. Бу жойлар бир неча юз йиллардан буён барча йўлкўрсаткичларда қайд этиб келинади. Кейин бу боқий шаҳарда ўзингиз йўлингизни топиб кетаверасиз. Айтайлик, Стендални ўқийсиз. Французчани биласизми?

— Йўқ.

— Афсус.

— Қанийди ёшариб қолсаму мактабга қайтиб, ҳаммасини бошқатдан бошласам.

— Ким буни хоҳламайди?

— Қалай, маъқулми бу ер? — сўради Лоример.

Биз яланғоч аёлнинг тўртта мармар ҳайкали зеб бериб турган улкан фавворани томоша қилиб, очиқ айвонда ўтирардик.

— Беқиёс!

— Фақат ҳеч кимга айтманг. Юксак давраларда бу ернинг таомини макруҳ санашади. — У истеҳзо билан жилмайди. — Тагин ўлаксахўр деган ном орттириб, умр бўйи қайлиғ қидириб юрманг.

— Лекин фаввора ёққангани гапирсам бўладими?

— Тасодифан бориб қолдим, денг. Биров бундан гап очса, индамай тураверинг.

Лоример фавворадан кўз узмасди.

— Зўр-а, тўғрими?

— Ким?

— Ҳайкаллар-да. Римни Нью-Йоркдан афзал кўришимнинг сабаби шунда. Бу ерда сизни суғурта компаниялари ва ҳар турли биржаларнинг темир ва ойнадан иборат кўп қаватли бинолари эмас, балки санъат ҳамда муқаддас обидалар қуршаб туради.

— Римга келганингизга анча бўлдимми?

— Кўп эмас. Лекин айрим ғаламислар тагимга сув қуймоқчи бўлиб юришипти. — У чўнтагидан мен келтирган мактубни олиб, кўз югуртира бошлади, ammo официант буюрилган таомни столга қўяётган пайтда хатни яширди. — Қайси биримиз олдин янглишишимизни кутяпмиз. Дунёқарашимиз ҳар хилда. Табиий ҳол бу. Мен билан танишлигингизни бировга айтманг. Жосуслар кўп. Қачон ёзув столимга қарасам, қоғозларимга кимдир теккан бўлади. Мени восвос одам экан, деб ўйлаётгандирсиз?

— Йўқ, нега энди. Лекин Эвелин шунақа нарсаларга шама қилгандай бўлудди.

— Бунақа гаплар аввал ҳам бўлган, агар Вашингтондаги вазиятни эътиборга олсак, яна давом этади. Оқ уйнинг ҳозирги хўжайинлари қилаётган ишларга нисбатан Маккартининг нағмалари ёш боланинг харашасидай гап. Оруэлл минг тўққиз юз саксон тўртинчи йилни башорат қилиб янглишган. Бу ишлар етмиш тўртинчи йилдаёқ бошланган. Ўша муттаҳамни Оқ уйдан йўқотишади, деб ўйлайсизми?

— Тўғриси, бу ҳақда ўйлаб кўрмаганман, сиёсатга унчалик қизиқмайман, — дедим елкамни қисиб.

Лоример менга таажжубланиб қаради.

— Эҳ, америкаликлар, — бош чайқади у. — Гаров ўйнаб айтаманки, у навбатдаги сайловгача тепамизда ўтириб, қонимизни ичади. Мени ҳадемай Африканинг ҳар уч ойда давлат тўнтариши бўлиб турадиган ва Америка элчилари ўлдириладиган бирорта кичкина мамлакатига ўтказишса керак. Ўшанда меҳмон бўлиб келинг. — Лоример иржайиб, стаканини винога тўлдирди. Нима бўлганда ҳам ҳеч нарсадан тап тортмайдиган одамга ўхшайди. — Афсуски, бу ҳафта сиз билан бирга бўлолмайман. Неаполга жўнаб кетаман. Лекин шанба куни кундузи теннис клубида ёки кечқурун қарта устида кўришишимиз мумкин. Эвелиннинг ёзишича, қартага уста эмишсиз.

— Узр, шанба куни мен Порто-Эрколага бораман.

— Э, аттанг. “Пеликано” меҳмонхонасида турасизми?

— Ҳа, хона буюриб қўйганман.

— Италияга эндигина келган сайёҳ учун бу катта ютуқ.

— Дўстимнинг шарофати билан-да. У Италиyani яхши билади, — дедим кулиб.

Лоример соатига қараб, ўрнидан турди.

— Кетишим керак. Олиб бориб қўяйми?

— Раҳмат. Оёқнинг чигилини ёзаман.

— Яхши режа. Сиз билан сайр қилардим-у, хўжайинларим қидириб қолишади-да. Омон бўлинг, дўстим.

У америкаликларга хос шитоб билан мошинаси томон юрди. Тепасида фаввора ҳайкаллари юксалиб турарди. Ҳозир у яна ўзи йўқлигида қоғозлари титкиланган ёзув столи ёнига бориб ўтиради.

Шошмасдан қаҳвани ичдим, сўнг ҳисоб-китоб қилиб, меҳмонхонага яёв жўнадим. Рим мошина ичидан кўринганига нисбатан бошқачароқ, яъни беқиёс даражада фусункор экан. Лоримернинг Италия гўзал, лекин тентакнамо кишилар мамлакати, деган фикрига қисман қўшиламан, холос.

Айланиб юриб, Бабуино номли торгина, гавжум кўчадан чиқиб қолдим. Бу кўчада талай бадий кўргазмалар бор эди. Фабианнинг ўғитларига риоя қилиб, витриналарни кўздан кечириб бошладим. Ойналарнинг бирига мойбўёқда ишланган, Америкадаги овлоқ шаҳарчанинг кўчаси акс этган каттакон сурат қўйилган. Таниш дўкон. Бу ерда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор: доридармон, упа-элик, газета-журнал, музқаймоқ, қаҳва ва яна алланимабалолар; сартарошхона, маҳаллий банкнинг алмисоқдан қолган биноси, маҳаллий газетанинг юпқа тахтачалар қопланган идораси — буларнинг бари бепоён чўл ўртасида, кечки туманга қоришиқ ҳолда тасвирланган. Сурат шунақа ҳаётгий, шунақа жонли чиққанки, унга муаллифнинг ички дарди, бутун руҳияти маҳорат билан сингдириб юборилган. Бу ерга суратлари қўйилган рассом, исмига қараганда, ё америкалик, ёки чатишган америкалик бўлиши керак. Анжело Квин.

Синчковлигим тутиб, ичкарига кирдим. Ёши олтмишдан ошган, сийрак сочлари оппоқ қария ва бир бурчакда журнал варақлаб ўтирган, кўпдан буён соқолига тиг теғмадан исқирт йигитдан бўлак ҳеч ким йўқ эди.

Осиб қўйилган бошқа суратларда ҳам Американинг чекка шаҳарлари, қандайдир фермернинг бетиним шамол эсиб турадиган тепалик устидаги омонат кулбаси, охири поезд ўтганига юз йилдан ошган кўҳна темир йўл излари акс этган.

Суратларнинг бирортасида ҳам “сотилган” деган ёзув йўқ. Кўрғазмани томоша қилаётганимда қария меңга ҳамроҳ бўлмади, гаплашишга ҳам уринмади. Нигоҳларим тўқнашганда ясама тишини кўрсатиб, маънос илжайиб кўя қолди. Бурчакда ўтирган йигит журналдан бош кўтармасди. Кўчага чиққанимда кўрган суратларимнинг яхши-ёмонлигини тўғри баҳолай олишимга ишончим комил эмас эди, аммо уларда тасвирланган манзаралар кўз олдимдан нари кетмасди.

Ғала-ғовур кўчалардан аста ўтиб борарканман, кўрғазмадан олган таассуротларим ҳамон мени таъқиб этарди. Бу ҳолат ёшлигимда китоб ўқишга шўнғиб кетиб, асар қаърига яширинган улкан ва сирли маънони қийнала-қийнала илғаган пайтларимни эслатарди.

Меҳмонхонага яқинлашганда Фабиан тайинлаган тикувчининг дўкони олдиан чиқиб қолдим. Ичкарига кириб, бир соатча костюмбоп мато танладим, инглизчани туппа-тузук биладиган тикувчи билан костюмларнинг бичими тўғрисида суҳбатлашдим. Биратўла бешта костюм буюрдим. Фабиан билан учрашганимизда бир оғзи очилиб қолсин!

Эртасига яна бир нечта кўрғазмада бўлдим, кейин Анжело Квиннинг суратларига қайтадан разм солгани кирдим. Замоनावий рангтасвирнинг бошқа намуналари қандай таассурот туғдиришини билмоқчи эдим. Улар мени ҳаяжонлантирмади. Натуралистик, сюррелистик ва абстракт суратлардан нигоҳим локайд сирғалиб ўтаверди.

Квиннинг кўрғазмасига қайтгач, кечаги таассуротимни текшириб кўриш мақсадида шошмасдан ҳар бир суратни узоқ кўздан кечирдим. Ва буткул лол бўлиб қолдим.

Кўрғазмада яна ўша чол билан журнал ўқиб ўтирган йигит бор эди. Гўё улар кечадан буён жойларидан жилмагандай. Мени таниган бўлсалар ҳам, буни сездиришмади. Тўсатдан миямга бир фикр келди: бирйўла бешта костюм буюрган одам ўзимга ёққан суратни харид қилсам нима бўпти?

— Марҳамат қилиб айтинг-чи, — мурожаат этдим чолга, у жилмайиб олдимга келди. — Ойнага қўйилган суратга қизиқиб қолдим. Кейин, мана бунга ҳам, — мен ўзим ёнида турган асарга ишора қилдим. Унда ташландиқ темир йўл излари акс эттирилган эди. — Иккаласи қанча туради?

— Беш юз минг лира, — деди чол сира ўйланмай.

— Беш юз минг? Ҳм! — Капалагим учиб кетди. Италиян пулларини долларга чақишда нукул янглишардим. — Долларда қанча бўлади? — сўрадим ундан. (Сайёҳнинг аҳволини кўриб қўйинг.).

— Саккиз юз долларга яқин, — жавоб берди чол. — Ҳозирги тутуриқсиз курс бўйича камроқ бўлиши ҳам мумкин.

Ҳар бир костюм учун икки юз эллик доллардан тўлагандим, лекин улар менга умримда биринчи марта харид қилган суратларимдай ҳузур бахш эта олармиди?

— Швейцария банкининг чекини ҳам олаверасизларми?

— Албатта, — деди чол. — Пьетро Бонелли номига ёзинг. Кўрғазма икки ҳафтадан кейин ёпилади. Хоҳласангиз, суратларни уйингизга элиб берамиз.

— Йўқ, ўзим олиб кетаман. — Ҳазинам тезроқ қўлимда бўлишини хоҳлардим.

— Унда закат ташлаб кетишингиз керак.

Йигирма минг лира закатга келишдик (ёнимда бошқа пулим йўқ эди), исмимни айтиб, чек ёзиб бердим. Йигит эса ҳамон миқ этмай, бурчакда журнал ўқиб ўтирарди.

— Рассом билан танишишни хоҳлайсизми? — деди пировардида чол.

— Агар мумкин бўлса.

— Мумкин, албатта. Анжело! — хитоб қилди чол. — Мистер Граймс асарларингизга қизиқиб қолди, сиз билан танишмоқчи.

Йигит журналдан бош кўтариб, менга қараб жилмайди. Бирдан ёшариб кетгандай бўлди, садафдек оппоқ тишлари, гўдакникидай маъсум, қоп-қора кўзлари дарров диққатимни тортди. Урнидан туриб:

— Юринг, мистер Граймс, қаҳвахонага бориб, бу воқеани нишонлаймиз, суҳбатлашамиз, — деди.

Кўчага чиққанимизда қария ойнага қўйилган суратга “сотилган” деган биринчи белгини ёпиштириб қўйди.

Анжело мени муюлишдаги қаҳвахонага бошлаб борди. Қаҳва буюрдик.

— Америкаликсиз-а, шундайми? — сўрадим ундан.

— Шунақароқ.

— Кўп-бўлдими келганингизга?

— Беш йилча.

— Демак, кўргазмага қўйилган асарлар беш йил бурун яратилган?

У қулиб юборди:

— Йўқ, бари янги. Хотира ва тасаввурга суяниб яратилган. Уларни ёлғизлик ва соғинч таъсирида чизганман. Ҳар ҳолда ички дардни беришга сал-пал эришганман, нима дедингиз?

— Албатта.

— Америкага қайтгач, Италияни чизаман. Кўп рассомларда бўлгани каби, менинг ҳам ўз назариям бор. Бу шундан иборатки, уйнинг қанақалигини билиш учун уйингдан олисга кетишинг керак. Жинни экан, деб ўйламаяпсизми ишқилиб?

— Йўқ. Асарларингизга қараганда унақамассиз.

— Ёқдим сизга?

— Жудаям.

— Хурсандман, — жилмайди у. — Анжело Квин туйғуларига эрк берган. Она юрт шайдосиман-да. Суратларни эҳтиёт қилинг. Эртами-кечми улар катта бойликка айланади. Мана кўрасиз.

— Уйимга осиб қўяман, — дедим мен. — Бойликка айлантириш ниятим йўқ.

— Раҳмат сизга. — У қаҳвадан бир хўплади. — Азбаройи мана шундай қаҳва ичиш учун ҳам Италияда яшаса арзийди.

— Нега исмингиз Анжело?

— Онам италиялик. Отам Америкага олиб кетган. У маҳаллий журналист эди, иш жойини тез-тез ўзгартириб турарди. Кўпдан-кўп овлоқ шаҳарчаларда яшаганман. Мен ҳам оиламиз истиқомат қилган жойларни суратга кўчирганман. Ростдан ҳам сурат йиғасизми? Ёки Бонелли йўлига айтдимиз?

— Умримда биринчи марта сурат харид қилишим.

— Ё парвардигор! — хитоб қилди Квин. — Бугун қизлигингиз бузилипти-да. Аммо-лекин дидингиз чакки эмас. Сизга яна қаҳва буюраман. Сиз менга омад келтирдингиз.

Эртаси куни Бонеллига чек келтириб бердим, кейин ярим соатча сотиб олган суратларимни томоша қилдим. Бонелли қайтганимча, гарчи кўргазма ёпилган тақдирда ҳам, суратларни асраб туришга ваъда берди.

Ҳар қандай ижодда ҳаётий асос бўлиши керак, ўйладим ичимда, жума куни Римдан Порто-Эрколага жўнаб кетарканман. Мангу шаҳарга биринчи ташрифим омадли бўлди, мени чинакамига бойитди, деган хулосага келдим.

Йигирма иккинчи боб

“Пеликано” меҳмонхонаси бўш эди, менга кенг ва ёруғ хона беришди, деразадан ажойиб денгиз манзараси кўриниб турарди. Маъмуриятда ишлайдиган қиздан Квадрочеллининг уйига қўнғироқ қилишни сўраб, унинг эртаси эрта-лаб келишини билиб олдим. Ҳар эҳтимолга қарши меҳмонхонадан ҳеч қаёққа жилмаслигимни ҳам айтиб қўйдим.

Эртасига эрталаб, кекса англизлар билан теннис ўйнаб бўлганимдан сўнг, айвонда ўтирсам, кеча кўнғироқ қилган қиз эски ипдухоба шим ва денгизчиларнинг кўк свитерини кийган қорача бир одамни бошлаб келиб қолди. У Квадрочелли экан.

Ўрнимдан турдим, қўл қисишдик. Кафти қаттиқ ва дағал эди. Офтобда тобланган, жуссаси миқти бу одам қора соч, қора кўз, қувноқ ва дилкаш деҳқонга ўхшарди. Кўзларининг атрофини майда ажин қоплаган, гўё умрининг кўп қисмини фақат кулиб ўтказгандай. Ёши қирқ бешлар атрофида.

— Қадамингизга ҳасанот, — деди у очиқ чеҳра билан. — Ўтиринг, ўтиринг. Эрталабки ҳаводан лаззат олинг. Денгиз манзараси қандай, ёқдими? — У шундай оҳангда сўрадики, Аржентарио ярим оролининг серқоя соҳили ҳам, офтобда ярқираб турган денгиз ҳам, олисдаги Жаннутри ороли ҳам гўё ўзининг хусусий мулкидий эди. — Озгинадан ичамизми? — сўради Квадрочелли ўтирганимиздан кейин.

— Йўқ, раҳмат. Ҳали барвақт, мен эрталабдан ичмайман.

— Э, қойил! — хитоб қилди у. — Менга ўрناق кўрсатяпсиз. — У англиз тилида тез ва беқусур гапирар, миясида кетма-кет янги фикрлар туғилиб турганидан бўлса керак, сўзлар қуйилиб келарди. — Дўстим Майлс Фабиан қалай? Сиз билан бирга келолмапти-да. Э, аттанг? Хотиним хафа. У Майлсни яхши кўриб қолган. Учала қизим ҳам. — Квадрочелли хандон ташлаб қолди. Оғзи кичкина, лаблари қиз болаларникидай ихчам бўлса ҳам, кулгиси гулдираб эшитиларди. — Эҳ, унинг ҳаёти ишқий саргузаштларга тўла бўлса керак-ўв! Бунинг устига — уйланмаган. Тўғри қилган. Дўстимиз Майлс Фабиан файласуфлардай узоқни кўради. Тўғрими гапим?

— Қайдам. Уни яхши билмайман. Яқинда танишганмиз.

— Ёши улғайган сари очилиб кетяпти. Бу тенгилар аллақачон шалвираб қолган, — у яна хахолади. — Бир ўзингиз келдингизми?

Мен бош силкидим. Квадрочелли афтини буриштирди.

— Э, аттанг. Шундоқ жойга-я... — У қўлларини ёйиб, атрофга назар ташлади. — Уйланганмисиз?

Бўйдоқлигимни тасдиқладим.

— Қизларим билан таништириб қўяман. Биттаси — ниҳоятда гўзал. Иккитаси сал ўжароқ. Лекин ҳар қайсисининг ҳам ўзига яраша яхши томонлари бор. Мен ҳаммасига баравар қарайман. Майлс Гштааддан кўнғироқ қилганида сиз тўғрингизда илиқ сўзларни айтди. Ақлли ва ҳалол одам, деди. Бугунги кунда одамларда бунақа фазилат камайиб кетди. Фабианнинг гапларини унинг ўзига нисбатан ҳам ишлатса бўлади.

Мен Квадрочеллининг мақтовларини индамай эшитдим, шаштини қайтаргим келмади.

— Фабиан билан қандай танишгансизлар? — сўраб қолди у.

— Нью-Йоркдан самолётда бирга келганмиз, — жавоб бердим қисқагина қилиб. Бу ёғини сўраб-суриштиришини хоҳламасдим.

— Тақдирнинг ўзи учраштирипти-да, — деди Квадрочелли.

“Тўғрироғи — тақдирнинг инъоми”, — ўйладим ичимда, Фабианнинг бошини ёрган чироқни эслаб.

— Шунақа деса ҳам бўлади.

— Шерикчилик ҳам никоҳдай гап. Илоҳий нарса, — деди Квадрочелли маънодор оҳангда. — Винонинг фарқига борасизми, мистер Граймс?

— Мутлақо. Оврурога келгунимга қадар вино ичмаганман. Пивони афзал кўрардим.

— Аҳамияти йўқ. Майлснинг диди учовимизга ҳам етади. Фабиан виномни татиб кўргач, уни шишаларга қуйиб сотишини ва ёрлиққа исмимни ёзиб қўйишини айтганида бошим осмонга етган эди. Америкалик пештахта олдига келиб: “Менга бир шиша Квадрочелли виносидан беринг,” — деса, шунинг ўзи кифоя. Мен мақтанчоқ одам эмасман, лекин беайб — парвардигор. Ишонинг, менинг вином тоза, ҳеч нарса қўшилмаган. Эҳ, Италияда винони не кўйларга солишмайди дейсиз... Буқанинг қонини кўшишадими-ей, аллақандай кимёвий моддалар қуйишадими-ей. Мамлакатим учун уялиб кетаман. Виномиз қандоқ

бўлса, сиёсатимиз ҳам шу. Бетайин. Лирамиздай қадрсиз. Аммо биз бировни алдамаймиз, ҳалол иш қиламиз. Вино орқасидан бойиб кетамиз. Мана кўрасиз. Нонуштадан кейин тайёрлаб қўйган хомчўтларим билан таништираман. Нонуштани бирга қиламиз.

— Ташаккур, — дедим хиёл эгилиб.

— Менинг вином, — Квадрочеллининг чакаги тинмасди, — бизнинг беамани ҳукуматимиз бузолмайдиган бирдан-бир нарса. Миланда матбаачилик билан ҳам шуғулланаман. Бугунги кунда тирикчилик қилиш қийин бўлиб қолди. Солиқлар, иш ташлашлар, тўрачилик. Бунинг устига, бомбалар портлаб туради. — Унинг юзи тундлашди. — Шўрлик Италия. Миландаги корхонамда кечаю кундуз қуролли соқчилар сақлашга мажбурман. Айрим социалист дўстларимга таннари баҳосида безарар китобчалар чоп этиб бераман, шундан менга тинчлик йўқ. Муссолини ўлган, дейишса, ишонманг, мистер Граймс. 1928 йили отам Англияга қочиб кетган. Шу туфайли сизнинг гўзал тилингизни ўргандим. Мабодо менга ҳам қочишга тўғри келса, асло ажабланмайман. Ўнларданми, сўлларданми — фарқи йўқ. — Квадрочелли дийдиёси учун ўзидан ранжигандай, қўл силтади. — Эҳ, гапларимга эътибор берманг. Куйиб кетаман-да баъзан. Биз — жанубликлармиз, оиламизда бир вақтнинг ўзида ҳам йиғлаймиз, ҳам куламиз. — У ойласининг ростдан ҳам шундайлигини намоиш этгандай, хахолаб юборди. — Биз сиёсат ҳақида эмас, вино ҳақида гаплашиш учун учрашиб турибмиз. Вино боқий. На сиёсатчилар, на босқинчилар тоқзорга дахл қилишолмайди. Иш ташлашлар узумнинг бочкада ачишига халақит бермайди. Майлс икковингиз бизнеснинг энг ишончли турини танлагансиз. Унчалик хавфли ҳам эмас. Дарвоқе, Майлс телефонда, кимдир ўлди, дегандай бўлувди.

Қулоқни динг қилиб туриш кераклигини аллақачон сезгандим, чунки мистер Квадрочеллининг бир мавзудан қутилмаганда бошқасига ўтиб кетадиган одати бор экан.

— Ҳа, бир оғайнимиз, — жавоб бердим унга.

— Эвоҳ, — хўрсинди у. — Ҳаммамиз бу дунёга меҳмонмиз.

Квадрочелли ўзининг тириклигига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлгандай иккала қўли билан танасини кучди.

— Келинг, яхши гаплардан гаплашайлик. Италияда олдин ҳам бўлганмисиз?

— Йўқ. — Фабианнинг изига тушиб, Флоренцияга келиб-кетганимни айтиб ўтирмадим.

— Унда сизга йўлдош бўламан. Мамлакатимиз ажойиб, қутилмаган ҳодисаларга тўла. Айримлари кишини лол қолдиради. — У яна кулди, ўз ҳазилидан ўзи завқланишга одатланган, шекилли. Хушчақчақ, соғлом ва очиқ кўнгил бу одам менга ёқиб қолди. — Биз энди буюк давлат эмас, унинг меросхўрларимиз. Вақт таъсирида аста-секин емирилаётган обидаларнинг ожиз кўриқчиларимиз. Сизни Флоренция яқинидаги уйимга олиб бораман. Узумзорларимни ўз кўзингиз билан кўрасиз, бўлажак виномиздан татийсиз. Операни ёқтирасизми?

— Операга сира тушмаганман.

— Миландаги Ла Скала театрига борамиз. Қойил қоласиз. Италияда кўп турасизми?

— Майлсга боғлиқ.

— Кетишга шошманг, илтимос. Муносабатларимиз фақат вино билан чекланиб қолишини хоҳламайман, — деди у жуддий оҳангда. — Тўғри, бу гап беаманидай туюлади, лекин вино сифатли бўлиши учун алоқаларимиз ҳам мустақкам бўлиши керак. Денгизга бардошингиз қалай?

— Билмадим. Эшакли қайиқда қўлга тушганман, холос.

— Сайрга мўлжалланган чоғроққина кемам бор, узунлиги йигирма беш фут. Жаннутри оролига борамиз. — Квадрочелли уфқда базўр кўзга чалиниб турган нуқта томонга ишора қилди. — Қандай яралган бўлса, шундайлигича қолган. Бунақа жой ер юзида кам. Афсус, чўмилишга ҳали совуқроқ-да. Аммо-лекин суви шишадай тиниқ. Сайр қиламиз, қумлоққа чўзилиб, тобланамиз. Мени айтди дерсиз, борсангиз, кетгингиз келмай қолади. Умрбод эслаб юрасиз. Американинг қаерида яшайсиз?

— Вермонтда, — дедим сал иккиланиб. — Лекин тез-тез кўчиб тураман.

— Вермонт, — Квадрочелли сапчиб тушди. — Ҳеч тушунмайман, биров мажбур қилмагандан кейин шундоқ совуқ жойда яшашнинг нима кераги бор? Мана, масалан, Майлсни олайлик. Чанғи учаман деб, бир кунмас-бир кун майиб бўлади. Минг марта айтдим, қор кечишни бас қил, дедим. Уйимизнинг ёнида арзонгинага ажойиб вилла сотиляпти. Бу ерга кўчиб келса, пошшодай яшаган бўларди, бунинг устига, тилни билади. Пули бор-ку, ахир, — у менга синовчан назар ташлади. — Тўғрими?

— Қайдам. Яқинда танишганмиз, дедим-ку.

— О, жудаям сипо одам экансиз.

— Сал-пал.

— Бир нарсани сўрасам майлими, мистер Граймс? — у кўзимга тик қаради. — Исмингиз нима?

— Дуглас.

— Меники Жулиано. Исминизни айтиб, мурожаат қилаверайлик. Айтингни, Дуглас, қанақа бизнес билан шуғулланасиз?

— Асосан сармоя қўяман, — дедим сал тутилиб.

— Майли, омадингизни берсин. Майлснинг дўсти экансиз, менга шунинг ўзи кифоя. Энди нонушта қиламиз. — У ўрнидан турди. — Макарон билан балиқ. Оддийгина тоам, лекин хотиним билан яшай бошлаганимдан буён бирор марта ҳам қорним оғригани йўқ. Семириб кетяпсиз, дейишади дўхтирлар. Нима, мен кино юлдузи бўлармидим? — У яна хахолаб кулди.

Мен ҳам турдим, ташқарига қараб юрдик. Бирдан эшик очилиб, остонада Эвелин Коутс пайдо бўлди.

— Лоример қўнғироқ қилиб, шу ердалигингизни айтди, — деди у. — Халақит бермайманми?

— Асло.

Бу галги учрашувимиз Ўрта денгиз соҳилида, баҳор пайтида юз бериб тургани учунми ёки Эвелин таътилга чиққани ва Вашингтондан жуда олисда бўлгани сабабими, ҳар ҳолда у кўзимга бутунлай бошқа аёлдай кўринди. Илк бор танишган пайтимиздаги мени гижинтирган қўрслик ва такаббурликдан асар ҳам қолмаганди. Тўшакда ҳам олдинги жазавасини сезмадим. Энди лаззат парвозини хотиржам, ички бир интиқлик билан кутарди. Биз офтобда тобландик, қўл ушлашиб соҳилни кездик, алланималар тўғрисида гаплашдик, кулдик, официант билан итальянча сўзлашишга уриниб, майнавозчилик қилдик, бир-биримизни суратга туширдик.

Квадрочелли Эвелинни кўриши билан, америкалик гўзалингизга олдин тўйволинг, деб бизни холи қолдирди.

— Эртага учрашсак ҳам бўлаверади, — деди у. — Хотиним тушунадиган аёл. Қизларим ҳам, — қўшиб қўйди хайрлашаркан.

Аммо ўша кунни Квадрочелли қайта-қайта узр сўраб, кечқурун Миланга учиб кетаётганини, корхонасида сал тўполон бўлганини, имконият туғилиши биланоқ қайтиб келишини маълум қилди.

Квадрочелли тушдан кейин, деразаси денгизга қараган хонадаги каравотда Эвелин иккаламиз беҳолгина чўзилиб ётган пайтимизда қўнғироқ қилди. Бошига ташвиш тушганидан Квадрочеллига ичим ачиди, лекин бирга бўлолмаслигимизга афсусланганим йўқ, чунки энди бўш вақтимнинг ҳаммасини Эвелинга бағишлайман.

Сайёҳлар мавсуми ҳали бошланмаган, бинобарин, “Пеликано” деярли бўм-бўш эди. Биз ўзимизни шаҳар четидаги ҳашаматли уй эгаларидай ҳис этардик. Хушмуомала ва сертавозе оқсоч хизматимизда. Қип-яланғоч бўлволиб, ёнма-ён чўзилганча соатлаб баҳор кўёшида тобланардик. Назаримда, Эвелиннинг бадани нафисроқ, силлиқроқ бўлиб қолгандай. Илгари жисмоний машқлар орқали вазни ва қоматини назорат қилиб турадиган аёлларники каби дағал ва қаттиқ эди. Кўп нарсалар тўғрисида гаплашдик, аммо Вашингтонни ҳам, унинг ишини ҳам тилга олмадик. Қанча муддатга келганини сўрамадим, ўзи ҳам айтмади.

Лоример билан суҳбатимиз хусусида оғиз очмай қўя қолдим.

Кунларимиз ширин ва беташвиш ўтарди. Ҳеч нарса — на замон, на макон безовта қилмасди. Биз тилини билмайдиган, ғам-андухлари бизга даҳлсиз гўзал мамлакатда истиқомат қилардик. Газета ўқимасдик, радио эшитмасдик, келажак режаларини тузмасдик. Фабиан Нью-Йоркдан бир неча марта кўнғироқ қилиб, ишлар яхши кетаётганини айтди. Кун сайин бойиб бораётганмишмиз, айрим қийинчиликлар ҳам учраб турганмиш-у, буни телефонда айтиб бўлмасмиш, шунинг учун у Америкада мўлжалдагидан узоқроқ қолиб кетишга мажбур бўлаётганмиш. Квадрочелли Миланга учиб кетишидан олдин винога боғлиқ хомчўтларини менга берган эди. Уни ўқимасданоқ шошилишч почта орқали Фабианга жўнатиб юбордим. Хомчўтлар унга маъқул бўпти, шартларини тўла-тўқис қабул қилишимизни Квадрочеллига айтиб қўйишни мендан илтимос қилди.

— Дарвоқе, — сўрадим ундан, — Слоуннинг дафн маросими қандай ўтди?

— Жуда зўр, — жавоб берди Фабиан. — Ҳа, эсимдан чиқай дебди. Акангизга кўнғироқ қилдим, у Нью-Йоркка келди. Сиз пул қўшган иш юришиб кетипти. Ҳафта шу тариқа ўтди.

Буюртма берилган костюмларни олиш учун Римга жўнадик. Меҳмонхонага жойлашиб, шаҳар айландик, Навона қаҳвахонасида нонушта қилдик, Фраскати виносидан ичдик, Ватиканга бордик, Форум ва Боргезе Музейини кўздан кечирдик, “Тоска” арияларини тингладик.

Сайр қилиб юриб, Эвелинни ойнасига мен харид қилган сурат осиб қўйилган кўрғазмага олиб бордим. Шу пайтгача индамагандим. Ранг-тасвирга мендан кўра кўпроқ ақли етадиган одам сифатида олдин унинг фикрини билмоқчи эдим. Сурат Эвелинга ёқди, жудаям ёқди, лекин ичкарига киролмадик, тушлик пайти экан. Қайтанга яхши бўлди. Кўрғазмадаги бошқа суратлар унга маъқул бўлмаслиги мумкин, Бонелли эса чек учун менга раҳмат айтиши эҳтимолдан узоқ эмас. Ноқулай аҳволга тушиб қоламан. Эвелин билан шунча кунни бирга ўтказдик, энди унинг мен ҳақимда ҳамиша яхши фикрда бўлишини хоҳлайман. Ҳамма масалада.

Эртасига Эвелин Америка элчихонасида ишлайдиган дўсти билан учрашишга келишган эди, мен харид қилган суратларимни олишга кетдим. Бу гал қария Бонеллининг чеҳраси очиқ эди, яна учта суратда “сотилган” деган ёрлиқ пайдо бўлганди, вақти чоғлиги балки шундандир. У “Тоска” операсидан қандайдир арияни хиргойи қиларди. Квин кўринмасди. Сўрадим.

— Сиз билан гаплашган кунидан бери йўқ, — деди қария, — Анжело кечасию кундузи уйда ишляпти. Бир йилдан буён суратларига биров қайрилиб қарамаганидан жуда эзилиб юрувди. Ёш рассом-да, зиғирдаккина руҳий далда бўлмагандан кейин эзилади-да.

— Ҳаммада ҳам шундай бўлади, — жавоб бердим мен.

— Тўғри, — деди Бонелли. — Бу ҳолат фақат рассомларга хос эмас. Мана мен ҳам, умрим беҳуда ўтмадими, деб баъзан ўзимга ўзим савол бераман. Ҳатто Америкада ҳам... — у гапини охирига етказмади.

— Ҳа, ҳатто Америкада ҳам, — бош силкидим мен.

Эвелин ҳали келмаганди, иккала суратни камин устига ёнма-ён қўйиб, бир парча қоғозга: “Азизим Эвелинга эсдалик”, деб ёздим-да, ташқарига чиқиб кетдим. Венето кўчасида сайр қилдим, қаҳвахонага кириб, ўтган-кетганини томоша қилганча қаҳва ичиб ўтирдим. Эвелин совгани мен йўқлигимда кўришини хоҳлардим.

Меҳмонхонага қайтганимда Эвелин каравотда ёнбошлаб, суратларни томоша қиларди. Кўзлари жикқа ёш. Бир оғиз ҳам гапирмай, у мени бағрига тортиди-да, қаттиқ ўпди.

Бир оздан сўнг:

— Бузуқ қизман, — деди томдан тараша тушгандай.

— Э, нималар деяпсан?

У мени ўзидан нари итариб, тўшакка ўтирди.

— Нима учун келганимни ҳозир айтиб бераман.

— Келганинг яхши бўлди. Қўй, шу ҳақда гаплашмайлик.

— Ҳомиладорман, — деди у. — Сендан. Ўша биринчи кеча таблеткам йўқ эди. Ишонмасанг, ўзинг биласан. Бўйнингга осилмайман.

— Ишонаман.

— Лоример кўнғироқ қилиб, сен билан учрашганини айтганида болани олдириб ташлаш ҳаракатида юрган эдим. Туғмайман, деб илгари кўп гапирардим. Бирдан кўзим очилди, ўзимни аҳмоқ қилиб юрганганимни англадим. Бошқа кўп нарсаларни ҳам тушундим. Вазирликдан кетдим. Амалдорлик жонимга тегди. Ҳаётимни Вашингтонда барбод қилдим... Энди ҳуқуқшунос сифатида оғир, ҳатто шафқатсиз бир нарсани таклиф қилмоқчиман.

— Нима экан?

— Турмуш қурсак.

— Шафқатсиз таклиф эмас бу.

— Бола туғилганидан кейин ажрашишимиз мумкин. Лекин отасиз туғилишини хоҳламайман. Буни сенга айтмоқчи эмас эдим. Аммо ўтган мана шу ажойиб ҳафтадан кейин... — Эвелин қўлларини ёйди. — Қанақа инсонлигингни билдим. Суратлар устига-устак бўлди. Майли, пешонамда борини кўрарман.

Мен оғир уҳ тортдим.

— Менда бошқа таклиф бор. Турмуш қурсак, фарзанд кўрсак, ҳеч қачон ажрашмасак, нима дейсан? — Шундай дедим-у, шошқалоқлик қилганимни дарров пайқадим. Ахир мен қочиб юрган одам бўлсам, бировга уйланишдан олдин бўлажак хавф-хатарни бартараф этишим керак-ку. Хайрият, Эвелиннинг ўзи жонимга ора кирди.

— Шошма. Мен ёлғон гапирётган бўлишим мумкин.

— Нима масалада?

— Айтилик, боланинг отаси масаласида.

— Сенга нима кераги бор буни?

— Аёллардан ҳамма нарсани кутиш мумкин.

— Лекин сен ёлғон гапирганинг йўқ-ку?

— Тўғри.

— Шунинг ўзи етади менга.

— Барибир, — деди у бош чайқаб, — шошмаслик керак. Кейин афсус чекишдан фойда йўқ. Ёки умрбод бир-биримиздан норози бўлиб яшайверамизми? Эҳтирос ва оташин туйғуларни бошқа дамларга асраб қўйган маъқул. Яхшилаб ўйлаб кўриш учун вақт керак. Иккаламизга ҳам. Қилаётган ишимиз тўғрилигига имонимиз комил бўлсин. Бунинг учун ўзимизга тахминан икки ҳафта муҳлат берайлик.

— Ахир ҳозиргина, сени деб келдим, дединг-ку, — унинг тўсатдан орқага тисланиши мени қайтанга алангалатиб юборди.

— Тўғри, шундай дедим. Тонмайман. Лекин бу гап, Вашингтондагиларнинг тили билан айтганда, энди муҳим эмас. У ёқда ҳозир мана шу сўз урф бўлган.

— Нима учун муҳим эмас?

— Чунки мен ўзгардим. Сен мен учун бегона эдинг, шунчаки турмушга чиқшим керак бўлган одам эдинг. Энди бегонамассан.

— Кимман бўлмаса?

— Бошқа сафар айтаман, — деди кулиб Эвелин. Кейин ўрнидан турди. — Юр, озгинадан ичайлик. Иккаламизга ҳам ҳозир шу нарса керак.

— Биринчи кеча Вашингтонда айтган гапинг ёдингдами? — сўради Эвелин.

Биз теваарак-атрофни томоша қилиб, Кондотти кўчасидан кетиб борардик. Сўнги суҳбатимиздан кейин турмуш қуриш масаласини кўзгамадик, ўзимизни гўё бу ҳақда ҳеч қачон гаплашмагандай тутардик. Лекин бир-биримизга илгаригидан ҳам меҳрибонроқ бўлиб қолгандик, қизиғи шундаки, бу яқинликка аллақандай маъюслик ҳам қоришиб турарди.

— Хўш, нима деган эдим?

— Бадавлат оиладан чиққан қишлоқи йигитман, деган эдинг.

— Ишюнганмидинг?

— Йўқ.

— Тўғри қилгансан.

— Шунинг унутмаки, — кулди Эвелин. — Мен кўпни кўрган ҳуқуқшуносман. Дарвоқе, нима иш билан шугулланасан? Бўлажак рафиқанг сифатида билиб қўйишим керак-ку, тўғрими?

— Ташвишланма, сени боқишга қурбим етади. — Ўзимни ҳамон бадавлат кўрсатишга уринарқанман, бунинг кулгили ва бемаъни эканини тушунардим, аммо бошқа нарса ўйлаб топишга ақлим етмасди.

— Бировнинг боқилини ўйлаётганим йўқ. Пулим етарли, ўзимнинг кунимни ўзим кўра оламан. Америкада адвокатлар оч қолишмайди.

— Нима учун Америкада? Оврупода-чи?

Эвелин бош чайқади.

— Оврупо менга тўғри келмайди. Бу ерда дам олишни ёқтираман, аммо доимий яшаш — худо асрасин. — У менга тикилиб қаради. — Қайтиб боролмаслигинга бирор сабаб борми?

— Йўқ.

У қадамини секинлатиб, тўхтади.

— Ёлгон гапиряпсан.

— Эҳтимол, — елкамни қисдим. Кўн буюмлари дўконидан чиққан одам мени туртиб юбориб, узр сўради.

— Буни оилавий ҳаётимизнинг чиройли бошланиши деб ҳисоблаш керакми? — деди Эвелин.

— Мен савол бераётганим йўқ-ку.

— Сўрайвер.

— Кераги йўқ.

— Сэг-Харбор кўрфазида шинамгина уйим бор, — давом этди Эвелин. — Ота-онамдан қолган. Ўша ерда яшашни яхши кўраман. Адвокатлик қилиб, мўмайгина пул топиш ҳам мумкин. Ишинг туфайли шу ерда туришга мажбур-мисан?

— Балки.

— Агар, тўйдан кейин меникида яшаймиз, десам рози бўлармидинг?

— Катъий талаб қиласанми?

— Ҳа, — деди у чўрт кесиб худди Вашингтондагидай. Итоаткор хотин бўлиш нияти йўқ, шекилли.

Индамадим, юришда давом этдик.

— Жавоб бермадинг-ку? — деди Эвелин салдан кейин.

— Ҳозир эмас.

— Қачон?

— Эҳтимол, кечкурун. Балки бир ҳафтадан кейин ёки бир ойдан кейин...

У мени Америкага қайтишга мажбур қилаётгани, шундан асабийлашаётган эдим. Анжело Квиннинг асарлари юрагимга гулгула солиб қўйганди. Унинг суратларидаги она юртимнинг совуқ ва дилгир манзараларини кўрган кунимок бир кунмас-бир кун ватанимга қайтиш истаги ҳеч қачон мени тарк этмаганини англаб етдим. Баъзи одамлар муҳожирликни афзал кўришади. Мен унақалар тоифасидан эмасман. Икки дунёда ҳам бегона тилни ўрганолмайман, бу тилда фикр юритолмайман. Мен учун она тилимдан ўзга тил йўқ.

Эҳтимол, менда шу қадар кучли таассурот уйғотган кўрғазмага бориб қолганим тасодифдир, лекин бусиз ҳам, шунингдек, Эвелиннинг қистовларисиз ҳам юртимга қайтишим кераклигини ич-ичимдан ҳис этиб турардим. Албатта, бу ишим Фабианга ёқмайди. “Ё алҳазар, пешонангиздан ўқ егингиз келяптими?” — дейишини олдиндан тасаввур этияпман. Лекин энди Фабианнинг ноғорасига ўйнамайман.

— Америкага қайтишдан бош тортаётганим йўқ, — дедим узоқ сукутдан сўнг. — Ҳатто Сэг-Харбордаги уйингда яшашга ҳам розиман. Лекин шартлар бир хил бўлиши керак. Нима учун ҳозирча чет элда туришни афзал кўраётганимни айрим сабабларга кўра сенга айтмасам, эҳтимол, ҳеч қачон айтмасман ҳам, менга турмушга чиқишга рози бўласанми?

— Одамларга кўр-кўрона ишонишни ёқтирмайман, — деди Эвелин. — Ҳатто сенга ҳам.

— Саволимни қайтарайми?

— Ҳозир жавоб бермайман, — у бақрайганча кулди.

- Қачон жавоб берасан?
 — Эҳтимол, кечқурун. Балки бир ҳафтадан кейин ёки бир ойдан кейин...
 У ёғига чурқ этмай кетдик. Қўчани кесиб ўтаётганимизда бир “мерседес” урворишига сал қолди. Бирдан Рим меъдамга текканини ҳис қилдим.
 — Дарвоқе, Пэт ким? — сўраб қолди Эвелин.
 — Уни қаёқдан биласан?
 — Пэт исмли таниш қизинг борлигини биламан.
 — Нима учун Пэтни қиз бола деб ўйлаяпсан? Эркакча исм-ку бу, — кутилмаган вазиятдан чиқиб кетиш учун вақтдан ютиш керак эди. Пэт ҳақида унга сира гапирмагандим.
 — Лекин сенинг оғзингдан аёлча исм бўлиб чиқди-да.
 — Қачон?
 — Бугун кечаси, уйқингда. Эркакларга бунақа муомала қилинмайди.
 — Э-э-э, — дедим чўзиб.
 — Ана энди ўзингга келдинг. Ким у қиз?
 — Бир танишим. Тўғрироғи, танишим эди.
 — Жуда яқин таниш бўлгансизлар чамамда.
 — Ростданми?
 — Буни сен биласан.
 — Хўш, нима қипти?
 — Уни севарминг?
 — Ҳа, бир вақтлар.
 — Охирги марта қачон кўришгансизлар?
 — Уч йил бурун.
 — Шунга қарамай ҳалигача тушингга киради.
 — Узр, — дедим беихтиёр.
 — Ҳалиям севасанми?
 Ўйланиб қолдим. Кейин иқроп бўлдим:
 — Билмадим.
 — Балки у билан учрашиб, муносабатларингга ойдинлик киритганинг маъқулдир?
 — Тўғри, — дедим мен.

Йигирма учинчи боб

Порто-Эрколага қайтарканмиз, ҳар қайсимиз ўз хаёлимиз билан банд, чурқ этмай борардик. Эвелин иккала қўлини тиззаларига қўйганча мошинанинг бир бурчига ястаниб олган, авзойи бузуқ эди.

Биздан минглаб чақирим наридаги қор босган Вермонтда тинчгина яшаб юрган Пэт орамизга пинҳона соя ташлаб турар, шу боис Италиянинг чароғон осмони ҳам хиралашгандай туюларди. Эвелинга Пэт билан кўришишим кераклигини айтдим.

— Қанча тез бўлса, шунча яхши, — деди Эвелин.

Фабианга кўнғироқ қилиб, Нью-Йоркка бораётганимни билдириб қўйсам, бас.

Меҳмонхонага киришимиз билан кечадан буён Квадрочелли қидираётганини айтишди, телефонга чақириб беришларини сўрадим.

— Римга тўйдингизми? — унинг биринчи саволи шу бўлди.

— Имкон қадар, — жавоб бердим лоқайдгина.

— О, ҳали кўп мирикасиз! — деди у одатдагидай хахолаб. Корхонасида иш ташлаш бўлган одамга асло ўхшамасди. — Куннинг яхшилигини қаранг! — давом этди у. — Денгиз сайрига чиқмаймизми? Жаннути оролига борсак зўр бўларди-да. Нима дейсиз?

Ёнимда турган Эвелиндан сўрадим, у розилик бергач, жавоб қайтардим:

— Борсак бораверамиз.

— Жуда соз. Хотиним егулик нарса тайёрлаб беради. Ўзи бормайди. Қайиқни назари илмайди — унга баҳайбат кема бўлиши керак. Қизларим ҳам онасига

таассуб қилади. Шунинг учун доим ўзимга ҳамроҳ қидираман. Бандаргоҳ қаердалигини биласизми?

- Ҳа, биламан.
- Бир соатдан кейин ўша ерда бўлоласизми?
- Менга барибир.
- Бўпти, келишдик. Қалинроқ кийинволинг. Денгиз салқин.
- Корхонангизга катта зарар етмаптими?
- Италия учун одатий ҳол, — кулиб жавоб берди Квадрочелли.

Олисда кўриниб турган орол мени ўзига тортмоқда эди. Фақат сафар гаштини эмас, Эвелин билан ёлғиз қолмаслигимизни ҳам ўйлаб, севинаётгандим. Кунни буткул банд қилиш мақсадида Квадрочеллини хотини билан кечки овқатга таклиф қилишни кўнглимга тугиб қўйдим.

Эвелин кийимларини алмаштиришга чиқиб кетди, мен Нью-Йорк билан телефонда гаплашишга буюртма бердим. Кўнғироқни кутиб, Римда чоп этиладиган “Деيلي Америкен” газетасини варақлай бошладим, янгиликлар бўлимида Дэвид Лоримернинг Вашингтонга жўнаб кетаётгани муносабати билан хайрлашув дастурхони ёзилажаги ҳақидаги хабарни ўқиб қолдим. Эвелин кўрмаслиги учун газетани дарров бир четга сурдим.

— Сизга бир нима бўлганми ўзи, биродар? — гўшакдан Фабианнинг овози эшитилди. — Ҳозир соат неччилигини биласизми?

- Кундузги ўн иккига яқинлашиб қолди.
- Италияда шунақа, бу ерда соат эрталабки олти, — деди Фабиан зорланиб. — Қайси тарбия кўрган одам дўстини шу пайтда безовта қилади?
- Узр, хушxabарни тезроқ айтмоқчи бўлдим-да.
- Қанақа хушxabар? — сўради у хушёр тортиб.
- Америкага қайтпман.
- Бунинг нимаси хушxabар?

— Учрашганимизда гапириб бераман. Буткул шахсий масала. Мошинани қаерга қўйиб кетай.

— Намунча ёв қувгандай шошмасангиз? Боришимни кутсангиз бўлмайди-ми? Бафуржа гаплашардик.

- Кутолмайман. Бу ёғи пухта ўйланган. Қарорим қатъий.
- Кутолмасмиш, — Фабиан ух тортди. — Майли, ўзингиз биласиз. Парижга кириб ўтоласизми? Унда Атене майдонидаги меҳмонхона дарбонидан менинг номимдан илтимос қилинг, мошинани гаражига қўйиб турсин. Парижга иш билан ўтишим керак, ўшанда олиб кетаман.

Фабиан менга қулайроқ жойни танласа ҳам бўларди. У шунақа одам, ҳамма ерда иши бор: Римда ҳам, Миланда ҳам, Ниццада ҳам, Брюсселда ҳам, Женевада ҳам, Хельсинкида ҳам. Мени жазолаш учун атайлаб йўлимга тескари шаҳарни танлади. Баҳслашиб ўтирмадим.

- Бўпти. Париж бўлса Париж-да.
- Бир кунимни хуфтон қилдингиз, тушунапсизми?
- Олдинда қанча ёруғ кунларингиз бор, — ҳазиллашдим мен.

Бандаргоҳга келиб, мошинани бекатга қўйдим-да, Квадрочеллини излаб, атропоғла алангладим. У қайиқ устида ечилган арқонни ҳалқа қилиб ўраётган эди. Устига брезент ёпилган бошқа қайиқлар соҳилга боғлаб қўйилган. Ҳеч ким йўқ.

Ўша томонга юридик. Йўл-йўлакай Эвелин дорихонага кириб, кўнғил айнишига қарши драамин харид қилди. Сездимки, денгиз сайрига унчалик тоби йўқ.

— “Америка фожеаси”даги, исми нима эди, ҳомиладор бўлиб қолганини эшитиб, Шелли Винтерсни чўктириб юборган йигит бор-ку, ўшанга ўхшаб мени ҳам денгизга улоқтирмайсанми?

— Монтгомери Клифт, — дедим Эвелинга. — Лекин мен ҳечам унга ўхшайман, сен ҳам Шелли Винтерс эмассан. Дарвоқе, бу “Америка фожеаси” эмас, “Кўёш остидаги маскан” номли фильм.

- Ҳазиллашдим, — деди кулиб Эвелин.

Нима бўлганда ҳам бу яхшилик аломати эди, энди менга ўқрайиб қарамайди. Ҳали Франциягача узоқ йўл босишимиз керак, бугун эрталаб Римдан келадиганимиздаги каби мошинанинг бир бурчига биқиниб олиб, хўмрайиб ўтираверса, ёрилиб ўламан-ку! Фабиан билан телефонда гаплашганимдан кейин унга Францияга боришимни айтиб, мен билан бирга кетиш истаги бор-йўқлигини сўрадим. Агар хоҳласанг, кетавераман, деб жавоб берди у.

Бандаргоҳга яқинлашганимизда Квадрочеллининг кўзи тушиб, қайиқдан сакраб тушди-да, истиқболимизга қараб юрди. У кенг шим ва йўл-йўл свитер кийиб олган, ҳақиқий денгизчига ўхшарди.

— Юринглар, қайиққа чиқинглар, — таклиф қилди у. Кейин энгашиб, Эвелиннинг қўлини ўпди, мен билан қўл қисишиб сўрашди.

— Ҳамма нарса тайёр. Денгизга қаранг, худди қўлдай сокин. Мусаффолигини айтмайсизми! Кажава тўла овқат. Пиширилган жўжа, қайнатилган тухум, пишлоқ, мева-чева, вино. Иштаҳаочар неъматлар.

Қайиққа етишимизга йигирма қадамча қолганда гумбурлаган овоз эшитилди. Қайиқ портлаб кетди. Ўзимизни таппа ерга ташладик, тепамизда ёғоч ва тунука парчалари айланарди. Кейин ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди. Квадрочелли бошини кўтариб, қайиқ турган томонга қаради. У иккига бўлиниб кетган, бандаргоҳдан анча нарида, сув юзида қалқиб турарди.

— Яраланмадингми? — сўрадим Эвелиндан.

— Йўқ, — унинг овози аранг чиқди. — Ўзинг-чи?

— Худога шукур, соппа-соғман, — ўрнимдан туриб, Эвелинга қўлимни узатдим.

Квадрочелли қайиқдан кўз узмасди.

— Фашистлар, — пичирларди у. — Газандалар.

Одам тўпланди. Бизни қуршаб олиб, савол ёғдира бошлашди. Квадрочелли уларга қайрилиб ҳам қарамади.

— Илтимос, мени уйга олиб бориб қўйинглар, — деди у. — Бу аҳволда машина ҳайдолмайман.

Мошинага ўтиргач, уни титроқ босди. Юзи гезариб кетганди.

— Улар сизларни ҳам ўлдиришлари мумкин эди, — деди тишлари такирлаб. — Икки минут олдин келганларингизда. Мени кечиринглар. Ҳаммамизни кечиринглар. Гўзал Италия. Сайёҳлар меҳроби, — истеҳзо билан жилмайди у.

Кейин меҳмонхонага қайтдик. Ҳалиги воқеани бошқа эсламадик. Шусиз ҳам бари аниқ-равшан эди.

— Бу ердан кетамиз. Нима дейсан? — сўради Эвелин.

— Бир кун ҳам турмаймиз.

Нарсаларимизни йиғиштириб, меҳмонхона билан ҳисоб-китоб қилдик. Ордан йигирма минут ўтар-ўтмас шимол томон елиб борардик.

Ҳеч қаерда тўхтамай, ярим кечада Италия чегарасини кесиб ўтиб, Монте-Карлога етиб келдик. Эвелин казинога кириб, бир оз қимор ўйнайман, деди. Менда на қимор ўйнашга, на томоша қилишга хоҳиш бор эди. Қаҳвахонага кирдим. Бир соатлардан кейин Эвелин пайдо бўлди. Оғзи қулоғида. Беш юз франк ютипти, шунинг шарафига қаҳвахонадаги харажатни ўзи тўлади. Аммо-лекин унга ким ўйланса, темир асабли хотинга эга бўлади.

Ижарага олинган шофёрли мошинада Эвелин мени Парижнинг Орли аэропортига кузатиб қўйди. (“Ягуар”имизни Фабиан тайинлаган одамнинг гаражидан қолдиргандик). Эвелин Парижда яна бир неча кун қоладиган бўлди. Шундоқ шаҳардан дарров жўнавориш уят, деди. Франция оралаб Парижга келганимизга қадар роса яйради. Йўлда шошмадик, тез-тез тўхтаб, диққатга сазовор жойларни томоша қилдик, Лион ва Аваллонда иштаҳа билан овқатландик. Эвелин мени Бонэ ибодатхонаси олдида суратга туширди, кейин вино ертўлаларини кўздан кечирдик, Фонтенбло қасрининг ичкари ҳовлисида яна суратга тушдик. Саёҳатнинг сўнгги кунини Париж яқинидаги Барбизанда ўтказдик, қадимий антиқа меҳмонхонада тунаб қолдик. Овқатланиб ўтирганимизда саргузаштларимни Эвелинга ипидан-игнасигача гапириб бердим. Пул қўлимга қандай қилиб тушиб қолганини ҳам, Фабианни қай йўсинда қидириб топга-

нимни ҳам, у билан қилган ишларимизни ҳам — барини айтдим. Ҳеч нарсани яширмадим. У ҳикоямни индамай эшитди. Сўзимни тугатганимдан кейин кулиб юборди.

— Нима учун менга уйланмоқчи бўлаётганингни энди тушундим, — деди Эвелин кула-кула. — Минг қилса ҳам адвокатман-да. — У энгашиб, юзимдан ўпди. — Ўзингни қийнама, азизим. Ўшандай вазиятда пулни мен ҳам олган бўлардим.

Ўша кеча кучоқлашганча қотиб ухладик. Кўп гаплашмадик. Зеро, ҳаётимизнинг бир боби тугаб, янгиси бошланаётганини иккаламиз ҳам тушуниб турардик.

Орли аэропортига етиб келдик, аммо Эвелин мошинадан тушишни хоҳламади.

— Узр, азизим, аэропорт ва вокзалларда хайрлашишни ёмон кўраман, — деди у.

Беозоргина ўпдим, у юзимни оналарча сийпалаб қўйди.

Кўзимга ёш келди, Эвелин йиғламасди-ю, бироқ кўзлари одатдагидан кўра чарақлаб турарди. У гўзал эди.

— Қўнғироқ қиламан, — дедим мен мошинадан тушаётиб.

— Кутаман қўнғироғингни. Сэг-Харбордаги телефон рақамим сенда бор-ку. Мошинага энгашиб, уни яна бир бор ўпдим.

— Кўришгунча, — деди у.

Юқларимни кўтариб олган ҳаммолга эргашдим. Бу гал юк квитанциялари чамадонларимдаги ёрлиқлар билан бир хил эканига шахсан ишонч ҳосил қилдим.

Шамоллаб қолганимни самолётга чиққанимда сездим, самолёт Бостоннинг “Логан” аэропортига қўнганида эса бурнимдан сув оқиб, тинмай аксирардим. Аҳволимни кўрган божона ходимнинг раҳми шекилли, юқларимни текширмади. Шундай қилиб, Римда тиктирилган бешта костюмга бож ҳақи тўламадим. Таксичи мени “Риц-Карлтон” меҳмонхонасига олиб бориб ташлади. Октобрў томондан жой олдим. Ҳар ҳолда Фабианнинг, ҳамма вақт энг яхши меҳмонхонада яшаш керак, деган ўгитини пухта ўзлаштирган эдим. Дарбонга қўнғироқ қилиб, Библия кераклигини айтдим, кўп ўтмай хизматкор бола китобнинг юмшоқ муқовали арзон нашрини келтириб берди. Уч кеча-кундуз кўрпа-тўшак қилиб ётдим, ром қўшилган чой ичдим, аспириин ютдим, бир терлаб, бир титрадим, Библияни варақладим, телевизор кўрдим. Телевизордан шунақа нарсаларни кўрсатишдики, Америкага қайтганимдан пушаймон ҳам бўлдим.

Тўртинчи кун оёққа турдим. Меҳмонхона билан ҳисоб-китоб қилиб, ижарага мошина олдим. Ҳаво ёмон эди: йўллар пилч-пилч, шамол, осмонни булут қоплаган. Мен шошардим. Бўладиган ишнинг тезроқ бўлгани яхши.

Орқа-олдимга қарамай мошинани қувардим. Алаҳсийдиган нарсанинг ўзи йўқ: йўлнинг икки томони бийдай дала, яланғоч дарахтлар, фермерларнинг сўппайган уй ва омборлари. Бензин қуйдиргани тўхтаганимда тепамдан самолёт учиб ўтди. Шунақа паст учдики, овози қулоқни тешворай деди. (Булут тўсиб тургани учун ўзи кўринмасди). Бир маҳаллар мен ҳам штурвал ёнида ўтириб, шу ердан кўп маротаба учиб ўтганман... Беихтиёр чўнтагимдаги қумуш долларни ушлаб қўйдим.

Берлингтонга етиб келганимда соат учга яқинлашиб қолган эди, ҳаялламай мактабга қараб сурдим. Мошинани мактаб биноси рўпарасида тўхтатдим-да, моторни ўчириб, кута бошладим. Кўп ўтмай қўнғироқ чалинди, болалар қийчувлашиб ташқарига чиқишди. Ана, Пэт ҳам кўринди. Эғнида мўйнали пальто, бошига қалин шарф ўраб олган. Узоқни кўролмаслигини биламан, бинобарин, мошинани пайқамаслиги аниқ. Эшикни очиб, тушмоқчи бўлиб турган эдим, катак камзул кийган новча бир ўқувчи Пэтни тўхтатди. Улар кўчада, совуқда туриб гаплаша бошлашди. Шамол пальто этаклари ва Пэтнинг бошидаги шарф учларидан тортқиларди. Ён ойна терлаб кетди, аниқроқ кўриш мақсадида уни туририб қўйдим.

Пэт ҳам, бола ҳам шошмасди, фурсатдан фойдаланиб, Пэтга тўйгунча тикдим. Кейин шундай хулосага келдим: рўпарамда мулоим ва ёқимтой аёл турипти, аммо йиллар ўтиб, у одатдаги қаттиққўл муаллима қиёфасига киради, ўшанда бу аёл билан қувонч ва ҳасратларимни баҳам кўришни хоҳламайман, албатта. Ундан кўра қалбимда ширин ва олис хотиралар қолгани яхши.

Шаҳд билан моторни ўт олдирдим. Гапга берилиб кетган Пэт ёнидан ўтган мошинани пайқаламай ҳам. Тепадаги кичкина кўзгуга қарадим: бефайз, кимсасиз кўчада икки нафар инсон жуссаси ҳамон ёнма-ён турарди.

Дорихонага кириб, Сэг-Харборга қўнғироқ қилдим.

— Севги, муҳаббат! — хитоб қилди Фабиан афтини буриштириб. Орадан бир неча кун ўтган, мен Фабианнинг Нью-Йоркдаги “Сент-Рижис” меҳмонхонасидан ижарага олган ҳашаматли хонасида ўтирардим. Ҳар вақтдагидай турли тиллардаги газеталар сочилиб ётипти. Икковимиздан бошқа ҳеч ким йўқ. Лили Англияга қайтиб кетган. Эвелинга телефонда, эртага олдингга бораман, деб қўйганман.

— Мен сизни севги ёшидан ўтгансиз, деб ўйлагандим, — деди хуноб бўлиб Фабиан. — Ҳалиям гўр экансиз. Хўп, ҳозир-ку осмонда юргандирсиз, кейин-чи... Индамай ўтиравердим. Майли, кўнглини бўшатволсин.

— Сэг-Харборда яшармишлар-а! — Фабиан асабийлашиб у ёқдан-бу ёққа юрарди. Қалин девор ва оғир дераза пардалари кўча шовқинини ичкарига ўтказмасди. — Нью-Йоркдан атиги икки соатлик масофа нарида-я. Пешонангиздан отиб кетишади-ку! Иннайкейин, қиш пайтида ҳеч Сэг-Харборда бўлганмисиз? Муҳаббатингиз сўнганидан кейин у ерда нима қиласиз, қайиш уқалайсизми?

— Иш топилар. Ҳеч бўлмаса, китоб ўқийман, сиз иккаламиз учун ҳам арава-ни тортаверасиз.

Фабиан бир гўлдираб, аччиқ жилмайди.

— Нима бўлганда ҳам, — давом этдим мен. — Америкада, миллионлаб ўзимга ўхшаган одамлар орасида яшаш мен учун хавфсизроқ. Оврупода кўрдингиз-ку, қаяққа борсам, ола қарғадай кўзга ташланиб тураман.

— Мен сизни бегона шароитда яшашга ўргатмоқчи эдим.

— Икки дунёда ҳам бундай бўлмайди, — эътироз билдирдим унга. — Ўзингиз яхши биласиз.

— Кўникиб қолувдингиз-ку. Иккаламиз бирга ўтказган қисқа вақт ичида анча-мунча ўзгаргандингиз. Дарвоқе, эгнингиздаги менинг устам тикиб берган костюмми? — Ростдан ҳам Римда тикилган костюмлардан бирини кийиб олган эдим.

— Ҳа, — тасдиқладим мен. — Ёқдимми?

— Танишганимиздан буён яхши томонга ўзгардингиз. Сочингизни ҳам Римда олдиргансиз, шундайми?

— Сиздан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди, — дедим бош чайқаб. — Эҳ, Майлс, Майлс...

— Сэг-Харборда яшаб, кимларга ўхшаб кетишингизни ўйласам, юрагим оркамга тортиб кетади.

— Худди мен ёввойи одамлар орасида яшайдигандай гапирасиз-а. Сэг-Харбор — Лонг-Айленднинг бир қисми, АҚШнинг энг кўркем жойларидан бири.

— Менинг фикримча, — деди Фабиан ҳамон у ёқдан-бу ёққа юраркан. — АҚШда кўркем жойнинг ўзи йўқ, мен сизга айтсам.

— Нега йўқ бўларкан? — эътироз билдирдим мен. — Агар янглишмасам, ўзингиз ҳам Массачусетс штатининг Лоуэлл шаҳрида туғилгансиз.

— Тўғри, сиз Пенсильвания штатининг Серантон шаҳридансиз, — деди Фабиан. — Лекин буни иккаламиз ҳам унутишимиз керак. Англашилмовчилик бу. Майли, уйлансангиз уйланинг. Розиман. Аммо ўғил кўришни ҳам орзу қиляпсиз шекилли. Борингки, бунга ҳам “хўп” дейин, гарчи принципларимга зид бўлса ҳам. Дарвоқе, Америка болаларига ҳеч разм солганмисиз?

— Албатта. Туппа-тузук болалар.

— Йўқ, бу хотин сизни тамом жодулаб қўйпти. Вой, юбка кийган адвокатей, — гўлдиради у. — Агар билганимда, сизни бир соат ҳам ёлғиз қолдирмасдим. Ўша аёл учрашгунингларга қадар Оврупода бўлганми?

— Ҳа, бўлган.

— Шундай таклифни ўртага ташласангиз-чи: турмуш қурасизлар. Майли. Кейин бир йил Оврупода яшайсизлар. Америкалик аёллар Оврупони ёқтиришади, чунки у ернинг эркаклари етмиш ёшда ҳам кучдан қолишмайди. Айниқса, Франция билан Италияда. Олдин Лили билан маслаҳатлашсин, кейин ўзи бир қарорга келар. Ё ўзим гаплашайми?

— Нима ҳақда гаплашсангиз ҳам, бу мавзудан оғиз очманг. Қолаверса, бу фақат унинг хоҳиши эмас. Мен ҳам Оврупода яшашни истамайман.

— Демак, Сэг-Харборда чириб кетмоқчи экансиз-да, — деди Фабиан жиғибийрон бўлиб. — Нима сабабдан?

— Сабаблари кўп. Аксарияти уйланишимга боғлиқ эмас. — Менга туртки берган Анжело Квиннинг суратлари ҳақида индамай қўя қолдим.

— Ҳеч бўлмаса, таништириб қўясизми? — сўради у ўпкалагандай бўлиб.

— Агар бошини қотирмасангиз.

— Наҳотки дўстингизга ишонмасангиз. Бўпти, оғзимга талқон солволаман. Қачон таништирайсиз?

— Эртага эрталаб олдига бораман.

— Жудаям барвақтмас-да, хўпми? Соат ўнда учрашувим бор. Иш билан боғлиқ, Аммо-лекин чакана ишмас. Кейин тушунтираман. Хурсанд бўласиз.

— Бунга шубҳам йўқ.

Тушга яқин Ист-Сайддаги француз ресторанида овқатланиб ўтирганимизда Фабиан қилган ишлари тўғрисида гапириб берди. Маълум бўлишича, Женева аэропортида шеригим билан Слоуннинг жасади солинган тобутни кўтариб, осмонга парвоз қилган самолётни кузатиб қолган кунимдан бери иккаламиз ҳам анча-мунча бойликка эга бўлибмиз.

Эвелиннинг уйига етиб келганимизда соат олтига яқинлашиб қолганди. Сокин қишлоқ устини ғира-шира қоронғилик қоплаган эди. Йўл-йўлакай Фабиан Ист-хэмптонда тўхтаб, меҳмонхонадан ўзига жой олди. Кейин ваннага тушди, кийимларини алмаштирди, телефонда Оврупо билан икки марта гаплашди. Тишимни тишимга қўйиб, кутдим. Эвелин сизга алоҳида хона ажратиб қўйган, нима қиласиз меҳмонхонада, десам, шундай жавоб қайтарди:

— Раҳмат, дўстим, менга тўғри келмайди. Девор орқасида каравотнинг гичирлашини эшитиб, эрталабгача тўлганиб чиқишга тобим йўқ. Айниқса, отўйин иштирокчилари таниш бўлса.

Эвелиннинг Вашингтондаги уйида нонушта қилиб ўтирганимизда Бренда Морриси ҳам тахминан шундай дегани ёдимга тушиб, Фабианни ортиқча қис-тамадим. Уй олдида тўхташимиз билан дарвоза чироғи ёнди. Демак, Эвелин бизни кутаётган экан.

Денгиз соҳилининг баланд қояси устига қурилган уй олдидаги майсазорга чироқнинг майин шуъласи ёғиларди. Майсазор атрофида эман кўчатлари, майдоннинг этагида эса шамол қийшайтирган кўҳна қайрағоч кўзга ташланади. Атрофда бошқа хонадон йўқ.

Бу кичкина, кўримсиз, ёгин-сочиндан эскирган уйни кўриб, беихтиёр ўйга толдим — наҳотки шу ерда яшаб, шу ерда ўлиб кетсам?

Фабиан икки шиша шампан оламан деб турволди. Қўйинг, Эвелин ичишни яхши кўради, ичкиликни ўзи тайёрлаб қўйган, десам ҳам кўнмади. Чамадонларни олиб киришга ёрдамлашиш ўрнига икки қўлига икки шишани ушлаводди. Унинг даражасидаги одамга бундан ортиқ юк ярашмайдигандай туюлган бўлса керак-да.

Кейин турган жойида, худди душман билан олишишга тайёрлангандай, уйни узоқ кўздан кечирди.

— Жудаям кичкина-ку, а? — деди ниҳоят.

— Нега энди? — жавоб бердим унга. — Биласиз-ку, буюклик ҳақидаги тасавурларингизга ҳеч қачон қўшилган эмасман.

— Афсус, — деди Фабиан мўйловини бураб.

— Қани, юринг, — ичкарига таклиф этдим уни.

— Балки олдин ўзингиз кирарсиз, — Фабиан ўрнидан қўзғалмади. — Мен кутиб тураман. Холи гаплашволадиган гапларингиз бордир.

— Сермулозаматлигингизга тан бераман, лекин ҳозир мутлақо ўринсиз. Ҳамма гапни телефонда гаплашиб бўлганмиз.

— Қандай қисматни бўйнингизга олаётганингизни тасаввур қиляпсизми?

— Жуда яхши тасаввур қиляпман, — шундай деб, уни қўлтиғидан олдим-да, шағал тўкилган йўлкадан ҳовлига бошладим.

Эвелиннинг уйидаги бу оқшом кўнгилдагидай ўтди, деёлмайман. Уй қимматбаҳо мебеллар бўлмаса ҳам, дид билан жиҳозланганди, лекин Фабиан айтганидай, сал торроқ эди. Римда харид қилган суратларим деворда хонага ажиб бир тароват бахш этиб турарди. Эвелин оддий кийинганди, эғнида қора шим ва свитер, гўё бу билан биринчи бор танишаётган дўстим шарафига махсус тайёргарлик кўрмаганини таъкидламоқчига ўхшарди. Шампан учун раҳмат айтди, лекин ҳозир ичгим йўқ, деб бизга коктейль тайёрлагани ошхонага қараб юрди.

— Шампан тўйга қола қолсин, — деди у орқасига ўгирилиб.

— О, унда дарё қилворамиз, муҳтарам Эвелин, — жавоб берди Фабиан.

— Шундай бўлса ҳам ҳозир ичолмайман, — қатъий рад этди Эвелин ва ошхонага кириб кетди.

Фабиан менга муҳим бир гапни айтмоқчидай ўйчан тикилди-ю, кейин фикридан қайтиб, ўзини каттақон чарм креслога ташлади. Эвелин кўза билан стаканларни кўтариб кирганида у бетоқат бўлиб мўйловини бурарди, лекин бунинг Эвелинни сездирмай, коктейлни мақтаб кетди.

Эвелин менга чамадонларни ётоқхонага олиб киришга ёрдамлашди. У, конституция бизга упадон билан чек дафтарчаси бор сумкачадан бошқа нарсани кўтармаслик ҳуқуқини инъом этган, дейдиган америкалик аёлларга ўхшамасди. Бунинг устига, кўринишига нисбатан бақувватроқ эди. Ётоқхона кенг экан: унга туташ ваннахона билан уйнинг буткул бир томонини эгаллаган. Икки ўринли каравот, пардоз столчаси, китоб жавонлари ва бир жуфт тўқима кресло. Жудаям файзли хона. Чироқлар ҳам ўқишга қулай жойга қўйилган.

— Қалай, шу ерда ўзингни бахтли сезасанми? — сўради Эвелин. Овозида жиндай ҳадик ҳам бор эди.

— Албатта, — шундай деб, бағримга босдим, юзидан ўпиб кўйдим.

— Лекин дўстингга уйим ёқмади, шекилли.

— Аҳамияти йўқ. Сенга у эмас, мен уйланыпман-ку.

— Ноумид шайтон, — деди Эвелин иккиланиброқ. — Иззатталаб одам. Вашингтондаги сиёсатчиларга ўхшаб кетади. Жаҳли чиққанда лабларини қисади. Ҳарбийда хизмат қилганми?

— Ҳа.

— Полковник бўлса керак. Худди уруш тугаб қолганидан қайғураётган полковникни эслатади. Гаров ўйнайман, полковник. Тўғрими?

— Билмадим, сўрамаганман.

— Яқин дўстсизлар деб ўйлаган эдим.

— Ҳа, дўстмиз.

— Унвони қанақалигига қизиқмадингми?

— Йўқ.

— Ғалати дўст экансизлар, — деди кулиб Эвелин.

Фабиан камин олдида туриб, Анжело Квиннинг овлоқ бир шаҳарнинг кўчаси тасвирланган суратини томоша қиларди.

Хонага қайтиб кирганимизда ўзи диққат билан кўздан кечириётган сурат ҳақида лом-мим демади.

— Гапнинг пўст калласи шуки, — мурожаат қилди у бизга тантанавор қиёфада. — Сизларни учрашувимиз муносабати билан моллюска, қисқичбақа ва бошқа денгиз инъомларидан тайёрланган таомга таклиф этсам, азизларим. Узоқ эмас, Истхэмптонда кичик бир ресторан бор...

— Бошқа жойга боришнинг ҳожати йўқ, — унинг гапини бўлди Эвелин. — Сэг-Харбордаги ресторанда қисқичбақани шунақа мазали тайёрлашадики, унақаси тушингизга ҳам кирмаган.

Фабиан лабини қимтиди, кейин таъзим қилди:

— Ихтиёр сизда, қадрли Эвелин.

Эвелин пальтосини олгани кириб кетди, иккаламиз қолдик.

— Аёлингиз менга маъқул бўлди, лекин миясида нима хаёл — ким билади. Сизга ачинаман, Дуглас!

— Бу дунёда ҳеч кимга ва ҳеч нарсага ачинманг, — шартга гапини бўлдим.

Фабиан елкасини қисди, мўйловини буради, сўнг камин тепасидаги суратга қаради.

— Қаердан топган суратни? — сўради у.

— Римдан сотиб олиб, совға қилганман.

— Сиз-а? — таажжубланди у. — Қизиқ. Кимдан олгансиз?

— Бонелли деган кишидан.

— Э-э, танийман. Кўргазмасида бўлганман, — деди Фабиан. — Жағи ўйнаб турадиган қария-да. Римга борсам, албатта кириб ўтаман.

Эвелин пальтосини кўтариб кирди, Фабиан кийдириб қўйиш учун чопиб олдига борди. Сал енгил тортидим.

Қисқичбақа Эвелин мақтаганича бор экан. Фабиан бир шиша вино буюрди, ичиб бўлганимиздан сўнг, иккинчисини чақирди, орадаги бояги таранглик ариди. У менинг чанғи учимни мақтади, Эвелинга чанғида юришни Дугласдан ўрганнинг, деди. Гап орасида Париж, Гштаадда кечган ҳаётимиздан ҳикоя қилиб берди, Квадрочелли тўғрисидаги латифаларни эслади, биз эса қайиқнинг қандай портаб кетганини сўзладик. Хуллас, суҳбатимиз қизиқ кетди, табиийки, Лилини ҳам, Юнисни ҳам тилга олмадик. Фабиан Эвелинга ёқишга ҳаракат қилаётгани сезилиб турарди.

— Айтинг-чи, Майлс, — мурожаат қилди унга Эвелин қаҳва ичиб ўтирганимизда. — Уруш пайтида полковник бўлгансиз, а? Дугласдан сўрасам, билмайман, деди.

— Худо сақласин, — кулди Фабиан. — Бор-йўғи кичик лейтенант бўлганман.

— Мен сизни камида полковник деб ўйлагандим.

— Нима учун?

— Ўзингизни тутишингиздан-да.

— Қусурларимни яшириш учун ўзимни шундай тутаман.

Ресторандан чиққанимизда денгиз устини туман қоплаганди. Фабиан таксига ўтирди.

— Яхши ўтирдик. Бундан кейин ҳам шундай бўлади, деб умид қиламан. Хайрлашиш олдидан бир ўпиб қўйинг, азизим Эвелин.

— Жоним билан, — Эвелин унинг чаккасидан ўпди.

Иккаламиз такси орқасидан қараб қолдик, унинг қизил чироқлари туман қаърига сингиб кетди.

Фабиан билан узоқ вақт кўришмадик. Лондонда бўлгани учун тўйимизда ҳам қатнашолмади. Аммо мунтазам қатновчи самолётнинг таниш стюардессасидан қирол Георг замонида доир кумушдан ясалган қаҳва идишлари йиғмасини совға қилиб жўнатди. Ўғлимиз туғилганда эса ундан беш дона қадимий тилла танга олдик. Бу пайтда у Цюрихда эди.

Йигирма тўртинчи боб

Болға овозидан уйғониб кетдим. Каравот ёнидаги пастак жавонча устида турган соат ниллари тўққиз минути кам етгани кўрсатарди. Ётган жойимда эснаб, ҳузур қилиб керишдим. Уйимизга туташтириб қурилаётган янги иморатда Жонсон исмли дурадгор ишлаётганди. У бўлса-бўлмаса, мен чин кўнгиладан ишлайман, нонимни ҳаминиша ҳалоллаб ейман, деган гапни такрорлашни яхши кўрарди.

Эвелин бир қимирлади-ю, лекин уйғонмади. Нафас олиши эшитилиб турарди, тўшагининг ярми ерга осилиб тушган, шу тобда кучоқлаб, бағримга босгим келди-ю, ўзимни тийдим, чунки у эрталаблари инжиқроқ бўлади, бунинг устига, кеча ишдан қайтгач, мижозларининг хужжатлари билан танишиб алламаҳалгача ухлагани йўқ.

Ўрнимдан туриб, ҳаво қанақалигини билиш мақсадида дераза пардасини очдим. Илик ёз тонгининг кунчиқар пайти эди. Чўмилганда кийиладиган халатни елкамга ташлаб, сочиқни олиб, яланг оёқ ташқарига чиқдим. Шунда оллоҳ мени денгиз бўйида яшайдиган хотинга йўлиқтирганига минг бора шукроналар айтдим.

Пастга тушиб, меҳмонхонага бош суқдим. Ҳозир уни болалар хонасига айлантиргандик. Ўғлимга қараб турадиган энага қиз ошхонада нимадир тайёрларди. Ўғлим икки ёнига тўр тутилган каравотда ётипти. Ҳозиргина сут ичган шекилли, нуқуя тамшанади. Устига энгашдим. Ҳали жиш. На менга ўхшайди, на онасига. Ҳамма чақалоқлардан фарқи йўқ. Каравот ёнида турганда ҳеч нарсани ҳис этмадим, аммо чиқиб кетаётиб, кўнглим фаҳрга тўлди.

Кейин дарвоза зулфинини тортдим. Уни бу уйга келган кунимоқ ўрнатган эдим. Эвелин, кераги йўқ, деди. Шу пайтгача ота-онасини ҳам, ўзини ҳам ҳеч ким безовта қилмаган эмиш. Аммо мен ҳар куни ётишдан олдин зулфини суриб қўярдим.

Уй олдидаги майсазорда шудринг йилтирар, яланг оёқларимга хуш ёқарди. Дераза ромини ўрнатаётган дурадгор билан салом-алик қилдим. У сипо ва жиддий одам эди. Бошқалар ишга соат саккизда келишарди, Жонсон эса, ўзининг айтишича, барвақт, ҳеч ким йўқлигида ишлашни ёқтирарди. Уни ёшлигидан бери биладиган Эвелиннинг гапига қараганда, Жонсон уйкучи одамларни ёмон кўраркан, барвақт уйғотворса ич-ичидан севинаяркан.

Янги иморат битай деб қолганди. Уни болалар хонаси ва Эвелин шуғулланадиган кутубхона қилмоқчимиз. Шу пайтгача у ошхонада ишларди. Шаҳарда адвокатлик маҳкамаси бор эди-ю, у ерда телефон узлуксиз жиринглайвериб, ишлагани қўймасди. Котиба билан иш юритувчи аёл кўмаклашганига қарамай, кундузи соат тўққиздан олтигача хужжатларни таҳлил қилишга улгурмасди. Чекка бир жойда шунча судлашувлар борлигига ёқа ушлайсан киши.

Уйни айланиб ўтиб, денгиз соҳилига тушдим. Рўпарамда куёш нурига фарқ бўлган сокин кўрфаз ястаниб ётарди. Халатни ечиб, ўзимни денгизга отдим. Июлнинг бошлари бўлгани учун эрталаблари сув ҳали совуқ эди. Ўттиз метрлар сузиб боргач, орқамга қайтдим. Баданим жизилларди.

Соҳилга чиқдим-да, қип-яланғоч бўлволиб, этим қизариб кетгунча артиндим. Атрофда ҳеч ким йўқ эди, бинобарин, бировнинг мени яланғоч қиёфада кўриб қолишидан чўчимасдим.

Кейин ошхонада нонушта тайёрлай туриб, эрталабки янгиликлардан боҳабар бўлиш мақсадида радиони бурадим. Вашингтондан президент Никсонни истеъфога чиқишга мажбур қилишлари мумкинлиги тўғрисида гапиришарди. Стол ёнида ўтириб, апельсин шарбатидан татиб кўрдим, гўштли қуймоқ едим, қовурилган бурда нон билан қаҳва ичдим ва шунга амин бўлдимки, офтоб чарақлаб турган тонгда ўзинг тайёрлаган нонуштанинг лаззати бошқача бўларкан.

Уйланганимга эндигина бир йилдан сал ошган бўлишига қарамай, рўзгор ишларига киришиб кетдим. Кўпинча, айниқса, Эвелин ишдан чарчаб келган пайтларида, овқатни ўзим пиширардим. Аммо буни дунёдаги бирор тирик жон, энг аввало Фабиан билмаслиги кераклигини Эвелинга тайинлаб қўйгандим.

Сўнги уч ҳафтадан буён Фабиан биздан сал нарида, Истхэмптонда менинг ташвишимни чекиб юарди.

Гап шундаки, йил бошида у Римга борганида Анжело Квин билан унинг ҳамма тайёр ва чизилажак суратларини харид қилиш тўғрисида шартнома тузган экан. Шундай шартномани Цюрихда бошқа бир расом билан ҳам тузипти. Бир куни кутилмаганда уйга кириб келиб, Истхэмптон яқинида суратлар кўргазмасини очамиз, сиз раҳбар бўласиз, деб қолди. Бу тақлиф менга бемаънидай туюлди, аммо, таажжубки, Эвелинга маъқул бўлди.

— Барибир бекор юрибсиз, — деди Фабиан. — Ундан кўра шу иш билан шуғулланганимиз яхши эмасми? Мен ҳар доим ёрдамга тайёрман. Албатта, кўп нарсани ўрганишга тўғри келади, аммо сиз рассом Квинни кашф этиб, дидингиз ўткирлигини исбот қилдингиз.

— Совға учун иккита суратини сотиб олганим рост, лекин рангтасвир билағони эмасман.

— Айтинг-чи, Дуглас, бирор марта сизни зарар келтирадиган ишга ундаганманми?

— Йўқ, унақа бўлган эмас, — тан олдим мен.

Фабианнинг тилла, шакар, вино, Канада рухи ва кўрғоқчини билан қилган олди-сотдиси ичиди энг салмоқлиси Гштааддан ер харид қилгани бўлди. (Рождество байрамларига қадар қурилаётган коттежлар битади, бари олдиндан ижарага бериб қўйилган). Шунингдек, “Уйқудаги шаҳзода” фильмига ажратган сармомиз ҳам ўзини тўла оқлади. Фильм етти ой давомида Нью-Йорк, Чикаго, Даллас, Лос-Анжелеснинг ҳамма кинотеатрларида намойиш этилди. Тўғри, черков ҳам жим тургани йўқ, унинг нашрлари роса гўримизга гишт қалади. Бахтимизга, бизнинг исмимиз фильмнинг ҳеч қаерида қайд этилмаганиди, фақат чекни ҳар ой мунтазам олиб турардик. Бу чеклар менинг Цюрихдаги ҳисоб варақамга (очиқ ва ёпиқ) келиб тушар, маблағим кун сайин кўпайиб борарди.

— Тўғри, — тақорраладим мен, — сиздан ёмонлик кўрганим йўқ.

— Бу жойлар ҳар жиҳатдан тўкин, — давом этди Фабиан. — Бу ерда пул ҳам, картошка ҳам, рассомлар ҳам бор. Йилига беш марта маҳаллий рассомларнинг кўрғазмасини ташкил этишингиз мумкин, шунда ҳам ҳаммасини қамраб ололмайсиз. Бу ернинг одамлари санъатга қизиқишади, сурат харид қилишга пуллари ҳам бор. Шароит машҳур курортларникидан қолишмайди. Суратни Нью-Йоркда чанг босиб ётган асарларга нисбатан икки барабар қимматига сотиш мумкин. Лекин биз фақат шу жой билан чегараланиб қолмаймиз. Олдин ишни бошлаволайлик. Кейинчалик, масалан, Палм-Бич, Хьюстон, Беверли-хиллз, ҳатто Нью-Йорк томонларда омадимизни синаб кўрамиз... Бир-икки ой Палм-Бичда бўлишни хоҳламайсизми? — Фабиан Эвелинга мурожаат қилди.

— Хоҳлайман, албатта, — жавоб берди Эвелин ҳеч иккиланмай.

— Бундан ташқари, Дуглас, даромадингизнинг маълум қисми солиққа кетади. Америкада яшайсизми — марҳамат қилиб, солиқни тўлаб қўйинг. Лекин кечасилари хотиржам ухлайсиз — даромадларингиз манбаини ҳамма билади. Оврупога ҳам қонуний равишда бораверасиз. Ахир, сиз истеъдодларнинг тан олинган кашфиётчисисиз-ку. Оврупога ташриф буюрганда банкка кириб, ҳисоб варақангиздан истаганча пул олишингиз мумкин. Қолаверса, яхшилигимга яхшилик қайтарадиган пайтингиз ҳам кеп қолди менимча.

— Хўш-хўш, — дедим шошиб.

— Тагин миннат қиляпти, деб ўйламанг, — Фабиан хатосини тўғрилашга уринди. — Шунчаки инсон ҳамма вақт инсон бўлиб қолиши керак, демоқчиман.

— Яхшилаб эшит, — деди Эвелин. — Майлс тўғри гапиряпти.

— Раҳмат, хоним, — Фабиан Эвелинга таъзим қилди. Кейин менга юзланди: — Мен учун жудаям азиз бўлган ўзаро фойдали лойиҳамга қаршимасмисиз? — Йўқ, албатта.

— Унда фикримни давом эттираман. Сиз мени биласиз. Музей ва кўрғазмаларда бирга юргансиз. Санъатга озми-кўпми ақлим етишига ишонч ҳосил қилгансиз. Рассомларга ҳам. Гап асарнинг нархида эмас. Мен рассомларни яхши кўраман. Ўзим ҳам ёшлигимда рассом бўлишни орзу қилганман. Афсус... Лекин улар билан тиллаша оламан, ёрдам беришга қурбим етади, янги номларни кашф этишим мумкин...

Сал оширвормадим, деб ўйлаб қолдим. Чунки гапга тушиб кетганда рост билан ёлғонни ажратолмайдиган одати бор.

— Анжело Квин зўр рассом, бунга шубҳа йўқ, — давом этди Фабиан. — Лекин кунлардан бир кун ёшгина йигит ҳузуримга келиб, суратини кўрсатса-ю, мен: “Умр бўйи кутганим мана шу эди! Энди ҳамма ишимни йиғиштириб, фақат сиз билан шуғулланаман!” — деб қолсам-чи? Шунақа бўлиши ҳам мумкин-ку.

— Мумкин, — дедим унга. Аввал бошданоқ мени гапига ишонтирмагунча тинчимаслигини билардим. — Розиман. Ҳар вақтдагидай. Қолган умримни Майлс Фабиан музейнинг қурилишига бағишлайман. Музей қаерда бўлишини хоҳлайсиз? Сен-Поль де Ванс тўғри келадими?

— Албатта. Нега тўғри келмас экан? — деди Фабиан жиддий оҳангда.

Хуллас, ишни орқага сурмай, Истхемптон яқинидан бир саройни ижарага олдик, уни обдон супуриб-сидириб, деворларини бўяб, эшигининг тепасига: “Жанубий айрилишдаги суратлар кўргазмаси” деган ёрлиқ осиб қўйдик. Ёрлиққа камтарликданми ёки масхара бўлишдан чўчибми, исминни ёздирмадим.

Тўрт кун давомида деворларига Анжело Квиннинг ўттизта сурати осилган ана шу кўргазмада эрталаб соат тўққизда мени Фабиан кутарди. Кўргазманинг очилишига таклиф қоғозларини икки ҳафта бурун тарқатган эдик. Фабиан ёзни Хемптонда бирга ўтказган танишларидан бир тўдасини очилиш маросимида шампанга тўйдиришга ваъда берганди. Ҳар эҳтимолга қарши, мошина бекатида тартиб сақлаш мақсадида икки нафар полициячини ҳам чақиргандик.

Телефон жириглаганда қаҳва ичиб ўтирган эдим.

— Дуг, — деган овоз эшитилди гўшакдан, — бу мен, Генриман.

— Ким?

— Аканг Генри. Нима бало, танимамай қолдингми?

Акам бир йил бурун тўйимизга келганди, ўшандан буён кўришмагандик. Иккита хатида биз пул қўшган ишнинг натижаси яхши бўлиши кутилаётгани ҳақида ёзган эди, мен учун эса бу — ҳадемай ишнинг пачаваси чиқади, деган маънони билдирарди.

— Қалайсан? — сўрадим мен.

— Яхши, яхши, — деди акам шоша-пиша. — Бугун сен билан кўришишим керак.

— Бугун жудаям бандман. Балки...

— Орқага суриб бўлмайди. Мен Нью-Йоркдаман. Бор-йўғи икки соатлик йўл.

— Тушунсанг-чи, сира иложи йўқ, Хэнк.

— Бўлмаса, ўзим бораман.

— Халақит берасан-да, ахир...

— Тушлик қиласан-ку, тўғрими? — деди у хафа бўлиб. — Тавба, акасига икки йилда бир соат вақт ажратолмайди-я! Соат ўн иккига етиб бораман. Сени қаердан қидирай?

Истхемптондаги ресторани тайинлаб, йўлни ҳам тушунтирдим. Гўшакни қўйиб, таъбим хира бир аҳволда кийинишга кирдим.

Эвелин эндигина гўшакдан турган экан, ўпиб саломлашдим. Одатига зид ўлароқ, бугун эрталаб кайфияти яхши эди.

— Сендан денгиз ҳиди келяпти, — деди у бағримга қапишиб. Елкасига беозор қоқиб, бугун ишим кўп, кейинроқ кўнғироқ қиламан, дедим.

Истхемптонга бораётиб, акам агар пул сўраса, ўн мингдан бир цент ҳам ортиқ бермасликни кўнглимга тугиб қўйдим.

Фабиан кўргазма бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юрар, зарурат бўлмаса ҳам, деворда осилган суратларни тўғрилаб кўярди. Ёз пайтида ишлаш учун ёлланган қиз сарой адоғидаги узун столга бокалларни терарди. Квиннинг менинг уйимдан олиб келинган икки суратига Фабиан “сотилган” деган ёрлиқни ёпиштириб қўйган эди.

— Шундай қилмасак бўлмайди, — тушунтирди Фабиан. — Суратни ҳеч ким биринчи бўлиб харид қилишни хоҳламайди. Ҳар ишнинг нозик томонлари бор, азизим.

— Сизсиз ҳолим нима кечарди...

— Яна бир нарсани ўйлаб қолдим, — деди у менга таниш оҳангда.

— Қани, эшитайлик-чи.

— Жудаям арзон кетвордик, — жавоб берди Фабиан ишонч билан.

Биз икки кун ўтириб, суратларнинг нархини муҳокама қилган эдик. Пировардида мойбўёқда ишланган катта суратларга бир ярим минг, кичикроқларига саккиз юздан минг долларгача нарх қўйишга келишдик.

— Бу масалани роса муҳокама қилдик-ку, — дедим унга.

— Тўғри. Лекин жуда паст кетибмиз. Халқ нима деб ўйлайди? Ўзлари ҳам суратларнинг ҳақиқий баҳосини билишмас экан, демайдими?

— Таклифингиз қанақа?

— Катталари икки минг, кичиклари бир минг икки юздан бир ярим минггача. Менга ишонаверинг, Дуглас, — деди у, — ёш рассомимизни машҳур қилворамиз. Ўзи келолмагани чатоқ бўлди-да. Соч-соқолини олдириб, чиройли кийинтириб қўйсақ, очилиб кетарди. Айниқса, рангтасвирга ишқибоз аёллар уни кўриб, кўрғазмадан қуруқ чиқиб кетишмасди.

Эътироз билдирмадим-у, нархни мендан сўрамасликлари учун ҳожатхонада бекиниб ўтираман, дедим.

— Дадилроқ бўлиш керак, укагинам, — деди Фабиан насиҳатомуз. — Кўрғазмамизга йўл очишимиз зарур. Кеча бир зиёфатда “Нью-Йорк таймс”да ишлайдиган санъат танқидчиси билан танишдим. Ҳафтанинг охирида шу томонларга дам олгани келаркан. Кўрғазмага кириб ўтишга ваъда берди.

Фабианнинг режалари кўнглимга ғулғула солиб қўйди. Анжело Квиннинг Римдаги кўрғазмаси тўғрисида кичкина бир газета хабар берган эди, холос. Тўғри, кўрғазмани мақташгани, лекин йўл-йўлақай, икки-уч сатрда.

— Нима қилаётганингизни ўзингиз яхши биласиз, — дедим унга. — Мен бу соҳадан мутлақо беҳабарман.

— Томошабинни сеҳрлаб қўйиш керак, — хитоб қилди Фабиан. — Атрофингизга бир қаранг. Ташландиқ сарой музейга ўхшаб кетди.

Деворга осилган суратларга шунча кундан бери тикилавериб, улар менга мутлақо таъсир қилмай қўйган эди. Қанийди иложи бўлса, машҳур бу оролнинг бирор бурчига яшириниб, кўрғазма ёпилгунча ўша ерда Атлантика океанини томоша қилиб ўтирсам.

Саройнинг бир четини пардадевор билан тўсиб, хужра қилиб олган эдик. Фабиан ўша ерга кириб, шампан кўтариб чиқди. Унинг кўрсатмасига биноан бошқа тақир-туқурлар қатори кўрғазманинг зарур жиҳози сифатида музлатгич ҳам сотиб олинган эди. “Бир ҳафтада ўзини қоплайди”, — деди Фабиан уни келтириб, хужрага ўрнатишганда.

Фабиан қизга буюриб ўтирмай, шампанни чаптастик билан очди-да, бокалларни тўлдирди.

— Россомимиз билан кўрғазмамиз учун! — деди у бокалини кўтариб.

Ичдик. Фабиан билан танишганимиздан буён бўшатган шампан шишаларимизни кўз ўнгимга келтириб, бош чайқаб қўйдим.

— Ҳа, айтгандай, ёдимдан кўтарилай депти, Дуглас, — Фабиан яна бокалини тўлдирди. — Бугун сармойамиздан бири кўрғазмага келади.

— Қанақа сармой?

— Кеча зиёфатда машҳур бир меҳмон ҳам бор эди, — Фабиан пиқиллаб кудди. — Присцилла Дин эсингиздами?

— Оббо, шу камлик қилиб турувди!

Беҳаё фильмибиз устига ёғилган маломат ва ҳақоратларнинг асосий тиғи бош роль ижрочисига қаратилганди. Шунга қарамай, унинг яланғоч ва ўта шармсиз ҳолатда тушган расмлари иккита машҳур журналда босилиб чиқди. Кўча-қўйда Присциллани таниб қолганлар орқасидан эргашиб юришарди. Икки-уч марта телетеатрда томошабинлар унинг саҳнадан даф бўлишини талаб этиб, хуштакбозлик қилдилар. Бу хатти-ҳаракатлар қайтанга фильмга қизиқувчилар сонини кўпайтириб юборди, аммо Присцилланинг кўрғазмага ташриф буюриши рассомимиз Анжело Квин асарларининг қимматини оширишига шубҳам бор эди.

— Ўзингиз таклиф қилгандирсиз-да, — дедим энсам қотиб.

— Албатта, — жавоб берди Фабиан бамайлихотир. — У келиб кетгандан кейин газеталар кўрғазмамиз ҳақида ёзишади. Тажанг бўлманг, дўстим. Бир четга чақириб, танишлигимизни ҳеч ким билмасин, деб тайинладим. Присцилла онасини ўртага қўйиб онт ичди. Дора, — Фабиан ёлланган қизга мурожаат қилди, — эшитдингизми, ҳозирги гапимизни ҳар ерда дoston қилиб юрманг тагин.

— Хўп бўлади, мистер Фабиан, — жавоб берди қиз саросималаниб. — Очиги, ҳеч нарсага тушунганим йўқ. Ким у Присцилла Дин?

— Бузуқ аёл, — деди Фабиан. — Беҳаё фильмларни ҳам, журналларни ҳам кўрмаганингиздан хурсандман.

Бу гал қадаҳ сўзларисиз ичдик.

Соат ўн иккидан сал ошганида ресторанга кирганимда акам мени кутиб ўтирарди. Ёлғиз эмасди, ёнида узун малла сочли хушрўй аёл ҳам бор эди. Генри ўрнидан турди, қўл қисийдик. Кўзида кўзойнак йўқ, тишлари бир текис, кўриниши тетик, сал тўлишган. Сочини ҳам бўявопти, ўттиз яшар йигитга ўхшайди.

— Қайлигим билан танишиб қўй, исми Мадлен, — акам ёнида ўтирган аёлга ишора қилди.

— Сиз билан танишиш орзусида эдим, — деди Мадлен стол ёнига ўтирганимдан сўнг. Овози юмшоқ, кўкка мойил кўзлари катта-катта. У дуч келган эркак билан тақдирини боғлайдиган аёлга ўхшамасди.

— Танишганимиз шарафига бирор нарса ичайлик, — таклиф қилдим мен.

— Бизни ҳисобга қўшма. Мен ичмайман, — рад этди Генри.

• — Мен ҳам ҳеч қачон ичган эмасман, — деди Мадлен.

— Унда ичмаймиз.

— Бирор нарса буюрсак бўладими? Вақтимиз зиқ, — деди акам.

— Сизларга халақит бермайман, — Мадлен ўрнидан турди. — Анчадан бери кўришмагансизлар, гапларинг йиғилиб қолган. Мен шаҳарни айланиб келаман.

— Адашиб қолма тагин.

— Ҳаракат қиламан, — жавоб берди кулиб Мадлен.

Акам унинг орқасидан тикилиб қолди. Оёқлари чиройли, қомати келишган, рафтори енгил. Генри нафасини ичига ютиб, аёлдан кўз узмас, бу дунёни тамом унутганди.

— Тақводор акам, буни қандай тушуниш керак? — сўрадим ундан.

— Қалай, ёқдимиз?

— Гўзал, — дедим чин қалбимдан. — Энди дардингни гапир.

— Ажрашяпман.

— Аллақачон қилиш керак эди бу ишни.

— Тўғри.

— Кўзойнагинг қани?

Генри кулиб юборди.

— Контактли линза тақаман. Дўстинг Фабианга раҳмат. Таниш дўхтирига жўнатди. Кўрсанг, мендан салом айт.

— Ҳозиргина бирга эдик. Саломни ўзинг айтишинг мумкин.

— Соат тўртда Нью-Йоркда бўлишим керак.

— Нью-Йоркда нима қиласан? — қизиксиндим мен, чунки унинг Скрантондан кетишини тасаввур қилолмасдим.

— Ҳозир ўша ерда яшяпман, — жавоб берди акам. — Мадленникида, ишим Орендбергда, шаҳардан ярим соатли йўл.

Официант икки стакан сув келтирди. Генри ўзига коктейль билан бифштекс буюрди. Иштахаси ҳам яхши бўлиб қопти, ўйладим ичимда.

— Келганингдан хурсандман, Хэнк, лекин намунча шошмасанг?

— Бугун ҳуқуқшунослар шартнома билан боғлиқ ишларни тугатишмоқчи. Шартнома устида уч ой ўтирдик, энди охири кўриниб қолганда орқага суришни хоҳдашмаяпти, иккинчи томон яна бошқа шартларни ўртага ташлашидан чўчишяпти. Ҳуқуқшуносларнинг инжиқлигини биласан-ку.

— Қанақа шартнома ўзи?

— Узил-кесил ҳал бўлгандан кейин айтаман. Ҳар ҳолда эътироз билдирмасанг керак.

— Эътироз билдирмаслик учун тушунтиргин-да.

— Ёзган хатимда, натижаси ёмон бўлмайди, дегандим-ку.

— Ҳа, — унинг бу гапини “ҳадемай ишнинг пачаваси чиқади” тарзида қабул қилганимни эсладим.

— Мен ўйлагандан кўра ҳам зўр бўлди. Дарҳол корхонани кенгайтиришга тушдик. Ҳозир устахонада юздан ортиқ киши ишлаяпти. Акцияларимизнинг баҳоси биржада баланд эмас-у, лекин аста-секин кўтариляпти. Шу кунда кўпгина компаниялар лойиҳамизга харидор. Буларнинг орасида “Нортерн Индастрис” ҳам бор. У жуда катта концерн. Эшитгандирсан?

— Йўқ, эшитмаганман.

Акам менга уй вазифасини бажармаган ўқувчига қараган муаллимдай қаради.

— Ҳа, менга ишонавер, бақувват концерн, — такрорлади Генри. — Шу бугуноқ биз билан шартнома тузиб, ярим миллион доллар тўлашга тайёр. Энди тушундингми?

— Тушунганда қандоқ!

— Бундан ташқари, биз, яъни мен билан гоёни таклиф этган икки ёш инженер, беш йил давомида назорат ва бошқарувни ўзимизда сақлаб қоламиз. Маошимиз уч бараварга ошади, кейин, акцияларнинг маълум қисми ҳам бизнинг ихтиёримизда бўлади. Бу ишда мен қатори сенинг ҳам улушинг бор, албатта.

Официант буюрилган бифштексни келтирди, Генри очофатдай таомга ёпишди, бифштексга қовурилган картошка билан ёғ сурилган нонни қўшиб урарди.

— Энди ўзинг ҳисоблаб кўр, Дуг, — деди у лунжи тўла овқат билан. — Йигирма беш минг бергансан. Ярим миллиондан улушимиз ўттиз уч фоиз, бу бир юзу олтимиш олти минг доллар бўлади, шунинг учдан икки бўлаги сеники.

— Арифметикани биламан, — унинг гапини бўлдим.

— Акциялардан тушган пул бу ҳисобга кирмайди, — деди Генри. Овқат иссиқ бўлгани учунми, ёки айтган рақамлари жудаям йириклигиданми, юзи бўғриқиб кетди. — Ҳозирги инфляцияни назарда тутган тақдирда ҳам бу озмунча пул эмас.

— Ҳа, катта пул, — бош силкидим мен.

— Охири яхши бўлади, дегандим-ку, тўғрими?

— Тўғри.

— Қайтиб бировларнинг пулини санамайман, — деди у қошиқ билан вилкани ликопча устига қўйиб. Кейин менга тикилиб қаради. Контактли линза қўйилган кўзлари энди тиниқ ва ёқимтой бўлиб қолган эди. Бурни теварагидаги майда қизил доғлар ҳам кўринмайди. — Мени ўлимдан сақлаб қолдинг, Дуг, — давом этди у, — ҳар қанча миннатдорлик билдирса ҳам оз.

— Кераги йўқ.

— Ўзингнинг ишларинг қалай?

— Михдай.

— Кўринишинг яхши, ука. Рост гапиряпман.

— Раҳмат, сен ҳам ўзгариб кетипсан.

— Хўш, нима қиламиз? Розимисан?

— Розиман, албатта, — жавоб бердим ҳеч иккиланмай.

Генри мамнун жилмайди, яна қошиқ-вилкани олиб, бифштексни охиригача туширди, тафтбосдисига қора пирог буюрди.

— Бу иштаҳанг билан спортга қатнашсанг чакки бўлмасди, Хэнк, — маслаҳат бердим унга.

— Яна теннис ўйнаяпман.

— Вақтинг бўлганда бу ёққа кел, бирга ўйнаймиз, — таклиф этдим мен. — Оролда кортларнинг сон-саногии йўқ.

— Бўпти. Хотининг билан ҳам яхшироқ танишиб оламан.

— Жуда соз, — шундай дедиму бирдан кулиб юбордим.

— Нега куласан?

— Қўнғироқ қилганингдан кейин бу ёққа келаётиб, акам пул сўраса, ўн мингдан бир цент ҳам ортиқ бермайман, деб онт ичган эдим.

Генри аввалига хафа бўлди, сўнг ўзи ҳам қўшилиб кула бошлади. Мадлен столимиз ёнига қайтиб келганда ҳам биз қотиб-қотиб кулаётгандик.

— Нима бўлди? — сўради Мадлен ҳайрон бўлиб.

— Оилавий ҳангомалар, — дедим мен.

— Генри кейин гапириб беради. Мендан ҳеч нарсани яширмайсан-ку, тўғрими, Генри?

— Ҳа, ҳеч қачон яширмаганман, — акам унинг қўлини ўпди. Илгари эҳтиросини ошқора намоиш этмас эди. Ростдан ҳам ўзгарипти, бутунлай бошқа одам бўлиб қолипти. Модомики марҳум қариянинг юз мингини ўмарганим Генрининг ўзгаришига ёрдам берган экан, наҳотки бу ҳолат ўша жиноят билан боғлиқ айбимни маълум даражада енгиллаштирмаса?

Уларни мошинага кузатиб қўйганимда Мадлен Нью-Йоркдаги уйининг қасрдалигини ёзиб берди. Лекин тез орада учрашиб қолишимизни ҳеч қайсимиз хаёлимизга келтирмагандик.

Фабианнинг гапига қараганда, кўрғазмамиз муваффақият билан иш бошлаганиди. Бекатда олтмишдан ортиқ мошина тўпланган пайтлар ҳам бўлди. Зиёратчиларнинг кети узилмас, биров кириб, биров чиқиб турарди. Шампанга, шу қатори, суратларга ҳам катта эътибор берилди. Фикр-мулоҳазалар масаласига келсак, баландпарвоз мақтовларни ҳам эшитдим.

— Тарозининг шайини биз томонга оғди, — пичирлади Фабиан, бирров вақт топиб, қаҳвахонага кирганимизда.

“Нью-Йорк таймс” да ишлайдиган танқидчи кўринмади, лекин Фабиан унинг шу ердалигини, афт-ангорига қараганда, кўрғазмадан мамнунлигини айтди. Кечқурун соат саккизга яқинлашганда Дора тўртта катта ва олтита кичикроқ суратга “сотилган” деган ёрлиқни тиркади.

— Зўр! — деди Фабиан қувончи ичига сиғмай. — Кўплари яна келишга ваъда беришди. Лилининг йўқлиги чатоқ бўлди-да. Кўрғазмалар унинг жон-дили. — Фабианнинг тили сал гўлдирай бошлади, чунки кун бўйи туз тотмаган, устига-устак, қўлидан бокал тушмаганди. Шу пайтгача уни маст ҳолда кўрмагандим, кўп ичвориши мумкинлигини ҳам билмагандим.

Кўрғазмага келган Эвелин ҳаяжонда эди. Меҳмонлар орасида бир талай театр ва кино артистлари, таниқли ёзувчилар бўлиб, Эвелин улар билан илгари учрашмаган, лекин расмлари орқали таниб турарди. Вашингтондаги ўзига таниш сенатор ва дипломатлар ҳам унда бу қадар зўр таассурот қолдирмаганди. Бу ердаги муҳит бошқача эди, бинобарин, Эвелин ўзи эъозлаб юрган бирор ёзувчи ёки актёр билан гаплашганда тамом довдираб қоларди. Ундаги бу ҳислат менга маъқул бўлди.

— Дўстинг Майлс ҳаммани танийди-я, — деди у таажжуб билан бош чайқаб.

— Ҳали танишларининг ярмини ҳам кўрганинг йўқ.

Эвелин кетишга чоғланди, чунки уйда қолган энагага рухсат бериши керак эди.

— Табриклайман, азизим, — деди у мошинага ўтираётиб. — Зўр кўрғазма бўпти. — Кейин юзимдан ўпиб, тезроқ қайтишимни сўради.

Одам тўлиб кетган бинодан ташқарига чиқдим. Тоза ва салқин оқшом ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олдим. Шу пайт кўрғазма олдига ҳашаматли “линкольн-континенталь” келиб тўхтади. Ундан Присцилла Дин билан олиффа икки йигит тушди. Йигитлар қайтарма ёқали қора мовут костюмда, Присцилла эса узун қора кўйлак кийиб, яланғоч елкасига қип-қизил, юпқа рўмол ташлаб олган. У мени пайқамади, менинг эса уни кўргани кўзим йўқ эди. Улар кўрғазмага кириб кетишди. Орқаларидан эргашдим.

Ичкаридаги оломон номи чиққан актрисани кўриб, анқайиб қолди. Салдан кейин яна одатдаги ғала-ғовур бошланди.

Фабианнинг ўзи Присциллани қаҳвахонага бошлади, у бирорта суратга қайрилиб ҳам қарамади. Соат ўндан ошиб, одам сийраклашган пайтда ҳам у қаҳвахонада ўтирарди. Фирт маст эди. Кўрғазмада атиги уч-тўртта киши қолганда йигитлар ҳамроҳларини кетишга қистай бошлашди.

— Бизни қутишяпти, азизим Присси, — деди йигитлардан бири. — Кечик-япмиз. Туринг. Илтимос.

— Кутса кутар, — гўлдиради Присцилла.

— Бўлмаса биз кетаверамиз, — қўрқитган бўлди иккинчиси.

— Йўқолинглар, — қўл силтади Присцилла, шунда рўмоли ерга тушиб, елкаси очилиб қолди. — Туфурдим сенларга! Бугун мен рангтасвир шайдосиман. Жўнанглар бу ердан! Парижда танишган дўстим олиб бориб қўяди. Тўғрими, Майлс?

— Албатта, — деди Фабиан афтини буриштириб.

— Қари бўлса ҳам ҳали бақувват. Бўш келмайди. Сенларга ўхшаган мижгов эмас.

Кўргазмада ҳеч ким қолмаганди. Дора Присциллага тикилганча бақрайиб турарди. Бизга ёлланаётганда имтиҳонларга тайёрланишига халақит бермайдиган галваси камроқ иш қидираётганини писанда қилган эди шўрлик.

— Тепамда турманглар! — жеркиб берди уларни Присцилла.

Йигитлар бир-бирига қараб, елка қисишди. Сўнг биз билан хайрлашиб кетворишиди.

Фабиан ердан рўмолни олиб, Присцилланинг елкасига ёпиб қўйди. Ўзи ҳам оёқда зўрга турарди.

— Ётадиган пайт бўлди, қизалоғим, — тўнғиллади у. — Бу аҳволда мошина ҳайдолмайман, Дуглас олиб бориб қўяди.

— Аҳволинг менга маълум, тўқол эчки, — ҳиҳилади Присцилла. — Қани, яқинроқ келиб, бир ўпиб қўй-чи, қария, — у қўлини узатди.

— Кейин, мошинада, — деди Фабиан.

— Ўпмагунингча ўрнимдан жилмайман, — қичқирди Присцилла.

Фабиан хижолат бўлиб, Дорага қараган эди, у деворга ўтирилди, Фабиан энгашиб Присцилланинг қўлини ўпди.

— Каттиқроқ ўпсанг ҳам бўларди, — шундай деб, кафти билан лабини артган эди, лаббўёғи чаплашиб кетди. — Нима бўлди сенга? Ё тажрибанг йўқми? Балки Францияга қайтиш керакдир, — заҳарханда қилди у, кейин, хайрият, ўрнидан туриб, ташқарига қараб юрди.

— Дора, — деди Фабиан, — чироқни ўчиринг, эшикларни беркитинг. Эртага супурамит.

— Хўп бўлади, мистер Фабиан, — жавоб берди Дора ҳамон девор ёнида тураркан.

Присцилла хархаша қилиб, олдинги ўриндиққа, иккаламизнинг ўртамизга ўтириб олди. Қўйлагига шампан тўкилган экан, мошинанинг ичи сасиб кетди. Ён томонимдаги ойнани очиб қўйдим.

— Қаёққа олиб борайлик? — сўради Фабиан.

— Спрингсга.

— Қандай борилади? Қайси йўлдан?

— Қаёқдан биламан? Юраверинглар, йўлни кейин топиб оламиз.

— Танишларингизнинг исми нима? Ушаларнинг номини айтиб, уйини қидириб топамиз. — Фабиан адашиб қолган болани сўроққа тутаетган полициячига ўхшарди. — Уйига бораётган одамларингизнинг фамилиясини билсангиз керак?

— Албатта, биламан. Леви, Коен, Макмаен. Шунга ўхшаганроқ-да. Менга барибир. Бари ипириқчи одамлар. — Присцилла энгашиб, радиони буради. “Квай кўприги” фильмидан куй янгради. — Бўла қолинг, опоқ йигит, — у зарда билан менга мурожаат қилди, — ҳайданг шалоқ аравангизни. Спрингсни билсангиз керак.

— Кетдик, — бош силкиди Фабиан.

Йўлга тушдик, кўп ўтмай “Спрингсга хуш келибсиз” деган ёрлик қоқилган устун ёнидан ҳам ўтдик. Тез орада шунга амин бўлдимки, Присцилла ўз ташрифиди билан бахтиёр этмоқчи бўлган хонадонни осонликча тополмаймиз. Мен мошинани ҳар бир бурилиш, ҳар бир чорраҳа, ниҳоят, ҳар бир уй олдида секинлатар, аммо Присцилла нукул бош чайқарди.

“Уйқудаги шаҳзода” орқасидан қанча пул ишлаган бўлмайлик, бу шармандагарчилик олдида сарик чақага ҳам арзимасди.

— Вақтни беҳуда ўтказмайлик, — деди ахйри Присцилла. — Миямга бошқа фикр келди. Куогга борамиз. Соҳилда икки дугонам яшайди. Ҳеч бўлмаса Атлантикани томоша қиласизлар, майлими? — Жавобни кутмай, давом этди: — Аммо-лекин зўр қизлар. Анувнақа ишга уста. Сизларга ёқади. Ҳайданг Куогга, бир маза қилайлик!

— У ёққа бир соатдан кўп юрилади, — деди Фабиан тажанг бўлиб.

— Нима қипти?

— Бугун жуда чарчаганмиз.

— Ким чарчамапти? Кетдик Куогга.

— Балки эртага борармиз? — таклиф киритди Фабиан ёлворгандай.

— Ё тавба, мунча ланжсиз! — Присцилланинг жаҳли чиқиб кетди.

Биз ўрмон оралаб кетиб борардик. Бу тупроқ йўл қаёққа олиб боришини ҳам билмасдик. Биринчи имконият туғилгандаёқ Истхемптонга бурилмоқчи ва Присциллани мошинадан зўрлаб бўлса ҳам тушириб, бирорта меҳмонхонага жойлаштирамоқчи эдим. Шу пайт рўпарада, йўлда кўндаланг бўлиб турган мошинага кўзим тушди. Унинг капоти очиқ бўлиб, икки киши моторни титкиларди. Тўхтаб, йўл қаёққа чиқишини сўраб, уларга қичқирдим.

Бунга жавобан ўзини нишон бўлиб қолган тўппончани кўрдим.

Икковлон мошинага яқинлашишди. Қоронғида юзлари кўринмасди, аммо эгниларидаги чарм камзул ва бошларидаги балиқчиларнинг айвони узун кепкасини илғадим.

Присцилланинг елкаси оша энгашиб, Фабианга пичирладим:

— Улар қуролланган.

— Тўппа-тўғри, оғайни, — деди тўппонча ушлаган йигит. — Тепкини боссам, бас. Диққат билан қулоқ сол. Мошина калитига тегма, чунки мошинанинг гизни қарзга олиб тураемиз. Тез туш, шовқин кўтарма. Қария ҳам нариги томондан тушсин. Тез ва шовқинсиз. Қиз мошинада қолади. Уни ҳам қарзга оламиз.

Бақа бўлиб ўтирган Присцилла оғир хўрсинди. Эшикни очиб, пастга тушганимда йигит бир қадам орқага тисарилди. Иккинчиси Фабиан томонга ўтиб, уни менинг ёнимга олиб келди. Қария ҳаяжонланганидан нуқул ҳансирарди.

Бирдан Присцилла йиғлаб юборди. Қулоқни тешиб юборадиган бундай қаттиқ йиғини биринчи эшитишим.

— Овозини ўчир қанжиқни! — бақирди тўппончали йигит шеригига.

Присцилла ҳамон аюҳаннос солар ва гавдасини орқага ташлаб, оёғидан ушламоқчи бўлаётган йигитдан ўзини ҳимоя қиларди.

— Вой, қайсар-ей! — хитоб қилди тўппончали йигит ва шеригига ёрдам бериш мақсадида мошина томонга интилди. Шунда тўппонча сал бурилди, Фабиан сиртлон янглиғ йигитга ташланди. Варанглаб ўқ узилди. Фабианнинг инграганини эшитдим мен ҳам ўзимни йигитнинг устига отдим. Тўппончани юлқиб олиш ниятида қўлига ёпишдим. Йигит иккаламизнинг оғирлигимизга дош беролмай, ерга қолади. Тўппонча қўлидан тушиб кетди, дарров олдим оғайнисини қутқаришга югурган йигитга қарата ўқ уздим. У ўрмонга қараб қочди. Ерда ётган йигит ҳам эмаклаб қоча бошлади, яна тепкини босдим. Лекин у ҳам ўзини қоронғилик қаърига урди. Присцилла ҳануз уввос тортиб йиғларди.

Фабиан иккала қўли билан кўкрагини чангаллаганча ерда гужанак бўлиб ётар, хириллаб, қисқа-қисқа нафас оларди.

— Касалхонага олиб боринг, азизим, — деди у базўр. — Тезроқ. Кейин айтинг, Присцилла овозини ўчирсин.

Уни эҳтиётлик билан кўтариб, мошинанинг орқа ўриндиғига ётқизмоқчи бўлиб турганимда яқинлашиб келаётган автомобиль чироқларини пайқадим.

— Шошманг, кимдир келяпти, — шивирладим Фабианга ва тўппончани олиб, шай бўлиб турдим.

Олдинги ўриндиқда ўтирган Присцилла энди фарёд қилмас, ўпкаси тўлиб кетганидан ҳар замонда хиқиллаб кўярди.

Ҳалиги автомобиль яқинроқ келганда сездимки, полиция мошинаси. Дарров тўппончани ерга ташладим. Мошина тўхташи билан ундан қуролланган икки полициячи отилиб тушди.

— Нима бўлди? — сўради олдинроқда чошиб келаётгани.

— Босқинчилар ҳужум қилишди. Икки киши. Улар шу атрофда, ўрмонда. Дўстимни яралашди, — тушунтирдим шоша-пиша. — Уни касалхонага олиб бормоқчимиз.

— Кимнинг қуроли бу? — сўради полициячи оёғим остида ётган тўппончани кўтариб.

— Ҷшаларники.

Полициячилардан бири менга Фабианни мошинага ётқизишга ёрдамлашди, иккинчиси йўл ўртасида турган капоти очиқ мошинани кўздан кечира бошлади.

— Худди ўзи, — деди у ёнимизга келиб. — Қидираётган мошинамиз. Уни кеча кечаси Монтокдан ўғирлашган.

Улар Присциллага синчковлик билан тикилишди-ю, хайрият, ҳеч нарса дейишмади.

— Орқамиздан юринглар, — деди полициячилардан бири. — Тўппа-тўғри касалхонадан чиқамиз.

Қоронғи йўлдан уларга эргашдик. Кўп ўтмай кетма-кет иккита полиция мошинасига дуч келдик. Улар бояги жойга ошиқшарди. Афтидан, босқинчиларни қидириб топиш учун олдимизда кетаётган ҳамкасблари чақиришган бўлса керак.

Операция уч соат давом этди. Фабиан йўлдаёқ ҳушидан кетган эди. Дўхтир йигит Присциллани тезгина кўздан кечириб, уни тўшакка ётқизишни ва тинчлантирадиган дори беришни буюрди.

Мен қабулхонада ўтириб, полициячиларга сўроқ берардим. Бизга ҳужум қилган босқинчиларнинг қиёфаси қанақа, воқеа қандай кечди, бемаҳалда бу йўлда нима қилиб юрган эдик, ёнимиздаги аёл ким, ўқ узганимда босқинчилардан бирортаси яраландими-йўқми — мана шунақа саволлар.

Хаёлни бир ерга жамлаб, содир бўлган воқеани тартиб билан сўзлаб бериш мушкул эди. Мен саросимага тушган бўлмасам-да, ҳар ҳолда дилим хуфтон эди. Айниқса, Присцилла Диннинг кимлигини ва нима учун ўзи бораётган жойни билмаслигини тушунтириш осон кечмади. Полициячилар мен билан юмшоқ гаплашишди, аммо воқеа мен айтган тарзда юз бериши мумкин эмасдай, битта саволни тақрорлайвериб, тинкамни қуришиб юборишди. Фабианни жарроҳлик хонасига олиб кириб кетишлари билан уйга қўнғироқ қилиб, Эвелинни содир бўлган кўнгилсиз ҳодисадан воқиф этиб қўйдим, қолганини борганда батафсил гапириб беришимни айтдим.

Ярим кечадан кейин ёш полициячи ким биландир телефонда сўзлашиб, иккала жиноятчини ҳам ушлашганини маълум қилди.

— Ўқингиз биттасига ҳам тегмапти, — деди у жилмайиб.

Қўлга тушганлар шахсини тасдиқлаш учун эрталаб полиция маҳкамасига борармишман. Сизлар билан бирга бўлган аёл ҳам бориши керак, қўшиб қўйди у.

Фабианни жарроҳлик хонасидан олиб чиқишганда юзи мулойим ва хотиржам эди. Аммо оқ халат кийган, оғиз-бурунга тугиладиган дока ниқоби кўкрагида осилиб турган жарроҳнинг вазоҳатини кўриб, ичим ғаш бўлди.

— Беморнинг аҳволи яхшимас, — деди у. — Эрта-индин маълум бўлади.

— Эрта-индин, — тақрорладим беихтиёр.

— Яқин дўстингизми?

— Ҳа, жудаям яқин.

— Кўкраги билан қорнидаги узун чандиқ нимадан?

— Чандиқ? Кўрган эмасман, — дедим бош чайқаб. — Уни ҳеч қачон яланғоч ҳолда кўрмаганман.

— Ўқ ялаб ўтганга ўхшайди. Урушда яраланган бўлса керак-да.

Жарроҳ нари борса ўттиз икки-ўттиз уч ёшларда, урушни қасқдан биларкин, ўйладим ичимда.

— Ҳа, урушда қатнашган. Лекин яраланганини айтмаганди.

— Мана, билиб олдингиз, — деди ёш жарроҳ. — Омон бўлинг.

Касалхонадан чиқишим билан рўпарамда бир тутам нур чақнади. Сесканиб кетдим. Бу мени расмга туширган биринчи сураткаш эди. Эртага арзанда Присцилла Дин билан полиция маҳкамасига кирганимизда яна расмга олишади.

Уйга жўнадим. Йўл ноаниқ, чаплашиб кўринаётганидан мошинани жуда секин ҳайдадим. Эвелин бетоқат бўлиб, мени кутаётган экан. Ошхонада ўтириб, бир қадаҳдан виски ичдик. Ҳаммасини ипидан-игнасиғача гапириб бердим. Ҳикоямни тугатганимда: “Расво аёл. Менга қолса ўз қўлим билан бўғиб ўлдирадими”, — деди у жаҳл билан.

Йигирма бешинчи боб

Эрталаб Лонг-Айленд газеталарида тунги ҳодиса тафсилотлари билан менинг суратим босилиб чиқди. Табиийки, Присцилланинг расмлари ҳам бор эди. Полиция маҳкамасига жўнашдан олдин касалхонага қўнғироқ қилдим. Фабиан кечаси яхши ухлаганини, бориб бирровгина кўришим мумкинлигини айтишди.

Присцилла маҳкамага полициячилар кузатувида мендан олдинроқ келган эди. Маҳкама эшиги ёнида ўндан ортиқ сураткаш бизни кутиб турарди. Қўлга олинганларнинг иккаласини ҳам танидик, лекин мошина ичида дод-вой қилаётган Присцилла уларни қандай таниди — шунга ҳайронман. Жиноятчилар айбларини бўйинларига олишипти, бизнинг гувоҳлигимиз шунчаки расмиятчилик учун экан.

Кундузи туппа-тузук одамларга ўхшашади. Иккови ҳам ўн саккизга етиб-етмаган. Озгин, кўримсиз бу йигитлар полициячилар савол берганда лабларини қийшайтириб, довдираб қолишарди. “Думбул безорилар”, — деди полициячилардан бири ижирғаниб. Бундан бир неча соат муқаддам улар бир одамни офир ярадор қилганини, мени ўлдиришга уринганини, ўз навбатида, мен ҳам уларни ўлдирмоқчи бўлганимни тасаввур этиш ҳам қийин эди.

Маҳкамадан чиққанимда сураткашлар мени Присцилла билан бирга расмга туширишга уринишди, лекин мен тез жўнаб қолдим. Бу аёл ўлгудай жонимга теккан эди.

Касалхонага келиб, энг аввало жарроҳнинг олдига кирдим. Унинг кайфияти яхши эди.

— Бемор операцияга мен кутганимдан кўра дуруст бардош берди, — деди у. — Соғайиб кетса ажабмас.

Фабиан саришта тўшалган каравотда осмонга қараб ётарди. Кўкраги ва қўллариди ҳар хил найча ва жажжи аппаратлар. Хона ёп-ёруғ, очиқ деразадан эндигина ўрилган ўт-ўланнинг ҳиди кириб турипти. Каравотга яқинлашганимда Фабиан жилмайди, бир қўлини хиёл кўтариб, саломлашган бўлди.

— Ҳозиргина дўхтир билан гаплашдим, — дедим мен ва стулни каравоти ёнига суриб, ўтирдим. — Албатта тузалиб кетади, деяпти.

— Шунга ҳам шукур, — пичирлади у. — Присцилла Диннинг номусини сақлайман, деб ўлиб кетиш ғирт аҳмоқлик бўлади. — Фабиан хиёл жилмайди. — Яхшиси, уни ҳалиги икки йигитга қўшиб қўйиш керак эди. Тез тил топишиб кетишарди.

— Ҳайронман, нима учун тўппончага ташландингиз?

— Ким билади... Жиним кўзиб кетди-да. Кайфнинг ҳам таъсири бор, албатта. Балки Массачусетс штатида олган тарбиям туртки бергандир.

— Менга қаранг, Майлс. Кўкрагингиз билан қорнингиздаги чандиқ нимадан? — сўрадим мен. — Дўхтир қизиқяпти.

— Э-э, бир жанжалдан хотира, — Фабиан мужмал жавоб қайтарди. — Ҳозир эслагим йўқ. Сиздан бир илтимос. Лилига қўнғироқ қилинг. Агар иложини тополса, уч-тўрт кунга келиб кетсин.

— Бугуноқ қўнғироқ қиламан.

— Раҳмат сизга, ҳақиқий дўст экансиз. — Майлс хўрсинди. — Яхши кун бўлган эди-я. Қандай ажойиб кишилар билан учрашгандик. Квинга телеграмма жўнатиш — менинг номимдан табрикланг.

— Эвелин жўнатди.

— Олийжаноб аёл экан. Кеча кўрғазмага файз киритди... Энди стол галадонини очиб, бир варақ қоғоз билан ручкани олиб беринг.

Илтимосини бажо келтирдим. Фабиан ёнбошига хиёл бурилиб, бир нималарни қийнаиб ёза бошлади. Кейин қоғозни менга узатди.

— Эртага нима бўлишини бандаси билмайди, Дуглас, шунинг учун... — У сўз қидириб, тутилиб қолди. — Бу хат Цюрих банкига. У ерда иккаламизнинг умумий ҳисоб варақамиздан ташқари, ўзимнинг ҳам шахсий варақам бор. Гап

шундаки, умумий ҳисоб варақасидан... гоҳи-гоҳида пул олиб турганман. Хуллас, сизни алдаганман. Бу хат ўша пулларни қайтаради.

— Қўйсангиз-чи, Майлс, олсангиз олибсиз-да.

— Бошдаёқ айтганман-ку мендан яхшилик кутманг деб.

Авайлаб бошини силадим.

— Бор-йўғи пул экан-ку, азиз дўстим, — дедим унга. — Биз пулдан баландроқ турадим.

Фабианнинг кўзларига ёш келди.

— Бор-йўғи пул... — такрорлади у ва бирдан кулиб юборди. — Ҳозир бир нарсани ўйлаб қолдим. Агар менга ўқ тегмаганда тундаги воқеани ҳамма Присцилла учун мўлжалланган рекламага йўйарди.

Ҳамшира кириб, менга, вақтингиз тугади, чиқа қолинг, дегандай қаради.

— Кўргазмани ташлаб қўйманг, — деди Фабиан орқамдан.

Эртаси куни Лондондан Лили учиб келди. Уни Кеннеди аэропортида кутиб олдим. Одми кийинган. Эгнидаги жигарранг пальтоси Флоренциядаги илк учрашувимизни ёдимга солди. Катта йўлдан елиб борарканмиз, Лили миқ этмас, кетма-кет сигарета чекарди. Дўхтир Фабианнинг тузалиб кетишидан умидвор эканини айтдим. Бунга жавобан у бош қимирлатиб қўя қолди.

Риверхеддан ўтганимиздан сўнг гап бошладим:

— Дўхтирнинг айтишича, Майлснинг кўкрагидан қорнигача чўзилган узун чандиғи бор эмиш. Ўқ ялаб ўтганга ўхшайди, деди. Шундан хабарингиз борми? Фабиандан сўрасам, жавоб бермади.

— Ҳа, чандиқни кўрганман, — деди Лили. — Биринчи кечасиёқ. Фабианнинг ўзи бундан истиҳола қиларди. Биласиз-ку, сиртига сув юқтирмайдиган одам. Шунинг учун сира чўмилмасди, соҳилда кўйлагини ечмасдан ҳар доим галстукда юрарди. Кўп сўраб-суриштирмаганман, лекин бир куни ўзи гапириб қолди. У қирувчи-учувчи бўлган экан. Бунга билсангиз керак?

— Йўқ.

Лили сигарета тортиб, жилмайди.

— Қизиқ, айтмапти-да. Хуллас, моҳир учувчи бўлган экан. Америкалик табишларимнинг гапига қараганда, олмаган медали қолмаган. Қирқ тўртинчи йилнинг қишида уларни Францияга жўнатишади. Жанг оғир, бунинг устига, об-ҳаво ёмон пайт экан. Қисқаси, уни ва яқин бир дўстини Па-де-Ка-ле тепасида уриб туширишади. Дўсти ҳалок бўлади. Майлс асирга олинади. Немислар уни кўп қийноққа солишади. Чандиқ ўшандан қолган. Иттифоқчилар Фабиан ётган ҳарбий шифохонани ишғол этганда, у чўпдай озиб кетган экан. Тасаввур қиляпсизми?

Лили жим бўлиб қолди, сигаретасини чекиб тутатгач, деди:

— Нима учун бунақа ҳаёт кечиршини энди англагандирсиз?

— Сал-пал.

• Анча пайтгача индамай кетдик. Кейин Лили сўради:

— Билишимча, шериклик иш қиласизлар, шундайми?

— Ҳа.

— Эсингиздами, унга эҳтиёт бўлинг, деб сизни огоҳлантирган эдим?

— Эсимда.

— Барибир алдадимми?

— Оз-моз.

Лили кулиб юборди.

— Мени ҳам алдаган. Азизим Майлс. Уни софдил одам деб бўлмади, лекин ҳамиша вақти чоғ юради. Бошқаларга ҳам севинч улашишни ёқтиради. Аниқ бир ҳукм чиқармоқчи эмасман-у, бироқ бундай ўйлаб кўрилса, ҳаётда мана шу нарса муҳимроқдир эҳтимол. — Лили яна сигарета тутатди. — Худо кўрсатмасин, бир гап бўлса, одамга алам қилади.

— Оллодан шифо сўраймиз.

— Бошқа илож йўқ.

Кейин, то касалхонага етиб келгунча, гаплашмадик.

— Майлс икковимиз ёлғиз қолишимизни хоҳлардим, — деди Лили машинадан тушаётиб.

— Бемалол, — рози бўлдим мен. — Нарсаларингизни меҳмонхонага олиб бориб қўяман. Кейин уйда бўламан.

Юзидан ўпиб, орқасидан қараб қолдим. У касалхонага хушбичим жигарранг пальтосида шахдам юриб кириб келди.

Уйга етиб келганимда қоронғи тушиб қолган эди. Уй олдида нотаниш машина турарди. Яна мухбирлар, ўйладим ижирганиб. Эвелиннинг мошинаси кўринмасди. Демак, энага кимнидир уйга киритган. Эшикни ўз калитим билан очиб, меҳмонхонада газета ўқиб ўтирган эркакка кўзим тушди.

Нотаниш киши мени кўриб, ўрнидан турди.

— Мистер Граймс бўласизми? — сўради у.

— Худди шундоқ.

— Беижозат уйингизга кириб, сизни кутишга журъат этдим, — деди у мулойимлик билан. Бу сочи сарғиш, озғин, сартакаллуф одам эди. Эгнида тўқ кулранг ёзги костюм, оқ кўйлак, қора галстук. Мухбирга асло ўхшамасди.

— Фамилиям Вэнс, — ўзини таништирди у. — Адвокатман, мижозимнинг топшириғи билан келдим. Юз минг долларни қайтариб олиш учун.

Жавондан виски шишасини олиб, ўзимга куйдим.

— Шотландияники. Ичасизми?

— Йўқ, раҳмат.

Стаканни ушлаганча креслога ўтирдим. Вэнс ҳамон тик турарди. Паст бўйли, озода, кўринишидан мутлақо беозор одам.

— Келишингизни кўпдан буён кутаман, — дедим мен.

— Мана, келдим, — деди у. Овози юмшоқ, муаллимларникидай насиҳатомуз. Шу заҳоти эшитгим келмай қолди. — Сизни топиш осон бўлмади. Хайрият, — у газетани силкитди. — Мана бу ерда гул-гул очилиб турибсиз-да.

— Сизга шунақа туюляпти. Бу бадкирдор замонда гул-гул очилиш мушкул.

— Ҳақ гап, — деди у. — Кейин хонага диққат билан кўз югуртирди. Ичкаридан боланинг йиғиси эшитилди. — Гўзал жойда яшаркансиз. Хушманзара.

— Ҳа, — гудрандим вужудимда ҳорғинлик сезиб.

— Мижозим сизга уч кун муҳлат берилишини айтиб қўйишни топширди. Фавқулодда чоралар кўришга мажбур қилмаслигингизни ҳам сўради.

Индамай бош силкидим. Шу ҳам менга осон бўлмади.

— “Блэкстоун” меҳмонхонасидаман. Ёки “Муқаддас Августин”да кутганим маъқулмиди? — жилмайди у.

— Айтган жойингизга бораман.

— Олган пулингиз қандай бўлса, шундай қайтарасиз. Яъни юз долларликда. Яна бош ирғадим.

— Талабни бекам-кўст бажарасиз, деган умиддаман. Энди менга рухсат.

Аммо остонага етганда тўхтади:

— Кимнинг вакили эканимни ҳам сўрамадингиз, барибир жавоб беролмасдим. Фақат шуни айтишим мумкинки, сизнинг, агар таъбир жоиз бўлса, беҳаё қилингиз хосиятсиз бўлмади. Тушунаман, пулни қайтариш алам қилади, лекин тасалли берадиган бир жиҳати бор: сиз талайгина эътиборли, ҳа, жудаям нуфузли одамларни хунук кўргуликлардан асраб қолдингиз.

Ўша куниёқ кеч соат тўққизда Нью-Йоркнинг Шарқий эллик иккинчи кўчасидаги уй лифтада тепага кўтарилдим. Уйда, зарур иш билан бир-икки кунга Нью-Йоркка кетяпман, деган хат қолдирдим. Эвелиннинг идорасига кўнғироқ қилмадим, ортиқча савол-жавоблардан қочдим.

Акам Генри хотини билан кинога бормоқчи бўлиб турган экан. Бемаврид ташрифимдан икковлари ҳам довдираб қолишди.

— Сен билан холи гаплашишим керак, Хэнк, — дедим мен.

— Мадлендан яширадиган сирим йўқ, гапиравер, — жавоб берди акам.

— Бўпти. Қисқаси, менга юз минг доллар керак. Ҳаммаси юз долларлик бўлиши шарт. Овруподаги ҳисоб варақадан пул жўнатишларини кутолмай-

ман. Ёнимда бунча пул йўқ. Менинг ихтиёримда уч кун вақт бор. Қўлингдан келадими?

Биз хона ўртасида турардик. Бирдан Генри стулга чўкди. Болаликдаги одати бўйича кўзларини ишқалади.

— Бир йўлини қиламан, албатта, — деди у кейин.

Икки кунда ҳамма иш битди.

“Блэкстоун” вестибюлидан Вэнснинг хонасига қўнғироқ қилдим. Шу ерда экан. Чамадончани кўтариб, олдига чиқдим. Пулни синчиклаб қайта санагунча кутиб турдим.

— Роппа-роса юз минг, — деди у. — Раҳмат.

— Чамадонча ҳам қолаверсин, — шундай деб, изимга бурилдим.

— Олийжаноб экансиз, — Вэнс мени эшиккача кузатиб қўйди.

Мошинани қувиб ҳайдадим. Касалхонага одам қўйиладиган пайтгача етиб боришим керак эди. Кундузи Лили билан телефонда гаплашганимда Фабиан кечаси тинч ухлаганини айтган эди. Майлсга, у башорат этганидай, пулни таллаб қилиб келишганини, мен ҳам қайтариб берганимни билдириб қўймоқчи эдим.

Касалхонага киришим билан ҳамшира чақириб қолди.

— Кечикдингиз, — деди у. — Мистер Фабиан кундузи соат тўртда жон берди. Сизни қидириб тополмадик.

— Ҳа, мен олисида эдим. — Хотиржам гапирганимга ўзим ҳайрон қолдим. — Леди Эббот шу ердами?

Ҳамшира бош чайқади.

— Миссис Эббот кетди. — Унвонларга шубҳа билан қарайдиган ҳамма америкаликлардай ҳамшира уни “леди” деб атамади. — Бу ерда қиладиган ишим қолмади, деди. Лондонга учадиган кечки самолётга улгурмоқчи эди.

— Тўғри қипти. Эртага эрталаб дафн масаласини гаплашгани кираман.

Энди шошмасам ҳам бўларди, шу тобда уйга боргим йўқ эди, бинобарин, мошинани Истхемптон томонга қараб бурдим.

Ўзимиз ижарага олган, пештоқига “Жанубий айрилишдаги суратлар кўргазмаси” деган ёрлиқ осилган сарой олдига келдим. Ҳамма ёқ қоп-қоронғи. Фабианнинг сўнги сўзлари ёдимга тушди: “Кўргазмани ташлаб қўйманг”.

Чўнтагимдан бир шода калит чиқазиб, эшикни очдим. Зим-зиё саройнинг ўртасидаги узун курсига ўтириб, бугун вафот этган андак фирром, лекин кўнгли очиқ ва уддабурон одам ҳақида ўйладим. Кўзларимдан ёш думалади.

Кейин ўрнимдан туриб, чироқни ёқдим. Мен деворларга осиб қўйилган суратлар қуршовида эдим, уларга шошмасдан яна бир-бир назар ташладим. Бу суратларда ўз мамлакатининг гадойтопмас кунжаклари оралаб сарсон-саргардон кезган америкаликнинг ҳаёти яққол акс этиб турарди.

*Низом КОМИЛ
таржимаси*

Муҳаммад Ризо Огаҳий туғилган куннинг 190 йиллигига

Бир кўшиқ тарихи

Хар гал халқимизнинг сеvimли кўшиғига айланган, Феруз басталаган куйга Огаҳий ғазали билан айтиладиган машхур ашулани эшитганимда отам кўз олдимга келади. Бунинг ўз тарихи бор.

Талабалик йилларимда, бир гал ёзги таътилда уйга борсам, отамнинг тоби йўқ экан. У киши — Карим Абик ўғли мусиқа, ашуланинг ашаддий шайдоси бўлиб, баъзи-баъзида дугор чалиб хиргойи қилишни хуш кўрар эдилар. Айниқса, “Гиря”, “Феруз”, “Алиқамбар”, “Мустахзод” каби Хоразм ашулалари у кишининг жону-дили эди. Хонандалар қатнашадиган бирон йиғинга борсалар, албатта, “Феруз” ашуласини айтиб беришни илтимос қилардилар. Радиодан Назира Юсупова ижросидаги “Феруз” ашуласи янграса, ҳар қандай ишни йиғиштириб кўйиб, кўшиқ тугагунча, нигоҳини узоқ-узоқларга тикканича қотиб қолардилар.

Отамнинг феълени ҳамма билиб олган, то кўшиқ тугагунча ҳовлида ҳар қандай ҳаракат тўхтатилар эди. Ўша кунни ҳам шундай бўлди. Радиодан “Феруз” ашуласи янграмоқда. Отам овозини сал баландлатишни ишора қилди-да, кўзини бир нуқтага тикканча тошдан ясалган ҳайкалга айланди-қолди. Кўшиқнинг энг авжига келганда отамнинг башарасига қараб бўлмасди. Гўё вужуди ўлжасига ташланишга шай турган қоплонни эслатарди. Мана кўшиқнинг авжи бошланаяпти... “Эй шоҳ, карам айлар чоғи, тенг тут ёмону яхшини...” Хонанданинг гўзал ва сеҳрли овози навбатни ғижжак, най, доира, тор жўрлигидаги оҳангга бўшатиб берди. Ғижжакнинг мунгли, йиғи товушини эслатадиган инграши най ноласига чирмашиб кетмоқда... Отамнинг пешонаси тиришган, қошлари янада чимирилган, кўз ёшлари оппоқ соқолига думалаб тушарди.

Ғижжак ва най ноласи навбатни яна хонандага беради. Яна Амударёнинг тошқин оқимиға қиёс этгулик оҳанг қалбларни жунбушга келтиради. Ва ниҳоят “Не журъат ила Огаҳий...” сўзларидан кейин кўшиқ авжи пасайиб ниҳоясига ета бошлайди. Оҳанг бир маромға келиб чўзилиб-чўзилиб тўхтайти.

Отам мен томонға бошини хиёл бурганича салмоқли овозда гапира бошлади.

— Мироббошининг бу ғазали ўз тарихига эға. Буни менға онам, яъни моманг гапириб берардилар. Момангнинг отаси, яъни менинг бобом, Аваз минг-боши, Хива хонлигида таниқли одамлардан бири бўлган экан.

У киши Мироббоши (Бош Мироб — Огаҳийни шундай деб атар эдилар) билан Хиванинг ёнгинасидаги Қиёт қишлоғида бир йилда туғилиб, қиёматли дўст тутинган эканлар. Бошланғич мактабға бирға борганлар. Мироббошини амакиси Мунис Хоразмий ўз тарбиясига олган. Шундан у мадрасаға ҳам қатнаган эканлар. Амакиси вафот этғач, Муҳаммад Ризо унинг ўрниға хонликнинг бош Мироби этиб тайинланган.

Хоразмликларнинг тақдири Амударё суви билан боғлиқ. Шунинг учун бу лавозимга энг билимдон, тажрибали, ўқимишли одамлар тайинланган. Бош мироблик хонликда Бош вазирдан кейин турувчи катта мансаб бўлган. Чунки Хоразм воҳасидаги барча арна, ёплар (каналлар)га сув чиқариш, кузнинг охири, киш давомида келаси баҳоргача барча сув иншоотларини таъмирлаш, арна ва ёпларни қазиб тайёрлаб қўйиш учун юзминглаб хоразмликларни қазувга оммавий сафарбар этиш айнан бош Миробнинг зиммасига тушар экан. Бундай юқори мартабага эришган Мироббоши ўзининг болаликдаги дўсти Авазни аввал ўнбошилиқ, кейин юзбошилиқ, сўнгра мингбошилиқ лавозимида тавсия қилиб, масъул ишларга жалб этган эканлар. Кўп йиллар Аваз мингбоши Хива хонлигининг Эрон элчиси бўлган эканлар. (Бу тарихий факт “Эрон” номли мақолалар тўпламида (Тошкент — 1967 йил) ҳам қайд этилган.)

Бобом Оллоқулихон даврдан то Мадраимхон давригача қарийиб 30 йил давлат ишлари билан машғул бўлиб, сўнг нафақага чиққан эканлар.

У вақтдаги давлат нафақаси хонлик томонидан битта эгарланган от (араваси билан), қўш ҳўкиз, омов ва Мироббоши томонидан қаздирилган Шовот ёпнинг этагидан очилган кўрик ерлардан (ҳозир Тошхўвус шаҳри агрофлорида) 40 тан ер (16 гектар) инъом этилган. Аваз мингбоши бу мулкни куёвиге тортиқ қилади. “Мен қариган одам бўлсам, бу мулкни эплайолмайман. Сенинг йўригинг бошқа. Хон ҳазратлари инъом этган ер ва барча мулкка ўзинг эгалик қилда, менга Қиёт қишлоғидаги етти таноблик ҳовлингни қолдир. Умримнинг охирини қиёматлик дўстим Мироббоши билан бирга ўтказиб, бу дунёга якун ясамоқчиман” деб айтган эканлар. Мана шундай қилиб, ўрис босқинидан сал олдин биз бу ерларга кўчи келган эканмиз. Мироббоши билан менинг бобом Авазмингбоши ўзларининг тўғилиб ўсган қишлоғида қўшни бўлиб, умрининг охириларини биргаликда ўтказган эканлар.

— Мироббоши уйда ижод билан, боғ юмушлари билан машғул бўлганлар, — деб сўзини давом этдирди, отам. — Бу воқеа ўрис босқинидан сал олдин бўлиб ўтган деб онам айтар эдилар. “Қарилик гаштини суриб” юрган Мироббоши Хон ҳазратлари саройида кам тилга олинадиган бўлиб қолган экан. Ҳатто шогирди Муҳаммад Раҳимхон Соний (Феруз) ҳам давлат юмушлари билан бўлиб, устозидан бир-икки йил хабар олмаган эканлар. Бир куни дафъатан Қиёт қишлоғидаги бой-бадавлат хонадонларнинг бирида тўй бўлиб қолибди. Бу тўй базмига Хон ҳазратларининг катта ҳурматида сазовор, саройнинг ўша вақтдаги машхур хонандаси келармиш, деган гаплар тарқалиб кетибди. Мироббоши тўй базмидан олдин бирров кириб чиқибди-да, уйига қайтиб кетибди. Тўйга ташриф буюрган машхур хонанда Мироббошини суриштирибди. Тўй эгаси Мироббоши тўй бошланишидан олдин бирров кириб кетганлигини айтибди. Тўйдан кейин сарой хонандаси Мироббошининг уйига йўқлаб кириб ҳол-аҳвол сўрабди ва “Биздан на хизмат?” деб мурожаат қилибди. Шунда Мироббоши, “Сиздан бир илтимосим бор. Сиз мана шу ғазални Феруз ашуласининг куйига солиб, саройдаги базмлардан бирида Хон ҳазратларига айтиб берсангиз”, дебди. Хонанда: “Хон ҳазратларининг ўзи басталаган куйига ўзи ёзган ғазални айтмасам бошим кетади. Устоз, бошқа ҳар қандай ишни буюринг, лекин, бу иш “менинг қўлимдан келмас”, дебди. Хонанда ноилож бўлибди.

Бир куни Феруз саройида қаердандир келган меҳмонлар шарафига базм уюштирилибди. Базм айна авжигача чиққанда Хон ҳазратлари ўша хонандадан “Феруз” ашуласини айтишни буюрибдилар. Хонанда Мироббоши ғазалига “Феруз” ашуласини айта бошлабди. Ҳамма ҳайрон. Сарой аҳли жим бўлиб қолибди. Базмда қатнашганларнинг барчаси хон ғазабини кута бошлабди. Хон ҳазратлари босиқлик билан тинглабди. Ашулачи қўшиқ авжини “...Эй шоҳ, қарам айлар чоғи, тенг тут ёмону яхшини”, деб бор овоз ила давом эттирибди:

Эй шоҳ, қарам айлар чоғи, тенг тут ёмону яхшини,
Ким, меҳр нури тенг тушар вайрону обод устина.
Хоки танинг барбод ўлур, охир жаҳонда неча йил
Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг куриб бод устина.

Бир оздан кейин қўшиқнинг, “Не журъат ила Огаҳий...” деб бошланадиган охириги мисраси ҳам тугалланибди. Сарой аҳли оғир сукунатда. Шоҳ пахта

қараб бир оз жим қолибди. Бирдан хонанданинг устига зар тўн танлашни буюрибди ва “Бундан кейин “Феруз” ашуласи Огаҳий газали билан айтилсин. Бу менинг амрим” дебди. Сўнгра давом этиб: “Ҳамма шу ўтирганлар от-улов билан шайланинлар, катта гуноҳимизни ювгани борамиз. Бориб устозни кўриб қайтамиз”, — деб буйруқ берибди.

Отам, бу байтларнинг маъносини ўзича тушунтириб ҳам берган эди.

— Эй шоҳ, қарам айлар чоғи, яъни мурувват, ҳиммат кўрсатмоқчи бўлсанг Меҳр (куёш) вайроналар устига ҳам, обод жойларга ҳам тенг нур сочгани каби, яхшидан ҳам, ёмондан ҳам ўз карамингни дариғ тутма, деган маъно келиб чиқар экан. Лекин бундай гапларни салтанат ҳукмдорига ҳамма ҳам айтишга журъат қилмаган. Бунинг уддасидан фақат Мироббоши чиққан экан.

Ҳазалнинг охириги байтида бундай танбеҳона гапларни айтганлиги учун уз сўрагандек, “Не журъат ила Огаҳий...” деб бошлаб байтни яқунлаган экан. Бу гапларни онамга, яъни сенинг момангга унинг отаси, бобом Аваз мингбоши гапириб берган эканлар, — деб сўзини яқунлаган эди.

Отам бир йилдан кейин вафот этди, лекин ҳар сафар уни эсласам, “Феруз” ашуласи қулоғимда янграйди. Феруз ашуласини эшитсам ҳам худди шундай.

Кейинги йилларда отам шарҳлаб берган байтнинг иккинчи мисраси менда яна бошқа фикр-ўйлар туғилишига сабаб бўлаётир. Энг қадимги даврларда куёшни Меҳр (Митра) деб аташ расм бўлган. Бу ҳақда муқаддас Авесто китобида маълумот бор. Абу Райҳон Беруний ҳам “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида XI асрда ҳам куёш шаънига ҳар йили 21 сентябрда “Меҳржон” байрами ўтказилгани ҳақида ёзади. Огаҳий ҳам куёшни “Меҳр” атамаси билан тилга олганлиги муҳим маърифий қимматга эга.

Умуман, Огаҳий асарларини илмий ўрганиш чуқур тадқиқ этиш ўзбек тили ва адабиёти ривожини учун муҳим аҳамиятга эга. Буюк шоирнинг барча асарлари, таржималари, тарихий рисоаларини тўплаб, мукаммал нашрини тайёрлаш вақти аллақачон келган деб ҳисоблайман. Бу эса халқимиз маънавияти янада бойишига муносиб улкан ҳисса бўлади.

*Тоҳир КАРИМ,
тарих фанлари номзоди*



А. НЕСТЕРОВ

Исёнлар сарвари

ЛОУРЕНС АРАБИЙНИНГ ТАРИХИ

Худодан илтижо қиламан: бу тарихни ўқиғувчи одамлар сатанглар каби номаълум нарсалар жозибасига тўйиб, ўзларини ва ўз истезодларини ёт ирқларга бахшида этмасинлар...

...Мен араблар ҳузурига “ташқаридан келган одам” сифатида юборилган эдим, мен уларнинг фикрлашига ўхшатиб ўйлаёлмасдим, уларнинг имонини қабул қилолмасдим, лекин шунга қарамай, менинг бурчим шунда эдики, уларга раҳнамо бўлмоғим, бу урушда Англия учун фойдали бўлган исталган араб ҳаракатини қўллаб-қувватламоғим ва йўлга солиб турмоғим керак эди. Агар мен уларнинг руҳий ҳаёт тарзларини қабул қилолмасам, лоақал ўзимникини пинҳон сақлаб қолмоғим, улар орасида ошқора ишқалларсиз ҳаракат қилмоғим, ихтилофлар манбаи бўлиб эмас, ҳар нарсани танқид қилувчи бўлиб эмас, кўз илғамас таъсир агенти бўлиб ҳаракат қилмоғим мумкин эди. Ҳа, мен улардан бири бўлган эдим, лекин мен уларнинг маддоҳи ҳам, оқловчиси ҳам бўлмайман. Бугун мен яна аввалги оврўпоча либосимга бурканган ҳолда ташқарида турган бир кузатувчи ролини ўйнамоғим мумкин эди. Бундай кузатувчи тантанаворийликдан унча халос бўлмаган таъсирчан халойиқ эҳтиёжларига хизмат қилмоғи, унинг измида юрмоғи керак... Аммо ўша пайтдаги фикрлар ва ҳаракатларни аслида қандай бўлган бўлса, шундайлигича қорозга туширган маъқулроқ бўлур эди. Бу саҳифаларда маънисиз вайрон қилиш иштиёқидай ёки ашаддий шафқатсизликдай кўринган нарса жанг майдонларида амалга оши-

Мен тенги одамлар полковник Лоуренснинг номини “яхши” билишади — шўролар даврида Ўзбекистонда шўро ҳокимиятини ўрнатиш мавзусида ёзилган биронта асар йўқ эдики, унда полковник Лоуренс иштирок этмаган бўлсин. Аммо уларнинг ҳаммасида бу одам Англия империализмининг жосуси, Ўзбекистондаги инқилобни бўғиб ташлаб, Ўрта Осиё халқларини қул қилиш пайида юрган ашаддий авантюрист сифатида кўрсатилган. Тўғри, кейинчалик бу одам ҳақида, Шарқ халқлари тарихида катта роль ўйнаган бир инсон бўлгани ҳақида турли ривоятлар эшитдим. Лекин Лоуренс ҳақида бирон дурустроқ асар топиб ўқиёлган эмас эдим. Ҳолбуки, унинг тўғрисида анчамунча бадиий ва ҳужжатли асарлар яратилган. 20 га яқин кинофильм ишланган экан. Унинг ўзи ҳам бадиий асарлар, хотиралар ёзган, ҳатто “Доноликнинг етти рукни” деган асари

ридмаса бўлмайдиган зарурат бўлган эди. Моҳиятан булар эътибор бериб ўтиришга арзимайдиган оддий воқеалар эди...”

Бу сўзлар бизнинг асримиздаги энг шафқатсиз, энг натуралистик ва шу билан бирга, энг теран ва энг ажойиб китобларнинг биридан олинган. Бу китоб ўз муаллифини машҳури жаҳон қилди. Бернард Шоу уни “инглиз адабиёти тарихидаги энг яхши тавсифий китоблардан бири” деб атаган эди. Уинстон Черчилль эса (1953 йилда сиёсатга эмас, адабиётга қўшган ҳиссаси учун Нобель мукофотини олган) уни қачонлардир инглиз тилида ёзилган улуғ асарлар билан бир қаторда туради” деб баҳолаган. Гап “Доноликнинг етти рукни” деган китоб тўғрисида борапти. Унинг муаллифи Томас Эдвард Лоуренс кўпроқ Лоуренс Арабий номи билан шухрат топган.

Бу одамнинг қилмиш-қидирмишлари ҳаётлигидаёқ афсонага айланиб кетганди. У ўрта асрлар тарихи бўйича мутахассис олим эди, “Одиссея”нинг таржимони эди. Шу одам биринчи жаҳон уруши вақтида арабларнинг туркларга қарши исёнига бошчилик қилган, Германия томонида урушга иштирок этган Оттоман империясини парчалаб ташлашга ҳаракат қилган Британия сиёсатини амалга оширган, кейинчалик эса қироллар ва бош министрлар билан бирга ўтириб, Версал конференциясида дунёни тақсимлаб чиқишда иштирок этган. Ёлғиз ўзи жаҳонни қисман бўлса-да, ўзгартира олган бу одам ўз ватандошлари учун Киплинг томонидан мадҳ этилган “оқ танли одам”нинг жонли тимсоли бўлишга маҳкум этилган эди. Голливуд ишлаган “Лоуренс Арабий” фильмида О’Тул ижросида у айна ана шу одам сифатида гавдаланади. (Таъкидлаш лозимки, бу унинг ҳаёт йўли тўғрисидаги ягона фильм эмас. Унинг тўғрисида ишланган фильмлар, телефильмлар ва ҳоказоларнинг сони йигирмадан ошади.)

У ҳаётлигидаёқ ўзи ҳақидаги ривоятларнинг асирига айланиб қолган эди. Охир-оқибатда ана шу ривоятлар унинг ҳаётига панд берди. Уни “Янги Наполеон” ва “XX аср Байрони” деб аташди. У номини икки марта ўзгартиришга мажбур бўлган; газеталарда, зодагонлар меҳмонхоналаридаги ғийбатларда унинг “ёввойи кўчманчиларга эрк ва маърифат элтувчи олижаноб инглиз” сифатидаги образи муҳокама қилинарди — Лоуренс бунақа тарзда шухрат топишни мутлақо истамасди. У бениҳоя шафқатсиз, найзадай жароҳат етказа оладиган, аламларга тўла хотиралар ёзиб, уларда араблар исёни тўғрисидаги ҳақиқатни айтиб бермоқчи бўлди. Бу хотиралар босилиб чиқиши биланоқ адабий дурдона сифатида тан олинди. Аммо на дўстлари, на душманлари уни бу китоб учун кечирдилар. Негаки китобда ҳамма нарса ҳаддан ташқари ошқора, ҳатто, беадаблик даражасига етадиган тарзда ҳаққонийлик билан ёзилган эди. Унда зоҳиран “шарқ романтикаси” пардасини ёпинган ҳодисаларнинг авра-астари аёвсиз фош қилинади. Шарқ ҳам, Фарб ҳам Лоуренсдан дунёда ҳамма нарсадан ортиқ эркин яхши кўрадиган, шу эркинлик йўлида Оврўподаги энг олижаноб ва эрксевар давлат бўлмиш Англия билан иттифоқда Осиёдан жоҳил ва шафқатсиз туркларни сиқиб чиқарган олижаноб бадавийлар ҳақидаги ҳикояларни кутарди. Лоуренс эса ҳодисаларни ҳаракатга келтирган сиёсий омилларни фош қилди, манфаатлар ўйинини очиб ташлади, жуда кўплаб воқеаларни хотирладики,

жаҳон адабиётида катта воқеа бўлган. Черчилль бу одамни “XX асрнинг энг улуғ инсонларидан бири” деб атаган экан. “Иностранная литература” журнали “Роман янглиг ҳаёт” деган рукн ташкил қилиб, унинг илк сонларида Лоуренс ҳаётига бағишланган материаллар эълон қилди. Дарҳақиқат, А. Нестеров бу ажойиб инсоннинг ҳаётини жуда ёрқин, қизиқарли қилиб ёритиб берипти. Журналда Лоуренснинг “Шарқдаги ўзгаришлар” деган сиёсий-ижтимоий эссеси ҳам берилипти — у камида олтимиш йиллар аввал ёзилган бўлса-да, бугун ҳам қимматини йўқотмагандай. Хуллас, “Иностранная литература” журналининг 1999 йил 3-сонидан олинган материаллар, ўзбек китобхонлари учун ҳам фойдали, ҳам ёқимли бўлар деган умиддамиз.

Музаффар

уларнинг иштирокчилари бу воқеаларни имкони борича унутиб юборишни иста-шар эди. Услуг масаласига келадиган бўлсак, унинг услуби Хорхе Луис Борхесдай нозиктаъб интеллектуални қойил қолдирган. Борхес “Доноликнинг етти рукни”ни хикояларида ҳам, эсселарида ҳам бир неча бор тилга олади.

Ёзувчи сифатида Лоуренсдан Бернард Шоу ва Эзра Паунд, сиёсатчи сифатида Клемаейнсо ва Черчилль завқланган. Унинг илк биографлари қаторида Ричард Олдингтон ва Роберт Грейвз бўлган. Одатда мақтовларга жуда хасис бўлган Уистен Хью Оден ўзининг энг завқёб тақризларидан бирини ҳарбий муаррих Лиддел Хартнинг “Лоуренс Арабий. Инсон ва ривоят” деган қуруқроқ, лекин батафсил китоби тўғрисида ёзган эди. Редьярд Киплингни дўстлари зиёфатга таклиф қилишипти. Унда Арабий ҳам иштирок этмоғи керак экан. (Лоуренсни Оврўпода шундай ата-ганлар.) Буни эшитган Киплинг ўша оқшомга белгиланган бошқа бир зиёфатга боришдан бўйин товлайди — бу яхши тарбия кўрган инглиз учун ақл бовар қил-майдиган бир ҳол эди.

Вергилийнинг Энеи кетидан Лоуренс ҳам “Мендан меҳнат қилишни ва шон-шавкатни ўрган. Бахтиёр бўлмоқни ўзгалардан ўрганасан” демоғи мумкин эди. У чиндан ҳам рўёбга чиқариш мумкин бўлмаган бир ишни қилган эди. У бир ҳовуч араб бадавийлари билан ўша кезларда улуг давлат бўлган Туркиядан бутун араб Шарқни кесиб кўя қолди. Бироқ бу ғалабанинг нашидасини суриб улгурмай, унинг бошқа томонини ҳам кўрди. У бу ғалабага интилар экан, кўнглида бир дунё орзу-армонлари бор эди. Бироқ ғалабани кўлга киритиб улгурмай, бу орзу-армонлар чил-чил синди, барбод бўлди. У Шарқда ягона араб давлати барпо бўлмоғини иста-ган эди. У душманнинг яхши ўргатилган ва яхши қуролланган армиясини тор-мор келтиришга муваффақ бўлди, аммо иттифоқчиларни ваъдаларини бажаришлари кераклигига ишонтиришга муваффақ бўлмади. Иттифоқчилар уруш қизиб турган кезларда, фронтлардаги омонат вазият бирон арзимас тасодиф туфайли ўзгариб кетиши мумкин бўлган ҳолларда бунақа ваъдаларни қалаштириб бераверган эди-лар.

Черчилль ёзган эди: “Жаҳон уруши яна бир йил ортиқроқ давом этганида Лоуренс Кичик Осиё ва Арабистоннинг бирлашган қабилалари бошида туриб, Константинопольга кириб келиши мумкин эди. Ахир, у Мустафо Камол билан музока-ралаб олиб бормадими? Ўшанда навқирон Наполеоннинг Шарқни фатҳ этиш тўғри-сидаги орузи ушалмоғи мумкин эди: Лоуренсга жаҳонни забт этмоқ учун зарур бўладиган сифатлардан биронтаси етмай қолиши мумкин деб хаёлга ҳам келтириб бўлмайди... Бироқ душман таслим бўлиб қўйди ва у тўлқин океан қаъридан соҳилга улоқтирган ибтидоий жонивордай ишсиз қолаверди”.

Араблар Лоуренсни “Исёнлар сарвари” деб аташарди — унинг кераги бўлмай қолди. Ролини маҳорат билан ижро этган актёр сахнани тарк этмоғи керак — у рангсиз ва туссиз кундалик ҳаётга қайтмоғи лозим. Бу ҳаётда театрдан чиқиб уйига қайтаётган одамлар ҳозиргина юрак ҳовучлаб, қойил қолиб ўйинини томоша қил-ган актёрни туртиб, эзгилаб ўтиб кетаверадилар. Лоуренс ҳам ана шу актёр каби сиёсат соҳасини индамай тарк этди, лекин у ўзидан хотира қолдирди — бу хотира-нинг умри кундалик сиёсий тала-тўплардан узунроқ бўлди, бу хотиранинг умри даврнинг ўзидан ҳам узокроқ бўлди-ю уруш ҳақидаги энг ҳалол китоблардан бири-ни қолдирди. Бу китобни ўқидилар ва ҳали яна кўп ўқийдилар.

* * *

У 1888 йилда анча-мунча ғалатиноқ бир оилада туғилди: отаси эса Роберт Чэп-мен хотинини ташлаб, катта ўглининг энагасининг этагидан тутиб кетади. Улар-нинг иккови катта оилавий жанжалнинг гувоҳи бўлган шаҳардан бош олиб чиқиб кетишади ва Лоуренслар фамилияси остида шаҳарма-шаҳар кўчиб юришади. Ни-ҳоят, бора-бора Оксфордда муқим туриб қолишади. Томас Эдварднинг онаси Сара Лоуренс бутунлай азоб-уқубатлар ичиде қолган эди. У бегона эрақ билан зинога ботиб яшаётган аёлининг ҳолидан ор қилар эди. Лекин бу ҳол унинг бешта фарзанд туғиб беришига ҳалал бермади. Доимий равишда Худо олдида гуноҳини ҳис қилиб эзилиб юрадиган бу аёл жон-дили билдан диндан тасалли изларди. У болаларини батавфиқ, имон-этиқодли қилиб тарбиялаш учун қўлидан келган ҳамма ишни

қилди. Аммо у юмшоқ кўнгил, раҳмдил ва таъсирчан аёл эди. Шунинг учун мавҳум диншунослик илмидан кўра авлиё Граал ҳақидаги романларнинг оташин руҳи унга яқинроқ эди. Айни онаси туфайли Эдвард Урта асрларга, “Давра стол” рицарларига, салб юришларига қизиқиб қолди. Рицарларнинг номус қонунлари унинг учун чинакам имон-этиқод бўлди, бу ҳатто христианликдан ҳам юқорироқ турарди. Афтидан, йигитнинг назарида, черковнинг ўзи ҳам унинг ғайриқонуний тарзда туғилгани билан боғланиб кетарди. Бу ҳол доктор Фрейд таълимотига мос келади. (Эҳтимол, кейинчалик унинг ислом маданиятига мансуб одамлар билан осонгина тил топишиб кетиши ва уларга интилишининг боиси шундадир.) Ҳар ҳолда, нима бўлганда ҳам унинг ёшлигидаги баъзи воқеалар Лоуренснинг бир қатор руҳий зарбаларга дуч келганидан далолат беради. Жумладан, у мактабни ташлаб, артиллерия қисмига кўнгилли аскар бўлиб ёлланган ва ҳатто бир неча ой солдатлик бўйинтуригини кўтариб юрган. Фақат отаси бориб солдатлик ҳақидаги контрактни бузганлиги учун 30 минг франк жарима тўлаб келгандан кейингина Эдвард бу мажбуриятдан қутулган.

1907 йилда Лоуренс Оксфорддаги Исо алайҳиссалом Коллежига ўқишга кириди. У мутахассислиги сифатида классик филологияни ва Урта асрлар тарихини танлайди. Лоуренс талабалик йилларида ҳам галати бўлган экан — кундузлари ухлаб, кечалари дасини ўқир экан. Дўсти-биродарларининг ҳикоя қилишича, у ўзига норма белгилаб олган экан — ҳар куни кечаси бешта-олтита китобни ўқиб чиқмоғи шарт экан. У бу қоидага сира оғишмай амал қилар экан. Бунга амал қилар экан, у чуқур ва мунтазам таълим олишни кўзлаган эмас, балки ўз манфаатларини назарда тутган. Натижада, баъзи бир соҳаларда унга билими жиҳатидан тенг келадиганлар бўлмаган, баъзи бир фанлардан эса у анча-мунча ғариб тасаввурга эга бўлган. Шунга қарамай, унинг билимлари нақадар теран бўлганини кўрсатадиган фактлар бор. Жумладан, 20-йилларнинг охирида араб жангу-жадаллари ортада қолиб, истеъфодаги полковник Лоуренс бир оз камҳаржроқ бўлиб қолганида у “Одиссей”нинг насрий таржимасини қилишга киришади. Бу таржима анча вақтгача — 60-йилларнинг ўрталарига қадар намунали таржима деб ҳисоблаб келинган эди. Айтганча, бу ўринда таржимон нима учун, айнан, “Одиссей”ни танлагани ҳам диққатга сазовор — эҳтимол, исёнкор лашкарнинг сардори ватанига қайтиб келгач, Одиссей кувёларга нечоғлик керак бўлмаган бўлса, ўзи ҳам юртдошларига шунчалик малол келатганини кўриб, бу аҳволга кўнишга мажбур бўлган ва ўз тақдири билан юнонistonлик дарбадарнинг тақдири ўртасида муштараклик кўрган. Сирасини айтганда, бутун умри давомида у онглими, онгсизми — қадимгилар ўрнагига эргашган. Икки йиллик араб жангу-жадаллари давомида ўзи билан бирга хуржунда Томас Мэлорининг “Артурнинг ўлими” романини олиб юрган. Бу ишида у Александр Македонскийга тақлид қилгани яққол кўриниб турипти. Юнон саркардаси ҳам сафарлари давомида “Илиада”дан ажралган эмас. У ҳатто “Илиада”ни матога ўраб, бош остига қўйиб ётар экан... “Доноликнинг етти рўкни” Цезардан андоза олиб ёзилган. Лоуренс “Галл уруши ҳақида мактублар”нинг, яъни саркарданинг ҳарбий мухорабалари ҳақидаги хотираларининг замонавий нусхасини яратаётганини яхши англаган.

Лоуренс диссертациясига мавзу қилиб салб соҳиблари томонидан Сурия ҳудудида қурилган қасрлар ва истеҳкомларнинг меъморий хусусиятларини олган ва илмий тадқиқотларига асос бўлган иншоотларни, албатта, ўз жойида бориб кўришга аҳд қилган.

Сурия ҳам ўша кезларда қолган жамики Араб Шарқи каби турклар ҳукмронлиги остида эди. Турган гапки, турклар Оттоман империяси ҳудудида оврўполикларнинг бирон нарсага қизиқишини, шу жумладан, қадимий вайроналарни ўрганишни ҳам рағбатлантормас эдилар. Шунинг учун Лоуренс биринчи саёҳатига тайёргарлик кўрар экан, ўзини тоғ-тоғ китоблар уюмини титкилаб кўриб чиқишгагина эмас, балки тўппончадан иккала қўли билан ҳам бехато отишни ўрганиб олишга чоғлади. Йигитимизга Сурияда салб юришлари тарихини билиши қанчалик асқотганини айтиш қийин, лекин қуролни мукаммал эгаллагани туфайли бир неча бор ўлимдан қолди. Кунлардан бирида тоғларда сайр қилиб юриб, у турк солдатига рўпара келиб қолади. Солдат фаросатлироқ эканми, бу жойларда учраган оқ одам фақат жосус бўлиши мумкин, бошқа ҳеч ким бўлмайди, деган хулосага келади ва бошини ғалвага қўйиб юрмай деб, уни отиб ташлай қолишга аҳд қилади. Шоввоз солдат елкаси-

дан милтигини олиб, мўлжаллайди-да, тепкини босади. Ўқ отилади, лекин хато кетади. Лоуренс тўппончасини яланғочлайди, лекин солдатга раҳми келади-да, уни ўлдирмасликка, сал-пал ярадор қилиб қўя қолишга аҳд қилади — мўлжални моҳирона олиб, туркнинг бармоғининг бир бўғинига теккизади. Оғриқдан солдат қуролни тушириб юборади, шундан сўнг Лоуренс ҳақиқий рицар каби солдатнинг ёнига бориб, ёрдамини таклиф қилади. Туркнинг қони сирқиб турган ярасини боғлаб қўйиб, Эдвард унинг теран ҳурматини қозонолди. У ҳатто Эдвардга ўзининг эшагини беради — эшак ҳам, худди эгаси каби Оттоман армиясининг ҳисобидан тирикчилик қилар экан. Оқ танли олижаноб йигит эшакни миниб тоғдан водийга тушади — бу ерда уни суриялик дўстлари кутиб турган бўлади.

1911 йилнинг қишида Ашмола музейининг раҳбари Д. Дж. Хогарт Лоуренсга экспедицияда ассистентлик ўрнини таклиф қилади. Экспедиция Туркия билан Сурия чегарасида Евфрат дарёси соҳилида жойлашган Хетт шаҳри Кархемишда қазилмалар ўтказишга жўнамоқда эди.

Археология у кезларда хона ичига биқиниб олган илм бўлмайд қолган эди. Қазилмалар раҳбари ўзида олим, ташкилотчи ва саргузашталаб одам сифатларини бирлаштирган бўлмоғи керак эди. Уоллес Бадж атоқли мисршунослардан бири эди. Британия музейидаги Мисрга дахлдор экспонатларнинг ярми шу одамнинг саъй-ҳаракатлари билан йиғилган десак муболага бўлмас. Бадж таҳририда нашр этилган Миср матнларига эса олимлар ҳозирга қадар мурожаат қилишади. Бу одам ҳақли равишда даҳо контрабандачи унвонига сазовор бўлиши мумкин эди, чунки маҳаллий ҳокимият вакилларининг ҳар қандай тақиқлари ва қаршиликларига қарамай, унинг Мисрдан антика ёдгорликларни қандай усулда олиб чиқиб кетганини кўрган одам қойил қолмай иложи йўқ.

Хогарт Лоуренсдан араб тилини жиддий ўрганишни талаб қилади. Лоуренс Сурияга қилган биринчи саёҳати давомидаёқ жонли сўзлашув тилига дахлдор анча-мунча ибораларни ўзлаштириб олган эди. Бироқ қазилма ишларига теварак-атрофдаги қишлоқлар аҳолисидан ёлланган ишчиларга раҳбарлик қилиш учун бунинг ўзи кифоя қилмас эди. Қазилма ишлари олиб борилаётган жойга жўнаш олдин Лоуренс бир неча ой Байрут яқинидаги Жабали деган жойдаги Америка миссиясида бўлиб, араб тилини ўрганди. Кейинчалик “Доноликнинг етти рукни” босилиб чиққандан кейин кўролмаган ичи қоралар Лоуренсга фаройиб бир айбни тўнкамоқчи бўлишди: гўё Лоуренс араблар орасида аввал қазилма ишларида, кейин исёнчилар билан бирга ўтказган ўн йили мобайнида арабча фикрлашга ўрганиб қолган эмиш, гўё унинг инглизчаси ҳам ўнгарилмас тарзда бузилиб, расвоси чиқиб кетган эмиш, унинг тили уч-тўртта инглизча сўзлар панасига яширинган эмиш... Лоуренснинг ўзи Роберт Грелвз билан суҳбатда “Менинг арабчани билишим ҳақидаги гап-сўзларда жуда катта муболага бор” деган экан. Унинг айтишича, археологик экспедициялар иши мобайнида у озаки тарзда тўрт мингтача сўзни ўрганиб олган экан, холос. Араб тилининг сўзлик фонди жуда бой — унинг учун тўрт минг сўз жуда кам. Бундан ташқари, Лоуренс ўрганган сўзларнинг кўпчилиги қазилма ишларининг специфик эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган. Натижада у исёнчилар орасига тушиб қолганида аввалига улар билан шунчаки жўн суҳбатлашишга ҳам қийналган. Исённинг охирига келганда у тахминан ўн икки минг сўзни ўзлаштириб олган, лекин шунда ҳам амалда араб тилида ўқишни билган эмас. Диққатга сазовор бир ҳол — урушдан кейин Жонатан Кейп деган ношир Лоуренсга “Минг бир кеча”ни таржима қилишни таклиф қилганида, гап араб тилидан эмас, асарнинг французча таржимасидан инглизчага ўгириш ҳақида борган.

Ўзининг энг батафсил биографидан бири бўлмиш капитан Лиддел Харт билан гаплашганида Лоуренс “мен араб тилини мукаммал ўзлаштирган биронта инглизни билмайманки, у Шарққа бориб қолса, лоақал дастлабки беш дақиқа мобайнида ўзини араб дунёсининг аҳли деб кўрсата олсин, ўзим ҳам бундан мустасно эмасман”, деган экан.

Бироқ Лоуренс аллақандай туғма жозобага эга эди. У одамлар билан тез чиқишиб кетарди. Бу эса маҳаллий аҳоли учун тил билишдан кўра қадрлироқ эди. Бир куни Лоуренс қазилма ишларига ёлланган бир арабнинг ҳамроҳлигида Жебалига келади. Қандай қилиб Лоуренс маҳаллий аҳоли билан бу қадар апоқ-чапоқ бўлиб кетади деган саволга, араб шундай жавоб берипти: “У ўзимиздан ўзга эмас, бизнинг

биттамит. Биз ниманики билсак, у ҳам шуни билади, бизнинг қўлимиздан нима келса, унинг қўлидан ҳам шу келади. У ҳатто биздан яхшироқ билади ва биздан дурустроқ ҳам қилади”. Лоуренснинг баъзи хатти-ҳаракатлари унинг оврўполик ҳам-касбларига тушунарсиз, қолди. У бир маромда бораётган ишни тўхтатиб қўйиб, ишчилари билан уларнинг аллақандай уруғчилик муносабатларига дахлдор ишларини, эски ривоятларни ёхуд шунчаки маҳаллий ғийбатларни ярим кун муҳокама қилишга тушиб кетарди. Қазилма ишларининг раҳбари Д. Дж. Хогартнинг танбеҳига Лоуренс ҳазил-мутойиба билан жавоб бериб, елкасини қисиб қўя қоларди, бир ҳафталардан кейин маълум бўлардики, Лоуренснинг ишчилари “аллақандай изоҳлаб бўлмайдиган тарзда” камида йигирма кунда қилинадиган ишни уч-тўрт кун ичида бажариб қўйишипти. Агар қазилма ишлари жараёнида чиндан ҳам бирон қимматбаҳо ёки қизиқарли нарса топилиб қолса, Лоуренс арабларга милтиқларидан осмонга қаратиб отишга рухсат берарди. “Араблар боладай гап, улар милтиқ отишни яхши кўришади” — деб изоҳ берарди Лоуренс. Шундан кейин унинг участкасида топилмалар миқдори ҳам, иш суръати ҳам кескин кўпайиб кетарди.

Баъзан шундай дейишадик, гўё Лоуренс Кархемиш давридаёқ Улуғ Британия гарбий разведкасига ишлай бошлаган эмиш. Қазилма ишлари олиб борилаётган жойнинг ёнидан темир йўл тармоғи ўтган экан, гўё инглизларнинг Сурияда бўлишларидан мақсад — турк армиясининг силжишларини кузатиб бориш-у маҳаллий жойларнинг харитасини чизиш эмиш. Археологик тадқиқотлар эса шу ишларни ниқоблаш учун кўрилган бир тадбир эмиш. Бу тахминлар қисман турклар томонидан тарқатилади. Контракт бўйича темир йўлда ишлаган баъзи бир немис муҳандислари Лоуренснинг жосуслигига чиппа-чин ишонганлар. Ҳар ҳолда, нима бўлганда ҳам Лоуренс Англияга қайтиб келгач, қазилма ишларига раҳбарлик қилган Британия музейига экспедиция ҳақида илмий ҳисобот топширади. 1915 йилда ҳисобот “Синай саҳроси” деган сарлавҳа билан эълон қилинади ва Лоуренсга жиддий археолог обрўйини бахш этади.

Яна бир зътиборга лойиқ масала. Лоуренс мактабда ўқиб юрган кезлардаёқ фотографияга жуда қизиқиб қолган эди. Шунинг учун у ўзигача амал қилинган каби бирон буюмни топилиш шароитини қайд қилишга ёки унинг тасвирига олам-жаҳон қоғозу вақт сарфлашни истамайди-да, бошиданоқ ҳамма нарсани сувратга олишга бошлади. Бу иш археологиянинг ҳамма қонун-қоидаларига хилофдай кўринган эди. Фақат вақт ўтиши билангина олимлар фотография ишни анча енгиллатишига амин бўлишди. Лекин ўша вазиятда Лоуренс археологиядаги дала ишлари методикасига бирон-бир янгилик олиб кириш иштиёқи билан эмас, фотографияга бўлган эҳтиросли муҳаббати туфайли шу ишни қилган эди.

Лоуренс Англияга қайтгандан кейин араб тилини яхши биладиган ва Сурия ҳамда Фаластинда бир неча йил умрини ўтказиб келган бу ёш археологга ҳарбий разведка қизиқиб қолди. Уруш бормоқда эди: Олий ҳазратнинг ҳукумати ва қўшинига араб Шарқи бўйича мутахассислар керак эди: бу ҳудудлар Туркиянинг ҳукмдорлиги остида бўлиб, Туркия Германия томонида туриб уруш қилмоқда эди. Шу тариқа тақдир тақозоси билан (ва олимпикни йиғиштириб, ҳарбий-сиёсий маслаҳатчи бўлиб олган Д. Дж. Хогартнинг тавсияси билан) Лоуренс ҳарбий разведканинг ходими бўлиб қолди ва Қоҳирага юборилди.

Бу пайтга келганда турк армиясида хизмат қилган араб зобитлари аллақачон махфий жамиятга уюшиб улгурган эдилар. Уларнинг мақсади арабларни империядан ажратиб олиш эди. Уруш бошлангандан кейин улар Макка полициясининг бошлиғи Ҳусайнга мурожаат қилиб, уни ҳаракатга бош бўлишга ва қулай фурсатдан фойдаланиб, исён кўтаришга даъват этдилар. Исённинг асосий кучи Турклар фронтга жўнатишга тайёрлаб қўйган араб дивизияси бўлмоғи керак эди. Дивизияга Ҳусайннинг ўғли Фейсал қўмондонлик қилади деб чамалаб қўйган эдилар. Фейсал исён байроғини — шерифнинг тўқ қизил байроғини кўтармоғи лозим эди. Ҳамма нарса тахт қилиб қўйилганда турклар аҳвол чатоқлигини пайқаб қолишди: армия зобитлари ўртасида тайёрланаётган фитна фош бўлиб қолди. Ҳамда Анварпошшо ҳамда Жамолпошшо раҳбарлигидаги олиймақом комиссия аҳвол билан жойларнинг ўзида танишишга қарор қилди. Бунинг учун комиссия Мадинага келди — араб дивизиясининг қароргоҳи шу ерда эди. Воқеаларнинг кейинги ривожи номусор ҳақидаги шарқона тасаввурлар билан белгиланади. Тайёрланаётган исённинг раҳнамоси Фейсал билан империянинг икки олий ҳукмдори (исёнчилар айни шу

хукмдорлар кўлидан халос бўлишни мақсад қилиб олишган) туркларга қарши кўзғолон кўтариши керак бўлган армияни кўриқдан ўтказишади. Кўриқ шаҳар дарвозасидан ташқарида бўлади. Мустабидлар хўмрайганча чанг кўтариб шахдам қадам ташлаб ўтиб бораётган пидедаларни, от ўйнатиб ўтаётган сувориларни кузатиб туришибди. Шу чоқ Фейсалнинг олдига зобитлардан бири келиб сўрайди: “Жаноб, уларни ҳозир ўлдирамизми?” Бунга Фейсал қаттиқ тақққлаш билан жавоб берипти. Туркларни ўлдириш меҳмондўстлик қонунларини бузиш деган гап эди. Зобитлар оёқ тираб туриб олишади. Фейсал том маънода уларга ялиниб-ёлборади, ўзининг номус-орига доғ туширмаслик учун душманларининг ҳаётини сақлаб қолишни ўтинадди. Ҳолбуки, бу душманлар яқиндагина Фейсални суриялик фитнакорларнинг қатлида иштирок этишга мажбур қилишган эди. Қатл қилинганларнинг кўпчилиги Фейсалнинг шахсий дўстлари эди. Фейсал кечирим сўраб, кўриқни дабдурустан тўхтатади-да, олий мартабали меҳмонларни Мадинага олиб кетади. Ҳамма гапни жуда яхши тушунган Анварпошшо билан Жамолпошшо Мадинага турк кўшинларини киритади. Шунда Ҳусайн билан Фейсал бадавийларга таяниб туриб, исён кўтаришади.

Лоуренс арабларга қўшма қабилаларга сардор бўлишга қобилияти етадиган раҳнамо этишмаётганига ишонч ҳосил қилади. Шериф Ҳусайн саркарда эмас, сиёсатчи эди. Кўпчилик унинг ўғли Абдуллани кўзғолоннинг ҳақиқий сардори ўрнида кўришни истарди. У ҳаддан ташқари истеъдодли, узоқни кўра оладиган одам сифатида таассурот қолдирарди. Лекин у ҳаддан зиёд муғомбир эди. Шунинг учун унга жиддий ишларни ишониб топшириб бўлмасди. Сардор ролига яна иккита даъвогар бор эди: буларнинг бири Абдулланинг ўғай укаси Зейд ёхуд шерифнинг яна бир ўғли Али эди. Лекин улар ҳам инглизларнинг ишончини оқлаёлмади.

Таваккалига ҳаракат қилган Лоуренс ўзига берилган ваколатлар чегарасидан чиқиб, Фейсал билан учрашишга қарор қилади. Агар “Доноликнинг етти рукни”га ишонилса, айни шу учрашув араб кўзғолонининг кейинги тақдирини белгилаб берган. Фейсал сиймосида Лоуренс излаган одамини топди, ёш араб шаҳзодаси эса бу одамга ишонди ва унга нисбатан эҳтиром туйғуларини ҳис қила бошлади. Лоуренс учрашув чоғида “исёнчилар қароргоҳи сизга ёқдими?” деб эҳтиром билан берилган саволга анча кескин оҳангда, “ёқишга ёқди-ю, лекин Дамашқдан анча олисда экан” деб жавоб берди. Дамашқ устидан назорат ўрнатиш исённинг ғалаба қозонганини билдирар эди.

Қайтгандан кейин Лоуренс Хижоздаги ишларнинг аҳволи ҳақида бошлиқларига ҳисобот беради. Унда яроқ-аслаҳа, қурол билан таъминласа, уларнинг ҳузурига билимдон, пишиқ маслаҳатчилар жўнатилса, исёнчилар жиддий куч бўлиши мумкинлиги таъкидланади. Аммо маълум бўлишича, Фейсал қошида ҳарбий маслаҳатчи родини ўйнашга қодир бўлган зобитларни излаб топиш ва тайёрлаш бир неча ойни талаб қилар экан. Унга қадар полковник Клейтон исёнчилар қароргоҳига Лоуренс-ни жўнатишга қарор қилади. Лоуренс бор-йўғи координатор қилиб жўнатилган бўлиб, арабларга инглизлар билан алоқа қилиб туришда ёрдам бермоғи керак эди. Шундай қилиб, Оксфорддан чиққан археолог исён тақдирини белгиловчи одамлардан бири бўлиб қолади.

“Биз ўз ҳолига ташлаб қўйилган армия эдик. Бизда парадлар ва кўз-кўз қиладиган кўриқлар йўқ эди. Биз эркинликка хизмат қилардик. Эркинликки, у ер юзида яшайдиган ҳар бир инсон учун “Имон рамзи”дан кўра кам қимматга эга эмас, бу мақсад биз учун шу даражада ардоқли эдики, бутун вужудимиз билан бизни асир қилиб олган эди. Орзу-умидларимиз эса шу қадар беҳудуд эдики, ундан таралган шухрат нурлари қаршида дастлабки ниётларимиз туссиз бир нарсага айланиб қолди. Вақт ўтиши билан аъмол учун курашмоқ иштиёқи ҳеч қандай тўсиқларни тан олмайдиган заруратга айланди. У бизни ҳар қандай шубҳа-гумонларни улоқтириб ташлаб, олға босмоғимиз учун темир калтаклар билан ниқтарди. Истасак-истасак бу этиқодимизга айланди. Биз ўзимизни унга қул қилиб бердик — худди сургун қилинган маҳбуслар янглиғ кишанбанд бўлдик-да, ўзимизда мавжуд жамики яхши-ёмон хислатларимиз билан муқаддас аъмолнинг хизматкорига айландик. Қул аҳволига тушиб қолган одам бошқача тарзда фикрлайди, чунки у бу дунёда ҳамма нарсадан махрум. Унинг қалбида содир бўлаётган нарсалар бошқаларни даҳшатга солиши ва жиркантириши мумкин. Биз эса ҳамма нарсани ўзига тобе қилиб оладиган ғалаба иштиёқига нафақат танимизни, балки жонимизни ҳам бахшида этган-

миз. Шу йўлни танлаганимиз эвазига олган мукофотимиз шу бўлдики, биз ахлоқдан, иродадан, масъулиятдан мосуво бўлиб, шамолда чирпирак бўлиб учиб юрадиган қовжираган баргга ўхшаб қолдик”.

Лоуренс бутун умри ҳарб илмини ўзлаштириш билан ўтган одам эмас эди. Шунинг учун исён режасини ишлаб чиқар экан, ҳарбий билим юртларида сингдирилдиган малакаларга амал қилгани йўқ, балки ўзининг салоҳиятига ва қачонлардир ўқиб чиққан ўн беш-йигирмата китоб ҳақидаги хотираларига таянди. Бу китоблар ҳам бевосита ҳарбий ишларга бағишланган эмас, балки уруш фалсафасидан баҳс юритувчи китоблар эди: жумладан, Клаузевиц ва шунга ўхшашлар. “Доноликнинг етти рукни”да Лоуренс ичбуруғ касалига учраб, тўшақда алжираб ётар экан, ҳушёр тортган чоғларида бўлажак мухораба стратегиясини аниқлашга интилганини, бу тўғрида Афлотун ва Арастуларнинг юнон тилидаги атамалари ёрдамида мулоҳаза юритганини ёзади. Бу иш бир қарашда ҳар қанча бемаъни кўринмасин, лекин унда алланечук ноёб бир ишонтирувчи қудрат бор.

Бир йил мобайнида Лоуренс араб шаҳарларида жойлашган турк кўшинларини бир-биридан ажратиб, алоқасини узиб қўйишга муваффақ бўлди. Бундан кейинги муваффақият иттифоқчиларнинг Осиёдаги ҳужуми арафасида исёнчилар туркларнинг асосий базалари бўлмиш Дамашқни алоқа йўлларида кесиб қўя олишларига боғлиқ эди. Дамашқ операциясини ишлаб чиққан генерал Бартоломью аҳволни бир ибора билан ифодалаб бергани: “Агар Лоуренс бу ишни ҳужумдан бир кун аввал амалга ошира олса, биз ғалаба қозонамиз”. Араблар иттифоқчиларнинг ҳужуми бошланмасдан қирқ саккиз соат аввал дарёга етиб келишди. Дарёдан туриб Дамашқни ички ҳудудлари билан боғлайдиган темир йўл тармоғи назорат қилинар эди. Энди шаҳарда жойлашган тиш-тирноғигача қурооланган, кўп сонли гарнизоннинг кўз ўнгида темир йўл полотносини портлатмоқ зарур эди. Исёнчилар темир йўл бека-тига жуда яқин келиб қолганларида унинг аэродромдан саккизта немис бомбардимончи учқичи осмонга кўтарилди. Фейсал кўшинлари текисликда манаман деб яққол кўриниб турарди. Биринчи бомбалар туша бошлаганда портлатувчилар портловчи моддаларни эндигина қўйишга киришишган эдилар. Шу пайт осмонда битта инглиз самолёти пайдо бўлди.

Инглизлар исёнчиларга ёрдам тариқасида разведка учун ва осмондан мадад бериб туриш учун бир нечта самолёт беришган эди. Олисда бомбалар портлаётганини эшитиб, инглиз учувчиларидан бири — лейтенант Джунон буйруқни кутиб ўтирмай, энгил қирувчи самолётда кўтарилиб, дарё томон йўл олди. Вазиятни баҳолаб, у ўз самолётини немис эскадрильясининг тўғри ёнбошига солади. Биринчи жаҳон уруши давридаги учувчиларнинг шон-шавкат тўғрисида ўз тушунчалари бор эди. Ўзлари билан жангга киришмоқчи бўлган учувчини кўриб немис ўқувчилари ердаги бомбардимон қилинадиган жойларга қизиқишларини бутунлай йўқотиб, Джунон самолётини таъқиб қилишга киришадилар. Немисларнинг самолётлари анчамунча замонавийроқ эди, шунинг учун уларнинг назарида инглиз самолётини уриб тушириш кўпда қийин бўлмаслиги керак эди. Исёнчиларда имконият пайдо бўлади: портлатувчилар ишларини тугатиб улгурадилар, бир жойда тўпланган кўшин эса (кўшин эмас, бор-йўғи бир неча минг киши) майда-майда гуруҳларга бўлиниб, ҳар хил йўналишларда ҳаракат қила бошлайдилар. Инглиз учувчиси эса орқасидан саккизта немис самолётини эргаштирган ҳолда осмонда “фахрий ҳалқа” ясаб, хатардан қутулиб қолади — унинг ўқлардан илма-тешик бўлиб кетган самолёти Лоуренснинг портловчиларига яқинроқ жойга қўнади. Уларнинг ихтиёрида автомобиль бўлади. Ҳаммафари шу автомобилда жанг майдонидан қутулиб чиқиб кетишади...

Ҳарбий муаррихлардан қай бири араб жангу-жадалларини инсоният тарихидаги “сўнгги романтик уруш” деб атаган эди. Озодлик аъмолларига содиқ туя минган олижаноб кўчманчилар ҳандақларда ўтириб олиб, бир-бирининг устига замбарак ўқларини ёғдирувчи мунтазам кўшинларнинг бутунлай тескариси эди. Бироқ “романтик” деган сифат саҳродаги ўша урушга тадбиқан яна битта, теранроқ маънога эга: бу якка-ёлғиз одамларнинг давлат машинасига қарши уруши эди. Тарозининг бир палласида озиқ-овқат ва кийим-кечак етказиб беришдаги мунтазамлик, темир йўл жадвали билан юкларни тўраларча расмийлаштиришларнинг мувофиқлиги, иккинчи палласида тўсатдан саҳродан чиқиб келиб, кўприкларни бузиб ташлайдиган, темир йўл полотноларини, телефон алоқаларини, телеграф симларини ишдан

чиқарадиган бир тўда кўчманчилар гуруҳларининг ўзбошимчалиги ёки буйруқни кутиб ўтирмай самолётини осмонга кўтарган ёш лейтенантнинг ўзбошимчилиги... Ким билсин, биринчи жаҳон урушида Оттоман империясини қақшатқич мағлубиятга учратган одам амалда ана шу ёш инглиз учувчисидир...

Аммо у уруш “романтика”сида бошқа жиҳат ҳам бор эди: “Бадавийларнинг йўллари улар билан болалик йиллариданоқ таниш одамлар учун ҳам анча-мунча оғир, аммо бегоналар учун улар жуда оғир — бу тириклай ўлиш билан барабар, — деб ёзади Лоуренс. — Яшаш учун олиб бориладиган мангу жанг юраклардан ҳар қандай ҳаёт ташвишини юлиб ташлайди — на ўзингнинг, на ўзганинг ҳаётини ўйлайсан... Ҳар куни ўлим яна биттамызни олиб кетарди; қолганлар эса шуни билардиларки, улар Тангри саҳнасида ҳис қилиш қобилиятига эга бўлган қўғирчоқдан ўзга нарса эмас. Бизнинг қўғирчоқбозимиз эса чиндан-да шафқатсиз. У энг сўнгги дақиқагача раҳм-шафқатни билмайди. Биз қабариб, қонга беланган оёқларимизни зўр-базўр судраб босиб, олға бораверамиз, бораверамиз ва ниҳоят йиқиламиз. Бутунлай кучдан қолиб толиққанлар сўнгги куни етиб келганларга ҳавасланиб қарашади. Омад жуда олисда, муваффақиятсизлик эса шу қадар яқин ва муқаррар кўринадики, ўлим бир йўла ҳамма мушкулотлардан халос қиладигандай туюлади.

Тугал лоқайдлик ўрнида асаблар ҳаддан зиёд таранглашади. Биз ё асаблар ҳолсизлигида, ё туйғулар жунбушида яшардик. Ҳорғинлик, сиқиб сувимизнинг олингани биз учун бамисоли заҳардай эди: у бизни фақат шу лаҳзадаги муҳим нарса тўғрисида ўйлашга мажбур қиларди. Биз рўпара келадиган одамларнинг бошларига ёғдириш учун асраб-авайлаб олиб кетаётган ёвузлик тўғрисидаги ёхуд ўзимиз бошдан кечириб азобланаётган ёвузлик ҳақидаги фикрларни улоқтириб ташлардик. Жисмоний туйғулар амалда ҳеч нарсага арзимайдиган лаҳзалик кўпик бўлиб чиқарди. Шафқатсизлик, ёвузлик, бузуқлик ва шахват эпкинлари моҳиятга таъсир қилмаган ҳолда юзадан эсиб ўтардилар; ахлоқ қонунлари бемаъни тасодифлар таъсирида кетма-кет оёқ ости қилинаверарди. Улар куруқ гапга ўхшаб туюларди... Қўлларимиз ҳаммиша қонга беланган бўларди: кимлардир тўкилган қонлар уволидан бизни озод қилиб қўйгандай эди. Ярадор қилиш, ўлдириш, ўткинчи лаҳзалик дарддай туюларди. Чунки ҳаётимизнинг ўзи бир лаҳзалик эди ва бизга нисбатан ҳеч қандай шафқат билмасди... Биз бир кунлик умр билан яшардик ва шу бир кунни деб ҳалок бўлардик...”

Буларнинг бари 1918 йилнинг 1 октябрида тамом бўлди — исёнчилар Дамашқни ишғол қилишди. Туркия Араб Шарқи устидан назоратни йўқотди.

Лоуренсни Англияга чақириб олишади, лекин орадан кўп ўтмай, уни Версал конференциясида иштирок этадиган Британия делегацияси таркибига киритишади. Унинг учун сиёсат бобида ажойиб истиқбол очилади. Аммо Лоуренс ҳеч қачон дипломат бўлган эмас. Унинг фожиаси шундаки, у портлагачи моддалар замонида ришар бўлмоққа ҳаракат қилганди. У ўзининг конференциядаги ролини анча-мунча бошқача тушунди (инглиз ҳукумати нуқтаи назаридан).

Араблар билан ёнма-ён курашар экан, у ягона араб давлатини барпо этиш мақсадида кураш олиб борган эди. Бироқ Шарқда бунақа давлатнинг барпо бўлиши улуг давлатлар режасига мутлақо тўғри келмас эди. Инглизлар арабларга жуда мужмал ваъдалар беришди. Аммо 1915 йилдаёқ Франция билан урушдан кейин дунёни тақсимлаб олишга алоқадор бир қатор битимлар тузишди. Бу ишларда араб давлатига мутлақо ўрин ажратилмаган эди. Лоуренс иттифоқчиларнинг бу режаларидан араблар олиб борган жангу-жадалларнинг ўртасидаёқ хабардор бўлиб қолган эди. У бундай риёкорликдан қалбида туғилган ғазабни зўрға босди. Ахир, инглиз ҳукуматининг вакиллари уни исёнчилар ёнига йўллар экан, бутунлай бошқача гапларни гапиришган эди. Тўғриси айтиладиган бўлса, унга нисбатан ҳам, арабларга нисбатан ҳам хоинлик қилишди ва беҳаёлик билан улардан ўзгаларнинг ўйинида фойдаланишди. Ори рост, урушнинг охирига бориб Англия Франциянинг ҳаддан ташқари зўрайиб бораётганидан хавотирга тушиб қолди ва бунга йўл қўймаслик учун баъзи бир қадамларни қўймоққа тайёр эди. Жумладан, баъзи бир араб ҳудудларининг мустақиллик олиши масаласини қўйиш мумкин. Аниқроғи, номигагина мустақил ҳукумат бўлади-ю, аслида Оврўпо давлатларининг қўлида қўғирчоқ бўлади. Албатта, Улуғ Британияга итоат қилса яхшироқ бўлар эди. Шунинг учун Ллойд Жорж ҳатто Фейсалга конференцияга таклифнома ҳам жўнатди. Аммо Фейсални конференция қатнашчиларининг расмий рўйхатига қўшишмади. Бу тўғрида у фа-

қат Парижга келганидан кейингина хабар топди. Парижда унга ташкилий қўмита номидан шундай ахборот беришди: “Франция ҳукумати таассуф билан маълум қиладики, араб делегацияси конференцияда қатнашиш ҳуқуқини олгани йўқ, чунки улуғ давлатлар ҳозирча исёнчилар ҳукуматини расман тан олганлар тўғрисида баёнот берганлари йўқ”. Рост, ўша куни оқшомга бориб, бу англашилмовчилик барта-раф этилди. Араблар билан иттифоқчилар ўртасида воситачилик қилиш яна Лоуренс зиммасига тушди. Ўзининг алоқалари ёрдамида — генерал Алленби ва ташқи ишлар вазирлигидаги дўстлари кўмагида Лоуренс шунга эришдики, Фейсал кечкурун Ллойд Жорждан “араблар конференциясида иккита вакилга эга бўлмоқлари мумкин” деган маънода расмий маълумот олди.

Шу дақиқадан бошлаб Лоуренс конференцияда инглиз делегациясининг аъзоси сифатида эмас, Фейсалнинг шахсий вакили ва таржимони сифатида иштирок этди. Расмий тадбирларга у тартиб-қоида талаб қилганидек, Британ армиясининг полковниги кийимини кийиб эмас, балки арабча либосда келар эди. Меҳмонхонада ҳам Фейсалга ажратилган қанотда истиқомат қилар ва унга нутқларини ёзишда кўмаклашар эди. Ҳатто Георг V конференция ишида танаффус бўлган чоғда Фейсал шарафига берган зиёфатда ҳам Лоуренс тартиб-қоидага риоя қилмади ва зиёфатга арабча кийиниб келди. Қирол, “Нима сабабдан бундай қилдингиз?” деб сўраганида, Лоуренс жавоб беради: “Ҳазрати олийлари, шароит тақозоси билан икки қиролнинг мулозими бўлиб қолдим. Уларнинг бири — Сиз, иккинчиси — Фейсал. Бурчим шуну буюрадики, мен уларни ранжитадиган бўлсам, ожизини эмас, зўрроғини ранжитмоғим жоиз. Шунинг учун мени худди шу либосда кўришга кўниқиб қолган қирол Фейсалнинг эмас, Сизнинг гашингизга тегмоқни афзал кўрдим”.

Бу қилиқларнинг ҳаммаси Лоуренсга галати машҳур қилди, лекин арабларнинг муаммоларини қутилганча ҳал қилишга ёрдам бермади. Уларнинг бор-йўқ эришгани шу бўлдики, Франциянинг протекторлиги остида Сурия қироллиги ташкил қилинадиган бўлди. Қироллик тахтига Фейсални ўтказдилар.

Лоуренс масаланинг бундай ҳал қилинишини шахсий ҳақоратдай қабул қилди. У қирол Георгдан қабул қилишини илтимос қилди ва унинг ҳузурига кириб, инглиз ҳукумати томонидан унга берилган мукофотларни қайтариб беради. Уларни қайтарар экан, Лоуренс шундай дейди: “Менга бу орденларни муайян хизматларим учун беришган эдилар. Ҳозир ўша хизматларимдан жуда хижолатдаман. Мен Англия номидан арабларга маълум ваъдалар берган эдим. У ваъдалар бажарилмади. Бунинг оқибатида энди мен ватандошларимга қарши жанг қилсам ҳам ажаб эмас. Бундай шароитда Британия орденларини тақиб юришга менда имкон йўқ деб ҳисоблайман”.

Шуниси қизиқки, ҳатто ана шундай кирдикорлардан кейин ҳам Лоуренсга расмий мансаблар сари йўлни ёпиб қўймадилар. Версал конференциясидаги хатти-ҳаракатлари беҳуда кетганидан кейин у бир йилча Оксфордда бўлди. Коллежда дарс берди, аммо 1921 йилда Уинстон Черчилль уни ўз раҳбарлиги остида Яқин Шарқда ишлашга таклиф қилади. Лоуренс қаршисида мансаб пиллапояларидан кўтарилиш учун зўр имкониятлар очилди. Бироқ Шарқда тинчлик ўрнатиш учун зарур бўлган ҳамма ишни бажариб бўлиб, у истеъфога чиқади.

Бернард Шоу ўзига хос истеъзо билан бу тўғрида инглиз ҳукумати Лоуренсга нисбатан ношукурлик намоён этгани йўқ деб айтганди. Ҳукумат Лоуренснинг танлаб олмоғи учун бир қанча вазифаларни айтади. Аммо уларнинг биронтаси ҳам Лоуренсга маъқул келмайди — Версаль конференциясидан кейин у ўзининг жонажон ҳукумати билан бирон ишда ҳамкорлик қилишни истамайди. Шундан кейин ҳокимият унга “тирикчилигини ўзи ўтказмоғи учун имкон беради, нимаики кўрган бўлса, ҳаммаси тўғрисида китоб ёзишга ва китобдан кўрадиган даромадига фаровон яшамоғи учун йўл қўйиб беради. Ҳозирда истеъфога чиққан ҳамма министрларнинг маблағлари шу йўл билан йиғилади...”

Лоуренс чиндан ҳам китоб ёзишга ўтиради. Бироқ у “араблар ва туркларнинг тўқилган қонлари эвазига, шунингдек, саҳрода ёнма-ён туриб жанг қилишган дўстларининг хотираларини поймол қилиш ҳисобига маблағ орттиришдан қатъий бош тортади.

Истеъфога чиққандан кейин орадан кўп ўтмай маълум бўладики, Лоуренснинг тирикчилик қилмоғи учун ҳемири ҳам йўқ экан. (Бунинг янада ажиб томони шундаки, араб жангу жадаллари мобайнида унинг қўлидан ярим миллион фунт стер-

лингга яқин пул ўтган. Инглиз ҳукумати исёнчиларни қўллаб-қувватлаш учун маҳсус жамғарма ташкил қилган эди. Бу жамғарма тўлалигича Лоуренснинг ихтиёрида эди — пулларни истаган мақсадига истаганча сарфлаши мумкин эди. Айтганча, инглизларнинг Яқин Шарқ мухорабасига сарфлаган харажатлари Лоуренснинг Англия учун қандай хизмат қилганини яққол кўрсатади: биринчи жаҳон уруши мобайнида инглизларнинг Яқин Шарқ майдонларидаги ҳарбий операцияларга сарфланган ҳамма харажати инглиз солиқ тўловчиларига 11 миллион фунт стерлингга тушган, 1921 йил исёни чоғида инглиз қўшинларини Ироққа олиб кириш эса 60 миллион фунт стерлинг маблағни талаб қилган (Черчилль комиссияси шу қўшинларнинг мамлакатдан олиб чиқиб кетилишига эришган)). Араблар Лоуренсга ўз миннатдорчиликларини изҳор этиб, уни бирон-бир фахрий нафақа билан таъминлашга сира ошиқишган эмас. Улар Лоуренсга олтин ханжар инъом этиш билан чекланишган. Бу ханжар — шериф ҳокимиятининг нишони экан. Бир неча вақт мобайнида араб мухорабасининг қахрамони тўғридан-тўғри чалақурсоқ аҳволда ҳаёт кечирган. Пулсизлик ва ўзининг шон-шуҳратига тобора ортиб бораётган нафрат уни Жеймс Хьюм Росс номى остида Қирол Ҳаво кучларига ёлланишга мажбур қилган. Ҳарбий ҳаво кучлари Лоуренснинг назарида асл йигитларнинг биродарлигидай гап эди. Ҳаёт ҳаммасини жой-жойига қўйиб қўйди.

Жуда қаттиқ тартиб-интизомга асосланган оддий армия ҳаёти бошланади. Сал нарсага қайнаб кетадиган Лоуренс, албатта, бунақа ҳаётга сира ўрганмаган эди. Шунинг учун кўп ўтмай Лоуренс Британия армиясида ношуд ҳарбий хизматчиларга мўлжалланган жазо тадбирларининг ҳаммаси билан яқиндан танишиб чиқди. Жумладан, бир ҳафта давомида ҳожатхоналарни супириб-сидириш қанақа бўлишини кўрди. Унинг аввалги мавқеи Лоуренс устидан турли-туман таҳқирлар ва масҳараларга сабаб бўлди. Масалан, кун бўйи ҳожатхонани супириб-судириб, кечқурун казармага қайтганида Лоуренс чўнтагидан хат топиб оларди. Наҳосат ҳиди снгиб кетган бу бадбўй мактуб эрталабки почта билан келган бўларди. Мактубда уни Англияда чиқадиган энг юқори мартабали адабий журналлардан бири бўлмиш “Бельлетр”га бош муҳаррирлик лавозимига таклиф қилишарди. Ёки бўлмаса, чангитиб сўкаётган лейтенант қошида қимир этмай гўдайиб турган ношуд курсантнинг ён дафтарида бирон варағи бехос ерга тушарди — бу қоғоз Лоуренсга жамики адабий худудларда Британиянинг мухтор вакили этиб тайинлаш ҳақидаги ёрлик бўларди.

Лоуренс ўзининг ҳақиқий номини узоқ яшириб юришга муваффақ бўлмади. Кўп ўтмай, журналистлар қай бир йўл билан уруш қахрамони Қирол Ҳаво кучларида оддий курсант бўлиб хизмат қилаётганини билиб олишди. Лоуренснинг бошлиқлари эса у армия тўғрисида асар ёзаётганидан хабардор бўлиб қолишди. Бу китобда ҳарбийлар унчалик ижобий бўёқларда тасвирланмас эканлар. Шундан кейин катта жанжал кўтарилди. Лоуренсни чақириб изоҳ талаб қилишади. У ўзини тутолмай жунбушга келади. Армия психиатри уни чекланган даражада ақлдан озган деб тан олади ва Лоуренсни Ҳарбий Ҳаво кучларидан шармандаларча ҳайдайдилар. Бу воқеалар ҳақидаги хабар Бернард Шоунинг қулоғига етиб боради. Бернард Шоу Лоуренсни хуш кўрарди ва ҳатто бу вақтга келганда ёзиб битирилган “Доноликнинг етти рукни”ни таҳрир қилишга киришган эди. У “Росс”га жуда кескин мактуб йўллайди: “Ҳамма қаҳрамонларга — бунга илова қилиб айтмоғим керакки, ҳамма аҳмоқларга ўхшаб — Сиз ҳаддан зиёд ўзингизга бино қўйгансиз... Сиз ўзингизни бошқача тутмоғингиз керак эди, энди бўлса — энди Лоуренс сизнинг ҳақиқий исмингиз эканини рад этмоқнинг фойдаси йўқ. Бу сизни сақлаб қололмайди... Сиз — Лоуренсиз ва умрингизнинг охиригача ва ҳатто вафотингиздан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Бу аҳвол биз “энг янги тарих” деб атайдиган даврнинг охиригача ҳам давом этади”.

Лоуренс содир бўлаётган воқеаларнинг ҳаммасини жуда оғирсиниб қабул қилди. Армияда у ўзининг “мен”ини унутишни, масъулият ва хотира юкидан қутулмоқни истаган эди. Саҳродаги уруш чоғида у беқийёс ваҳшийликлар ва маҳрумийларни кўрди, булар унинг аҳоли руҳиясига таъсир кўрсатмай қолмади. Сирасини айтганда, у ақлдан озини даражасига яқинлаб қолганди. Унинг сиймосида қаҳрамонни, даҳо саркардани кўрар эдилар, у бўлса ўзининг тарихдаги ролидан нафратланар. ўзини сотқин деб ҳисобларди. Негаки, у араб дўстлари билан бирга ягона араб давлатини барпо қилиш учун курашди-ю, бироқ бундай давлат вужудга келмади, аксинча, исён улуг давлатлар сиёсатида бир кўнгирчоқ бўлди. Матбуот зўр бериб

уни саркарда сифатида кўрсатишга уринар, бу эса янада Лоуренснинг гашини келтирарди. Унинг тажрибаси генерал Людендорф сингари ҳарбий даҳоларнинг тажрибасидан кескин фарқ қиларди. Улар фақат буйруқ беришар ва бу буйруқларни бажаришнинг оқибати қандай бўлишини камдан-кам кўрар эдилар. Штаб ходимларининг қўлида тўпланадиган ҳарбий талафотлар ҳақидаги маълумотномалар ўлдирилганларнинг азобдан тиришган бешаралари, оқоплардаги битлар ва шунга ўхшаганлар тўғрисида тасаввур бермас эди. Лоуренс эса ҳатто энг шафқатсиз ишларни ҳам ўз қўли билан амалга оширишга мажбур эди. У шахсан ўзи поездларни издан чиқариб кулатар ва портлаш натижасида ҳалок бўлганларнинг қонлари сачраб, кўпинча унинг устига тушарди; исёнчилар қаршисида отиш ҳақида чиқарилган ҳукмларни унинг ўзи ижро этарди. Чунки арабларнинг ҳеч қайсиси буни қилишга журъат этмас — отилганларнинг хуни тутишидан кўрқишар эди. Ҳолбуки, баъзан сотқинлик, хоинлик ёхуд кўрқоқликнинг олдини олишда бундан бошқа илож бўлмас эди. Мана, эндиликда у оғир хотиралар юкидан халос бўлмоқни истайди, бунинг учун бегона номларни қабул қилиб, уларнинг панасига яширинишга, армия сафларида эриб, йўқ бўлишга интилади.

Авиациядан кетганидан кейин кўп ўтмай у Шоу деган фамилия остида танк корпусига кўнгилли бўлиб ишга киради. Кейинчалик бу иш унинг ҳаётидаги энг катта хатолардан бири бўлганини эътироф этади. Танк корпусидаги хизматдошлари ҳаддан ташқари маҳдуд одамлар экан. Ҳа, Лоуренс жўнликни ихтиёр этган эди. Оддий ҳаёт неъматларидан баҳра олмақчи бўлган эди, аммо жўнлик деганлари бу даражада бўлмайди-да! Бу ерда эса кечаси уруш хотиралари сабабли тугилган тунги алаҳсирашлари оқибатида Лоуренс бақариб-чақариб, бутун казармани уйғотиб юборганида, хизматдош ўртоқлари гапни чўзиб ўтирмай, бошини қопга ўраб, ўлгидай дўппослашди. “Башарам дабдала, бир вақтлар урушда жароҳатланган оёғим синди. Мени тўрт киши калтаклади, шекилли... Нақадар таҳқирли ҳам жуда оғир”, деб ёзади у эски дўстларига. Унинг жонига ора кирган бирдан-бир нарса мотоциклда юриш бўлиб қолди. Хавф-хатарга рўпара келиб, у билан олишиш — унинг ҳали тирик эканлигини эслатиб турарди. “Буларнинг бари — тентаклик; баъзан хаёлимга ҳар хил ўйлар келади — нега мен бу қадар тентакман-а? Наҳотки, бундан кейинги навбатдаги кулбаи паноҳим жиннихона бўлса?!” — деб шикоят қилади у мактубларидан бирида.

Бернард Шоу, Тренчард ва бошқа дўстлари Лоуренсга ёрдам беришга ҳаракат қилишади. Масалан, Шоу бош министрға кескин хат ёзади. Лоуренсдай одамнинг оддий аскар бўлиб хизмат қилишига йўл қўйиш мамлакат учун шармандалик эканини таъкидлайди. Мактубни жўнатишдан олдин Шоу уни Лоуренснинг Кархемиш замонларидан бери биладиган Д.Ж.Хогартга кўрсатади. Хогарт алам билан таъкидлайдики, Шоунинг мурожаатномасидан ҳеч қандай натижа чиқмайди: “Лоуренс масаласидаги муаммо уни муносиб мояна билан таъминлашда эмас. Муаммо унинг яшаш тарзидадир. Ҳукуматдаги бирор мансабни тасаввур қила олмаманки, бош министр уни Лоуренсга таклиф қилиши мумкин бўлсин-у, Лоуренс бу таклифни қабул қилсин... У шу заҳотиёқ маънавий фоҳишалик ҳақида гапира бошлайди ва бунинг кетидан муқаррар равишда — истеъфо... Лоуренснинг эс-хуши бекаму-кўст эмас, шунинг учун унга бирон нарса билан ёрдам бериш ҳаддан ташқари қийин ишдир...”

Ахён-ахёнда асабий сиқилишлар бир оз чекинган кезларда, Лоуренс ўзининг аҳволдан ўзи куларди: “Мен ҳеч кимнинг кўнглига сиғмайдиган одамман. Лейбористлар мени “империализм жосуси” деган ном билан улуғлашдан бўшамайдилар ва одамларнинг кўз ўнгида менинг нусхамга ўхшатиб ясалган кўғирчоқни гулханда ёндиришади; консерваторлар эса мени большевик деб ҳисоблашади, лорд Т. эса мени ўз-ўзини реклама қилиш қўлида юрган масхарабоз дейди...”

Охир-оқибатда дўстларининг ҳаракати натижа беради — Лоуренсга учиш олдидан самолётларни тайёрлаш бўйича масъул техник сифатида авиацияга қайтишга рухсат берилади. Бундай иш уни бемалол қаноатлантирар эди.

Бу вақтларга келганда “Доноликнинг етти рукни” битган эди. Жуда гўзал ёзилган бу асар Англияда ҳамма вақт одамлар ўртасида қўлма-қўл юрган ҳарбий мемуарлар жанридан беҳад узоқ эди. Бу асар саҳифаларида ҳар хил стратегик ҳисоб-китоблар, қўшинларнинг ҳаракати ҳақидаги аниқ маълумотлар ва шунга ўхшаган гаплар жуда кенг берилган эди. Аммо шунга қарамай, “Доноликнинг етти рукни”

жамиятнинг тартиб-қоидаларини тўғридан-тўғри қабул қилаверишни истамаган ва уларни ҳадеганда қўллаб-қўллайвермайдиган ёлғиз бир закий одамнинг иқдорно-масидайд катта қизиқиш билан ўқилди: “Бутун бу йиллар мен “араб либоси” да арабча тафаккур қилишга ўхшатиб фикрлаб яшадим. Бу эса мени ўзимнинг инглиз “мен”-имдан ажратиб қўйди. Менга Фарбнинг расм-русмлари-ю урф-одатларини бошқача нигоҳ билан кўришга имкон берди! Фарб дунёси кўз олдимда мен учун кукундай тўкилиб кетди. Бироқ шу билан бирга мен бутун вужудим билан арабга айланиб қололмас эдим. Фақат номигагина арабга ўхшаб юргандим, холос. Одамни динидан маҳрум қилиш қийин эмас, уни бошқа динга киритиш — қийин. Мен эски қобимни ташладим, лекин янги қобиқни кийганим йўқ. Мен бизнинг ривоятимиздаги Муҳаммад пайғамбарнинг тобутига ўхшаб қолдим. Шундан вужудимни қамраб оладиган ёлғизлик туйғусига асир бўлиб қолдим ва кўнглимда йўқ одамларга эмас, балки уларнинг ҳамма кирдикорларига нафрат уйғонди... Баъзан “эски мен” билан “янги мен” бўшлиқда бир-бирлари билан баҳслашиб қолишади, менимча, бундай чоғларда телбалик менга жуда яқин келиб қолгандай туюлади. Кимда-ким дунёни икки хил урф-одат, икки хил илм-маърифат, икки хил жамият пардаси орқали кўрадиган бўлса, телбалик ҳаммаша унинг ёнида, у билан ҳамқадам юради”. Лоуренс хотираларининг кўпгина саҳифалари ғам-ғусса ва аламларга тўла бўлишига қарамай, Р.Олдингтоннинг “Қаҳрамоннинг ўлими” деган машҳур романини ўқиб улгайган авлод учун Лоуренснинг китоби бир қултум умид олиб келди. Бутун бир миллатнинг онги жаҳон урушининг мутлақо маънисизлигини англаш туфайли шикастланган эди. Лоуренснинг китоби миллат онгини карахтликдан халос этишга қодир китоб бўлиб чиқди. Лоуренс китобида жуда ҳайқириб, баланд овоз билан бўлмаса-да, беихтиёр равишда бир нарсани исбот қилишга уринган эди: бу уруш лоақал битта халқ кўламида озодлик учун олиб борилган уруш эди. Қолаверса, Лоуренснинг тақдири якка-ёлғиз одамнинг иродаси ҳам воқеликни ўзгартириб юборишга, ҳатто дунё харитасида сиёсий чегараларни қайта чизиб чиқишга қодир эканини исботлаган бир намуна эди. Жамият ва шахснинг ўзаро муносабатлари эса ўша кезларда, яъни “авом асрида” Оврўпо закийларининг фикру зикрини банд қилиб, уларни қийнаб келаётган муаммо эди. Шунинг учун ҳам Лоуренс Арабийнинг оташин мухлислари орасида Уистон Хью Оден ва Роберт Грейвз, Киплинг ва Эзра Паунд каби бир-бирига сира ўхшамайдиган одамларнинг борлигига ҳеч таажжубланмаса ҳам бўлади — айна шу одамлар жамият ва шахс муаммосининг ҳар хил ечимларини тақлиф қилишган эди.

Лоуренс “Доноликнинг етти рукни” фақат дўстларига атаб, фақат 500 нусхада нашр этди. Нашр этди-ю, шу иши туфайли буткул хонавайрон бўлди, ҳолбуки у китоби туфайли мўмайгина даромад ҳам олмоғи мумкин эди. Шунини айтиш кифояки, китоб босилиб чиққандан кейин бир ҳафта ўтгач, “Таймс” газетасида эълонлар чиқа бошлади. Уларнинг эгалари бу сирли нашр билан танишмоқ имконияти учун ҳафтасига 5 фунтдан ҳақ тўлашга рози эканликларини айтишган эди. (Таққослаш учун маълум қиламиз: Лоуренс “Одиссей”нинг таржимаси учун 800 фунт олган эди). Китоб обуна бўйича, ҳар нусхасига 30 фунтдан тарқатилди. Ҳолбуки, аслида китоб анча қимматга тушган эди: Лоуренс рассомларга воқеалар иштирокчиларининг сувратларини буюрган эди. Табиийки, сувратлар рангин ишланган эди. Китоб кўлда, махсус қоғозга босилган бўлиб, ҳар бир нусхага бошқаларида такорланмайдиган ягона муқова ишланган эди. Бернард Шоу қайд қилганидек, Лоуренс бу нашр учун ёнида қолган маблағнинг сўнгги тийинигача сарфлаш бобида қўлидан келган ҳамма ишни қилди ва олди-сотди масалаларига мутлақо мослашмаган бир инсон эканини намойиш этди. Бошқа томондан қараганда эса, Лоуренс “араблар олдидаги айбдорлик туйғуси” билан боғлиқ бўлган ўзининг психологик муаммоларини худди шу йўл билан ҳал қилишга уринган бўлса ажаб эмас”.

“Етти рукн” билан баравар Лоуэлл Томаснинг “Лоуренс билан бирга Арабистонда” деган хотиралари ва Лоуренснинг ўзининг қуруқ ҳужжатлардан иборат қилиб қисқартирилган нусхаси чиқади. “Саҳродаги исён” деб аталган бу нусхани чиқаришни ноширнинг ўзи талаб қилиб туриб олган эди. Лоуренс Арабий яна одамларнинг диққат марказига тушади. Дўстлари, айниқса, Черчиллга ўхшаган ҳокимият тепасига яқин турган дўстлари бундай вазият Лоуренсни навбатдаги психологик беҳолликка олиб келиши, яна бирон ғалванинг бошланиши мумкинлигини яхши

тушуниб, уни Англиядан “нарироқ” жўнатишга ошиқишади ва олис Карочидаги Ҳиндистон гарнизонига авиация техниги сифатида хизмат қилишга жўнатишади.

“Етти рукн”нинг нашр этилиши Лоуренсни унинг ўзи “қондаги қора безгак” деб атаган дарддан халос этолмади. Ҳиндистонда у янги китоб ёзишга киришади — бу ҳарбий ҳаво кучлари ҳаётидан олинган роман эди. “Бургутча” деб ном олган бу китоб 1955 йилдагина дунё юзини кўрди. Романни ноширга беришдан аввал Лоуренс уни “танишиб чиқмоқ учун Тренчардга юборади. Арабийнинг ҳаёти изга тушиб кетмоғи учун Тренчард жуда кўп ташвиш чеккан эди. У романда “ҳарбий учувчиларнинг ҳаёти жуда ҳам расво қилиб тасвирланган ва унинг эълон қилиниши Британия ҳаво кучларининг обрўйига катта зарар етказмоғи мумкин” деб ҳисоблайди.

1928 йилнинг майида Лоуренсни Карочидан Мираншуга — шундоққина афгон чегарасига яқин жойда жойлашган кичкина горнизонга ўтказадилар. Қишда Афғонистонда кўзғолон кўтарилади. Лоуренснинг Ҳиндистондаги турмуши ҳақидаги хабар-маълумотларни қидириб топган газетачилар бу исённи Лоуренснинг иши деб жар соладилар. Лоуренс шу заҳотиёқ Англияга чақириб олишади, бироқ бу иш шу қадар ноқобиллик билан қилинадик, унинг оқибатида шубҳа-гумонлар янада кўпаяди. Лоуренснинг Лондондаги турмуши нақд дўзаҳнинг ўзига айланади — унинг кетидан газетачилар узлуксиз таъқиб қилишади. У ўзининг ҳар томондан овчилар билан қуршаб олинган ўлжа ҳолида ҳис қилади. У йирик газеталарнинг муҳаррирларига шахсан кўнғироқ қилиб, бу таҳқирли қамални йўқотишни талаб қилади. Ниҳоят, яна ўша Тренчарднинг елиб-югуриши билан уни Дорсетга ўтказадилар. Дорсет соҳилда — денгиз бўйида бўлиб, у ерда гидросамолётлар эскадрильяси жойлашган эди.

Янги юмуш Лоуренс учун фаолият кўрсатгани бир қадар имкон яратиб беради. У торпедо катерлари учун техник жиҳатдан мукаммаллаштирадиган бир неча таклифлар беради, ҳаво парадларини уюштиришда иштирок этади. Унинг таклифи билан “учар кемалар” ни бошқаришга оид қўлланмаларга муҳим-муҳим ўзгартиришлар киритилади. Бундай “кемалар”нинг экипажи арми денгизчилардан, ярми ўқувчилардан ташкил топади. Лоуренс томонидан тайёрланган махсус рапортдаги талабга кўра, ҳаво кемасига қўмондонлик қилиш осмонда қандай хизмат мавқеини эгаллаб турганидан қатъий назар, учувчига топширилиши ҳақида қарор қабул қилинади.

Боши билан ишга шўнғиган Лоуренс ўз номини қай йўсинда тилга олсалар-да, парво қилмайдиган бўлиб қолади. Жумладан, социалистлар кўпчилик иштирокида Лоуренсга ўхшатиб ишланган кўғирчоқни гулханда ёққанлари ҳақидаги хабар унинг кулгисини қистатади, холос. У янги китоб билан банд — у энди ўз авлодининг тарихини ёзмақчи ва буни ё “Шамолда қолган япроқ” деб ёки “Имон тазарруси” деб атамоқчи. Ҳар ҳолда, унда хотиржамликка ўхшаш бир кайфият пайдо бўлди. Фақат аҳён-аҳёндагина у гараждан мотоциклини олиб чиқади. Уни Бернард Шоу совға қилган — уни миниб, ақл бовар қилмайдиган тезликда шамолларга бақамти елади. Дўстлари “бир эмас — бир кун дабдаланг чиқади” деб нолиганлари нолиган. У бўлса қўл силтаб қўя қолади...

1935 йилнинг 13 майида эрталаб туриб у мана шундай ақл бовар қилмас сайрларидан бирига отланади ва уйининг ёнгинасидаги муюлишда юккаш автомобиль билан тўқнашишга чап бериб бурилади-ю, тўғри дарахтга бориб урилади. Расмий ҳужжатда айтилишича, бу одатдаги бир автомобиль фалокати, холос. Лекин шуниси ғалатки, бу фалокат вақти жиҳатидан шу кезларда Швейцарияда дам олаётган қирол Фейсалнинг кўққисдан ўлимига жуда-жуда тўғри келади. Ўтказилган тафтишлар ҳеч нарса бермайди, аммо бу можаро атайин уюштирилмаганмикин деган шубҳа-гумон тарқалмай қолаверди.

Лоуренс бир неча кундан кейин шифохонада вафот этди. Жумбоқларни ёқтирадиганлар эса унинг бу дунёдан кетишига баъзи бир махсус хизмат одамлари “ғам-хўрлик” қилишмаганмикин деб фол боқишда давом этишмоқда: Лоуренс Арабий жуда кўп одамларнинг гашига тегарди. Ва унинг вафоти жуда кўп томонларнинг манфаатига мос келарди. Жумладан, Фейсалнинг ўлимидан кейин ҳокимият учун курашаётган араблар ҳам, Лоуренснинг торпедо кемалари устидаги ишларидан қаттиқ ташвишга тушган немисларнинг махсус хизмати ҳам, биринчи жаҳон урушидан сўнг ўзлари тушиб қолган мавқедан норози бўлган фаластинлар ҳам ёки “араб исё-

нининг раҳбари” сифатида юриб-туришининг ўзи билан хижолатга соладиган одамдан чарчаган инглиз ҳукумати ҳам бундан манфаатдор эди.

Дафн маросимида Черчилл уни “бизнинг давримизда яшаган энг улуғ одамлардан бири” деб атади. Ва алам билан эътироф этдики, Англия бунақаларга ҳар қанча эҳтиёжманд бўлмасин, ундай инсонни бошқа ҳеч қачон кўра олмайди. “У араб адабиётида, уруш тарихида... ва араб ривоятларида яшайди...”

Ўз даврининг асири бўлган, умрини бегона бир халққа ва шахсий бурч туйғусига фидо қилган бу ғалати инсондан бир китоб қолди — бу китоб XX аср — дарё-дарё оққан қонлар ва шафқатсизлик, анойилик, соддадиллик ва умидсизлик юз йиллиги нимадан иборат бўлгани ҳақида гувоҳлик берувчи энг яхши ҳужжатлардан бири бўлиб қолган бўлса ажаб эмас.

Т.Э.ЛОУРЕНС

ШАРҚДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

“Ўзгармас Шарқ” — ҳажвий сувратлар остига муҳр босгандай шунақа лўнда ибора ёзиб қўйиларди. Лекин замонлар ўзгарди ва бу иборанинг муаллифидан ўчини олди. Бугун шарқ ўзгаришлар макони. Бу ўзгаришлар шу қадар шиддатли, шу қадар улканки, уларнинг қаршисида бизнинг Оврўпомиз гафлатда қолган бир ўлкага ўхшайди. Анча замонлар мобайнида биз ҳаддан ташқари уруш ва тинчлик муаммолари билан банд бўлдик, жароҳатларимизни силаб-сийпаш билан овора бўлдик, қитъада мувозанатни тиклаш билан андармон бўлдик: бунақа вазиятда Осиё билан ҳам ишимиз бўлмади. У ерда нималар содир бўлаётгани ва Осиё нима исташи билан ҳам қизиқа олмадик. Биз муносабатларимизни эскича расм-русумлар ва тартиб-қоидалар асосида қайтадан тикламоқчи бўлдик, лекин қай кўз билан кўрайликки, Осиё бунга мутлақо биз кутмаган бир йўсинда муносабат билдирмоқда. Буни кўриб, лол қолмаслик ва даҳшатга тушмоқликдан ўзга илож йўқ. Бугун Шарқни тартибсизликлар, ғалаёнлар, исёнлар ларзага солмоқда. Биз эса буларнинг заминида ётган ҳаракатлардан беҳабар ҳолда, воқеалар ривожининг ипини қўлдан чиқариб юбордик. Энди эса, кўриб ўтирибмизки, буларнинг барчасига ихтиёримизда битта жавобимиз қолип-ти, холос — у ҳам бўлса, куч ишлатиш.

Бироқ биз бир нарсани тушунмоғимиз керак — бу сира кечиктириб бўлмайдиган заруратдир. Биз Осиёдаги мавқеимизни қайта таҳлилдан ўтказиб, баҳолаб чиқмоғимиз керак. Фақат шундагина биз осийликларнинг моҳиятини билиб олишимиз мумкин. Биз ҳаммамиз яқдиллик билан бир тўхтама келганмиз — қадриятларни қайтадан ҳисобдан ўтказиб, қайтадан баҳолайдиган вақт келди, бироқ бундан тегишли сабоқлар чиқариб олишга тайёр одамлар унчалик кўпга ўхшамайди. Мана, масалан: биз Ҳиндистонга комиссия жўнатдик ва комиссия Ҳиндистонда ислоҳотлар ўтказишни таклиф қилди; биз Мисрга комиссия юбордик, бу комиссия Мисрга қандай ислоҳотлар зарур эканини аниқламоғи керак эди. Биз биламиз: лордлар палатасида Месопотамияга комиссия юбориш керакми-йўқми деган масала муҳокама қилинапти. Ҳатто Мальта билан ҳам алоҳида комиссия шуғулланипти. Лекин буларнинг бари бир-бири билан мувофиқлаштирилган эмас. Буларнинг бари давлат арбоблари кўзига парда тутиб олиб, амалга оширилаётган майда ва тарқоқ тадбирлар — бу давлат арбоблари айрим вилоятлардаги сиёсий вазиятлардан бошқасини кўришга қурби етмайдиган одамлар. Бу вилоятлар билан шуғулланиш уларнинг зиммасига юклатилган бўлса-да, арбобларнинг ҳеч қайсиси бизга содир бўлаётган воқеаларнинг яхлит ва тугал манзарасини чизиб беролмайди, янги Осиёнинг яхлит манзарасини кўз олдимизда гавдалантиришга ожиз. Улардан биронтаси ҳам дардга ташҳис қўёлмайди ва дардни даволаш учун зарур дори-дармонларни айтиб беролмайди. Дарднинг ўзини оладиган бўлсак, уни кўнглингиз қандай тусаса, шундай айта беринг — жисмоний дард дейсизми, руҳий дардми ёхуд ақлий шикасталикми — нима десангиз ихтиёр ўзингизда. Бу дардни моддий етишмовчиликлар ҳосиласи десангиз ҳам майли. Бироқ бу — Осиё цивилизациясининг дардидир. Унинг Фарб билан ҳаддан зиёд яқиндан муомалада бўлганининг муқаррар оқиба-

тидир. Биз билан учрашгандан кейин Австралиянинг маҳаллий халқи ҳам шу дардга чалинган эди ва бу дард уларни гўрга тикқан эди. У пайтда бунга биологик омиллар сабаб бўлган эди — австралияликлар жамияти ҳаддан зиёд кам тараққий этган жамият эди, шунинг учун у ўздан кескин фарқ қилувчи ижтимоий муҳит билан алоқа қилишга дош беролмади. Осиё чидамлироқ, ёши ҳам улугроқ, унинг аҳолиси ҳам кўпроқ — унинг бошида ўлим таҳдиди йўқ. Аммо унинг хасталигининг сабаби — айнан биздир. Оврўпони ҳазм қилиши осон эмас.

Агар биз моддий соҳага мурожаат қилсак, Осиё ҳаётига олиб кирган кескинлигимизни осонроқ идрок этамиз. Техника ривожини биздан юзлаб йиллар мобайнида тиришиб ҳаракат қилишни ва топқир бўлишни талаб қилди. Оврўпонинг қиёфаси аста-секин йилдан-йилга ўзгариб борди. Шунинг учун ҳам одамларни янги ғояларга ўргатиш учун ортиқча куч ишлатишга зарурият туғилгани йўқ: юккаш жониворлардан биз аравага ўтдик, кейин рессорсиз аравалар пайдо бўлди, уларнинг кетидан карета, темир йўл, автомобиль, самолёт. Шунда ҳам баъзан бизнинг назаримизда тараққиёт ҳаддан ташқари шиддат билан содир бўлаётгандай туюларди. Бундай ҳолларда биз қизил байроқ тутган одамларни машиналарга ўтқазиб олдинга жўнатардик. Ҳамиша шундай бўлиб келган. Осиё масаласига келсак, у ўттиз йил мобайнида, битта авлод ҳаёти давомида юккаш эшаклардан “роллсройслар”га, зотдор аргумоқлардан самолётларга ўтди. Жанговар ўқ-ёйлардан кейин кўп йиллар мобайнида мушкетлар билан андармон бўлиб, ундан автомат куролга ўтмоғимиз учун бизга беш юз йил керак бўлган эди. Саҳронинг йўлтўсари эса жаҳон уруши арафасидагина найзасини қўлдан қўйди ва ҳозир йўлтўсарликка отланганда эгарининг устига “Максим” пулемётини қўйиб олади. Тўрт юз йил аввал биз матбаа прессини ўйлаб топдик ва узоқ вақт мобайнида шогирдлик йилларини ўтдик: ёғоч тахталарда бошидан винтлар билан маҳкамлаб ҳарф теришга, кейин шайнли прессга, буглик прессга, электр прессига ўтдик — шу тариқа ҳозирги матбаанинг арзонлиги ва тезлигига эришдик. Шарқда йил сайин турмуши қашшоқлашиб бораётган хаттотлар билан линотип ёнма-ён ҳаёт кечирмоқда. Оммавий матбаа Осиёга тайёр ҳолда кириб келди. Масаланинг моддий жиҳати ана шунақа. Биз босиб ўтмоқ учун юзлаб йиллар сарфлаган йўлни Осиё ўттиз йил ичида ўтди. Россиянинг баъзи бир ҳудудлари, Болқон мамлакатларининг бир қисми, Шимолий Американинг айрим ҳудудлари бу йўлда тўла муваффақиятга эриша олмаганидек, Осиё ҳам ҳамма нарсага эришмоққа муваффақ бўлгани йўқ. Аммо унинг шу йўлни ўтганининг ўзи муҳим. Эндиликда Қўл мактабининг шоирлари ва Ломартин куйлаган Осиё бутунлай ўтмишда қолиб кетди. Буни кўрмаслик мумкин эмас. Баъзи бирларимиз, айниқса, қалбимизда ўрта асрларга маҳлиёлик ҳукмрон бўлганларимиз буни оғир йўқотиш деб билиб, кўз ёши тўкадилар. Бироқ бу ёш тўкишлар олифтагарчиликдан ўзга нарса эмас. Ким ҳам соатни тескарисига буриб қўя олади? Бироқ соат миллиларини бир оз олдинга ўтказиб, уни тезроқ юришга мажбур қилишдан кўра жўнроқ муғомбирлик йўқ. Бугун Осиё соатини олдинроққа ўтказиб қўйишни хоҳловчилар шунақа кўпайиб кетганки, унинг қанақа тезликда юришини билиб олишнинг иложи қолмаётир. Эҳтимол, биз буни соат тўхтагандан кейингина билиб оларимиз, лекин ҳар нима бўлганда ҳам биз учун бир нарсани тушуниб олмоқ муҳим — бизнинг заминимиз бир пойга майдони — унда мамлакатлар ва қитъалар бир-бирларини ортда қолдириб, елиб кетишяпти ва бу пойгада Осиё биз тўплаган билимлардан тўлалигича истифода этмоқда.

Осиё халқларининг фикрати ўзгарди, ахлоқи ўзгармоқда, аммо ким буни баҳолашга журъат этади? Осиёнинг моддий тизимидаги ўзгаришлар бизни бошқа соҳалардаги теран ўзгаришларга диққатни қаратишга тайёрлади — биз уларни жиддий қабул қилишга тайёрмизми? Осиёда ғоялар алмашиши содир бўлди: халқлар сиёсий ваколатлар ва парламент тўғрисида гапира бошлади. Ҳолбуки, бизнинг оталаримиз замонида уларни руҳоний ва дунёвий ҳукмдорлар бошқариб келган. Англия умумпалатасини таъсис этмоғи учун неча аср зарур бўлган эди? Шунинг ўзини хаёлга келтирсангиз, Осиёнинг қанақа шиддат билан илгарилаётганига лол қолмасдан иложингиз йўқ — Қоҳира ва Бомбейда ишчиларнинг галаёйлари, Маккада якка иш ташлаш, Константинополда касаба союзлари конгресси. Осиё тез, ҳаддан ташқари тез муддат ичида бизнинг хасталикларимизни ҳам ўзига қабул қилди. Ўз тақдирини ўзи белгилашми? Ҳа, албатта! Миллатлар лигасими? Бу Лига сиёсатидан биздан кўра осийликлар кўпроқ ташвиш чекишади. Начора? Ҳеч нарса бир жойда

ўзгармай туриб қолмайди. Уруш бошланмасдан турибоқ биз сезган эдик: Осиё мамлакатларининг сиёсати ўзгара бошлаяпти. Бутун механизмни ҳаракатга келтирувчи алланечук пружинанинг бурови тамом бўлгандай туюлган эди. Мана, қарабсизки, янги мотивлар ўйинга аралашди. Бизнинг оталаримиз замонида, Шарқ, айниқса, Яқин Шарқ, Афғон чегарасидан берида жойлашган ҳамма элу юртлар мантиқан билиб олса бўладиган даражада, озми-кўпми бир хил туста эга, анча-мунча содда эди. Эрон, Туркия, Миср ва шунга ўхшаш мамлакатлар қадимий давлатчилик анъаналарига эга эдилар. Уларни султонлар ёхуд қироллар бошқарарди. Хукмдорларнинг ҳуқуқини ҳеч ким шубҳа остига олмас эди. Ҳокимият муқаддас ҳисобланарди. Подшо Худонинг ердаги сояси деб қараларди. Қонунчилик эса давлат динининг кўрсатмаларига қатъий амал қилар эди. Бу давлатларнинг фуқаролари, биринчи навбатда, мусулмон, насроний ва маъжусий деб бўлинар эди. Шундан кейингина — агар алоҳида бир зарурият бўлса, улар ўзларини турк ёхуд араб деб англай бошларди. Лекин бу масалада уларнинг ўзларида ҳеч қандай ишонч йўқ эди — асосий ролни дин ўйнар эди. Наҳотки, шу ҳол уларни менсимаслик учун асос бўла олса? Яқин-яқинларда қўлёзма китоблар ва жанговар ўқ-ёйлар замонида биз деярлик ҳеч нарса билан улардан фарқ қилмас эдик. Фақат 1870 йилга келибгина биз “миллатчилик” деб аталган янги ғоянинг жамики жозибадорлигини тушуна бошладик. Бу ғоя аслида фарбий овруполикларнинг ихтироси бўлган, кейин у аста-секин жанубий ва шарқий мамлакатларга етиб бора бошлади. У қаергаки етиб борган бўлса, ўша ерда тартибсизликлар ва урушлар майдонга келди. Миллатчилик — серғалва ва шафқатсиз стихиялар, эҳтимолки, у диний урушлардан камроқ даражада одамларнинг ҳаётига зомин бўлмагандир. Ҳолбуки, бу ғоянинг ҳукмига тушиб қолганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ. Бу афъюн қанча эски бўлса, шунчалик хавфлироқдир: Болқон ва Ирландияга бу касал кейинроқ етиб борди, лекин бу ерларда у анча оғир кечмоқда. Биз бу хасталикни сал олдинроқ бошдан кечирган эдик. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, бу хасталикка қарши ўзимизда иммунитет ишлаб чиқариш даражасига етган кўринамиз: биз иқтисодий ривожланишнинг янги босқичига кўтарилдик — бу босқичда урушлар ва ҳукуматлар тadbиркорлик фаоллигининг самараси, холос. Миллий масала жанжаллар учун баҳона бўлмай қолди, лекин шунга қарамай, иқтисодий мотивлар миллий ёхуд диний ғоялардан кўра жамият ҳаётини барбод этишда камроқ роль ўйнамайди.

Хар ҳолда нима бўлганида ҳам Яқин Шарқ муайян сарҳаддан ўтди. Миллатчиликнинг дастлабки белгилари Туркияда намоён бўла бошлади. Мидхат пошо¹ ҳар қадамда исломга алангламай қўйди, турк девонининг тилида французча иборалар кўпайиб қолди. Мисрда Араби пошо² кўшинига бошлиқ бўлиб олди. Ҳокимиятдан хедив³ни ҳамда унинг турклардан ташкил топган қуршовини ҳокимиятдан сиқиб чиқаришга уринди. Хар икки ҳолда ҳам натижа танг қоларлик даражада галати бўлди: Мисрда инглизлар хорижий сулолани тахтга ўтказишди, Туркияда эса султон Абдул-Ҳамид⁴ панисломизм ғояларини раҳнамо қилиб олиб давлатни бошқара бошлади. Бунда панисломизм Мидхат пошо ғояларининг кучини қирқмоғи керак эди. Султон панисломизмни немис китобларининг биридан ўқиб олган эди. Агар у китоб ўрта асрларда нашр этилган бўлганда, у халифат томонидан ҳам, папа томонидан ҳам қаттиқ қораланган бўлур эди. Бироқ бу ғоя вақтинча муваффақият қозонди, холос. У ҳозирга қадар Ҳиндистон ва Африканинг баъзи жойларидагина қўллаб-қувватланаяпти. Осиёда бир неча йилги тинчлик ўрнатилди.

Оврўпо бу гал ҳам жўнгина буни эътиборга олди, қўйди. Лекин фикрлашини ўзгартиришга уриниб ҳам кўргани йўқ. Бу биз учун ҳам, Осиё учун ҳам яхши бўлган эди: негаки, бир немис айтганидек, модомики, биз фикримизни ўзгартиришга мажбур бўладиган бўлсак, бизни шундай қилишга мажбур этган томон бизга етказган азияти учун ҳақни тўла-тўқис тўлаб қўйсин. Янги ғоялар ўлиб кетмади, уларнинг ўлиб кетиши мумкин ҳам эмас эди, чунки Осиёнинг шундоққина дарвозаси олдида

¹ *Аҳмад Мидхат пошо* (1822—1883) — 1876 йилдаги турк конституциясининг муаллифларидан бири. 1872 ва 1876—1877 йилда улуг вазир мансабида бўлган. Султоннинг буйруғи билан ўлдирилган.

² *Араби пошо* (1839—1911) — 1879—1882 йиллар Мисрдаги миллий ҳаракатнинг раҳбарларидан бири. Бу ҳаракат хедивнинг туркпарастлик сиёсатига қарши қаратилган эди.

³ *Хедив* — 1867—1914 йилларда Миср хукмдорларининг унвони.

⁴ *Абдул-Ҳамид II* (1842—1918) — 1876—1909 йилларда турк султони.

Болқон ётарди. Болқонда эса миллатчилик микробини урчитиб кўпайтириш учун ётарли озуқа берадиган идеал муҳит бор эди. Мана, йигирма-ўттиз йил ўтгач, хасталик қайталади, фақат энди хасталикни олиб келганлар ташвиқотчилар эмас, фитнакорлар эди. Эрон уларга тўлиб-тошган эди. Охир-пировардида, ҳаммаси исён, ғалаён билан тамом бўлди, конституция қабул қилинди, лекин унга амал қилишнинг иложи йўқ эди. Чунки у ҳаддан ташқари зиддиятли эди. Бироқ ўша кезларда конституция урфга кирганди, ўзини ҳурмат қиладиган ҳар бир давлат конституциясига эга бўлмоғи фарз эди. Шунинг учун Эрон ҳам Конституциялик бўлиб олди. Конституцияга “амал қилмаса” нима бўпти? Биронта ҳам форс уни ўзлаштирмаган бўлса нима бўпти? Ҳар нима бўлганда ҳам, мана ўн йилдирки, Эроннинг ўз Конституцияси бор.

Кейин Туркияга навбат келди. Бундан бир оз олдинроқ инглизлар Мисрнинг сиёсатига баъзи бир ўзгартиришлар киритишган эди. Улар жуда ҳам арзимас ўзгаришлар бўлиб, жамиятда йиғилиб қолган сиёсий бугни чиқариб юбориш учун бир тешик вазифасини ўтамоғи лозим эди. Лорд Кромер ёхуд сэр Эдмон Горстдан фарқ қилароқ Абдул Ҳамид қаттиққўлроқ бўлмоқни афзал кўрарди. Шу сифатига кўра у миллатчилик босимини энг сўнги дақиқагача тутиб тура олди; охир-пировардида, бу ҳолат портлашга олиб келди. Портлаш эса султоннинг ўзини тахтдан улоқтириб ташлади. Панисломий кутилмаганда ана шунақа интиҳога эга бўлди: исломнинг диний ва дунёвий ҳукмдорлари зиндондан қилинди. Кейин эса Абдул-Ҳамид мияси айниган вориси фойдасига тахтдан воз кечди. Эски оқ-воҳлар кучини йўқотди. Уларни янгилари билан алмаштириш учун бир ҳафта зарур бўлди. Туркия бундан буён ҳамма халқлар оға-ини эканини эълон қилди. Шундай баёнот билан майдонга чиққан ёш турклар статистика маълумотларини унутиб қўйишганди. Воқеаларнинг бориши орадан кўп ўтмай уларнинг хатосини ошкор қилди. Усманийлар империясининг фуқаролари ичида турклар озчиликни ташкил қилар эканлар — бор-йўғи ўттиз-ўттиз беш фоиз. Уларнинг ҳукми остидаги халқлар — юнонлар, арманлар, курдлар, араблар, хуллас, ана шундай ола-хуроқ аҳоли — биродарлик ғоясини бажону дил қабул қилишга тайёр эди. Улар Герберт Спенсер билан унга ўхшаш муаллифларни анча йиллар муқаддам ўқиб чиқишган эди. Энди тўсатдан ярқ этиб кўзлари очилгандай бўлди: ҳа, албатта, улар туркларга тенг ва уларнинг муқаддас бурчи — туркларга ёрдам бериб, муайян хатти-ҳаракатлардан сўнг янги даврга қадам қўйишларига кўмаклашишдир. Миллионлаб одамлар бирлашиб, кўпчиликлашиб бошқариш ишларини қандай қилиб яхшироқ юритиш йўллари тўғрисида ўйлай бошладилар.

Ўз-ўзини асраш туйғуси билан ҳаракат қилган Анвар пошо ва унинг ҳамкасабалари уларнинг таъзирини беришга аҳд қилдилар. Улар пантуркизм ғояларини олға сурдилар. Бу олақуроқ таъминотнинг бир қисми французча, яна бир қисми — немисча китоблардан олинган бўлиб, унга кўра Усмон империяси, албатта, чинакам Усмон империяси бўлмоғи керак. Бунинг учун унинг 1910 йилдаги чегараларига барча туркийзабон мамлакатларни қўшиб олиш керак. Бу, бир томондан, ёш турклардан мамлакат ичкарасида аҳолининг жуда кенг қатламлари норози бўлишига сабабчи бўлди, лекин иккинчи томондан, туркларнинг таъсир доирасига Хевани ва рус Туркистонини жалб қилди. “Кўшилмаган” мамлакатларни ҳозирча ўз ҳолида қолдиришга қарор қилинди. Аввалига империя ҳудудига бегона халқлар масаласини бир ёқлик қилиш, уларни бир яхлит миллатга айлантириш вазифасини бажармоқ керак эди. Ишни кечиктириб бўлмас эди. Содир бўлаётган воқеаларга Оврўпо душманлик билан муносабатда бўлмоқда эди. Шунга мувофиқ, арманлар билан юнонларнинг сонини иложи борица камайтириш йўлида муайян тадбирлар амалга оширилди, шу билан бирга арабларга ҳам “ишлов бериш” бошланди. Арабларни, биринчидан, араб тилидан кечиб, туркчага ўтишга мажбур қилмоқ керак эди, иккинчидан эса, уларни ҳақиқий усмонлиларга айлантириш зарур эди. Айни ёш туркдилар “турк эшаги ўзга юртнинг пайғамбаридан аълороқ” деган мақолни муомалага киритишди. Бу мақол исломдан кўра миллатни афзал кўриш керак деган ҳақиқатни намойиш этмоғи лозим эди. Бўйсундирилган халқлар Анвар пошонинг “юмшоқ” ҳукмронлигини жуда қаттиқ деб ҳисобладилар ва бутун империя бўйлаб шивир-шивирлар бошланди (албатта, шивирлашаётганлар гапларини мутлақо махфий тутишга ҳаракат қилишарди). Бу гапларга кўра, Анвар пошо миллатчилик байроғи остида зулмни чиндан оширди, ҳолбуки, содир бўлаётган воқеалар миллатчилик

принципига бутунлай зид. Нолувчиларнинг сони кўпайгандан кўпая борди. Норозилар бирлаша бошлашди ва 1914 йилга келиб, махфий жамиятларнинг бутун бир силсиласи майдонга келди. Фитнакорлар Константинополдан маҳаллий мухторият ҳуқуқини куч билан тортиб олишни мақсад қилиб қўйдилар. Фитнакорлар, Арманистонда, Курдистонда, Сурияда ва Месопотамияда ҳаракат қилишарди. Шу пайт кўкқисдан уруш бошланиб қолди.

Урушдан олдиноқ бир нарса аён бўлиб қолган эди — Туркия шиддат билан ҳалокат сари бормоқда ва бунинг сабаби — туркларнинг ўзидаги тепса тебранмасликдир. Туркларни ажратиб турадиган иккита белгиси бор: буларнинг бири гап-сўзсиз итоат этиш одати; иккинчиси эса, ўзини давлатга фидо қилишга тайёр туриш. Буларнинг биринчиси шунда намоён бўладики, бирорта одам вокзалдаги гала-говурда “Ўтир!” деб команда берса, бир зумда ҳамма ўтиради. Турк характерининг иккинчи белгиси билан оврўполиклар бу уруш вақтида кўплаб марта тўқнаш келдилар: бирор жойда ҳандақ қазиб жойлашиб қолган турклар сўнги томчи қонлари қолгунча жанг қилишда давом этадилар. Бу икки сифат туркларда алланечун туғма мутаассиблик борлигини тақозо қилади. Бу мамлакатнинг одамлари чиндан ҳам мутаассиблиги билан ажралиб туради. Турклар бошқарув ишларини моҳирлик билан олиб бордилар. Бироқ бу бошқарув учун феълу атвордаги қатъият ҳамда бақувват мушт кифоя қилгунча давом этди. Бироқ бизнинг кунларимизда, яъни телеграф мавжуд бўлган, олий солиқ математикаси амал қилиб турган кезларда қатъияту бақувват мушт унча жоиз кўринмай қолди. Гап туркларнинг орқага кетганида эмас. Биз олдинлаб кетиб қолдик ва шунинг учун улар бизга аянчли кўринишади. Бироқ ўз даражасида турганларида ҳам турклар ҳукмронлик жиловини бошқа халқларнинг вакилларига беришга мажбур эдилар: уларни албанлар, булгорлар, черкеслар, яҳудийлар, арманлар бошқарди; ким бошқарса бошқардики, фақат асл зотли турк бошқармади, холос.

Нафақат ҳокимият, балки савдо ҳам туркларнинг қўлидан кетди. Ҳозир савдо иши — бутун бошли бир илм бўлиб кетган, шунинг учун турклар савдо ишларини фаросатлироқ халқларга — яҳудийлар, арманлар, юнонлар каби ҳисоб-китоб ва иқтисодийтани яхши биладиганларга топшириб қўйишди. Шу тарзда мамлакатнинг бойлиги, ишлаб чиқариши ва техник базаси нотуркларнинг ихтиёрига ўтди. Туркларнинг ихтиёрида фақат бир соҳа қолдики, бу соҳада улар бениҳоя моҳир эдилар — қилич чопишда бутун Оврўпода уларга тенг келадигани йўқ эди, аммо уларнинг ўрнини милтиқлар, замбараклар, самолётлар эгаллади; жамики бу янгиликлар шунга олиб келдики, турк армиясининг самарадорлиги йўққа чиқди-қолди. Шундай қилиб турклар бир нарсани кашф қилдилар: ҳозирги даврда миянинг қиммати ошиб кетипти; олдин ўйлаб, кейингина бир иш қилишга одатланган паст “ирқлар” доимий равишда турклар ҳисобига бойиб боришяпти. Аввалги даврларда Триполи ва Албаниями, Арабистон ва Суриями, Месопотамия ва Арманистонми итоатда тутиш учун бир тўп суворийларнинг ўзи кифоя қиларди. Эндиликда эса ҳар бир вилоятда бақувват гарнизон сақлаш керак эди. Гарнизонлар эса фақат турклардан ташкил топмоғи керак эди, чунки фақат Анатоли аҳлигина чинакамига империяга садоқатли эди. Йил сайин армия ёшларнинг катта қисмини ютиб юбормоқда эди. Улардан жуда ажойиб оддий аскарлар ва сержантлар чиқарди, лекин патриархал синфларнинг вакиллари зобитлик ролига ярамас эдилар. Бугун зобит ўқиш-ёзишнинг билимоғи, математикага бир оз бўлса-да тиши ўтадиган бўлмоғи, фон дер Гольцдан хабардор бўлмоғи талаб қилинади. Шунинг учун офицерликка номзодни шаҳардаги гумашталар орасидан излаш керак бўлади. Уларни савдогарлар ва амалдорларнинг фарзандлари орасидан танлаб олишади. Бу йигитлар эса ғарбча ҳаёт тарзини ўзлаштиришган, улар жамики Византия иллатларини ўзига сингдирган, қишлоқ одамларига, ўзларига тобе аскар йигитларга нафрат билан қарашга ўрганишган. Бундай зобитларни фақат ўзларининг роҳат-фароғати қизиқтирган, бошқа ҳамма нарсага улар бепарво қарашган. Улар бошчилик қилган солдатлар турли-туман касалликлардан, оздликка риоя қилинмаганидан, овқатнинг ёмонлигидан, бахтсиз воқеалардан юзлаб қирилганлар. Шу тарзда армия Туркия ёшларини ютиб юбора бошлади. Анатолияда бола туғилиши кескин камайиб кетди. Туркиянинг силласи қуриётгани ва зўриқшдан хароб бўлиб бораётгани аён бўлиб қолди. Италия уруши, Болқон урушлари шундоқ ҳам ночор аҳволни янада ёмонлашишига олиб келди.

Ҳамма нарса ҳалокатга қараб кетмоқда эди, шу чоқда кўкқисдан уруш бошла-ниб қолди. Йигирма йилчадан бери анча тез суръатлар билан ривожланиб келаётган Осиёда ақл бовар қилмайдиган сакраш рўй берди. Бу сакраш биз ўйлаганларнинг ҳаммасидан юқори бўлиб чиқди. Уруш пайтида Оврўпо бутун борлиғи билан олдинги Осиёнинг кўз ўнгида намоён бўлди. Кўзга кўринмас худуднинг бир томонида Герман қўшинлари, иккинчи томонида иттифоқчиларнинг аскарлари турарди. Улар ҳам, булар ҳам бутун-бутун министрликларни ишга солишнинг ташвиши-ни қилишарди. Бу министрликларнинг ихтиёрида ҳамма зарур нарса бор эди, улар фақат ташвиқот ишлари билан банд эди ва бу ташвиқотлар Шарқ халқларига йўналтирилган эди. Биз жиҳоднинг қонунийлиги ёхуд ғайриқонунийлиги тўғрисида кўп мулоҳаза юритар эдик. Мулоҳазаларимиз шу қадар теран ва нозик бўлардики, унга ҳар қандай шариат пешвоси ҳавас қилса арзирди. Биз цивилизация ҳуқуқлари, умуминсоний ҳуқуқлар, халқаро ҳуқуқ, Женева конвенцияси, Гаага конференциясини пеш қилардик. Биз Осиёни варақаларга, ҳажвий суратларга, газеталарга, фильмларга кўмиб ташлаган эдик. Буларнинг бари Шарққа бизнинг баҳсларимизнинг тагига етишга, онгли равишда у ёки бу томон ўтишга ёрдам бермоғи керак эди. Ҳамма расомларда бўладигани каби, бу қалбаки нарсаларнинг ҳаммаси, биринчи навбатда, ўзимизнинг кимлигимизни кўрсатарди. Лол қолган осиеликларнинг қулоқ солмасдан бошқа илоҳлари қолмасди. Хоҳлабми-хоҳламайми, улар бизни тушуна бошлашди ва бизнинг маҳфий ниятларимизни ҳам пайқай бошлашди. Бу ниятлар ҳаммиша ҳам уларга маъқул бўлди деб-ку бўлмас, лекин улар кўп нарсани ўрганиб олишди. Биз ҳаммамиз байроқ қилиб курашган ғоялар, айниқса, уларнинг юрагига чуқур ўрнашиб қолди (биздан ҳам, бизнинг душманларимиздан ҳам улар деярлик бир хил гапларни эшитишган). Уларнинг тушунчасида кўпдан-кўп гувоҳлар қасам ичиб тасдиқлаган гаплар ёлғон бўлиши мумкин эмас эди. Бинобарин, бу аъмолларнинг ҳаммаси — озодлик, инсонийлик, маданият, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши — чиндан ҳам бениҳоя қимматли нарсалардир.

Ғарбда ҳисоблашларича, ҳарбий тарғибот ҳар қанча жўн ва шу куннинг мақса-дига ҳар қанча хизмат қилмасин, унинг замирида муайян ғоялар ва ақидалар даста-си турмоғи зарур. Бироқ шундай эканига қарамай, биз — инглизлар мавҳум ғояларни камдан-кам ҳолларда тўғридан-тўғри ифодалаб берамиз: алланечук кўргазмали тасвирни таклиф қилган маъқулроқ, ақлли одам ўзи зарур хулосаларни чиқариб олади. Фақат тентаккина тимсолга қуллук қилади. Шарқ одамлари табиатан фалсафага кўпроқ мойил бўлишди, уларни ғоянинг амалда қўлланишидан кўра унинг ўзи кўпроқ қизиқтиради. Ҳар нима бўлганда ҳам, улар онларида ҳосил бўлган бўшлиқни тўлдирмоқ учун мавҳум тушунчаларга жуда муштоқ эдилар. Ўтган асрда уларнинг ихтиёрида дин бор эди. Унинг ақидалари руҳга ҳам, жисмга ҳам қаратилган эди. Дин уларга кечаси-ю кундузи йўл кўрсатиб турарди. Улар бутун ҳаётлари-ни — урф-одатлари, еб-ичишлари, савдо-сотиклари, оилавий турмушлари, сиёсат-ни шу машъалага қараб сошлаб олишарди. Абдул-Ҳамид динга ақл нурларини олиб киришга интилди, динда теология қай даражада бўлса, худди шу даражада мантиқ-ни ҳам сингдиришга ҳаракат қилди ва унинг бу ҳаракати туфайли диндан путур кетди. Султоннинг қулаши билан бирга дин рукнлари ҳам қулади. Шарқ мусулмон бўлишдан тўхтагани йўқ, лекин шарқ жамияти миллий жамият бўлиб қолди. Одамлар энди ўзларини мисрлик, араб ёки турк деб атай бошлади. Муҳаррирлари ғарб ғоялари таъсирида аллақачон исломнинг расмий ақидаларидан чекинган газеталар дунёга бу янги, миллий қарашни кенг тарғиб қила бошладилар. Уни бутун тафси-лотлари билан ёритиб бердилар. Миллат ғояси шундай бир мавҳум мезон бўлиб қолдики, бундан буён ҳаёт ва сиёсат тўғрисида фақат унга қараб муҳокама юритмоқ керак эди. Бу ғоя диннинг аҳдлари ўрнини эгаллади, дин рамизи ҳам шу ғоя билан алмашди. Мана, энди қарабсизки, уруш давомида мусулмонлар мусулмонлар билан урушмоқни ўрганиб олишди. Янги аъмол йўлида жанг майдонида ўлимни хушнуд-лик билан қабул қила бошлашди. Англия ўзининг бутун Шарқда еочилиб ётган мустамлакаларини асраб қоламан деб мағлубият ёқасига бориб қолган кезларда, миллий туйғулар Осиёда ўзининг авж пардасига кўтарилган эди. Бу миллатчилик-нинг қай даражага етиб борганини тушунишга ёрдам берадиган факт — Ҳиндистон мусулмонларининг Туркия мусулмонларига қарши қилган жанглари ҳам эмас — улар Ҳиндистоннинг бизнинг империямизга шерик бўлиб ҳуқуқини ҳимоя қилиш-ган. Бу факт исломнинг маънавий маркази бўлмиш Макка аҳолисининг бевосита

Пайғамбар авлодига мансуб бўлмиш шаҳар полициясининг бошлиғи раҳбарлигида халифга, Константинополь султониغا қарши исён кўтарганидир... Шунда Осиёнинг араб тилида сўзлашувчи жами аҳолиси исёнчилар томонига ўтди. Бу ҳар қандай миллий тафовутлардан устун бўлган жаҳон динига садоқат ақидасига қарши қўйилган сиёсий хатти-ҳаракатлар асосига миллат принципини қўйишнинг тантанаси, энг олий кўриниши эди. Осиёни бўйсундириш насроний даъватчиларга эмас, балки сиёсатчиларга насиб этган экан.

Тинчлик ўрнатилди, лекин миллий низоларга хотима қўйилмади. Бирдан-бир ўзгарган нарса шу бўлдики, миллатчилик ғояларига садоқат кўрсатиш энди беҳаттароқ бўлиб қолди, ҳатто оқилона бир иш деб қараладиган бўлди.

Миллий ғоянинг биринчи тарафдорлари — генерал Алленби қўшинлари билан ёнма-ён туриб, Фейсал билан бирга жанубдан шимолга ҳамма йўлни босиб ўтганлар Араб Ҳаракатига оташин садоқатларини намоён қилиб, бошларини хатарга қўйган эдилар. Улар ғолиб чиқишида ва машҳур бўлиб кетишида. Бу эса миллий дастурни рўёбга чиқариш йўлида қуроли кураш олиб бориш мумкин эмас деган масалани кун тартибидан олиб қўйди. Сулҳ тузилгандан кейин икки ой ўтгач, бутун Сурия жанубий ҳудудларидан шимолийларигача миллий низолар алангасида қолди. Миср миллатчилик байроғи остида инглизларга қарши исён кўтарди. Ёш турк зобитлари эса султоннинг даври ўтди, унинг сиёсати бемаъни эди, Оврўпонинг этагидан тутиш эса истиқболсиз бир нарса деб ҳисоблаб, султонга қарши бош кўтардилар. Эски Туркия харобалари устида янги Туркияни барпо этиш учун кураш олиб бордилар. Туркия Оврўподаги ўлкаларини йўқотди — майли, арабий вилоятлар бой берилди — ҳечқиси йўқ. Бугун-эрта шимолий-шарқда Арман вилояти қўлдан кетади — бу ҳам майли. Смирна ҳам қўлдан чиқай деб турибди — чиқса чиқаверсин. Туркиянинг истиқболи ҳақидаги янги миллий қарашларга кўра Туркия учун муҳим Анатолия тупроғидир. Бу тупроқ ўз ичига Мармар денгизидан Диярбакиргача, Арзирум, Ван, Озарбойжон ва ундан нари Каспий денгизигача бўлган ҳудудни олади. Қачонлардир келажақда турклар Каспийни кечиб ўтишади ва ўз таркибларига Туркистон туркманларини ҳамшиб олишади. Кейин эса секин-аста Хитой чегараларигача бўлган ҳудуддаги жумики туркийзабон халқлар Туркия доирасига жалб қилинажаклар. Бу пантуркизм таълимотини мантиқан ривожлантирилган, бутун гўзаллиги билан намоён бўлган нусхаси эди. Фақат Анварнинг бўйсундирилган халқлар қаршилигини синдириш бўйича юритган зўравонлик сиёсати бу таълимотга доғ солиб турарди. Янги партиянинг сардори Мустафо Камол бўлди — у ёш, шуҳратга ўч, оқил ва ўзини бошдан-оёқ ватан хизматиغا бағишлаган кимса эди. У ўзини Осиёда истиқомат қилувчи ҳамма туркий халқларнинг доҳийси деб эълон қилди. Туркия ўзини ўзи ҳамма зарур нарса билан таъминлай олади, на юнон қўшинларининг ҳужумидан, на иттифоқчиларнинг қамалидан қўрқади. Фақат Шарқий қанотда Россия билан бир битимга келишиб олинса, бас. Бунгача у Италия билан бир битимга келишга, кейин эса Франция ҳамда Англия билан тил топишга ҳаракат қилди. Бироқ кўп ўтмай аён бўлдики, биринчи ҳолда бир битимга келишнинг унчалик фойдаси йўқ, иккинчи ҳолда — битишмоқ учун жуда катта ҳақ тўлашга тўғри келади. Учинчи ҳолда эса, ҳамкорлар ҳамма хатти-ҳаракатларнинг мутлақ тарзда қонуний бўлишини талаб қилишади. Туркияни ҳозир Эгей денгизи томонидан юнонлар қамал қилган. Мустафо Камол қаршида фақат икки йўл бор: ё юнон қўшинидан раҳм-шафқат истаб, таслим бўлмоқ керак, ёки Россия билан дўстлик тўғрисида шартнома тузиш зарур. Россия билан дўстлашув унинг учун ҳалокатли тамом бўлмоғи мумкин. Бунинг сабаби — Туркиядаги ички кураш: мамлакат манфаатлари йўлида Мустафо Камолнинг тарафдорлари ҳеч иккиланмай уни қурбон қилиб юбораверадилар. Россия билан иттифоқ тузилса, Туркистон мухторияти ҳақидаги орзуни камлада ўттиз йилга инутмоқ керак бўлади ва Туркия ҳудудларининг Анатолия чегараларидан иборат бўлишига қаноат қилиш лозим бўлади. Ташқи мустахлакалардан маҳрум бўлинса, ташқи урушлар олиб бориш ва қарам ҳудудларда қўшин сақлаш заруриятидан халос бўлинса, Туркия ўз ривожига янги босқичга қадам қўйса ажаб эмас. Бу босқичда унинг аҳолиси анча-мунча кўпаяди.

Туркларнинг тақдиридан кўра арабларнинг тақдирини айтиб бериш қийинроқ. Бу халқнинг тафаккури анчагина ривожланган. Уларнинг заковати анча-мунча инжа — улар жуда теран мулоҳазалар юритишга қобил. Улар амалий ишларга ҳам мойил одамлар. Бунинг оқибатида уларда бунёдкорлик хислати шаклланган. Лекин

шуниси ҳам борки, бу заковат сал нарсага жунбушга келади, унда бузишга мойиллик ҳам бор. Уларга изчиллик, мунтазамлик, тиришқоқлик ва уюшқоқлик етишмайди. Улар ўз интилишларининг қулидир, сувдай ўзгарувчандир, бироқ шу билан бирга ижобий фазилатларга ҳам эгадирлар: улар ҳамма нарсанинг моҳиятига кириб бора оладилар ва худди оқим каби ҳар қандай тўсиқни айланиб ўта биладилар. Улар ўз тарихларининг бошидан бери йигирма мартача ўзларининг давлатларини барпо этганлар ва ўзларининг ютуқларидан толиқиб, бу давлатнинг қулашига йўл қўйиб қўйганлар. Бироқ уларни аллақандай ташқи куч синдириши мумкинлигидан далолат берадиган ҳеч вақо тополмайсиз: ҳар гал фақат муваффақиятгина уларнинг йиқилишига сабаб бўлган, холос. Уларнинг тарихи — кўтарилишлар ва тушишлар тарихи барча ғоялар аралаш-қуралаш қайнайдиган бу дошқозонда, ҳамма пайғамбарларнинг ватани бўлмиш бу саҳрои кабирда нималар содир бўлганини англаб олиш учун жуда муҳимдир. Қуруқдан-қуруқ яланғоч маконлар бу ерда истиқомат қилувчиларни муқаррар тарзда ягона ва қудратли худога ишонишга ундайди. Бу худо ғариб табиатнинг ва ғариблиқда ундан қолишмайдиган, ҳар қандай ортиқчаликлардан маҳрум қилинган, оламни кузатишдан, кузатиб ўйга толишдан чалғитадиган ҳар нарсадан халос этилган ҳаётнинг зидидир. Ҳамма араб ҳаракатлари ўз ибтидосини саҳродан олади, саҳродан чиқиб, атрофга ёйилгандан кейин эса одатда Сурияга йўл олади. Яна бир факт диққатни жалб этади — ҳамма пайғамбарлар ўз фаолиятини саҳрога чекинишдан бошлайди. Лекин шундай бўлса-да, уларнинг биронтаси саҳрода туғилиб ўсган эмас. Уларнинг ҳаммаси шаҳарларда ва қишлоқларда туғилган — уларга илк ваҳийлар айнаи шу ерларда келган. Шунга қараб айтиш мумкинки, мустақиллик ва ўз-ўзини бошқариш талаби билан чиққан ҳозирги араб исёнининг саҳрода бошланганида Оллоҳнинг иродаси бор. Бу исён ҳам анъанавий йўлни танлаб, Дамашққа — азалдан ҳар қандай ҳаракатларнинг биринчи маркази бўлмиш шаҳарга йўналди. Унинг навбатдаги босқичи Фейсал томонидан Дамашқнинг ишғол қилиниши билан тугади. Бироқ бу зинҳор-базинҳор араб ҳаракати тугади деган маънони билдирмайди: семит давлатларидаги ҳаётнинг энг марказий нуқтаси ва жамланган жойи тушунарли иқтисодий ва демографик сабабларга кўра ҳаммиша Бағдод бўлган. Сурия қашшоқ мамлакат, кичкина тошлоғи кўп, ёмғир кам бўладиган, ер ости бойликлари йўқ ҳисоби, экиладиган майдони озгина. У ҳеч қачон аҳолиси сероб бир ўлкага айланиб қолмайди. Месопотамияга келганда, айтиш керакки, бу ўлка орқали бир қанча йирик дарёлар оқиб ўтади, унинг қирғоқлари бўйлаб каттагина майдонда суғориладиган ерлар чўзилиб кетган. Месопотамиянинг бойлиги — пахта ва ғалла, бунинг устига табиат унга катта миқдорда арзон ёқилги ҳам инъом этган. Аҳвол шунақа бўлганидан кейин ҳар қандай шак-шубҳасиз у келажакда араб дунёсининг бошида турмоғи керак. Ўтмишда бир неча марта шундай бўлган. Дамашқ ҳозир Бағдодга нисбатан вақтинчалик устунликка эга, бироқ араб дунёсида бош-қош бўлиш вазифаси айнаи Бағдоднинг зиммасига тушган. Месопотамиянинг аҳолиси¹ Сурия аҳолисидан беш баравар кўп, бойликлари жиҳатидан эса бу икки мамлакатни бир-бири билан умуман, таққослаб бўлмайди. Месопотамия том маънода Шарқнинг ҳукмдори бўлиб қолади ва бу мамлакатда ҳодисалар йўналишини белгилашга ҳамда назорат қилишга қодир бўлган куч унинг қўшниларини ҳам итоатда сақлайди.

Эроннинг келажаги ҳозирча равшан эмас. Уруш арафасида мамлакат Улуғ Британия билан Россия ўртасида тақсимланиб кетишга маҳкум эди. Уруш вақтида у турк истилосидан жиндай шикастланди ва Германия билан Англия ўртасидаги аёвсиз тарғибот урушининг майдонига айланди. Россиядаги инқилоб у ёки бу шаклда мамлакатни улуғ давлатлар ўртасида тақсимлаш муаммосини кун тартибидан олиб ташлади. Англия сиёсий таназзулни, бош-бошдоқликни енгиб ўтиб, чекланган ўз-ўзини бошқариш йўлига ўтишда Эронга ёрдам бераоладиган бирдан-бир давлат бўлиб чиқди. Афсуски, бизнинг мамлакатларимизнинг давлат арбоблари вазиятни анча юзаки баҳолашди. Бунинг оқибатида шундай битим тузилдики, у ҳар хил қарама-қарши ва бир томонлама талқинларга кенг йўл очиб берди. Бу имкониятдан бизнинг ҳар қандай нуқсонимизни топиб юзимизга солишдан тап тортмайдиган “жаҳон жамоатчилиги” ҳам, бевосита форсларнинг ўзлари ҳам роса фойдаландилар. Бунинг оқибатида, мамлакат ичкарасидаги прогрессив унсурлар биздан юз ўги-

¹ Лоуренс айтган бу ҳудуд ҳозир Ироқ таркибида.

ришди. Улар нигоҳларини Шимолга — Россияга қаратишди. Унинг ёрдамида умидвор бўлишди. Бу ёрдам чиндан ҳам етиб келди, бироқ, у шу даражада катта миқдорда эдики, “бўйсунмаслар” инглизларнинг мамлакатда ҳозир бўлишига қарши йўналтирилган фаол тадбирларни амалга оширишга журъат қилишди. Бизнинг мамлакатдан чиқиб кетишимиз уларга ўзларини ғолиб деб ҳисоблашларига имкон берди: ҳозир шу нарса аён бўлмоқдаки, Эрон ё бизга душманлик кайфиятидаги миллий маъмурият раҳбарлигида бирлашади, ёки уруш арафасида бўлгани каби майда қисмларга ажралиб кетади. Бу қисмлар ўзларини номигагина Эроннинг таркибида деб ҳисоблайдилар, амалда эса ўзаро кураш олиб борувчи ўриспараст ва британпараст партизан отрядларининг назоратлари остида бўладилар.

Миср — Яқин Шарқ давлатлари ўртасидаги яна бир мустақил мамлакатдир. Унинг ҳудудларини ҳам харитада уруш белгилаб берди. Ҳарбий ҳаракатлар ва ғалаёнлар шунга олиб келдики, мисрликлар — ҳозирча анча ғира-шира тарзда бўлса ҳамки, ўзларини яхлит халқ ҳис эта бошлади. Моҳият-эътибори билан қараганда, мамлакатнинг бутун аҳолиси миллатчилик мавқеига ўтди. Улар аҳолини аввалгидай мусулмон ва насроний деб ажратишдан воз кечишди. Жуғрофий ҳолатнинг ҳамда тилнинг муштараклиги асосида бирлашишди. Улар Қоҳирадаги мусулмон дорилфунуни Ал-Азҳарнинг диний таъсиридан халос бўлишди. Бу дорилфунун мамлакатдаги туркпараст ва аксилбритан кайфиятларнинг асосий таянчи бўлган эди. Ҳатто янги миллатчилар қадимийлиги жиҳатидан муқаддас ҳисобланувчи бу дорилфунунга ҳужум қилиб, унинг туриш-турмушини ҳозирги Мисрнинг эҳтиёжларига мосламоқчи бўлишяпти. Аёлларнинг жамиятдаги аҳволи ва дунёвий таълим-тарбия масаласига келсак, улар ҳам худди турк миллатчилари каби илғор қарашларнинг тарафдори бўлишмоқда. Мисрликларнинг сиёсий савияси ҳозирча анча бор, амалда у Нил соҳиллари билан чекланган. Бироқ, шубҳа йўқки, мамлакат бойлигининг ва аҳоли сонининг ўсиши орадан кўп ўтмай уларни анча узоқларга кўз ташлашга мажбур қилади. Ана унда кўпдан-кўп парчаланиб кетган тарқоқ ҳудудлар ўртасидаги низолардан фойдаланиб, бугун осонгина назорат остида сақлаб турилган Шимолий Африка муаммолари анча мураккаб тус олиши муқаррар. Миср Янги Шимолий Африканинг шу қадар кучли қисмидирки, унинг ҳукумати минтақада ҳал қилувчи роль ўйнаши мумкин. Буни араб бирлашмалари ичида Месопотамия ўйнайдиган роль билангина қиёсласа бўлади.

Кичик Осиёда бизнинг муайян қизиқишимизга сазовор бўлган яна иккита халқ бор. Улар Кичик Осиёда яқинда пайдо бўлиб қолишди. Улар бу ерга денгиздан келишди. Гап Смирнада муқим ўрнашиб олган юнонлар ва Фаластинга кўчиб келган яҳудийлар ҳақида бормоқда. Юнонлар ҳақида шунини айтиш керакки, улар бу ерга босқинчилар сифатида келишган. Уларнинг мақсади илгари Туркияга қараган бир бўлак Осиё ҳудудини ихтиёрларида сақлаб қолишдир. Смирна — муҳим савдо маркази, унинг бир қисм аҳолиси юнонлар. Смирна кимнинг қўлида бўлса, ўша минтақадаги аҳволга таъсир кўрсата оладиган бўлади. Юнонларни бу можарони бошлашга ундаган сабаблар ана шунақа. Аммо уларнинг хатти-ҳаракати Осиёнинг келажагига бирор даражада самарали таъсир кўрсата олади деб айтиш қийин.

Яҳудийлар ўтказаятган тажриба мутлақо бошқача характерга эга. Яҳудийлар Оврўпонинг энг кам даражадаги Оврўпога мансуб халқдир. Улар ўз тақдирлари жилавини қўлларига олиб, асрлар мобайнида давом этган сарсону саргардонликдан Шарққа — ўзларининг илдизлари жойлашган ҳудудга қайтиш йўлидаги онгли уринишдир. Насронийлик пайдо бўлишидан бир неча асрлар аввалданоқ бу ерлар яҳудийларга қараган. Кейин бу ерларни эгаллаб олганлар ўзлари билан бу тупроққа билим нурларини ва оврўпоча технологияни олиб келган. Кўчиб келган яҳудийлар арабзабон маҳаллий халқ қуршовида яшамоқни ихтиёр этишмоқда. Маҳаллий халқ билан уларнинг ўртасида этник келиб чиқиш жиҳатидан муштараклик бор. Бироқ маҳаллий араблар ҳозир мутлақо бошқача ижтимоий шароитда ҳаёт кечирмоқда. Янги келганлар Палластиннинг ноқулай иқлимида яшашга мослашиб олмоқчи ва вақти-соати билан малакалари ҳамда сармояларидан фойдаланиб, бу жойларни Оврўпо мамлакатларига ўхшаган юксак тараққий этган мамлакатга айлантиришмоқчи. Лойиханинг муваффақияти муқаррар тарзда арабларнинг яшаш даражасини келгиндилар даражасига кўтаради, бу жуда тез содир бўлади. У бутун араб дунёси учун жуда катта оқибатларга олиб келиши мумкин. Фаластин бу минтақада ҳамма-ни техника билан таъминловчи асосий мамлакат бўлиб қолиши мумкин. Бу эса

Оврўпонинг sanoat мамлакатларига қарамликдан қутқаради. Шунда араб конфедерацияси дунё тизимининг жуда муҳим унсури бўлиб қолиши мумкин. Гарчи араблар буларнинг барчасига келажақда — бир-икки авлод ўтгандан кейин рўпара келишига-да, Фарбий Осиёда империя пойдеворига гишт қўяётганларнинг онгида шу манзара тармоғи керак. Осиё империясининг истиқболи жуда кўп жиҳатдан сионистларнинг хатти-ҳаракатларига ва Россиядаги воқеаларнинг қай тарзда ривожланишига боғлиқ.

Россияда содир бўлаётган ўзгаришлар кенгайиб боргани сари унинг жануби-шарқий Осиёдаги потенциал таъсири қандай ўсиб бораётганини кузатиш мароқлидир. Шимолий Осиёни Россия хоризм давридаёқ ўзига тобе қилиб олганди. Бу ерда унга жуда катта ҳудудлар қарайди — улар Қора денгиздан Хитой денгизигача чўзилиб кетган. Мамлакатнинг Осиё қисми шу даражада каттаки, рус инқилобининг ўзида Осиё феноменини кўрмоқ учун ҳамма асос бор. Ҳар ҳолда Осиё учун бу инқилоб жуда катта рол ўйнамоғи мумкин. Бунинг Оврўпода француз инқилоби ўйнаган роль билан қиёсласа бўлади. Ўшанда бу инқилоб томонидан кўтарилган зўравонлик тўлқинлари ҳар олтимиш йилда бир мартадан қитъа устига ёпирилиб турган эди. Айтилган гаплар Ленин таълимоти Осиё деҳқонларининг онгида акс садо берди деган маънони билдирмайди — бу таълимот ҳатто рус деҳқонлари ўртасида ҳам хайрихоҳлик тулдиргани йўқ. Аммо большевикларнинг муваффақияти Шарқ учун кўргазмалар ўрнакдир — демак, худо берган, илоҳий деб ҳисобланган ҳокимиятни, Осиёга жуда қаттиқ зулм қилиб келган ҳокимиятни ағдариб ташласа бўлар экан. Хоризмнинг кулаши Осиёнинг тақсимланишига таъсир кўрсатгани йўқ, унинг шимоли Россия ихтиёрида, жануби Англияда қолди. Ўзгаришлар рус ҳудудининг ўзигагина тааллуқли бўлди: агар инқилобгача бу ҳудуд — бор-йўғи метрополияга мутлақо қарам бўлган бир вилоятдан ўзга нарса бўлмаган бўлса, эндиликда у “таъсир майдони”га айланди. Бу майдондан туриб ташқарига аталган ташвиқот олиб борилади, бошқа мамлакатларнинг “тараққийпарвар жамоатчилиги” манфаатлари йўлида амалга ошириладиган кўпгина кирдикорлар шу ердан бошланади. Тахмин қилиш мумкинки, бу чегаранинг пешонасига бундан кейин доимий равишда “очиқ” бўлиш ёзилган ва у орқали ярим ошқора тарзда ҳар тарафга қурол тарқатиб турилади. Чор ҳукумати Осиё қирлари ва адирлари бўйлаб чўзилиб кетган Россия империясининг жанубий чегараларини пишиқ-пухта қўриқлаш юзасидан катта ишлар қилган эди. Шунинг учун чегара районларида халқларнинг у ён-бу ён кўчиб юриши деярлик кузатилмас эди. Энди аҳвол ўзгарди, Осиёнинг прогрессив қисми жанубга эмас, шимолга талпиниб қолди. Эндиликда эса рус ҳукуматининг хатти-ҳаракатларидан ҳам кўра кўпроқ даражада Эрон, Анатолиянинг, шунингдек, Сурия ва Месопотамиянинг келажаги Россия давлатининг аксимилистикалик сиёсатига тарафдор бўлган ва бу қарашларни ўз билганича Жанубий Осиёда тарғиб қилишга уринаётган хусусий одамларга боғлиқ бўлиб қолди. Гуржистон республикаси, Арманистон республикаси масаласига келсак, уларнинг мустақиллиги кўп ҳам узоққа бормаса керак ва, айниқас, улар ўрисирастлик сиёсатини юргиздилар.

Бугунги вазият ана шунақа: сиёсатда онгли равишда, мантиқан асосланган миллатчиликка амал қилиш Фарбий Осиёда вужудга келаётган ҳар қандай ҳаракатнинг устувор омили бўлиб қолди. Бу омилнинг кўлами жуда кенг, шунинг учун уни жиловлаб олиш мумкин, деб умид қилиш беҳуда. У жуда кенг маконлардаги ҳаётга таъсир кўрсатяпти, шунинг учун уни ўткинчи нарса деб баҳолаб бўлмайди. Биз шунга тайёр бўлмоғимиз керакки, бу ҳодиса узоқ давом этади, ҳар бир баҳсли ҳудудда миллий можаролар яна ва яна кўзголиб тураверади. Фақат маълум бир вақт ўтгандан кейингина, бу жараён янги, юксакроқ босқичга кўтарилгандан кейингина улар тўхтамоғи мумкин. Биз Фарбий Осиёнинг ўзимиз кўниқиб қолган қиёфаси жуда тез суръатлар билан кескин ўзгариб кетганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу эса ҳозирги пайтда бизнинг Яқин Шарқ сиёсатимизни қайта кўриб чиқишни тақозо қилади. Биз уни шундай бир тарзда мукамаллаштирмоғимиз керакки, бу ўзгаришларга жалб бўлган ҳамма ижобий кучлар бизнинг сиймомизда ўзларининг иттифоқчиларини курсинлар.

Янги империализм — мустамлакалардан чиқиб кетиш эмас, зиммамиздаги ва-зифадан қўрқоқлик билан юз ўгириш эмас. Янги империализм биздан фаол ҳаракат қилишни талаб қилади: биз маҳаллий аҳолига ўз келажаги учун масъулиятни зиммасига олишни ўргатмоғимиз лозим. Бироқ масъулият шунақа нарсалар тоифа-

сига мансубки, уни ҳамма қўлга киритишга ҳаракат қилади. Лекин ҳеч ким қўлга киритганига хурсанд бўлмайди. Агар халқ ўзини ўзи ҳимоя қилишга қобил эканини англаб етса, бу халқнинг ўз-ўзини ҳурмат қилиш йўлида босиб ўтган биринчи босқичи бўлади. Шунинг учун биз Осиё халқларидан шуни талаб қилмоғимиз керакки, улар ўз мудофааларининг ғамини ўзлари ейишсин. Биз олиб чиқиб кетадиган оккупацион кўшинлар ўрнини миллий кўшинлар қисмлари эгалламоғи даркор. Бинобарин, аҳолига қурол берилмоғи керак ва у қурол билан муомала қилиш илмини ўрганмоғи лозим. Бизнинг вазифамиз маҳаллий аҳолини жуда кўп нарсага ўргатмоқдир. Баъзан уларни мажбурлаб бўлса-да, баъзи қадамларни қўйишга кўндирмоқ жоиз. Лекин ҳар на қилганда ҳам, биз фақат маслаҳат бермоғимиз, ўзимиз четда турмоғимиз керак. Биз авваллари ўйнаган ҳукмдор ёхуд раҳбар ролидан бу роль камроқ даражада фахрли эмас. Қолаверса, бу роль бизнинг олдимизга янада каттароқ талаблар қўяди: одамга буйруқ бериш осон, лекин уни маслаҳатга амал қилиш кераклигига ишонтириш жуда қийин. Бунинг устига маслаҳат нақадар юмшоқ шаклда, мулойимлик билан берилса, унга кўндириш шунчалик қийин бўлиб боради. Биз шунга тайёр бўлмоғимиз лозимки, жуда кўп нарса бошқа усуллар билан қилинади; бу усуллар биз қўллаган усуллардан тубдан фарқ қилади ва баъзан эса унчалик самарадор бўлмаслиги ҳам мумкин. Лекин маҳаллий аҳолининг ўзи учун ҳамма ишни ўзлари қилгани яхши. Майли, биз бу ишларни бекаму кўст бажарсак-да, уларнинг ўзлари ҳамиша ҳам унчалик дўндириб қўймасалар-да, барибир, ўзлари адо этганлари маъқул. Шу тариқа иш тутсак, кўп ўтмай аён бўладики, бизнинг ҳақиқий ёрдамчиларимиз бошдан-оёқ бизга бўйсунадиганлар эмас, балки бизга қарши энг фаол ташвиқот юритувчилар экан. Чунки худди ана шулар халқнинг заковатли доҳийларидир. Улар, яъни файласуфлар билан давлатмандлар эмас, балки сафсатабозлар билан сиёсатчилар халққа раҳнамолик қилади. Бу ишда эса мақсадларимиз бир-бирига мос келади. Мустамлака бошқарув тизимини бошлаш жуда катта машаққатлар эвазига рўёбга чиққан, бугун унинг қурилишини айна ана шундай одамларга ишониб топшириб қўйиш ножиоздек кўринса ҳам майли, ахир, уларнинг ўзимизнинг қадрдон умумлар палатаси аъзоларидан кам жойлари борми? Ахир, бизнинг эркинликларимиз ана шу умумлар палатаси аъзоларининг ихтиёрига бериб қўйилган-ку? Улар масъулиятни зиммаларига олишни истамайдими? Биз кўшинларимизни олиб чиқиб кетишга тийёргарлик ишларини бошлаб юбориб, уларни бу ишни тезлаштиришга ундаймиз. Улар бизнинг таъсиримиздан чиқиб кетади, бошқа бирон улуғ давлатнинг паноҳига “сиғиниб” қолади деб қўрқиш керак эмас: кимники ҳаддан ташқари оғиз-бурун ўпишиб, иноқлик қилиш мажбуриятдан ҳоли қилинса, ўша мамлакат аҳолиси ҳамиша инглизларга хайрихоҳлик билан қарайди ва дунёда биронта мамлакат йўқки, ўзининг катталиги билан Британия империясига тенглашолсин — бизда бу империяга қўшилиш истагини билдирган кичик халқларга ваъда қиладиган нарсалар бисёр. Миср, Эрон, Месопотамия — ҳозирги мухториятни сақлаб қолиш шарти билан уларга доминион мақоми кафолатланса, улар бажонидил бизга қўшиладилар ва бу қўшилишнинг баҳоси пул биланми ё солдатларнинг ҳаёти биланми — Австралия ёки Канаданинг империя таркибига киргани учун биз томонимиздан тўланаётган ҳақдан юқори бўлмайди. Бундан бошқа яна бир йўл шундаки, Осиё мамлакатларини империя таркибида сақлаб қолмоқ учун, биз бу мамлакатлардаги кўшинларимизни аста-секин камайтира бормоғимиз керак ва ниҳоят Осиё мамлакатлари анархия жуда қимматга тушишини тушуниб олганларидан кейингина, биз бугундай кетмоғимиз мумкин бўлади.



Владимир КРИСТОЛ

Шалом, Исроил!

БЎРИТЕПА

Куддуси Шарифнинг шимол томонида Писгат-Зеев деб аталмиш янги қури-лаётган мавзе бор. Буни Зеевтепа десак, янада аниқроғи, Бўритепа деб атасак ҳам бўлаверади, сабаби — иврит тилида “зеев” сўзи бўрини англатади.

Исроилга энди кўчиб келган русийзабон яҳудийлар (янги кўчиб келаётган бу яҳудийларни мамлакат аҳолиси “оллим”лар деб аташади) саксонинчи йиллар охирида Бўритепадан ер олиб, жойлаша бошладилар. “Оллим”ларнинг кўпчилиги яҳудийлик нима эканини унчалик англаб етавермас, яҳудийлик расм-русумларига риоя қилмоқни кўпам хуш кўрмасдилар. Оқибатда нима бўлди денг, Қуддуси Шарифда тақводор одамларнинг саъй-ҳаракатларига қарама-қарши ҳолда чўчка гўшти билан савдо-сотик қиладиган дўконлар очила бошлаган пайтда, мана шундай дўконларнинг бири ўша Бўритепада ҳам бўй тиклаб, ўтган-кетганнинг диққатини ўзига жалб қилиб қолди. “Оллим”ларга кун туғди — яҳудийлар мамлакати учун ғалати ҳисобланувчи, “КЛИМ-СЛАВА” номи билан кўзга чалинувчи бу дўконда уларнинг аввалги ҳаётларидаги тансиқ неъмат — чўчка гўшти сотиладиган бўлди! Бундан ташқари, Исроилдаги “супер” ва ёки “маколет” магазинларида кичкина шиша идишларда, ғоғоз халтачаларда мисқоллаб сотиладиган кундалик емишларни айнан шу дўкондан қоплаб-қоплаб харид қилиш мумкин эди.

Мен жарроҳлар столида ётиб чиққанимдан кейин, шифокорлар менга ёғли нарсаларни емасликни буюришди. Емаганим маъқул-ку, жуда егим келаверса, қаймоқ-пишлоқдан оз-оздан тамадди қилсам бўлавераркан, яхшиси — қаймоқнинг ҳам, сузма-пишлоқнинг ҳам ёғсизи мен учун дуруст экан. Бу оқликларнинг ёғсизи айнан Бўритепадаги “Клим-Слава”да сотилади-да. Дўконга, машинада юрсангиз, беш дақиқада етиб борасиз, яъни, уч қақиримлик йўл.

Дўкон ҳозиргина очилган. Одам сийрак. Унинг ходимларидан Наташа ва Женя бугун савдога қўйиладиган харидорғир молларни қутилардан олиб, пештахталарга жойлаш билан банд.

— Салом.

— Салом.

Мен қаймоқ-сузмали пакетлар терилган шиша музхонага ёндошиб қараб, сотувчилар билан ҳазиллашаман:

— Қани, оймқизлар, сузмалар ичида энг ёғсизини кўрсатиб юборинглар-чи...

Сотувчи аёллар кулишади. Шу тариқа гап гапга уланиб кетади... Мен ўйланиб қоламан, “оллим”она ҳаётда ҳазил-хузулнинг ҳам ўз ўрни, мавриди бор — буни

Музаффар
АХМАД
таржимаси

Владимир Даниэлевич КРИСТОЛ 1939 йил Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳрида туғилган. 1962 йил шу шаҳардаги алоқачи-муҳандислар тайёрланадиган институтни тугаллади. 1991 йил Исроилга кўчиб кетди. Қуддуси Шарифда яшайди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

129

ҳамма билади. Мен айнан мана шу лаҳзаларда ҳаётимиздаги гирдибод кунларда кулгили, ғайритабиий ҳодисалар, Исроилдаги кечирмишларим билан боғлиқ воқеалар не чоғлик тез-тез рӯй бераётгани ҳақида ўйлаб қолдим. Боз устига, дин ва давлатнинг, Шарқ ва Ғарбнинг ўзаро мунтазам алоқалари туфайли бунёдга келаётган икки хил турмуш тарзи ва улар уйғунлигидан пайдо бўлаётган урф-одатлар, менталитет тақозоларини айтинг. Умуман, яҳудийлар ўзларини ўзларига ва бутун дунёга танитиб қўйиш учун зўр берган ўтган минг йиллар мобайнида озмунча воқеа-ҳодисалар рӯй бердим, ахир.

Сезиб турибман, сиз ҳозирданоқ кула бошладингиз. Рост-да. Яна эшлашамизми? Бошладик бўлмаса!

Ушбу очеркларни ўқиб антисемитлар яҳудийларни яхши кўриб қолишларига мен унчалик ишонмайман. Ниятим — яҳудийлар ҳаётига четроқдан туриб назар солиш ва шу тариқа, яҳудийларни ўз-ўзига сал таништириш, чехраларида табассум жилолантириш. Хулласи калом, сиз қаерда яшаманг — Қуддуси Шарифдами, Питердами, Нью-Йоркдами — бундан қатъий назар, чехрангизда табассум жилоланар эканми, демак...

ЮЗ МАРКА

“Константин Симонов” номидаги кеманинг бандаргоҳдан секин чиқиб боришини кузатиб турибман. Ёмғир ёғаяпти. Кемамиз ўнлаб, юзлаб кема-ю қайиқчалар оралаб ўтиб, омборхона ва док¹лар ёнидан сирғалиб сузиб бораётир. Ўзим туғилган ва ярим асрдан кўпроқ вақт яшаган шаҳримни ташлаб кетаяпман. Тунги Ленинград бизни оғир рутубатли осмон остида, сувда жимираб акс этаётган чироқлар рақси ила, кемамизнинг бир текис, қудратли овозигина гувиллаб эшитилаётган ҳорғин сукунат ичида кузатиб қолаётир. Хелсинки шаҳрини мўлжаллаб йўлга чиққанмиз. Хелсинкига етиб олсак, у ерда сув кемасини ҳаво кемасига алмашлаб, икки кундан сўнг Исроилга учиб кетамиз. Биз — репатриантлармиз². Биз парчаланиб кетган Иттифоқдан Эски ва Янги Дунё тарафларга интилаётган эмигрантлар тўлқинининг кичик бир бўлакчасимиз.

Нималар ҳақда ўйлаяпман? Ишонаверинг: ҳеч нарса ҳақда ўйлаётганим йўқ! Тамаки сўриб, қиргоқдан узоқлашаётган кема остидаги сувларни кузатяпман, холос. Қадрдонларимдан айрилиш ҳисси ҳам юрагимни таталаётгани йўқ, дунёда энг ноёб бўлган мрамар шаҳарни ташлаб кетаётганим ҳам мени ўртаётгани йўқ — бу туйгулар ҳали кейинроқ авжга минади. Шу билан бирга, ҳали роҳат-фароғатга кўмилиб қолганим йўқ, бўлмаса, ҳаммаси бўлиб ўтди: асаббузарликлар ҳам, кўчишга тайёрликлар, хайрлашув маросимлари, машина ва гаражни сотиш машмашалари дейсизми, кемага билет излаш, божнома томошалари... Э, тўхтанг! Мана, нима ҳақда ҳаёл сураётган эканман — божхонадаги текшир-текширлар пайтидаги асаббузарликлар мени ҳали-ҳануз тарк этмаган эди. Мана шу ҳақда гурунг қилиб берсам бўлади. Ажабтовур ҳангома. Ҳа, майли, бу ҳақда сал кейинроқ айтиб берарман.

Мени Яшка излаб келиб қолди. Яшка — менинг куёвим. Мана у мен билан ёнма-ён туриб тамаки тортмоқда, палубада ахлат челақ йўқлигидан, қўлидаги қолдиқни қаёққа қарата отиб юборишни билмай боши гаранг. Иккаламиз ҳам тамаки қолдиқларини бармоқларимиз ила узоқ-узоқларга чертиб юборамиз, тамаки қолдиқлари борт оша сувга тушади, кўздан ғойиб бўлади. Биз эса шўро одамларига хос бўлган доимий хадикка беланиб, гуноҳ иш қилиб қўйган одамдай кўрқа-писа кеманинг пастиги қаватига — каюталарга тушиб кетамиз. Ёғ томса ялағудай ярақлатиб тозаланган зинапоялардан тушиб борар эканмиз, фақат валюта билан ўйналадиган, савдо-сотиқ қилинадиган ўйинчоқ-автоматлар, барлар, совғалар сотадиган дўкончаларга кўзимиз тушади. Мен ҳозир эътиборингизни бунга тортмай-да, яхшиси, бирга кетаётган ҳамроҳларим билан таништириб ўтай.

Куёвболамни таниб олдингиз, яъни, номини боя эшитдингиз. Мен ўзим ҳам ҳали бу йигитни унчалик яхши билмайман. Яккаю ягона қизимиз Антонинани ярим йил аввал шу яҳудий йигитга қўшқўллаб узатганмиз. “Метрополь” ресторанида тўй

¹ Док — Кема устахонаси.

² Репатриант — Она юртига қайтувчи.

бўлиб ўтди, табрик сўзлар айтилди. Куёвимиз Беларусь заминидаги Хойника қишлоғидан экан. Антонина ҳали йигирма ёшга тўлмаган ҳам эди. Яшқа ундан тўрт ёш катта бўлиб, оиладаги уч ака-уқанинг кенжаси экан. Акалари аввалроқ Ленинградга келиб ўрнашиб, рус қизларига уйланган, ҳатто шу кўшилишда қизиқ устида уларнинг фамилияларига ўтиб ҳам олишган экан. Яшқада эса, афтидан, бунақа ташвишнинг ўзи бўлмаган, сабаби, бу борада унинг аҳволи бошқачароқ. Тонька — менинг қизим — аралаш қон, яъни, унинг онаси — рус. Хотиним Нина ўзи Ленинградда туғилгани билан, асли она-отаси Сибирдан. Нина мендан саккиз ёш кичик, шунга қарамай, у анчагина ёш кўринади. Айниқса, менинг ёнимда. Бўлмаса, бечора кейинги йилларда озмунча азият чекмади. Инсулт касали онасини олиб кетди. Етмиш олтинчи йилда эса эр-хотин иккаловимиз ҳам оталаримиздан айрилиб қолдик. Ўша мусибатлардан кейиноқ аввалига синглим, кейин онам Исроилга жўнаворди, улардан сўнг биз ҳам кўчиб кетиш тараддудига тушдик, мана энди ўша кўчакўч ташвишларимиз ниҳоясига етмоқда.

Биз билан бирга Маня хола ҳам жўнаб кетаётир. Хола деяпману, унинг қанақа қариндошимиз эканлигини ўзим ҳам аниқ билмайман, мана ўзингиз тагига етиб олақолинг: Маня холанинг урушдан кейин ўлиб кетган биринчи эри менинг отам билан холавачча эди. Тақдир тақозоси шу бўлдики, Маня холанинг иккинчи эри ҳам ўлиб кетганидан кейин, бечора аёл бизнинг оиламизга суяниб қолди. Бизлар кўчиб кетишга тайёргарлик кўра бошлаган кунлар у бир оғиз:

— Мени ёлғиз ташлаб кетаверасизларми? — деганида, мен:

— Сиз ҳам биз билан кетасиз, Манечка хола! — дедим, мана, холамиз биз билан бирга Финляндияга жўнаб кетаётир. Оиламизга аталган икки қаютанинг бири уники.

* * *

Икки соатгина аввал биз — жўнаб кетаётган (тўғрироғи, сузиб кетаётган) ўттизтача одам, юз нафар кузатувчилар даврасида эдик. “Исроил дўстлари” жамиятига мансуб бўлган насроний-аёллар гуруҳи ҳам шу ерда. Улар қўлларимизга диний мавзудаги китобларни ва фин марка (пул)ларини тутқазишади. Шу жумладан, менгаям тиқиштиришади. Мен уларнинг тўёнларини бутунлай рад қиламан, сабаби маълум, ҳали божхона ходимларининг назоратидан ўтишимиз лозим, божхоначилар эса, назаримда, бизларни кўз узмай кузатиб турибди.

Маня холамиз тушмагур мендан кўра юраклироқ чиқиб қолди, божхона ходимларини назар-писанд қилиб ўтирмади, юз маркалик қоғознинг биттасини чўнтагига уриб юборди. У менинг ёнимга келиб ана шу топилма ҳақда шивирлаб хабар айтади. Божхона ходимининг эса икки кўзи менда. Мен Маня холани кўрмаётган, эшитмаётганга оламан гўё. У менинг гарангсиб турганимни ўзича тушуниб, ҳалиги гапларини баланд овозда такрорлайди. Ана, назоратдан ўтиш навбати менга ҳам етиб келди, аммо қани энди бунинг жағи тинса. Юкларимизни, валютани, тўлғазилган декларация қоғозларини назоратчилар олдига қўямиз. Ёш, алпқомат нозир юкларимизни нардан-бери кўрган бўлади-ю, валютага навбат етганда шошилмасдан санай бошлайди. Декларацияларга муҳрини босади-да, тахдидли оҳангда:

— Валюталарнинг ҳаммаси шуми? Бошқа йўқми? — деб сўрайди.

Йўқ дегандай бош чайқайман. Маня хола қўлларини чўнтагидан чиқармай турибди. Нозир чеҳрасида табассум ўйнайди:

— Оқ йўл!

Ҳа, замон зарварағида бу йил тўқсон биринчи йил деб ёзилган, етмиш олтинчи йилдаги сиқувлар анча бўшашган. Кўпгина одамлар онгида ўзгариш рўй берган, энди улар бизга сотқин деб, шўро ҳукуматининг душманлари деб қарамайдилар. Айтгандай, шўро ҳукуматининг ўзи ҳам борса-келмасга кетди. Қайта қуриш қийинчиликлари ҳамманинг қаддини эгиб қўйди, ушбу қийинчиликларни шу хил тадбир ила ташлаб чиқиб кетаётганлари учун яҳудийларга кўплар ҳасад қилмоқда. Қайта қуриш йилларидаги: “Яҳудийлик фаровонлик белгиси эмас, балки кўчманчилик воситасидир”, деган машҳур ибора ҳаёлимда жаранглайди...

Мана, ҳозир “Константин Симонов” кемасида “Маня холанинг юз сўмлик марказини нима қиламиз?” деган мавзуда қизгин баҳс бўлаётир. Ёшлар бу пулнинг

ҳаммасини ичиб, кайф-сафо қилиб тугатиш тарафдори. Мен эса бунга қаршиман. Нина ва Маня хола қаёққа ён босишни билмай ҳайрон. Мен умуман бошқа нарсаларнинг ташвишини қилиб ўтирибман — бундан кейин қандай яшаймиз, нима ҳисобига яшаймиз? Ҳар бир чақани авайлаб-асраб, тишимнинг ковагида сақлаб юрибман. Бошқаларга ўхшаб, биз ҳам Финляндияда сотишни мўлжаллаб спиртли ичимликларни мўл-мўл босиб олганмиз. Албатта, қилган бу ишимиз меҳмондўст Финляндия шарафига нисбатан ҳурматсизлик, лекин начора, янги ҳаёт бошланишида оз-моз бўлса-да, пул ишлаб олиш илинжида шундай қилмаса бўлмайти-да. Ўйлашимча, Маня холанинг юзлик маркасини ароқдан тушадиган пулга қўшиб қўядиган бўлсак, белимизга пича қувват киради. Бу фикр мени барлардан йироқроқ юришга ундайди. Лекин болалар барибир бола-да, калта ўйлашади, уларга кунда-кунда кўнгилушлик бўлса. Бунинг устига, улар иккита, ҳалитдан икковини сиқштираверсак бўлмас — эрта-индин ҳаётнинг ўзи уларнинг қулогини бураб қўяди. Шуларни ўйлаб, мен ҳам ночор розилик билдираман. Аввалига коктейл ва музқаймоқ буюрамиз: мана, фарбдаги шоҳона ҳаётимизнинг илк нишонаси — зиёфат. Зиёфат тугайди-ю, юзлик марканинг қайтимини чўнтагимнинг энг чуқур жойига ташлаб қўяман.

ҲИСОБ-КИТОБ

Кемамиз эрталаб Хелсинки бандаргоҳига келиб лангар ташлайди. Биз автомобил юкланадиган, улкан ерости гаражига ўхшаш трюмга тушдик. Юкларимиз палубада уюлиб ётибди. Жомадон, кути ва баулларимизга ёпишқоқ қоғоз тақиб, тартиб рақамларини ёзиб қўйганмиз. Бизнинг рақамимиз — ўн бешинчидан бошланади. Бу рақам беқисс Финляндияда ўтган ажойиб уч куннинг гувоҳи сифатида, мана, ҳамон кўзга чалиниб турибди.

Ҳадемай кема ичига фурион автомашина кириб келади-да, Исроилга жўнаб кетаётган гуруҳ аъзоларининг бор ашқол-дашқолини ортиб жўнайди. Бизга эса юкларимизни (ароқ солинган юкхалталарни ҳам) тўппа-тўғри аэропортга элтиб беришларини эълон қилишади-да, ўзларимизни автобусларга ўтқазишади.

Жанубий Финляндиянинг фарбий томонида жойлашган кичкинагина Хемина шаҳарчасига икки соатдан сал ошиқ вақт ичида етиб борамиз. Шаҳар чеккасидаги насроний-баптистларнинг “Исроил дўстлари” жамияти жойлашган ёғоч уй ёнида бизни мазкур жамият аъзолари кутиб олишиди. Бу одамлар Исроилга жўнаб кетаётган яҳудий оилаларнинг меҳмон бўлишларини навбатда ярим йиллаб кутишар экан.

Биз кўнадиган уй эгаси фермер экан. Унинг хотини ва қизи бизни икки машинага ўтказиб, Хеминадан беш чақирим нарида қалин қайинзор орасида жойлашган хутордаги кенг, бир қаватли уйларига олиб боришди. Бу уйда фермер хотини билан икковигина яшар, фарзандлари — ўғли ва қизи алоҳида-алоҳида туришар экан. Биз уй эгаларига мафтун бўлиб қолдик. Икки кеча-ю уч кундуз давом этган меҳмондорчилик худди эртақ мисоли ўтди-кетди.

Эллик ёшларга етиб қолган, кўримсизгина уй эгалари жуда камгап, бунинг устига, фақат фин тилида гаплашишар эди. Бир-биримизни тушуниш қийинлашиб қолган пайтларда дарҳол имо-ишорага ўтар эдик. Уй бекасининг дугонаси — хеминалик нафақадаги ўқитувчи Мария шу ўтган вақт мобайнида биз билан бирга турди, бирга яшади, у инглиз тилида анча-мунча гапира оларкан, қарабсизки, икки ўртада тилмоч ҳам топилақолди. Худо бергандай, мен мана шу тилда оз-моз чулдирай биламан. Хуллас, кўнглимизни топиш учун уй эгалари гирдиқапалак эди.

Хуторни айланиб чиқдик. Хўжалик далаларини оғзимиз очилиб томоша қилдик. Ҳатто Хеминага бориб, мезбонларнинг қариндошлариникида қаҳва ҳам ичиб келдик. Овқатларини-ку айтмаёқ қўя қолай, худди биз Ленинград қамалидан чиқиб келганмиз-у, булар эса топган-тутганини олдимизга тўкиб, бизни тўйғазишмоқчи. Лекин спиртли ичимлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас — насроний-баптистлар бундай нарсаларни мутлақо оғизларига олишмас экан.

Бундан ташвишга тушиб қолдик: энди юкхалта тўла ароқларни нима қиламиз? Бу лаънати шишаларни Исроилга орқалаб кетмаймиз-ку, у ёқда кимгаям берардик?

¹ Баул — сафар жомадони.

Уй эгалари билан Хеминага саёҳат қилганимизда ўзимиз билан икки жуфт ароқ олиб чиққан эдик, лекин йўлда юрак ютиб битта-яримтага манзират қилишга бо-тинолмадик. Агар бу ишимизни уй эгалари сезиб қолгудай бўлса борми — нақ шармандамиз чиқарди, дейверинг!

Яшка жонимизга ора кириб қолди. Эртаси куни кечқурун хўжайиннинг ўгли келди: ҳали ярақлаб турган “опел” машинасидан узун бўйли, келишган йигит туш-ди. Машинани балодек тушунадиган куёвим Яшка бу пайтгача хўжайиннинг икки-та автомобилни ҳам қайта-қайта сошлаб, ўрмон йўлларида, ноҳия марказигача бўлган кўчаларда айланиб ҳам келган эди. Бу ёғини сўрасангиз, “опел”ни ичак-чавоғини бир кўриб қўйгиси келди чоғи, хўжайиннинг ўгли билан сўзга киришиб кетди, бир-га тамаки тортган бўлди, “опел”нинг у ёқ-бу ёғини тепиб-чертиб кўришди, сўнг қаёққадир гумдон бўлишди. Орадан кўп ўтмай Яшка келиб қулоғимга шивирлади: олиб чиққан ароқларнинг ҳаммасини ими-жимиди сотиб юборибди, Питерда ай-тишганидай, арзон-гаровга эмас, мўмайгина баҳода пуллабди барини!

Энг қийини шундан кейин бошланди. Юкхалтадаги ароқларни “опел”га юклаш керак, аксига олиб, нимадандир шубҳаланиб қолган эр-хотин хўжайинлар ўзаро пичир-пичир қилиб, нуқул ошхона деразаси оша ҳовлида турган “опел”га кўз таш-лайди денг, гўё манови икки йигит аллақандай “жиной иш” бошлаяптию, ҳозир нимадир юз берадигандай! Тўғрисиям, Яшка билан “опел” эгаси шивир-шивирни шубҳа уйғотадиган даражада ошириб юборишаётган эди-да. Лекин йигитлар бу ишни шунақанги қойилмақом қилиб бажаришдики, тақводор хўжайинлар ҳеч нарсани сезмай қолишди. Яшавор, Яшка! Қандинги ур, навқирон Финляндия! Отасининг кўзига баладай бўлиб кўринаётган ароқ сал ўтмай боласини машинасига жойлан-ди-қўйди. Худонинг ўзи кечирсин-у, “оталар ва болалар...” деган муаммо ҳамма жойда, ҳар хил кўринишда мавжуд экан-да?..

Эртаси куни тушликдан сўнг биз тагин йўлга отландик. Хелсинки аэропортига қараб йўлга чиққанимизда кўчаларга қоронғу қуюлиб қолган эди. Йўловчилар ўзлари меҳмон бўлиб тушган уйни мақтарди, таассуротлар олам-жаҳон, фаровон Финлян-диядаги икки кунлик ҳаёт барча қисматдошларга аъло кайфият, хушнудлик ато қилганди. Ора-сира оғзимиздан шу савол чиқиб кетарди:

— Айтгандай, сота олдингизми? Ҳаммасиними?

Бу саволга рад жавоби бериларди. Бизга шунча ҳиммат қилган мамлакатга раҳ-мат ўрнига кўрсатган қилиқларимиз ҳақида айтиб ўтишни ҳеч биримиз маъқул кўрмасдик. Бизни Исроилга кузатиб қўяётган йигит аэропортида назоратдан ўтиш жараёни ҳақида рус тилида ахборот берди. Гап асосан юкларимиз ҳақида кетаётган эди. Қоринлари тўйган, юмшоқ курсиларда ястаниб ётган биз йўловчилар автобус ойнасидан қоронғиликка тикилиб, мудраб кетаялмиз. Бирдан микрофонда овоз янграб қолди:

— Бир оила спиртли ичимликлардан фақат бир литр олиб ўтиши мумкин. Агар божхонада шундан ортиғи маълум бўлиб қолса, жиддий нохушликларга сабаб бўлади.

Ҳамма “коса тагидаги ним коса”ни дарҳол тушунди:

— Наҳотки учирмай қўйишса? Наҳотки изимизга қайтариб юборишса? Ҳамма чигириклардан ўтиб бўлди, деб турганда-я?!

Ҳақиқий инсон ҳуқуқлари нима эканлигини билмай яшаб ўтган одамлар, нима-га рухсат берилади-ю, нималар тақиқланишини тузукроқ билмайдиган одамлар, яъни, биз, йўловчилар, аини шу паллада ким нима деса ишонадиган аҳволда эдик. Автобусдаги ҳамма хавотирга тушиб қолди. Лаънати ароқларни битта қўймай мана шу қоп-қоронғи фин ўрмонларига отиб-отиб юбориш фикрида эди. Арзимаган ароқ-ни деб шундай улуг сафардан маҳрум бўлиб ўтириш... Йўқ, йўқ, бунақаси кетмайди!

Яна ўша микрофондан нажот овози эшитилиб қолди. Аввалги ахбороти йўлов-чиларга қандай таъсир қилганини кўрган кузатувчи йигит автобусдаги ғала-ғовурга бирпас қулоқ солиб турди-да:

— Агар сотишга мўлжаллаб қўйган ароқларингиз бўлса, биз ҳайдовчи иккови-миз сотиб олишга розимиз, — деди бамайлихотир. — Фақат, нархини келишсак бўлди...

Ана шундан кейин “сотаман” деб ароқ кўтарганлар турнақатор бўлиб кетди-ку! Тўғри, ароқларни жуда арзон баҳолашди (янглишмасам, бир шишаси бир доллардан кетди-ёв). Автобус орқасидаги икки яшик ўн беш-йигирма дақиқада ароқ шишага тўлди-қолди. Шундай қилиб, фин йигитлари ароқларимизни сотиб олиб, бизга яна

бир бор ҳиммат кўрсатишди. Худога шукур, менинг оилам бу олди-сотдида иштирок қилгани йўқ. Қариндошларимизга совға қилиб олиб кетаётган икки шиша “Столичная” ароғи фин аэропортидаги қатъий меъёрларга бемалол жавоб бера оларди...

Энг қизиғи, аэропортда назорат кўригидан ўтаётган пайтимизда биронгамиздан “нима олиб кетаяпсан?” деб сўрайдиган одам бўлмади. Лоақал ароқ шишаларига биров қайрилиб қарамади ҳам...

БУ КИМ БЎЛДИ?

Мамлакатда яшай бошлаган илк кунларда биз ўзимиз учун энг муҳим бўлган иккита ишни бажаришимиз керак эди: биринчиси, банкда ҳисоб рақами очиш, иккинчиси, шахсни тасдиқловчи ҳужжат — теудит зеутни қўлга киритиш. Теудит зеут — аэропортда сизга тақдим қилинган тўққиз хонали сонга мос келган ҳолда шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Умуман, бу — мамлакат ичкарисидаги ўзига хос паспорт.

Ҳужжатни тайёрлаш жараёнига атиги бир неча минут вақт кетди, холос. Уни қўлга олиш учун қайта келиб юриш ҳам шарт эмас экан, ҳужжатнинг ўзи почта орқали бир неча кун ичида қўлингизга келиб тегаркан, буниси бизни янада севинтирди.

Бир ҳафта деганда почта қутисида яшил конверт пайдо бўлди. Конверт ичида Исроил паспорти бор эди. Бутун оиламиз бир бўлиб, менинг шахсимни тасдиқлайдиган ушбу ажойиб ҳужжатга — пластик муқовали, устидан целлофан қопланган чиройли қоғозни завқ билан томоша қилдик. Ҳужжатни ҳаяжонланиб очаман — у ерда менинг исми-шарифим, ота-онамнинг исми-шарифлари, туғилган саналарим, қаерда кўз очганим — бари-бари иврит тилида териб ёзилган. Менинг эркак жинсига мансуб эканлигим, тўққиз хонали сондан иборат шахсий рақамим ёниб кўзга ташланади ва...

Ё худойим-ей, суратим турадиган жойда... қовоқлари солиқ, етти ухлаб тушимизга кирмаган бир... кампирнинг сурати турарди!

Бу ҳайратимиз узоққа чўзилмади, албатта. Менинг расмим билан аллакимларнинг сурати алмашиб кетганига дарров ақлимиз етди. Қаҳқаҳа бошланди денг... кулмай бўладими, ахир? Биримиз олиб, биримиз қўямиз. Бу қанақаси? Наҳотки бепарволик шу даражага бориб етган бўлса? Ахир фотосуратлар орқасига исм-фамилиямизни ёзиб берганмиз-ку... Ҳеч бўлмаганда, бошқа бир эркакнинг сурати ёпиштирилган бўлса ҳам майли эди, йўқ, бу ерда аллақандай аёлнинг расми... аёл ҳам эмас, кампир!..

Ҳа, майли, ҳазил ўз йўлига-ю, аммо бу хатони тузатмаса бўлмайди.

Паспорт муассасасига жўнадим. Бу ерда ҳеч ким бўлган воқеага кулмади. Биз фақат ҳужжат учун зарур бўладиган қоғозларни қабул қиламиз холос, агар қандайдир тушунмовчиликми, хато-нуқсонми келиб чиқса, бу ҳақда марҳамат қилиб ички ишлар вазирлигининг қабулхонасига мурожаат қилинг, деб изоҳ беришди улар.

Қабулхонага бош суқдим. Уч-тўрт одам ўтирган экан, рус тилида:

— Ким охири? — деб сўрадим.

Бир аёл овоз берди. Навбатга туриб кута бошладим. Навбатим етиб келди. Ичкарига кирдим. Столнинг нариги томонида қалди-қомати келишгангина ўрта ёшлардаги аёл ўтирибди. Ўтирдим, теудат зеутни столга қўйиб, келишим сабабини изоҳлай бошладим. Унинг чеҳрасини кузатиб ўтирибман — у ҳам теудат зеутни варақлаб ўтирибди — худога шукур, тушунди ҳаммасини.

— Ким бу? — деди бармоғи билан менинг ҳужжатимга нуқиб. Кампирни сўрапти.

— Билмайман.

— Хотинингми?

— Йўғ-е.

— Онангми?

— Йўқ.

— Бўлмаса, ким ахир бу?

Оббо, балониям тушунмабди. Суратлар алмашиниб кетганини унга энди қандай тушунтирсам экан? Афтидан... ана... бир менга, бир ҳужжатимга тикилиб, ниҳоят тушунди шекилли, кимларгадир сим қоқиб, узоқ вақт таҳдидли гаплашди. Кейин

менга мурожаат қилиб, ёнимда бошқа фотосуратим, бор-йўқлигини сўради. Мен дарҳол айтганини олиб, олдига қўйдим. У гувоҳнома тайёрланадиган тўртинчи хонага қандай қилиб боришимни қайта-қайта тушунтирди.

Тўртинчи хона. Компьютер, матбаа асбоби ва яна аллақандай асбоб-ускуналар. Ҳа, айтгандай, иккита ойимқиз ўтирибди: оғзида сигарета, яна қаҳва ҳўплайдилар, вижир-вижир гап сотишади, шунинг орасида ўзларининг ишларини ҳам қилиб оладилар. Биттаси клавиатурада тўққиз хонали сон тера бошлади. Аввалдан компьютер хотирасига қўйиб қўйилган шу рақамлик сонга тегишли маълумотлар биринкетин матбаа ускунасининг экранига терилиб чиқа бошлайди. Иккинчи қизалоқ ушбу маълумотларни янги қоғозга кўчириб олади-да, ўзи ўтирган стол устига ёйиб қўяди. Пакетчалардан олиниб, ёпиштиришга тайёрланган фотосуратлар ҳам шу ерга ёйиб қўйилган. Қизалоқ фотосуратларни яна бир сидра қўриб, текислаб қўйган бўлади-да, елимлаб ёпиштиради, кейин махсус машина ичига қоғозимни тиклаб солиб юборади, машина зум ўтмай ҳалиги қоғозни теудат зеутга — менинг шахсимни тасдиқлайдиган ҳужжатга айлантириб, целлофан сиртга ўраб чиқариб ташлайди. Тайёр! Албатта, уларнинг иш жараёнида ҳам давомийлик, кетма-кетлик, тартиб деган гаплар бор, айниқса, фотосуратларни яна бир бор кўздан кечириб чиқишлари учун маълум вақт кетади, шу муддат ичида ҳужжат учун тайёрланган фотосуратгайм, машина экранида турган суратгайм бир қур-бир қур кўз ташлаш лозим. Одам эса машина эмас, у ёқ-бу ёққа чалғиб кетиши, чунончи, иш орасида қаҳва ҳўплашдек муҳим бир хизматни ҳам бажариб олиш керак, тушунамиз. Қарабсизки, қарийб тўла компьютерлашган шундай мураккаб жараёнда ўз ишини пухта бажармай ожизлик қилиб қоладиган битта “бепарво” бор экан, бу — одам...

Шундай қилиб, одамнинг бепарволиги туфайли рўй берган кулгили хато тўғриланди ва бир неча дақиқалар ичида мен янги гувоҳномани қўлимга олиб, тўртинчи хонадан чиқдим.

Исроил фуқаролари ҳақидаги барча маълумотлар тўлалигича компьютерларда сақланаётгани учун ҳам, бу ерда ҳужжат йўқотиш унчалик катта воқеа деб ҳисобланмайди, бунинг учун жарима ҳам тўлаш шарт эмас, фақатгина янги ҳужжат учун арзимас чойчақа ташлаб кетсангиз бас, дақиқалар ичида ҳужжатингизни янгилаб беришади — теудат зеут керакми, ҳайдовчилик гувоҳномаси керакми ёки бошқа бирон ҳужжатми, фарқи йўқ.

Шундай қилиб десангиз, бирон ҳафтадан кейин бизнинг почта қутимизда яна битта яшил конверт кўзга чалиниб қолди. Яна оиламизда ҳаммамиз биргалашиб теудат зеут томоша қиламиз. Буниси Маня холаники. Ўша-ўша тартиб-қоидага асосан тайёрланган ҳужжат, энди бу гал Маня холанинг ўрнида бацараси мана шундоқ... амаки турибди ден! Шундай кулгу кўтарилдики, қўяверасиз! Ўшанда менинг устимдан роса кулган Маня хола лаблари бурилиб, йиғлаб юборди.

Эртаси куни яна ўша хушқомат мудира ҳузурига йўл олдим. У яна фотосуратларни кўздан кечиради, аҳён-аҳёнда менга қарайди ва савол беради. Йўқ-йўқ, бу гал у ўтган сафардагидай “Ким бу?” демади; балки фотосуратдаги сиймо билан менинг қиёфамда аллақандай ўхшашликлар топди шекилли, таажжуби ошиб:

— Энди нима истайсан? — деди.

Яна ҳаммасини бир чеккадан тушунтиришга тўғри келди. Ушбу, қўлингиздаги, теудат зеут меники эмас, балки холаминики, хола дегани — аёл киши бўлади, бу ҳақда мана, ҳужжатда ҳам ёзилган, лекин, суратдаги — эркак. Хоним ниҳоят тушунди шекилли, ўзининг навбатдаги мантиқли саволини берди:

— Бўлмаса, бу киши ким?

— Билмайман.

— Эри эмасми?

— Эрининг ўлганига кўп йиллар бўлди.

Аста-секин бари ойдинлаша борди, гап шундаки, исроилликлар учун “Маня” исми деярли номаълум бўлиб, бу исм аёлларникими ёки эркакларникими — улар учун барибир. Хуллас, яна ўша тўртинчи хонага кириб келдим. Ойимқизлар энди бу гал баралла кулиб юборишди. Ўша-ўша тамаки тортиб, қаҳва симиришлар такрорланди ва бир неча дақиқалар ичида ишим битиб, кўчага чиқдим — Маня холанинг янги паспорти қўлимда эди.

КЎШК

Эрталабки соат ўндан бошлаб кўшкда бўламан. Кўшк деганимиз ҳам чор тараф ойнаванд, эни-бўйи ўттизу ўттиз метр бўлган қоравулхона. Ичида оромкурси бор, сандиқча, ёритиш-иситиш асбоблари ва... тугмача. Агар мен тугмачани боссам, кўшк олдида кўндаланг турган шлагбаум кўтарилади ва автомашиналарнинг ер ости кўноқжойига йўл очилади. Кўноқжой улкан бинонинг тағхонасида жойлашган, бинонинг ўзида бир неча фирмалар ижарада туради. Кўноқжойга кириб-чиқадиган деярли барча ходимларда тўсиқни йироқдан туриб очиб-ёпадиган пулът бор, уларнинг бу асбоблари менинг тугмачамдан ёмон ишламайди. Лекин гап ҳозир бу ҳақда эмас.

Бундан бир қанча йиллар муқаддам, шлагбаум энди қуриб ишга туширилган пайтда, қурилишга кетган сарф-харажатни тезроқ қоплаш мақсадида ўзи очиб-ёпадиган пулътни кўпроқ сотишга зўр берганлар. Оқибати шу бўлганки, сотилган пулътлар кўноқжойдаги ўринлар сонидан ошиб кетган. Ўринларни қайтадан санаб чиқиб, фирмаларини қайтадан тақсимлаб чиқадилар. Ҳар бир фирманинг раҳбарига ўрин-жой рақамларини қоғозларга ёзиб, топширадилар. Раҳбарлар эса ана шу қоғозлар орқали кўноқжойдаги ўринларни энг муҳтож ходимларга қайта тақсимлаб бердилар ва кўноқжойнинг чиқиш эшиги олдида баҳайбат кўшк ўрнатишга, кирган-чиққанларни назорат қилиб туриш учун қоровул қўйишга розилик билдирганлар. Мана ўша кўшк — менинг ишхонам, иш куним мобайнида соат ўндан олтигача мен шу кўшк ичида бўламан.

Англаб етган бўлсангиз — мен қоровулман. Ишим оғир эмас, китоб ўқиш мумкин, ўтиришдан зерикиб қолсам, кўшк атрофида юриб айланишим мумкин. Иш ҳақи — соатбай тўланади, гарчи ҳақ миқдори мамлакатда ўрнатишган иш ҳақи миқдорининг энг озини ташкил этса ҳам, бундай ишнинг топилгани — катта омад. Менинг ишга жойлашувим ҳам қизиқ бўлган.

Исроилдаги бу улуг касб эгалари рўйхатига тиркалишим ҳам тасодифан юз берди. Бир куни синглим Люба ишхонасидан кўнғироқ қилиб, менга шмира (шмира — қоровуллар идораси)нинг телефонларини берди. Шмирада шомерлар, яъни қоровуллар ишлашади. Бунақа идоралар мамлакатда тиқилиб ётибди, негаки Исроилда ҳамма жойда ҳамма нарса қўриқланади. Тартиб-қоида шунақа. Мамлакат аҳолисининг анчагина қисми мана шу соҳада банд. Бу ердаги машҳур бир иборани ишлатадиган бўлсак — эркаклар икки навга бўлинадилар: уларнинг ярми қўриқланади, ярми эса қоровуллиқ қилади. Қоровулларнинг кўплигига сабаб — мамлакат аҳолисининг ўзи мана шу касбнинг зарурлигига ишониб қолган, шунинг учун ҳам муассасалар, меҳмонхоналар, дўконлар, қурилиш жойлари, қариялар уйлари, мактаблар, спорт иншоотлари — бари-бари қўриқланади. Супермаркетлар олдида сизнинг тўрвангиздан тортиб, қўлтигингизгача обдон текшириб, ундан кейин ичкарига қўйишади, тартиб шунақа бўлгандан кейин, нима дея оласиз! Бутун мамлакат қоровуллару қоровулхонадан иборатга ўхшайди ҳуллас, қоровулчилик — бу ердаги энг риужланган касб ҳисобланади.

Шмира ходимларининг ижтимоий келиб чиқиши ранг-баранглигига эътибор қилинг-а: уларнинг биринчи гуруҳи яқинда ҳарбий хизматдан қайтган йигитлар, ҳали бирор касбнинг этагини тутмаган ёшлар, шунингдек, маҳаллий талабалардан иборат бўлса, иккинчи гуруҳи — собиқ Иттифокдан келган, ёши қирқдан ошган, қартайиб қолган одамлардан ташкил топган. Қартайиб қолган деганда чолни тушунманг, йўқ, улар қартайишга қартаймаган, бошлари ҳам балодай ишлайди, ғайратчан, жисмонан бақувватгина одамлар-у, лекин ҳалигача ўзларига яхши иш топа олишмаган — бунга ё ёши, ёки иврит тилини тўлиқ билмасликлари сабаб. Тилни яхши ўргана олишмагани — тил ўрганган жойда гаплашадиган одам бўлмагани, яъни амалий машғулотнинг иложи бўлмаганидир, холос.

Соатига бир неча шекел тўлайдиган бу ишга биздайлардан бошқа ким ҳам рози бўларди. Хўжайиннинг олдида-ку буткул ночормиз, ўзи хоҳлаган пайтда сабаб-бесабаб ковушимизни тўғрилаб қўйиши мумкин. Бу ёқда битта шомернинг ўрнига ўнта номзод кўз тиқиб турибди, яқиндагина Россиядан ярим миллион одам келган — шундай бўлгач, ҳар қандай қоровул ҳам ўз эҳтиётини қилади-да. Милтиқ-тўппончасиз ишлайдиган шомерлик, айниқса ноёб касб — бундай ишхоналар ростдан ҳам жуда кам, қолаверса, менга ўхшаган ёши ўтиб қолган одамга қартайганда милтиқ кўтариб юришнинг ўзи малол келади.

...Шундай қилиб десангиз, қўлимда телефон рақамлари ёзилган қоғоз билан турибман, ҳар ҳолда, ким билади, бирдан... Ҳеч қанақа мўъжиза-пўъжиза рўй бермади. Ҳамма жойда бўлганидек, биринчи савол янгради: “Бен кама ама?” (“Ёшинг нечада?”) — “Эллик учдаман”, — шундан кейин гўшакнинг нариги томонида сукут бошланди. Суҳбатдошим ўйланиб қолди, мен эса иврит тилида алланеларни тушунтирмоқчи бўламан, яъниким, “соғлигим жойида”, “балки бошқа бир ишлар топилиб қолар” ва ҳоказо. Суҳбатдошим чайналади, ўйланиб кўриши лозимлигини айтади, яна алламбалоларни гапириб ташлайди, мен эса унинг айтганларига тушунмайман. Шунда ҳам ўзимни йўқотмай, гўшакни Яшкага бераман, Яшка ҳам ўша пайтда ишсиз юрган эди. У ивритчада мендан кўра яхшироқ гапира олади, сабаби, бир неча ой супермаркетда ишлаган. Энг муҳими, ёши йигирма учда, ана шунисига қизиқиб қолишлари турган гап. Ёш масаласи бу ерда қанчалик муҳимлигини айтмай қўяқолай. Устаси фаранг бўлганингизда ҳам, қирқ ёшдан кейин ўз касбингиз бўйича иш қидириб овора бўлманг — сиз қариб-чуриб, ярқсиз бўлиб қолгансиз. Қуддуси Шарифдаги тиббиёт асбоб-ускуналари устахонасининг бошлиғи мена шундай деди (мени мана шу устахонага муҳандисликка тавсия қилишган эди):

— Барча талабларимизга жавоб берар экансиз: маълумотингиз олий (алоқа институтини битирганман-да), тажрибангиз ҳам бор (синаб кўришди-да!), сурункасига кўп йиллар ишлагансиз (ўтгиз йил-а!), бироқ минг афсуслар бўлсинки, ёшингиздан йигирма йилни чегиришнинг ҳеч иложи йўқ...

Э, стар ёш ҳақида алжиганларим, сиз мени шикоят қилаётир деб ўйлашингиз мумкин, ҳечам шикоят қилаётганим йўқ. Нима деяётган эдим? Ҳа, йигирма уч ёшда бўла туриб, Яшка ҳам ишсиз юргани ҳақда айтаётган эдим. Қандай қилиб дейсизми? Мана, эшитинг.

Мамлакатга келганимиз заҳоти, биз ҳаммамиз ивритчани ўрганиш учун улпанга — катталар мактабига қатнай бошладик. Тезроқ машина сотиб олиш хаёлида юрган Яшка мактабни шошилишча тамомлади-да, супермаркетга ишчи бўлиб жойлашди. Машина мингинг келаяптими — бунга яраша тер тўкмоғинг керак-да. Мен сизга айтсам, Исроилга келганимизга олти ой бўлди деганда, Яшка “Рено — 19” машинасини сотиб олди. Оллимлар орасида, айниқса қозоқлар ичида ичи куймаган, ҳасад қилмаган одам қолмади ҳисоб. (Ажабланманг”, “қозоқ” деяётганимиз қозоқ эмас, яҳудийлар. Қозоғистондан келган катта бир оила, ажойиб одамлар. Биз улар билан бирга улпанга қатнаганмиз, ҳали кайфиятим тоғ бўлиб турса, улар ҳақидаям гапириб бераман).

Яшка супермаркетда ишлаб юриб, ивритчани анча-мунча ўрганиб олди. Унинг ёнида марокашлиқлар ва араблар ҳам бор эди. Мана, яна янги иштирокчилар чиқиб қолди — булар марокашлиқлар эмас, балки Марокашдан келган яҳудийлар. Энди шу ерда сизга Исроилнинг этник ранг-баранглиги ҳақида маълумот бериб ўтай. Мамлакатда яҳудийлар асосан икки этник гуруҳга бўлинадилар, булар — ашкеназлар ва сефардлар. Ашкеназлар — Шимолий Европа яҳудийлари, биз — Россиядан чиққан русийлар ҳам шу гуруҳга кирамиз. Сефардлар — Шимолий Африкадан чиққан яҳудийлар, улар асосан Марокашдан келганлар. Бу икки гуруҳ ўртасида муаммолар доимо мавжуд бўлиб келган. Яшаш тарзларида, тафаккурларидаги фарқ — ер билан осмонча. Ашкеназлар азалдан илм-фанга, маърифатга ўч бўлсалар, сефардлар ўзларини очикдан очик — “ёғли” ўринларга урадилар — транспорт, савдосотиқ, полицияда кўпинча сефардлар ишлашади. Европа мезони билан ўлчаганда, ашкеназлар — маданийлашган гуруҳ. Айтайлик, pista чақиш дейсизми, автобусда чекиш дейсизми, оёғини нариги ўриндиққа қўйиб ялпайиб ўтириш дейсизми — бунақа ишларда сефард ёшларининг олдига тушиш қийин. Тўғриси айтганда, ашкеназ ёшлари ҳам улардан қолишмайди.

Собиқ Шўролар Иттифоқидан катта бир гуруҳ келиб қўшилганидан кейин, торозининг қай томонга оға бошлаганини сефардлар ҳам тушуниб қолишди, сабаби, барча иш ўринларига талабгорлар кўпайиб қолди-да. Қаёққа қараманг, оёқ остида ивирсиб юрган “русий”ларни кўрасиз, ҳаммалари саводли, маълумотли. Автобусларда ҳар хил ман этувчи ёзувлар пайдо бўла бошлади. Аслида-ку, ҳомиладор аёл қайси этник гуруҳдан бўлмасин, унга жой бўшатиб бериш лозимлигини ҳаммаям билади. Шундай қилиб, маданият ўса бошлади. Автобусларда “қонда бузиш” кўпайса, оллимлар томонга олайиб қаралади. Нима бўлгандаям, қариндошларимиз келибди

деб бизни — русий яхудийларни кучоқ очиб, қувониб қарши олаётган маҳаллий яхудийни мен ҳозирча учратганим йўқ.

Мен бу мавзунинг бир четинигина айтиб ўтдим, холос. Бу шундай улкан ва оғриқ-изтиробли мавзуки, айтганингиз билан, ёзганингиз билан адо бўлмайди. Яхшиси, шу жойда тўхтатақолай.

... Супермаркетда ёрдамчи хоналарнинг бирини супуриб-артаётган эканлар, марокашлик ёшларнинг бири, Яшка билан бирга ишлайдиган йигит, юмшоқ қилиб айтганда, русийларни яниб қолибди: шунақа-шунақа, сиз русийлар, ундоқсизлар, бундоқсизлар... Яшка, куёвимиз, мўмин-қобил йигит, аввалига индамай турган, қараса, марокашлик йигит авж олиб бораётир. Ҳа, саними деб, қўлидаги латтатаёқ билан ҳалиги марокашлик йигитнинг... Йўқ, боши ёрилмаган, сал-пал қонаган, холос. Марокашлик йигит дарҳол жим бўлиб қолган, ҳатто Яшканинг хурматини жойига қўядиган бўлибди. Аммо бу гиди-биди раҳбарият қулоғига етиб борган-у, Яшка бечорани ишдан ҳайдаб юборишган.

Мана, шмирадаги бўш ўриндан умидвор бўлиб, икковлон турибмиз. Олдиндан айтиб қўяқолай, Яшка ўз мутахассислиги бўйича иш топиб олгунча анча-мунча жойга бош суқиб чиқди. Қизимни айтинг — у ҳозир мусиқа ўқитувчиси — қаерларда ишламади дейсиз. Исроилга келганимизда, бу ерда йигирма йиллардан буён яшаётган узоқ бир қариндошимиз Муля шундай деган эди:

— Яхши жойга жойлашиб олишнинг маъноси шуки, ҳар бир одам ўзига атаб қўйилган қосасидаги бўтқани еб тугатиши керак, бу жараён тахминан беш йилча давом этади!

Ўшанда биз, “жа унчалик эмасдиров”, деб кулишган эдик. Мана, маълум бўлдики, Муля ўшанда юз фоиз ҳақ экан. Бўтқа деганда у жуда кўп нарсани назарда тутган экан: ҳар турли қора ишлар дейсизми, ижара уйда яшаш дейсизми, пулсизлик, расмий одамларнинг сансоларлиги ва ҳоказо — ҳаммаси мана шу “бўтқа” деган сўзнинг ичида эди. Дарҳақиқат орадан беш йиллар ўтганидан кейингина, ишларимиз жой-жойга тушиб, ҳаётимиз бир маромга кириб олди. Яшка эса ўша пайтда автомобиллар қўноқхонаси жойлашган бинонинг вестибулида шомер бўлиб ишларди. У ерда қоровуллар пости бўлиб, у кеча-кундуз ишлар, қоровул турарди. Пост ҳозир ҳам бор. Мен аҳён-аҳёнда Яшканинг олдига келиб турардим. Шундай кунларнинг бирида мен шомирлар саркори Давид билан танишиб қолдим. Давид — бу ўша, бир пайтлар менга телефонда:

— Бен кама ама? — деган даҳшатли севолни берган одам эди. Юзма-юз танишган пайтигимизда эса мен унга унчалик қари бўлиб кўринганим йўқ, шомерликка қабул қилиндим, унинг бригадасида танаффус билан (иш орасида Питерга бориб келган эдим) ишлай бошладим. Бу ишда кўнимсизлик кўп эди. Ёшлар бошқа бир яхши жой топилгунча ишлаб туришади, холос. Кимдир бошқа шаҳарга кўчиб кетади. Навқирон исроилликлар бунақа кам иш ҳақи тўланадиган ишга келиб юрмайди. Натижада шмира жамоаси асосан русийзабон одамлардан иборат бўлиб қолган, уларнинг ҳам ёшлари қирқ билан олтишнинг орасида (бундан қарилари ҳам бор), ҳаммалари олий техник маълумотга эга, ҳаммалари иврит тилини чала ўрганганлар. Ана шунақа гаплар, шомерлар жамоаси шу тахлит таркиб топган. Кутилмаган вазият юз бергудай бўлса борми — нимани, кимдан сақлаш кераклигини ҳаммаям яхши тушунавермайди. Бир неча йил мобайнида постлар бир шмира ҳисобидан бошқасига ўтиб туради, лекин тартиб-қоида ўзгармайди, жамоа тўла таркиб билан янги хўжайин номига ҳужжат асосида ўтиб ишлайверади. Шомерларнинг бири Москвадан, яна бири Краснодардан, бошқалари — Ленинграддан. Айтгандай: кўшкдаги бир ўрин бўшаб қолганида, мени олиб кетганлар ҳам ўша ленинградликлар — пиртерлик жонажонлар! Албатта, синашта, эски қадрдон билан ишлаганга не етсин?! Ўзимни ўзим мақтаётган бўлсам, узр.

...Февраль ойининг охирлари. Қуддуси Шариф — мўтадил ҳарорат кучоғида. Совуқ ҳам эмас, иссиқ ҳам. Кундузги ҳарорат ўн беш-ўн олти даражада. Кун чарақлаб турган булутсиз осмон. Кўшкнинг деразалари очиқ. Кўзимга ойнак тақиб, китоб ўқиб ўтирибман. Вақти-вақти билан, эзилган баданимга қон югурсин деб, кўшк ичида у ёқдан-бу ёққа юриб тураман. Вақти-вақти билан қўлим тугмачага югуради. Ишим қийин эмас, роҳат-фароғат.

Шунга қарамай, иш вақтим тугай деб қолганида, яъни соат кечқурунги бешларда одамни чарчоқ босади. Ўтириш ҳам ёқмайди, юриш ҳам, ёзиш ҳам, ўқиш ҳам.

Тезроқ постни топширсанг-у, уйинга қараб гирилласанг. Уйдаям ўша-ўша, яъни ишдаги хатти-ҳаракатнинг худди ўзи — овқатланиб олгач, ўтирасан, китоб ўқийсан, телевизор кўрасан, ўша-ўша иш, фақат тугмача босмайсан, холос.

КЕШЕР

Исроил — демократик давлатми? Бэтах (албатта)! Кичкинагина аниқлик кири-тиб кетайлик: Исроил — яҳудийларнинг демократик давлати. Исроил — яҳудийларнинг парламентар республикаси. Исроил парламенти — кнессетда — юз йигирма одам йиғин қилади, бир неча араб депутатларни ҳисобга олмаганда, бошқалари ҳаммаси яҳудийлар. Эшитганмисиз-йўқми, шундай бир ибора бор: иккита яҳудий учрашиб қолса, икковида уч хил фикр пайдо бўлади. Энди, кнессетда нималар рўй беришини тасаввур қилинг! Йирик сиёсий партияларнинг ҳар иккаласидан бири, қоидага кўра, кнессетга ўттиз-қирқ депутат ўтказиши мумкин. Бу эса кнессетда босим кўпчиликини ташкил қилувчи ҳукумат тузиш учун камлик қилиши аниқ. Шунга кўра, сайловда рақибдан кўпроқ овоз олган партия ўзига кичик партияларни шерикчиликка ундаб, коалицион ҳукумат тузишни ёқлаб чиқади. Мана шу ерда Исроилнинг бошқа демократик мамлакатлардан ўта фарқ қилиши билинади-қолади: негаки партиялар асосан диний йўналишдадир. Кнессетда кўпчилик овозни олиш учун ялтоқланишнинг ўзи бўладими — майда деб юрган партияларнинг ўсиб бораётган талабларини айтинг. Партиялар турмушнинг турли-туман қатламларига кира бошлайдилар, маълум бўладики, Исроил деган демократик мамлакатда дин давлатдан ажратилмаган экан. Халқда “нейсатлар” деб аталувчи диний оқим ҳам аҳоли ўртасида кўпи билан ўн, жуда нари борса, ўн беш фоиз овоз олиши мумкин. Мамлакатда тинчликни сақлашда мана шулар кўп нарсани ҳал қила оладилар ва улар: минг йиллар мобайнида анъаналарга гард юқтирмай келаётганимиз туфайли яҳудий халқи ҳозиргача сақланиб қолди деб жар соладилар. Бу гапни диндор одамлардан эшитишнинг ўзи ғалати. Ахир тақдири азал Яратганнинг қўлида эканлигини ҳеч ким билмаганда ҳам, улар яхши билдилар-ку. Ҳа, майли, асосий гап бунда эмас. Улар анъаналарга садоқат кўрсатибгина қолмай, бошқалардан ҳам шуни талаб қилдилар. Халқ эса кечаги халқми, уни худосиз деб-ку бўлмас, ҳар бир одамнинг қалбида ўзининг худоси бор, борликка бор-у, лекин одамлар ўрта асрлардаги диний ақидалардан аллақачон йироқлашиб кетганлар. Худди шунинг учун ҳам, “нейсатлар”нинг талаби ғалати, хунук, чигал вазиятлар келтириб чиқаради, одамларнинг бошига қутилмаган кулфатларни солади.

Ҳазилкаш одамлар, Исроилда яшаш осон, фақат уйланиш ва ўлиш қийин деб айтадилар. Уйланишнинг қийинлиги шундаки, фуқароларнинг никоҳини қайд қиладиган идора йўқ — улар диний ташкилотлар қўлида. Ўлишни ҳам қийин деб бўлмайдими-ю, аммо дафн маросимлари қатъий диний тартиб-қоидаларга кўра ўтказилиши керак. Агар сиз яҳудийликдан беҳабар одам бўлсангиз борми, билмадим, сизга қандай ёрдам бериш мумкин? Ҳаётнинг ташвишли томонларини айтавериб роса бошингизни қотирдим, а? Етар, энди анъаналарнинг юзингизда табассум уйғотадиган томонларига ўтаман.

Аввало, билиб олайлик, “анъаналарга садоқат” дегани нима ўзи? Бу — учта нарсанинг бажарилишини кўзда тутати (ана шулар яҳудийларни ер юзидаги бошқа халқлардан ажратиб, худонинг севимли халқи эканини кўрсатиб туради). Биринчиси — хатна қилдириш, бунинг нима эканлигини ҳамма билади. Иккинчиси — шабат, буни кўпчилик тушунмаса керак. Шабат — шанба кунининг муқаддаслигини сақлаш, яъни шанба куни ишлаш умуман мумкин эмас. Мум-ки-н эмас, вассалом! Шанба кунда жуда кўп нарса мумкин эмас!

Шабат — шунчалар қизиқарли мавзуки, бу ҳақда сал кейин батафсил айтиб бераман. Ҳозир эса яҳудийликнинг учинчи анъанаси — кашрут нима эканини билиб олайлик. “Кашрут” тушунчаси савлавҳага чиқарилган “кешер” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “алоқа” деган маънони англатади. Алоқанинг эса тури кўп — телефон алоқасидан тортиб, то... муҳаббат алоқасигача. Кашрут эса яҳудийликдаги барча анъаналарнинг сақланиш алоқаларини ифодалайди, яъни, яҳудий қандай овқатланиши керак-у, худо унинг яҳудий эканини билдириб туриши, севимли халқ эканини унутмаслиги учун қандай овқат ейишни буюрган — мана шуларнинг бари каш-

рут тушунчаси билан ифодаланеди. Агар яхудий худо кўрсатмаларига амал қилиб, фақатгина кошер маҳсулотларни еб-ичиб юрган бўлса (еб-ичишда ҳам кетма-кетликка риоя қилиш қонун-қоидаси бор!), демак, у тўла маънодаги кошер яхудий экан, у худо олдида кошерликни тўла оқлаган яхудийдир. Тўғри, кошерлик тушунчаси ҳозирги пайтга келиб фақат озиқ-овқат билангина боғланиб қолгани йўқ, у эндиликда турмушнинг турфа кўринишларида ҳам ўзини намоён қилиб туради. Масалан, дейлик, келинпошша ҳам ойнанинг маълум бир кунларида кошер талабларига жавоб беролмай қолади, кошерликдан йироқлашиб қолади — нима демоқчи бўлаётганимни тушунаётгандирсиз? Бундай кунларда ҳатто тўйни тўхташиб туришга ҳам тўғри келади. Албатта, келин мавзуси, тўй мавзуси жуда қизиқ гаплар, лекин, ҳозир бу ҳақдаги гапларни тўхтамайлик-да, ейиш-ичиш ҳақда суҳбатни давом эттирайлик.

Яхшиси, Исроилга келиб ўз кўзингиз билан кўринг! Ширин-ширин овқатлардан тотинг, тўйиб-тўйиб тановул қилинг. Дунёни минг марта айланиб чиққан турист ҳам, меҳмонхонада шведча дастурхон ёйилган вақтда, яхудийлар гўшт маҳсулотини чиқармаганларини кўриб ҳайрон қолиши турган гап. Дастурхонда на чўчка гўшти аралашган бирон нарса кўрасиз: на колбаса, на ветчина, на сосиски-сарделка. Мева-чеваю, сут-қағиқдан тортиб минг хил пишириқларгача — ҳамма-ҳаммасидан бор-у, биргина гўшт маҳсулотлари бўлмайди! Ё эсларидан чиқариб қўйишди-ми дерсиз. Йўқ, йўқ! Кашрут қоидаларига амал қилиш шуни тақозо этади. Гўшт ва сут маҳсулотларини бирваракайига, аралаш тановул қилиш мумкин эмас — бу кошерликка кирмайди. Орадан бирмунча муддат ўтказиб, сўнг ейиш мумкин. Анъана талаби шундай. Худо шундай деб буюрган. Танах (муқаддас китоблар)да шундай деб ёзилган. Яратган эгамнинг ўзи мана шундай овқатланиш қонун-қоидаларини афзал билган ва ўзининг сеvimли халқини ошқозон муаммоларидан шу тариқа озод қилиб қўя қолган.

Шунинг учун ҳам, сизни гўштли овқатга таклиф қилганларида дастурхонда сут маҳсулотларини кўрмайсиз. Бу ҳам ўтаверсин, ҳатто гўштли овқат тайёрланган идишда сут маҳсулотларини сақлаш ёки тайёрлашни ҳам анъаналаримиз ман қилади! Исроилдаги барча ошхона ва ресторанлар (меҳмонхоналарда ҳам, муассасаларда ҳам, мактаб ва шифохоналарда, армия ва ҳоказо жойларда ҳам) икки хил қозон-товоққа эга — бири гўштли овқатларга, иккинчиси — сутли овқатларга. Уларнинг аралашиб кетишига ҳаргиз йўл қўйилмайди. Ошхонадаги идиш-товоқлар ҳам шундай — алоҳида-алоҳида туриши керак, тамом-вассалом. Кашрут анъаналарини сақлашни жамоатчилик жойларида раввинот (дини) ходимлари ўта зийраклик билан назорат қиладилар, улар шу ишга махсус ўқитилган бўлади. Баъзи тийиқсиз одамлар, бундай мутахассисларни тайёрлаб чиқарадиган курслар мамлакатда қайта тайёрлаш ва ўқитишни ташкил этишга мўлжалланган маблагни ўмариб ётибди деб гап тарқатишади. Бу гапларда ростдан кўра ёлгон кўпроқ. Яна ким билади дейсиз. Нима бўлгандаям, бу иш собиқ иттифоқдаги машҳур санэпидстанция хизматидан кўра яхшироқ йўлга қўйилган. Белгиланган қоидани буздингизми — дарҳол жазосини тортасиз.

Мабодо художўй яхудий уйингизда меҳмон бўлиб қолса, уни у-бу егулик билан сийлайман деб овора бўлманг. У буларни икки сабабга кўра рад қилади: биринчидан, у бу овқатларнинг кошерлик қоидасига кўра тайёрланганига гумон қилса, иккинчидан, овқат тайёрланган идиш-товоқларнинг аралашиб кетганидан хавфсирайди. Ҳатто ичадиган сувнинг шишасини ўзи очган бўлсагина, бир марта ичиладиган стаканга қуйиб ичади. Яхудийлар идиш-товоқларнинг кошерлигига жуда қаттиқ риоя қиладилар. Хўш, дейлик, уй бекаси мана бу идишда сут қайнатганми, ёхуд гўшт пиширганми — унутиб қўйса нима бўлади? Албатта, бундай паришонхотир уй бекаларига яна анъанавий иримлар ёрдамга келади: йилда бир марта, “пейсах” байрами арафасида ҳар бир даҳада дала-ошхонага ўхшаган ашқол-дашқолини ортмоқлаган одамлар пайдо бўладилар. Катта дошқозонларда сув қайнаб туради. Художўй оилалардаги болалар қўлларида ҳар хил идиш-товоқларни кўтариб, чоп-қиллаб етиб келишади. Бу идиш-товоқлар — кошерлик қоидалари бузилган деб гумон қилинган идишлар. Қозон атрофида гирдикапалак бўлиб юрган раввин ҳалиги идишларни, қошиқ-пиёлаларни қисқич билан тутиб, қайноқ сувга ботириб олаверади, ботириб олаверади. Ана, идиш-товоқ яна ҳалол бўлди. Энди уни ё гўштли овқатга, ёки сутли овқатга ишлатиш мумкин. “Онангга айт, энди алмашлаб ишла-тиб қўямасин, йўқса, яна ҳалоллашга тўғри келади...”

Озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашдан тортиб, уларни сақлашда ҳам кошер қоидаларига риоя қилинади. Чўчқа гўшти қатъиян ман қилинган, ҳаром саналади. Шунинг учун ҳам, Бўритепада “Клим-Слава” дўкони ишга тушганда, роса гап-сўз кўпайиб кетган эди. Художўй яҳудийлар бундай дўконларни йўқотиш учун нима ишлар қилишмади дейсиз — дўконларга ўт қўйишди, полициячилар кўлига тушиб, қолганлари қамоқхоналарда ўтириб чиқишди, барибир, оллимларнинг кўли ҳамон баланд келиб турибди — чўчқа гўшти маҳсулотлари сотиладиган дўконлар ҳозирча ишлаб турибди.

Энди овқат тайёрлаш жараёни ҳақида. Сиз котлетни сариеғда пишириб олдингиз дейлик — бу даҳриёна овқатингизни художўй яҳудий кўриб қолмасин, кўрса — тамом, идиш-товоғингиздан тортиб, ҳаммасини ҳаромга чиқаради — гўшт билан сутни зинҳор бир-бирига қўшиш мумкин эмас-ку ахир! Энди тушундингизми, кошер нималигини? Хайрият!

Шароб ҳақида. Художўй яҳудий шароб(вино)ни фақат яҳудий одам тайёрлаган бўлсагина татиб кўради. Бунисига нима дейсиз? Шундай бўлишига қарамасдан, кашрутликнинг даҳшатли қонун-қоидалари ичида нур сочиб турганлари ҳам бор. Масалан, ивритчада “парве” деб аталадиган маҳсулотлар бор. Парве деб — холис маҳсулотларга айтилади, уларни гўшт билан ҳам, сут билан ҳам қўшиб истеъмол қилавериш мумкин. Булар — полиз экинлари, мевалар, балиқ, тухум, ўсимлик ёғлари. Чидаса бўлади, а?

Яҳудийликдаги бу хил кичкина “енгиллик”лар маҳсулот тайёрлашда янги технологиялар яратилишига ҳам сабаб бўлмоқда. Айтилик, тушиқда еган гўштли овқатингиз устидан музқаймоқ егингиз келиб қолса бунинг йўли бор. Супермаркетлардан парве-музқаймоқ яъни совуқ ейимлик сотиб оласиз, унинг ҳақиқий музқаймоқдан сира фарқи йўқ, фақат сут қўшилмаган, холос...

ШАБАТ

— Етар шу, тамом! Шабат! — деймиз бирор ишни тугатганимизда. Шундай деймиз-у, рус тилига бу сўз иврит(яҳудий)чадан сал ўзгарган ҳолда кирганини ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Қадимий Аҳд¹да айтилишича, худо олти кунда дунёни яратиб, шу сўзни айтган экан:

— Шабат!

Худованд еттинчи куни хордиқ олишга қарор қилди ва бизларга ҳам ўрناق бўлиш учун шундай деб буурган:

— Шабат. Дам олинг, яҳудийлар.

Дўконлар, банклар, почталар ёпилади. Жамоат таранспорти тўхтайтиди, ҳаёт қотиб қолади; агар сиз пулдан қийналаётган бўлсангиз, бунинг устига машинангиз ҳам бўлма-са, денгизда ҳам эмас, меҳмондорчиликда ҳам эмас, балки ўтириб ўтказасиз шабатни. Художўй яҳудийлар кўпроқ яшайдиган кўчаларда машиналар ҳаракати шабат куни бутунлай тўхтайтиди, негаки бу куни машина миниш — художўй яҳудий учун катта гуноҳ. Яна бир катта гуноҳ — шабат куни олов ёқиш. Овқат тайёрлаш учун ўт ёқиш бизнинг давримизда камдан-кам учрайдиган ноёб ҳодиса бўлиб қолгани сабабли, эндиликда эътиқодли яҳудийлар бу тақиқни электр соҳасига кўчиришди. Электрни ишлатиш мумкин эмас, телефон дастагини кўтариш мумкин эмас, радио, телевизор кўйиш мумкин эмас, лифтни чақириш, электроасбобларни токка қўшиш мумкин эмас. Мумкин эмас — булар бари тақиқланган. Айтгандай, анъаналар шу куни овқат пиширишни ҳам ман қилади — фақат олдиндан тайёрлаб қўйилган таомларни ўша куни тановул қилишингизга рухсат берилади, улар ҳам шабатга мўлжалланган махсус идиш-товоқларда тайёрланиб, шабат дастурхонига қўйилиши лозим.

Жума куни кечқурун шабат дастурхони атрофида яҳудийлар бир-бирини: “Шабат шалом”, яъни “Ассалом, шабат” — деб қутлайдилар, қадаҳ уруштирадилар ва ичиб юборадилар. Кейин яна олишади. Ҳар гал шабат шундай бошланади. Яҳудийликка алоқаси бўлган-бўлмаган кўпчилик одам Исроилда анъаналарнинг мана шу қисмига амал қилишади. Келиб чиқиши насроний бўлган баъзи ҳазилкашлар “Шабат шамол” қутловига “Воистину шамол” деб жавоб ҳам қайтариб қўйишади.

¹ Қадимий Аҳд — Библия таркибидаги китоб номи (“Ветхий Завет”).

Қоидага кўра, шундан кейинги барча қадаҳлар “ле хаим” тилаклари остида ичилади. Биз Питердалигимиздаёқ дўстлар билан улфатчилик қиладиган бўлсак, “Ле хаимлашайлик” деб қўярдик. “Ле хаим” дегани эса, яҳудийликнинг қадимий атамаларидан бўлиб, “ҳаёт учун” деган ажойиб тилакни билдирар экан.

Майли. Шабат шалом. Ле хаим. Яхшигина ачиқ-чучук ейилади. Булар бари ҳар жума куни кечкурун истиносиз бажарилади. Бари ажойиб! Лекин, ҳазил ҳазил билан-у, ахир шабат куниям кимдир ишлаши керак-ку: шифохоналарда, меҳмонхоналарда, аэропортда, бетўхтов ишлаб чиқариш ўринларида иш тўхтаб қоладими? Раввинлар юракларини ушлаб-ушлаб, бу гал ҳам халқнинг тилагига қарши боролмай қолдилар — майли, ишлайверсинлар, ана, насронийлар бор, араблар бор, шулар ишлайверсин, фақат яҳудийлар ишламаса бўлгани. Хўш, шабат куни транспорт ишламаса, улар қандай қилиб ишхонасига етиб боришади? Бунинг ҳам осонгина йўли топилди — ўша куни араб-ҳайдовчилар бошқарадиган микроавтобуслар йўлга чиқадиغان бўлди. Ишхонада ҳам ишга берилиб кетиб, шабат куни эканлигини унутиб қўймаслигинг керак. Электроасбобларни ишлатиш мумкин эмаслигини айтдик. Масалан, меҳмонхонадаги хизматкор аёллар чангютгични ишлатиши мумкин эмас. Ҳа, бу тақиқланган. Ўзларигаям яхши. Энди бу ажойиботни қаранг. Шабат куни иш кам, шу куни ишга чиққанларга эса иш ҳақи икки ҳисса кўп тўланади. Яна, ўша куни ишга чиққанингиз учун кейинчалик бир кун дам олишингиз мумкин — чунки худо дам олинглар деган куни сиз ишладингиз-да. Меҳмонхоналарда, шифохоналарда шабат куни ишлаш учун ходимлар ўртасида рақобат бўлади. Хўш, ўша куни аэропортлар нима қилади? Нима қиларди, ишлайди-да, шабат куни Бен-Гурион номидаги аэропортда кун бўйи самолётлар дунёнинг тўрт тарафидан учиб келади, учиб кетади. Фақат... Исроил самолётлари учмайди, холос. Агар шабат бошланадиган пайтгача учувчилар барча учиш-қўниш ишларини битириб олмасалар — тамом, учмайдилар, мумкин эмас! Мамлакатдаги “Эль-Аль” авиакомпанияси мана шу тақиқ туфайли жуда улкан миқдорда зарар кўради, кнессет мана шу масалани қайта-қайта муҳокамага қўяди, лекин художўйларнинг сўзи сўз:

— Шарбат куни дам олинглар, деб айтилганми? Айтилган. Агар шабат куни самолёт учирадиган бўлсанглар, бизлар умуман самолётларингга чиқмай қўямиз, Америкадаги биродарларга ҳам чиқманглар деб айтамыз.

Ана бу таҳдид дарров таъсир қилади, сабаби, “Эль-Аль” компанияси самолётлари Тель-Авив — Нью-Йорк ўртасида қатнайди, йўловчилар — асосан америкалик яҳудийлар. Умуман олганда, шабат тақиқлари билан боғлиқ кулгили воқеалар ҳам бўлиб туради...

Бир қанча вақт мен қариялар уйида шомер бўлиб ишладим. Бадавлат одамлар, яна бунинг устига художўйлар. Бино ҳам салобатли, беш қаватли уй эди, бир хонали, икки хонали квартиралар. Ҳамма квартиралар жиҳозланган, безалган. Бу уйларда қартайиб қолган яҳудийлар яшашарди, асосан Жанубий Америкадан кўчиб келишган, қартайган чоғларида Муқаддас тупроқда яшашни орзу қилиб қолганларда. Икки юз минг, уч юз минг доллар пуллари бор, энди қартайганда оёқларини узатиб ётиш... уларнинг эзгу мақсади. Қариялар уйида ҳамма шарт-шароитлар муҳайё: ресторан дейсизми, тиббий ёрдам дейсизми, пастки қаватларда қурилган бассейн-ҳовузлар дейсизми. Қанақа жиҳозланганини-ку айтиб ўтирмайин, лекин бари ажойиб! Биз мана шу ҳашамдор уйда тағхонадан тортиб то бешинчи қаватгача маълум йўналишларда айланиб чиқамиз, мақсадимиз — қарияларимизга бирон-бир кимса ёхуд нимарса таҳдид қилмаяптими-йўқми, шуни аниқлаш. Бутун йўналиш бўйича назорат асбоблари ўрнатилган, улар жами йигирмага. Асбоблар қандай ишлайди денг — биз қўлимиздаги матоҳни назорат асбобига тикамиз, “пий-пий”-лаган овоз чиқади, бу — “ҳаммаси жойида, тинчлик” деганни билдиради. Нақ шу вақтнинг ўзида қўлимиздаги матоҳ қайси назорат асбобига текканимизни, қанақа овоз чиққанини ўз хотира тасмасига ёзиб олади. Навбатчилик тутагач, раҳбарлар биздан бу тасмаларни олади-да, хоҳлаган жойида ўтириб, хоҳлаган пайтида ЭҲМга солиб, текшириб кўришади, ана, қайси қаватга чиққанингиз, қайси қаватдаги қайси хонадондан хабар олганингиз, қанақа жавоб беришгани — бари тайёр, марҳамат. Бу хил “назоратимиз” бир соатча давом этади. Танаффус. Яна йўлга. Шундай қилиб, тун ўтади, тонг отади. Юравериб, оёқларингиз қавариб кетади, лекин ишимиз шу, бирор бурчакка биқиниб олиб пинакка кетиш деган гап йўқ. Шундай қилиб, иш ҳақимизни ҳалоллаб-ҳалоллаб оламиз. Аниқроғи, шабат кунларидан бошқа кун-

лар — ана шунақа. Шабат куни эса — аҳвол сал бошқача кечади. Бу куни, юқорида айтдик, электр асбобларни ишлатиш мумкин эмас, тақиқланган, демак, ҳамма қаватларга, хонадонларга бирма-бир кириб чиқишимиз керак, бунинг ўзи бўладими? Раҳбарият эса ишни сидқидилдан бажардикми-йўқми, билолмай хайрон. Ҳа, текширишга келолмайди — шабат. Телефон қиламан деса, буям тақиқланган — шабат куни-да. Кечаси келолмайди: худо кўрсатмасин — шабат. Биз қаватлараро зир юғуриб, хабар олиб чиқамиз-да, ижарага қўйишга мўлжалланган уйларда навбатманавбат ухлаб оламиз. Бинонинг тағхонасига тушиб ўтирмасдик, тушадиган бўлсақ чироқ ёқиб, фонар билан тушиш керак, бироқ шабат кунида чироқ ёқиб бўладими?

Мана шунақа гаплар. Шабатда ишлаган кунларимиз учун бизларга икки баробар ҳақ тўланарди.

Яна бир воқеа. Бунинг унчалик кулгили воқеа деб бўлмайди. Бизлар билан бирга ҳамшира қизлар кеча-кундузлик ишда навбатчилик қилишарди. Улар саккиз соат ишлашар, тунни ўтказиб, эрталабки еттида навбатчиликни алмаштирар эдилар. Улар келиш-кетишни шундай ташкил қилган эдилар: эрталаб ишга тушадиган ҳамшира уйдан таксиди келади, ҳайдовчидан бир неча дақиқа кутиб туришни илтимос қилди-да, ўзи бино ичига кириб кетади. Орадан икки-уч дақиқа ўтганидан кейин, тунги навбатчиликни топширган ҳамшира чиқиб келарди-да, ўша машинада уйига кетади. Бир шабат куни эрталаб, ҳамширалар энди навбатчиликни алмашган пайтда, қарияларнинг бири ўзини ёмон ҳис қилиб қолибди-да, тугмача босиб, навбатчи ҳамширани чақирибди. Ҳамшира борибди-да, қариянинг қон босимини ўлчабди, игна тиқиб дори берибди, у-бу қилиб навбатчиликни топширибди ва кўчага чиқибди, қараса... такси кетиб қолибди! Нима қилиш керак? Транспорт бугун юрмайди — шабат куни. Дастакни кўтариб такси чақирса бўлади, лекин бугун мумкин эмас — шабат. Ҳалиги ҳамшира шунақанги йиғлабдики, кўяверасиз. Ахир, кечаси билан мижжа қолмай, навбатчиликда ўтириб чиққан-да. Роса раҳимиз келди бечора қизга, нима бўлса бўлар дедик-да (ҳазилми, кимдир раҳбарларга сал учини чиқарса, тамом, қадимий урф-одатларга шак келтирадиган сенмисан деб, ишдан ҳайдаб юбориши ҳеч гапмас!), телефонда такси чақирдик. Йўқ, ҳаммаси ўрнига тушди...

Одатларинг шунақа жиддийми, деб бош чайқаманг. Тақиқлар ҳар қанча қаттиқ бўлмасин, барибир, йўлини топиб нуқулай вазиятдан кутулса бўлади. Мисол учун йилда бир марта (Йом Кипур — Қиёмат куни) машинага чиқиш, руль бошқариш мумкин эмас, художўйми, художўй эмасми, ҳеч ким бунга журбат қилолмайди. Лекин гап инсон ҳаёти ҳақида кетар экан, мана шундай муқаддас кунда ҳам анъаналарни четлаб ўтиб, машина бошқариш мумкин. Айтайлик, аёл кишини тўлғоқ тутиб қолса, қараб ўтирмайсиз-ку. Дарҳол машинангизни ўт олдириб, йўлга чиқасиз — бунинг учун ҳамма сизни олқишлайди, ҳатто худо ёрлақасин дейди. Одамгарчиликни қотириб қўйган бўласиз, шундай эмасми? Ана, аёлни туғуруқхонага элтиб қўйдингиз, қаҳрамонлик кўрсатиб, кўрган-билган ҳаммадан раҳмат эшитдингиз. Бироқ энди уйга пиёда қайтасиз. Чунки бугун муқаддас Қиёмат куни, сизнинг машина миниб кетишингиз — кечирилмас ҳол!

Умуман, шабат тақиқлари ижодий ҳалолликка, кашфиёт қилишга, сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган йўлларни ўйлаб топишга ўргатяпти бизларни! Шабат куни эшик дастагини тутиш мумкин эмас, биз нима қиламиз — эртага шабат деган куни эшикка фотоэлемент илиб қўямиз — эшикка яқинлашсак: ўзи-ўзидан очилаверади. Шабат куни лифтни чақириб мумкин эмас, бунинг ҳам ажойиб йўли топилган, шабатдан олдин лифтнинг мурватини шундай бураймизки, лифт тепага чиқса ҳам, паства тушса ҳам, ҳар қаватда тўхтаб, очилиб ўтади. Шабат куни — шунақа. Секин юради, дейсизми? Ҳа. Бошқа илож йўқ. Нима, физиллаб юрсинми — шабат куни-я? Шошилиб қаерга борардингиз. Энг муҳими, ўзинчи қаватга пиёда чиқмадингиз — бу бир, иккинчидан — шабат русумлари ҳам тўла бажарилди.

Эсингизда бўлса, шабат куни олов ёқиш, қозон қовлаш, пишириш-куйдириш ишлари ҳам тақиқланган деб айтган эдим. Борди-ю, худди шу куни қайноқ шўрва ичгингиз келиб қолди дейлик. Нима қиласиз? Исроилдаги газ плиталарнинг дунёдаги барча газ плиталардан фарқи шундаки, бутун дунёда плиталардаги дамхона (духовка)лар битта бўлса, бизларникида иккита бўлади, иккинчиси айнан шабат учун. Иккинчисиди ҳеч нарса пиширилмайди, фақат сақланади. Мисол учун, сиз

шабат куни ичмоқчи бўлаётган иссиққина шўрвангиз ҳам мана шу дамхонада сақланади. Дамхонани шабат бошланиши олдидан электрга улаб юборасиз, шўрва сиз хоҳлаган пайтгача иссиқ ҳолда тураверади, хоҳланг ичинг, хоҳланг яна қўйиб қўйинг. Агар лэхаимни тусаб қолсангиз, марҳамат, шабатга мўлжалланган дамхонани очасиз — ҳаммаси аъло даражада тайёр. Ажойиб кашфиёт, а?

Ўйлашимча, айтганларимни лоф деб ҳисоблашингиз учун шуларнинг ўзи етиборса керак. Теудат зеут ҳангомаларига ўхшаб, бу воқеаларни ҳам роса кўпиртиряпти деб ўтирган бўлсангиз ажаб эмас. Худо сақласин. Ҳечам кўпиртираётганим йўқ. Бари рост. Йигирма биринчи аср бўсағасида туриб диний ақидаларга, расм-русумларга шунчалик қатъий амал қилувчи ривожланган мамлакат бор эканлигига ишонгингиз келмаса керак, ишонаверинг, шундай мамлакат бор!

Нимаям қиламиз. Анъаналар шуни тақозо этади!

БОЖХОНА

Рус маданиятидан баҳра олиб уйғайган, ўзининг дастлабки эллик йиллик умрини сайёрамизнинг энг гўзал бурчаги — Петербургда ўтказган, дунёда яхудийлик анъаналари бор-йўқлигини ўйлаб ҳам кўрмаган мендай бир яхудийнинг кўзи ўнгида худо севган Исроил мамлақати қандай жилваланаётгани ҳақида батафсил ҳикоя қилишни давом эттирмоқчи бўлар эканман, ўйланиб қолдим — нимани денг — қарзларимни. Мен сизга божхона ҳақида гапириб беришни ваъда қилган эдим. Исроил божхонаси ҳақидаям, Россия божхонаси ҳақидаям гапириб бермоқчиман. Россия божхонаси билан танишув менга 1977 йилда насиб этган, ўшанда онам Исроилга жўнаб кетган эди. Демак, йигирма йилларча олдинга, Петербург ҳали Ленинград деб аталадиган пайтларга кўчамиз.

Етмиш олтинчи йилда синглим Люба эри ва икки боласи билан Исроилга кетди. Яшаш жойни ўзгартириш ташаббускори унинг эри эди, у яхудийлик руҳи бизнинг оилага қараганда кучлироқ бўлган оилада туғилиб ўсган эди. Куёвтуранинг онаси ва опаси бу пайтда Исроилда эди.

Люба ота-онам билан икки хонали уйда яшарди, у жўнаб кетгач эса ҳукумат, хоналарнинг биттасини олиб қўйиш, бошқа бировларга олиб бериш ҳаракатини бошлаб юборди. Ҳукуматнинг бу иши сира қуюшқонга сиғадиган иш эмасди, сабаби, отам — меъмор бўлиб хизмат қилар, кўшимча яшаш ўрнига эгалик қилишга ҳаққи бор, бунинг устига, у икки марта инфаркт балосини бошдан ўтказган эди. Лекин у пайтларда барча эмигрантлар Ватан хоини деб қаралар, отамга ўхшаган ҳалол ва заҳматкаш одамни, уруш ва меҳнат фахрийсини ҳимоя қиладиган бирон-бир давлат ташкилоти йўқ эди, аксинча, қаерга нажот истаб бош суқса, ҳақорат эшитиб, мулзам бўлиб қайтиб келарди.

Дунёда ғалати ишлар кўп бўлар экан-да. Отамнинг жонига ўша пайтда партия кўмитаси аро кириб қолди! Отам 1942 йилдан бери партия аъзоси эди. Сўнгги нажот қалъаси билиб партия кўмитасига боради ва у ерда ҳалол ва қатъиятли, энг муҳими, шижоатли котибга дуч келади. Котиб ота-онамга кутганларидан ортиқ ёрдам беради — яъни ота-онам лифтли, гиштин уйнинг олтинчи қаватидан бир хонали уйга эга бўладилар! Бу — ўша йиллар мезони билан ўлчаганда, мисли кўрилмаган бахт эди, афсуски бундай бахт отамга жуда қимматга тушди, шу йилнинг октябрь ойидаёқ дунёдан кўз юмди. Ёлғиз ўзи қолган муштипар онам Исроилга кетиш истагига тушиб қолди, у ўзи парваришлаб ўстирган икки набирасини соғинавериб, адойи тамом бўлган эди. Унинг кўч-кўронини йиғиштира бошладик.

Жўнаб кетувчилар учун қонун-қондалар жараёни ўша пайтлардаёқ шаклланиб, маълум қолипга тушиб олган эди. Жўнаб кетувчилар қолаётганларга усталарнинг ва трансaгентликдаги танишларнинг телефонларини ёзиб қолдиришар, бу одамлар эса ҳалолликлари, омонатга хиёнат қилмасликлари ила шуҳрат топган ва ишонч қозонган кишилар эди. Усталар деганимиз — дурадгорлар, ҳамма кўч-кўронингизни яшиқларга жойлаб, миҳлаб беришади, божхонага борганда миҳларни суғуриб, кўч-кўронни ёйиб кўрсатиш керак, барини мана шу ишончли усталар амалга оширишади, сўнг юклар яна қайта қутиларга жойланиб, яна қайта миҳланади. Албатта, бу жараёнда дурадгор устанинг аҳамияти ниҳоятда улуг бўлади, негаки божхона ходимларининг синчков назаридан ҳатто инғичка ип ҳам қутулиб қололмайди. Сўнгра

яна ҳамма юкларни, юқорида айтганимдек, қайта жойлаш ишларини мана шу дуррадгорлар бажарадилар. Рост-да, ҳеч нарсани синдирмай, эзгиламай, тез ва сифатли қилиб, жой-жойига қўйишнинг ўзи бир мураккаб санъат эмасми, ахир.

Онамнинг юклари кўп эмасди. Тухумдан бўшаган фин қутичалари ўша пайтда жуда қулай ҳамда мустаҳкам ҳисобланарди — қутичаларни ўзимиз ашқол-дашқоллар билан тўлдириб, боғлаб ташлайвердик. Божхонада ечиб-очиш қулай бўлсин учун бантик ипларини ишлатгандик. Катта ҳажмдаги юкларни юклаш, жойлаш учун эса трансaгентликдан сардор Сергей бошчилигидаги ишчилар гуруҳини кўмакка қақриб, шартнома тузган эдик.

Ҳаммаси қойилмақом бошланди. Машина ўз вақтида, айтилган пайтда етиб келди. Икки нафар дастёр ходим уйдаги жиҳозларни лифтга орта бошлади. Улар юкларни кўтариб кетишади, пастга олиб тушишади, мошинага ортишади. Яна икки йигит уларга кўмаклашади. Ҳайдовчи ҳам, менинг холавачча укам ҳам ёрдамга шай, ҳай-ҳайлашиб туришибди. Менимча, бир соат ўтар-ўтмас ҳамма юкларни юклаб, Лиговскдаги омборхона томон йўл олдик. Олдинда трансaгентлик машинаси кетаёпти, орқада, “Жигули”да мен, онам ва холаваччам.

Дастёрлар сардор кўрсатган жойга юкларни тез-тез туширишди. Сергей омборхона дарвозасини ўз қўли билан кулфлади ва биз ортга қайтдик. Сергей эртага бу юкларни қутиларга жойлайди. Божхона кўриги индинга, яъни, душанба кунини эрталабки вақтга белгиланган. Онам мен билан бирга бизнинг уйга қайтди, унинг уйи бўшаб қолган, барча қақир-қукур, ошқол-дошқоллари ё олиб кетиш учун юкланган, ёки қўшни-қариндошларга пулланган, ҳада қилинган.

Сергей эрталаб саккизларда телефон қилди. Юкларни қутиларга жойлаштираётган пайтда, баъзи нарсаларнинг йўқлиги унга маълум бўлиб қолибди. Масалан, каравотимизнинг бош томондаги оёғи, курсиларнинг бир неча оёқлари етишмаётган экан. Биз ўқдай учиб етиб бордик. Борганимиздан кейин ҳам битта гилам, уч курси, тўртта майда-чуйдалар солинган фин қутиси, яна алланамалар етишмаётганлиги маълум бўлди. Кечаси биров кирганми десак, Сергей бундай эмаслигига ишонтирди. Балки трансaгентлик машинасидан юкларни тушираётган пайтимизда баъзи бир нарсаларни унутиб қолдиргандирми? Шундай умидда якшанба кунини бўлишига қарамасдан, трансaгентлик ҳайдовчисини топиб бордик. Машинани ҳам қараб чиқдик — ичи бўм-бўш эди. Мана сизга бошқотирма: нарсалар қаерда, қачон йўқолган — қани, билиб олинг-чи! Мен қанча бошимни қотирмай, ҳеч ўйлаб тагига етолмасдим. Милицияга айтгандан фойда йўқ — улар нима қила оларди? Онам бечоранинг рангида ранг қолмаган. Отамнинг дунёдан ўтганига эндигина икки ой бўлган эди. Онам, ҳатто йиғлашга ҳам қуввати етмай, нуқул шуни пичирлайди денг:

— Йўқолса йўқолар, ҳадеб ташвишга тушаверманглар, йўқолса йўқолар!

Қолган нарсаларни қутиларга жойлайверишни Сергейдан илтимос қилдик. Душанба кунини эса юкларни божхонага элтдик. Бахтимизга, омборхона билан Лиговскдаги божхоналар деярли ёнма-ён эди.

Божхона бир қаватли чоғроққина ёғоч бинода жойлашган экан. Юрганингизда поллари гирчиллаб овоз чиқаради. Божхона гуруҳининг раҳбари, ўрта ёшлардаги нуроний юзли киши, менинг бидир-бидир ҳикоямни тинглаб, гоҳ бир чеккада турган онамга, гоҳ эса қўлидаги паспортга, ҳужжатларга қарайди, онамга мурожаат қилади:

— Ниҳома Зосимовна!

Онам унинг ёнига питиллаб етиб келди.

— Ниҳома Зосимовна, биз бундай воқеадан сўнг юкларингизни кўриқдан ўтказолмаймиз, ўғирликда бизни айбдор қилишлари мумкин.

Онам, бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмаслик ҳақида гапириб, ялиниб-ёлвора бошлайди:

— Эртага қўлда кўтариб кетадиган юкларимизнинг кўриги бўлади, аэропортда, индинига эса мен учиб кетишим керак...

Божхона ходими, худди муҳим бир қарор қабул қилаётгандай, юзи жиддий тус олади, сўнг:

— Сиз... ўғлингиз сизнинг ўрнингизга божхона кўригида қатнашса, унга ишона-сизми? — деб сўрайди.

— Албатта, ишонаман, — дейди онам ҳали ҳам гапга тушунмай.

Божхона ходими бизга ёрдам бермоқчи бўлаётгани, шунинг учун ҳам муҳим бир ишга қарор қилмоқчи эканини мен ҳам оз-моз тушуна бошладим. Юкларни эгаси иштирокидагина кўриқдан ўтказиш лозимлиги — ҳаммага маълум қоида. Жўнаб кетаётган одамлар бу ҳақда кўп бора гапириб берганлар... Божхона ходими нима қилмоқчи экан дег?

— Сиздан илтимосим шуки, — деди ходим онамга, — йўқолган нарсаларни топишга бугун ҳаракат қилинг. Агар топишнинг иложи бўлмаса, биз эртага ўғлингиз иштирокида мана шу бор нарсаларни кўриқдан ўтказиб қўяверамиз, сиз эса аэропортга жўнаб кетаверасиз. — У менга қаради. — Йигит, йўқолган нарсаларни топиш керак, бу ҳаммамиз учун ҳам жуда зарур!

Кўчага чиқдик. Кўнглимизда сал хотиржамлик пайдо бўлгандек эди. Онамга:

— Бориб, кўшнилариңдан сўраб кўрайлик-чи, — дедим, — балки битта-ярим-таси кўрган чиқар...

Бошқа қиладиган ишимиз ҳам йўқ эди. Фахрийлар кўчасига бориб, лифтда кўтарилиб, кўшнилардан бирма-бир сўраб чиқа бошладик. Кўшнилариңнинг кўпчилиги кундуз кўни уйида йўқ, борлари эса, ҳеч нарса кўрмаганини айтишарди. Охири онам ҳафсаласи пир бўлиб, бу “ўлик иш”ни тўхтатишни таклиф этди. Мен ҳазиллашдим:

— Онажон! Одам бир ишни бошладими, охиригача етказиши керак, мана, охиригиси...

Дарҳақиқат, ҳаракатларимиз бекор кетмади, учинчи қаватдаги кўшни кампир:

— Кўрдим! Албатта кўрдим, — деб қолди. — Лифтда курсилар, аллақандай қутичалар, гилам турган эди...

— Ким олган экан-а? — Кутилмаган хабардан онам икковимиз ҳаяжонланиб кетдик.

— Билмайман. Милиционер келиб юрди, кейин ҳаммасини қаёққадир олиб кетишди.

Мен теримга сиғмай қичқириб юбордим:

— Топилди, ойижон, деярли топилди, кетдик милицияга!

Милиция бўлимидаги навбатчи ҳамма гапдан хабардор экан. У бу иш билан участка инспектори Иван Иванович Васильев шуғулланаётгани, бугун ўн еттию нол-нолда халқ кўнгиллилари штабида қабул қилишини айтди. Қабул бошланишига бир соатча вақт бор эди. Мен “ўғирлик”нинг қандай содир бўлганини тушуниб етдим, ҳа, тушуниб етдим! Менимча мана бундай бўлган: дастёр ходимлар навбатдаги юкларни лифтга юклаб, пастга тушиб кела бошлайдилар. Худди шу пайт кимдир лифтни чақириб тугмача босган-у, ўзи эса кутмасдан жўнаворган. Лифт келиб тўхтаган, дастёрлар биринчи қаватга етиб келдик деб ўйлашганда, юкларни лифтдан бўшатиб, яна кўтарилиб кетганлар, ҳа, худди шундай бўлган!

Соат беш бўлди деганда биз кўшни уйда жойлашган штабга кириб бордик. Иван Иванович деганлари ёшгина лейтенант экан, бизни кўриб қувониб кетди. Менинг айтганларимни батафсил эшитди-да, сўнг, йўқолган нарсалар ҳақиқатан ҳам бизники эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун:

— Қутичаларда нима бор эди? — деб сўради.

— Нима бўларди, курсилариңнинг оёқчалари бор эди.

— Тўппа-тўғри, — кулди у. — Худога шукур-е! Мен, булар нимага керак экан, кимники экан деб, шу ўйланаман, шу ўйланаман. Кейин, ҳа, майли, эгаси бир кун сўраб келиб қолади-ку, деб олиб қўйган эдим. Тўғри чиқди.

Онам йиғлаб юборди, Иван Ивановични ўпа кетди. Лейтенант қизарди, уялди, охири қабулни тўхтатиб, бизни бояги... кампир олдига бошлаб келди. Маълум бўлишича, лейтенант бизга тегишли “йўқолган” юкларни “эгаси келгунча турсин” деб, кампирдан илтимос қилган ва шу уйга ташлаб кетган экан...

Мен юкларни “Жигули”га орддим. Сергей билан телефонда гаплашиб олдим-да, омборхона томон учдим. Бригада кундалик ишлар билан машғул эди. Улар қилаётган ишларини ташлаб, дарҳол топилган нарсаларга қути ясашга тушиб кетишди. Усталар қилаётган ишларнинг гўзаллигини айтинг! Ҳақиқий санъат иши шу экан дейсиз. Кайфиятлариниң кўтарилиб кетганини айтинг, йўқолган нарсалариңнинг топилиши улар учун ҳам байрам эди — агар ўша йўқолганлар топилмаса — усталарга ҳам қийин, роса хижолат тортишарди-да!..

Эрталаб божхонадаги кўрик бор-йўги ярим соат вақтни олди, холос. Мен бир бурчақда кузатиб турдим, ҳеч нарсани ағдар-тўнтар қилишмади, икки-уч қутинигина номига кўтариб чиқишди, бўлди.

Бу менинг божхона иши билан илк бор танишувим эди. Кейинчалик ҳам божхоналарга кўп маротаба ишим тушди, кўп одамларни учратдим, аммо нуроний чеҳрали ўша ходимни, кулиб турувчи ёш лейтенант Иван Ивановични ҳали-ҳануз мамнуният ила эслайман.

Энди у пайтлар бунақа гаплар жуда жиддий эди. Онам баъзи-баъзида бизга Исроилдан у-бу нарса юбориб турар, почтада биз божхона солигини тўлаб, онам юборган нарсаларни олар эдик. Юборганда нима юборарди — болаларга кийим-кечак, майка-иштон дегандай. Бир гал унинг юборганлари ичидан болконда ўсади-ган гул уруғлари чиқиб қолди. Маълум бўлишича, ҳар қандай уруғнинг у мамлакатдан бу мамлакатга юборилиши тақиқланган экан. Онам юборган ҳамма нарсани олди, аммо гул уруғларини божхонанинг учта ходими иштирокида ёқиб юбордик. Улар уруғларнинг ёқиб йўқ қилингани ҳақида тилхат ҳам ёзиб беришганди ўшанда.

Ўзимиз кўчадиган бўлиб қолган вақтга келиб эса, божхоналардаги “мумкин эмас” деган тақиқлардан тикланган темир деворлар занглаб-нурай бошлаган эди. Эҳтимол, олтин-кумуш нарсаларни, валютани ва бошқа “миллий қадрият”ларга тегишли бўлган бир қанча буюмларни олиб чиқишда қанақадир меъёрлар сақланиб қолган бўлса керак. Лекин, бари бир аввалги тақиқлар, аввалги жиддийликлар аңчагина юмшаб-мулоимлашиб қолгани аниқ эди. Ҳатто божхоначилар ҳам эндиликда очилиб гаплашар, ҳазиллашар эдилар.

Юқларимизнинг кўриги даҳшатли бир кунга — 1991 йилнинг 21 август кунига белгиланган эди (ГКЧП кунлари эсингизда бўлса керак?!). Эрталаб ҳужжатларни тўлдира бошлаганда, божхона ходимларидан бири сўраб қолди:

— Бугун нечанчи число эди?

Иккинчиси дарҳол жавоб берди:

— Ёзавер, фитнанинг иккинчи куни...

Шартга шундай деди-я!

Албатта, биз Исроилда пуллашни мўлжаллаб, ўтадиган нарсалардан ҳам босиб-босиб олган эдик. Ароқ олдиқ деб ёзган эдим-ку! Люба, ўзим сотиб бераман деб, шахмат соатларидан кўпроқ ола келишни маслаҳат берган эди. Мен ҳам унинг гапига кириб, шахмат соатидан олаверибман-олаверибман, божхонада эса: “Буларни нима қиласиз бунчасини?” деган саволга жавоб бериш керак экан. Яхшиям, жавобни олдиндан тайёрлаб қўйган эканман:

— Синглим болалар спорт мактабида ишлайди, шунга совға...

Божхона ходимлари худди шу сўзларга ишонган одамдай, индамай қўяқолишди — “Билганингни қилмайсанми?”. Аввалги замонлар бўлармиди, “Шўро ҳукуматининг соатларини талон-торож қилаётган” мендай одамни роса обориб-опкелишарди...

АДОЛАТ ДАРВОЗАСИ

Яна Исроилда, 1992 йилнинг феврари, Қуддуси Шариф. Кўчалар уч кундан бери қор остида. Кундуз сал эрийди-ю, кечқурун яна музлаб қолади. Шаҳар транспортининг аҳволи инфаркт бўлган одамни эслатади. Кўчалар — тепаликка, тепаликлар — сирпанчиқ майдонга айланиб қолган. Кўчалар ташлаб кетилган юз-юзлаб машиналарга тиқилиб кетган, тўқнашиб, абжағи чиқиб ётганлари қанча.

Бу кеча бизнинг Антонина туғадиганга ўхшайди, ростдан. Аввалги кунлари ҳам қизим бечора вой-войлаб юрди-юрди, онаси неча марта кўчадан машина ушлаб келди, бирга шифохонага бориб келди. У ердагилар нима қилсин — текширишган, ҳали тўлғоқ бошланмабди деб қайтариб юборишган.

— Уйга қайтиб борган пайтимиз тўлғоқ бошланиб қолса-чи, яна қайтиб келамизми?

— Унда, анави холлда ўтириб кутақолинглар.

Исроилда туғруқхона йўқ, балки барча йирик шифохоналарда туғиш бўлимлари бор. Қуддуси Шарифдаги “Шаарей тседек” (“Адолат дарвозаси”) деб номланган шифохонада қизимга тўлғоқ бошланишини кутиб ўтира туришни таклиф қилибди. Ана сенга адолат, деб койинган бўлдиқ бизлар уйга қайтиб келарканмиз.

Тонкани кечаси соат учларда тўлғоқ тутиб қолди. Биз Нина билан бирга Любага сим қоқдик — келишувга мувофиқ, Люба Тонкани “Шаарей тседек”ка бирга олиб бориши керак эди.

— Кўчани кўрмайсизларми, музлаб ётибди, мен кўрқаман, — деди Люба. — Яхшиси, ҳозир “Амбуланс” чақираман-да, пулини тўлайқоламан.

Исроилда “Амбуланс” — бизлар “Тез ёрдам” деймиз-ку — чақириш фалон пулик иш. Люба билиб гапираётир: “Амбуланс” чақирадиган бўлсак, юз шекелимизни юлиб кетади.

Кийиниб, пастга туша бошладик. Яшка уйда қоладиган бўлди — у эрталаб етти-да ишга жўнаб кетиши керак. Қизил белгили “Маген-Давид” (“Давид қалқони”) микроавтобуси беш дақиқада эшик олдига келиб тўхтади. Тонка қийналиб нафас олиб ётарди — унинг оғзига кислород баллонининг жўмрагини тутишди. Машина секин йўлга тушди — кўчаларда юриш чиндан ҳам хавфли эди.

“Амбуланс” қабулхона олдида айланди. Ҳамширалар Тонка ётган ғилдиракли каравотни шитоб билан ҳайдаб кириб кетишди. Шифохонанинг туғиш бўлими бешинчи қаватда эди. Биз Нина билан чиқиб келгунча, кутиш хонасидаги навбатчи врач:

— Окей! — деб шивирлади-да, бизларни кутиб ўтира туришга таклиф қилди. — Туғяпти. Қўлимиздан келганини қилаяпмиз.

Сал ўтмай ичкаридан ҳамшира чиқиб келди. У ўғил набирамиз (ўғил эканлигини олдиндан билдик, ультратовушли аппарат шуни аниқлаб берган эди)нинг дунёга келиши саккизинчи хонада бўлиб ўтаётгани ҳақида хабар берди. “Адолат дарвозаси”нинг икки томонга сурилиб очиладиган дарвозалари ғириллайди, ичкарига қадам кўямиз. Турли хил аппаратлар, дори-дармонлар тахлаб қўйилган темир токчалар турган катта даҳлиз. Йигирма чоғли эшик бор. Пешонасига “саккиз” рақами туширилган эшик олдида тўхтаб, дастакни аста бураймиз. Эшик кулфланган. Сал ўтмай калитнинг шиқиллаши эшитилади, ёши ўтинқираб қолган доя хотин мўралаб жилмаяди:

— Боланинг отаси қани? — иврит тилида сўрайди у.

— Уйда қолди, эрталаб тонгдан ишга бориши керак эди.

Доя хотин бизга ажабланиб қаради.

Бу ердаги одатга кўра, туғилаётган фарзанднинг отаси тўлғоқ пайти албатта она-нинг ёнида туриши керак экан, биз ундан беҳабар эдик. Мен ҳозиржавоблик қилган бўлдим:

— Отаси бўлмаса, мана, бувиси билан буваси шу ерда!

— Беванакаша (Марҳамат)! — деди доя хотин бизни ичкарига таклиф қиларкан. Барибир унинг кўзларида, “бу оллимлар қанақа одам ўзи, фарзанд туғилишига ҳам шунчалик бепарво бўладими?” — деган ажабланиш бор эди. Янги инсоннинг дунёга келиши маросимида иштирок этишдан биз ҳам чўчиб қолдик, ичкарига кирмадик. Доя баттар ажабланди, даҳлизга курси чиқариб берди-да, эшикни ёпиб ичкарига кириб кетди. Биз шу тариха — қизимизнинг қийналиб қичқирган фарёдлари остида — эшикнинг тагида кутиб вақт ўтказдик. Юракларимизни ҳовучлаб, қандоқ чидаб ўтирганимизга ўзимиз ҳайрон эдик. Йўқ, бари ўтиб кетди. Ниҳоят, ичкаридан чақалоқнинг биғиллаб йиғлагани эшитилди!

— Еш бен! (Ўғил!) — деб қичқирди доя эшикни очиб. Чақалоқ унинг кўлларида турарди. Биз ичкарига кириб, бўзариб, қора терга ботган ёш онани янги фарзанд билан қутладик. Доя телефонга ишора қилди:

— Отасига айтиб қўйсангиз бўлармиди...

Мен телефон рақамларини тердим.

— Яшка, ўғиллик бўлдинг, табриклаймиз!

Доя чақалоқнинг кетига шапатиланган эди, у гўё ўзининг туғилганини отасига билдирмоқчи бўлгандек, йиғлаб юборди. Яшканинг Маняга қичқариб янгилик айтиётгани эшитилиб турарди. Соат тонгги беш эди.

Туғилганининг еттинчи кунда чақалоқни хатна қилдириш (қўлини ҳалоллаш керак эди — худди мана шу ерда муаммо чиқиб қолди. Бир томондан биз ўқиган ульпана (мактаб) маъмурияти бу воқеани катта байрам сифатида нишонламоқчи, ўзимиз яшайдиган микрорайон миқёсида оммавий сайил ўтказмоқчи бўлди. Дарҳақиқат, қўлни ҳалоллаш, хатна — яҳудий оиласида катта воқеа саналади, уни яҳудийчиликдаги яна бир катта байрам — бармитсва (ўсмирнинг ўн уч ёшга тўлиши, бу —

яхудий оиласидаги қонунга кўра йигит бўлганини билдиради) билангина тенглаштириш мумкин. Хўш, бунинг нима муаммо жойи бор, хатна қилдиринглар-да, байрам қилиб ётаверинглар, дерсиз. Шундайликка шундайку-я, лекин ҳамма бало ҳам мана шунда-да. Чақалоқнинг яхудий ўғли эканлигига аниқ ишониш, ишонтириш керак. Менинг хотиним рус эканини аввалроқ айтган эдим. Теудат зеутни расмийлаштириш пайтида биз унинг илдизларида яхудий қони ҳам аралашганлигини ҳисобга олиб, уни яхудий деб ёздирмоқчи эдик — бу бўлмади. Лекин ички ишлар вазирлиги ходимлари хотинимни рус деб ҳам ёзмай, миллати деган жойга “лэ рашум” (номаълум) деб ёзган эдилар. Яхудийчиликда эса онаси яхудий бўлган болагина яхудий саналарди. Демак, хотиним Нина лэ рашум бўлса, унда, қизим Тонка ҳам лэ рашум бўлади, ўз навбатида набирам Лиорчик (болага шундай деб исм қўйган эдик) ҳам тўла яхудий эмас, демакки, уни хатна қилдириш ҳам шарт эмас. Бу ишга энди фақат раввинат (диния ишлари ташкилоти) аралашиб, рухсат бериши керак, вассалом. Охири, шундай қилдик ҳам. Йўқ, рухсат беришди ҳайтовур. Ҳаммаси кутганимиздан ҳам аъло ўтди: тантанали нутқлар айтилди, совғалар топширилди. Кўчадан кимки уйга мўраласа, ҳаммасини олиб келиб меҳмон қилдик. Дастурхонда ҳар хил таомлар, пишириқлар, спиртсиз ичимлик сувлар тўлиб-тошиб ётар эди. Мен ҳатто аёлларнинг биттаси йиғлаётганини ҳам кўриб қолдим. Маълум бўлишича, яқиндагина унинг ҳам уйида чақалоқ туғилган, чақалоқ — қиз бола экан. Аёлнинг йиғлаганича бор: Исроилда қиз боланинг туғилиши бунчалик улкан воқеа ҳам ҳисобланмайди, катта тантаналар билан нишонланмайди ҳам.

Иккинчи кун Лиорчикнинг “булбулча”си қизарибми, шамоллабми қолди. Қўрқиб кетдик ва тезда “Шаарей тседек” қа қараб чопдик. Ёшгина врач қиз боланинг иштонини очиб кўраркан, кулди:

— Яхудий бўлишнинг ўзи бўлмайди, жаноблар!

У сепиладиган дори ёзиб берди, уч-тўрт кундан кейин ҳалиги қизарган жойи тузалиб кетди.

Айтгандай, Лиор — “нур, ёруғлик” деган маъноларни англатади. У жуда ажойиб бола бўлиб ўсаётир, номини тўла маънода оқлаётир. Икки тилда гапира олади, ивритча гапирганда, тузукроқ чулдирайди. Бир ярим ёшидан “хизмат”га чиқиб кетди — боғчага қатнайди. Ҳозир олти ёшга чиқди, кузда мактабга боради. Авваллари гапирганда русча ва ивритча сўзларни аралаштириб гапираверарди. Ҳозир унақа эмас. Унга қайси тилда мурожаат қилсангиз, фақат шу тилда жавоб қайтаради.

СУД

Исроилда фуқаролар никоҳдан ўтмаслигини мен яхудийча ҳазилнинг бир тури деб ўйлар эдим. Любанинг ўғли Миша, яъни жияним уйланадиган бўлиб қолди-ю, бунинг ҳазил эмаслигини тушуниб етдим. У яхудийча тўй қилмайман деб туриб олди. Унда, қанақа бўлади? Маълум бўлишича, бу жуда осон ва анчагина қимматга ҳам тушар экан. Исроилда никоҳ тантаналарини ўтказиб бериш билан шуғулланадиган юзлаб фирмалар бор. Никоҳдан ўтмоқчимсиз — марҳамат, Кипрга ёки Парагвайга йўл оласиз. Ёки, бормасдан, шу ернинг ўзида туриб ҳамма маросимларни ўтказишингиз мумкин. Бунинг учун бундай қиласиз: керакли барча ҳужжатларни тўплайсиз-да, бир ярим-икки минг долларлик чекни кўшиб фирмага топширасиз. Орадан уч ҳафта ўтиб, яна почта орқали никоҳдан ўтганингиз ҳақида гувоҳнома кўлингизга етиб келади. Гарчи Исроил мамлакатида никоҳдан ўтиш, гувоҳнома олиш қонун-қоидалари бўлмаса ҳам, кўлингиздаги гувоҳноманинг раввинат берадиган қоғоздан кам ери йўқ, ҳамма ерда ўтаверади. Қизиқ-а?

Ажабо “яхудий халқи қанақа қонун-қоида асосида яшайди ўзи?” — деб, ҳайрон бўлаяпсизми? Хўш, буларнинг қайси бири жиддий ҳужжат-у, қайси бири сал бундайроқ деб, билгингиз келаётгандир? Бунинг менинг ўзим ҳам ҳеч қачон тушуниб етолмасам керак. Хулласалом, оила масаласи билан боғлиқ барча муаммолар суд-да ечилар экан.

Миша армияда хизмат қилиб юрган эди. Денгизда чўмилибди. Аскарлик гувоҳномаси чўнтакдан сувга тушганми, ҳарфлари шишиб-гуллаб, ўқиб бўлмайдиган аҳволга келиб қолибди.

— Энди нима бўлади? — деб сўрайман.

— Эндими, суд бўлади, — деди Миша.

— Суд? — жоним чиқиб кетди менинг.

— Ҳа, албатта суд бўлади-да, — бамайлихотир жавоб берди Миша.

— Сени жазолашадими? — деб сўрадим яна кўз олдимга турма, гауптвахта, карцерларни келтириб.

— Жазолашади, йигирма шекел жарима солса керак-да...

Жиянимнинг бу гапи хаёлларимни яна кундалик ҳаётга жалб қилди.

Ҳарбий хизматга алоқадор барча бошқа хил қилмишлар суд орқали, шекелларда жарима тўлаш орқали “ювилар” экан.

Яшқа қизил чироқ ёниб турган пайти машинада йўлдан ўтиб кетди. Чорраҳа йўлга фотоаппарат қўйиб қўйилган экан. Орадан тўрт ой ўтгач, унинг номига суддан чақирув қоғози келди. Ярим йил вақт ўтар-ўтмас, суд бўлиб ўтди. Судья оллим қондабузарни роса сўроқ қилди, жазони енгиллатиш учун кўп ҳаракат қилди, охири кам миқдорда бўлса ҳам пул (шекел) билан жарима тўлашга ҳукм чиқарди.

Ишхонангизда ҳўжайин сизга 200 шекел кам маош ёзибдими — судга мурожаат қиласиз, дарҳол ундириб беришади. Сизни кимдир алдадими — судга, сиз кимнидир алдадингизми — судга борасиз. Кимдир сизга оғир гап қилдими, ё сиз бировга оғир гап қилдингизми — судга. Сизни нотўғри даволашдими — судга. Автобус ҳайдовчиси машинани силтаб ҳайдаб юборди дейлик, сиз ўзингизни тутолмай йиқилиб тушдингиз, лат едингиз — судга мурожаат қиласиз. Қайсидир бир газетага интервью берсангиз-у, фамилиянгиз сал хато босилган бўлса — судга беринг. Мабодо суд сизнинг фойдангизга ҳукм чиқармаган бўлса — суднинг ўзини бошқа судга беринг...

Оллимлар бунга қийинчилик билан кўникмоқдалар, қолаверса, барча шикоятлар иврит тилида ёзилади. Сабрлар (маҳаллий исроилликлар) эса салгина нарсани ҳам суд орқали ҳал қилишади.

Исроил судига менинг илк бор ишим тушгани (илк бор, худога шукур!) — Куддуси Шарифда яшай бошлаганимизнинг иккинчи йилида эди. Исроилда ҳам кўпқаватли уйларнинг ертўласи — бомбадан яширинадиган хонага мўлжалланган бўлиб, у “миклат” деб аталади. Миклатдан ашқол-дошқол қўйиладиган омборхона ўрнида фойдаланиш мумкин эмас. Мумкин эмас-у, лекин ҳар ҳолда мумкин. Одатда тағхонада болалар аравачаси, велосипедлар, эски стол-курсилар, умуман, ташлаб юборса ҳам бўлаверадиган, лекин кўз қиймайдиган нарсалар сақланади. Қарангки, ўша миклат деб аталадиган ер остидаги хона бизнинг уйимиз тағхонасида ҳам бор экан. Ўзимиз кириб-чиқиб турган эшикка қарама-қарши томондаги зина остида ҳам миклатга олиб тушадиган йўл борлигига, умуман у ернинг миклат деб аталишига мен эътибор ҳам берган эмасман. Хотиржам яшаб юрган эдик, миклат деганлари ҳеч кимнинг эсида ҳам йўқ эди. “Саҳродаги бўрон” деб аталган ўша машҳур ҳарбий ҳаракатлардан кейин, доимо тинчимизни бузиб юрадиган Саддам Ҳусайн яна алламбалоларни бошламоқчи бўлдими, хуллас, полициячилар тағхоналарни текшириб чиқадиган бўлди. Биз яшайдиган бинодаги миклатни ҳам очиб кўришади — қарашса, юқорида мен санаган шақир-шуқурлар босиб ётибди. Кимники булар? Бунақа пайтда эга топиладими, топилмайди. Меники дейдиган мард бўлмаган, полициячилар ақли бир ечимга тўхталишади — пастда, биринчи қаватда турадиган почта қутичаларига 150 долларлик жарима қоғозларини ташлашади.

Мен бу пайтда Питерга кетган эдим. Уйдагилар жарима қоғозини олишган, ўқишган. Миклатда бизга тегишли нарсалар йўқ эди, демак, жарима тўлашимиз ҳам шарт эмас, бу қоғоз бизнинг қутичага тасодифан тушиб қолган, тўламаймиз, деб калта ўйлаганлар-у, қоғозни ташлаб юборишган. Ана! Бошқа хонадон соҳиблари жарима тўлашганми-тўлашмаганми — билмадим, ҳар ҳолда тўлашмаганов, негаки орадан уч ой ўтиб, яна почта қутичаларида қоғоз пайдо бўлиб қолди — ҳар бир хонадон эгаси миклатни омборхонага айлантиришга ҳисса қўшгани, фуқаролар муҳофазаси ишига лоқайд қарагани учун судда жавоб беришга таклиф этилган эди. Эслатиб қўяй, қўшнилларнинг ҳаммасини бир вақтга чақиришган эмас, балки ҳар хил вақтларда келишлари керак эди. Мен бу пайтда Питердан қайтиб келган эдим, чақирилган эканмиз-да, деб, бамайлихотир судга боравердим.

Шаҳар марказидаги эски бино. Одам кўп. Мен ўзим таклиф этилган хонани излаб топдим. Чиройли кийинган, мангияли судья кириб келди.

Миклат бўйича таклиф этилганларнинг олтинчиси ё еттинчиси эканман. Судья масалани тез ҳал қилаётир, одамлар киради, чиқади, сурилиб-сурилиб, судьяга ҳам

яқинлашиб қолибман. Мен ўзим ивритчани ҳали яхши ўзлаштиролганим йўқ, кимки тез-тез гапирадиган бўлса — тушунмаганим учун оғзимни очиб ўтиравераман. Хуллас, қулоғимга мана шу сўзлар эшитилди:

— ...Исроил давлати қаршидир... — шундай гаплар орасида менинг исм-фамилиям ҳам аниқ-равшан жаранглаб турибди!

Ана холос! Бошланиши чакки эмас-а. Миклат, миклат деганлари шу.

Судья нимадир деб сўради, мен тушунмадим. У энди шу гапини котибга қарата такрорлади. Залда ўтирганлардан кимдир таржима қилиб, судья таржимон чақиртираётганини айтди. Ярим соатча танаффус эълон қилишди. Таржимон келиши билан, ишимиз яна бошланди.

— Миклат нима эканини биласанми?

— Энди биламан, — жавоб бердим мен.

Таржимон таржима қилиб берди, судья кулиб юборди — ақлли одамнинг садағаси кетсанг арзийди, у вазиятни тўғри тушунди ва адолатли ҳукм чиқарди.

— Ҳозирча сенга жавоб, жарима тўлашинг шарт эмас. Агар керак бўлиб қолсанг — биз сени хат юбориб чақиртирамиз, — деди судья ва бошқа бировнинг хужжатларига қўл чўзди.

Савол-жавоб, ҳукм чиқаришга ҳаммаси бўлиб икки-уч дақиқа сарфланди, холос. Мен кўчага чиқдим. Қулоғим остида ҳамон “миклат, миклат” деган сўз жарангларди.

Мен Исроил давлатидаги суд ишида ғолиб чиқдим — мана керак бўлса!

ШАЛОМ, ИСРОИЛ!

Қиссамизга сарлавҳа бўлган сўзни икки хил маънода таржима қилиш мумкин: “Салом, Исроил” ва “Омон бўл, Исроил”.

Сиз балки, нима, муаллиф Иордания ва Миср оралиғидаги Қизил денгиз ёқасида қад тиклаган Исроил посбонлик минораси Эйлат ҳақида нега гапирмади, деб ёзғираётгандирсиз? Балки мен денгиз бўйидаги ажойиб пляжларда, ўттиз даража ҳароратли сувларда чўмилиб юриб, улар ҳақда ёзишни унутиб юборгандирман? Балки Қуддуси Шарифдаги салқин субҳидамлар ёки Ўлик денгиз ва Кинерет кўли ёқасидаги соҳир лаҳзалар ҳақидаёқ ёзишни унутгандирман? Муқаддас Инжил саҳифаларида тасвирланган афсонавий тарихларга дахлдорлик туйғулари-чи?! Буларни нега ёзмадинг, деб сўрар китобхонлар. Булар бари ёдимда, бари қалбим ардоғида. Нега ёзмаганим сабабига келсак, буям атайлаб қилинган қитмирлик, холос. Мен, мана шуларнинг барини ўзингиз шу ажойиб мамлакатга келиб, ўз кўзингиз билан кўриб кетишингизни истайман. Яна бир кичик сирни очай, меҳмон бўлиб келсангиз — бизга яхши, сабаби хотиним Нина туристлар меҳмонхонасида ишлайди, қанча кўп меҳмон келадиган бўлса, фаровонлигимиз шунча ошаверади, пулимиз кўпаяверади. Пулимизнинг кўпайгани яхши-да, негаки, давлатга тўлайдиган машкант (қарз пул) имиз ҳали анчагина.

Қаранг-а, сизга ҳасратларимни айтаман деб, сизниям дардларимга шерик қилиб олибман. Кулиб, жилмайиб ўтирган бўлсангиз ажабмас, барибир, ҳаммасини ўз кўзим билан кўрмасам бўлмас экан деб. Ишончим комилки, бу йил бўлмаса келаси йили, ёки яқин келажакда Исроил мамлакатига албатта меҳмон бўласиз. Бунинг учун ҳаммаюзга зарурий бўлган битта омил бор, бу — Тинчлик, Омонликдир. Ҳамиша тинчлик-омонлик бўлсин. Дунёда тинчлик-омонлик ҳукм сурсин! Тинч-омон бўл, Исроил.

Шалом, Исроил!

*Қуддуси Шариф, 1998 йилнинг
январь-март ойлари*

Муҳаббат ШАРАФИДДИНОВА

Набоков тилсимоти

“...ёшлигимдаёқ табиатдаги мураккаб ҳамда беҳуда нарсаларни фарқлай олардим, кейинчалик бошқа ҳайратомуз эрмак — санъатда шундай нарсаларни топишга уриндим”.

В.Набоков. “Бегона соҳиллар”.

Адиб Герберд Голд олтмишинчи йилларнинг ўрталарида ёзган мақоласига: “Владимир Набоков — америкалик забардаст ёзувчи — Россияда туғилган, таҳсилни Англияда тугатиб, шу ерда француз адабиётини ўрганган, ўн беш йил Германияда, йигирма йил АҚШда ва кейинчалик Швейцарияда муқим яшаган”, — дея узундан-узун, бироқ асосли сарлавҳа қўяди.

Набоковнинг Фарбдаги обрў-эътибори 60-70 йилларда ҳақиқатдан ҳам мутасил ортиб борди. Инглиз тилида ёзилган “Лолита”, “Пнин”, “Оқиш аланга”, “Ади” сингари асарларнинг муаллифи XX асрнинг энг йирик ёзувчиларидан бири сифатида эътироф этилади. Қуввайи ҳофизаси ва ижодий салоҳиятининг кучлилиги борасида Набоковни Пруст, Жойс, Кафка ва Элиотга қиёслаб, уларнинг бевосита издоши тариқасида қабул қиладилар.

Набоков ҳатто вафотидан кейин анча йиллар давомида ўз ватандошлари учун тилсимлигича қолаверди. “Набоков бутун бошли коинотни кашф этгани учун ҳам ундан миннатдор бўлишимиз керак”, — дея эътироф этганди умрининг поёнида Иван Бунин. Ҳолбуки, айти унинг ўзи Набоковнинг ижодини бир эмас, бир неча марта кескин танқид қилганди. Кейинчалик Бунин чет элларда яшовчи рус адиблари орасида ёлғиз Набоков ватандан айрилиқдаги машаққатли турмушнинг бутун фожеасини йирик истеъодларга хос ёрқин акс эттира олганини таъкидлаганди. Набоковни том маънодаги ватанпарвар ижодкор сифатида ҳам тилга олиш мумкин. У кўпдан-кўп рус адибларининг асарларини таржима қилади, уларнинг ижоди ҳақида мақолалар ва эсселар ёзади, АҚШда “Евгений Онегин”ни батафсил шарҳлари билан чоп эттиради, университетларда рус адабиёти ҳақида маърузалар ўқийди. Шу билан бирга, гарчи инглиз тилида ижод қилгани билан рус тилига хос фазилатлардан унумли фойдаланади. Набоковшунос олимлардан бири А.Долининнинг ёзишича, “асримизда рус мумтоз адабиётини жаҳоний майдонга олиб чиқишда Набоковчалик ҳеч қим жонбозлик кўрсатган эмас, шунинг учун миллий маданий меросга хиёнат қилганликда уни айблашга уриниш кам деганда ношукурлик бўлади”.

В.Набоков асилзода оилада дунёга келган (1899—1977) бўлиб, росмана шохона шароитда улғаяди. Бу унинг дунёқариши шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Эсини таний бошлаганидан ижодий, бадиий, илмий ижодга мойиллиги сезилади. У болалигиданоқ кўп мутолаа қилади, инглиз ва француз тилларини тез ўзлаштиради, шу билан бирга рассомлик, теннис ва шахмат билан шуғулланади. Унинг оиласи қиш ойларини Петербургда ўтказса, дим ёз ойларини Вирадаги мулкида ўтказарди (туғилиб ўсган хонадони унинг асарларида қайта-қайта тилга олинади).

1911 йил Тенишев билим юртига ўқишга киради. Шундан кейин Сибирь бўйлаб узоқ илмий тадқиқотга отланади. Бироқ айти шу паллада 1917 йил во-

кеалари рўй беради. Октябрь тўнтаришидан кейин Набоковлар оиласи Қримга келиб қоладилар, 1919 йилдан эътиборан турли мамлакатлар бўйлаб умрбод сарсон-саргардон ҳаёти бошланади. Набоков Англиядаги машҳур Кембриж дорилфунунида рус ва француз тилшунослигидан таҳсил олади. Навқирон Набоков она юрт ҳажрини ниҳоятда шоирона ифодалайди. “Она юрт соғинчи юрагимни сиқувга олган кезларда камин олдида соатлаб ҳаёл сурардим, кейин кечинмаларим жунбушга келиб, ёлғизликдан ўзимни кўярга жой топа олмаганимдан кўзларимдан ёш қуйиларди, — Россияда жуда кўп нарсаларни бой берганим, бундай айрилиқ бошимга тушажагини олдиндан била олганимда ундан имкон борича кўпроқ баҳраманд бўлар эдим-ку, — деган фикр асти тинчлик бермасди”.

Набоков айни Кембриж дорилфунунида ўқиб юрган кезларда, яъни рус тили ва юртдошлари доирасидан узилиб қолган паллаларда ўз юрти адабиёти анъаналарига дахлдорлигини теран идрок этади. Шу боис Пушкин, Толстой, Тютчев, Гоголь асарларини қайтадан кунт билан ўрганишга киришади.

1922 йили В.Набоков оиласининг бошига оғир мусибат тушади: Берлинда монархистлар оила бошлигини ўлдирадилар. Бу фожеа унинг маънавий ва ижодий таржима ҳолига жиддий таъсир кўрсатади. Натижада “Даҳшат” ва “Туғилиш” сингари руҳий кечинмалар теран таҳлил этилган ҳикоялар дунёга келади. Яқин кишининг вафоти ҳамда қайғу кулфатни енга олиш мана шу ҳикоялар мавзуини ташкил этади. Шу тариқа ёшлик палласи барҳам топади. Эндиликда Набоковнинг ўзи кунини кўриши, чет элларда сарсон-саргардон юртдошлари орасида обрў-эътибор қозониши ҳам керак бўларди. Йигирманчи йилларнинг биринчи ярмида Париж эмас, балки айни Берлин чет элларга бош олиб чиқиб кетган русларнинг маданий маркази саналарди. Бу шаҳарда бир неча йирик рўзнама ва ойномалар чоп этилар, нашриётлар фаолият кўрсатар, кўрғазмалар, концертлар, адабий кечалар ташкил қилинарди. Набоков айни Берлинда кўпгина ёзувчи ва шоирлар билан танишади, бироқ ўзининг эътироф этишича, фақат Марк Алданов, Юлий Айхенвальд, Владислав Ходасевич билан яқиндан тил топишади.

Набоков 1926 йилда дастлабки “Машенька” романини ёзади. Шундан кейин унинг қалами чархлиб борди. Кетма-кет “Лужин ҳимояси” (1930), “Қирол, дама, валет” (1928), “Айғоқчи” (1930), “Жаҳолат чоҳи” (1932), “Жасорат” (1932), “Пушаймон” (1934), “Ҳада” (1937) сингари асарлари ёзилади.

Фашистлар ҳокимиятини эгаллаб, инсондай яшаш имкони қолмагач, Набоков 1937 йили дастлаб Францияга йўл олади, 1940 йилда эса АҚШда яшай бошлайди.

У АҚШ дорилфунунларида хизмат қилади, “Бегона соҳиллар”, “Лолита”, “Қонунга хилоф туғилганлар тамғаси остида” сингари асарларини жиддий қайта ишлайди. “Лолита” романининг шарм-ҳаёсиз асар сифатида қораланиши Набоковни қўққисдан машҳур қилиб юборади.

Набоковнинг “Бир шингил узум” ва “Тоғ сўқмоғи” тўпламларига кирган шеърлари, шунингдек, ўша кезларда ёзилган ҳикоялари адабиётшунослар диққат назарига тушмайди. Лекин “Машенька”, “Лужин ҳимояси”, “Қатлгоҳга таклиф” романлари эълон қилинганидан кейин унинг ижодига бағишланган ҳаяжонли мақолалар кетма-кет чиқа бошлайди. Хусусан, В.Ходасевич ҳамда М.Алдановнинг, шунингдек, 1931 йил собиқ иттифоқни тарк этган Е.Замятиннинг мақолалари матбуотда чоп этилади. Улар Сириини (Набоковнинг тахаллуси) чет эллардаги рус адабиётининг энг йирик вакили сифатида эътироф этадилар. Унинг ижодига бошқача кўз билан қарайдиганлар ҳам албатта, йўқ эмас эди.

Танқидчилар Набоков ижодига хос тилнинг ўхшатишларга бойлиги ва гўзаллигини эътироф этган ҳолда илғор рус адабиётига хос инсонпарварлик ғоялари етишмаслигини танқид қиладилар. Шу билан бирга унинг ижодида халқ мавзуи, рус қишлоғи мавзуи йўқлигини ҳам писанда қиладилар. Айни шу сабабли мумтоз рус адабиёти анъаналари руҳида тарбия топган Набоковни том маънодаги миллий ёзувчи сифатида тан олишдан бош тортадилар. Албатта, Набоков рус ва инглиз адабиёти анъаналари руҳида тарбияланиб, шу икки адабиётнинг

илғор тамойилларини уйғунлаштира олган йирик истеъдод соҳиби ҳисобланади. Набоков яшаб ижод қилган йилларда оламшумул тарихий воқеалар рўй беради, ана шундай долғали даврда ҳар бир ижодкор ўз имкониятларидан келиб чиқиб, улар ҳақида бевосита бўлмаса-да, бавосита фикр-мулоҳазаларини билдиришга интилади. Айни паллада Набоков воқеа-ҳодисалардан шунчаки нусха кўчирувчи бўлиб қолмасдан, балки тафаккур ва тасаввурнинг ғаройиб ўйинларини бадий ижоднинг асосий фазилати деб эътироф этади. Шу боис ўн тўққизинчи аср рус адабиётига хос изҳори дил қилиш, тавба-тазарру, ҳақиқат-парварлик, адолатпарварликка очиқдан-очиқ, инқилобчиларга хос баралла даъват этишларга унинг асарларида дуч келмаймиз.

А.Блок, А.Белый, Н.Гумилев сингари символист ва акмеистлар Набоковнинг ижодий камолотига кучли таъсир кўрсатганини танқидчилар қайд ҳам этганлар.

В.Набоковнинг эътироф этишича, воқеликни тўла қамраб олишнинг имкони йўқ. Лекин бадий тил, ижод тили ҳатто марҳумларга жон бағишлаб, аксинча, тирикларни жонсиз кўғирчоқларга айлантира оладиган қудратга эга. Адиб воқеликни ўзига хос ижодий идрок этишга одатланади. Хўжайин оқшомлари кучугини сайр этгани олиб чиқди, дея омма эътироф этган бир пайтда, Набоков хўжайин эмас, аксинча, кучуги хўжайинини сайр этгани етаклаб чиқди, деб ёзади. Ёхуд аслида юкчилар машинадан кўзгули шкафни тушираётган бўладилар. “Ҳадя” романининг қаҳрамони Годунов-Чердинцев эса бутунлай бошқача манзарани тасвирлайди: машинадан тўрт бурчак тиниқ осмоннинг бир бўлагини туширишар экан, беғубор шох-шаббалар зангори экрандагидай унда акс этади”. “Қатлгоҳга таклиф” романида ҳам шундай тасвирга дуч келиш мумкин: “ёруғлик хира тортгандай бўлди, — қуёшни нимадир тўсиб қўйди ва осмоннинг бир қисми титраб кетди” (358-бет). “Челакларни тарақлатиб, қипиқ ташир эканлар. Цинциннат эшик кесакисига беҳол суянди, бироқ унинг бижир-бижир титраётганини сезиб... Ўзини нари олди”. Ҳолбуки ўлими олдидан Цинциннатнинг ўзи титраётган эди. Ёки “Ҳадя” романида “...тонг онасидан мактуб келтирди” деган насрга хос бўлмаган жонлантиришга дуч келамиз. Набоковнинг ёзувчи сифатида ўзига хослиги, таъбир жоиз бўлса, беназир фазилати воқеликни, дунёни, инсонларни бутунлай бўлакча тарзда идрок этишидadir. У кўпчиликнинг, омманинг нигоҳи билан қараш, шу тарзда воқеликка ёндошишни қабул қила олмасди. Унинг дастлабки ижодида И.Бунин насрининг таъсири сезилади. Набоков қаламга олган мавзулар, биринчи шахс тилидан ёзилган ҳикояларнинг лирик кайфияти беихтиёр Бунин асарларини эсга солади.

Набоковнинг дастлабки “Машенька” романи ҳам Бунин ижодига хос лирик-психологик наср тамойилларига асослангандай таассурот қолдиради. Адиб бу асарида биринчи муҳаббатини ҳам, болалик ва ўсмирлик таассуротларини ҳам, Вира манзаралари-ю, қишки Петербург кўринишларини ҳам, қолаверса, Берлин пансионларининг қиёфасини ҳам қаламга олади. Роман воқеалари Берлин пансионларидан бирида бўлиб ўтади.

Бу асарда Чехов ва Тургенев асарларида учрайдиган рисоладагидай ойимқиз образини (Клара) учратиш мумкин, пансионда яшовчилар — кекса шоир Подтягин, бир жуфт раққос, фрау Дорн ўзига хос муҳаббат муҳитини яратадилар. Уч томонлама муҳаббат муҳитини эса истеъфодаги математика муаллими Алферов, оқ армиянинг собиқ офицери Ганин ва романда бавосита иштирок этувчи Алферовнинг хотини Машенька ташкил этиб, у Ганиннинг биринчи муҳаббати бўлади.

В.Набоковнинг насри келгусида қай йўсин камол топишини мана шу роман мисолида ҳам айтиб берса бўларди. Китобхоннинг умри кутиш билан ўтади. Бутун асар давомида Машенькани кутиш тасвирланади. Унинг келишини эри — Алферов сингари, Ганин ҳам, шунингдек, пансионда яшовчиларнинг ҳаммаси интизорлик билан кутадилар. Адиб воқеаларни ранг-баранг қилиш учун турли бадий ҳийлалар ишлатади: Подтягин паспортини йўқотиб қўяди (воқеа чўзилади), Алферов вокзалга кечикиб бориши учун Ганин соат милларини орқага суриб қўяди. Охир-оқибат Машенька билан навбатдаги учрашувни сабрсизлик билан кутаётган Ганин поезд келишига ярим соат қолганида ниятини кутилма-

ганда тубдан ўзгартириб, бошқа вокзалга жўнаб кетади. Россияга муҳаббат Набоковнинг мана шу илк йирик асарида яққол кўзга ташланади.

Беғубор деразадан кўзга ташланган кўшк; Орежадаги шамол тегирмон Россияни муттасил эсга солади; Берлин осмони бўйлаб елдай сузиб ўтаётган булутлар ҳам она юртни ёдга солади. Булардан қатъий назар, Россиянинг ҳалокатга юз тутгани тўғрисидаги фикр Набоков асарларида қайта-қайта учрайди. Бу ёшини яшаб, ошини ошаб бўлган Подтягинга ҳам, қисмати униқидан ҳам фожеалироқ Ганин ва Кларага ҳам яхши маълум. Хуллас, муҳожирликда кун кечираётганларнинг қисмати ҳамиша фожеали бўлган. Бироқ Ватандан йироқда, фақат унинг фикри зикри билан яшаш Ганиннинг асабини бутунлай ишдан чиқаради. Ҳолбуки Россия унинг учун ягона нажот бўлиб қолганди. Қолаверса, “Машенька” сиймосида айнан нима назарда тутилгани ҳам маълум. Набоков ватан ҳажрида, унинг дарду ҳасрати билан яшар экан, ундан бутунлай умидини узмаганди.

“Машенька” романида Гофман, В.Розанов, Гоголь, Межеровский ва бошқалар ижодига хос услуб назарга ташланади. Худди шундай В.Набоковда ҳам мавжуд ҳаёт, воқелик эмас, балки хотиралар дунёси салмоқли аҳамият касб этади. Машеньканинг ҳаётлигидан хабар топган Ганин уни бир кўриш иштиёқда куйиб-ёнади. Машенька билан боғлиқ хотиралар, бувасининг хиёбонлари тўғрисидаги эсдаликлар, юрагидан тоабат жой олган ватан манзаралари Берлиннинг соя-салқин гузарларида кечаётган ҳаётдан салмоқлироқ, аҳамиятлироқ бўлиб туюлади.

Афсуски, муаллиф Алферов тимсолига кўпроқ қора бўёқ чаплаш мақсадида Ганинни имкон қадар ижобий қаҳрамон сифатида кўрсатишга уринаётгани фош бўлиб қолади. Таассуфки, бу руҳий баҳона — сабабларсиз рўй беради.

Бу асарда “бой берилган жаннатни қайтаришга” уринишга илк бора дуч келамиз — бу Людмиладан воз кечиб, Машенькани ўғирлаш ниятида кўзга ташланади. Бироқ охир-оқибат Ганин Машенькадан (жаннатдан, ватандан) воз кечади: “Хотиралари унинг меъдасига тегиб бўлади, Машенька тимсоли аллақачонлароқ хотирага айланиб бўлган соялар остида қолиб кетади. Ва бу тимсолдан ўзга, бошқа Машенька бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас”.

Шу тариқа бой берилган жаннатни қўлга киритишга уриниш ўрнини ундан бутунлай юз ўтириш эгаллаб қўя қолади.

В.Ходасевичнинг таърифлашича, Набоков “Лужин ҳикояси” романида иқтидорини тўла-тўқис намоён этади. Агар биз “Машенька” романида Набоков насрининг изҳори дилга асосланган жиҳати билан танишсак, “Лужин ҳикояси” романида ижод ва ижодкор шахси билан боғлиқ муаммоларга дуч келамиз. “Ижодкорнинг ҳаёти ва унинг тасаввуридаги ҳаёт — Набоков ижодига хос мавзу ҳисобланади. Бу муаммолар адибнинг деярли барча асарларида учрайди, “Лужин ҳикояси” романидан бошлаб эса бирмунча чекланган, касбий хусусият касб этади. Набоков ижодкорнинг фожеасини теран тасвирлар экан, уни бевосита акс эттирмайди, балки шахматчи, тижоратчи ва бошқа касб-ҳунар эгалари сиймосида гавдалантиради.

“Лужин ҳикояси” романи Лужиннинг қўрғондан шаҳарга кўчиб ўтиши, яъни болалик фаслининг поёнига етиб, мактабга бориши билан бошланади. Набоковнинг қаҳрамони болалик билан биргаликда ҳаётининг жаннатмонанд даврини ҳам бой беради (бой берилган жаннат мавзуига бу асарда ҳам дуч келамиз) ва асарнинг қаҳрамонида “номаълум ва янгилиги сабабли ихлосни қайтардиган, қабул қилиб бўлмайдиган оламни тақлиф этадилар...” Лужин ўзига хос ва дахлсиз шахмат оламига боши билан шўнғиб кетганидан кейингина хотиржам бўлади. Муаллифнинг хоҳиш-иродаси билан шахмат оламида тентак ва даҳо ролини ижро этади.

Асарда ижодий рақобат ҳам юзага келади: шахмат оламидаги янги оқимнинг вакили итальян Турати Лужиндан шахмат тожини тортиб олади. Бирмунча иқтидорли рақибнинг пайдо бўлиши Лужиннинг ҳаётидаги тартиб-интизомни издан чиқариб юборади. Лужиннинг мислсиз дадиллиги билан ҳайратга солувчи дона суриши Туратининг шахмат доналарини маҳорат билан уриши қаршисида шунчаки ўйиндай бўлиб қолади. “Лужин ижодининг илк кезларида

санъат соҳасидаги ўта янгиликни ўзлаштириб, усулларининг бетакрорлиги билан ҳаммани ҳайратга солган ҳолда атрофида беихтиёр ўзгаришлар рўй берганини сезмай қолади, қаёқдандир пайдо бўлиб қолганлар биринчиликни ундан илиб кетгандай туюлади, ўзини ортда қолдириб кетган ошиги олчиларни ношукур тақлидчилар сифатида қоралайди-ю, бир пайтлар янгилик бўлган услубини камолатга етказиш ўрнига бир ерда тошдай қотиб қолгани учун ҳаммасига шахсан ўзи айбдор эканини камдан-кам ҳолларда англайди”.¹

Таассуфки, Лужин буюклик юкини кўтара олмайди: ҳаддан ташқари толиқиш, асабининг ишдан чиқиши, ақлдан озиши шундан далолат беради. Соғайганидан кейин эса Лужин ўзини беғубор болакайдай сеза бошлайди. “Ва кутилмаганда нимадир ёрилгандай бўлди, зулмат чок-чокидан сўкилди ва хирароқ деразадайгина қолган бўлиб, унинг ўртасидан ялтироқ зангори ойна кўзга чалинарди. Айни ўша зангори ойнада майда-майда, сариқ япроқлар жилваланарди...” Чамаси, уйимга келган кўринаман, — хаёлидан кечди Лужиннинг...”²

Илгари хаёлига келмаган айни болалиги, шахматни ўргангунча бўлган мактабгача даври унга ҳайратланарди тарзда хотиржам палла бўлиб туюлди. “Айни ўша паллаларга жуда ҳам хуш ёқадиган, ҳаяжонли сайру-саёҳат қилса арзийди”. Бу асарда Набоковгагина хос яна бир фазилат — тақдир ўйинларини акс эттира билиш (Набоков хуш кўрган усуллардан бири) кўзга ташланади. Бетоб бўлиб қолгач, Лужинга шифокорлар шахмат ўйнашни таъқиқлаб қўядилар, бироқ тақдир жони дили билан яхши кўрадиган ўйинга қайтариб, уни мамнун этади, (собиқ ҳомийси Валентиновга чап беришга ҳар қанча уринмасин) Валентинов унга пешвоз чиқади. Тақдирнинг жабру ситамларига ўзига хос тарзда норозилик билдираркан, Лужин жонига қасд қилади. Шу асно бу кураш шахмат тахтасида эмас, балки Лужин хонадан чиқиш йўлини топа олмай довдираётган бир паллада фожеали якун топади: “Қаёққа қараманг, ҳавода илинг-биллинг, ялтироқ шахмат доналари кўзга ташланарди ва Лужин ҳозиргина хаёлига келган комбинациялардан бирининг домидан чиқа олмаётганини англаб, ундан бир йўла халос бўлишга, лоақал нариги дунёга равона бўлиш учун жон-жаҳди билан уринди...” (“Лужин ҳимояси”).

Набоковнинг ўзига хос мажозий маънога эга барча романларида ижодкорлар ҳамда уларнинг ижод билан боғлиқ изтиробли кечинмалари хилма-хил тимсоллар негизида тасвирланганини В.Ходасевич 30-йиллардаёқ қайд этганди. Бу давронинг тўғрилигига “Қатлгоҳга таклиф” романини ўқиш асносида ҳам ишонч ҳосил қилса бўлади. Бу роман юзаки қараганда тоталитар тузумда шахс оёқ ости қилинишини фош этувчи аксилхаёлпарастлик асари сифатида талқин қилиниши мумкин. Аслида эса косанинг тагида ним коса бўлиб, ўз қобиғига ўралашиб қолган ижодкорнинг фожеаси тасвирланади. Бундай ижодкорнинг асарларида “кўппоғонали” воқеаликни идрок этишнинг турли усуллари, олам ва инсон қалбининг иррационал сир-асрорларини ўзлаштириш ҳақида баҳс юритилади. “Қатлгоҳга таклиф” романи сунъий, хаёлий воқеалар негизига қурилган. Камерага осифлиқ ўргимчак жездан ясалган. Қамоқхона соатининг миллиари йўқ. Қамоқхона директорининг қизи Эммочканинг қисматини суратига қараб олдиндан башорат қиладилар. Цинциннатнинг хотини Марфеньканинг кўз ёшлари эса шўр ҳам, ширин ҳам эмас, балки оддий чучук сувнинг томчилари ва ҳоказо.

Бу очикдан-очик кучли муболағалар олами. Бу оламдаги нарсалар гоҳ кутилмаганда кичрайса, гоҳида ўта йириклашиб кетади. Бироқ бутун фожеа шундаки, издан чиқиб кетган манзара моддий яхлитлигини сақлаб қолаверади. Гордунов-Чердинцев, ҳатто Лужинга керагидан ортиқ даражада қаршилик кўрсатиш, иродалилиқ хислати Цинциннат учун тамомила бегона. У эл қатори осий банда бўлиб, онаси болалигидаёқ ташлаб, кечиб юборган, отасини эса ҳатто эслай олмайди, хотини бўлса муттасил хиёнат қилади, ҳеч ким уни назар-писанд қилмайди. Лекин ҳатто мана шундай кимса учун ҳам бу дунёни қўтирда жой йўқ экан, инсоний кадр-қимматларни тасаввур ҳам қилолмайдиган ижодкорнинг холи не кечиши ёлғиз худого аён.

¹ В.Набоков. “Лужин ҳимояси”.

² Шу асардан.

Набоковшунослар бу романни экзистенциал-муболага мафкуравий пародия, бадий аксилхонмаёл сифатида баҳолашлари одат тусини олган. Ажабланарли жиҳати шундаки, мана шундай талқинлар бир-бирини инкор этиш ўрнига, бир-бирини тўлдириб, асарнинг бадий ва мазмунан бойлигини қайта-қайта эътироф этади. Асар Цинциннатга олий жазо берилгани тўғрисидаги ҳукм эълон қилиниши билан бошланади. Бутун роман Цинциннатнинг қатл этилишини кутиш тафсилотида қурилган. Дунёда рўй бераётган воқеаларнинг ҳамма-ҳаммаси изтироблар оташида қоврилаётган қаҳрамон нуқтаи назаридан талқин қилинади, унга эса воқеа-ҳодисаларнинг мутлақо қизиғи йўқ, шунинг учун буларнинг барчаси унинг учун ғирт бемаъниликдан бўлак ҳеч нарса эмас. Акс эттириш, тасвирлаш услуби Набоковда жуда ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу асарда ҳам мавжуд воқелик эмас, балки қаҳрамоннинг ҳаёлида кечаётган жараён тасвирланади. Қаҳрамоннинг фикри зикридан мавжуд воқелик ғойиб бўлиб, у яққаланиб қолади-да, шу билан биргаликда унинг шахсияти ҳам таназзулга юз тутаяди. Романнинг ниҳояси турлича талқин қилинади: унинг калласини танасидан жудо қилдиларми ёки қилмадиларми? Чинакам ҳаёт хатти-ҳаракатни, бирон-бир мақсад сари интилишни, инсонлар аро муносабат натижасида ўзликни юзага чиқаришни талаб этади. Ўлим умр моҳияти юзага чиқарилишининг интиҳоси ҳисобланади. Бироқ умр давомида бирон-бир мақсадга эришилмаган экан, қандай яқун, натижа ҳақида гап бўлиши мумкин.

Набоков 1932 йили “Жаҳолат чоҳи” романини эълон қилади. Асарда бадавлат санъатшунас Бруновнинг машҳур киноартистга ишқи тушган энгилоёқ Магдага нисбатан фожеали муҳаббати ҳикоя қилинади. Бу борада “муҳаббатнинг кўзи кўр...” ёки “кўнгил майлига қарши бориб бўлмайди” каби мақол-маталлар беихтиёр ёдга келади. Асарнинг мазмуни жуда содда: Кречмар оиласидан воз кечади, эски кадрдон дўстларидан юз ўгиради, янги жазмани билан бемаъни ҳаётга шўнғиб кетади. Ота меҳридан жудо кенжа қизининг умрига ҳам аслида унинг ўзи зомин бўлади. У одамийлик қиёфасини йўқотганининг ҳам гувоҳи бўламиз; ҳатто қизини дафн этишга ҳам келмайди. Юзаки қараганда, Набоков сийқаси чиққан мавзунини қаламга олгандай туюлади. Бироқ адиб ўз эътиқодига содиқ қолади. Унинг қаҳрамонлари кутилмаган тарзда иш тутаядилар. Қизининг вафот этиши натижасида Кречмер икки йўл бошида қолади: шу баҳона хотини билан топишиб, яна аввалги оилавий ҳаётини давом эттиривериши мумкин эди. Бироқ асар қаҳрамони мана шундай жиддий паллада ўзининг ожизлигини енга олмай, Магданинг ёнида қолаверади.

Бундан қатъий назар, “Жаҳолат чоҳи” асари қатъий ахлоқ мезонлари негизига қурилган. Нафақат Кречмарнинг зиддиятли руҳий ҳолати, балки асарнинг бутун ахлоқий моҳияти ҳам шундан далолат беради. Магданинг доимий жазмани Горн тимсоли ҳам буни тасдиқлайди. Набоков Горнга “Мана шу талантли каррикатуристдан ҳам сувоққон, ахлоқсиз ва ўзгаларни мутлақо назар-писанд қилмайдиган кимсани топиш амри маҳол” дея таъриф беради. Адиб бу қаҳрамонни тасвирлашда кучли муболага ҳам ишлатади. Афти “маймунга ўхшайдиган, шалпангқулоғи диққатга оғзи ҳам ҳаёсизлигидан далолат беради”. Горн анъанавий ахлоқ-одоб тамойилларига қарши чиқади. Горн билан ўйнашининг хатти-ҳаракатлари романнинг номланишига мос тушади.

“Жаҳолат чоҳи” билан бирга “Жасорат” романининг ҳам чоп этилиши чет эллардан бошпана топган руслар орасида Набоковнинг обрў-эътиборини ошириб юборди. Шу билан биргаликда улар орасида Набоков асарларида анъанавий рус адабиёти тамойилларига амал қилмаслигига оид хулосалар қатъий тус олди. Хусусан, романнинг пухта ўйланган тузилиши, воқеаларнинг изчил ривожланиши инглиз адабиётига хос хусусиятлардир, деган фикрлар ўртага ташланди. Набоков муайян ғояларни илгари сурмасдан воқеаларнинг ижтимоий ваз-қарсонларига ҳам қизиқмаслиги танқидчиларга хуш ёқавермасди. Қолаверса, бу романни мазмунига биноан “Лолита” асарини яратиш йўлидаги бир поғона сифатида қабул қилдилар.

Набоков барча асарларида ўз эътиқодига содиқ қолади: воқеликдан шунчаки кўчирма олмасдан, ижод қилиб, янгидан яратади. Унинг бу нуқтаи назари О.Уальднинг фикрларини кўп жиҳатдан эста солади: “Биронта ҳам буюк ижод-

кор воқеаларни асил ҳолатида қабул қилмайди, яратган асарлари эса дунёқарашининг қанчалар теранлигига мос равишда қадрланади”. Лекин Набоков тева-рак-атрофидаги дунёга яқин салафдошларидан фарқли равишда ёндошади.

Кучли ҳашоратшунос, ҳайвонот олами, капалаклар тўғрисида кўпдан-кўп илмий мақолаларнинг муаллифи бўлган Набоков ранг-баранг ўзгарувчан ҳаётнинг энг жузъий жиҳатларини ҳам диққат-эътибор билан кузатади. “Кўким-тир-қора; оппоқ боғичли капалак”, ёхуд “йирик буруннинг гордай қоп-қора ичкарисидан узун жингалак юнг чиқиб турарди” — “Қатлгоҳга таклиф” романидаги ҳакам қиёфасини тасвирлашда адиб шу детални ҳам ишлатади.

Набоков хилма-хил феъл-атворларни тасвирлаганида ҳам мана шундай холисона йўл тутайди. Тубанлик даражаси бирон-бир қаҳрамонга баҳо беришда ҳал қилувчи мезон вазифасини ўтайди. Набоковнинг эътироф этишича, Гўзаллик, Муҳаббат, Табиат, Ҳақиқат сингари буюк сўзларни бирон-бир тубан кимса тилга олар экан, икки дунёда ҳам жирканч башарасини ниқоблай олмайди. У нималарни тилга олмасин, олижаноб кўринишга ҳар қанча уринмасин, ҳамма-ҳаммаси сохта бўлиб чиқаверади. Аини паллада чинакам самимийлик, беғаразлик, холислик ҳар қандай бемаъниликдан холи бўлади. Шу билан бирга анъана-тамойилларни идрок этиш ва қайтадан идрок этиш, ҳар бир ижодкор ўз йўлига эга бўлишига оид тушунчалар Набоков ижодининг бевосита ёки бавосита мавзуларига айланади. Бу мавзулар айниқса “Ҳадя” асарида яққол кўзга ташланади. Мазкур романи Набоковнинг ўзи рус адабиёти тўғрисидаги асар дея таърифлаганди.

Бу Чернишевский тўғрисидаги асар ҳисобланади. “Машенька” асарида бўлганидек, “Ҳадя” романининг қаҳрамони ҳам ёш ижодкор. Лекин “Машенька”да адибнинг ижодий фаолияти тилга олинмайди. “Ҳадя” романида эса қаҳрамоннинг бадиий ижод жараёни тасвирланади. Асар қаҳрамонининг исми-шарифи бежиз қўшалоқ — Годунов-Чердинцев — эмас. Фамилиянинг дастлабкиси Пушкинга ишора бўлса, кейинги қисмининг дастлабки ҳарфлари Чернишевскийни эсга солади. XX асрдаги ҳар бир рус адиби сингари асар қаҳрамони ҳам ўзини ана шу икки йирик сиймоларнинг вориси деб билади ва биттасини тан олган ҳолда иккинчисидан юз ўгиради. Годунов-Чердинцев Пушкиннинг насрий асарларидан чинакам илҳомланар экан, асил иқтидорини юзага чиқаради: “Пушкин асарларининг руҳи унинг қон-қонига сингиди. Пушкин овози билан отасининг овози уйғунлашиб кетди” (“Ҳадя”). Бироқ Годунов-Чердинцев учун (Набоков учун ҳам, албатта) Пушкин рус маданиятининг ёрқин юлдузи бўлса, унинг тамомила қарама-қаршиси бўлган Чернишевский миллий маданиятнинг иллатидан бошқа нарса эмас. Чунки аини Чернишевский адабиёт, санъатнинг асил вазифаси оёқ ости қилинишига сабабчи бўлган. Набоковнинг Чернишевскийга муносабати албатта мунозарали. Шу асари эълон қилинган, унга қарши ўта кескин фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилган. Бу буюк инқилобчи — демократни ёвузона ҳақоратлаш деган мулоҳазалар ҳам ўртага ташланди. Шу сабаб Парижда чиқадиган “Современные записки” журналида ўз вақтида бу асар чоп этишни лозим топмайдилар¹. Бироқ Набоков Чернишевскийнинг инқилобий фаолияти ҳақлигига, гоёларининг улуғвор ва олижаноблигига² ҳеч қачон шубҳа билан қарамаган, аксинча, бу борада у билан ҳамфикр бўлган. Ҳамма гап Чернишевский тарихий шахсиятининг ижодий шахсияти билан мос тушмаганлигидадир; дунёни тасаввур қилиш ва англашдаги ожизлиги, гўзалликни қадрлай билмаслиги ва ярата олмаслигидадир². Набоковнинг қаҳрамони охир-оқибат Чернишевский меросидан юз ўгиради. Адиб бу борада ҳам ўз эътиқодига содиқ қолади: “эркин роман” яратиш учун ўзига йўл очади.

Тамойил-анъаналарга қарши кураш мавзуи “Қатлгоҳга таклиф” романида ҳам учрайди. Цинциннатнинг қатл этилиши ижодкорнинг “сарқит ақидалар” юкидан халос бўлиши сифатида талқин этилади. Цинциннат мактаб ўқувчилари учун мумтоз рус адибларининг митти қиёфаларини ясаганини эслашнинг ўзиёқ бу фикрни исботлаш учун кифоя қилади. Цинциннат афсонавий XIX

¹ А. Долинин фикрига таянган ҳолда шуни эътироф қилаёلمиз (муаллиф).

² Долинин А. Цветная спираль Набокова, 460-бет.

асрга сунъий равишда ружу қўяр экан, ўзи учун нажот топишга интилади. Қолаверса, романнинг Цинциннатдан бошқа асосий қаҳрамонларининг барчаси ана шундай қўғирчоқларга, мажозий қиёфаларга ўхшаб кетади. Исм-шарифлар, сўзлаш хусусияти, кийим-кечаклари, ташқи қиёфаси рус ва жаҳон адабиётининг муайян анъаналарини эсга солади. Масалан: Эмочка (“Қатлгоҳга таклиф”) — Флобер қаҳрамонининг адаши, мосъе Пьер эса — “Уруш ва тинчлик” қаҳрамонининг адаши, у шунингдек, Гоголнинг Петрушкасига ҳам ўхшаб кетади. Кўриниб турибдики, В.Набоков ижодининг асосий мавзуи — ижод жараёнининг ўзгинаси, бу шахматчи Лужин, ўлим жазосини кутаётган Цинциннат, адабиётчи Ганин, Федор Годунов-Чердинцев, санъатшунос Кречмар ва бошқалар.

Набоков 1940 йилдан АҚШда яшайди. У эндиликда узил-кесил инглиз тилида ижод қила бошлайди. Америкада у “Себастьян Найтнинг асил ҳаёти” (1941 й.), “Ноқонуний туғилганлар” (1947), “Бегона соҳиллар” (1954), “Лолита” (1955), “Фиальтда баҳор ва бошқа ҳикоялар” (1956), “Пнин” (1957), “Ада” (1969), “Саробий ашёлар” (1972), “Масхарабозларга қаранг” (1974), “Нозанин ва бошқа ҳикоялар”, “Золимлар қирғинбароти ва бошқа ҳикоялар” каби асарларни яратади.

Набоков Америкага келиши биланоқ рус адабиёти тўғрисидаги маърузаларини ёзишга киришади. Ўзининг эътироф қилишича, йил давомида икки минг саҳифа маъруза матнини қоралайди. Кейинчалик ана шу маърузалар асосида ўн саккиз йил давомида дарс ўтади. Муаллим сифатида асосан XIX аср билан шуғуллангани бежиз эмас. XVIII; яъни кумуш аср талабалар учун бирмунча мураккаблик қиларди. Шўролар даврида эса, Набоковнинг фикрича, чинакам адабиёт, санъатнинг юзига парда тортилганди. Шу боис 40-50-йилларда болшевоиларни йўлига эслаш билан кифояланса, 60-йилларнинг ўрталарига боргандагина ўз ватанида яратилаётган адабиёт намуналарига қисман эътибор беради.

В.Набоков Жуковский, Карамзин, Грибоедов, Лермонтов, Тютчев, Державин, Фонвизин, Лесков, Блов, Толстой, Достоевский ва бошқалар ижоди тўғрисида маърузалар қилади. Лев Толстойнинг “панднома” (Ив. Толстой таъбири) “Уруш ва тинчлик” асарини инкор этиб, “Анна Каренина” ва “Иван Ильич” асарларига мойиллик кўрсатади. Тургеневнинг “Оталар ва болалар” романига урғу бергани билан асардаги қаҳрамонлар эмас, балки халқ ҳаёти тасвирланиши диққатини тортади.

У Горькийга ҳам холисона баҳо беришга интилади. Достоевскийнинг ижодий меросига ҳам ўта талабчанлик билан ёндошади. Набоков ана шу сингари адибларнинг ижодий меросини тафтиш қилар экан, “Ёзувчининг олий мақсади — китобхонни томошабинга айлантиришдан иборат” эканини таъкидлайди.

Набоков ана шу давр адабиётини синчиклаб ўрганиб, муайян тарихий шарт-шароитлар таъсири остида сўз санъатига хос бўлмаган: ўргатиш, маърифатли этиш, насихатгўйлик қилиш, сиёсий, ижтимоий ва фалсафий ғояларни ўртага ташлаш, омма онгига сингдириш сингари вазифалар билан шуғулланди, деган хулосага келади. Бу пировард-натигада адабиётнинг деярли тўла мафкуравийлашувига олиб келади. Набоков сўз санъатининг асосий эстетик вазифаси хаспўшланиб, шаклан қотиб қолди ёки унга нисбатан зўравонлик қилинди, деган даъвои ўртага ташлайди. Шу боис Достоевскийнинг мафкуравий романи, “Уруш ва тинчлик”, “Нима қилмоқ керак?” сингари муайян мақсадга йўналтирилган анъанавий асарларга қарши очиқ уруш эълон қилади. Унинг фикрига кўра, асарнинг бадиий қиммати “қандай” фикр айтилганига эмас, балки “қай тарзда”, “қандай воситалар ёрдамида” айтилгани билан баҳоланади. Шу жиҳатдан олганда Пушкиннинг асарлари, Гоголнинг “Ўлик жонлар”, “Ревизор” асарларини, Толстойнинг “Анна Каренина” романи, А.Белийнинг “Петербург” асарини алоҳида хайрхоҳлик билан тилга олади.

Асад АСИЛ

“Чироғим, мен — Сидқийман!..”

Машҳур хаттот, Шарқ адабиётининг зукко билимдони Абдулла отадан ҳаммамиз маънавий қарздормиз. Илм излаб Тошкентга келган, маърифату маънавият қидириб юрганларнинг кўпчилиги қарздор.

Минг тўққиз юз саксон тўртинчи йилдаги бир воқеани эсласам ҳали-ҳануз ич-ичимдан эзиламан, уяламан. Узрлар сўраб, кўнгилларини бир амаллаб овлай десам... Абдулла отанинг ўзлари йўқ. Мабодо ҳаёт бўлганларида нуроний чехрасига ёқимли ним табассум югурарди-да, елкамга ҳазиломуз енгил туртиб қўйиб: “Вой, афанди-ей, шуни ҳалиям кўтариб юрибсизми-я!” деб тасалли берган бўларди. Шу билан олам гулистон. Елкамдан тош тушарди, қутулиб олардим. Энди, тушимда кўрмасам, ўнгимда учрашиш йўқ...

Дарвоқе, ҳеч ақл бовар қилмас ҳодисалар баъзан тушга киради. Ахир 1934 йилда вафот этиб кетган Сирождин Маҳдум Мирзоҳид ўғли — Сидқий Хондайлиқийни мен — 1941 йилда туғилган Асад Асил тушимда кўрдим...

Авалло Абдулла отадан қарздорлик ҳақида. Ўша минг тўққиз юз саксон тўртинчи йилда саксон беш ёшга борган Абдулла Носихийни телевидение биносига таклиф этган эдик. Аслида бориб олиб келишимиз керак эди. Аммо бунга ҳожат қолмади, бир оғиз таклифни ерда қолдирмай ота белгиланган вақтдан анча олдин фириллаб этиб келдилар. Ахир табаррук домласи, 1916 йилдан хаттотлик сирларини ўрганиш баҳонасида бошланган устозлик умр бўйи айрилмас дўстликка, туғишган оға-ини, ҳатто падари бузрукворидек азизу мўътабар яқинликка айланиб кетган азиз инсон таваллудининг юз йиллиги нишонланапти! “Ашаддий”, дея ёпиштирилган ёрлиқ зарбидан муштдек қалби дарз кетиб, бор-йўғи эллик ёшида оламдан кўз юмган шўрлик домласи таваллудига юз йил тўлаяпти-ю, югуриб келмай бўладими!..

Биз уч киши эдик: бошловчи, Абдулла ота ва мен. Ҳар биримиз ўз билганимизча Сидқий Хондайлиқий ижоди ҳақида гапиришимиз керак. Кўрсатув учун салкам бир соат ажратилган. Бошловчи шу қадар киришиб кетибдики, бир маҳал қарасам салкам бир соатдан бор-йўғи беш дақиқа вақт қолибди. Тағин у киши қаршисига қўл соатини қўйиб олган. Ўзимча ўйлайман: “Вақт тугаса, яна қўшиб беришар, ахир Абдулла ота бор, мен бор...”. “Зангори экран”га биринчи чиқишим. Бу ердаги тартиб хусусида ҳеч нарса билмас эканман, бирор дақиқа ҳам қўшиб бўлмас экан. Тепадан мутасадди ходим Абдусамад Файзиев нимадир демоқчи бўлиб тинимсиз имлайди, мен тушунмайман. Ниҳоят, икки-уч дақиқа вақт қолганда олиб борувчи менга хиёл энгашди-да: “Гапиринг-у, бир минутдан ошмасин”, деб шивирлади. “Абдулла ота гапира қолсинлар”, дедим мен ҳам шивирлаб. “Э, бу одам эшитмайди, гапиниям тушуниш қийин, бўлинг тез, вақт тугаяпти!” деди тиқилинч қилиб. Мен уч-тўрт оғиз гапирган бўлдим-

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

160

у, нима деганимни ўзим ҳам унчалик тушунмадим. Шу заҳоти бошловчимиз гапни яна юлиб олди-да, телетомошабинлар билан хайрлашиб қўяқолди. Гарангсиганча ўрнимиздан турдик. Абдусамад: “Бошловчиларингиз бунчалик ноинсоф бўлмаса, мен сизга имлайвериб чарчадим-ку, нега ундан сўзни тортиб олмадингиз?!” дейди беллари газабдан қип-қизариб. “Абдулла ота-чи?” дейман мен ҳамон довдираб. “Ўзингиз гапириб бўлгач, сўзни Абдулла отага берардингиз-да!” дейди Абдусамад ҳамон жаҳддан тушмай. Шу ҳолда тортиша-тортиша кўчага чиқдик, аллақачон қош қорайиб кетибди. Шундоқ келиб, шундоқ кетаётган саксон беш ёшли Абдулла ота: “Яхши боринглар, мен метрога тушаман, кейин трамвайларда шифокорлар шаҳарчасига етиб оларман”, дейди кулимсираганча қўлларини силкита-силкита хайрлашаркан. Ўз шахсий машинасида келган бошловчи эса: “Бўпти бўлмаса”, дея тезроқ жўнаб қолиш пайида. Тезлаб бориб, машина эшигини силтаб тортдим: “Абдулла отани уйига олиб бориб қўясиз, кира ҳақингизни тўлайман!” дедим. Машина ичкарасидан: “Майли, ўтирсинлар”, деган минғирлаш эшитилди. Отани зўрға кўндириб қайтариб олиб келиб, машинага жойлаштирдим. Ўзим метро сари жўнар эқанман, салкам бир соатнинг ҳеч бўлмаса ярми ўтганда бошловчидан гапни юлиб олмаганим, Абдулла отани гапиртира олмаганим учун ўқинардим. Ота устозининг улуғ кунини қанчалар орзиқиб кутганлари, нималарни кўнглига тугиб юргани, юрагидан чиқариб нималар демоқчи эканлари... барча-барчаси сирлигича қолиб кетди!.. Ҳали-ҳануз ўқинаман.

Яқинда Сирождидин маҳдум Мирзоҳид ўғли — Сидқий Хойдайлиқийни тушимда кўрдим: ўртадан пастроқ бўй, ихчамгина қомат, калта тўмтоқ соқол, чакнаган кўзлар... Уларда газаб ёки ғам ифодаси. Менга бир қараб қўйди-да, гаплашгиси келмагандек, юзини ўгириб олди. Бир нима дейишга журъатим йўқ. Орада кимдир куйиб-пишиб мен ҳақимда нималарнидир тушунтиряпти. “Кўп ишлади, кўп ҳаракат қилди...” Қулоғимга шу каби сўзлар чалинмоқда. Ниҳоят, ҳалиги зотнинг рухсори юмшади, чехрасига майин табассум кўнди, менга оҳиста ўтирилди. Энди қиёфасида газаб эмас, меҳр порлаб турибди. Уртадаги одам ҳамон ўзини қўярга жой тополмай, бизларни янаям яхшироқ мулоқотга келтириш учун ундаяпти. Зардалироқ кўринган ул зотни танимадим. Юзу кўзларини кўргандайман, аммо танимаяпман. Орадаги воситачи уни обдан юмшатгач, ул зотнинг чехрасига ёқимли табассум қалқиб чиқди-да: “Чироғим, мен — Сидқийман!..”, дедилар бемалол эшитиларли қилиб. Фурсатни ғанимат билиб, ул зотни суҳбатга тортгим, табаррук гапларини эшитгим келади. Ниҳоят, бир йўли топилгандек: “Ватан” деб номланган қўлёзма шеърингиз топилгач, асарларингиз кўркини яна бир поғона кўтариб юборди!” дейман ҳаяжондан дамим ичимга тушиб. “Шеърдаги бир-икки сўзларни чалқаштириб қўйгансизлар”, дейдилар устоз энди унчалик аччиқланмай. Шундай кейингина ўртада куйиб-пишаётган киши йўқолиб қолди. “Бу, Абдулла ота бўлсалар керак. Ҳа, албатта, Абдулла отанинг худди ўзгинаси!”

Уйғониб кетдим. Анча маҳалгача ўзимга кела олмай ҳаяжон оғушида ётдим. Ҳа, шу воқеани тушимда кўрдим!

Абдулла ота Носиров таваллудига бу йил роппа-роса бир аср тўлди. Бу инсон ҳақида ўйлаганим ҳамона кўз ўнгимда чўзиққина озгин юзлар, доимо кулимсиб турувчи мулойим кўзлар: “Биздан қандай хизмат?” деб тикилиб тургандек бўлаверади. “Минг раҳмат сизга, отахон! Сиз бу оламдаги юмушларингизни қойиллатиб ўтаб қўйгансиз. Мурожаат қилганларнинг барчасига ҳам беминнат ёрдамингизни аямагансиз. Ҳаммамиз Сиздан ўла-ўлгунимизча қарздормиз. Сизни Оллоҳ раҳматига олган бўлсин...”

Абдулла Носиров 1899 йилнинг декабр ойида Тошкентда туғилди. Отаси Муҳаммадносиҳ Алимуҳаммад ўғли бутун ҳаётини маърифат ва маънавият учун сарфлаган зиёли инсон эди. Бор-йўғи эллик йил умр кўрган бу зот сира тиниб-тинчимаган экан. Унинг довруғини дам Истамбулдан, дам Мисрдан, Боку ва Қозондан, ҳатто Оренбургдан эшитиб туришаркан. Шукурхон мадрасасини тугатган Муҳаммадносиҳ ўз даврининг Абдулла Авлоний, Хуршид, Ҳақирий, Ка-

мий, Сидқий Хондайлиқий каби етук зиёлилари билан ҳамнафас бўлиб, улардан ўрганар, билимини оширишга ҳаракат қиларди. Табиийки, бундай отанинг фарзанди ҳам илм-маърифатдан бебаҳра қолмади. Зеҳни ўткир, хушмуомала, меҳнатсевар Абдулла “Бекларбёги” мадрасасида ўқиди. Сўнг даврининг забардаст шоири, моҳир хаттоти ва етук таржимони Сидқий Хондайлиқийга шогирд тушди. Абдулла Носиров 1916—1918 йиллар давомида меҳрибон устозидан нафақат хаттогликни, балки етук инсонга хос барча фазилатларни ҳам ўрганди. Абдулла отанинг ғоят сермазмун, ҳақиқий савоб асосига қурилган иш фаолияти ҳақида илмий рисоалар ёзиш мумкин. Меҳнатсевар бу инсон бетиним ижод қиларди, турли хил фанларга, хусусан, шарқшуносликка оид кўплаб маълумотларни саралар, инвентар рақамлар кўйиб, муқовалаб китоб жамғармаси ихтиёрига ўтказарди. Ота қўлидан ўтган бундай ишлар сони икки мингтадан ошиб кетган эди.

Абдулла Носиров меҳнат фаолиятини йигирманчи йилларнинг бошларида Тошкентдаги “Турон” кутубхонасидан бошлаган. Ижодга мойил Абдулла ўз вазифасини сидқидилдан бажариши билан бирга 143 шоирнинг ижоди ва таржимаи ҳолига оид “Биликот” номли тазкира тузади. Бу мазмунли ва савобли иши учун ўша пайтдаёқ унга машҳур шарқшунос олим Бартольд катта баҳо берган эди. Хуллас, салкам тўқсон йил умр кўрган бу табаррук инсон етмиш йилдан зиёд давом этган узлуксиз иш фаолиятини уч-тўртта илм даргоҳида ўтказди. “Турон” кутубхонасидан сўнг Алӣшер Навоий номидаги Марказий кутубхона ва ниҳоят, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти... Абдулла Носиров отаси сингари ўз даврининг етук алломалари билан ҳамнафас, ҳамфикр ва яқин дўстона алоқада яшади. Хусусан, халқимизнинг сеvimли адиби, азиз фарзанди Абдулла Қодирий билан қадрдон дўст эди. 1925 йилнинг ажойиб бир кунда “Турон” кутубхонасига Абдулла Қодирий кириб келади. “Махсум, вақтингиз бўлса, романимни кўчириб берсангиз, — адашига илтимос қилади Абдулла Қодирий. — Қўлёмани ўзимда олиб қолиб, нашриётга нусхасини топширсам...” Бу “Ўткан кунлар” романи эди. Нусха кўчириш баҳонасида романни Абдулла Носиров биринчилардан бўлиб ўқиб чиққан экан! “Кўчирипману, кўзларимдан беихтиёр ёш оқиб кетарди!..” дея хотирлаган эди Абдулла ота.

Абдулла ота билан етмишинчи йилларнинг иккинчи ярмида Шарқшунослик институти биносида учрашганмиз. Отахон бу даргоҳдаги қўлёмалар бўлимида катта илмий ходим бўлиб ишларди. Ижод ёки илмий ишга бел боғлаганларнинг деярли барчаси Абдулла ота ёрдамига муҳтож эдилар. Чунки бу инсон ҳар қандай мураккаб қўлёмани ҳеч қийналмай ўқир ва мағзини чақиб берарди. Энг муҳими, сира миннат қилмас, тенги йўқ олижаноб инсон эди. Бу даргоҳдан одам оёғи узилмас, эҳтиёмандлар ғоят муҳим ишларини осон битиришиб, бошлари кўкка етиб қайтар эдилар. Мен ҳам отахон билан кўп йиллар давомида учрашиб турдим. У кишининг сеvimли устози, ҳамқишлоғим Сирожиддин маҳдум — Сидқий Хондайлиқийнинг пок руҳи бизларни учраштириб қўйганди, чамаси. Биз биргаликда шоирнинг юз йиллик таваллудига ҳозирлик кўрардик. Неча йиллар давомида менга яқиндан ёрдам бериб келган отанинг бирон марта оғрингани ёки қовоқ уйганини ҳеч эслай олмайман. Тошкентнинг “Шифокорлар шаҳарчаси”да яшовчи ўғли Мидҳат ака хонадониди Абдулла ота билан бирга иш билан бўлиб тунларни тонгга улаб юборардик. Ота фақат бир нарсани жон-дилидан истарди: “Сеvimли домлам Сидқий Хондайлиқийнинг пана-пастқамликларда қолиб кетаётган адабий мероси тезроқ ва тўлиқ юзага чиқа қолса эди!”

Сидқий Хондайлиқий асарларини саралаб нашрга таёрлаган кунларимизнинг бирида “Мезони шарият”ни ҳам “бўлмайдиган”лар қаторига қўшиб қўйганди ота. “Наҳотки бу китоб ҳам яроқсиз бўлса?!” дея сўраганимда: “Вой, афанди-ей, — жавоб берганди Абдулла ота. — Вақти келиб бу китоб шунчалар жавлон урсинки, ўқиганларнинг ҳаммаси қойил қолсин!..” Дарҳақиқат, Ватанимиз мустақил бўлгач, “Мезони шарият” каби “қамоқ”да ётган ажойиб асарлар ёруғликка чиқди.

Абдулла ота Носиров меҳрибон устози Сидқий Хондайлиқийнинг таваллудининг юз йиллигига бағишланган йиғинларда яйраб иштирок этган, одамларни сел қилиб, юракдаги гапларини айтган эди. Абдулла ота билан бирга шу даврада халқимизнинг бир қатор етук фарзандлари ҳам қатнашган эдилар. Отахон ишхонасига қайтган заҳоти бу санага оид маълумотларни, фотосуратларни жамлаб ажойиб албом тузган эканлар. Буни энг долзарб буюмлари сақланадиган ўнг ёқдаги ғаладонда сақлаб, мени кутган экан, чамаси. Мен гумроҳ икки йил орасида ҳар хил ишлар билан банд бўлиб, Абдулла отага учрашолмадим. Абдулла ота худди устози каби тўсатдан оламдан ўтибди. Яқин бир кишисиникида меҳмонда бўлиб, ёстиққа ёнбошлабди-ю, жон таслим қилибди. Ота ўрнида ишлаётган зукко йигит — Абдурашид билан бирга ғаладонларни кўриб ўтириб Абдулла ота алоҳида ажратиб қўйган албомни топиб олдик. Унда жамланган ноёб материаллар, фотосуратлар бизни яна қайта юз кўриштиргандек бўлди. Албомнинг биринчи бетида “Хуш келибсиз”, дегандек, Абдулла ота ёқимли жилмайиб турибдилар. Саҳифа ичидаги суратларда эса Сидқий Хондайлиқийнинг таваллудига юз йил тўлиши тантаналарида иштирок этган домла Гулом Каримов, Озод Шарафиддинов, Ҳусниддин Шарипов, Бегали Қосимов, Тоҳир Малик ва бошқаларнинг сиймолари ҳам акс этган. Оллоҳнинг севган бандаси Абдулла ота бу албомни матбуот орқали халқимизга кўз-кўз қилмоқчи бўлган-у, улгура олмаган. Унинг бу каби эзгу орзуларини бизлар албатта рўёбга чиқаришимиз керак.

Куёш шарқдан чиқади

Фозила Сулаймонова. Шарқ ва Ғарб.
“Ўзбекистон” нашриёти, Тошкент — 1998.

Таниқли олима Фозила Сулаймонованинг янги “Шарқ ва Ғарб” номли қизиқарли китоби, жиддий ва чуқур илмий асар сифатида ўқувчи диққатини ўзига тортиши табиий. Биз ҳам ушбу китобни имкони борича диққат билан мутолаа қилиб, ундаги мавзулар ва кўтарилган масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашишга қарор қилдик.

Муаллиф қадимги римликларнинг “Ех ориенте lux”, яъни “Нур Шарқдан” деган машҳур иборасини ўз китобига эпитаф қилиб олган.

Китоб Шарқ ва Ғарбнинг, асосан қадимий ва ўрта асрлар маданий алоқаларини қамраб олади. Шундай қатта тарихий даврга оид кенг қамровли муаммолар бўйича, чуқур кузатишлар, изчил мушоҳада ва изланишлар маҳсули сифатида ушбу китоб юзага келган. Бу асарни атоқли олиманинг ўттиз йиллик илмий изланишларининг ўзига хос якуни ва натижаси деб баҳолаш мумкин.

Муаллиф кириш сўзида “Ҳеч қайси халқ, элат бошқа халқлардан узилиб қолган, ўз ҳолича яшаган эмас, акс ҳолда ҳеч қандай тараққиёт бўлмаган бўлар эди. Энг қадимий ва антик даврлардаги аждодларимиз Миср, Бобил, Марказий Греция, Юнонистон каби минтақалар билан алоқа қилинган” деб таъкидлайди. Бу тўғри фикр, чунки инсоннинг ўзи ҳам ижтимоий ҳодиса сифатида аста-секин босқичма-босқич тараққиёт чўққиларига кўтарилган.

Тараққиёт инсоннинг маънавий ва моддий такомилнинг маҳсули бўлгани учун, ҳеч қачон уни кишилиқ жамиятининг ўзаро иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий алоқаларсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Муаллиф кириш сўзида турли халқлар, элатлар ва мамлакатлар билан Ўрта Осиё халқларининг турли соҳаларда муносабатда бўлганини кўрсатиб ўтиб, тарихий манбааларга таянган ҳолда Шарқ ва Ғарб мамлакатлари орасида маданий-тарихий алоқалар мавжуд бўлганлигини алоҳида таъкидлайди.

Ушбу асар икки асосий қисмдан иборат. Биринчи қисм етти боб бўлиб, улар илк маълумотлар, иония илм-фалсафаси, антик адабиётда Марказий Осиё, Эллинизм ва Марказий Осиё ва Искандар Макдуний юришлари, адабиётдан унинг образига бағишланган.

Муаллиф ҳозиргача халқимизнинг узоқ ўтмиши ва жаҳон цивилизацияси ривожига қандай ҳисса қўшгани ҳақида етарли даражада маълумот берувчи асарлар йўқлигидан афсусланади. Айрим мавжуд асарлар эса кўпинча европоцентризм методологияси асосида, Марказий Осиё халқлари маданиятига менсимаслик нуқтаи назаридан ёндашиб, факт ва воқеаларни ўта бир ёқлама талқин қилади, деб кўрсатади.

Ф. Сулаймонова мусулмонлар орқали араб ва шарқ маданияти, турли илму фан Оврупо мамлакатларига тарқалиши сабаблари ва омиллари, шу-

нингдек, Ғарб мамлакатлари олий ўқув юртларида машхур шарқ мутафаккирлари Форобий, Ибн Сино ва Ибн Рушд асарлари ўқитилиб келгани ҳақида сўз юритиб, ғарб олимларидан бирининг сўзига таянган ҳолда Овруро то XII асргача — араб фанининг чекка вилояти эканлигини таъкидлайди. Унинг тадқиқотиغا биноан Испанияда шакланган таржимонлар мактаби фақат грек-араб фанини эмас, балки Хоразмий, Форобий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино каби ўнлаб Мовароуннаҳр олимларининг асарларидан ҳам Ғарбий Овруропони баҳраманд қилганлар. Бу мақсадга эришиш учун Ғарбий Овруро мамлакатларида мингга яқин мутаржимлар иш олиб борганлар. XI—XIV асрларда Ғарб университетлари, айниқса табиёт факультетларида араб фани ва тилисиз фаолият олиб бориш ғайритабиий бўлиб туялар экан.

Фозила Сулаймонова ишонарли тарихий манбаларга асосланиб, Ғарбга Шарқ таъсири фақат илму фан ва фалсафа соҳасидагина эмас, балки адабиётда ҳам сезиларли бўлган деб далолат беради. Муаллиф XVII—XVIII асрлардаги овруполик олимлар тадқиқотларига асосланиб, миллий тил ва дунёвий мазмундаги энг қадимий шеърят — провансал шеърятни араб Испаниясида шакланган деган фикрни олға суради. Адабиётшунос олимларнинг XVII асрдан бошлаб XIX асргача ёзилган еттита китобларига таянган ҳолда, Оврурода энг қадимий деб тан олинган Прованс трубадурлари шеърятини ва цивилизацияси тўғридан-тўғри испан араблари таъсири остида келиб чиққан деган хулосага келади.

Муаллиф ёзишича, ушбу қадимий шеърят, аввало араб тилида, кейинчалик муламмаъ (ширу шакар) турида шакланган. Бу шеърлар кўпинча зажал ва мувашшах жанрларида яратилган бўлиб, айниқса зажал кенг ривож топган. Зажалнинг муваффақиятидан мутасаввифлар (Ибн Арабий) ҳам кенг фойдаланганлар, улар зикр тушишда айнан ана шу жанрни қўллаганлар.

Ф. Сулаймонова тарихий манбаларда Шарқу Ғарб орасидаги муштарак ва ўхшаш томонларни қидириб, қадимги Эллада адиблари асарларида халқимизнинг узоқ ўтмишига оид маълумотлар сақланиб қолганлигини эслатиб ўтади.

Иккинчи бобда Зардушт динининг қандай юзага келиши ва ривожланиши, Марказий Осиё халқлари кимлар эканлиги ҳақида сўз юритилади. 22-бетда ва бошқа баъзи жойларда “Марказий Осиё (Шарқий Эрон)”, деб ёзилган. Биз бу ифода тарихий воқеликка мос келмайди, деб ҳисоблаймиз. Зардушт таълимоти моҳияти ва унинг тарқалиш йўллари текшириш жараёнида, Навоийнинг бир газалида “шарораи зардушт”, “дайри мажус”, “маий муғона” ва “муғбача” сўзлари ва бошқа бир қатор Навоий фойдаланган тимсоллар ишлатилганлигини назарда тутган ҳолда “бизнинг вазифамиз Навоий фойдаланган тимсоллар маънисини очиш эмас, балки Навоийдек зот ҳам зардуштийликка мурожаат этгани, XV асрда ҳам ҳали ота-боболар дини ҳақидаги тушунча барҳаёт эканлигини аниқлашдир” деб ёзилади (39-бет). “Фавоидул-кибар” девонидан олинган мазкур газални изоҳлашда “ноқус” (албатта ноқўс-ж.) сўзи (“зардуштийлар кўнғироғи”) деб изоҳланган. Ушбу сўз арғанун билан бир мисрада ишлатилган (Гар арғанун уни йўқ эрса, басдурур ноқўс). Луғатномаларда ёзилганидек, ноқўс-насонийлар калисоси (черкови) буржигга осилиб, ибодатга даъват учун чалинадиган катта кўнғироқдан иборат бўлиб, зардуштийлик динига алоқаси йўқ. Калисода насронийлар ибодат маросимида арғанун (орган) чаладилар.

Навоий нафақат зардушт дини, балки насронийлик (исавият дини), яҳудийлик, будпарастлик динига тегишли бўлган жуда кўп атамалар ва сўзлардан ҳам образли фойдаланиб келган. Масалан, дайр, сўмаа, буд, санам, зуннор, тарсо, киништ каби сўзларни бутун ижодиётида ишлатган. Уларнинг ҳеч бирини Навоий мазкур динларга қизиқиши ва мурожаатининг далили деб бўлмайди. Китобнинг ўзида ҳам Шарқ шеърятини бундай тимсоллар мажозий маънога эга эканлиги тўғри таъкидлаб ўтилган.

Олима учинчи бобни антик адабиётда Марказий Осиё мавзусига бағишлаб, турли-туман Шарқу Ғарб олимларининг илмий-тарихий асарларига мурожаат қилиб, тарихий ҳодисалар, жуғрофий ва этник номлар ва афсонавий мавзуларни бир-бири билан солиштириб, этник гуруҳлар кимлар

эканликлари борасида текшириш олиб боради ва мунозарали баҳсларни ўртага ташлайди. Жумладан, у юнон муаррихлари ёзиб қолдирган маълумотларини ўрганиб, хоразмийлар ҳақида йирик эроншунос олим И. М. Дьяковнинг “Хоразм тили бир томондан, шарқий сак тиллари билан аниқ-равшан боғлиқ, ана шу далилга суянган ҳолда хоразмийларнинг жанубдан (Эрондан — Ф. С.) кўчиб келгани ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас” деган фикрини билдиради.

Муаллиф мавзуга чуқур кириб бориб, Саклар ва Скифлар ҳақида Херил Самоский “Персиада” достонида “қўй боқувчи саклар, улар скифлардан келиб чиққан, улар бугдойга бой бўлган Осиёда яшайдилар, улар инсонлар орасидаги энг адолатли кўчманчилар”, — деган сўзини келтириб, Хитой манбаларида ҳам “Сак халқлари тилга олиниб, улар Марказий Осиёнинг шарқий қисмида Хитой Туркистонининг ғарбий қисмида жойлашганлар дейилади”, — деб ёзади.

Асарда жуда кўп тарихчиларнинг фикру мулоҳазалари ва нуқтаи назарлари кўриб чиқилган. Юнонистонлик машҳур муаррих Херодот ёзишича, скифларнинг дастлабки аجدодлари “ўша қадим замонларда одам яшамайдиган ерларда дастлаб истиқомат қилган Тарғитой бўлган. Скифларнинг айтишларича, бу Тарғитойнинг отаси Зевс, онаси Борисфен дарёсининг қизи бўлган”. Ундан кейин муаллиф Тарғитой ҳақидаги бошқа бир қатор афсоналарни зикр этиб, Тарғитой сўзининг маъно ва мазмунини изоҳлашга ўтади. Бу ерда муаллиф турли эҳтимолларни таҳлил қилиб, “Жоми ат-таворих” муаллифи Рашидиддин берган маълумотни келтиради, “...бу мамлакатга каандан Тарғудай деган одам келди, у шу қабиладан (Тарғут қабиласидан) эди”. “Тарғудайкирилтук шу қабиланинг шоҳи эди”.

Муаллиф мазкур сўзнинг маъноси-ни қуйидагича изоҳлайди: Кошғарийнинг “Девону луғати турк” асарида “тарғил” сўзи “йўл-йўл”, “той — отнинг боласи”, “тойча, той” деб изоҳланади. Ҳозир ҳам туркий халқларда исмларга “той” қўшимчасини қўшиб ишлатиш кўплаб учрайди (76-бет).

Муаллиф скифларни эрон этник гуруҳига мансуб деб қаровчилар кўпли-

гини эслатиб ўтса ҳам, Муҳаммад Мусо-ал Хоразмий айтган фикр тўғрилигини таъкидлайди. У “Суратул-арз” китобида “Скифия мамлакати — бу турклар еридир ва ўртасининг узунлиги 114°0, кенгламаси 57°30 (1600). Скифия мамлакати бу тўққизғузлар еридир...” деб ёзади.

Ф. Сулаймонова изчил кузатишларида давом этиб, массагетлар ҳақида ҳам тадқиқот олиб боради ва айрим назарияларни бир-бири билан солиштиради. У замонавий тадқиқотчилар, Гекатей асари ва археологик материалларга суянган ҳолда массагетлар маданияти бошқа скиф халқлариникига ўхшаш эканлигига асосланиб, массагетлар ҳам скиф халқлари гуруҳига мансуб деган фикрга келадилар, деб таъкидлайди ва Страбон “Кирни ҳалок қилган массагетлар билан саклар бир халқ” деган сўзини нақл этади (83-бет).

Китоб муаллифи Ф. Сулаймонова сак ва скифлар ҳақида келтирган айрим фикру-мулоҳазаларини тасдиқлаш мақсадида “Тарихий жараён ва холислик мезони” сарлавҳаси остида “Тафаккур” журналининг 1999 йил 1-сонидан нашр этилган атоқли тарихчи олим профессор М. Исҳоқов билан ўтказилган суҳбатдан, олимнинг қуйидаги фикрларини келтирмоқчимиз: “масалан, юнон, хитой ва баъзи маҳаллий манбаларга суянадиган бўлсак, тарихда “сак-скифлар империя”си номи билан машҳур бўлган қадимий туркий ижтимоий тузилманинг илк шаклланиш даври... милоддан олдинги иккинчи минг йилликнинг охирларига тўғри келади. Демак, мустамлакачилик сиёсатини назарий жиҳатдан асослашга уринган олимларнинг туркийзабон халқлар бу ўлкага бошқа ҳудудлардан бостириб келган ёки кўчиб келгани ҳақидаги сафсаталари мутлақо асоссиз эканини тарихий манбалар кўрсатиб турибди”. (“Тафаккур” журнали, 1999 йил, 1-сон, 23-бет).

Ф. Сулаймонова эрон шаҳаншоҳлигининг асосчиси бўлмиш Кир бутун Марказий Осиё ҳудудларини ҳам Эрон давлатига қаратмоқчи бўлганда, эрк-севар массагетлар маликаси Томирис (Тоумарис) билан уруш олиб бориб, унинг қўлида ҳалок бўлгани тарихини муфассал баён этади: “Шундай қилиб ўзбек халқи аجدодларининг қаҳрамонлик эпоси намунаси Херодот туфайли

минг йиллар давомида қитғалар оша асрдан-асрга ўтиб келган ва ниҳоят, бизнинг давримизда асл ватанига қайтди”.

Муаллиф Искандар Макдунийнинг Ўрта Осиёга юришлари, Искандар тимсоли ва унинг Шарқ адабиёти, айниқса, тўрт хамсачи шоир (Низомий, Хисров Дехлавий, Жомий ва Навоий) асарларида қандай яратилганлиги ҳақида фикр билдиради. У Навоий яратган Искандар эрадан аввалги IV асрдаги Макдуния подшоҳи эмас, балки XV асрда яшаши мумкин бўлган ва шоир орзу қилган, ижобий фаолиятлар кўрсатган ва салбий хусусиятлардан холи бўлган идеал подшоҳ эди, деган жуда тўғри хулосани чиқаради.

Муаллиф ўз қимматли китобининг биринчи қисмини “эллизм ва унинг Марказий Осиё маданиятига таъсири” сарлавҳаси остида ёзилган еттинчи боб билан тугатади. У эллизм маданиятига олимона таъриф бериб, унинг туб моҳияти, таркибий қисмлари, адабий алоқалари борасида ҳам муфассал фикрларини баён этади.

У греклар ҳозирги Афғонистон ҳудудида қурган шаҳарлардан энг йириги бўлмиш “Ойхоним” шаҳри хусусида тўхтаб ўтади. Ф. Сулаймонова фикрича, шаҳар 400 гектар ерни ишғол этган. Унда театр, гимназий (унда болалар илмий ва жисмоний камолот топганлар), кутубхона, хазина, грек худоларига қурилган ибодатхоналар, давлат идоралари, қасрлар, саройлар бўлиб, фонтан, шахсий ҳовлилар мавжудлиги француз археологлари томонидан аниқланганлигини айтиб ўтади.

Муаллиф мазкур маданиятга доир қирраларни ўрганиш жараёнида Кушон империясининг ташкил топиши, кушонлар кимлар эканликлари масаласига ҳам мухтасар тўхталади. Хитой манбаларида кушонлар юечжиларга тегишли деб эслатилади. Эронлик олим доктор Муҳаммад Муин ҳам ўзининг машҳур асари “Фарҳанги форсий”да ушбу сулола (уесі) ёки (сақлар) наслидан бўлган деб таъкидлайди.

Китобда академик Б. Фафуровнинг “кушон дунёси уч компонент — ерли, Бактрия, эллинистик ва Марказий Осиёга қўшни Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва Эрон маданияти билан ҳамоҳанг бўлган кўчманчилар маданияти элементлари асосида шаклланади” деган фикри келтирилади.

Бу ўринда шуни эслатиш керакки, Афғонистонлик олимлар Б. Фафуровнинг бу фикрига қўшилмайдилар. Чунки бугунга қадар Марказий Осиё ва Ҳинд ярим ороли ҳудудида икки буюк маданият, яъни кушонийлар (кушонлар) маданияти ва Темурийлар маданияти дунё олимларининг диққатини ўзига тортиб, ЮНЕСКО томонидан уларга катта эътибор қаратилиб келинмоқда.

60-йилларнинг охирларида ЮНЕСКО ташаббуси билан Афғонистонда Кушонлар маданиятини ўрганиш маркази ташкил этилиб, Самарқандда Темурийлар маданиятига бағишланган катта халқаро илмий анжуман ўтказилган эди. Афғон тарихчиларининг ёзишича, кушонлар грек маданиятига ошно бўлганлар ва ундан таъсирланганлар. Ҳиндистон, Афғонистон ва Ўзбекистон худудларида, улар яратган буюк маданиятдан қолган ёдгорликлар одамни қойил қолдиради, айниқса, Бомийён тоғларида йўнилган Будданинг энг баланд ва азим ҳайкаллари (53 метр) ва Ҳада музейида турган унинг энг чиройли ҳайкаллари маҳобатлидир. Кушон яабғулари юритган адолатли сисёсат, виждон эркинлиги, барча фуқароларнинг дини, миллати ва кимлигидан қатъий назар, тенг ҳуқуқлилиги, кушонлар нечоғли маданият чўққиларига кўтарилганликларидан далолат беради. Мазкур ҳақиқатни улардан қолган тангалардан ҳам аниқлаб олиш мумкин.

Ф. Сулаймонова ўз китобининг биринчи қисмида Оврупо олимлари ўртасида Марказий Осиёда яшаган халқлар маданиятида шунчалик орқада бўлганларки, ҳатто четдан бўлган таъсирни ўзлаштиришга ҳаммавақт ҳам қодир бўлмаганлар, деган нотўғри ва ғайриилмий фикрни ишончли мисоллар асосида рад қилади. Тадқиқотда бу вазифа кенг қўламда ва қатъий шаклда бажарилган. Муаллиф Ўрта асрларда Оврупода жаҳолат ҳукм сурган бир даврда Шарқ халқлари, айниқса, Марказий Осиё халқлари жаҳонга ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абурайҳон Беруний, Ибн Сино каби буюк мутафаккирлар, Рўдакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Ҳофиз Хоразмий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улкан шоирларни тақдим этган, дейди.

Ф. Сулаймонова “Шарқ ва Ғарб” китобининг иккинчи қисмини олти бобга бўлиб, уларда халифалик даврида маданиятнинг шаклланиши, Марказий Осиёда илму фан ривожини, Испанияда араблар адабиёти тараққиёти, шарқ фанининг Оврупога таъсири, шарқ маданияти ва Данте каби мавзуларни ёритиш учун сермашаққат изланишлар олиб борган.

У ислом дунёси яратган буюк маданият, илму фан ривожига Марказий Осиёлик олимлар қўшган улкан ҳисса ҳақида, “Байтул-ҳикма” ёки Маъмун академиясида узоқ муддатли хизмат қилиб келган алломалар ҳақида муфассал маълумот беради. Турди илмий-фалсафий йўналишлар, жумладан, “ихвонуссафо” ва “муътазила” борасида сўз юритади.

Уша даврда Бағдодда қурилган Шаммосия ва Дамашқ яқинида Қайсион тоғидаги расадхоналар (обсерватория)лар хизмат қилган ал-Фарғоний ва ал-Хоразмийларни эслатиб ўтади.

Бу фикрларга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, мазкур расадхоналарнинг қурилишига Маъмун илтимосига биноан Аҳмад ал-Фарғоний раҳбарлик қилган. Қурилиш ишларида кўпгина олимлар иштирок этганлар. Улар орасида китобда зикр этилганлардан ташқари Аббос ибн Саид, Сайид ибн Холид ҳам бўлган.

Китобнинг 212-бетидан бошлаб ажодлар динига (Муҳаммад Муин) Дақиқий Балхийнинг Зардушт динини танлагани ҳақидаги шеър далоли сифатида келтирилади. Шунингдек, 213-бетда Алишер Навоийнинг бир неча байтларига таянган ҳолда улардаги Оллоҳни нурга ўхшатиш ажодлар динининг таъсири сифатида талқин этилади. Бизнинг фикримизча, Навоий томонидан Оллоҳни нурга ўхшатиш тўғридан-тўғри Куръони Карим ояти ((Оллоҳу нуруссамовоти вал-арз), яъни (Оллоҳ осмонлар ва ернинг нуридир. 24-сура, 35-оят) ва бошқа бир қатор оятлар ва ҳадислардан олинган, холос. Шунингдек, 217-бетда “Муҳаммад Мусо Хоразмий Маъжусий эди” деб ишлатилган ва 223-бетда “Аҳмад ибн Касир ал-Фарғоний ал-Маъжусий” деб ёзилган. Бизнингча, уларнинг ажодлари Маъжусий бўлиб ўтган бўлсалар ҳам, уларнинг ўзлари ислом динига чуқур ишонган бўлиб, уларни Маъжусий, ёки Маъжус деб аташ воқеликка

тўғри келмайди. Чунки Маъжус ва Маъжусий сўзлари оташпарастилик дини пайрави, ғарб, аҳли китоб (илоҳий китоб аҳли) бўлмаган киши ва мушрик маъноларида ишлатилган (Фарҳанги Амид, Фарҳанги Форсий, Қомуси туркий, алмунжид сўзликларига қаралсин).

Муаллиф 3—4-бобларида араблар Испанияда ҳукмронлик қилгани ва у ерда араб адабиёти ривожини бўйича текшириш олиб бориб, ушбу адабиётнинг Испания ғарбига жойлашган мамлакатлар, шунингдек, Оврупода шеър ва адабиёт тараққиётига чуқур таъсир ўтказганини кўрсатиб беради ва бу ерда араб шеърятининг “зажал” ва “мувашшаҳ” жанрлари ривожлангани борасида фикр юритади. Улар икки халқ адабиётининг ўзаро бирлашуви натижасида икки маданият маҳсули сифатида дунёга келган деб таъкидлайди. Зажал жанрининг асосчиси шоир Муҳаммад ибн Муаффа ал-Кабрий эди деб, зажалнинг турлари, хусусиятлари ва мазмуни ҳақидаги мулоҳазаларини илгари суради.

Лекин араб ва ислом оламининг буюк муаррихларидан бири асли андалусиялик Абдураҳмон ибн Халдун ўзининг машҳур “ал-Муқаддима” китобида Абубакр ибн Қазмонни “зажал” жанрини яратган биринчи шоир деб танитади. Шунингдек, Али-Акбар Деҳудо “Лугатнома” да бу ҳақда маълумот берар экан, ибн Қазмон омма тилида кўп мувашшаҳлар ёзган, “зажал” деб аталган янги шеър турини ҳам у биринчи бўлиб ишлаб чиққан дейди. Биз бу ўринда ибн Халдун китобидаги “зажал” намуналаридан бир парчани таржима қилиб келтирмақчимиз:

“...Унинг қора сочлари сут каби оппоқ бадани устига тушган. Чўпон ҳеч қачон ўз қўйларидан бундай оқ сут соққан эмас. Кўксида икки олма кўкраклар бор. Мен ҳеч қачон бундай қаттиқ ва таранг кўкракларни кўрмагандим...”

Шунингдек, ибн Халдун Мувашшаҳ жанрини таърифлаб, унинг асосчиси Муқаддам ибн Маориф Найризий бўлган, дейди. У берган мисоллардан бир-иккитасини келтираемиз:

Бадрун тамма, шамсун заҳо, ғуснун наҳо,
мискун шамм.
Мо атамма. Мо авзаҳо, Мо авраҳо, Мо ансам.
Ложарама ман ламҳо, қад ашиҳо, қад ҳарам.

Таржимаси:

Тўлин ой, тонг куёши. Кумлар ичидан янги ўсиб чиққан бир шоха, муш-ки анбар ҳидини таратади.

Андоми нақадар кәмил, қанча ёрқин, қанча порлоқ, қанча равнақ ва сафоли, ёқимли ҳид таратади.

Ҳар ким унга боқди ночор, унга кўнгил берди, ошиқ бўлди (лекин) унга ета олмади.

Яна бир мисол:

“Амотаро Аҳмада Фи-маждихилолий, ло-юлҳақу, атлааҳул-ғарбу, фаарино мислаҳу-ё машриқу”.

Мазмуни: “Аҳмадни етиб бўлмайдиган юксаклик мартабасида кўрмайсанми? У, ғарбдан балқиб чиққан (куёшга) ўхшайди. Эй машриқ, унга тенг келадигани бўлса кўрсатгин”.

“Шарқ ва Ғарб” китоби муаллифи Испанияда ёзилган китобларни таҳлил қилиб, уларнинг илмий аҳамиятини кенг ёритиб беради. Бу ўлкада ривожланган насрий адабиёт вакилларида бири бўлмиш Ибн Ҳазм ва унинг биринчи асари “Таукал-ҳаммана” (“Қабутар жавоҳирлари”) — (тўғриси — тавкул-ҳамома) ҳаммани ҳайратга солгани ҳақида қизиқарли маълумотлар беради.

Салоҳиятли муаллиф Оврупо дунёсига Шарқ фани таъсирини ҳар томонлама таҳлил қилар экан, Оврупонинг кўп қиррали тараққиётини шарқдан бўлган таъсирсиз тасаввур этиб бўлмайдди. Шарқ таъсири Оврупо мамлакатларида умуминсоний маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишига олиб келди”, деган мантиқий хулоса чиқаради (319-бет).

Муаллиф Италияда бадий шеърнинг юзага келиш жараёнини кузатар экан. Данте ҳаёти ва ижодининг турли қирраларини очиб беради ва адиб яратган машҳур асарлар “Зиёфат”, “Янги ҳаёт”, “Илоҳий комедия”нинг асосий манбаларини Шарқ адабиёти, илму фанидан қидиради. У Ибн Синонинг “Ҳай ибн Яқзон” асаридаги фикрларни Данте ижоди билан солиштириб,

улар орасидаги ўхшашликлар ва фарқларни ёритади.

Китобда Дантенинг шоирлик ва мутафаккирлик даҳоси мужассамлашган “Илоҳий комедия” ҳар томонлама таҳлил қилинади. Унга Ибн ул-арабий таълимоти, “Рисолатул-ғуфрон”, “Меърожнома” ва “Сайрул-ибод” асарларининг таъсирини, шунингдек, Куръонда зикр этилган жаннат ва дўзах сифатлари таъсири эҳтимоли борасида мушоҳада юритади.

Ф. Сулаймонованинг ёзишича, Дантенинг ўзи ҳам араб тили билан озми-кўпми таниш бўлган. Олима тадқиқотда кўпроқ ургуни араб шоири Абул-аъло-ал-Маарий насрий асарларидан бири “Рисолатул-ғуфронга” қаратади. Бундан кўп йиллар муқаддам эронлик тадқиқотчи олим Мужтабо Минавий ҳам “Илоҳий комедия” ҳақида чуқур тадқиқот ишлари олиб борган ва Данте ушбу асарнинг яратилишида “Рисолатул-ғуфрон”дан таъсирланганини кўрсатиб берган эди. Бизнингча ҳам бошқа манбаларга нисбатан “Илоҳий комедия” “Рисолатул-ғуфрон”га яқин бўлиб, унга ўхшаш томонлари яққолроқ кўзга ташланади.

Ҳозиргача шарқ ва ғарб тарихий, адабий-маданий муносабатлари бўйича, шарқ илм, фан ва маданиятининг Оврупо мамлакатларига таъсири масаллари соҳасида форс, араб, турк ва пушту тилларида ёзилган бир қатор китоблар эълон қилинган. Улар билан ушбу асарни солиштирадиган бўлсак, ишонч билан айтиш лозимки, Ф. Сулаймонованинг китоби, унда фойдаланилган адабиётлар кўлами ва турли мавзуларга доир саволларга дақиқ жавоб бера олиш салоҳияти билан, ўз устунлигини кўрсатиб турибди.

Китоб тарих, фалсафа, адабиёт, диншунослик фанлари ва жаҳон цивилизацияси тарихи билан қизиқувчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. У, шунингдек, барча олий ўқув юртлари талабалари учун муҳим қўлланма бўла олади.

Акмал САИДОВ,
Абдулҳаким ЖУРЖОНИЙ

Т. Лобсанг РАМПА

Учинчи кўз

ЎН БИРИНЧИ БОБ ¹

ТРАППА

Ёшлик шижоатига тўлиб-тошган ҳолда мен ягона мақсадга эришиш — дастлабки дафъадаёқ имтиҳонларни топширишга қатъий аҳд қилган эдим. Ўн икки ёшим яқинлашгани сайин ишларим суръатини аста-секин сустлаштирмакда эдим. Мана, ниҳоят эртага имтиҳон бошланади. Ўтмиш йиллар нуқул ўқиш билан банд бўлди, тутатқи тайёрлаш санъати, тибет ва хитой тиллари (асосий эътибор ҳуснихатга қаратилганди) ва риёзюн (математика)дан ташқари мунажжимлик, тиббиёт, одам танаси (анатомия) диний ахлоқ-одоб бўйича имтиҳонлар топширишим керак. Ҳар қанақанги ўйин ҳақидаги фикрларни миядан чиқариб ташлашга тўғри келади. Ибодатхонада ўйинга яқин бўлган ягона нарса — дзюдогагина рухсат этиларди. Имтиҳонга уч ой қолди деганда лама Мингяр Дондуп менга шундай деди:

— Ҳар нарсаларни ўйлаб бошингни қотирма, Лобсанг, бир оз ўқишдан ўзингни чалғит. Ўзингни бос, билимларинг сенга панд бермайди...

Масъулиятли кун ҳам етиб келди. Эрталаб соат олтида яна ўн беш номзод ҳамроҳлигида мен имтиҳон топширадиган хонага кирдим. Руҳимизни кўтариш учун қисқагина ибодатдан сўнг имтиҳонда ҳеч ким авлиёга номуносиб ҳаёлларга чалғимаслиги учун бизни ечинишга мажбур этишди. Кейин янги кўйлак кийдик, чоққина эҳромдан чиқдик ва имтиҳон ҳайъати ҳамроҳлигида ўз хонамизга қараб йўл олдик. Хоналардан ташқарида залда навбатчилик қилаётган роҳиб-миршаблар бизни кузатиб турарди. Хоналарга киришимиз ҳаманоқ орқамиздан эшикларни ёпишди ва катта-катта муҳрлар билан муҳрлаб қўйишди. Девордаги кичкина туйнукдан ҳар биримиз қалам-довот, саволлар ёзилган дастлабки варақ ҳамда чой ва цампа олдик. Хизмат қилаётган роҳиб цампа кунда уч маҳал, чой эса истаган вақтимизда берилишини айтди. Шундай қилиб, имтиҳон бошланди. Бир кунда битта имтиҳон топширардик. Хуллас, бир ҳафта давомида бизни эрта тонгдан қора кечгача қаттиқ меҳнат кутиб турарди. Хоналар томсиз бўлиб, имтиҳон зали каби кундузги ёруғдан бошқа ҳеч қандай ёритиш воситаси йўқ эди.

Имтиҳон вақтида ҳар ким ўзи билан ўзи қолиб, ҳеч қандай баҳона билан ташқарига чиқиш мумкин эмасди. Қоронғи тушиши билан дарча олтида роҳиб пайдо бўларди ва топшириқлар билан тўлган варақларни йиғиб оларди. Энди келгуси тонггача ухлаш ва дам олиш мумкин бўларди. Албатта, 14 соат давом этувчи бундай имтиҳонлар номзод билимларининг мустаҳкамлиги ва руҳий чидамлилиги учун жиддий синов ҳисобланарди. Ёзма ишлар эртага, олтинчи кун деганда ўтказиларди. Барча имтиҳонлардан кейин эртаси кuni эрталаб биз ўз хонамизни йиғиштирардик ва уларни тўла тартибга келтирардик. Иншолари-

¹ Охири. Боши ўтган сонларда.

миз текшириб бўлингач, уч кундан кейин ҳар биримиз яна ҳайъат билан юзма-юз бўлардик, ҳайъат аъзолари барча фанлар бўйича бизни қайта-қайта синовдан ўтказарди. Савол-жавоблар кун бўйи давом этарди.

Эртасига эрталаб барча 16 номзод — тутиш, боғлаш, йиқилиш, иргитиш ва ўз-ўзини назорат қилиш санъатини қандай ўзлаштирганимизни намойиш қилиш учун дзюдо залига тўпланардик. Ҳар биримиз иштирокчилардан учтаси билан куч синашиб кўрардик. Биттаси, иккитаси, учтаси... сафдан чиқа-чиқа, охири битта мен ўзим қолгандим. Цунинг аёвсиз машқлари шарофати билан мен биринчи дзюдочи бўлиб олдим, аммо бунинг учун мен ўзимнинг оғир кечган, адолатсиз болагимдан ҳам миннатдор бўлишим керак эди.

Ниҳоят, натижалар эълон қилинадиган кун келди. Мен ва яна тўрт ўртоғим имтиҳонлардан муваффақиятли ўтганимиз учун траппа — авлиё-табиб деган унвонга сазовор бўлдик. Имтиҳондан кейин лама Мингяр Дондуп мени ўз ҳузурига чорлади. Биз ўшандан бери энди бир-биримиз билан юз кўришиб турардик. Севинчдан унинг чеҳраси ял-ял ёнарди:

— Баракалла, Лобсанг, сен биринчиликни олдинг. Ота-Рухоний Далай Ламага нома жўнатади. У сенга бирданига лама унвони бермоқчи бўлди, лекин мен кўнмадим.

У қуйидагиларни қўшимча қилганда юзим бужмаймасдан қолмаганим, албатта:

— Янада яхши ўқиш керак ва бу унвонни меҳнатдаги ютуқлар билан оқлаш керак. Агар сенга ҳозир лама унвони берилса, ўқилиши бўлашади кетиши мумкин. Сени ёнимдаги хонага жойлаштиришларини айтдим. Ламага қачон имтиҳон топшириш кераклигини мен сенга ўзим айтаман.

Мингяр Дондуп қарори менга оқилона бўлиб кўринди. Бундан ташқари, мен унга ҳаддан ташқари қаттиқ ишонар ва сўзсиз итоат этишга ўрганиб қолгандим. Менинг муваффақиятим унинг муваффақияти ва унинг биринчи шогирди бўлиши унинг учун катта шараф эканини айтганда мен ўзимда йўқ суюндим.

Бир неча кун ўтгач, Поталадан Далай Ламанинг номаси билан хансирганча чопар кириб келди. Бу чопарларни чинданам зўр қизиқчи деса бўларди. Улар ўзларини чинданам шунақанги чарчагандай қилиб кўрсатишадикки, башараларига қараб туриб бундай муҳим муждани ўз вақтида етказиш учун минглаб чақирим масофани қоринда эмаклар босиб ўтганми деган хаёлга бормай иложинг йўқ эди. Поталадан ибодатхонамизгача бор-йўғи бир ярим чақирим келар-келмаслигини билганим учун уларнинг найрангига қараб кулгим қистарди.

Донолар доноси мени муваффақиятим билан табрикларди ва менга лама деб мурожаат қилишини айтибди. Энди мен лама либосини кияр ва тегишли ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланар эканман. Бироқ донолар доноси ўқишимни давом этдиришим ва 16 ёшга тўлганимда топширишим керак бўлган имтиҳонларга жиддий тайёрланишим борасидаги Мингяр Дондуп фикрларини ҳам кўллаб-қувватлабди.

Янги мақом менга ўқишда кўпроқ эркинлик берарди. Мен синфдаги машғулотлардан озод қилингандим. Менга махсус мутахассислар бириктирилган бўлиб, ўқиш яна ҳам жўнашиб кетганди.

Энг асосий нарса энди асабларни бўшаштириш санъатига ўрганиш эди, бу-сиз метафизика билан жиддий шуғулланишнинг иложи бўлмасди. Бир куни турли китоблар бўйича маълумотларни тартибга солиш билан шуғулланиб ўтирганимда олдимга Мингяр Дондуп кирди-да, менга диққат билан разм солиб қаради.

— Лобсанг, асабларинг тордек таранг. Агар асабларни бўшаштиришни ўрганмасанг, онгингни ривожлантиришда узоққа боролмайсан. Бунга қандай қилишни мен сенга кўрсатаман. Ётганда, ўтирганда ва турганда асабларни бўшаштиришга ўрганиш керак. Бироқ ётган ҳолатда бошлаш мақсадга мувофиқдир. Сен ўзингни қоядан йиқилиб тушгандек ва чала ўлик ётгандек тасаввур қил. Ерда ҳаракатсиз ётибсан, оғзинг ярим очик, зарбадан аъзойи баданинг қарахт... Мана бундай. Энди оёқларингни мушаклари бўшашган ва улар дам олаяпти.

Унақасига-бунақасига айлана-айлана, охири керакли ҳолатни топдим.

— Энди мушакларингни ишлашга мажбур қилиб, қўл ва оёқларингни ичига митти одамлар кириб олгандай тасаввур қил. Уларга айт, чиқиб кетишсин,

масалан, оёқларингдан. Оёқларинг ҳаракатсиз, сезгисиз бўлиши керак. Ақлинг эса буни назорат қилиб туриши шарт. Сен оёқларинг дам олаётганига ишонинг керак.

Чўзилиб ётдим-да, ўзимча кўз олдимга митти одамларни келтиришга ҳаракат қилдим ва бирдан тўпифимга чиқиб олиб бармоқлари билан пайпаслаётган кекса Цуни кўрдим. Мен уни ўзимдан четлатишга уриндим ва бунга муваффақ бўлдим.

— Давом этамиз. Болдирларингга ҳам митти одамчалар жойлашиб олган, улар эрталабдан буён тер тўкиб ишляптилар, энди улар дам олишлари керак. Митти одамчаларни бошинг ичига олиб ўт. Хўш, улар оёғингдан кетишдими? Бунга аминмисан? Ўзингни текшириб кўр — мушакларинг бўшашган бўлиши керак.

Шу пайт у бармоғи билан товонимни кўрсатди:

— Сен биттасини эсингдан чиқариб қолдирдинг. Қара, у мушакларингни туртаётибди. Ҳайдаб юбор уни, Ҳайдаб юбор!

Ниҳоят, мен оёқларимни бутунлай салқи қилиб олдим ва лама Мингяр Дондуп мамнун ҳолда давом этди:

— Энди қўлларга ўтамиз. Бармоқлардан бошлаймиз. Бармоқларинг ичидаги миттивойларни даф қил. Уларни панжанг ва тирсақларинг орқали елканга ўтказиб юбор. Энди митти одамлар ҳам йўқ, умуман, ҳеч қанақа сезги ҳам йўқ деб тасаввур қил.

Мендан кутилган натижага эришгач, устозим давом этди:

— Баданга ўт. Баданингни ибодатхона деб тасаввур қил. Ичингда ўтириб олган ва ички-ташқи аъзоларингни бошқараётган роҳиблар ҳақида ўйла. Уларга айт, чиқиб кетишсин. Аввал уларни умуртқангга Ҳайдаб, мушакларингни бўшаштир. Улар ишларини тугатишсин-да, кетишсин. Энди заифлашиб қолганингни сезаяпсан. Сен йиқилияпсан ва табиий ҳолатга ўтаяпсан. Жуда яхши, мана баданинг энди бўшашди.

Афтидан, устоз ютуқларимдан хурсанд эди.

— Бош, шубҳасиз, энг асосий аъзо. Оғиздан бошлаймиз. Ҳозир, Лобсанг, лабларинг қисилган. Уларни бўш кўй, ҳа, бўш кўй! Сен на гапиришга, на овқат ейишга чоғланаяпсан, шунинг учун лабларингни таранглаштирма. Энди кўзларга ўтамиз. Уларни ҳеч нима безовта қилаётгани йўқ, ўткир нур ҳам йўқ, кўзларингни юм, ҳеч қандай зўриқишсиз, киприкларингни ҳам оҳиста юм.

Мингяр Дондуп очик деразадан ташқарига қаради.

— Асабларингни бўшатириш бўйича энг яхши мутахассисимиз офтобшувоқда тобланияпти. Бу қорамош, Лобсанг. Сенга бошлаб сабоқ беришга қодир. Ҳеч ким мушукчалик асабларингни бўшаштиролмайди.

Буларни узоқ ва батафсил тасвирлаб бериш мумкин, аммо муттасил машқлар ёрдамида ҳамма иш хамирдан қил суғургандек осон битади. Бир дақиқа ичида ҳам асабларни бўшаштирса бўлади. Дарвоқе, бу ҳозирги шитоб билан ўзгарувчи оламда яшовчи ва ишловчи барча одамлар учун гоётада фойдали. Жисмоний жиҳатдан бўшатиш айниқса ҳозирги замон кишиси учун жуда-жуда зарур. Бироқ борди-ю, ақлий жиҳатдан мудом таранг ҳолатда бўлар экансан, биргина жисмоний бўшашидан фойда йўқ, дейди лама Мингяр Дондуп. — Кўзларингни юмиб ётган кўйингда фикрларингни бир жойга тўплашга ҳаракат қил. Бемалол уларнинг юришини кузат. Энди фикрларингни тўхтат, ҳеч нарса ҳақида ўйлама. Кўз олдингга тўрт бурчакли бўшлиқни келтир. Фикрларинг тўрт бурчак ичидан сакраб чиқиб кетишга ҳаракат қилади. Баъзилари сакраб чиқиб кетади ҳам. Уларни қидириб топ-да, бўшлиқ ичига Ҳайдаб кир. Шулар барчасини ўнгингда тасаввур қил, кўзинг билан кўриб тургандай кузат. Ҳозир эса ўша тўртбурчакни кўрасан. Мана, сен тўлиқ ақлий ва жисмоний бўшашишга эришдинг.

Тақрор айтаман, буларни бажаришдан кўра, тушунтириш анча-мунча қийин. Бунинг учун фақат машқ қилиш керак. Кўплар ҳеч қачон онгини ўчириб қўймайди, улар ҳатто кечалари ҳам дам олиш нималигини билмайдиган одамларга ўхшашади. Лекин ҳар ким ҳам бунинг уддасидан чиқавермайди. Бир неча кун ва тун оёқда туришга уриниб кўринг-чи, чарчаб, ағдарилиб тушасиз. Ай-

ниқса мия билан ақлга дам олиш сув билан ҳаводай зарур. Бугун ҳаёт тарзимиз онгни доимий чиниқтириб бориш имконини беради. Дзюдо билан кўп машқ қилганимизнинг боиси ҳам шунда, зеро курашнинг бу тури — ўз-ўзини назорат қилиш учун энг яхши воситадир. Бизлар билан бир вақтнинг ўзида ўнта ҳамлани бартараф этишга қодир мутахассислар шуғулланган эдилар. Биз улардан зўр иштиёқ билан ўрганардик. Фарбадаги баъзилар курашимизни аёвсиз ва ваҳшиёна деб ҳисоблайдилар. Айниқса, душманни ҳушидан кетказиб қўйиш усулимизга улар тиш-тирноқлари билан қарши турадилар. Аммо улар ноҳақ. Аввал ҳам айтганимдек, киши бир сония ҳушидан кетиши учун бўйнидан аста чимчилаб қўйишнинг ўзи етарли. У ҳатто ўзига нима бўлаётганини англамай ҳам қолади. Лекин булар ҳеч қачон ҳеч қандай салбий оқибатларга олиб келмайди. Тибетда оғриқни сездирмайдиган воситалар етишмаслигидан тишни олдирганда ё суяк синганда мана шу тадбирга мурожаат қиладилар. Бемор ҳеч нарсани кўрмайди ва оғриқни ҳис этмайди. Самовий парвозларга мослаштирув палларарида ҳам шундан фойдаланадилар.

Махсус машғулотларда бизни йиқилганда кўрқмасликка ўргатишади. Биз баландлиги иккидан беш метрларгача бўлган деворлардан сакраймиз ва йиқиламиз. Болалар бундай машқларни худди мароқли ўйин ўйнаётгандек бажарадилар.

Икки кун ўтиб, учинчи кун биз “Ахлоқ қонуни”ни ёддан ўқиб, дзюдо бўйича машқларни бошлаб юборардик:

ҳақиқий фикр — бу рўё ва худбинликдан холи фикр;

ҳақиқий интилиш — юксак ҳаёллар ва эзгу мақсадларга эга бўлиш учун имкон туғдирувчи интилишдир;

ҳақиқий сўз — бу яхшиликни, ҳурматни ва ҳақиқатни ифода этувчи сўздир;

ҳақиқий хулқ — бу ҳалол, ювош ва ғараздан холи инсон хулқидир;

ҳақиқий ҳаёт — бу асосий қоидаси инсон ёки ҳайвонга қарши зулм ўтказмайдиган, ҳайвонларда инсон билан баравар муомалада бўлиш ҳуқуқини тан оладиган ҳаётдир;

ҳақиқий уриниш — бу ўз-ўзини идора қилиш ва муттасил билим олишга интилишдир;

ҳақиқий мақсад — бу яхши ўйлар ва ҳамма нарсада адолатдир;

ҳақиқий илҳом — бу ҳаётнинг маъноси ва жоннинг воқелиги ҳақидаги фикрларни эслатувчи илҳомдир.

Кимки бу қоидаларга амал қилмаса, ичкарига кирувчи барча одамлар устидан ҳатлаб ўтиши учун ибодатхонанинг катта эшигида юзтубан кўндаланг ётиши керак бўларди. У эртадан-кечгача ҳаракатсиз ётиши керак бўларди, унга на нон, на сув бериларди. Бундай жазо энг шармандалиси ҳисобланарди.

Шундай қилиб, мен лама бўлдим. Энди Олий мавжудотлар зумрасига доҳил эдим. Бу ғоят жарангдор эшитиларди. Лекин бунда ҳам маълум ноқулайликлар бор эди: илгари мен авлиёлик хулқ-атворининг ўттиз икки қоидасига риоя қилишим лозим эди, шу рақамнинг ўзи ҳам одамни чўчитарди, энди эса — ўзимни нақ ташлаб юборай дейман! — 253 қоидага риоя қилишим керак. Шақпориди эса яхши лама мана шу қоидаларнинг барчасига беистисно риоя қиларди.

Мен тиришқоқлик билан шуғулланишда давом этардим. Гоҳо менга шундай туюлардики, бошим ортиқ чидолмай мана-мана тарс ёрилиб кетадигандек! Аммо Далай Ламанинг Норба Лама — Марварид боғига келишини кузатиш учун томга чиққанимда шунақанги мазза қилардимки, қўяверасиз! Мен бу ишни ҳеч кимга билдирмасдан қилишимга тўғри келарди, зеро бебаҳо зотга тепадан туриб қараш ман этилганди-да! Томдан эса ҳаммаси кафтдагидек кўринарди. Мана, Калининчу дарёси қирғоғида Хатл Линга ва Додпал Линга деган икки улугвор боғ ястаниб ётибди (“линг” тибетчада боғ дегани). Сал нарида Паго Каминг деган ғарбий дарвоза қад кўтарган. У сарбозлар ўтиши учун атайлаб катта чортенда қурилган, бу дарвозадан чиққан йўл Шо қишлоғи орқали шаҳар марказига қараб кетарди. Шикпорининг шундоқ биқинида халқ қаҳрамони, Тибетда буддавийлик ва тинчлик қарор топгунга қадар урушлар даврида яшаган қирол Кесар шарафига чортен савлат тўкиб турибди.

Хўш, иш-чи? Иш бошдан ошиб-тошиб ётарди, аммо нима биландир биз меҳнатимиз учун товон ундириш имконини бой бермасликка тиришардик. Ахир ҳаётининг асосий мазмуни оламга ва яқин одамларига хизмат қилиш бўлган лама Мингяр Дондупдек ақли ва сахийқалб инсон билан яқинлашув меҳнатим учун саҳоватли товон бўлмай тагин нима? Ҳайратомуз кўм-кўк водийлар ва мовий дарёларни, дов-дарахтларни, тоғларни, қуёш тифида чарақлаган чоргенларни, эртакнамо ибодатхоналарни ва одам оёғи етмас қоялар силсиласи остидаги табиатнинг сирли гўшаларини, Поталанинг заррин куббаларию, Жокангнинг томларини томоша қилиш зеҳну қалб учун ажойиб мукофот бўлмай тагин нима? Ламаларнинг, кўринишидан кўполгина роҳибларнинг дўстоналиги, тутатқининг таниш ҳидлари — ҳаётимизни, яшашга арзигулик ҳаётни тўқис қилган аслида шулар эмасми? Ҳа, қийинчиликлар ҳам кўп эди. Лекин биз уларни муносиб тарзда бартараф этардик. Ҳар қандай жамиятда вақти-вақти билан ғалати нарсалар содир бўлмай иложи йўқ, албатта. Англаб бўлмас одамлар ҳам учрайди. Шакпориди эса бундай одамларни жуда ҳам кўп деб бўлмасди.

ЎН ИККИНЧИ БОБ

ГИЁҲЛАР ВА ВАРРАКЛАР

Ҳафталар кўз очиб юмгунча бир-бирини қувлаб ўтар эди. Иш ҳаддан ташқари кўп — бир ёқда ўқиш, бир ёқда иш. Вақт эса етишмасди. Махсус услуб бўйича хурофий фанларни ўрганишга киришганимда бу нарса, айниқса, яққолроқ сезила бошлади.

Августнинг бошларида мураббийим шундай деб қолди:

— Тез кунда гиёҳ йиғувчилар билан биргаликда саёҳатга жўнаб кетамиз. Сен шифобахш гиёҳлар ҳақида кўп фойдали нарсаларни билиб оласан ва ҳақиқий учар илонлар билан танишасан!

Кейинги икки ҳафта мобайнида бизлар бўлажак саёҳатга тайёргарлик кўрдик. Эски чарм мешларни тозалашимиз, янгиларини тикишимиз, чодирларни тартибга келтиришимиз, соғлом бўлишлари учун жониворларга кўз-қулоқ бўлишимиз керак эди — ахир, саёҳат ғоятда оғир кечади-да. Икки юз роҳибдан иборат саёҳатчилар гуруҳи йўлга чиқадиган манзил қилиб Тра Йерпа ибодатхонаси танланди, жойларни ўрганиш учун ҳар куни бу ердан чор атрофга қидирув гуруҳлари йўлга чиқар эди.

20 августда биз Шакпори ибодатхонасини тарк этдик. Саёҳатда қатнашмайдиган роҳиблар ибодатхона девори ёнида тўпландилар ва бизга ҳавас билан қараб турардилар — биз саргузаштлар сари йўл олмоқда эдик-да. Лама унвонида бўлганим учун менга оқ от берилиши керак эди, мен оқ отни виқор билан миниб олдим. Менга ўхшаганлар унча катта гуруҳни ташкил этмаган эдик, биз ихчамгина юklarимиз билан асосий гуруҳнинг олдида енгилгина кетиб борардик. Отларимиз бир кунда 25 чақирим йўл босар эди, шунча вақтда кўтослар базур 12—16 чақирим йўл боса олар эди. Ортимиздан келаётган асосий карвоннинг кўтослари вазни 80 километргача бўлган одатдаги юкларни кўтариб келарди.

Бир неча кун йўл юрганимиздан кейин 27 суворийдан иборат қувноқ тўда Тра Йерпага етиб келди. Йўл, айниқса, мен учун оғир эди, чунки отда юришни мутлақо хуш кўрмаслигимни илгари ҳам айтган эдим. Мен эгарда ўтиришни ўрганиб олдим, аммо от йўрғалаб юра бошлаганда, ўзимни эгарда яхши тутиб тураолмасдим. Ўртоқларим каби чаққонлик билан эгарга ирғиб ўтириб олиш учун менда эпчиллик етишмасди. Мен отга тармашиб чиқар, жониворнинг бўйнидан ушлаб, эгарга базур ўтириб олардим — буни кўрган одам, албатта, ҳечам балли демаслиги ўз-ўзидан аён эди.

Бизни узоқданоқ кўришганди. Роҳиблар аллақачон кўп миқдордаги ёғли чой, цампа ва сабзавотларни тайёрлаб қўйишганди. Булар барчаси замирида бошқа гап ҳам йўқ эмасди: роҳиблар Лхасадаги янгилликларни ва мўлжалдаги анъанавий совғаларни сабрсизлик билан кутишмоқда эди. Эҳромнинг ясси томи ус-тидан тутатқининг паға-паға тутунлари кўкка ўрларди. Йўл тугаганидан хур-

санд бўлиб биз ҳовлига кириб бордик. Ҳамроҳларимдан кўпчилигининг шу ибодатхонада эски дўстлари бор эди. Афтидан, бу ердагиларни барчаси лама Мингяр Дондупни танирди. У кутиб олувчилар орасида кўринмай кетди ва мен ўзимни мутлақо ёлғиз ҳис қила бошладим. Бирдан қулоғимга овоз чалинди:

— Лобсанг, қаердасан?

Мен ҳам товуш бердим, бироқ нима гаплигини англаганимча бўлмай оломон устимга бостириб келди ва сал бўлмаса мени ютиб юбораёзди. Устозим билан гаплашиб турган аббат мен томонга ўтирилиб қаради-да:

— Бу ўшамми? Ё худойим, муштдеккина бола экан-ку! — деди.

Ҳар галгидек, мен фақат овқатланиш ҳақидагина ўйлаётгандим. Тезда биз ошхонага йўл олдик. Тушлик тўла сукунат ичида ўтди.

Қайси ибодатхона қайсисига боғлиқ эди, Шакпори Тра Йерпагами ё аксинчамми? Бу баҳсли савол эди. Нима бўлганда ҳам бу ҳар иккала ибодатхона Тибетда энг эскилари ҳисобланарди. Тра Йерпа ўзининг тиббиёт бўйича энг қимматбаҳо китоблари сақланадиган кутубхонаси билан машҳур эди. Мен бу китоблар билан танишиб чиқишим ва зарурий кўчирмалар қилишим керак эди. Бу ерда яна ўн кишидан иборат биринчи саёҳат гуруҳининг Тиён-Шанга қилган сафари ҳақидаги китоб ҳам сақланарди. Лекин биз энг аввало варраклар учирладиган тоққа кўтарилишимиз керак эди. Ҳамма нарсадан ҳам мени шу қизиқтирарди.

Манзара менга ғалати туюлди. Тоғларнинг баланд чўққилари осмонга қадалиб турарди. Пастдан юқорига қараб бамисоли поғона-поғона қилиб яратилган боғлардек сон-саноқсиз ясси тоғлар чўзилиб кетганди, улар улкан зинапояни эслатарди. Мана шу зинапояларнинг ўнгурида шифобахш гиёҳлар қулф уриб ўсиб ётарди. Улар орасида сфагнум, яъни оқ йўсиннинг бартараф этиш қобилиятидан ўн чандон ошиб тушувчи қувватга эга бўлган йўсин ҳам бор эди. Сарик мевали майда ўсимликлар ажойиб оғриқ қолдирувчи хусусиятга эга. Роҳиблар ва болалар уларни териб олишарди-да, қуритишарди. Лама сифатида мен уларнинг ишини шунчаки кузатиш билан чекланардим. Бироқ менинг бу ерга келишим Мингяр Дондуп ва гиёҳларни тайёрлаш бўйича мутахассислар раҳбарлиги остида “амалий сабоқ”ларни ўзлаштиришимни ҳам тақозо ётарди. Бироқ айни чоғда одамни кўтаришга қодир варраклардан бошқа ҳеч нарса халёлимга ҳам келмаётганди. Ибодатхонанинг ички ҳовлисида олис юртдан келтирилган қайин тахталар ётарди (олдин айтиб ўтганимдек, Тибетда игнабаргли дарахтлар ўсмайди). Улар варраклар яшашга мўлжалланганди. Енгил ва қаттиқ бу тахталар қаттиқ зарбаларга ҳам чидамли бўлиб, деярли ҳеч қачон синмасди. Варракларни бўлаклаётганда уларнинг синчлари диққат билан кўздан кечириллар ва янаги сафаргача яхшилаб тахлаб қўйиларди.

Тра Йерпадаги кун тартиби унча тигиз эмасди. Ярим тунги ибодат ва бошқа ибодатлар мунтазам ўтказиб туриларди. Бу оқилона ўйланганди, чунки Шакпоридаги узун-узун ибодатлардан кейин кўплар қаттиқ чарчаб қолганди. Синф машғулоти шифобахш гиёҳларни ўрганиш ва варрак учирини санъатини эгаллашга бағишланарди.

Тоғ тизмасига биқиниб олган бу ибодатхона ҳали ёруғ эди, пастда, водийда эса аллақачон кечки шафақ ялтираб, оқшом шамоли нимжон майсаларни титратиб эсарди. Қуёш яқинидаги тоғ чўққилари ортига яширинганда ҳамма ёқни зулмат чулғаб олди. Чор атроф қоп-қора кўлга ўхшарди. Яқин орада зоғ ҳам учмас, қимир этган жон асари сезилмасди. Қуёш ботиши билан тун шамоли кўзгалди ва ўзининг илоҳий юмушига тутиниб, ерни супура бошлади. Водийга тушгач, у тоғ тизмаларига ташланарди, дарада бир пас тутулиб қоларди-да, яна улкан чиганокдан чиқаётган овозга ўхшаб гувиллаганча ибодатхона томон ўрлай бошларди. Шамол гўё эҳром теварагидаги ҳаммаслак тақводорларни чорлаётгандек бўларди. Ҳар томондан турфа товушлар қулоққа чалинарди — бу кундузги офтобдан обдан қизиган қояларнинг кескин тунги совуқда чатнаб қарсиллашлари эди. Шундоқ бошимиз узра тим қора осмонда шўх-шан юлдузлар жимжима қила бошлайди. Қадимги афсоналарга кўра, Будда талаби билан қуролни ташлашдан бош тортган Кесар аскарлари ўз найзаларини осмонга қараб

отган эканлар. Эндиликда улар ўйиб кирган тешиклардан ерга майин самовий нурлар сизиб тушмоқда экан.

Тўсатдан ибодатхона карнайлари овози шамол шовқинини босиб кетди. Эҳром томида ўзларининг диний мажбуриятларини адо этаётган роҳибларнинг қораси элас-элас кўзга чалинарди. Шамол улар кўйлақларининг барини ўйнардди. Бу ярим тунгача дам олиш учун берилган хабар эди. Унда-бунда Лхасадан келган сўнги хабарларни, дунёвий янгиликларни муҳокама қилаётган роҳибларни кўриш мумкин эди. Роҳиблар Далай Лама ҳақида, барча заминлар Донолар доносининг буюк тажассуми ҳақида гап сотишарди. Аста-секин ҳамма тарқалди. Тунги ибодат олдидан дам олиш зарур эди. Кўп ўтмай ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди. Ибодатхонага сукунат чўкди. Мен ўз тўшагимда ётганча чоққина деразадан осмонни томоша қилардим. Ҳамма нарса мени безовта қилиб, ташвишга солмоқда эди: ухлашим керагу аммо ухлашни хоҳламасдим — бу ҳам, келажақда мени нималар кутаяпти — бу ҳам, анови юлдузлар ҳам... Ҳаётимдаги кўп нарсалар аллақачон башорат қилинган бўлса-да, ҳали кўп нарсалар менга қоронғи эди. Бироқ ҳаммадан ҳам бир ўй менинг ич-этимни кемирарди: нима учун кимдир Тибетга бостириб кириб, мамлакатимни забт этиши керак экан? Юртим кимга ҳалақат бериши мумкин? Унинг ҳаётда мақсади маънавий оламни чуқурроқ англаш ва онгини ўстириш бўлган тинчликсевар халқи кимнинг кўзига чўндай қадалаётган экан? Нима учун ажнабийлар бизнинг еримизга очкўзлик ва адоват билан қарайдилар. Тибетни босиб олишни истайдилар ва унинг халқини қул қилмоқчи бўладилар? Биз тинчликда яшашни хоҳлаймиз. Борди-ю, уруш бошланса, мен босқинчиларнинг ярадорларини ҳам даволашим керак бўладими? Ҳа, мен ўз келажагим ҳақида, унинг порлоқ ва зулматли томонлари ҳақида аллақачон кўп нарсаларни билиб олганман. Бамисоли кўтосдай, яйдоқ яйловларда тўхтаб-тўхтаб ўз ҳаёт йўлимни босиб ўтишим керак ҳали, йўл ҳар қанча узун бўлмасин, барибир уни охиригача босиб ўтиш керак. Лекин кўтосдан фарқли ўлароқ, мен келажақда оғир сафардан сўнг — муқаддас Лхаса шаҳрини кўришга мушарраф бўлолмайман...

Ноғораларнинг гумбур-гумбуридан уйғониб кетдим. Қандай ухлаб қолганимни ҳам билмабман. Хаёлимга келган биринчи фикр авлиё унвонига мутлақо номуносиб эди — мен 253 қондага сўзсиз риоя қилишим керак эди! Уйқум бутунлай очилмасдан бурун чайқала-чайқала бир амаллаб кўйлагимни қидириб топдим. Уни апил-тапил эгнимга илдим. Ҳозир соат неча бўлди экан? Эҳтиёт бўл, лама Лобсанг Рампа, дердим ўзимга ўзим, зинадан паства дупурламай туш... Албатта, қондалардан бирини бузишга улгургандим — мен даргазаб эдим — рост-да, қоқ ярим тунда одамни шунақа ҳам уйғотадим?

Мен ўртоқларимга бориб қўшилдим. Улар ҳам мен каби уйқусираб туришарди. Биз жўрликда қўшиқ айтиб, ибодат қилгани эҳром сари судралиб кетдик...

Мендан кейинчалик тез-тез шундай сўрашарди:

— Нега қисматимизга ёзилган ва олдиндан башорат қилинган тузоқ ва синовлардан қочиб кетишга ҳаракат қилгансиз?

Мен ҳар гал бунга шундай деб жавоб қайтарардим:

— Бирон нарсани четлаб ўтишга муваффақ бўлганингизни ўзиёқ башорат нотўғрилигини исботлаш учун кифоя қилар эди!

Башоратлар эҳтимолликка асослангандир, аммо бу эҳтимоллик инсон ўз иродаси ва хоҳишларидан маҳрум деган маънони англамайди. Мисол учун Даржлингдан Вашингтонгача бормоқчи бўлган кишини кўз олдимизга келтирайлик. Аввалига жўнаш жойи Даржлинг ва борар жойи Вашингтондан бошқа унга ҳеч нарса маълум эмас. Лекин у харитани олади-да, қарайди: қандай борса яхши бўлади: Битта йўл, масалан, жудаям ёмон аҳволда, бунинг учун кўп вақти исроф бўлади, бошқа йўлдан бориш эса катта чиқимни талаб этади... Бирпас хаёлга толади-да, у самарали йўлни танлайди. Лондон-Инвернесс йўли ҳақида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин. Умуман, ушбу масалада бутунлай саёҳатчилар йўлкўрсаткичига таяниш мумкин. Ҳаёт йўли, унинг башорати учун ҳам шунга ўхшаш мулоҳаза юритиш тўғри бўлар эди. Ахир ҳаётда ҳам бундан кўра муқимроқ ва энгилроқ йўлнинг “ҳақини тўлаш” ҳар доим имкон даражасида

бўлавермайди-ку. Буддавий сифатида мен қайта тажассум бўлишга ҳамда биз ерга ўқиш-ўрганиш учунгина келишимизга ишонаман. Мактабда қандай ўқиганимизни эслаб кўринг-а. Ўша пайтда жуда кўп нарсалар бизга қийин, зерикарли, гоҳо эса мутлақо фойдасиздек бўлиб кўринган эди: тарих, жуғрофия, риёзиюн... каби фанлар... Барибир ўша жонажон эски мактабимизни бутунлай тарк этаётганимизда биз қаттиқ қайғуга ботган эдик. Биз мактабимиз, ибодатхонамиз нишони ёки бўйинбоғини фахр билан тақар эдик. Ҳаётда ҳам худди шундай. Ҳаёт оғир, аччиқ, аммо у бизга инъом этган барча сабоқлар биргина мақсадни кўзда tutар эди — шахсан бизни, ҳа, бошқа ҳеч кимни эмас, бизни синовдан ўтказарди. Бироқ бу мактабни ёки мана шу ерни тарк этар эканмиз, биз ўзимизнинг “шараф тожи” мизни бундан кейин ҳам бемалол олиб кетаверамизми? Сизда жанжалкашлик шарафи борми? Биронта ҳам буддавий сизнинг ўрнингизда бўлишни ўла қолса ҳам истамайди. Ахир ўлиш бу шарт кетиб парти қолган тана қобигини бўм-бўш қолдириб кетиш ва бундан кўра дурустроқ оламда қайта туғилиш дегани-ку...

ЎН УЧИНЧИ БОБ

ҚАДРДОН ГЎШАГА ИЛК ТАШРИФ

Биз ўзимизнинг Янги йилимиз Ло-сар байрамига яқин қайтиб келдик. Ҳамма нарсани тозалаб чиқиш ва тартибга келтириш лозим эди. Ўн бешинчи кун деганда Далай Лама бош эҳромга етиб келди. Ибодатлар тугагандан кейин у Пакар (Жакан ва Жаме уйини айланиб ўтувчи йўл)дан ўзининг аъъанавий юришини бошлади, бозор ёнидан ўтди-да, катта савдо растасига келди ва маросим ўша ерда тўхтади. Тантанавор вазият хушчақчақлик билан алмашди. Маъбудлар хотиржам қилинди: энди бемалол ўйин-кулги ва хурсандчилик қилса бўлаверарди. Уйларнинг ўндан ўн беш метргача улкан пойдеворларига ёпиштирилган безаклар ва ёки диний мавзулардаги манзаралар акс эттирилган мой бўёқли лавҳалар ўрнатилмоқда. Далай Лама қўйилган ҳар бир иш олдида тўхтар эди. Иш энг яхши деб топилган ибодатхонага совға бериларди. Бундай тадбир йилда бир марта ўтказиларди. Бироқ Шақпориди бундай тадбирга ҳурмат кўзи билан қарашмасди. Уларни Лхаса водийсидаги отларнинг сувратсиз пойгасига ўхшаган зерикарли ва ўта бачкана иш деб билишарди. Қоғоз ва мато қуроқларини ёпиштириб, афсонавий қахрамонларимизнинг улкан сиймоларини ясаш кўпроқ завқ бағишларди. Гавдани ташкил этувчи енгил ёғоч қурилмага аслидагига ўхшатиб ишланган баҳайбат калла ўрнатиларди. Ичидан, иккала кўзнинг тўғрисида, жинчиноқлар жойлаштирилди: чироқ липиллаганда кўзга жон киргандай бўларди. Гавдаси бақувватроқ роҳиблар мана шу ёғоч синчларга чиқиб олишарди-да, ёғочоёқда турган кўйи у ерда ғалати-ғалати қилиқлар қилишарди: гўё ёғочоёқлардан бирини тушириб юборгандек, иккинчиси устида тик туриб, томоша кўрсатишарди, сўнг лип этиб ташқарига чиқишарди. Қаттиқ чайқалиб кетган чироқлардан ҳайкал қурилмаси ёниб кетиб, гоҳо бахтсиз ҳодисалар ҳам юз бериб турарди.

Кунларнинг бирида мен Тиббиёт илоҳи Будда сиймосини олиб боришга жазм этдим. Сиймонинг баландлиги саккиз метрдан ҳам ошарди. Ҳилпираётган кўйлагим оёқларимга уриларди (мен ёғочоёқларда эдим), сиймони омборхонадан олиб чиқишганда эса униң ичига кириб олган хира пашшалар гингиллаб кўшиқларини бошлаб юборарди. Маросим юриши бошланиши биланоқ чангдан бўғилиб қолаётганимни ҳис этдим — чанг Будда кўйлагидан учмоқда эди. Мен усти-устига акса ура бошладим ва акса ҳадеганда тўхтайвермади. Бундай ҳолда мувозанатни сақлаб бўлар эканми? Бундан ташқари, менинг аксамдан бутун Будда сиймоси титрамоқда ва қайноқ ёғ томчилари ялтироқ бошимга сачраб, жазиллатиб куйдирмоқда эди. Моғор босган матонинг қўланса ҳиди нафасимни бўғгани, жунбушга келган пашшалар бошим атрофида ғужғон ўйнагани етмагандай, тагин мана бу қайноқ ёғ томчиларини айтмайсизми? Сирасини айтганда, чироқдаги ёғ қаттиқ ҳолатда бўлар эди, фақат пилик ҳўлланиб

борадиган жойдагина суюқ чуқурча кўришиб турарди. Бироқ азбаройи иссиқнинг зўридан ёғ ҳам эриб кетганди. Мен йўлни кўриб турадиган кичкина тешик қаёққадир ғойиб бўлиб, деярли ҳеч нарсани кўрмаётгандим. Ёғочоёқдан сакраб тушмасдан бирон нарса қилишим амри маҳол эди. Борди-ю, тешикни топиб қараганимда ҳам, барибир, олдинда бораётган одам тўсиб қоларди, унинг ҳам жон талвасасида сакраб, типирчилаётганидан, билдимки, унинг ҳоли ҳам меникидан яхши эмас. Лекин Далай Ламанинг кўзи бизда эди. Олга қараб ҳаракат қилмасак бўлмасди. Бўғиламизми, қуямизми, нима бўлганда ҳам олға юриш керак эди. Ўша куни анча-мунча вазнимни йўқотдим. Кечқурун бир мўътабар амалдор киши менга хушмуомалалик билан мурожаат қилди:

— Ажойиб томоша бўлди-да, Лобсанг, сендан ҳақиқий қизиқчи чиқар эди!

Мен сал бўлмаса бу ҳаракатларни кулдириш учун қилмаган эдим, дея кечирим сўрашга тушиб кетаёздим. Хуллас, ўшандан буён Будда сиймосини элтиш бўлса, саккиз чақирим нарига қочадиган бўлдим!

Мана шу “томоша”дан беш ё олти ой ўтгач, қутилмаганда бўрон турди ва чанг-тўзон кўтарилиб, майда шағалларни учира бошлади. Мен бу пайтда кўриқхонада эдим ва бошпанамизга улуғворлик ва ҳаводорлик бахш этсин деб томларни заррин ранга бўяшни мўлжаллаётгандим. Шамол мени томдан учириб юборди ва олти-етти метр паст бўлган нариги томга итқитди. Яна бир кучли шамол эсиб, тарновдан пастга думалаб тушдим, тўғри “темир тоғ” тизмаларидан бирининг устига йиқилдим ва Линкорни айланиб ўтувчи йўл ёнидагина тўхтадим. Агар шу тариқа босиб ўтган барча йўлимни кўшиб чиқса, бир неча юз метрга борарди. Бахтимга мен учиб ёриб тушган ер ботқоқлик экан, буни бошим сув остида қолганидан кейингина ҳис қилдим. Лекин шу билан бир вақтда қарсиллаган овозни ҳам эшитдим. “Кўлим синди!” — хаёлимдан кечди ўша заҳоти. Зарбадан деярли кар-караҳт бўлиб қолгандим. Қимирлаганимда эса қўлим ва чап елкамда қаттиқ оғриқ сездим. Базўр чўккалаб ўтириб олдим ва ҳаракат қилишга уриниб кўрдим. Жазирама қуёшдан ер тандирдек қизиганди. Оғриқдан нафасим бўғзимга тикилган, деярли ҳушимни йўқотган эдим ва бамисоли сўқирдай олға кетиб борардим. Ҳар бир қадам босганимда азбаройи баданим зир қақшаб кетарди. Йўлнинг ярмига етганимда қаршимдан югуриб келаётган роҳибларга дуч келдим. Маълум бўлишича, мен билан бирга томдан бир бола ҳам учиб тушган экан, бироқ у мендан ҳам кўра омадсизроқ чиқибди: ўладиган даражада мажақланиб кетибди. Мени хонамга олиб келишди ва устозим ўйлаб-негиб ўтирмай мени кўздан кечира бошлади.

— Оҳ-оҳ, бечора болалар-а, бунақа об-ҳавода ҳаргиз томга чиқа кўрманглар...

Сўнг у кўзимга тик боқиб деди:

— Кўлинг ва елкангни синдириб олибсан, Лобсанг, суякларни жой-жойига қўймаса бўлмайди. Бир оз азоб чекасан, аммо мен иложи бориचा оғритмасликка ҳаракат қиламан...

Мен гап нимадалигини англаб етгунимча у елкамни кўриб бўлиб, тахтакачлаб қўйди. Кўлимга навбат келганда эса оғриқ жонимдан ўтиб кетди. Лекин устоз енгил ва чаққон ҳаракат қилар эди. Кўлимга ҳам тезда тахтакач урилди. Куннинг бутун қолган қисмини тўшақда ётиб ўтказдим. Эртасига эрталаб лама Мингяр Дондуп мени кўргани келди.

— Машғулотларни қолдириб бўлмайди. Сенинг хонангда шуғулланамиз. Ҳамма қатори сен ҳам янги дарсларга ҳафсаласизлик билан киришяпсан. Ҳечқиси йўқ, эринчоқликни ухлатиш йўли билан олиб ташлаймиз.

У чийпардаларни ёпди ва хона зим-зиё қоронғилик ичида қолди. Фақат меҳробдаги жинчироқ хира ёниб турарди. Устоз кичикроқ бир қутичани олди-да, уни қаршидаги жавон устига қўйди. Назаримда ёрқин нурни, ёрқин бўёқларни ва олачалпоқ доғларни кўраётгандек бўлдим. Сўнг ёрқин нурлар хиралашиб-хиралашиб тиниб қолди-да, атроф енгил нурга тўлди.

Мен бир неча соат ухладим. Уйғониб қарасам, дераза очиқ экан, ундан оқшомнинг водий томондан келаётган чўғдай шафағи кўришиб турарди. Пота-ла эҳроми деразаларида тинчгина чироқлар ёнарди: тунги қоровул шаҳар айланиб юрибди. Шаҳар кечки юмушларига тутинган. Хонага устоз кириб келди:

— Мана, биз ҳам келдик! Назаримда, самовий олам дидингга яхшигина ўрнашиб қолди. Уйғонинг ҳам келмайди-я. Афтидан, очқаган кўринасан? Одатларингни ўзгартириш ниятларинг йўқми дейман?

Бу сўзларни эшитгач, ростданам ўлгудай очқганимни ҳис қилдим. Овқат келтиришди. Мен овқатланарканман, устоз сўзида давом этди:

— Тўғриси айтганда, сени абжағинг чиқиб кетиши керак эди, лекин юлдузларнинг тасдиқлашича, сенинг ҳаётинг кўп йиллардан кейин қизил ҳиндилар мамлакатада — Америкада анжом топади. Ҳозир роҳиблар сен билан бирга йиқилиб тушган бола номига ибодат қилгани кетишаяпти.

Менга қилинган гипноз тажрибаси ҳаёт чегарасидан ошиб ўтганларга ҳавасимни оширмоқда эди. Дастлабкисидан келувчи самовий саёҳатлар менга ошқора ёқмоқда эди. Бироқ ҳаёт ўз ҳақини талаб этарди. Мактаб ҳаммага ҳам ёқармайди-ю, аммо барибир ўқиш керак-да. Бироқ суяклар мажмақланганда ҳам мактабга бориш зарур бўлган ҳаёт — бу қанақа ҳаёт бўлди ўзи?

Кейинги ҳафта давомида менинг ўқув дастурларим янада ортганди. Бу синган кўлимни кўп ўйламаслигим учун атайлаб қилинган деб айтишди. Мана шу муддат сўнгига бориб суяклар ўсган бўлса-да, аммо оғриқ хали ўтиб кетмаганди. Бир куни эрталаб хонамга қайтиб келиб қарасам, у ерда лама Мингяр Дондуп қандайдир хатни ўқиб ўтирибди. У менга қараб қўйди.

— Лобсанг, бизда ҳурматли ойинг учун олиб қўйилган шифобахш бир халта бор. Сен эртага уни ўзинг олиб бориб, бутун кунни ўша ерда ўтказишинг мумкин.

— Отамнинг мени кўришга тоқати бормикан? Потала зинасида чақирганимда ҳам бирров қайрилиб қарамаганди.

— Шундай бўлиши ҳам керак. У сени Поталага Бебаҳо зотдан махсус унвон олгани келганингни билар эди. Мен йўғимда у сенга мурожаат қилолмасди, чунки бебаҳо зотни менга бутунлай ишониб топширган.

Устоз менга мугомбирона қараб қўйди-да, кулиб юборди:

— Ҳар ҳолда эртага отанг уйда бўлмайди. У иш билан бир неча кунга Жангдзегга кетган.

Эртасига эрталаб устоз менга бошдан-оёқ разм солиб қараб чиқди.

— Ҳм, бир оз рангинг синиққан бўлса ҳам, тозасан, тўлишгансан, она учун энг кераги шу! Мана бу рўмолни ол, ламалигинг эсингдан чиқмасин, барча қоидаларга риоя қилишинг керак. Сен бу ерга яёв юриб келдинг, бугун ажойиб оқ аргумоққа миначасан. Менинг отимни ола қол. Бир оз совутиш керак бўлиб турувди ўзиям.

Гиёҳли чарм мешни шойи матога ўраш керак эди, бироқ рўмолни ифлос қилмаслик учун мен уни қўлтиғимга суқдим ва уйга боргандагина чиқараман деб дилимга тугиб қўйдим.

Тепаликдан иккаламиз тушдик: мен ва оқ от. Тепалик унгурига келганда от тўхтади ва менга диққат билан қаради. Менинг унга ёқмаганим шундоқ кўришиб турарди. Мен эгарга кўнишим ҳамон у аста кишнаб қўйди ва бунақа суворийлар чўт эмас дегандек, шамолдек елиб кетди. Тибетда қоидаларга жон-жаҳди билан амал қиладиган ламалар ҳўкизларда юришни афзал билишади, чунки ҳўкизлар отларга қараганда вазминроқ бўлади, деб ҳисоблашади. От ва пониларда жуда кўзи пишган роҳибларгина юришарди. Менга келганда эса, агар қайси бирини танлар эдинг, дейишса, яёв юришни афзал кўрган бўлардим. Чапга бурилиб, бир оз юрилгач, мен енгил нафас олдим — хайриятки тағимдаги от гапга кирадиган хилидан экан. Афтидан, диний нуқтаи назардан Линкорнинг барча йўл тизими милли соатни эслатарди. Қаёққа йўл олманг, ўнгга бурилгач, албатта, Дрепунгдан келувчи йўлни кесиб ўтасиз ва Линкорни айланан ўтувчи ҳалқа йўл томонга қараб кетасиз. Потала эҳромидан ўтиб кетар эканмиз, мен унинг Шикпорига нисбатан улугворлиги ҳақида ўйладим. Ниҳоят, чап томонда Камиачани, ўнг томонда Илон эҳромини қолдириб, Ҳиндистон йўлини кесиб ўтдим. Яна бир оз юрган эдим, ўзимни қадрдон гўшамда кўрдим. Менга кўзи тушиб, хизматкорлар дарвозани очишга шошилишди. Ишқилиб, эгардан қулаб тушмасам бўлгани деган хаёл билан ўзимни ҳаддан ташқари жиддий тутиб, ҳовлига кириб бордим...

ҲН ТҲРТИНЧИ БОБ

МЕН “УЧИНЧИ КЎЗ”НИ ИШГА СОЛАМАН

Сокин, ҳеч қандай зиддият асари сезилмаган тонглардан бирида ибодатгача қолган ярим соатлик вақтни қандай ўтказсам экан, дея хаёлга толиб турганим-да лама Мингяр Дондуп мени қидириб келиб қолди.

— Юр бу ёққа, сен билан қиладиган озгина иш бор.

У билан айлангани чиқар эканман-да, деб севинчимдан ирғишлаб юбордим. Ибодат узок чўзилмади. Эҳромдан чиққанимизда бизга бир мушук дуч келди. У миёвлар ва бизга азбаройи ҳурмат юзасидан думини қимирлатмай тек турарди. Мушукдан қутулишнинг иложи бўлмади. Бу тибетчасига шилми деган баҳайбат махлуқ эди. Мушукни силашга тўғри келди, у голибона одимлаганча тоққа кўтарилаверишдаги йўлнинг ярмигача ҳамроҳлик қилиб борди. Бир пайт, афтидан, жавоҳиротни қаровсиз қолдиргани эсига тушиб қолди шекилли, ҳар қалай, орқага, эҳромга қараб чопиб кетди.

Мушукларни биз чиройлилиги учунгина сақламаймиз, улар муқаддас ҳайкаллар пойида катта миқдорда йиғилиб қолган жавоҳиротни кўз қорачиғидай сақлайдилар. Итлар — одамни ағдариб, парча-буриш қилиб ташлашга қодир баҳайбат бульдоглар эса уйларни қўриқларди. Аммо итни қўлга ўргатиш, овқатлантириш ва пойгага қўйиш мумкин. Лекин мушук қўриқлайдиган бўлса, ундай нарсаларга умид боғламанг. Мушукнинг ҳужумига фақат ўлим чек қўйиши мумкин. Биздаги мушуклар шам наслидан, иссиқ мамлакатларда улар деярли оқ ёки оч жигар ранг тусда бўлади, аммо совуқ Тибет мамлакатида уларнинг ранги қопқора. Кўзлари эса қўм-қўк бўлиб, орқа оёқлари олдингиларидан хийла узун, шу боис бу жониворларнинг юриши бир жиҳатдан жудаям ўзига хос, ноёб. Узун думи қамчиға ўхшайди. Бундан ташқари, унинг товуши бошқа бирон бундай жониворда йўқ: баландлиги ва оҳанги одамни лол қолдиради.

Эҳромни қўриқловчи мушуклар шовқинсиз ва ҳар доим ҳушёр, улар тунги шарпаларни эсга солади. Борди-ю, кимдир улар қўриқлаётган жавоҳиротга қўл чўзгудек бўлса, у қоронғилик ичидан отилиб чиқади-да, тўғри тажовузкорнинг қўлига бориб ёпишади. Агар киши ўша заҳоти ўғирланган нарсасини ташлама-са, иккинчи мушук тўғри унинг бўйнига сакрайди. Бу мушукларнинг тирноқлари одатдаги мушукларнинг тирноқларига қараганда икки баравар узун. Итларни, такрор айтаман, қўлга ўргатиш ёки заҳарлаш мумкин. Мушукларга эса бу найрангни ишлатиб бўлмайди. Улар энг ваҳший бульдогларни ҳам бир чўқишда қочира олади. Қоровуллик қилиб турганда эса мушуклар фақат ўзларига таниш бўлганларнигина яқинига йўлатиши мумкин.

Биз сайр қилишда давом этамиз. Шо кишлоғи ва Тошбақа кўпригидан ўтгач, биз Хитой қароргоҳи Доринг уйига яқинлашдик. Йўл-йўлакай лама Мингяр Дондуп менга шундай деди:

— Хитой вакиллари келишган. Бу одамларни бирров кўриб ўтиш керак. Улар кимга ўхшашадию, ўзлари қанақа одамлар эканини билишимиз лозим.

Дастлабки таассуротим унчалик кўнгилли бўлмади. Хитойликлар гердайганча зал бўйлаб кезардилар, чор атрофда қутилар, идишлар сочилаб ётарди. Бундан ташқари, қуроллар шу қадар кўп эдики, бутун бир қўшинни қуроллантиришга ҳам бемалол етиб ортарди. Бўйимнинг калталиги туфайли мен очиқ дераза олдига боришга ва уларни анча вақтгача кузатиш имконига эга бўлдим. Кейин улардан бири бошини кўтарди, мени кўриб қолди ва шунақанги бўралаб сўқдики, (соф хитойча қилиб) агар унга ишонадиган бўлсак, нафақат ота-боболаримнинг пок-ҳалоллигини тупроқ билан битта қилди, балки менинг истиқболимни ҳам йўққа чиқарди деса бўлади. У менга отиш учун нарса қидира бошлади, бироқ бу ниятини амалга ошираман дегунча мен кўздан ғойиб бўлдим.

Линкор йўлидан изимизга қайтар эканмиз, мен устозга:

— Уларнинг нурлари қанчалик қизил эканлигини пайқадингизми? — дедим. — Муштумларини қанақанги ўйнатганларини кўрдингизми?

Бироқ лама Мингяр Дондуп азбаройи хаёлга чўмганидан гапимни яхши эшитмади ҳам.

— Мен хитойликлар ҳақида кўп ўйладим, — деди у кечки овқат устида, — Бебаҳо зотга сенинг фавқуллода истеъдодингдан фойдаланишни таклиф қилмоқчиман. Парда ортидан туриб уларни кузата оласанми?

— Агар бу иш менинг қўлимдан келишига кўзингиз етса, мен тайёрман, — дедим.

Эртасига устоз кўринмади, лекин индинига у менга иш топширди, тушликдан кейин эса яна мени ўзи билан олиб кетди.

— Кетдик, Лобсанг. Биринчи даражали рўмолдан олиб ол. Қаёққа бораётганимизни билиш учун ғойибдан кўрувчи бўлишинг шарт эмас. Йиғинда сен учун ўн дақиқа вақт ажратаман. Мени шу ердан топасан. Мен ҳам руҳоний билан ибодат қилиб олишим керак.

Шундан сўнг биз яна илонизи йўлдан равона бўлдик. Жануби ғарбий тоғ тизмасидан кетувчи сўқмоқ тезгина Нарбу Линга, яъни Марварид боғигача етиб олиш имконини берди. Далай Лама бу боғни жонидан яхши кўрар, кўп вақтини шу ерда ўтказарди. Бу тушунарли эди, албатта. Поталанинг ташқи кўринишига гап йўқ, бироқ ичкарисиди шамол паррақлар камлигини ва узлуксиз ёниб турувчи жинчиқларнинг ҳаддан ташқари кўплигидан нафас олиб бўлмасди. Кўп йиллар давомида тўкилавериб ерларда ёғ ғарам-ғарам бўлиб тўпланиб қолган эди. Устини чанг қоплаган ёғ дўнгаларга сирганиб, ағдарилиб тушгач, ўзини ҳар қанча мағрур тутмасин, ундай ламанинг неча пуллик обрўйи қоларди? Боз устига, қандай йиқилмайсану қанақа овоз чиқармайсан? Эҳтимол, шунинг учун ҳам Далай Лама кўпроқ вақтини Нарбу Лингада ўтказар. Таваккал қилиб, шарманда бўлиш кимга зарур келибди?

Нарбу Линганинг барпо этилганига кўпи билан юз йил бўлгандир, боғнинг чор атрофи тўрт метр баландикдаги девор билан қуршалган. Зарҳал томли сарой маъмурият банд қилган уч иморатдан иборат эди. Ичкари ҳовлида боғ бўлиб, у ҳам девор билан ўралган. Далай Лама шу ерда дам оларди. Айтишларича, аёнларнинг у ерга кириши тақиқланган, лекин бу унчалик тўғри эмас, уларнинг у ерга кириши, иш билан шуғулланишлари ман этилган, холос. Мен бу боғда роса ўтгиз марта бўлганман, шунинг учун уни яхши биламан. Боғда ажойиб сунъий қўл бўлиб, ундаги икки оролчада Далай Ламанинг ёзги қароргоҳи жойлашганди. Қароргоҳларга тош ётқизилган шимоли-ғарбий тош супачадан қирилди. Далай Лама гоҳ у, гоҳ бу оролчада тез-тез бўлар ва ҳар куни соатлаб тафаккурга бериларди. Боғ ичкарисиди Далай Ламанинг беш юз кишидан иборат шахсий қўриқчилари учун хоналар жойлашганди. Биз Лама Мингяр Дондуп иккаламиз худди ўша ерга йўл олган эдик. Бу Нарбу Лингага менинг биринчи ташрифим эди.

Ҳайратомуз боғлардан ўтиб, биз улуғвор дарвоза орқали ички саройга кирдик. Ерларда ва дарахтларда турли-туман, анвойи қушлар қанот қоқиб учиб юрарди. Улар бизга заррача эътибор қилмас эди, биз ҳам уларни безовта қилмасликка тиришардик. Кўлнинг сокин сувида чор атрофдаги эртакнамо манзара кўзгудай жилва қақлиб турарди. Шохкўча яқингинада оҳак билан оқлаб чиқилганди. Биз Далай Лама чуқур тафаккурга берилган тўрдаги орол томонга ўтдик. Яқинроқ борганимиздан кейин у кўзини кўтарди ва жилмайиб қўйди. Биз чўк тушдик-да, рўмолни унинг оёғига қўйдик, шундан сўнг у ўтиринглар дегандек, ёнидан жой кўрсатди. У чой келтиришларини айтиб, занг қоқди, ҳеч бир тибетлик чойсиз суҳбат бошламайди. Бир оз сукут сақлаб турди-да, у боғдаги жониворлар ҳақида сўз очиб, ҳаммасини сенга ўзим кўрсатаман дея ваъда берди.

Чой келди. Далай Лама менга қараб қўйди-да, деди:

— Дўстим Мингярнинг менга айтишича, хитойлик вакилларнинг нурлари сенга ёқинқирамабди. Улар тиш-тирноғигача қуролланган эмиш. Устозингнинг гапига қараганда, ғойибдан кўриш қобилиятинг сенга ҳеч қачон паңд бермаган. Бу одамлар ҳақида сен нима деб ўйлайсан?

Далай Ламанинг саволи мени довдиратиб қўйганди. Лама Мингяр Дондупдан ўзга ҳеч кимга ва ҳеч қачон нур рангларини ажратиб олишим ҳақида гапир-

мас эдим. Агар кимда-ким нур ранглари ҳеч қачон мустақил равишда талқин қилиб бера олмас экан, ундай одам билан бу борада гаплашишга ҳожат йўқ деб билардим. Бироқ давлат бошлиғига бу тўғрида қандай айта оламан? Бунинг устига ўзи ғойибдан кўра олмайдиган давлат бошлиғига-я?

— Муҳтарам Шафқатли Ҳомий, — жавоб бердим, — мен ажнабийлар нури-ни ўқиш санъатида етарли даражада камолот касб этмаганман, бинобарин, бу борада тугал бир фикр айтишдан ожизман.

Бироқ Далай Лама сўзларимга ишонмади ва ўша заҳоти эътироз билдирди:

— Сенга туғилишда алоҳида хислат ато этилган. Бу хислат узоқ ўтмишдан мерос бўлиб, ота-боболаримиз санъати ҳисобланади. Сен бу санъатни биринчи бўлиб ўрганаётганинг йўқ. Нима кўрган бўлсанг, барчасини сўзлаб бериш сенинг бурчинг. Кулоғим сенда.

— Муҳтарам Шафқатли Ҳомий, бу одамларнинг нияти жуда ҳам қора. Улар нурининг ранги ёвузликдан бошқа ҳеч нарсаи англамайди.

Мен гапни қисқа қилиб қўя қолгандим, бироқ, афтидан, Далай Лама ўзи кутган нарсаи эшитганлиги кўриниб турарди.

— Яхши, — деди у. — Сен менга Мингяр гапирган нарсаларни такрорладинг. Эртага сен мана бу парда ортида ўтирасан ва қабул чоғида хитойликларни кузатиб борасан. Биз уларнинг асл ниятларини билишимиз керак. Энди парда ортига ўт-да, бекиниб туришга ҳаракат қил. Сени сезмасликларига тўла амин бўлишимиз керак.

Парда мени бутунлай тўсиб қололмаганидан мулозимлар хитой арслонларини хиёл суриб қўйишди. Машқ қилиб кўрдик, бунинг учун хитой вакилларининг ролини ўйнагани ламалар чақирилди. Улар мен яширинган жойни пайқашга ҳарчанд уринишди. Улардан бирининг гапидан мен лол қолдим:

— Агар уни пайқаёлсам, катгароқ амалга кўтариламан!

Бироқ қанча уриниб-чиранишмасин, мени топишолмади: қаерни бориб қарашмасин, мен йўқман. Охири Донолар доноси ўз мамнунлигини изҳор этди ва мени чақирди. Бир оз менга йўл-йўриқлар берган бўлди-да, кейин эртага шу ерга келишимни айтди. Хитойликлар Лхасага ўз шартларини ўтказиш мақсадида келган эдилар. Шу фикр билан биз Далай Лама ҳузуридан чиқиб кетдик ва Шакпорига қайтдик.

Эртаси куни Шакпоридан ўзимизга яхши таниш йўлдан юриб, соат ўн бирларда Нарбу Линганинг ички ҳовлисига кириб бордик. Далай Лама мени хуш табассум билан қарши олди ва хуфя жойга беркинишдан олдин тўйиб овқатланиб олишимни айтди — бу мен учун доим айна муддао-ку! Унинг фармони билан менга тансиқ таомлар беришди — бу Ҳиндистондан келтирилган дамламалар эди. Бу озуқаларни нима деб аталишини билмасдим, аммо кампа, чой ва турупдан иборат одатдаги таомни буларга жон-жон деб алмашдим. Тўйиб овқатланиб олгач, энди қимир этмай ўтиш томошасини бемалол бошлайверсак бўларди. Мутлақо ҳаракатсизлик — тафаккур учун энг зарурий ҳолатдир. Лама учун ҳаракатсиз қотиб ўтириш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмасди. Дума ёш-ликдан, тўғрироғи, етти яшардан мени қаторасига бир неча соатлаб ҳаракатсиз қотиб ўтиришга ўргатишган. Бунинг учун бошимга ёқилган жинчироқни қўйиб қўйишарди, то чироқнинг мойи охиригача ёниб тугамагунча, яъни ўн икки соатга яқин нилуфар шаклида чордона қуриб ўтиришим керак бўларди. Шу боис уч-тўрт соатлик томоша бунинг олдида ҳеч гап эмас эди.

Далай Лама ердан икки метрлик баландликдаги тахтда менга юзма-юз, ҳаракатсиз, нилуфар шаклида чордона қуриб ўтирарди. Мен ҳам ҳаракатсиз ўлтирардим. Хитой тилидаги турли-туман хитоблар ва дўқ уриб қичқаришлар кулоғимга чалинди, Кейин билсам, кийимлари тагидан хитойликлар қурол яшириб олишган экан, уларни ичкаридаги қабулхонага ўтказаятган посбон кийим тагидан нимадир дўппайиб турганини сезиб қолиб, хитойликларга қуролларни бўсагада қолдиришни буюрибди. Шундан улар бараварига даргазаб бўлиб, норозилик билдиришяётган экан. Ниҳоят хитойликларни ичкарига қўйишди ва посбонлар ҳамроҳлигида улар яқинлашиб кела бошладилар. Катта лама чўзиб: “Оум! Ма-ни пад-ме хум”, — деди, бироқ одоб ва ҳурмат юзасидан талаб этилувчи жавоб ўрнига хитойликлар ўзларича хитоб қилишди:

— А-ми-до-фо (“Қулоқ сол бизга, эй Амида Будда”).

“Ишимиз осон кўчадиган бўлди, — дедим мен ўзимча, — нурларсиз ҳам уларнинг нияти маълум.

Панадан уларнинг нурлари қандай қарақлаётгани яққол кўришиб турарди. Улар бамисоли дағал қизил доғ аралашган жигарранг тўлқинларга кўмилгандек эдилар, хитойликларнинг нафрат тўла фикрлари қуюн ҳосил қилганди. Худди тасмадай нурлар устидан қаҳр ва ғазаб алангалари сузиб ўтаётганини кўриб турардим. Хитойликларнинг нурлари юксак фикрлар учун хос бўлган тинч ва ёрқин ранглардан мутлақо холи эди. Кўз олдимда моддиюнлик ва жиноятга тўла тубан руҳларнинг жирканчлиги ва ғалаёни намоён эди. Бу хитойликларга бизнинг: “Сўзлари ширину қалблари ғаддор”, деган мақолимиз жуда-жуда мос келарди.

Мен Далай Ламага қарадим, унинг нуруни ранги ташвишдан дарак берарди, у Хитойда ўтказган узоқ замонларни эсга соларди. Ундаги ҳамма нарса менга ёқарди, ҳеч қачон Тибет яхши ҳукмдорга ёлчимаганди. Далай Лама шиддатли қизиққонликка эга эди, гоҳ бу қизиққонлик ўта жиддий тус оларди... Мана, ҳозир ҳам ўқтин-ўқтин унинг нурлари устида қизил алангалар пайдо бўлмоқда, аммо Тибет тарихи унинг энг яхши давлат бошлиғи эканини яхши билади, у мамлакат фаровонлиги Учун жонини беришга ҳам тайёр эди. Мен юрагимда унга нисбатан чуқур муҳаббат туйғусини ҳис этмоқда эдим. Лама Мингяр Дондупдан кейин у менда муҳаббат уйғотган иккинчи одам эди.

Учрашув манتيкий якунсиз тарзда давом этарди. Бу одамлар бу ерга дўст эмас, душман сифатида келишганди. Уларнинг миясига ўтириб қолган фикрлар шу қадар қисқа ва бирёқлама эдики, улар ниятининг хайрили экани тўғрисида гап бўлиши мумкин эмасди, улар ўз вазибаларига бирон-бир ўзгариш киритишга мутлақо ожиз эдилар. Улар ҳудудий ён беришларни, Тибет устидан сиёсий ҳукмронлик ўрнатишларини талаб қилар эдилар. Бироқ ҳамма нарсадан олдин улар олтин хоҳламоқда эдилар. Олтин, олтин! Олтин уларнинг баълоий нафсларини қутуртирмоқда ва асрий даъволарини рўқач қилмоқда эди. Тибетда ҳақиқатдан ҳам олтин кўп эди, эҳтимол, бир неча юз тоннадан ҳам ошиб кетар. Бироқ Тибетда олтинни қимматли маъдан деб эмас, балки муқаддас маъдан деб билишарди. Бизнинг диний эътиқодимизга кўра, конлардан олтин қазиб чиқариш ерни ҳақорат қилишга кирарди, шу боис ҳеч ким уни бу тарзда қазиб олмасди. Тибетда олтинни ер тагидан чиқиб қолган бошқа маъданлар таркибидан ажратиб олишарди. Шундай дарёлар борки, у ерда тўғри тоғдан оқиб тушган олтин қумни йиғиш мумкин. Тиён-Шон тоғларида шунчалик кўп олтин қумларини кўрганманки, уларни оддий қумдан сира фарқи йўқдай. Тибетда олтин эҳромларни турли-туман безак ишларида ишлатиларди, муқаддас маъданларни биз фақат муқаддас ишларга сарф қиламиз. Ҳатто эҳромлардаги жинчиروқлар ҳам олтиндан ясаларди. Афсуски, олтин юмшоқ маъдан бўлиб, ундан ясалган нақшу нигорлар унчалик мустаҳкам бўлмайди.

Тибет майдони Буюк Британия майдонидан саккиз баравар катта. Унинг кенг минтақалари ҳалигача яхши тадқиқ этилмаган. Тибетда олтин, уран, кумуш конларнинг ғоят кўплигини биламан. Лама Мингяр Дондуп билан мамлакат бўйлаб қилган сафарларимизда ўзим бунга амин бўлганман. Фарб вакилларининг еримизни тадқиқ этиш борасидаги қаттиқ туриб қилган талабларига қарамай, биз у ерга ажнабийларнинг оёқ босиб боришига йўл қўймаймиз. Халқ ҳикматларимизда шундай дейилади: “Фарбдан келган одамларнинг қадами етган жойда уруш бўлади!” Шу боис муаллиф китобхондан доим бир нарсани эсидан чиқармасликни илтимос қилади: олтин биз учун муқаддас маъдан, китобда “олтин найлар”, “олтин ликобчалар” ёки “олтин қопламали ҳайкаллар” ҳақида гап кетганда ҳам шуни ёдда тутсинлар. Агар инсоният куч ёрдамида бировлар ерини босиб олишдек йўлдан боришдан кўра тинчлик ва ҳамжиҳатликда, бир ёқадан бош чиқариб ҳалол меҳнат қилиб яшашга ҳаракат қилганида эди, мамлакатимиз бутун дунё учун бойлик ва фаровонлик манбаига айланган бўлур эди.

Бир куни эрталаб эски қўлёзмалардан нусха кўчириб, унга сайқал беришга тайёрлаш билан машғул бўлиб ўтирганимда олдимга лама Мингяр Дондуп кириб келди.

— Лобсанг, — деди у, — иккаламингни Бебаҳо зот чақираяпти. Унинг хузурига ҳозир бир ажнабий келиши керак, иккаламинг панадан унинг нурларини кўришимиз лозим. Бу ажнабий Фарбдан келган. Тезроқ бўл, уни қабул қилишдан аввал, Донолар доноси биз билан гаплашиб олмақчи. Рўмол керак эмас, ҳеч қандай расмиятчиликнинг кераги йўқ, тезроқ!

Нима ҳам дердим бунга! Диққат билан кулоқ солиб турдим-да:

— Кийимингни алмаштириб олсам бўлди, мен тайёрман, муҳтарам Лама ва устоз, — дедим.

Учрашув узоқ давом этмади. Нарбу Лингага яёв кетдик, ўзи ҳам унча узоқ эмас эди-да, кўпи билан саккиз юз метрлар келади. Тоғ ўнгурида суягимни мажақлаб олган жойни топишга хаёлан ҳаракат қилдим. Кичикроқ бир кўприқдан ўтдигу Линкор йўлидан чиқиб қолдик. Ниҳоят, Нарба Линга дарвозасига ҳам етиб келдик. Посбонлар зудлик билан бизни ички ҳовлига қўйиб юборишди. Далай Лама айвонда ўтирарди. Рўмолсиз мен ўзимни ноқулай ҳис қилмоқда эдим: қўлларимни қаерга қўйишни билмаётгандим.

Донолар доноси бизга қаради-да, жилмайди:

— Ўтир, Мингяр, сен ҳам, Лобсанг. Жуда вақтида келдингиз.

Ўтирдик-да, Бебаҳо зотнинг гап бошлашини кута бошладик. У хаёлларини бир жойга тўглаб олмақчидай, ўйга толди.

— Малла душманлар — инглизларнинг табаррук тупроғимизга бостириб кирганларидан буён кўп вақт ўтди, — гап бошлади у, — мен ўшанда Ҳиндистонда яшириниб юрардим, бу узоқ саёҳатимнинг биринчи босқичи эди. Темир Ит йили, яъни 1910 йилда хитойликлар ватанимизга бостириб киришди. Уларнинг бостириб кириши бевосита инглизлар ҳужуми билан боғлиқ эди. Ҳиндистонда бугун бизникига келган одам билан учрашгандим. Буни мен сенга айта-япман, Лобсанг, чунки Мингяр менга ҳамроҳ эди ўшанда. Инглизлар бизга жуда кўп ваъдалар беришганди, бироқ биттасини ҳам бажаришмади. Бугун мен бу одам чинданам самимийлиги ва ниятлари нималигини билмоқчиман. Лобсанг, сен бизнинг суҳбатимизни тушунмайсан, лекин сен бундан ташвишланма, нима ҳақида гап кетиши сенинг ҳаётингга ҳеч қандай дахл қилмайди. Анови жавон орқасига ўт-да, устозинг ўргатгандай барча хусусиятларни қайд этиб бор. Энди, Мингяр, уни панага олиб бориб қўй. У мендан кўра сенга кўпроқ ўрганиб қолган, ҳа, Далай Ламадан кўра сени кўпроқ ҳурмат қилиши ҳам кўриниб турибди.

Жавон орқасида қушларнинг парвоз қилишини ва дарахт шохларининг чайқалишини томоша қила бошладим. Эрмак учун ўзим билан олволган цампа урвоқларидан қушларга ташладим. Осмонда паға-паға булутлар сузиб юрарди. “Оёқ остингда осмонга тик кўтарилаётган варракнинг гувиллашини ҳис қилиш, шойи матода шамолнинг чийиллаши, ипнинг чолғу торидай таранг тортилиши барча-барчаси қандай маза, қандай гўзал!” — ўйладим мен. Тўсатдан илон чақ-қандай сапчиб тушдим. Бир лаҳза ўзимни варракда учиб кетаётгандай ва ерга кулаб тушаётгандай ҳис қилдим. Лекин бу ички боққа олиб кирадиган дарвозанинг урилган овози эди, холос. Сарик либос кийган ламалар башанг кийинган бир кишига ҳамроҳлик қилиб келишарди. Мен хоҳолаб кулиб юборишдан ўзимни аранг тутиб қолдим. Шунақанги кулгим қистадики, кўяверасиз! Ҳалиги одам худди таёқдай озгин ва новча эди. Унинг соч-соқоли оппоқ, ўзи ҳам оқ юз эди, қош ўрнида нимадир ўсиб чиққан, кўзлари жудаям чуқур бир мавжудот. Лаблари ингичкалиги етмагандай, яна қаттиқ қимтиб олган. Костюмини айтмайсизми? Оддий мовий матодан тикилган бўлиб, қатор ялтироқ тугмалар қадалган. Костюмни нўноқ тикувчи тиккани шундоқ кўриниб турарди, зеро филнинг кулоғидай келадиган ёқанинг бунақа беўхшов осилиб ётмай ўз жойида туриши учун бошқатдан тикиш ва яхшилаб дазмоллаш керак эди. “Наҳотки Фарб аҳолиси ҳам Будда либосига ҳавас қилиб, кийимларини шунақа қопга ўхшатиб тикдираётган бўлса?” — ўйладим ўзимча. Шуни қайд этиш лозимки, бу пайтда мен чўнтак ва ёқалар ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга эмас эдим! Тибетда тирикчилик учун маблағни жисмоний куч билан топмайдиган одамлар қўлларини яшириб турадиган узун енгли кийим кийишади. Бу одамнинг енги эса шунчалик калта эдики, панжасига аранг етарди.

“Лекин у‘қора ишчи эмас, — ўйладим мен, — қўллари топ-тоза-ку. Балки, у қандай кийинишни билмас”.

Кўйлаги ҳам тиззасидан келар-келмас эди.

“Балки у камбағал одамдир?” — яна дилдан ўтказдим мен.

Шими ҳаддан ташқари тор ва узун эди, ҳатто узунлигидан почасини қайириб олганди.

“Бунақа кийимда, — ўйладим мен. — Эҳтимол, Далай Лама олдида ўзини ноқулай сезса керак. Наҳотки унинг бўйи билан баравар ламалардан биронтаси унга кийимини бериб турмаган бўлса?”

Мен ажнабийнинг оёқларига разм солдим. Фирт масхарабознинг ўзгинаси! Оёқ кийими қора рангда бўлиб, ойнадай ярақларди. Бизнинг наमत этигимизга асло қиёслаб бўлмайди! Бунақа оёқ кийимни умримда кўрмаганман. Беихтиёр унинг нурига қарадим ва дастлабки хулосалар чиқардим. Гоҳ-гоҳ ажнабий тибет тилида гапирар, гаплари ажнабийларга хос пойинтар-сойинтар бўлар эди, бироқ бир оздан кейин шунақанги сўзлар ва товушларни ирод этардики, бунақасини сира эшитмагандим. Кейин менга айтишларича, бу инглиз тили экан.

Лекин ажнабий қаердандир биқинидан оқ мато чиқарди, уни бурни ва оғзига олиб борди ва кичкина карнай овозини эслатувчи бир овоз чиқардики, эшитиб мен бутунлай ҳушимни йўқотиб, нима қилишимни билмай қолдим.

“Бу, эҳтимол, Бебаҳо зотга салом бергани бўлса керак,” — ўйладим мен.

Мана шу тариқа саломлашиб бўлганидан кейин ажнабий оқ латгани аввалги жойига яшириб қўйди. Сўнгра у бошқа нарсаларни чиқара бошлади, улар ичида менга нотаниш бир нечта варақ қоғоз бор эди. Бизнинг қоғозимиз сариқ, қалин ва гадир-будир бўлади, бу эса оқ, покиза ва силлиқ. Қизиқ, бундай қоғозга қандай ёзиб бўларкан? Бўр бунга тўғри келмасди, сирғалиб кетади... Ажнабий рангли ёғочдан қилинган ингичка чўп олди, чўпнинг ўртаси курумни эслатарди. Шу усқунаси билан у турли ажи-бужи нарсаларни чиза бошлади. Менимча, у ёзишни билмасди, фақат ўзини биладиган қилиб кўрсатапти!

Курум? Курум чўпи билан хат ёзиш мумкинлигини ким эшитган? Бир “пуф” дединми, битта қўлмай учиб кетади.

Ажнабийнинг эси жойида эмаслиги яққол кўриниб турарди, чунки қандайдир тўрт оёқлик ёғоч тагликка ўтириб олди-да, оёғини осилтириб, ликиллата кетди. Ҳойнаҳой, умуртқаси майишиб кетган бўлиши керак, чунки у тагликни орқа томонидан маҳкамлаб қўйилган бир жуфт кўндаланг тўсинга суяниб олганди. Унга қарар эканман, бу одамга чинданам раҳмим келиб кетди: кийим унга ярашмаса, ёзишни билмаса, ўзига одамларни жалб этиш учун эса чўнтак карнайни бурнига қўйиб чалишга мажбур бўлса, бунинг устига, одамлардай ўтиришнинг ҳам улдасидан чиқолмаса — орқаси билан қандайдир суянчиққа суяниб, оёқларини ўйнатса. Ажнабий саросималанарди, бир оёғини иккинчи оёғи устига қўярди-да, яна оларди. Ё тавба, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, у пойафзали тагчармини тўғри Далай Ламага қаратиб, чап оёғини аста кўтарса бўладими! Тибетлик учун бундан ёмон ҳақорат бўлмайди. Ҳарқалай, у тез ўзини ўнглаб олди ва қиёфасини ўзгартирди. Донолар доноси ҳам анойилардан эмасди, мана бўлмасам деб: у ҳам ўшандай ўриндиққа бориб ўтирди-да, худди ажнабийдек оёғини осилтириб олди. Меҳмоннинг исми галати эди — Белл, бу аёллар чолғу асбобини билдирарди. Нурга қараб ҳукм чиқарадиган бўлсак, мистер К.А.Беллнинг саломатлиги ўртача эди, афтидан, ноқулай иқлим таъсир қилган бўлса керак. Ўз вазифасида муваффақият қозонишга ишонаётгани ва ҳукумати топшириқлари амалга ошмай, бажарувсиз қолиб кетиши туфайли истеъфога чиқишни хоҳламаётгани кўриниб турарди. У сиёсатда фақат ўзи хоҳлагандай йўл тутишни истар, бироқ Англия ҳукумати бошқача йўл-йўриқлар берган эди, шу боис у фақат келажакка умид билан қарар ва келажак унинг ҳақлигини кўрсатишига ишонарди.

Мистер Белл ҳақида биздаги маълумотлар кўнгилдагидек эди. Ихтиёримизда унинг туғилиши ва иш фаолиятидаги муҳим нуқталар ҳақида маълумотлар бор эди, қисқаси, унинг келажакни олдиндан айтиш учун керакли ҳамма нарсасага эга эдик. Мунажжимларнинг айтишича, олдинги ҳаётида у Тибетда яшаган экан, бироқ Фарбда тажассум бўлишни хоҳлаган экан, чунки Фарб билан Шарқни бир-бирига яқинлаштиришга имкон туғдириш унинг эзгу орзуси бўлган

экан. Кейин билишимча, бу ҳақда Беллнинг ўзи китобида ёзган экан. Биз шу нарсага амин эдикки, агар мистер Белл унинг ўзи ҳам хоҳлаганидек ҳукуматига таъсирини ўтказа олганида эди, Хитой тажовузкорона бостириб кирмаган ҳам бўлур эди. Бироқ Хитой босқини содир бўлмай қолмади, чунки башоратларда ҳеч қачон хато бўлиши мумкин эмас.

Тибетга нисбатан Англия ҳукумати адоваткорона ва номуносиб сиёсат олиб борарди. У Тибетнинг Россия билан иттифоқ тузишидан қўрқар эди. Ишнинг бундай тус олиши Англияга хуш келмас эди. Сакким, Бутан — барчаси Россия билан шартнома тузиши мумкин, аммо Тибетнинг бундай қилишига зинҳор йўл қўйиб бўлмасди! Бундан ташқари, Тибетни босиб олишда ё бўғиб қўйишда бирон-бир давлатнинг ундан олдин отни қамчилаб қолиши мумкинлиги ҳақидаги гапдан ҳам инглизларнинг жон-пони чиқиб кетар эди. Инглизлар зўравонликнинг мана шу икки шаклидан биронтасидан ҳам илгорликни қўлдан бермасликка тиришар эдилар: ҳар иккала усул ҳам улар учун ғоят қўл келар эди! Ҳеч ким билмаганда ҳам мистер Беллга шу нарса кундай равшан эдики, биз ҳеч кимга тарафкашлик қилишни хоҳламаймиз: Биз бир нарсанигина хоҳлардик: ўз ҳолимизча қолсак, ўз ҳолимизча яшасак, ўз қонунларимизга эга бўлсак, зеро эски тажрибамиздан шу нарсани яхши билардикки, ажнабийлар Тибетга мусибатлар, вайронагарчиликлар ва азоб-уқубатлардан ўзга ҳеч нарса олиб келмаганлар.

Бебаҳо зот мистер Белл кетгандан кейин мен унга баён этган кузатувларим натижаларидан ғоят мамнун бўлди. Бироқ, айтидан, у энди фақат бир нарса тўғрисида ўйларди — менга иложи борича кўпроқ иш беришса.

— Ҳа, ҳа, — хитобан деди у, — биз сенинг қобилиятингни янада ўстиришимиз керак. Мана кўрасан, олис мамлакатларда улар сенга ҳали кўп асқотади. Ухлатиб қўйиш амалини узайтириш лозим, токи миянга билимлар кўпроқ жо бўлсин!

У занг қоқди. Унинг ёрдамчиларидан бири кирди.

— Тез Мингяр Дондупни чақиринг!

Бир неча дақиқадан кейин устозимнинг аста биз томон келаётганини кўрдим. Назаримда, у тезроқ юриши керакдай туюлди, бироқ Далай Ламанинг яқин дўсти экани унга бу ерда айрим имтиёзлар берар эди.

Устоз Донолар доносининг қаршисида мен билан ёнма-ён ўтирарди. Хизматкор тезда ёғли чой ва Ҳиндистондан келтирилган ширинликлар олиб келди. Биз зарурий қиёфада жойлашиб ўтириб олгач, Далай Лама сўз қотди:

— Мингяр, сен хато қилмабсан, Лобсанг жуда ҳам лаёқатли. Бироқ бундан кейин унинг билимини такомиллаштиришни унутмаслигинг керак. Барча зарурий чораларни кўр ва унинг таълим олишини тезлат, бироқ билимларни тўқис қилиш учун халақит қилмайдиган бўлсин. Барча қўлай воситалардан фойдалан. Шошмоқ лозим, зеро тез орада мамлакатимиз бошига оғир кунлар тушади ва биз муқаддас китобларимиз ҳамда қадимги билимларимизни асраб қолишга қодир одамга эга бўлишимиз керак.

Шундай қилиб, менинг машғулотлар тартибим яна жиддий тус олди. Меҳмонлари нурининг маъносини тушунтириб бериш мақсадида Далай Лама зудлик билан тез-тез ҳузурига чорлаб турди.

Мен Потала ва Нарбу Линганинг кунда-шунда меҳмонига айлангандим. Поталада мен телескопдан фойдаланардим ва бу менга жуда ёқарди. Биттаси жуда катта эди, уч таёқда турарди. Ҳақиқий фалакшунослик телескопи эди. Тун яримгача ой ва юлдузларни кузатиб телескоп ёнида соатлаб туриш менга ҳузур бағишларди. Лама Мингяр Дондуп ҳамроҳлигида мен тез-тез Лхасага бориб турардим ва одамларни кузатардим. Лама Мингяр Дондупнинг кенг билими менинг илмий мушоҳадаларимни бир ўзанга солиш ва уларни янада чуқурлаштириш имконини берарди. Биронта дўконга кириб олардик-да, молининг олий сифатлилиги ҳақида савдогарнинг лоф-қофли гапларини тинглардик ва ўша заҳоти молининг асил баҳоси ҳақидаги унинг фикрларини ўқий олардик. Бу бизга ғоят завқ бағишларди. Биз учун ҳеч қандай сирнинг ўзи йўқ эди. Хотирам жуда тез ривожланмоқда эди. Китобларимиздан мураккаб парчаларни соатлаб тинглардим-да, сўнг уларни шариллатиб такрорлардим. Мени узоқ вақтга ухлатиб қўйишарди ва ўша пайтда қадимги битиклардан иқтибослар ўқишарди.

ҲН БЕШИНЧИ БОБ

ШИМОЛ ВА ЙЕТИ СИРЛАРИ

Айни шу вақтлар атрофида биз Тиён-Шон тоғликлариға йўл олдик. Ҳша саёҳатни мухтасар тавсифлаш билан чекланмоқчиман, чунки уни батафсил баён қилиш учун бир неча жилд ҳам камлик қилар эди. Далай Лама саёҳатда иштирок этиши керак бўлган Ҳн беш нафар одамға шахсан оқ йўл тилаб қолди, бизлар Ҳқизларни сафладик-да, яхши ниятлар билан йўлга тушдик. Отлар ўтиб бўлмайдиган жойлардан Ҳқизлар бемалол ўтиб кетаверар эди. Шошмасдан биз Тенгри Цогача бордик ва ундан улкан Цзилинь Нор қўлиға тушдик. Тангла тизмасидан аста секинлик билан ошиб ўтиб тадқиқ этилмаган туманға бориб қолдик. Саёҳатимиз неча кун давом этди деб сўрарсиз? Аниқ муддатни айтишға қийналаман, чунки вақтни аниқ Ҳисоб-китоби биз учун аҳамиятсиз эди. Биз шошилмас эдик. Бемалол ҳаракат қилар эканмиз, ҳал қилувчи довон учун кучимизни тежамоқда эдик. Баланд тоғлиқлар ичкарасига кириб борганимиз ва юқориға кўтарилганимиз сайин чор атроф тоғ силсилалари ва ўйдим-чуқурлари бўлган ой манзарасини кўпроқ эсга соларди, бундай манзараларни мен Поталадалик чоғимда телескопда кузатган эдим. Қаршимизда Ҳша сўнгсиз тоғ силсилаларию Ҳша тубсиз даралар чўзилиб ётарди. Олға силжишимиз тобора қийинлашиб ва секинлашиб бормоқда эди. Кўп ўтмай шундай дамлар келдики, энди Ҳқизлар ҳам бизға ёрдам бериши амри маҳол бўлиб қолди. Ҳатто уларнинг ҳам нафас олишиға ҳаво етишмасди, бунинг устиға улар қоядор дарани ошиб ўтолмас эди, ундан одамлар Ҳқиз терисидан тайёрланган махсус арқонлар ёрдамида ошиб ўтишди. Биз қулайроқ жой топдик-да, жониворларни, улар билан бирға силласи куриган беш нафар одамимизни қолдирдик. Бўрининг озиқ тишин эслатувчи осмонға қадалган қоядор чўққи уларни ҳар томондан яйдоқ жойни ялаб эсаётган шамолдан Ҳимоя қилиб турарди. Ҳқизлар емиши учун етарли бўлган ҳақкам-дуккам буталари бор ўртача чуқурликдаги водий томон тик сўқмоқ чўзилиб кетганди. Бу водийдан унча катта бўлмаган ирмоқ жилдирар ва тик қоядан минг метрча қуйиға оқиб тушарди. Сув шунчалик баландликдан тушардики, ҳатто пастдан унинг товуши ҳам қулоққа чалинмасди. Тоққа кўтарилишнинг энг оғир босқичидан олдин биз икки кун шу ерда дам олдик.

Мана, ниҳоят юксаклик бошланди. Юқдан елка ва орқаларимиз яғир бўлиб кетди, ҳаво етишмасди. Зўриқиш туфайли ҳар дақиқада ўпкаларимиз парча-парча бўлиб кетиши ҳеч гап эмасдек туюла бошлади. Лекин биз жарлик ва даралар узра тобора тепаға кўтарилиб кетавердик. Бот-бот Ҳқиз терисидан эшилган арқон учига боғланган темир чангақлардан фойдаланишимизға тўғри келарди. Биз уларни олдинға ёки тепаға қараб итқитардик, у билан дўнглик ё ёриқларға тармашиб олардик-да, олға ҳаракат қилиб, кўтарилардик, навбатманавбат чангақларни ўзимиз билан бирға олиб жарликлардан ошиб ўтардик. Биринчи арқонни бўшатиш учун биз иккинчи арқондан фойдаланардик. Базан чангақни сира илдирилмасдик. Чунки учиде чангақ соат кафғири каби осилиб турган арқонни чайқаб-чайқаб итқитишдан олдин унинг бир учи белға боғлаб олинарди, бу усул анча хатарли эди ва уни галма-галдан бажарардик. Роҳиблардан бири чангақни шунақанги куч билан чайқаб, узоққа итқитдики, кучли силтанишға тоб беролмай жойидан учиб кетди. Роҳиб қаршидаги қояға бориб урилдию тил тормай ўлди. Биз мурдани тортиб чиқардик ва мархумнинг ҳақиға дуолар ўқидик. Қояларда қабр қазининг иложи йўқ эди ва мурдани шамоллар, ёмғирлар ва қушлар ихтиёриға топширдик.

Чангақ итқитиш навбати келганда иккинчи роҳибнинг юзи оқариб кетди. Башоратлар ҳақидаги гапларни эслаб, унинг ўрниға мен итқитишимни айтдим. Башоратлар, барибир зарурий эҳтиёткорлик чоралари кўришимға халақит бермасди, аммо чангақни итқитганимдан сўнг энг яқиндаги дўнгликка тармашиш учун чўзилганимда қўлларим титраб кетди. Чангақни яхши итқитдим. Даранинг нариги томониға ўтиб олғач, мен иккинчи арқонни боғладим, вужудға келган осмон кўприқдан қўллар билан арқонни ўгира-ўгира ва оёқлари билан

кучоқлаганча роҳиблар бирин-кетин менинг олдимга ўтишди. Шамол уларнинг кийимларини куч билан тортқилар, нафас олишни қийинлаштирарди.

Чўққига чиққач, биз бир оз дам олдик ва чой ичдик. Бу юксакликда чой тез қайнарди, бироқ қарийиб совумасди. Бир оз тамадди қилиб олдик-да, яна юкларимизни ортмоқлаганча йўлга тушдик. Кўп ўтмай йўлимизни музлик тўсди ва олға силжишимизни бадтар қийинлаштирди. Бизда на тишли ботинкалар, на музёра асбоблар бор эди, альпинистлар жиҳозидан бисотимизда ном-нишон йўқ эди. Бор-йўқ ишонган матоҳимиз тагчармлари қор ва дорга “ботиб” турадиган этикдангина иборат эди, холос.

Дарвоқе, Тибет афсоналарига кўра, дўзах — бу қаттиқ совуқ. Биз учун олов — жаннат. Жаннатнинг акси, яъни совуқ йўлимизда мудом ҳамроҳлик қилаётган ягона йўлдошимиз эди. Саёҳатимиз бошланган чоқдаёқ миямга худди шу фикрлар келганди.

Шамолда дейдираганча ва азобларимиз қачон тугашини кутганча музликдан биз уч кун йўл юрдик. Ниҳоят музлик торайиб борди-да, қоялар орасидан чўзилиб кетди. Худди сўқирлардек инниш йўлимиз қаёққа бошлашидан тамом беҳабар ҳолда биз олдинма-кейин қияликдан сакраб-сакраб тушиб борардик. Бир неча чақиримдан кейин тоғ тизмасидан қайрилиб тушгач, рўпарамиздаги оппоқ ва қалин туманга кўзимиз тушди. Балки, бу қордир? Ё булутмикан? Бу туман қанча масофагача чўзилиб кетганини аниқлашнинг асло иложи йўқ эди. Ҳа, бу айнан туманнинг ўзи эди. Бунга тезда амин бўлдик — унинг ҳар икки чеккасини шамол жойдан-жойга ҳайдар эди.

Орамизда бу ерларда бўлган ягона одам Лама Мингяр Дондуп мамнун ҳолда жилмайди:

— Мана, хумкаллалар, етиб келдик! Баракалла! Энди чинакамига ҳузур қиласизлар.

Олдимизда турган нарсаларни ҳузур деб айтиш қийин эди, албатта. Оёғимиз остида туман, совуқ, муз, бошимиз узра муздек осмон. Музликлар остидан худди бўри тишларидек ўткир учли тошлар туртиб чиққан, айримларимиз аллақачон ўзимизни яралаб олганмиз. Устоз ваъда қилган ҳузур қани бу ерда?

Номаяълум ёқларга таваккал билан ҳаракат қилган, кўйлақларимизни тортиб, маҳкамроқ ўранган, йўқ илиқликни ўзимизча хаёл қилган, бўғилган ва совуқдан қалт-қалт титраган ҳолда биз нам ва муздек туман ичига кириб борамиз. Олға, фақат олға юрамиз. Тўсатдан ваҳимага тушган ва лол қолганча тўхтаимиз. Бу ёғи кўрқинчли эди. Туман ҳам, оёғимиз остидаги тупроқ ҳам қайноқ эди! Ортимиздан келаётган ва ҳеч нарсадан беҳабар роҳиблар бир-бирининг пинжига кириб олишди. Лама Мингяр Дондуп қаҳ-қаҳ уриб кулди. Лаҳзалик саросимадан сўнг ўзимизни ўнглаб, қўлимизни олдинда кетаётганнинг елкасига қўйганча яна таваккалига йўлга тушдик. Энг олдинда бораётганимиз калтак билан йўлни пайпаслар эди. Оёқларимиз остида шағал, кум ва тошлар шақирларди. Шағал? Қум? Музлик қани, музлик? Бирдан туман сийраклаша бошладди, бир неча дақиқадан сўнг биз туман ичидан чиқиб олдик. Туман ичидан бирин-кетин чиқиб келардик... Совуқдан кейин мен ўзимизни Филак Даласида тургандек ҳис этдим. Мен кўзимни артдим, қўлим иссиқдек туюлди, тошни чимчилашга ҳаракат қилдим, тирикми, йўқми эканимни билиш мақсадида муштумим билан уриб кўрдим. Ҳа, мен тирик эдим, атрофни эса тушимда эмас, ўнгимда кўриб турардим — барча саккиз ҳамроҳим мен билан ёнма-ён туришарди. Ахир барчамиз бир вақтнинг ўзида ва бирданига нариги дунёга бориб қолишимиз ҳеч гап эмас эди-да! Борди-ю, агар шу нарса рўй берган бўлса, қояга урилиб ҳалок бўлган учинчи ҳамроҳимиз қаёққа кетди экан? Қолаверса, барчамиз кўз ўнгимизда пайдо бўлган мана шу жаннатга арзигулик иш қилдикмикан?

Бундан ўттиз юрак уриши аввал биз совуқдан ўлиб кетишимизга бир баҳа қолган эди, энди эса иссиқдан ўзимизни йўқотар даражага келиб қолган эдик. Ҳаво ёришиб кетгандек эди, ердан ҳовур кўтариларди. Наҳ оёғимиз тагидаги ернинг остидан, буғлар булутининг қоқ ўртасидан кичикроқ бир дарё оқарди. Ҳамма ёқда мен илгари ҳеч қачон кўрмаган йирик-йирик ўт-ўланлар барқ уриб

ўсиб ётарди. Ўтлар нақ тиззага урарди. Биз ҳайратдан донг қотиб қолгандик. Фақат лама Мингяр Дондуп кулиб юборди.

— Агар мен ҳам даставвал шундай ҳайратга тушган бўлсам, роса мазза қилган эканман-да, — деди у. — Сизлар, йигитлар, ўзингизча муз маъбудлари яна биз билан ҳазилмачоқ ўйнашяпти, деб ўйлаётган бўлсангиз керак?

Қимирлашдан кўрқиб, атрофга алангладик.

— Биз мана бу дарёдан кечиб ўтишимиз керак, — давом этди у. — Кучингиз борича сакранг, бўлмаса қайноқ сувда пишиб қоласиз. Яна бир неча чақирим юрсак, бир гаройиб жойга етамиз, ўша ерда дам оламиз.

Ҳар доимгидек, у ҳақ бўлиб чиқди. Уч чақиримча юргач, эгнимиздаги кўйлақларни ечиб ташлаб, қалин йўсин гилам устига чўзилдик. Худди буғхонадагидек иссиқ эди. Атрофда шундай дарахтлар ўсардики, бунақасини умримда кўрмаганман ва эҳтимолки бундан кейин ҳам ҳеч қачон кўрмасман. Чор атрофда анвойи гуллар қийғос очилган. Ток занглари дарахт танаси ва шохларига ўралиб, узум бошлари пастга осилиб ётарди. Биз дам олган жойдан сал нарида кўл бор эди. Қамишлар олдидаги сув саҳтида жимирлаган доирачалар унда ҳаёт борлигидан дарак берарди. Биз ҳамон биров бизни сеҳрлаб кўйди деган фикрдан қутулмаган эдик. Сеҳрнинг биринчи белгиси бу — иссиқ эди. Ҳозиргина бизни қуршаб турган совуқ қаёққа ғойиб бўлди? Бу саволга ҳеч ким жавоб беролмасди. Ўсимлик дунёси ғоят гўзал эди, иссиқ мамлакатлардан фарқ қилмасди. Қушларнинг айрим турлари ҳатто бугунги кунда ҳам менга эртақдагига ўхшарди. Атроф вулқонни эслатарди. Иссиқ булоқлар ер остидан отилиб чиқар, ҳавони олтингугурт ҳиди тутганди. Устознинг гапига қараганда, у Тиён-Шон тоғларида шунга ўхшаган икки жой борлигини биларкан. Вулқон иссиғи ва қайноқ булоқлар музни эритиб юборади, деб тушунтирди устоз, бироқ бу иссиқ баланд қояларгача етиб бориши амри маҳол. Биз орасидан ўтиб борган қалин оқ туман икки хил — иссиқ ва совуқ булоқлари бўлган — икки жойнинг оралиғида вужудга келаркан. Унинг айтишича, бу ерларда улкан махлуқларнинг гавда суяклари учраркан. Бу ердан топилган бундай суякли ҳайвонларнинг бўйи олтидан ўн метргача бўларкан. Кейинроқ бундай суяқларни мен ўз кўзим билан кўрдим.

Айнан мана шу худудда йети (қора одам)ни мен биринчи марта кўрдим. Мен гиёҳ теришга берилиб кетибман, нимадир мени бошимни кўтариб қарашга мажбур этди. Илгари ҳам кўп маргалаб эшитганим бу мавжудот ҳозир мендан бор-йўғи ўн қадамча нарида турарди. Тибетда ота-оналар кўпинча у билан шўхлик қилган болаларни кўрқитишарди.

— Қани, тек туринглар-чи, — дейишарди улар, — бўлмаса ҳозир йети келиб, ҳаммангизни еб қўяди.

Ана бўлмаса, ўйладим мен, йети мени егани келиб қолди-ку. Бу нарса менга ўшанда бирон-бир завқ бағишлаганди деб айтолмайман. Менга юз йилдек туюлган бир дақиқа давомида биз бир-биримизга қараб турдик. Кўрққанамдан тош қотиб қолгандим. Кейин у худди мушук боладай ғалати миёвлаб кўйди-да, менга томон қўлини чўзди. Унинг боши, ёки бошининг манглай қисми мутлақо ясси бўлиб, тўғри қошлари билан тутшиб кетганди. Бақбақаси ҳаддан ташқари ичкарига чуқур ботган, баҳайбат жағлари эса, олдинга қаттиқ туртиб чиққанди. Агар пешонасиз манглайини ҳисобга олмаганда, йегининг бош чаноғи ҳар ҳолда ҳажм жиҳатидан ҳозирги одамлар бош чаноғидан фарқ қилмасди. Кўл панжалари ва товонлари катта-катта ва юқорига қайрилиб чиққанди. Оёқлари қийшиқ, кўллари одам кўлларидан анча-мунча узун эди. Мен уни юрганда одамларга ўхшаб товонининг ташқи томонига таянишини пайқадим (маймунлар юришига сира ўхшамасди).

Мен уни кузатишда давом этдим. Бўғиқ овоз чиқариб йети менга тескари ўгирилиб олди, сакраб-сакраб қочиб қолганда даҳшатдан мен кўрқиб кетдим. Назаримда, у бир оёғида сакраётгандек, аслида эса у улкан одимлар билан ҳаракат қилаётгандек бўлиб кўринди. Аввалига мен ҳам худди шундай сакрашлар билан, аммо тескари томонга қараб шаталоқ отсаммикан деб ўйладим. Эҳтимол, денгиз сатҳидан беш минг метрдан ҳам ошиқроқ баландликда югуриш бўйича барча рекордларим зое кетган бўлармиди!

Кейинчалик биз йетини бир неча марталаб кўрдик, тўғри, узоқдан. Бизни пайқади дегунча улар дарҳол яширинишга ошиқарди. У билан учрашишга имкон қидириш эса ҳаёлимизга келмаслиги ўз-ўзидан аён эди. Лама Мингяр Дондуп бизга айтдики, йети — бу қолоқ инсон шохобчасининг вакиллари дидир, уларнинг ривожланиш жараёни бошқа йўналишдан кетган ва улар ўзларини одамлардан четда тутишга ўрганиб кетишган. Шу тариқа у бизга баланд тоғликлардан туриб одамлар яшайдиган жойларга яқинроқ келган, одамлар кўп марталаб кўришган йетилар ҳақида талай воқеаларни ҳикоя қилиб беришарди. Одамлар орасида шундай миш-мишлар ҳам юрардики, нар йетилар аёлларни олиб қочиб кетган пайтлар ҳам бўлган экан. Балки бу узидан насл қолдириш эҳтиёж важидан шундай бўлгандир? Кейинчалик шундай воқеаларни исботлайдиган гапларни ҳам эшитдим: бир ибодатхона роҳиблари бизга уларнинг ҳамшираларидан бирини тун ярмида йети ўғирлаб кетганини айтиб беришди. Бироқ мени ҳали мутлақо думбуллигим бундай нарсалар тўғрисида кўпроқ гапиришга имкон бермасди. Кўшимча қилиб айтишим мумкин бўлган ягона нарса шуки, мен уларни кўрганман — катталарини ҳам, кичикларини ҳам. Мен уларнинг гавда суякларини ҳам кўрганман.

Одамлар, албатта, йети билан учрашув ҳақидаги мен ҳикоя қилган нарсаларнинг ҳаққонийлигига шубҳа билдиришлари мумкин. “Қора одам”га кўплаб мақолалар бағишлаган, кўплаб фаразлар илгари сурилган. Бироқ муаллифларнинг ўзлари кўришгани билан кўпинча мақтана олмасдилар. Мен эса уларни ўз кўзим билан кўрганман. Ўз вақтида Маркони Атлантиканинг нариги қирғоғидан туриб сигнал бера олишини айтганда кўпчилик буни ҳазилга йўйиб, кулган эди. Фарба шундай олимлар ҳам бўлгандики, улар ҳаво босими туфайли инсон соатига 50 километр тезликка бардош беролмайди, бу уларнинг ўлимига сабаб бўлади дер эдилар. Кейинчалик “жонли қазилма” деб номланган балиқлар ҳақида ҳам кўплаб баҳслар бўлган. Бироқ охир-оқибатда бундай балиқларни тутиб олишган ва олимлар уларни тадқиқ ҳам қилганлар (гап целакант хусусида бормоқда. — *Изоҳ таржимонники*). Модомики, Фарб одами бу ишни қила олар экан, унда шўрлик йетиларимизни ҳам тутиб олишлари, қиймалашлари ва спиртли идишга жойлашлари ҳеч гап эмас экан-да. Умуман, улар қачонлардир деярли одам оёғи етмайдиган минтақаларга сиқиб чиқариб юборилгани учун ҳам сақланиб қолганлар. Сақланиб қолганлари ҳам бармоқ билан санарли, холос. Аввалига улар одамларни кўрқувга солишган. Бироқ кейин одамлар уруғидан қуриб кетишга маҳкум бўлган бу махлуқотга хайрихоҳлик билан муносабатда бўла бошлаганлар.

Хитойликларни Тибетдан ҳайдаб юборгач, шубҳа билан қаровчи саёҳатчиларни тоғларга олиб бориб, уларга йетини кўрсатишга тайёрман. Ишбилармон одамлар менинг таклифимга қандай қарашларини бир кўриб қўйсам дейман — ахир бундай саёҳат учун кўпчилик жуда катта пул тикишга рози бўлади-да. Бу тўғрида ўйлаб кўришга тўғри келарди. Тўғри, кислород ниқоблари керак бўлади, ҳаммоллар ёллашга тўғри келади. Менга келганда эса, мен бор-йўғи роҳиблик либосини эгнимга иламан, холос. Кинокамералар эса ҳақиқатни кўришда гувоҳлик беради. У пайтда бизда камералар йўқ эди-да...

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

ЛАМА

Айни шу вақтларда мен самовий саёҳатлар санъатини ўзлаштириш билан кунт ила шуғулланар эдим. Бундай пайтларда жон (ёки мен) жисмоний танани тарк этар ва фақат “кумуш ришта” воситасида ердаги ҳаёт билан боғланиб турар эди. Мумкин деган нарса аслида нима эканини кўплаб тасаввур ҳам эта олмаслигини мен билардим. Шундай бўлса-да, ҳар бир одам бу нарсани уйқудалик чоғида бажаришига мутлақо одатланиб қолган. Анчайин кишиларда бу ҳол беихтиёр равишда рўй беради, айни пайтда эса бизнинг ламаларимиз ўз хоҳишларига кўра ўзлари амалга ошира оладилар. Шундай парвозлардан сўнг

улар қаерларга боришганини, нималар кўришганию нималар қилишганини аниқ ҳикоя қилиб берадилар. Фарбада бу санъатни аллақачон унутиб юборишган, одамлар “туш” кўришганига ишониб, ўрганиб қолишган.

Бундай парвозлар ҳақида бутун дунёда билишади. Англияда сеҳргарлик орқасидан “парвоз эта оладиган” одамларнинг шуҳрати ортгандан ортган. Бунинг учун супургининг асло ҳожати йўқ. Учар супургилар даҳрийларнинг “оқилона тасавури” маҳсулотидан бошқа ҳеч нарса эмас. АҚШда “малла одамчаларнинг жони” учишга қодир деб ҳисоблашади. Бундай нарсалар тўғрисида ҳамма билади, улар одамларнинг онгига чуқур ўрнашиб қолган. Масалан, мени самовий парвозларга ўргатишган. Бу санъатни эгаллаш ҳар қандай одамнинг ҳам кўлидан келади.

Башарти, телепатиядан концерт залларида фойдалансангиз, унинг техникасини ҳам эгаллаш айтарли қийин нарса эмас. Хайриятки, телепатияга ишона бошлашди. Ухлатиб қўйиш санъати ҳам бизнинг фанимиз сирасига киради. Мен, масалан, оёқни кесиш бўйича жарроҳлик амалини ухлатиб қўйиш орқали бажарганман. Бемор ҳеч нарсани сезмайди, офриқни ҳис этмайди, ҳушига келганда эса одатдаги офриқни босувчи воситалар амал қилгандагига қараганда ўзини анча яхши ҳис этади.

Кўринмас бўлиб қолиш эса бутунлай бошқа нарса. Бахтга қарши бу санъатни жуда кам мутахассислар, айтиш мумкинки, мингтадан биттаси билади, холос. Сабаби битта — машқи мураккаб. Энг аввало диққатингизни нима ўзига тортади? Шовқинми? Ёки ҳаракат қилаётган ё ялтираётган нарсами? Товушлар ёки тез ҳаракат одамлар эътиборини ўзига жалб этади, ҳаракатсиз одамни, хусусан, у агар сизга яхши таниш бўлса, пайқаш унчалик осон эмас. Почтачи билан бўладиган муомалани олиб кўрайлик: хат-хабарни олган одамлар кўпинча шундай дейишади:

— Қизик, ҳеч ким келмагандай эди, шекилли, хат қаёқдан кела қолди экан-а? Ахир бугун ҳеч ким келмаганини мен аниқ биламан-ку.

Нега шундай бўлади? Наҳотки киши кўзга кўринмас бўлиб қолган бўлса? Балки у кунда кўз ўнгиздан ўтиб тургани учун шунчаки пайқамай қолгандир-сиз? (Полициячи ҳамма вақт кўзга яққол ташланиб туради. Яхшидан кўра ёмонни кўпроқ пайқаш одамзотга хос хусусиятдир). Кўзга кўринмас бўлиш учун тана ҳаракатларини тўхтатиш ва мияни тўлқинли электрон ионлари чиқаришдан тийилтириш лозим. Агар мия ишлаб турса (биз ўйлаймиз), атрофимиздаги одамлар биз билан телепатик алоқада бўлишади (бизни кўриб туришади) ва кўринмаслик ҳолати йўқолади. Тибетда кўзга кўринмаслик санъатини яхши эгаллаган одамлар бор, улар ўз ихтиёрлари билан руҳий тўлқинларни яшира оладилар. Бахтга қарши бундай одамлар жуда кам.

Левитация ҳам фойдали усуллардан бўлиб, у гоҳо техник машқ сифатида қўлланилади. Бироқ баданни кўчиришнинг бу ёмон услуби ҳисобланади, чунки у кишидан ҳаддан ташқари кўп меҳнат талаб қилади. Динимизга хайрхоҳ бўлганлар саёҳатлар ичида ҳийла энгилроғи саналмиш самовий турини афзал билишади, бунинг учун яхши бир раҳбар бўлса, кифоя. Мен бу услубни яхшигина эгаллаб олдим ва ҳозир фақат шундан фойдаланаман. Аммо ҳар қанча уринмайин, ҳеч удалай олмаётган нарсам — бу кўзга кўринмас бўлиш эди. Гоҳо турган жойимда ерга кириб кета қолай ёки бир қанча қилмишларим ё ноқулай шароит важдан йўқ бўлиб қўя қолай дейман-у, аммо, афсуслар бўлсинки, мудом ҳудолар менга бу нарсани раво кўрмай келарди. Илгари айтиб ўтганимдек, мусика бобида мен анчайин нўноқ эдим. Бирон-бир қўшиқни айта бошладим дегунимча мусика ўқитувчисидан балога қолардим. Бироқ бир куни устозимнинг шунақанги жаҳлини чиқардимки, мусика ўқитувчисининг ғазаби унинг қаҳр-ғазаби олдида ип эшолмай қолди. Нима бўлди-ю, чангда бир куйни чаламан деб (бу созда куй чалишни жудаям осон деб ўйлаб юрардим-да), чангни кутилмаганда роҳиблардан бирининг бошига тушириб юбордим. Шундан сўнг ғойибдан кўриш ва тиббиёт бўйича фаолият доирасини кескин қисқартириш ҳақида фармон берилди.

Бизда яна Фарба йога деб аталадиган нарса ҳам қўлланиларди. Бу инсонни яхшилаш ва такомиллаштиришга имкон берувчи бутун бир фан ҳисобланади.

Агар чинакамига баркамолликка эришув нуқтаи назаридан қаралса, йога европаликлар учун мутлақо тўғри келмайдиган нарса деб биламан. Бу фан бизга асрлардан бери таниш, биз уни йўргаклик чоғимиздан ўргана бошлаймиз. Баданимиздаги барча аъзоларимизнинг хатти-ҳаракатлари, мушакларимиз йога машқлари билан чиниққан. “Аъсан”ларни ўзлаштиришга ҳаракат қилувчи Ғарб вакиллари хусусан катта ёшга етгандан кейин йога билан шуғулланишга жазм этиб, ўзлари учун жиддий ташвишлар туғдиришади. Мен эса, айна пайтда тибетлик сифатида гапираётиман, ғарб одами йога билан шуғулланмаслиги керак, чунки йога машқлари ҳаргиз улар учун мўлжалланмаган. Бахтсиз ҳодисалардан четлаб ўтишни истаганлар эса ўзи тибетлик бўлган, одамшунослик (анатомия) фанининг билағони ҳисобланган яхши бир устоз мураббийга эга бўлсалар, олам гулистон бўлур эди. Нафас олиш машқларига келсак, улар бундан ҳам хатарлироқдир.

Муайян услуб бўйича нафас олиш тизими — кўплаб тибетлик одамшуносларнинг ўзига хос сири ҳисобланади. Бироқ яна бир марта шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, машқларнинг бундай жамламаси киши вужудига ўта фожиали бўлмаган тақдирда ҳам ҳалокатли таъсир кўрсатиши мумкин. Уларни тажрибали ва ақли мураббий воситасидагина қўллаш тавсия этилади. Тибетда бўлганларнинг кўпчилиги ўз танаси вазнини бошқаришга ва қаторасига бир неча соатлаб жуда катта масофаларни юқори тезликда, ерга оёғи тегар-тегмас югуриб ўтишга қодир лама-чопарлар ҳақида ҳикоя қилади (бу ерда гап левитация устида кетмоқда). Бу инсон қўлидан келмайдиган иш эмас, аммо бунинг учун сурункали машқлар бажариш керак бўлади. Чопарлар бу вақтда ярим ухлатиб қўйилган ҳолатда бўлишади. Бунинг учун оқшом чоғи энг маъқул пайт ҳисобланади, чунки юлдузларга “боғланиш” қулайроқ бўлади, ер текис бўлиши керак, яъни шундай бўлиши керакки, ҳеч нарса чопарни уйқу ҳолатидан чиқариб юбормасин. У уйқусида юрадиган ойпарастлардай юриб кетади. “Учинчи кўз” муттасил равишда борадиган манзилни нигоҳ доирасида сақлаб туради, лаблар эса махсус дуоларни тўхтовсиз такрорлайверади. Бундай ҳолатда одам бир неча соат давомида чопиб кетиши ва чарчоқни ҳис қилмаслиги мумкин. Ҳаракат қилишнинг бу тури самовий сайёҳ олдида ягона қулайлик туғдиради — аслида руҳ (жон) самовий саёҳатга чиққан бўлади, моддий нарсалар бундай пайтда ўз жойида қолаверади. Чопар одатдаги юкни кўтариб чопиши мумкин, лекин бунда барча имкониятлар ҳам барҳам топади. Нафас олишнинг уддасидан чиқа олган айрим тибетлик устаси фаранглар Одам Ато либосида денгиз сатҳидан беш-олти минг метр баландликдаги муз устида ўтиришга қодир, боз устига, унинг тагидаги музни эритишга бошлайди ҳам, ўзини эса саратоннинг жазирамасида ўтиргандай ҳис этади. Улар чинданам исиб кетишади, ҳатто баданларидан шовуллаб тер қўйила бошлайди.

Сиз қачон бўлса ҳам аввал нафасингизни чуқур ичингизга тортиб, жуда оғир юкни кўтарганмисиз? Бир шундай қилиб кўринг-а, бу нарса зинҳор мумкин эмаслигига ўзингиз амин бўласиз. Нафасни чуқур ичингизга тортинг-да, уни ушлаб туринг: сиз ўша буюмни осонлик билан кўтарасиз. Энди ўзингизни нимадандир қўрқиб кетган ёки нимадандир қаттиқ жаҳлингиз чиққан деб тасаввур қилинг. Нафасингизни охиригача ичингизга тортинг-да, уни 10 сония давомида тутиб туринг. Кейин аста-секин нафасингизни чиқара бошланг. Агар сиз бу машқни уч бора такрорласангиз, юрагингиз аста-аста ура бошлайди ва сиз тинчланасиз. Бу машқни ҳар қандай одам ҳеч нарсани ўйламасдан бажараверса бўлади. Нафасни идора этиш шарофати билан мен Япония асирлигидаги ва концлагерларидаги азоб-уқубатларга бардош берганман. Мен нима ҳақида гапираётганимни биламан ҳам.

Лама унвони олишга имтиҳон топширадиган вақт ҳам етиб келди. Имтиҳонлар олдидан мен айнан Далай Ламанинг менга оқ йўл тиловчи фотиҳасини олишим керак эди. Ҳар йили Бебаҳо зот ҳар бир роҳибга алоҳида-алоҳида оқ йўл тилаб, дуо қиларди, Рим папасига ўхшаб ёппасига битта дуо ўқиб қўя қолмас эди.

Кўпгина ҳолларда шу мақсад билан Далай Лама темир калтак учига маҳкамланган махсус мўйни тақводорнинг бошига теккизиб қўярди. Бебаҳо зот қўли-

ни манглайига қўйишдек шарафга онда-сондагина одамлар мушарраф бўларди. Айниқса, иккала қўлини манглайига қўйиш жуда катта иззат саналарди. Мен биринчи марта шундай иззатга сазовор бўлдим. Далай Лама паст товушда шундай деди:

— Сен жуда меҳнаткашсан, болакай, имтиҳонларни яхши топшир ва бизнинг сенга бўлган ишончимизни оқла.

Ўн олти ёшимга уч кун қолганда бошқа ўн тўрт номзод билан бир қаторда имтиҳонлар топширгани бел боғладим. Бўйимиз чўзилиб, йўғон тортганимиз учун, ҳужралар бизга торлик қилиб қолганди. Чорси ҳужранинг ерида узала тушиб ётсак ва оёқларимизни деворга тираб олсак бўлаверарди, лекин бунда қўлларни қаерга қўйишни билмасди одам. Қўлни деворнинг энг юқори чеккасигача узатиб ётиш мумкин эди, шу боис ҳаво етишмай, нафас қайтиб қолишдан қўрқмаса ҳам бўларди. Бизни яна кўриқдан ўтказишди. Ўзимиз билан фақатгина мис коса, тасбеҳ ва ёзув қуролларини олишимизга рухсат этилганди. Ёнимизда ортиқча ҳеч нарса йўқлигига ишонч ҳосил қилган назоратчилар барчамизни ҳужраларга тарқатишди-да, устимиздан эшик лўкидонларини суриб қўйишди. Шундан кейин раис ва ҳайъат аъзолари устимиздан ҳеч ким очиб киролмасин деб, лўкидонларга отнинг калласидек муҳрларни осиб қўйишди.

Ҳар куни эрталаб унча катта бўлмаган, йигирма сантиметрча келадиган тешиқдан бизга топшириқлар беришарди, кечкурун эса бир кунда қилинган ишларни йиғиб олишарди. Цампани бизга бир кунда бир марта беришарди. Ёғли чойни эса ким қанча хоҳласа, шунча бераверишарди, фақат “Поча-кешо!” (“Чой келтиринг!”) деб қичқирсангиз, бас. Ҳужрадан чиқиш тақиқлаб қўйилгани боисидан, биз иложи борица камроқ овқатланишга ҳаракат қилардик.

Ҳужрада роса ўн кунни ўтказишим керак эди. Имтиҳон шифобахш гиёҳларни сўраб-суриштиришдан, одамшунослик ва диншунослик масалаларидан бошланди. Дастлабки беш кун мен учун боши-кети йўқ бир кунга ўхшаб туюлди, мен дам олмасдан ишладим. Олтинчи куни қўшни ҳужрадан юракни ларзага солувчи қичқириқ янгради — имтиҳон топширувчиларимиздан бирининг асаби дош беролмаган эди. Тез юрилган одим товушлари, овозлар, эшиклар тақиллагани ва оғир лўкидоннинг ғийқиллаб сурилгани кулоққа чалинди. Кимдир босиқ овозда бошқаларни тинчлантиришга ҳаракат қиларди, оғир инграшлар, қичқириқ дод-фарёдга алмашди. Номзодлардан бири учун имтиҳон тамом бўлган эди. Бу нарса бошқаларга салбий таъсир кўрсатганини айтиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Эртасига бизларга топшириқлар бир соат кеч берилди. Йога. Йоганинг тўққиз шохобчаси. Ҳар бир шохобча учун ўтиш баллари олиш зарур эди.

Ғарбда йоганинг беш босқичи борлигини айрим одамларгина билади. Хатха-йога ёки жисмоний баданни такомиллаштириш бўлиб, бизда уни “ҳаракатланиш воситаси” деб аталади. Кундалини-йога одамга ғойибдан кўриш ва шунга ўхшаш нарсалар бўйича руҳий саришталик қуввати бағишлайди: Лайя-йога онгга эга бўлишга ўргатади, хусусан, гарчи бир қарра бўлса ҳам нимани ўқиса ё эшитса, ўша нарсани ҳеч қачон унутмаслик: Ража-йога инсонни воқеа-ҳодисалар ва тафаккурни бир даврдан иккинчи даврга кўчишлиги таълимотини англашга тайёрлайди. Сападхи-йога инсонни Олий Тафаккурга бошлаб боради ва у дунёда уни нималар кутаётганини англашга имкон яратади. Йоганинг қолган босқичлари ҳақида ушбу китобда эслатиб ўтиш ортиқчалик қилган бўлур эди.

Кейинги беш кун мобайнида мен тухум босган курк товукдек бир жойдан қимир этмадим. Аммо ўн кун давом этадиган имтиҳонларнинг ҳам охири бўлади-ку. Унинг куни топшириқларни йиғиб олувчи лама илиқ жилмайиб қўйди. Дастлабки паллада бизга цампа билан бирга сабзавот ҳам берилди. Шу куни кечаси ётибману қотибман. Менинг имтиҳон натижаларимдан барча мумтахинлар, яъни имтиҳон олувчилар мамнун бўлишди. Эрталаб эшикдаги муҳрлар синдирилди, лўкидонлар орқага сурилди ва биз ҳужралардан чиқдик. Ўз-ўзидан маълум, аввал ҳужраларимизни тозаладик. Дам олиш учун бизга роса бир ҳафта муддат берилди. Сўнг дзюдо бўйича ва икки кун давом этган анестерия усуллари бўйича имтиҳонлар бошланди. Шундан кейин ёзма топшириқларимизнинг заиф жойларидан оғзаки суҳбатлар бўлиб ўтди, бунда ҳар бир номзод

билан икки кун савол-жавоб қилинди. Ниҳоят, яна бир ҳафтадан кейин натижалар эълон қилинди. Барча фанлар бўйича мени биринчи бўлиб эълон қилишди. Мен бахтли эдим. Бахтли бўлишимнинг икки сабаби бор эди: биринчидан, имтиҳонлар шуни кўрсатган эдики, Лама Мингяр Дондуп устозлар ичида энг яхшиси эди, иккинчидан, Далай Лама бизнинг ҳар икковимиздан ҳам мамнун бўлади. Бир неча кун ўтгач, устознинг хонасида ишлаб ўтирганимда эшик бирдан очилди-да, остонада ҳансираган чопар кўринди. Унинг қўлларида номалар осилган асо бор эди.

— Муҳтарам лама табиб Сешанба Лобсанг Рампага Доноларнинг доносидан, — шошиб ирод қилди у нафас олмай.

Кўйлаги тагидан у шойи рўмолга ўралган хатни олди.

— Мен жоним борича ҳаракат қилдим, — кўшиб қўйди у, сўнг шартта пош-насида орқага бурилди-да, чиқиб кетди.

Хат қаршимда ётарди, йўқ-йўқ, мен уни очишга журъат қилмадим. Тўғри, хат менга келган эди, аммо ичида нима гап экан? Ўқишимни давом этдиришим ҳақида фармонми? Яна ишми?

Хат менга қуп-қуруқ ва “расмий”дек туюлаётганди. Уни очиб кўрмаганим ва мазмунидан воқиф бўлмаганим учун мени бўйсунмасликда айблаб бўлмасди. Миямга келган бирдан-бир фикр шу бўлди. Менинг қийналиб турганимни кўриб, устоз қулиб юборди. У хатни очди. Ичида иккита букланган варақ бор эди. Устоз варақларни ёйди-да, мендаги ҳадикни янада кучайтириш учун атайлаб паст овозда ва дона-дона қилиб ўқий бошлади. Охири асабларим ҳаддан ортиқ таранглашгач, устоз деди:

— Ҳаммаси яхши кетаяпти, сен енгил нафас олсанг бўлаверади. Биз зудлик билан Поталага жўнаймиз, у бизни ўша ерда кутаяпти.

Лама Мингяр Дондуп бонг урди, ҳузуримизда мулозим пайдо бўлди. Унга бир жуфт оқ отни эгаллаш амр этилди. Кўйлақларимизни алмаштириб ва энг чиройли рўмоллардан танлаб олиб, Доноларнинг доноси бизларни Поталага чорлаётганидан огоҳ қилиш учун руҳоний ҳузурига йўл олдик.

— Сизлар Симга кетаётибсизларми? — сўради у. — Қизиқ, куни кеча Бебаҳо Зот Нарбу Линга эди. Сизлар эса ундан нома олибсизлар. Ҳойнаҳой, бирон расмий иш чиқиб қолган бўлса керак.

Ховлида бизни отлар билан роҳиб отбоқарлар кутиб туришарди. Эгарларга ирғиб ўтирдик-да, йўлга тушдик. Поталагача жуда ҳам кўп юрилмасди. Бизни Бебаҳо Зотнинг қабулхонасига бошлашди. Мен бир ўзим кирдим ва унинг оёғига рўмол ташладим.

— Ўтир, Лобсанг, — деди Донолар доноси, — мен сен билан Мингярдан жуда хурсандман. Сенинг барча топшириқларингни мен шахсан ўқиб чиқдим.

Унинг гапини эшитиб, баданим жимирлаб кетганини ҳис қилдим. Мен ҳазилни яхши кўраман, бу одатни мен ҳаттоки жиддий синов пайтларимда ҳам қанда қилмайман. Нима қилай, бу ҳам бўлса менинг кўплаб камчиликларимдан бири эди-да. Модомики топшириқлардаги саволлар гоҳо ўзи қутқули ва тагдор гаплардан иборат бўлганидан кейин ёзма имтиҳон жавобларимда ҳазил қилмасдан туролмаган эдим-да! Афтидан, Далай Лама менинг фикрларимни ўқиб чиққан эди, шу боисдан бўлса керак, кула бошлади:

— Ҳа, ҳазилкашлигинг баъзан ўзингга панд бериб қўйган, аммо... — У сукут сақлади, мен эса ишнинг бешбадтар тус олишига тайёр турардим. — Барча жавобларинг менда кучли завқ уйғотди ва хурсанд қилди.

Далай Лама ҳузурда икки соат қолиб кетдим. Иккинчи соат охирларида у Мингяр Дондупни чақирди ва унга менинг бундан кейинги ўқишим хусусида йўл-йўриқлар берди. Мен “кичик ўлим” синовидан ўтишим, бир қанча ибодат-хоналарни қуришим ва мурда нимталовчилар иштирокида одамшуносликни ўрганишим лозим эди. Мурда нимталовчилар қуйи тоифага мансуб одамлар эди ва лама унвонида улар билан бирга ишлашим учун Далай Ламадан махсус рухсатнома талаб этилар эди. Бебаҳо зотнинг фармони олийсида мурда нимталовчилар тоифасига “жисмоний ўлим сабабларини аниқлаш учун тана сирларини очишда лама Сешанба Лобсанг Рампага ҳар тарафлама ҳамкорлик қилиш

ва ёрдам кўрсатиш, ўқиш учун у зарур деб топган ҳар қандай мурдани унинг ихтиёрига топшириш” айтилганди. Бор-йўқ гап шу!

Марҳумларга қандай муносабатда бўлишимизни ҳикоя қилишимдан олдин ўлим деганда тибетлик нимани тушуниши ҳақида кўшимча тафсилотлар бериш оқилона иш бўлган бўлур эди. Бизнинг ўлимга муносабатимиз мутлақо бошқа-чадир. Биз ўлим билан яккама-якка чиқамиз, Фарб одамларига заррача ўхшамаймиз. Биз учун тана чиғаноқдан, мангу жон учун моддий қобикдан ўзга ҳеч нарса эмас. Ўз қийматига кўра мурда устки кийимдан кам бўлса, камдирки, зинҳор ортиқ эмас. Агар ўлим бахтсиз ҳодиса туфайли эмас, табиий равишда юз берса, унда қуйидагилар содир бўлади: тана чарчайди ва шу қадар ишдан чиқиб қоладики, онг ёки жон ортиқ ривожланиш имкониятига эга бўлмай қолади. Чиғаноқни ташлаб юбориш вақти етиб келади. Аста-секин жон жисмдан халос бўла бошлайди. Жисмдан чиққандан кейин жон қабул қиладиган шакл баданнинг ўзига ўхшаган бўлади, буни ҳар бир ғойибдан кўрувчи одам кузатиши мумкин. Ўлим келиши билан жонни жисм билан боғлаб турувчи ришта (“Инжил”га кўра “кумуш ришта”) ингичкалашиб бораверади ва охирида узилиб кетади: жон суза бошлайди ва юқорига кўтарилиб, кўздан ғойиб бўлади. Мана сизга ўлимнинг қанақа бўлиши, лекин.бу бошқа ҳаётда туғилиш ҳамдир, чунки “кумуш ришта” ҳам аслида бола туғилганда кесиб юбориладиган киндикнинг ўзидир. Шу аснодан эътиборан чақалоқнинг шахс сифатидаги ҳаёти бошланади. Ўлим келиши билан ҳаётгий қувватнинг жонли одам боши атрофида ёғдуланиб турадиган нур ёки аура сўнади. Икки тарафлама кўриш санъатига эга бўлган одамлар ушбу ёғдуни ҳам кўришлари мумкин. “Инжил”да уни нимба, яъни нурли тож деб аталган. Мен насроний эмасман ва “Инжил”ни яхши билмайман, лекин янглишмасам, унда қуйидаги сўзлар бор: “Токи кумуш ришта узилмас ва нурли тож сўнмас экан...”

Бизлар жисмоний фаоллик тўлалигича тугалланиб ва онг (жон ёки мен) тан қобигидан батамом халос бўлиб, росмана жисмоний ўлим келгунча уч кеча уч кундуз ўтади деб биламиз. Биз яна жисмоний баданнинг ерда кечирган ҳаёти чоғида ифорда (ҳавода) ҳам унинг эгизи вужудга келади, деб ҳисоблаймиз. Бу эгизак арвоҳга айланиши мумкин. Эҳтимол, сизлардан ҳар бирингиз чарақлаган нурга қараган бўлсангиз керак, бироқ бошингизни буриб олишингиз билан нур ҳали кўз ўнгингиздан кетиб улгурмаганига амин бўласиз. Биз ҳаётга электр ҳодисаси — жўшқин қувват майдони деб қараймиз. Ерда жисмоний жисм ўлимни бошидан кечирган ифордаги эгизакни ҳам нурга қиёс қилиш мумкин. Электрчи тили билан айтганда, бу оҳанрабо майдоннинг қолдигидир. Жисмоний бадан бисотида ҳаёт учун жон-жаҳди билан курашмоққа кучли сабаблар мавжуд бўлса, у қудратли “ифор” майдонини жунбушга келтиради, ушбу майдон таниш жойларда адашиб юрувчи арвоҳнинг туғилиши учун сабабкор бўлиб ҳисобланади. Хасис одам пулли халтасига шу қадар ёпишиб оладики, унинг миясида шундан бошқа ҳеч нима бўлмайди. Ўлим чоғида у кўпроқ пулларим кимга қоларкин, ким эга бўларкин, деб ўйлаши эҳтимолдан узоқ эмас. Худди шундайин, ҳаётининг сўнгги дақиқаларида у ўзининг эгизак арвоҳини кучайтиради ва бахтли ворис ўзини бегонадай ҳис эта бошлайди, уни ойсиз ярим тундаги зимистонликка ўхшаш даҳшат қамраб олади. Унда шундай таассурот пайдо бўладики, гўё чол йўқотган кумушини топгани қайтиб келгану уни зўр бериб қидираётгандай. Ворис бунда ҳақ эди: кекса хасис чолнинг арвоҳи ҳақиқатан ҳам кумушини қидириб қайтиб келган ва қўллари билан уни ҳеч тугтолмаётганидан жони чиқиб турган бўлади. Уч асосий жисм мавжуд: қон ва моддадан вужудга келган тан бўлиб, унда онг қаттиқ ҳаётгий сабоқ олади; ифорли ёки оҳанраболи майдон — у истак-хоҳишларимиз, иштаҳаларимиз ва умуман интилиш ва иштиёқларимиз билан юзага келган жисм; учинчи жисм бу — спиратик ёки руҳий жисмдир. Бу шундай жисмки, мангу ўлмас руҳдан иборатдир. Ортадаксал, яъни изчил буддавийлик билан тўла мос келмайдиган ламавийликнинг асосий нуқтаи назарлари ана шулардир. Ўлик одам уч мажбурий босқичдан ўтади: жисмоний бадан бўлаканиб кетиши керак, оҳанрабо ёки руҳий жисм тарқалиб кетиши керак, онг ёки руҳ руҳлар оламига йўл олиши керак. Қадимги мисрликлар ҳам шундай нуқтаи назарни қўллаб-қувватлайди-

лар. Тибетда ўлим олдидан одамларга оқ йўл тилаб қоладилар ва уларнинг тинч ўлишига ёрдам берадилар. Эҳтимол, ўқувчи учун бу жараён ҳақида билиш қизиқ туюлар.

Кунларнинг бирида мутававали ва дафн маросимларининг билагон биттаси мени ҳузурларига чорлашди.

— Рухнинг халос бўлишдаги амалий усулларини ўрганишга киришсак ҳам бўларди, — деди у. — Юр мен билан.

Ҳад-ҳисобсиз йўлақлардан ва сирпанчиқ зиналардан юриб ўтиб, траппалар эгаллаган хужраларга етиб келдик. Касалхона бўлмасига ажратилган хужралардан бирида кекса роҳиб жон бермоқда эди. У ҳар биримиз эртами-кечми ўтишимиз керак бўлган сўнгги йўл бошланувчи остонага тобора яқинлашиб келарди. Навбатдаги ўлимоқди хуружи узил-кесил унинг қувватини суғуриб олди. Ҳаёт уни тарк этмоқда эди ва мен унинг ранги оқариб кетганини кўрдим. Бироқ расм-русумларимизга биноан ухлаётган одамни иложи борича узоқроқ ҳушли ҳолатда тутиб туриш лозим бўларди. Менга ҳамроҳлик қилиб келган лама ўлаётган чолнинг кўлини ўз кафтига олди:

— Жисмнинг азоб-уқубатлари бир кунни ниҳоясига етмай қолмайди, бобо, сўзларимга диққат билан қулоқ солинг, йўлингиз енгил бўлади. Аввало товонларингиз музлайди, аста-секин жон баданни тарк этади. Тинчланинг, бобо, ақлу ҳушингиз асло безовта бўлмасин, бундан асло чўчиманг. Товонларингиз музлаб, кўз олдингизни туман қопляпти. Баданингиз музлаб, томирларингиздан совуқ нарса оқаяпти ва ҳаёт орқага чекиняпти. Ақлу ҳушингиз ҳеч қачон безовта бўлмасин, бобо, зеро, ўлим — бу борлиқнинг олий шакллари, олий ҳаққониятнинг онг томонидан қўлга киритилишидир, бу нарсадан асло чўчи-маслигингиз керак. Мангу туң соялари кўзларингизга қуйилмоқда ва нафасингиз бўғилмоқда. Аммо сиз руҳингиз халос топиши ва ўзингизнинг ўзга олам лаззатидан бахраманд бўлишдек бахтга жуда яқин турибсиз. Тинчланинг, бобо, Озодликка чиқишингиз соати яқинлашмоқда.

Гапдан бир зум тўхтамаган лама ўлаётганнинг елкасидан то қоқ миясигача эркалаб силашда давом этарди. Бу жоннинг қийноқсиз ва қайғусиз халос бўлишининг синалган усули эди. Чолга барча қийинчиликлар ва уларни қандай бартараф этиш йўллари кўрсатилганди. Шу ерда турган ва нариги дунё билан алоқа ўрнатган лама-телепатлар жоннинг ҳаракат қилиш йўлларини кўрсатиб туришарди.

— Сиз ҳеч нарса кўрмаяпсиз, бобо, сизнинг нафас олишингиз тўхтаяпти. Баданингиз совиб бораёпти, ёруғ оламнинг товушлари қулоғингизга бориб етмаяпти. Тинчланинг, бобо, ўлим вужудингизга жо бўлаяпти. Сизга кўрсатилган йўлни ихтиёр этинг, сиз тинчлик ва хотиржамликка ноил бўласиз.

Лама ҳамон чолнинг бош ва елкасини эркалаб силашда давом этарди. Кекса роҳибнинг нури тобора заифлашиб борарди. Ниҳоят, нур ғойиб бўлди. Ҳуркак жон бадандан бутунлай халос бўлиши учун таомилга кўра лама аста қичқириб кўйди. Қимир этмай ётган бадан узра аввал минглаб уюрмалардан ҳосил бўлган тутун пардани елга солувчи ҳаётий қувват тўпланди, ундан кейин бу қувват ҳозиргина совуган баданга хос бўлган шакл касб этди. Ушбу самовий жисм “қумуш ришта” воситасида ҳамон мурда билан боғлиқ эди. Ришта тобора ингичкалашиб борарди, ниҳоят, киндиги кесилгандан кейин чақалоқ ҳаётга қадам кўйганидаги каби марҳумнинг самовий жисми янги ҳаётда дунёга келди. Ришта узилди ва самовий жисм эҳромда бурқсиётган тутатқи тутунига қўшилиб аста юқорига ўрлаб кетди. Марҳумнинг жонини олис парвоз йўлининг биринчи босқичига йўллаган ҳолда телепатлар ёрдамида лама ҳамон чолнинг руҳига оқ йўл тилашда давом этарди.

— Сиз ўлдингиз. Бу дунёда сиз учун ҳеч нарса қолмади. Сизнинг бу дунё билан ўрнатган барча ришталарингиз узилиб бўлди. Сиз ўлим ва қайта туғилиш ўртасидаги оралиқ ҳолатдасиз. Сиз йўлингиздан кетаверинг, биз ҳам йўлимиздан бораверамиз. Ушбу рўёлар оламидан воз кечинг-да, олий ҳақиқат оламига доҳил бўлинг. Сиз ўлдингиз. Олга қараб кетаверинг.

Тутатқининг паға-паға тутунлари эҳром гумбази остида сузарди, унинг ҳарир тўлқинлари аста-секин даҳшатли вазиятни юмшата бошлади. Узоқдан ноғора-

ларнинг босиқ гумбури қулоққа чалинди. Ибодатхона томи устидан бутун атрофга хабар бериб якка қарнай садоси янгради. Йўлақлардан одамларнинг оҳиста гаплашган овозлари, наमत этикларнинг шап-шуп товуши, ҳўкизларнинг мўмўлаганлари бизгача етиб келмоқда эди. Бироқ биз ўтирган хона ичкарисида оғир сукунат ҳукмрон эди. Ўлим сукунати. Фақат лама-телепатнинг бидир-бидир гапларигина бу сукунатни бузмоқда эди — бамисоли тинч қўл суви сатҳидан шамол юриб ўтаётгандай. Ўлим: яна бир чол эҳтимол, ерда олган сабоқларидан фойдаланиб, ердаги мавжудлик жараёнини ниҳоясига етказди. Унинг йўли Будда салтанати томон олиб кетарди, бу салтанатга етиш эса сўнгсиз саъй-ҳаракатлар тўфайлигина насиб этиши мумкин.

Биз мурдани нилуфар шаклида ўтказамиз ва уни қайноқ сувда буғлатиб олувчиларга юборамиз. Лама-телепатлар ҳамон ваъз ва дуолар ўқишда давом этишарди. Бу уч кун давом этди, ходимлар бир-бирларининг ўринларини алмаштириб турдилар.

Тўртинчи куни эрталаб линкор ва Дечхон Дзонг йўллари кесишган жойдаги дафн маросимлари хизмати кўрсатиш муассасасидан ражаб етиб келди. У келиши билан ламалар марҳумга оқ йўл тилашни тўхтатишди. Ражаб мурдани икки букиб оқ чойшабга ўради. Ҳеч бир қийинчиликсиз у оппоқ қулагани елкасига ортмоқлади-да, ташқарига чиқди. Ҳовлида унга ҳўкиз мунтазир турарди. Ражаб юкни ҳўкизнинг устига қўндирди ва қайдасан мурдахона, дея йўлга равона бўлди. У ерда мурда нимталовчилар тобут ва тобуткашларнинг йўлига кўз тутиб ўтиришарди. У жой асли нималардан иборат эди? У бир яйдоқ саҳро бўлиб, чор атрофи қоялар билан қуршалган, қоқ ўртада каттакон ясси супа бўлиб, унга анов-манов улкан одамнинг ҳам гавдаси бемалол сиғар эди. Супанинг тўртгала бурчагидан тешиклар ўйилган бўлиб, уларга қозиқлар текиб қўйилганди. Иккинчи супа қалинлигининг ярмигача ботиқ қилиб ишланганди.

Мурдани биринчи супага ётқизишлари ҳамон ундан чойшабни олиб қўйишди ҳамда қўл ва оёқларини қозиқларга тортиб боғлашди. Катта пичоқ тутган нимталовчилар бошлиғи пайдо бўлди. Терини тарам-тарам қилиб сидириш мумкин бўлиши учун у энли-энли қилиб кесиб, мурданинг қорнини ёрди. Сўнг қўл ва оёқлар узилиб, майда-майда бўлақларга бўлинди. Ниҳоят, танадан бош кесиб олинди-да, тана ҳам ёриб ташланди.

Мурдали улов келганини сезган ўлаксахўрлар қояларга келиб қўна бошлашди. Улар барча ҳаракат ва ишларни сабр-тоқат билан кузатиб туришарди. Ўлаксахўрлар қатъий тартибга риоя қилар эди: борди-ю, қайси бири оқсоқолларидан олдин мурдага яқинлашгудек бўлса, ўша заҳоти бошлаб таъзирини ерди. Нимталовчи энди танани майдалашга киришганда ўлаксахўрлар қояларга келиб қўна бошлашди. Нимталовчи қўлини ичкарига текиб юракни суғурди-да, йиртқишларнинг оқсоқолига ташлади. У эса қанотини оғир қоқиб ерга қўнди ва ташланган луқмани олиш учун алпан-талпан юриб келди. Оқсоқоллари ортдан бошқалари эргашишди. Ўз ўлжаларини олиб қоя ортига ўтиб кетишди-да, у ерда базми жамшидни қизитишди. Буйрақлар, ичак-чавоқлар — барчаси оқсоқоллар ўртасида бўлишилари. Бадандан гўшларни тилим-тилим қилиб шилинар, майда бўлақларга бўлинар ва бошқа ўлаксахўрлар галасига итқитиларди. Қушлар ичида мия ва кўзни хуш кўрувчилар ҳам чиқиб қоларди, баъзилари эса энг хушхўр жойларидан бир луқмагина беришини талаб қилиб, қанотларини қаттиқ-қаттиқ қоқа бошлар эди. Ўлим энг кам бўлган вақтларда тана аъзолари ва гўшлардан ҳеч қанақа нишхурд қолмас эди. Супада фақат суяклар сочилиб ётарди. Нимталовчилар аввал суякларни, майда бўлақларга бўлиб чопар, иккинчи супа ўйиғига тахлаб чиқар ва оғир болғалар билан туйиб, унга айлантиришарди-да, кейин қушларга ем қилиб сочиб юборар эдилар.

Мурда нимталовчилар ўз ишларининг чинакам усталари эди. Улар ўз касблари билан фахрланишар ва ўз ихтиёрлари билан ўлим сабабини аниқлаш мақсадида барча аъзоларни тадқиқ қилар эдилар. Катта тажрибалари уларнинг тезда ташҳис қўйишларига имкон берарди. Тўғри, ҳеч ким шундай қилинглари деб айтмасди уларга, ҳеч ким бундай масалаларга қизиқиб ҳам қарамасди, аммо касб анъанаси шундай эдики, нимталовчилар “жон ва таннинг бир-биридан ажралиб кетиши” сабабларини албатта ва ғоят аниқ белгилаб беришарди. Бор-

ди-ю, ўлим заҳарланиш, қасд қилиш ё бахтсиз ҳодиса туфайли юз берган бўлса, бу ҳолат жуда тез аниқланарди. Менга уларнинг тажрибаси жуда ёрдам берарди. Кўп ўтмай мен ҳам ўлик майдалашга чечан бўлиб кетдим. Уларнинг бошлиги тепамда туриб оларди-да, эътиборимни у ёки бу диққатталаб жойларга тортарди.

— Мана бу одам, муҳтарам лама, юракка қон келмай қолишидан ўлган. Қараб туринг-а, ҳозир мана бу қизил томирни кесишади. Анави тиқинни кўряп-сизми? Ана шу нарса ўлимга сабабчи бўлган. Ўша қонни ўтказмай қўйган.

Ёки яна бир гал:

— Мана бу аёлнинг, муҳтарам лама, соғлиги асли чатоқ экан. Ҳойнаҳой, мана бу бези ёмон ишлаган. Келинг, шуни кесиб кўрайлик-чи, шунданмикан.

Без кесилади ва у сўзида давом этади:

— Ана, айтмовдимми без чатоқ деб. Мана, очиб кўрамиз ҳозир. Ҳа, у қотиб қолган.

Хуллас, шунақа гаплар. Бу одамлар менга кўп нарсаларни кўрсатиб сўзлаб беришлари билан фахрланишарди. Менинг айнан Далай Лама кўрсатмаси билан ўқийётганимни билишарди. Борди-ю, мен йўқлигимда қизиқроқ мурда келиб қолса, мен учун уни бир четга қўйиб қўйишарди. Мен юзлаб мурдаларни тадқиқ қилдим ва бу нарса кейинчалик яхши жарроҳ бўлишимга ёрдам берди. Шу нарсани айтишим керакки, бизнинг мурда нимталовчиларимиз маълумотлари бўйича Фарбда яхши жиҳозланган касалхоналарда бўлажак табибларни ўқитадиган мутахассислардан юқори турар эдилар. Мен бунга кейинчалик амин бўлишимга тўғри келганди. Бошқа ҳар қандай жойда ўрганишим мумкин бўлгандан кўра мен улардан кўпроқ нарсалар олдим.

Тибетда марҳумларни кўмишмайди. Тош-қояли ер ва юпқа қатламли тупроқ кўмиш ишларини ҳалдан ташқари қийинлаштириб юборарди. Тежамкорлик нуқтаи назаридан куйдиришнинг ҳам иложи йўқ эди: Тибетда ёғоч жудаям танқис, ўлик куйдириш учун Ҳиндистоннинг тоғли йўлларида хўкизларга ўтин ортиб келиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди — бу энди турган-битгани зарар бўларди. Мурдани дарёга ташлаб юбориб ҳам бўлмасди, ахир унинг сувини биз, тириклар ичамиз-ку. Хуллас, ўликларни ўлаксахўр ва йиртқич қушларга беришнинг юқорида баён этилган усулини қўллашдан бошқа чорамиз қолмасди. Бундоқ олиб қараганда, бундай дафн фарбдаги усуллардан унчалик ҳам фарқ қилмайди: ахир Фарбда мурдалар қурт-қумурсқаларга ем бўлмайдами?

Мурдани ёриш расми барча мамлакатларда мажбурий эмас, шу боис ўлимнинг ҳақиқий сабаблари аниқланмай қолиши мумкин. Бизнинг нимталовчиларимиз эса бундай камчиликлардан мутлақо ҳолидирлар, одам нега ўлганини улар ҳар доим аниқ айтиб беришади.

Ўзларида Инкарнация ёки тажассумни намоён этган буюк ламалардан ташқари, дафн барча тибетликлар учун бир хилдир. Улар ё эҳромларга қўйиш учун мўмиёланади ва шиша тобутларга жойлаштирилари, ёки аввал мўмиёланиб устидан олтин суви юргизилади. Кейинги амал алоҳида қизиқиш уйғотилади, бундай амаллар чоғида мен бир неча марта иштирок этганман. Мана шу нарса хусусидаги менинг ёзмаларим билан танишган айрим америкаликлар бундай амалларнинг ростлигига шубҳа билдиришганди.

— Ҳатто бизлар, — дейишганди улар, — шунчалик ривожланган техникага эга бўлган ҳолда бундай қилолмаймиз.

Тўғри, биз ҳеч бир нарсани туркум-туркум ишлаб чиқаролмаймиз, бизлар бор-йўғи хунармандлармиз. Биз донаси бир доллар турадиган соатлар ясай олаемиз. Аммо биз мурдаларга олтин қоппай олаемиз.

Бир куни мени руҳоний ҳузурига чақириб қолишди:

— Бир Тажассум тезда танасини тарк этади, — деди у менга, — “Ёввойи атиргуллардан ясалган жонли девор” ибодатхонасига жўна ва муқаддас мўмиёлаш қандай амалга оширилишини ўрганиб ол.

Яна отга миниб, Серага боришимга тўғри келди. Ибодатхонага етиб келганимдан сўнг мени кекса аббат хонасига олиб боришди. Унинг нурлари ранги ўчай-ўчай деб турарди, бир соатдан сўнг у ерни тарк этди-да, Руҳ оламига равона бўлди. У аббат ва олим бўлгани учун ўлим билан ҳаёт ўртасидаги жар-

ликдан кесиб ўтиши лозим эди. Уч кеча, уч кундуз кутиб ўтиришимнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Тана бир кечагина нилуфар қиёфасида ваъзхон ламалар ҳозирлигида сақлаб турилди.

Эртасига тонг бўзариши биланоқ тантанали маросим ибодатхонанинг бош биносини кесиб ўтди, эҳром ичкарасига кирди ва камдан-кам очиладиган эшик орқали махфий йўлакларга туша бошлади. Жасадни мендан олдинда икки лама кўтариб борарди. Жасад ҳамон нилуфар қиёфасида эди. Орқадан роҳиблар оҳиста қўшиқ айтар, танафус чоғида кумуш кўнғироқчалар овози кулоққа чалинарди. Қизил ёмғирпўш устидан эгнимизга сариқ либослар ташлаб қўйилганди. Машғала ва жинчиروқларнинг ёруғида деворларга ўзимиздан неча баробар катта бўлиб тушаётган соямиз чайқалар ва рақс тушарди. Биз пастга тушиб кетавердик, кетавердик. Ниҳоят эҳром тагидан йигирма метр чуқурликда бир тош эшикка яқинлашдик. Мухрни синдирдик-да, музхонага кирдик. Роҳиблар жасадни авайлаб ерга қўйишди-да, мени уч лама билан қолдириб, нарига кетишди. Юзлаб жинчироқлар ёқилди ва хона сарғиш нурга тўлди. Марҳумни ечинтиришди ва ювинтиришди. Табиий тешиклар орқали биз унинг ички хилтларини чиқариб олдик-да, уларни шиша идишга солиб, оғзини ҳаво кирмайдиган қилиб беркитиб қўйдик. Жасад ичкараси обдан тозаланди, қуритилди ва махсус лок билан тўлдирилди. Бу лок жасадни синчдек мустаҳкам қилиш ва унга тирикдай кўриниш бериши керак эди. Лок қотгач, жасад ичига ипак тўлдирилди, бунда ҳам яна ўша шарт ҳисобга олинган эди — жасадни жонлидай кўрсатиб, шаклини бузмаслиги лозим эди. Ипак тикмасига шимдириш ва уни қотириш учун жасадга яна лок қўйилди. Мана шу лок билан жасаднинг ташқи қисмига ҳам суркак чиқилди ва қуритиш учун қўйиб қўйилди. Сўнг жасадни юпқа шойи билан ўраб чиқишдан олдин биз унга махсус суюқлик билан ишлов бердик, шойи матони кўчириб олишда жасадга зарар етмасин деган мақсадда шундай қилдик. Жасадга ипак тикиш яхши ўтди. Энди озроқ лок керак, фақат буниси бошқа навдагидан бўлиши лозим — шу билан жасад амалининг иккинчи давраси учун тайёр бўлган ҳисобланарди. Бир кеча ва бир кундуз жасад тўла қуритиш учун сақлаб турилди. У батамом қотгач, тантанали сувратда уни нариги хонага, тўғрироғи, биринчи хона тагида жойлашган ва ўчоқ хизматини ўтайдиган хужрага олиб ўтдик. Ўчоқда ёқилган олов ҳовури марказда доимий ва юқори ҳароратни сақлаган ҳолда деворлар бўйлаб айланар эди.

Ерга қалин қилиб кукун сепиб чиқилганди. Жасадни ўртага жойлаштирдик. Биз ўчоқни туз (Тибетнинг вилоятларидан бирида қазиб чиқариладиган махсус туз), шифобахш гиёҳлар ва маъданлар қоришмаси билан тўлдирдик. Хужра ўчоқ бошдан-охиригача лиммо-лим тўлгач, биз даҳлизга чиқдик, эшикни эса ибодатхона муҳри билан муҳрлаб қўйдик. Роҳибларга ўтти ёқиб юбориш учун ишора берилди. Кўп ўтмай ёнаётган ўтинларнинг чарс-чурс қилган овози эшитила бошлади, аланга кўтарилди дегунча унга ёғ қуя бошладик. Ёғ тагидан қуриган таппи-тезақ қалаб ёқилган иккита қозонда куйдирилмоқда эди. Ўчоқдаги олов бир ҳафта давомида ёниб, иссиқ ҳаво мўмиёлаш хужраси деворларини қизитиб турди. Еттинчи кун деганда олов ўча бошлади. Ҳарорат пасайишидан хужра деворлари инграшга ўхшаш овоз чиқарар эди. Яна уч кун ўтди, ўчоқдаги ҳарорат одатдаги ҳолгача келди. Ўн биринчи кун деганда муҳрни синдирдик ва эшикни очдик. Роҳиблар қотиб қолган кукунларни қўллари билан артишга тутинишди. Жасадга заха бериб қўйишдан қўрқиб, ҳеч қандай асбоб-ускунадан фойдаланишмади.

Икки кун мобайнида улар мўрт туз парчаларини артиш билан машғул бўлишди. Ниҳоят хужра бўшатилди, унда ўртада нилуфар қиёфасида ўлтирган жасаддан ўзга ҳеч нарса қолмади. Жинчироқлар ёруғида яхшилаб кўриб олиш учун биз жасадни авайлаб кўтардик-да, дастлабки хонага олиб ўтдик. Ипак мато бирин-кетин ечила бошлади. Жасад яланғоч ҳолга келди. Мўмиёлаш муваффақиятли чиққан эди. Агар бадандаги бир оз оби-тобидан ўтган қора рангни айтмаса, одам ҳозир уйғониб кетадию тилга киради деб ўйлаш мумкин эди. У ҳаётда қандай бўлган эса, худди ўшандай эди. Яна бир карра жасадни локлаб чиқишди, сўнг заргарлар ишга киришиб кетишди. Уларнинг техникасига офарин! Ана буни бадийий санъат деса бўлади! Марҳумни олтин билан қоплаб чи-

қиш учун қанақанги санъат керак бўлмайди! Иш аста-секинлик билан борарди, юпқа олтин пардаси қатлам устига қатлам тўшаларди. Олтин ҳамма жойда бойлик ҳисобланади. Биз учун у инсон руҳининг мангулиги ғоясини энг яхши ифода этувчи муқаддас маъданан бошқа ҳеч нарса эмас. Роҳиблар чечанлик билан ишлашар, ҳар бир узв ва қисмга қунт билан ишлов берар эдилар. Иш тугагандан кейин эса олтин суви юргизилган мукамал ҳайкал кўз ўнгимизда намоён эди. Ҳар бир чизик, ҳар бир ажин санъаткорнинг катта маҳоратидан дарак бериб турарди.

Олтин билан қопланган жасадни тажассумлар уйига олиб кирдик ва бошқа тажассумлар билан ёнма-ён қилиб, олтин тахтга ўтқазиб қўйдик. Айрим ҳайкаллар тарихимизнинг бошланишини акс этдирар эди. Улар қаттиққўл ҳакамлар каби саф тортиб ўтиришар ва гўё ярим юмуқ кўзлари билан ҳозирги замон оламининг хато ва камчиликларини кузатар эдилар. Биз босиқ овозда гапирар, гўё жонли марҳумларни безовта қилишдан чўчигандек оёқ учида юрар эдик. Тўсатдан ҳайкаллардан бири мени ўзи томон оҳанрабодай тортаётгандай, дилимда унга нисбатан қандайдир ингилиш ҳиссини туйдим. Менда шундай таассурот пайдо бўлдики, гўё у мен тўғримда ҳамма нарсадан воқиф ҳолда менга қараб кулаётгандай. Кимдир аста қўлимдан тутди, қўрққанимдан жоним “ҳиқ” этиб чиқиб кетаёзди — қаршимда устоз турарди.

— Бу сен, Лобсанг, — деди у. — Бу сенинг сўнги Тажассуминг. Сенинг яна қайта туғилишингни билар эдик!

У мени тажассумим билан ёнма-ён турган бошқа тажассум олдига олиб борди.

— Бу эса мен, — деди у.

Биз уйдан ҳаяжонга тўлиб чиқдик. Кейинчалик менинг жасадларга олтин кийдиришда қўп марталаб иштирок этишимга тўғри келди. Тез-тез тажассумлар уйига борар ва ҳайкаллар олдида тафаккурга чўмар эдим. Ҳайкалларнинг ҳар бири ўзининг қизиқ-қизиқ тарихига эга эди. У ерда мен устозим — лама Мингяр Дондупнинг тарихини ўқидим. Тарих менга унинг феъл-атвори ва қилмишлари, унинг шаъни, қадр-қиймати ва саховати сирларини очиб берарди. Мен унинг қандай ўлгани ҳақида ҳам ўқидим.

У ерда менинг ҳам тарихим ёзилган, мен уни қанчалик ўрганишга лойиқ бўлса, ўшанчалик қунт билан ўргандим. Ўша сирли уйда тўқсон саккизта олтин ҳайкал бор. Уй қояда ўйиб ишланган бўлиб, унга кириш қаттиқ сир тутилади. У ерда, афтидан, Тибетнинг бутун тарихи сақланарди. Нима бўлганда ҳам менга шундай туюлганди. Зеро, у пайтда ҳали келажақда унинг анча олдинги даври билан ҳам танишимни билмас эдим-да.

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

СЎНГИ МАРОСИМ

Турли ибодатхоналарда ўнлаб жасадни мўмиёлашда иштирок этганимдан кейин кунларнинг бирида мени Шакпори руҳонийси ҳузурига чорлаб қолишди.

— Дўстим, Донолар доносининг тўғридан-тўғри кўрсатмасига биноан сенга аббатлик унвони бериш маросими бўлмоқчи. Лекин сен, агар ўзинг хоҳласанг, худди лама Мингяр Дондуп сингари фақат лама унвони билан юраверишинг ҳам мумкин. Бебаҳо зотдан сенга шуларни билдириб қўйишни ўзим учун фарз деб биламан.

Шундай қилиб, машҳур тажассум бўлган ҳолда мен бундан олти асрча муқаддам ўлиб кетган унвонимни қабул қилмоқда эдим. “Ҳаёт Чархпалаги” ўзининг тўлиқ бир даврасини ниҳоясига етказмоқда эди.

Бирмунча муддат ўтгандан кейин хонамга қандайдир кекса роҳиб кириб келди ва фармонга мувофиқ менинг “кичик ўлим” синовидан ўтишим жоизлигини маълум қилди.

— Ўғлим, — деди у, — борди-ю, сен ўлим остонасидан хатлаб ўтмаган ва яна ерга қайтиб келмаганингда эди, ўлим ўзи йўқ нарса эканлигидан беҳабар қолган бўлар эдинг. Сенинг самовий билимларинг ғоятда теран. Аммо бўлажак

маросим сени янада олисроққа бошлаб кетади, сен ҳаёт ва ўлим салтанати сарҳадларидан чиқиб кетасан ва мамлакатимизнинг узоқ ўтмишига бориб қоласан.

Тайёргарлик узоқ ва оғир кечди. Уч ой давомида қатъий жадвалга риоя қилишим буюрилганди. Менинг кундалик емак-ичмагимга яна бир от қорни тўйгулик гиёҳлар қўшилган эди. Мен ўз онгимни “пок ва муқаддас” деган тўхтамага мўлжаллаб юришим керак эди. Шу ҳисобдан ибодатхонада мутлақо муайян қараш мавжуд эди. Ҳатто цампа билан чой ҳам жуда оз миқдорда бериларди. Мендан тийиқликка оғишмай амал қилиш, қатъий интизом ва кўп соатлар ҳаёлга толиш талаб этиларди.

Ниҳоят уч ойдан кейин мунажжимлар қулай вақт келганини айтишди. Яхши аломатлар юзага кела бошлади. Мен бир кеча-кундуз рўза тутдим ва ибодатхона нофорасидек бўм-бўш бўлиб қолдим. Мана, мени Потала эҳроми отидаги яширин йўллардан бошлаб кетишмоқда. То қоя ёпиб қўйган йўл бошига етганимизча менга аллақачон таниш бўлиб қолган йўлак ва зиналардан ўтиб беравердик. Каттакон девор бўлаги ҳаракатга келди ва рўпарамизда рутубат, қандолат ва тутатқи ҳидлари анқиб турган тўғри ва қопқоронғи иккинчи бир йўлак пайдо бўлди. Яна бир неча қадамдан кейин биз улкан олтин эшик олдига келиб қолдик. У очилаётганда қаттиқ ғийқиллаб овоз берди, овоз қоронғилик қўйнига сингиб кетди. Машғаллар ўрнига жинчиноқлар қўйиб қўйилганди. Биз ҳар ҳолда вулқон фаолияти шарофати билан қоялар бағрида бундан неча асрлар муқаддам вужудга келган ерости эҳромидан олға кетиб борардик. Нима бўлганда ҳам йўлак ва бурчакларда ёнартоғнинг қотиб қолган излари бу ернинг ҳар бир қарич ерида учрарди. Булар ёнартоғнинг вулқон оғзига олиб борадиган йўллари бўлса ажабмас. “Биз ўзимизни худо ўрнига қўйиб кўрмоқчи бўламиз, — ҳаёлимдан ўтказдим мен, — аммо аслида қанчалик ночор ва нотавон махлуқмиз”. Лекин ҳозирча менинг фикру зикрим бўлажак маросимда бўлиши керак эди. Охири Сирли Ҳикмат эҳромига ҳам етиб келдик.

Бундан кейинги йўлни учала аббат кўрсатиб беришди, қолган ҳамроҳлар кейинда, худди уйқуга ўхшаб зимзиё қоронғулик қаърида қолиб кетишди. Мен учала донишманд билан юзма-юз қолгандим. Йиллар уларни қовжиратиб ташлаганди, улар фалак майдонида чорлаш соатини зор-интиқлик билан кутар эдилар. Уч кекса, ёруғ оламнинг уч буюк файласуфи мени сўнгги маросимдан олиб ўтишга тараддуд кўрмоқда эди. Улардан ҳар бири ўнг қўлида жинчиноқ ушлаб олган, чап қўлида эса — тутун бурқсиётган тутатқи таёқчаси. Ҳаво жуда совуб кетганди, бу қандайдир ғалати, ерникига ўхшамаган совуқ эди. Атроф сув қуйгандек жимжит, фақат сукунатнинг нечоғли чуқурлигини билдириб қўймоқчидай қаердангир олис-олислардан ўқтин-ўқтин қандайдир овозлар қулоғимизга чалинарди. Кигиз этикларда товушсиз одимлар эканмиз, бизни арвоҳга йўйишса ҳам бўларди. Мен чолларнинг чийдуҳоба қўйлақларидан чиқаётган энгил шитирлашни эшитиб турардим, холос. Тўсатдан, ё алҳазар, мен худди чумолиларга ўхшаб, аъзойи баданимни электр қуввати қамраб олгандай ҳис қила бошладим. Худди янги нурланиш содир бўлаётгандай қўлларимдан учқунлар сачради. Аббатларда ҳам шундай нарсалар содир бўлди. Қуруқ ҳаво билан кийимларнинг ишқаланиши статистик электр қуввати ҳосил қилганди. Ҳамроҳларимдан бири менга олтин хивич узатиб, деди:

— Мана буни чап қўлингга ол-да, юраётганингда деворга теккизиб-теккизиб қўй. Қаерингда оғриқ пайдо бўлса йўқотади.

Мен у айтгандай қилдим. Навбатдаги электр қуввати мени шундай уриб юбордики, сал бўлмаса этикларим ичидан сапчиб чиқиб кетаёздим. Лекин кейинчалик ҳаммаси яхши кетди.

Бирин-кетин кўзга кўринмас қўллар жинчиноқларни ёқа бошлади. Уларнинг милтиллаган ёғдусида қоронғилик ичидан олтин қопламали улкан ҳайкаллар чиқиб турарди. Уларнинг айримларининг ярмигача дуру жавоҳирлар қадаб ташланганди. Қоронғиликда Будда ҳайкали кўзга ташланарди. У шу қадар улкан эдики, ёруғ унинг белигача аранг етаётганди. Бошқа ҳайкаллар ҳам кўзга элас-элас чалинарди: булар иблисларнинг ҳайкаллари, Инсон ўз Менлигини англагунга қадар бартараф этиши лозим бўлган завқ-шавқлар ва синовларнинг манзаралари эди.

Биз “Ҳаёт Чархпалаги” тасвири туширилган бир деворга яқин бордик. Унинг айланаси оралиги беш метрлар келарди. Милтиллаган ёғдуда у чинданам ўз-ўзидан ҳаракатланаётгандек бўлиб кўринарди. Менинг бошим айланиб кетди. Олдинда кетаётган аббат ғойиб бўлди, мен соя деб ўйлаган нарса эшикнинг кингир-ғийшиқ шакли экан.

Бу эшик охири кўринмайдиган, энсиз, иланг-биланг йўлакка очилар, у ердаги чироқнинг хира ёғдуси ундаги қоронғуликни бадтар кучайтирар эди. Биз журъатсиз одимлар билан титраган ва сирпанганча олға юриб борардик. Гўё ер ўзининг бутун залвори билан елкамизда тургандек ҳаво тобора бизни босиб, эзиб ташламоқда эди. Мен ўзимни оламнинг қоқ ўртасига кириб кетаётгандек ҳис этмоқда эдим. Ниҳоят, айланиб бурилдик-да, улкан меҳробга дуч келдик. Меҳроб худди ойнадай олгиндан қуюлган бўлиб, қоя жинсининг ҳамма жойидан олтин ариқчалар ўтганди. Бошимиз узра баландда, жуда ҳам баландда чироқларимизнинг хира ёғдулари тушиб, улар бамисоли зимзиё тун осмонидаги юлдузлардай жимир-жимир қилар эди.

Меҳроб тагида қора уй бор эди, бироқ у шу қадар ёрқин эдики, назаримда эбонит моддасидан ясалганга ўхшайди. Уй деворлари мен ерости қўли қояларида кўрганга ўхшаш ғалати-ғалати сувратлар ва жадваллар билан қопланган эди. Биз баланд ва кенг эшиқдан уй ичига кирдик. Ичкарида қора тошдан ишланган сувратлар ва англаб бўлмас ёзувлар билан безатилган учта тобутга кўзим тушди. Мен улардан бирининг ичига бирров кўз югуртириб қараган эдим, нафасим бўғзимга тиқилиб, ўзимни ҳолдан кетгандек ҳис қилдим.

— Кўриб қўй, ўғлим, — деди аббатлардан бири, — улар ҳали бу ерларда тоғ бўлмаган вақтларда мамлакатимизда худолардай яшашган. Денгиз қирғоқларини ювиб ва осмонда бошқа юлдузлар чарақлаб турганда улар мамлакатимиз бўйлаб юрар эдилар. Кўриб қўй ва эсда сақлаб қол, зеро, буни фақатгина сенга ўхшаган тажассумлар кўришган.

Мен итоат этдим. Мен лол қолган, даҳшатдан ўзимни қўйгани жой ҳам тополмаётган эдим. Олтин қопланган уч яланғоч тана қаршимда ётарди. Икки-та эркак ва битта аёл танаси. Уларнинг юзларидаги ҳар бир чизик олтинда гоят аниқ акс этдирилганди. Гавдалар гоят улкан эди! Аёл уч метрдан ҳам ошиқроқ эди, эркакларнинг новчароғи эса беш метрдан кам эмасди. Уларнинг катта-катта бошлари тепага чиққан сари торайиб, учли бўлиб борарди, жағлари бурчакнамо, оғизлари торроқ ва лаблари юпқа эди, бурунлари узун ва ингичка бўлиб, кўзлари ичига ботган. Уларни сира ҳам ўлган деб бўлмасди — гўё улар ухлаб ётишарди. Биз уйғотиб юборишдан қўрққандек улар олдидан паст товушда гаплашганча оёқ учида юриб ўтдик. Мен тобутлардан бирининг қопқоғини яхшилаб кўриб олишга муваффақ бўлдим — унга осмон харитаси ўйиб туширилганди. Менинг мунажжимлик борасидаги билимларим юлдузлар ҳолати ҳақида мулоҳаза юритишимга имкон берди, бироқ кўрган нарсаларим билимларим доираси билан асло мос келмаётганди.

Катта аббат мен томон бурилиб қаради-да, деди:

— Сен тажассумлар даврасига кириб борасан. Мозийни кўрасан ва келажакдан дарак топасан. Синов оғир кечади. Кўплар яшаб қололмади ва кўплар муваффақиятсизликка дучор бўлди... Хўш, сен тайёрмисан? Синовларга бардош беришга розимисан?

Мен тайёрман дедим ва улар мени тобутлар ўртасидаги супа олдига олиб боришди. Кўрсатмаларга мувофиқ мен нилуфар қиёфасида супа устига ўтирдим ва кафтларимни тепага қилганча қўлларимни осмонга узатдим.

Тобутларнинг ҳар бирига ва супага биттадан ёқилган тутатқи қўйиб қўйилди. Роҳиблар бирин-кетин қўлларига жинчироқларни олишди-да, ғойиб бўлишди. Улар залворли эшикни беркитиб, чиқиб кетишди, мен ўтмиш асрларда яшаб ўтганларнинг жасадлари билан ёлғиз ўзим қолдим. Вақт ўтиб борарди. Мен хаёл сурардим. Ўзим билан олиб келган чироқ вишиллаб ўчиб қолди. Яна бир неча дақиқа мобайнида мен пиликнинг қизил учини кўрдим ва куйган мато исини сездим. Лекин тезда бу ҳам ўтиб кетди, зулматдан ўзга ҳеч нарса қолмади.

Мен супа устига чўзилдим-да, кўп йиллар давомида ўргатиб келишган захарли ҳидлардан сақловчи машқларни бажаришга киришдим. Сукунат ва зулмат эзиб юбормоқда эди. Бу чинакамига қабрдаги сукунат эди.

Тўсатдан баданим чўзилиб, мушакларим таранглашди. Совқотган аъзоларим музлай бошлади. Ўзимни худди ўлаётгандай ҳис қилдим, ер юзаси ва қуёш нуридан юз метрлар чуқурликдаги мана шу қадимги лаҳадда жон бермоқда эдим. Даҳшатли зарба танамни ичидан ларзага солди, мен бўғила бошладим. Худди қуриган терини ураётгандек қулоғимга даҳшатли қалдираган ва қарсиллаган товушлар чалинди.

Бамисоли тоғ ўрқачлари ортидан ой кўтарилиб келаётгандек аста-секин лаҳадга ғалати мовий ёғду қуйилиб кела бошлади. Мувозанат, кўтарилиш, тушиш мен ўзимни варракда учаётгандек ҳис қила бошладим. Шуурим бошқа нарсадан дарак бермоқда эди: мен ўз жисмоний танам устида парвоз қилардим. Гарчи ҳеч қандай шамол бўлмаса-да, мен бир парча булут каби кўтарилиб борардим. Бошим атрофида заррин тошга ўхшаш нур чамбарини пайқадим. Танамнинг ичкарисидан кўкиштоб кумуш ришта чўзилиб чиқмоқда эди, у бамисоли жонлидай эшилиб чир айланар ва ялт-юлт қилиб жилваланарди.

Мен ўзимнинг ҳаракатсиз танамга, мурдалар орасида ётган мурдага қараб турардим. Аста-секин у билан улкан мурдалар ўртасида унча катта бўлмаган фарқни англай бошладим. Манзара чиндан ажойиб эди. Мен ҳозирги замон одамнинг кулгили тарзда ўзини ҳамма нарсадан устун қўйиши ҳақида ўйладим. Моддионлар бундай улкан мурдалар мавжудлигини қандай изоҳлар эканлар? Шу ҳақда фикр юритар эканман, бирдан бу ерда ёлғиз эмаслигимга амин бўлдим. Қулоғимга узук-юлуқ сўхбат, ҳакам-дукам сўзлар чалинарди. Тумтароқ қиёфалар ғойибдан кўриш майдонини кесиб ўтарди. Узок-узоклардан қоқилган занг овози келаётгандек бўлиб туюлди менга. Овоз зудлик билан менгача етиб келди-да, бошим узра портлади, ёғдунинг ранг-баранг зарралари ва мўъжизавий рангларнинг учқунлари кўз олдимдан сузиб ўтди. Самовий жисмим эса бўрон учирган бир парча қоғоз каби ҳавода парвоз қилар ва титрар эди. Оловнинг қуйдиргувчи тиллари шууримни тилка-пора қилмоқда эди. Мен ўзимни ёлғиз, ташландиқ ҳис этдим. — Қутурган Коинотда ҳалокатга учраган кеманинг синган бир бўлаги эдим. Сўнг қора туман устимдан босиб тушди ва менга хотиржамлик бахш этди. Бу ёруғ олам неъматини эмасди.

Мени қуршаб олган тубсиз нимқоронғилик аста-секин тарқала бошлади. Мен денгиз шовқинини ва соҳил томон югурган тўлқинлар шовуллашини эшитдим. Мен ўпкални тўлдириб шўртанг ҳавони ютдим ва денгиз сув ўтларининг ўткир ҳидини туйдим. Атрофимни қуршаб олган манзара қаердандир менга танишдек эди, мен офтобда қизиган қумга чалқа тушиб ётиб олдим ва хурмо дарахтларига разм солдим. Бироқ шууримнинг иккинчи қисми галаёнга келган эди — ахир умримда денгизни кўрмаган эдим-ку, хурмо дарахтлари борлигини ҳатто билмас эдим-ку! Лекин шу топ қулоғимга хурмозор ортидан овозлар ва кулгу чалинди. Овозлар яқинлашиб келарди ва офтобда куйган одамларнинг қувноқ гуруҳи хурмозор ичидан чиқиб келди. Улкан одамлар! Ҳаммалари битта одамдай улкан эди! Мен уларга қараб қолдим — улканлар орасида мен ҳам улкан эдим! Менинг “Самовий миям”даги фикрлар тинимсиз алмашарди. Қачонлардир минг-минг йиллар муқаддам ер қуёшга жуда яқин жойлашган ва тескари томонга қараб айланган. Кунлар қисқароқ ва иссиқроқ бўлган. Ер юзида буюк тараққиётлар юз берган, одамлар ҳозиргига қараганда анча ақлли бўлган. Ташқи томондан, фазовий кенглик ичидан бир дайди сайёра пайдо бўлган ва ер билан тўқнашиб кетган. Ер ўз меҳваридан чиқиб кетган ва бошқа йўналишда айлана бошлаган. Қаттиқ шамол туриб, денгизларни осмонга отган, улар эса тескари тортиш кучи таъсири остида ерга ёприлиб тушган. Зилзилалардан титраб турган дунёни сув босган. Ернинг айрим майдонларини гирдоб домига тортиб кетган, қолганлари сувдан кўтарилиб қолган. Денгиз сатҳидан қарийб тўрт минг метр баландликда кўтарилган Тибет илиқ ва ёқимли соҳилбўйи жаннат мамлақати бўлишдан тўхтаган. Уни оғзидан тутунли олов отилиб турувчи тоғлар қуршаб олган. Олис баланд тоғли ҳудудларда ерлар тарам-тарам ёрилиб, тубсиз даралар ҳосил бўлган. У ерда ўтмиш даврларнинг наботот ва ҳайвонот

олами мавжуд бўлишда давом этган ва ривожланган. Бу ҳақда жуда кўп гапларни айтиш мумкин, бироқ менинг “самовий тажассумимнинг” бир қисми ўзим учун шу қадар муқаддас ва бошқа ҳар қандай одам учун шу қадар ётки, мен унинг чоп этилишига ҳеч журъат қилолмайман.

Бирмунча вақт ўтгандан кейин менга кўриниб турган қиёфалар хира торта-торта кўздан йўқолди. Аста-секин жисмоний шуурим билан бир қаторда самовий шууримдан ҳам маҳрум бўла бошладим. Яна бирмунча муддатдан сўнг менда нохуш сезги пайдо бўлди ва шунчалик совқотиб кетдимки, худди ўзимни қабрдаги тош супачада ётгандек ҳис қилдим. Миям шиддат билан ишлаб кетди.

— Ҳа, у ўзига келди. У ёруғ оламга қайтиб келди!

Яна талай дақиқа кечди. Бир вақт заиф ёғду кўзларимга тушди. Жинчиروқлар. Уч кекса аббат.

— Сен синовдан шараф билан ўтдинг, ўғлим. Уч кеча-кундуз давомида мана шу супада ётдинг. Сен ҳаммасини кўрдинг. Сен ўликсан. Сен ўлмай қолдинг.

Ўрнимдан кўтарилганимда аъзойи баданим карахт бўлиб қолганини сездим. Заифлик ва ҳаракатсизликдан чайқалардим. Мен умр бўйи эсимда қоладиган бу қабр ичидан чиқдик ва ерости йўлининг муздек ҳавоси тагин бизни қуршаб олди. Очликдан ҳушимни йўқотар даражада эдим, кўрганларим миямда зилдай юк каби осилиб турарди. Кейин мен еб-ичдим, қорним тўйгунча еб-ичдим. Тун чўкканда эса башоратлар ўнгидан келаётганга ўхшайди дея кўнглимдан кечирдим. Ҳа, кўп ўтмай Тибетни тарк этаман-да, мусофир юртларга йўл оламан. Гарчи бу мамлакатлар аввалига менинг етти ухлаб тушимга кирмаган бўлса-да, улар ҳақида энди биламан, ҳатто ҳозир ҳам жозибаси билан юрагимни ориқтириб турибди.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

ХАЙР, ТИБЕТ!

Бир неча кун ўтгач, мен устозим билан дарё соҳилида ўтирардим. Олдимизга бир суворий от кўйиб келиб қолди.

Бизга бирров куз югуртириб, у лама Мингяр Дондупни таниди. Суворий тизгинини азбаройи қаттиқ тортганидан от туёқлари сирғалиб, чанг кўтарилди.

— Лама Лобсанг Рампага Донолар доносидан нома бор.

У кўйнидан рўмолга ўроғлик анъанавий халта чиқарди. Уни уч қарра таъзим бажо келтириб, менга тутқазди-да, яна чаққон эгарга ўтириб от кўйиб кетди.

Энди мен ўзимни дадил ҳис қилмоқда эди. Поталада кечирганларим менда ўзимга ишонч пайдо қилганди. Мен халтани очдим ва уни лама Мингяр Дондупга беришдан олдин мактуб мазмуни билан танишиб чиқдим.

— Эртага эрталаб мен Донолар доноси ҳузурда Нарба Лингада бўлишим керак. Сизни ҳам чақирибди.

— Мен Бебаҳо Ҳомийнинг мақсади тагига етишни ўзим одат қилмаганман, Лобсанг, аммо сезиб турибманки, тез орада сен Хитойга йўл оласан. Менга келганда эса сенга аллақачон айтганман, бу ерда узоқ қолиб кетмайман, Арши Аълога йўл оламан, Шунинг учун бусиз ҳам озгина қолган вақтимизни исроф қилмайлик.

Эртаси куни биз яна таниш йўлдан Нарба Лингага қараб равона бўлдик. Тепаликдан тушдик-да, Линкорни кесиб ўтдик ва боғ дарвозаси олдида пайдо бўлдик. Бу гал ҳам менга лама Мингяр Дондуп ҳамроҳлик қилди. Ҳар иккаламизнинг ҳам миямизда биргина фикр чарх урарди: эҳтимол, бу Донолар доноси ҳузурига сўнгги ташрифимиз бўлса керак. Далай Ламага бир ўзим рўпара бўлганимда ҳисларимни юзимдан шундоқ уқиб олса ҳам бўлаверарди.

— Турли-турли йўлларга кетишдан олдинги хайрлашув дақиқаси оғир ва қайғули бўлади, — деди у. — Мана шу ерда, шу қошонада мен узоқ хаёлга толдим: сен ватанни қачон тарк этганинг яхши — у озодлик чоғидами ё душман ҳужум қилгандами? Мен қандай қарорга келмайин, барибир одамларимизнинг қийналишига тўғри келади. Сенинг йўлинг аниқ, Лобсанг ва барча йўлла-

ринг оғир. Оиланг, ватанинг, дўстларинг — барчасидан воз кечишинг керак. Йўлингда эса, бунинг ўзинг яхши биласан, ёвузлик ва мусибатларга дуч келасан. Мусофир юртлардаги ҳаёт қизиқ ва уни ҳеч ким олдиндан айтолмайди. Олдин сенга айтганимдай, улар ҳеч нарсага ишонмайдилар. Улар ўзлари ярата оладиган ёки тажрибаларда синаб кўрадиган нарсаларга ишонадилар. Аммо энг асосий фан, руҳ ва жон ҳақидаги фан билан уларнинг уч пуллик ишлари йўқ. Сен ҳали туғилмасингдан олдин танланган йўлинг ана шу. Яна беш кундан кейин Хитойга йўл оласан, мен шундай қарорга келдим.

Беш кун! Атиги беш кунми? Мен бўлсам беш ҳафтани умид қилиб юргандим.

Устоз билан жимгина Шакпорига қайтиб келдик. Ибодатхонага етиб келгач, у биринчи бўлиб гап қотди:

— Ота-онанг билан кўришиб олишинг керак, Лобсанг. Мен уларга мактуб юбораман.

Ота-онам? Устозим мен учун отадан ҳам, онадан ҳам афзал эмасми? Бунинг устига тез муддатлар ичида нариги дунёга равона бўлмоқчи, бир неча йилдан кейин Тибетга қайтиб келганимда мен уни бошқа кўролмайман-ку. Ундан қоладиган бор-йўқ нарса тажассумлар уйидаги олтин ҳайкал бўлади, холос.

Беш кун! Беш оғир кун. Мен Потала ибодатхонасида сақланувчи ғарб либосларини кийиб кўра бошладим. Хитойда у менга керак бўлмайди, албатта, Хитойда ўзимнинг одатдаги кийимимда юравераман. Эҳ, мана бу костюмни қаранг! Мана бу сурнайпоча шимни қаранг! Шим оёқларимни занжирдай қисади. Ғарбда нима учун нилуфар қиёфасига кира олмасликларини сабабини энди билдим — кийим халақит бераркан. Бу шим ҳаётимни остин-устин қилиб юборишини англадим. Ёқаси қалин оҳорланган оқ кўйлакни эгнимга илишди. Оббо ёқа жонивор-ей! Сал бўлмаса бўғиб қўяёзди-я! Сўнг чўнтак ўймалари бўлган пиджак кийдиришди. Эҳ-ҳа, европаликлар нарсаларини шу ёққа яширишар экан-да! Буниси ҳам ҳолва экан. Оёғимга тор туфли кийдиришди. Туфли оёқларимни кишандай қисар эди. Эй худойим-ей, қўлқопми? Бизда гоҳо эмакляб юрадиган тиланчилар шунақа қўлқоп кийиб олишади. Лекин тиланчиларнинг оёқларида намат этик бўлмай иложи йўқ. Бошимга қўндириб қўйилган мана бу қозончага ўлайми?! Мана энди мен жентлмен бўлганмишман. Туриб-туриб жентлмен бўлиб қолсанг! — ишни катта холанг келиб қиладими дейдиган одам йўқ!

Учинчи куни киндик қоним тўкилган гўшага келдим. Уйдан чиқиб кетган кунимдагидек яёв юриб келдим. Лекин бу вақт ичида мен лама ва аббат бўлишга улгургандим. Ота-онам йўлимга кўз тикиб ўтиришган экан ва мени машҳур меҳмон каби қарши олишди. Кечқурун яна отамнинг хонасида бўлдим ва оила китобига имзо чекиб, унвонларимни қайд қилиб қўйдим. Шу ишларни қилиб бўлгач, мен яна яёв юриб қадрдон ошиёним — ибодатхонага қайтиб келдим.

Кейинги икки кун кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Жўнашимдан олдин мен яна Далай Лама билан учрашдим. Мен у билан хайрлашдим, у мени дуо қилди. Унинг олдидан чиқиб кетарканман, юрагимни нимадир аёвсиз кемирарди. Ҳар иккаламиз ҳам энди ўлганимиздан кейин, бошқа дунёда кўришажагимизни билиб турардик.

Эртаси куни қуёшнинг илк нурлари остида биз шошмай ва ҳеч бир иштиёқсиз йўлга тушдик. Мусофир юртларга кетар эканман, мен яна бир марта бошпанам ва рўзғоримдан жудо бўлмоқда эдим. Ҳаммаси бошидан бошланмоқда эди. Тоғ доворининг чўққисига етгач, биз орқага ўгирилдик ва муқаддас Лхаса шаҳрига охириги бора узоқ қараб қолдик.

Потала эҳроми узра ёлғиз варрак парвоз қиларди...

*Амир ФАЙЗУЛЛА,
Файзи ШОҲИСМОИЛ
таржимаси*

“ЖАҲОН АДАБИЁТИ” ЖУРНАЛИДА 1999 ЙИЛДА ЧОП ҚИЛИНГАН АСАРЛАР

ЯНГИ АСР БЎСАҒАСИДАГИ ҲИЛЛАР

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Озод Шарафиддинов, Бўрибой Аҳмедов, Ҳамид Зиёев, Пиримқул Қодиров, Мирсодиқ Исҳоқов, Неъматулла Иброҳимов, Нажмиддин Комилов, Дилором Алимова, Муҳаммад Али, Фулом Каримов, Нурғоди Тошев, Карим Норматов, Ортиқбой Абдуллаевлар иштирокида давра суҳбати. № 1.

НАРЗУЛЛА ЖЎРАЕВ. Саккиз йил сабоқлари. № 9.

НАСР

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ. Чингизхоннинг оқ булут. Қисса. № 4.
АНДРЕ БРИНК. Шамолдаги лаҳза. Роман. №6,7,8.
ИСМОИЛ ГАСПРАЛИ. Хотинлар ўлкаси. Хаёлий-саргузашт қисса. №1.
ПОЛ ГЕЛЛИКО. Томасина. Роман. №11, 12.
ФОЗИЛ ИСКАНДАР. Шоир. Қисса. №1.
ВАЛЕНТИН КАТАЕВ. Бинафша. Ҳикоя. №9.
АБИШ КЕКИБОВ. Пойгатурик. Қисса. №10.
ИВОННА КЁЛС. Инжиқ Давиднинг онаси. Роман. №3,4,5.
МИХАИЛ ЛАКЕРБАЙ. Меҳмон. Жигаргўшалар. Аргун Сайдоқ. Ҳикоялар. №2.
АББАТ ПРЕВО. Кавалер де Гриё ва Манон Леско қиссаси. №1,2.
МАРАХ РУСЛИ. Ситти Нурбая. Роман. №7,8,9.
ФРАНСУАЗА САГАН. Кўлмак сувда қуёш парчаси. Қисса. №5,6.
КРИШАН ЧАНДАР. Дадар кўпригидаги болалар. Қисса. №2.
ЛИДИЯ ЧУКОВСКАЯ. Софья Петровна. Қисса. №9.
ИРВИН ШОУ. Тунги дарбон. Роман. №10,11,12.
ҚАДИМГИ ХИТОЙ НАСРИ. Қиссалар, ҳикоялар, масаллар. №2.

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

ИОСИФ БРОДСКИЙ. Ҳаёт бу — эгамники. №3.
АНДРЕЙ ВОЗНЕСЕНСКИЙ. Роз айтилик жўровоз. №12.
ЖАМОЛ КАМОЛ. Юлдузларга уланар юрак. №1.
ЛУИС ДЕ КАМОЭНС. Бағримни ўртаган ўшал ўт қараш. №8.
ДЕСАНКА МАКСИМОВИЧ. Юрагим севгининг тиниқ булоғи. №3.
ГАБРИЭЛА МИСТРАЛЬ. Даврамиз кўшиғи. №10.
АДАМ МИЦКЕВИЧ. Эрк ёғдуси. №7.
ГУЛЧЕҲРА НУР. Иншооллоҳ, бу юрт ажиб юрт бўлур. №7.
ОЗАРБОЙЖОН ХАЛҚ ИЖОДИ. Баётилар. №3.
ЖАК ПРЕВЕР. Мен кутиб яшайман бахтли соғинччи. №10.
РОБЕРТ РОЖДЕСТВЕНСКИЙ. Сен боқийсан, Ватан. №11.
АРВИ СИЙГ. Дунёда эзгулик бор ҳали, инон. №6.
РАБИНДРАНАТ ТАГОР. Кўнглимизда умид ва имон. №4.
УОЛТ УИТМЕН. Кўкат барглари. №11.
АЖМАЛХОН ХАТАК. Фунчалар лабидан бўса олайлик. №2.
МАРИНА ЦВЕТАЕВА. Ҳеч кимга бермайман, Қуёшим, сени. №8.
ЕГИШЕ ЧАРЕНЦ. Янғроқ тордир юрагим менинг. №5.
ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ. Рубойлар. №5.
ПЕРСИ БИШИ ШЕЛЛИ. Чорлар эрк туғи мудом. №12.
НИКОЛАЙ ЯКИМЧУК. “Мен ишлардим — шеърлар ёзардим”. И. Бродский устидан суд жараёни. №3.
НАЖИБ ФОЗИЛ ҚИСАКУРАК. Ғусса. №1.
ҚОЗОҚ ШОИРЛАРИ. Ойдин кўлга кўнар оққушлар. №9.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

206

ФАЙЁД ХАМИС. Ҳасратли сўзга тўлиб учган шамол. №2.
АБДУЛҲАҚ ҲОМИД. Яшашдан мурод надир, баён эт! №9.

НАЗМ ДАФТАРИДАН

БАҲРОМ РЎЗИМУҲАММАД. Бир зина тушаман зинапоядан. №4.

ДРАМА

УСМОН АЗИМ. Бир қадам йўл. №2.
САЪДУЛЛА ВАННУС. Султон барибир султон. №11.
ОДИЛ ЁҚУБОВ. Бир кошона сирлари. №10.
ЕЖИ ЮРАНДОТ. Тўққизинчи покиза. Комедия. №6.

ПУБЛИЦИСТИКА

ВАСИЛИЙ БЕЛОВ. Она-Ерга муҳаббат. №7.
ТАТЬЯНА БЕЛОКОНЬ. Мўл-кўллик йўлчи юлдуз сифатида. №9.
АЛЕКСАНДР ГОРБОВСКИЙ. Жоду ва ҳоқимият. №10,11.
ВЛАДИМИР КРИСТОЛ. Шалом, Исроил! №12.
РАҲИМ ТЕЛЯШЕВ. Татарларга қарши “совуқ уруш”нинг охири борми? №10.
П.ТРЕВОГИН. Эшак ялови остида. №10.

АДАБИЙ ТАНҚИД

МУҲАББАТ ШАРАФИДДИНОВА. XX аср адабиётида абсурд ҳаёт руҳи. №1.
МУҲАББАТ ШАРАФИДДИНОВА. Набоков тилсимоти. №12.
ИЛҲОМ ҒАНИЕВ. Шекспир ва Фитрат. №3.

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

БОЗОР ИЛЁС АЛ-АМИН. Гёте совғаси. №6.
ОНОРЕ ДЕ БАЛЬЗАК. XIX аср француз ёзувчиларига мактуб. №8.
АЛЕКСАНДР БЛОК. Шоирлик қисмати ҳақида. №6.
ИОГАНН ВОЛЬФГАНГ ГЁТЕ. Табиат, инсон ва ижод ҳақида. №9.
ВИКТОР ЖИРМУНСКИЙ. “Алпомиш” ва “Одиссея”. №3.
ТОҲИР КАРИМ. Бир кўшиқ тарихи. №12.
АНДРЕ МОУА. Оноре де Бальзак. №8.
МУСЛИҲИДДИН МУҲИДДИНОВ. Кўнгил тимсоли. №2.
АЛИШЕР НАВОИЙ. Хожа Баҳоуддин ва Хожа Аҳрор зикрида. №2.
АЛЕКСАНДР СЕРГЕЕВИЧ ПУШКИН. Кўнгил орзулари фидо ўшанга. Шеърлар. №6.
ДИЛОРОМ САЛОҲИЙ. Шеърини услуб жилolari. №2.
МУҲАББАТ ШАРАФИДДИНОВА. Улмас даҳо. №6.
ЯНГЛИШ ЭГАМОВА. Гёте даҳоси. №9.
Ўзимизнинг “Фауст”. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов билан шоир Шукур Курбон суҳбати. №9.

ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САҢЪАТ

ЛЮДМИЛА ВОРОНЦОВА, СЕРГЕЙ ФИЛАТОВ. Курашади икки оқим... №3.
ТОМАС ВУЛЬФ. Бир роман тарихи. №1.
РУСТАМ ЖУМАЕВ. Жаҳолатга қарши янги тафаккур. №9.
Т.Э. ЛОУРЕНС. Шарқдаги ўзгаришлар. №12.
АДАМ МЕЦ. Исломий Уйғониш. Олимлар. №2.
А.НЕСТЕРОВ. Исёнлар сарвари. №12.
АНДРЕЙ САХАРОВ. Эсдаликлар. №5,6.

ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА

ЮРИЙ БОРЕВ. Сталиннома. №5.
МИХАИЛ РОММ. Н.С.Хрущёв билан тўрт учрашув. №2.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

ВИТАЛИЙ ШЕНТАЛИНСКИЙ. Инқилобий кўриқхонадаги овлар. №4.
ШАРИФ ЮСУПОВ. Хуфия қатламлар. №2.

МОЗИЙДАН САДОЛАР

В.ДЕГОЕВ. Имом Шомил. №10.

ЖАЖЖИ ПОРТРЕТЛАР

ФАРҲОД ҲАМРОЕВ. Кавабатанинг мусаффо олами. №2.

1999 — АЁЛЛАР ЙИЛИ

Н.В.ГОНЧАРЕНКО. Даҳо аёллар. №7.

АННЕМАРИЕ ШИММЕЛ. Жонон менинг жонимда. №5.

М.КАРЛ ЯН. Амир Темур ва аёллар. №3.

ТУРКИЙ ДУНЁ БУЮКЛАРИ

ТУНЖЕР БОЙҚАРО. Заки Валиди Тўғон. №7.

ОЙДИН ТАНАРИЙ. Жалолиддин Хоразмшоҳ салтанати. №8.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

МАЛИК МУРОДОВ. Маънавий кўприклар. №2.

УМАРАЛИ НОРМАТОВ. Хотиралар жозибаси. №3.

НАИМ НОРҚУЛОВ. Шайх Кубро тушлари. №5.

РАҲМОНҚУЛ ОРЗИБЕКОВ, ГУЛБАҲОР РАҲИМОВА. Ҳазрат Хожа Ахрор тарихи. №1.

АКМАЛ САИДОВ, АБДУЛҲАКИМ ЖУЗЖОНИЙ. Куёш Шарқдан чиқади.

Фозила Сулаймонованинг “Шарқ ва Фарб” китоби ҳақида. №12.

ЖАҲОНГИР САРИМСОҚОВ. Сувга чўккан рубонийлар. №8.

ИЗЗАТ СУЛТОНОВ. Жадидчилик истиқлол кўзгусида. №10.

УБАЙДУЛЛА УВАТОВ. Туркиялик олим туҳфаси. №4.

АЛИНАЗАР ЭГАМНАЗАРОВ. Ойдин йўл. №11.

НОБЕЛЬ МАЪРУЗАЛАРИ

ПЕРЛЬ БАК. Бу мукофот барчамизники. №2.

ЭРНЕСТ ХЕМИНГУЭЙ. Забт этилмаган чўкки. №2.

УИЛЬЯМ ФОЛКНЕР. Инсон мангу яшайди. №2.

ЁЗУВЧИНИНГ КЎНГИЛ ДАФТАРИДАН

АБДУҚАҲҲОР ИБРОҲИМОВ. Туркистон япроқлари. №2.

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

ВАСИЛИЙ ЗУБКОВ. Одамхўр император. №1.

АҲМАДЖОН МЕЛИБОЕВ. Малика Диананинг сирли ўлими. №2.

УИЛЬЯМ СОМЕРСЕТ МОЭМ. Тасодифий танишув. Ҳикоя. №9.

ВЛАДИМИР ПЕЧЕНКИН. Тошлар тилга кирганда. №4.

МАРИО ПЬЮЗО. Мафия сардори. Роман. №6,7.

Т.ЛОБСАНГ РАМПА. Учинчи кўз. №10,11,12.

ЖЕЙМС ХЭДЛИ ЧЕЙЗ. Гонконгдан келган тобут. Роман. №3,4.

ХИДЕО ЯМАДЗАКИ. Виждон. Ҳикоя. №5.

ЖАҲОН КУЛАДИ

ФАХРИДДИН АЛИ САФИЙ. Латифалар. “Латофат-ул тавоиф”дан. №4.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

УЛУҒБЕК РАҲИМОВ. Парижда ўзбек наволари. №5.